

24 (4 huj)  
p-168



«KAMOLOT»  
KUTUBXONASI

Томас Майн Рид

# Бошсиз чавандоз



84(4ккп) P-48

Томас Майн Рид

# Бошсиз Чавандоз



  
ЯНГИ АСР АВЛОДИ  
ТОШКЕНТ  
2017

TerDU ARM  
№ 398455

е-  
н  
о-  
и  
к  
р  
н  
й-  
б  
и-  
от  
ё-  
га  
га  
аб  
д-  
ан  
иб  
а-  
н-  
га  
га

**УЎК: 821**

**КБК: 84(4Ингл)**

**Р – 49**

**Рид, Томас Майн**

Бошсиз чавандоз: роман. Томас Майн Рид / Рус тилидан Султон Муҳаммаджонов таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – 464 б.

ISBN 978-9943-27-784-7

«Бошсиз чавандоз» Майн Рид ижодий меросининг дурдона асари ҳисобланади. Асар қаҳрамонлари гўзал хоним Луиза Пойндекстер ва ирландиялик олижаноб йигит Морис Жеральд, ҳамма воқеалар уларнинг Саваннадаги илк учрашувларидан бошланди. Луизага уйланишни мақсад қилиб юрган капитан Кассий Колхаун икки юракда алангаланган муҳаббатга тўсқинлик қилишни ўйлади. Ўзининг ёвуз ҳийла ва режаларини ишлаб чиқди. Морис Жералддан ўч олиш ниятида уни ўлдирмоқчи бўлди, лекин ўзи билмаган ҳолда тоғасининг ўғли Генрининг ҳаётига зомин бўлди. Асардаги кейинги воқеалар ривожни шиддатли ва қизгин кечадики, китобхон романни бир нафасда ўқиб чиқади.

Ўқувчи романни ўқиш давомида ҳақиқий муҳаббат ҳамisha қадрланишини, адолат ноҳақлик устидан ғалаба қилишини, эзгулик ёруғ кунларга етказишини асар қаҳрамонларининг ўзаро муносабатлари орқали қалбдан ҳис қилади.

**Рус тилидан**  
**Султон МУҲАММАДЖОНОВ**  
**таржимаси**

ISBN 978-9943-27-784-7

© Томас Майн Рид, «Бошсиз чавандоз». «Янги аср авлоди», 2017 йил.

## МУҚАДДИМА

Саваннанинг<sup>1</sup> тунги жимжитлигида мудраётган те-хас кийиги от дупурини эшитиб, чўчиб тушди. Лекин у ўзининг кўм-кўк ўрнини ташлаб кетмади, ҳатто ўр-нидан ҳам турмади. У чиройли калласини сал юқори кўтарди, ўт устида унинг шохи кўринди. Кўшни ўтлоқ-дан бирор мустанг<sup>2</sup> чопиб келяпти, шекилли, дегандек қулоқ солди.

Яна туёқ товуши эшитилди. Бу сафар бошқа бир товуш – металлнинг тошга урилгани аниқ эшитилди.

Бу товуш кийикни безовта қилди. У сакраб ўрнидан турди-да, дашт ичкарисига қараб ура қочди. Анча жой-га етиб олгандан кейингина тўхтаб, орқасига ўтирилиб қаради: унинг тунги роҳатини бузган ким бўлдийкин?

Жануб осмонидаги ойнинг ёруғ шуъласида у ўзи-нинг ашаддий душмани, одамни кўриб қолди. От минган одам унга яқинлашиб келар эди.

Кийик яна қочмоқчи эди-ю, чавандознинг ғалати қиё-фасини кўриб, турган жойида донг қотиб қолди. У ерга қалишиб олиб, қимир этмай қараб турар, катта-катта қора қўзларида қўрқув ва ҳайронлик акс этарди.

Кийикнинг бунчалик узоқ тикилиб қолишига сабаб нима? Отми? Лекин у жиловланган ва эгарланган од-дий от-ку, ахир. Унинг қиёфасида қўрқув соладиган ҳеч нарса йўқ-ку. Ёки кийикни чавандоз қўрқитиб юбордимикин? Унинг қиёфаси ғайритабиий, ваҳима-га соладиган эди. Чавандознинг боши йўқ эди!

Мени қандай махлуқ қўрқитиб юборди ўзи, деган-дек кийик яна бир марта олазарақ бўлиб чавандозга қаради-да, дашт ичкарисига қочди. Энди у орқасига

<sup>1</sup> Саванна – Америкада барра ўтлар ўсадиган дашт.

<sup>2</sup> Мустанг – Америка даштларда бўладиган ёввойи от.



қарамас эди. У Леона тўлқинларига отилди-да, дарёнинг нариги соҳилига чиқиб олгандан кейингина ўзини хавфсиз ҳис қилди.

Бошсиз чавандоз эса кийикнинг кўрқиб кетганига эътибор қилмади, ҳатто унинг борлигини ҳам сезмагандек йўлида бепарво давом этди. Чавандоз ҳам дарё томонни мўлжаллаб келарди. Афтидан, сира шошилмас, секин, хотиржам, деярли тантанали тарзда борарди.

Ўз фикрларига шўнғиб кетган чавандоз жиловни қўйиб юборганди, ўз ҳолига қўйиб юборилган от эса йўл ёқасидаги ўтларни ҳар замонда еб борарди. От коётлардан кўрқиб, бошини силкитиб, пишқириб, таққа тўхтаб қолган пайтларда ҳам чавандоз отни на овоз чиқариб, на жиловини силтаб ҳайдарди. У алақандай сирли ўйлар таъсирига берилиб кетган, атрофда бўлаётган воқеалардан тамом беҳабар эди. У товуш чиқариб ҳам, ҳатто шивирлаб ҳам ўз сирини ошқор қилмас эди.

Чавандознинг елкасига серапе<sup>3</sup> ташланган, шамол келиб урилганда у ҳилпираб, чавандознинг кўкрагини очиб юборар эди. У оёғига ягуар терисидан тикилган, қўнжи узун этик кийганди. Тунги нам ва тропик жалалардан шу тарзда ҳимояланган чавандоз осмонда милтилаб турган юдузлардек жим, ўт орасида чирллаб ётган саратондек беғам, кийимини ҳилпиратиб ўйнаётган шабададек бепарво эди.

Бирдан чавандознинг хаёли ўзига келгандек бўлди, от қадамини тезлатди. Мана, от калласини силкиб, шодлик билан кишнаб юборди. Бўйинини чўзиб, бурун тешикларини кериб қадамини тезлатди ва секин-аста чопиб кетди. Отнинг чопиб кетишига сабаб дарёга яқин келиб қолгани эди.

От то дарёнинг тиниқ, муздек сувига келиб тушгунча тўхтамади. У билан бирга дарёга тушган чавандоз ҳам тиззасигача сувга ботди.

Жонивор тез-тез сув ичиб чанқоғини босди, сўнг дарёнинг нариги бетига сузиб ўтди-да, чопганича қия

<sup>3</sup> Ҳиндларнинг ола-була шолчаси.

ён бағирдан юқори кўтарилди. Юқорига чиқиб олгач, бошсиз чавандоз отнинг силкиниб олишини кутгандек, бир оз тўхтади, сўнгра яна йўлида давом этди.

Атрофида эса бепоён Саванна ястаниб ётар, ойнанинг сирли нури остида у осмон билан туташиб кетгандек туюларди.

## БИРИНЧИ БОБ

### ЁНДИРИЛГАН ДАШТ

Чошгоҳ қуёши қадимий испан шаҳри Сан-Антониодан юз мил жанубда чўзилиб ётган бепоён Техас паст-текислигини ўткир нури билан қиздириб ётарди.

Қуёшнинг олтин нурлари остида ёввойи дашт манзарасига ёт бўлган бир тўда нарсалар кўзга ташланарди. Бу тепасига оқ чодир тортилган фургонлар эди. Аравалар ҳаммаси бўлиб ўнта эди. Уларни савдо карвони ё ҳукумат от-араваси деб ўйлаш учун бу жуда камлик қиларди. Тўғрироғи, Леона бўйидаги янги посёлкалардан бирига кўчиб келаётган бирон киши ўзининг кўч-кўронини ортиб келаётган бўлса керак.

Турнақатор тизилиб олган аравалар Саванна жазирасида ниҳоятда секин судралиб бораётганидан уларнинг ҳаракати деярли сезилмасди. Қўрқиб кетган оҳунинг ура қочиши ёки бирор балиқчи қушнинг шовқин солиб учиб кетиши карвоннинг ростдан ҳам силжиб бораётганини билдирар эди.

Чошгоҳда, дам олиш пайтида даштда учиб юрган бирор қуш ҳам, чопиб кетаётган бирон ҳайвон ҳам кўринмасди. Уларнинг ҳаммаси ўзини сояга урганди. Қуёшнинг жазирама иссиғида, фойданинг кетига тушиб бўлса керак, фақат одамзот ўз йўлида давом этарди.

Барча аломатларга қараганда, карвон кўчиб кетаётган оддий бир кишига эмас, балки бирор бадавлат иммигрантга тегишли эди. Питтсбургда ишланган энг яхши фургонларнинг ҳар бирига саккизтадан бақувват хачир қўшилган эди. Карвонда ҳабаш қўллар кўп эди.

Қул аёллар болалар билан фургонларда, эркаклар эса арвалар ёнида ёки орқасида зўрға қадам ташлаб судралиб борар эдилар. Олдинда боқувда ётган Кентукки хачирлари қўшилган карета борар эди. Козлада ливрея кийган қул ҳабаш иссиқдан нафаси бўғилиб ўтирарди.

Буларнинг ҳаммаси шимолий штатлардан бўлган камбағал бир кишининг янги макон қидириб кетаётганидан эмас, балки жанублик бирор бадавлат одамнинг плантация сотиб олгани ва ҳозир ўша ерга кўчиб кетаётганидан дарак берарди.

Ҳақиқатан ҳам обоз плантатор Вудли Пойндекстерга тегишли эди; у оиласи билан Индианолада, Матагорда қўлтиғи соҳилида кемадан тушди, энди эса даштни кесиб ўтиб, ўзининг янги мулкига борарди.

Арава карвонини кузатиб кетаётган отлиқлар тўдаси бошида плантаторнинг ўзи борарди. У новча, озғин, рангпар, юз териси бир оз сарғиш, эллик ёшлар чамасида бўлиб, мағрур ва қовоғи солинган одам эди. Ўзи оддий, лекин дид билан кийинганди. Эгнига алпагадан тикилган кенг кафтан, қора атласдан жилет ва нанкадан шим кийган. Жилетининг ичидан юпқа матодан тикилган, ёқасига қора лента тутилган кўйлаги кўриниб турарди. Юмшоқ теридан тикилган ботинкасини узангига тираб олган эди. Бошидаги кенг соябонли похол шляпаси юзини жануб қуёшининг куйдирувчи нурларидан сақлаб турарди.

У билан ёнма-ён икки чавандоз, бири ўнг томонидан, иккинчиси сўл томонидан борар эди. Улардан бири – ёши йигирмаларга ҳам тўлмаган бир йигитча эди, иккинчиси – ундан етти ёшлар чамаси каттароқ йигит. Биринчиси Пойндекстернинг ўғли эди. Йигитчанинг очиқ, хушчақчақ юзи жиддий отаси ва қовоғи солинган учинчи отлиқ ёнида тез кўзга ташланар эди.

Йигитчанинг эгнида оддий матодан тикилган ҳаворанг кенг блуза, худди шундай материалдан шим, бошида эса юмшоқ панама. Унинг кийими ўзига ярашиб турганидан ташқари, жануб об-ҳавосининг талабларига ҳам жуда мос эди.

Учинчи чавандоз плантаторнинг жияни эди. У кўнгилиларнинг истеъфога чиққан офицерларидан бири. Эгнида тўқ кўк рангли сукнодан ҳарбийчасига тикилган костюм, бошида сукно фуражка.

Улардан бир оз нарида яна бир чавандоз карвонни кузатиб борарди. Унинг афт-башараси дағалроқ бўлиб, кийим-боши ҳам оддий. Қўлидаги шпорини усталик билан қарсиллатишига қараб, унинг плантатор қуллари назоратчиси эканини ҳеч янглишмай тушуниб олиш мумкин эди.

Каретада икки қиз ўтирарди. Қизлардан бирининг бадани оппоқ пахтадек, иккинчисиники эса қоп-қора. Биринчиси – Пойндекстернинг ёлғиз қизи, иккинчиси эса унинг хизматкор қули эди. Улар Миссисипи дарёси соҳилларидан, Луизиана штатидан кўчиб келмоқда эдилар. Плантаторнинг ўзи жанубий штатлик эмас эди; унинг ташқи қиёфасига қараб креол<sup>4</sup> эмаслигини дарҳол сезиб олиш мумкин. Ўғлининг ва айниқса, қизининг хушрўй, нозик чеҳрасига қараб, уларнинг чиройли французлар авлодидан эканлигини аниқлаш қийин эмас эди.

Вудли Пойндекстер жанубдаги йирик қанд плантацияларининг хўжайинларидан эди. У жуда кўп пуллари созуриб юборди ва меҳмондўстлиги билан ном чиқарди. Ниҳоят, бир кун синди, шунинг учун у Луизианадаги плантацияларини ташлаб, оиласи билан жануби-ғарбий Техаснинг ёввойи даштларига кўчиб кетишга мажбур бўлди.

\* \* \*

Қуёш деярли тикка келган. Саёҳатчилар ўз сояларини босиб секин юриб борардилар. Жазирама иссиқдан қийналиб кетган оқ танли чавандозлар эгарларда жим ўтирар эдилар. Иссиққа ўрганган ҳабашлар ҳам ўзларининг бир оҳангдаги, кишини толиқтирадиган

---

<sup>4</sup> Креол – Америкага дастлаб кўчиб борган французлар ёки испанларнинг авлодлари. Улар ўз миллий тил ва урф-одатларини сақлаб қолганлар.

гап-сўзларини тўхтатиб қўйган ва чарчаган, тўдалашиб индамай аравалар кетидан судралиб келар эдилар.

Кишини зориқтирувчи жимжитликни фақат шпорнинг қаттиқ шақиллаши ва аравакаш ҳабашларнинг ҳайқириқлари бузарди.

Карвон таваккалига йўл юраётгандек секин қимирлаб борарди. Аслида тўғри йўл ҳам йўқ. Йўлни бу ердан илгарироқ ўтган араваларнинг изидан фақат эзилган ўтлар устига тушиб қолган изидан ажратиш мумкин.

Плантатор боришимиз лозим бўлган манзилдан йигирма мил жойда кетаётган бўлсак керак деб тахмин қиларди; у қоронғи тушгунча манзилга етиб бормоқчи эди. Шунинг учун у чошгоҳнинг иссиғига ҳам қарамай йўлга тушишни буюрганди.

Бирдан назоратчи ишора қилиб араваларни тўхтатди-да, хўжайин олдига от чоптириб келди. Унинг юзидан хавотирга тушиб қолгани кўриниб турарди.

У ҳиндуларни кўриб қолдимикан? Бу ерларда ҳиндулар тўғрисида ҳар хил кўрқинчли миш-мишлар юрарди.

– Нима гап ўзи, Сансом? – деб сўради плантатор чавандоз унинг олдига яқин келганда.

– Ўт кетибди. Даштда ёнғин бўлган экан.

– Ёнғин бўлса бўлгандир, лекин ҳозир дашт ёнаётгани йўқ-ку, ахир? Мен ҳеч қаердан тутун чиқаётганини кўрмаяпман.

– Йўқ, сэр, йўқ, – деб шошиб жавоб берди назоратчи, – мен дашт ёниб кетибди дедим, холос, ҳамма ёқ қоп-қора бўлиб ётибди...

– Хўш, шу билан нима бўлибди? Менимча, биз кўм-кўк даштдан қандай йўл юрган бўлсак қора даштдан ҳам шундай кетаверамиз.

– Бу қандай тентаклик, Жон Сансом, арзимаган нарсага шунча ҳовлиқиб юрибсан! – деб Пойндекстернинг жияни гапга аралашди. – Одамларни бекордан бекорга кўрқитиб нима қиласан?.. Ҳей, ҳабашлар, қани, қимирланглар! Олға! Ҳайда хачирларни! Ҳайда!

– Лекин, капитан Колхаун, – деб эътироз билдирди назоратчи, – энди йўлни қандай топамиз?

– Йўлни қидириб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Топган гапингни қара-я! Йўлни йўқотганимиз йўқ-ку, шундай эмасми?

– Йўлни йўқотдикмикин деб қўрқаман. Арава излари кўринмай қолди, из ҳам ўт билан бирга ёниб кетибди.

– Ёнса нима бўпти? Менимча, ёниб кетган ердан ҳеч қандай изсиз ҳам ўтиб кета оламиз. Ўт тушган ердан нарига ўтиб олгандан сўнг изни тониб оламиз.

– Тўғри, – деб соддадиллик билан жавоб берди даштнинг ғарбий томонларини яхши билган назоратчи, – агар ёниб кетган даштнинг ёнмай қолган нариги томони бор бўлса. Мен эгар устида туриб ҳам нариги томонни кўра олмадим, ҳар қанча қарасам ҳам фойдаси бўлмади.

– Ҳабашлар, ҳайда ҳачирларни! Ҳайда! – деб қичқирди Колхаун назоратчига бошқа жавоб бермай ва отига шпор бериб илгари ўтиб кетди.

Карвон яна йўлга тушди, лекин ёниб кетган дашт чегарасига келиб яна тўхтаб қолди, бу сафар у ҳеч кимнинг буйруғини кутмай, ўзидан ўзи тўхтади. Энди нима қилиш кераклигини муҳокама қилиш учун чавандозлар бир четга чиқдилар. Олдинда, кўз илғайдиган жойнинг ҳаммаси қоп-қора, бутунлай куйиб кетган бепоеъ дашт эди. Унда биронта ҳам омон қолган ўсимлик, биронта ҳам кўк ўтпоя, биронта ҳам яшил барг қолмаганди. Олдинда, ўнгда, чапда узоқ-узоқларга чўзилган чексиз ғамгин манзара ястаниб ётарди. Ҳатто жануб осмонининг олтин ранг гумбази ҳам бу ерда бутунлай қоп-қора бўлиб кўринарди. Қуёш юзини булутлар тўсмаган бўлса ҳам, гўё нур сочишни ис-тамагандек ва ердаги бу мотамсаро манзарага қараб қовоғини солаётгандек туюларди.

Афтидан, ёнғин ёз кунларида қуёш туриб қолишидан ўт пишган пайтда юз берган эди.



Сансом, даштда йўлнинг ҳеч қандай изи қолмабди деб тўғри айтган эди, у даштдаги ўт билан бирга ёниб кетган эди.

– Энди нима қиламиз? – деб сўради плантатор. Унинг овозидан довдираб қолгани билиниб турар эди.

– Нима қилардик, Вудли тоға? Йўлимизда давом этамиз, албатта. Дарё ўт тушган жойнинг нариги тарафида бўлиши керак. Борди-ю, ярим мил атрофдан кечув жойини топмасак, оқим бўйлаб юқорига чиқамиз ёки қуйи томонга тушамиз, вазиятга қараймиз-да.

– Менга қара, Кассий, бундай қилсак йўлдан адашамиз-ку, ахир!

– Адашмаймиз. Менимча, ёниб кетган жой катта бўлмаса керак. Йўлдан сал четга чиқсак ҳам ҳеч нарса қилмайди, ахир эртами-кечми дарё ёқасига чиқамиз-ку.

– Хўп, яхши, дўстим, ўзинг биласан, сен нима десанг мен ўшанга розиман.

– Кўрқманг, тоға. Мен бундан баттарроқ жойларда ҳам йўл бошловчилик қилганман... Ҳайда, ҳабашлар! Орқамдан юринглар!

Шундай деб истеъфодаги офицер карета томонга виқор билан назар ташлади. Карета деразасига тутилган парда орқасидан хавотирликдан бир оз ташвишга тушган чиройли қиз қараб турарди. Колхаун отига шпор урди ва мамнунлик билан олдинга от чоптириб кетди. Шундан сўнг яна қарсиллай бошлаган шпорлар товушига арава ғилдиракларининг ғирчиллаши билан саксонга хачир туёқларининг тўпиллаши жўр бўла бошлади. Фургонлар яна йўлга тушди.

Хачирлар тез чопиб борар эди. Қоп-қора бўлиб ётган бундай манзарани биринчи марта кўрганлари учун кўрқар, улар кулга оёқ босиши билан дарҳол кўтариб олар эдилар. Жониворлар бу манзарага секин-аста кўникди ва текис қадам ташлаб юра бошлади.

Шу тарзда карвон бир милча йўл юрди, сўнг яна тўхтади.

Манзара, агар бу куйиб кетган даштни шундай деб бўлса, ўзгарди, бироқ баттар хунуклашиб кетди.

Атроф аввалгидек то уфққача қоп-қора эди. Лекин бу ерга келиб текислик баланд-пастликка айланди: текис водийлар орасида тепалар, унча баланд бўлмаган адирлар билан алмашилиб турди. Бу ерда дарахтлар мутлақо йўқ деб бўлмасди, кўришиб турган буталарни эса дарахт деб аташ қийин. Бу ерда якка-якка ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб Мексика акаслари ўсиб ётарди. Уларнинг нозик баргларидан ном-нишон қолмаганди, қинғир-қийшиқ таналари ва қорайиб қолган шохлари ғамгин скелетлардек қаққайиб турарди.

– Йўлдан адашдингми, дўстим? – деб сўради плантатор, шошиб жияни ёнига келар экан.

– Йўқ, тоға, ҳозирча адашганим йўқ. Атрофни яхшилаб кўриб олай деб тўхтадим. Йўл пастда, ҳов анави водийда бўлиши керак. Биз тўғри йўлдан кетяпмиз. Карвон йўлида давом этаверсин. Жавобгарлик менинг бўйнимга.

Яна йўлга тушдилар. Қияликдан пастга тушдилар, водий бўйлаб бордилар, сўнг яна қияликдан юқорига, бошқа тепаликка кўтарилидилар ва тепада яна тўхтадилар.

– Ҳар ҳолда йўлдан адашганга ўхшайсан-а, Кассий? – деб қайта сўради плантатор яна жияни олдига келиб.

– Минг лаънат! Шунақага ўхшайди. Бу жаҳаннамда иблиснинг ўзи ҳам йўлини тополмаса керак дейман... Йўқ, йўқ! – деб давом этди Колхаун, каретанинг яқин келиб қолганини кўриб ва ўзининг довдираб қолганини билдирмасликка тиришиб. – Энди менга ҳаммаси равшан. Дарё ҳов анави тарафда бўлиши керак. Олга!

Шундай деб капитан отига қамчи урди, лекин кўришидан қайси томонга юриш кераклигини ўзи ҳам билмас эди. Фургонлар унинг кетидан эргашди.

Колхауннинг довдираб қолгани ҳабашлар назаридан қочмади. Улар арваларнинг тўғри йўлдан юрмай, куйиб кетган буталар оралаб тепалик ва куйган водийлардан ўтиб бораётганини билиб турардилар.

Мана, йўл бошловчининг далда берувчи қичқириғи уларга умид бағишлади. Унга жавобан баравар ишга

солинган шпорларнинг қаттиқ-қаттиқ қарсиллаши ва шодлик ҳайқириқлари эшитилди.

Саёҳатчилар яна йўлга чиқиб олган эдилар, бу ердан яқиндагина ўтган арава ва туёқларнинг янги излари кўриниб турарди. Худди уларнинг карвонига ўхшаган бирор карвон ёниб кетган даштдан яқин орада ўтган экан.

Ҳеч шубҳасизки, ўша карвон Леона дарёси томонга қараб борар эди; унинг Инж қальасига бораётган ҳукумат араваси эканига шубҳа йўқ эди. Шундай экан, унинг изидан бориш керак. Қалъа уларнинг йўли устида, қалъага етиб олгандан сўнг эса манзил ҳам яқин қолади.

Шундан қулайроқ йўлни топиб ҳам бўлмасди. Капитан ўзини тутиб олди ва ўзидан мамнун эканини яширмаган ҳолда йўлга тушиш ҳақида буйруқ берди.

Карвон бир мил, эҳтимолки, ундан ҳам ортиқроқ масофани ўша издан босиб ўтди. Из тўппа-тўғри бормас, балки куйиб ётган буталар орасидан ўтиб борарди. Кассий Колхауннинг юзидаги мамнуният ифодалари йўқолди, улар ўрнини умидсизлик эгаллади-да, қош-қовоғи осилди. У ўзлари ўтиб бораётган қирқ тўрт филдиракнинг изи ўз карвонларининг изи эканини тушуниб қолган эди.

## ИККИНЧИ БОБ

### КАМАНД ИЗИ

Вудли Пойндекстернинг фургонлари ўз изидан бораётганига ҳеч шубҳа қолмаган эди.

– Ўз изларимиз экан-а! – деб ғўлдирарди Колхаун лаънатлар ёғдириб.

– Ўз изимиз дейсанми? Бу билан нима демоқчисан, Кассий? Наҳотки, бу ердан ўтган бўлсак?

– Ўз изларимиздан дейсиз-да? Ҳа, ўз изларимиздан. Биз тўла айлана ясаб келибмиз. Қаранг, мана бу менинг отимнинг орқа оёқ изи – яримта тақа изи, мана булар эса ҳабашларимизнинг изи. Бундан ташқари,

мен бу ерни ҳам танидим. Мана бу биз охирги марта тўхтаган тепанинг худди ўзгинаси. Тоза ҳам лақиллаб-мизда – икки милча йўлни бекор босиб ўтибмиз.

Энди Колхауннинг юзида фақат довдираш белгиларигина эмас, аччиқ алам ва номус ифодалари ҳам кўринди. Карвоннинг ҳақиқий йўл бошловчисиз қолганига у сабабчи эди. Индианолада топишган йўл бошловчи кеккайган капитан билан чиқишолмай, кетиб қолган эди.

Улар ёнига карета яқинлашиб келганда ва чиройли кўзлар уларга ҳайронлик билан қараганда капитаннинг қовоқ-тумшуғи жуда ҳам осилиб кетарди.

Пойндекстер энди ундан ҳеч нарсани сўрамай қўйди. Йўлдан адашганликлари энди ҳаммага маълум эди.

Карвон яна тўхтаб қолди. Оқ танли чавандозлар маслаҳатлаша бошладилар.

Аҳвол жиддий эди. Плантатор илгари ўйлаганидек қоронғи тушгунча манзилга етиб олишдан умидини узган эди. Улар қўйиб кетган даштда тунашга мажбур бўлсалар ҳам, хачирларни суғориш учун сув топишлари керак эди. Чунки бир кечагина эмас, эҳтимол, бир неча кеча шу ерларда қолиб кетишар, ким билади дейсиз?

Лекин ҳар ҳолда йўлини топиш керак!

Қуёш ҳали анча баландда бўлса ҳам ғарб тарафга оғиб бормоқда эди. Компас ёрдамида шимол қаёқда-ю, жануб қаёқда, шарқ қаёқда-ю, ғарб қаёқда эканини ажратиб олса бўларди. Лекин қайси тарафга юриш кераклигини билмагандан кейин бунинг нима кераги бор! Колхаун эҳтиёткор бўлиб қолди. У энди йўл бошловчилик қилишга талабгор бўлмади. Муваффақиятсизликка учрагандан сўнг унинг юраги бетламай қолди.

Юз берган аҳволни ўн дақиқача муҳокама қилдилар, лекин ҳеч кимдан дурустроқ бир маслаҳат чиқмади. Уларни бундай оғир аҳволга солиб қўйган бу қора даштдан қандай қилиб чиқиб кетишни ҳеч ким билмас эди.

Узоқдан қора калхатлар галаси кўринди. Улар тобора яқинлашиб келавердилар. Калхатларнинг баъзилари ерга қўнар, баъзилари эса адашиб қолган саёхатчилар устида айланиб юрар эди. Қушларнинг бу қилиғини қандай тушуниш керак?

Кишини зориқтирувчи яна ўн дақиқа ўтди. Шу пайт бирдан одамларга яна жон кириб қолди. Узоқдан бир чавандоз кўринди. У тўппа-тўғри карвон тарафга от қўйиб келарди.

Мана бу қутилмаган бахт! Шундай бир жойда одам зотини учратиш кимнинг хаёлига келганди дейсиз! Ҳамманинг кўзида яна умид учқунлари чақнади. Йўловчилар яқинлашиб келаётган чавандозни ўзларининг нажоткори деб билдилар.

– У биз тарафга келяпти, шундай эмасми? – деб сўради плантатор, ўз кўзларига ишонмай.

– Ҳа, ота, у биз тарафга келяпти, – деб Генри бошидаги шляпасини ечди ва уни силкитиб, нотаниш кишини чақира бошлади.

Лекин чавандоз бусиз ҳам тўхтаб қолган араваларни кўрган эди. У тўппа-тўғри шу тарафга от чоптириб келмоқда эди. Аравалар ёнидан ўтиб чавандоз плантатор ва унинг ҳамроҳлари ёнига келди.

– Мексикаликка ўхшайди, – деб шивирлади Генри, нотаниш кишининг кийим-бошига қараб.

– Унда яна ҳам яхши, – деб худди шундай секин жавоб берди унга отаси. – Мексикалик бўлса ёрдам беришига умид яна ҳам кўпроқ бўлади.

– Унинг кийим-бошидан бошқа мексикаликка ўхшайдиган ҳеч нарсаси йўқ, – деб тўнғилаб қўйди Колхаун. – Буни ҳозир биламан... Вуенос диас, сабаллеро! Эста Вуестра мехисано? – деб у нотаниш киши билан испан тилида саломлашди.

– Э, йўқ, – деди эътироз билдирувчи табассум билан нотаниш киши. – Мен мексикалик эмасман. Агар хоҳдасангиз сиз билан испан тилида гаплашишим мумкин, лекин, менимча, сиз инглизчани яхшироқ тушунсангиз керак.

– Бу, агар янглишмасам, сизнинг она тилингиз бўлса ҳам керак?

Колхаун испан тилида айтган табригимда бирор хатога йўл қўйдим, шекилли, деб ўйлади-да бошқа жавоб бермади.

– Биз америкаликлармиз! – деб мағрурлик билан жавоб берди Пойндекстер. Кейин ўзи ёрдам қилишидан умидвор бўлган одамни хафа қилиб қўйишдан қўрқиб қўшиб қўйди. – Ҳа, сэр, биз америкаликлар бўламиз, жанубий штатларданмиз.

– Карвонингизга қараб буни билиб олиш қийин эмас, – деди чавандоз билинар-билинамас истехзо билан ҳабаш қуллар тарафга қараб қўяркан. – Шунингдек, – деб давом этди у, – даштдан биринчи марта ўтиб бораётганингиз ҳам кўриниб турибди. Йўлдан адашдингларми?

– Ҳа, сэр, агар малол келмаса, бизга ёрдам қилиб юборсангиз, бўлмаса, йўлни топиб олишга ҳам умидимиз йўқ.

– Малол келиш-келмаслиги тўғрисида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади. Даштдан ўтиб кета туриб тасодифан изингизга кўзим тушиб қолди. Адашиб қолганингизни кўриб, ёрдам бергани шу томонга чопдим.

– Жуда олижаноблилик қилибсиз. Сиздан жуда миннатдоримиз. Рухсат этсангиз сиз билан танишсак. Мен Пойндекстер бўламан, луизианалик Вудли Пойндекстер. Мен Инж қалъаси яқинидан, Леона дарёси бўйидан бир мулк сотиб олдим. Қоронғи тушгунча ўша ерга етиб олмақчимиз. Сиз нима дейсиз, етиб олармиканмиз?

– Бемалол етиб оласизлар. Лекин бунинг учун мен айтгандек қилишингиз керак.

Шундай деб нотаниш киши бир оз четга чиқди ва адирнинг тепасига қараб от чоптириб кетди.

Ўша ердан туриб у саёҳатчиларнинг қайси тарафдан боришларини белгилаш учун диққат билан атрофни кўздан кечира бошлади.

Чавандознинг қораси осмон билан туташган дашт кенгликларида жуда чиройли кўринар эди.



Ажойиб зотдор тўриқ от. Бундай отни ҳатто араб шайхи ҳам жон деб миниб юрган бўларди! Кўкрақдор, ингичка ва баққувват оёқли, кенг сағринли ва қалин думли ажойиб отнинг ўзи чиройли бир манзара кашф этарди. Ана шундай отнинг устида йигирма бешларга кирган, қадди-қомати келишган чиройли йигит ўтирар эди.

У ажойиб мексиканча кийим кийиб олган эди: эғнида бахмал куртка, ёни тасмаланадиган шим, оёғида кўтос терисидан тикилган этик, белига чиройли қилиб Хитой ипагидан тикилган қип-қизил шарф ўраб олган эди, бошида зар жиякли ярқироқ шляпа.

Барча саёҳатчилар бу гўзал манзарага беихтиёр тикилиб қолган эди.

Чавандозга карета пардаси орқасидан яна бир кишининг диққат-эътибори қаратилган эди. Бу назар бутунлай бошқа ҳисни ифода қиларди. Луиза Пойндекстер бундай одамни умрида биринчи марта кўрди, унинг қизлик орзулари шу кишида гавдалангандек эди.

Ёш қизнинг қалбида ҳаяжон уйғотганидан чавандознинг хабари бормиди? У буни қаердан билсин? Унинг нигоҳи фақат чангга ботган каретани бир лаҳзагина сузиб ўтди. Шундай ҳам бўлади – баъзан кўримсиз чиғаноқ тошга кўзинг тушади-ю, унинг ичида қимматбаҳо дур борлигини билмайсан киши.

– Эҳ, аттанг, мўлжалланган жойингизга ўзингиз етиб олишингиз учун ёрдам берадиган биронта ҳам белги йўқ-а! – деди чавандоз, карвон хўжайинига қараб. – Энди Леонани қалъадан беш мил пастроқдан кечиб ўтасизлар, мен ҳам дарёни худди ўша еридан кечиб ўтаман, шунинг учун отим изидан бораверинглар, хайр, жаноблар!

Нотаниш йигит кутилмаганда шундай деб хайрлашди-да, отига шпор уриб, чоптирганича жўнаб кетди. Нотаниш йигитнинг тўсатдан бундай жўнаб қолиши плантатор ва унинг ҳамроҳларини гангитиб қўйди. Лекин бир неча сония ўтар-ўтмас чавандоз яна қайтиб келди.

– Отимнинг изи сизларга кам ёрдам берадиганга ўхшаб қолди. Бу ердан мустанглар ўтган экан. Улар минглаб туёқ изларини қолдириб кетибди. Тўғри, менинг отим тақаланган, лекин сиз изларни бир-биридан ажрата олмайсизлар, шунинг учун қийналиб қоласизлар, бунинг устига қуруқ кул устига тушган изларнинг барчаси бир хил.

– Энди нима қилдик биз? – деб сўради плантатор умидсизликка тушиб.

– Ҳолингизга ачинаман, албатта, мистер Пойндекстер, лекин сизларни кузатиб боролмайман. Қалъага муҳим бир ҳужжатни тезлик билан етказиб беришим керак.

– Агар менинг изимни йўқотиб қўйсанглар, шундай йўл юрингларки, қуёш доим ўнг тарафингизда бўлсин, сояларингиз эса кетаётган йўлингизга нисбатан ўн беш градусча бурчак ҳосил қилиб, чап тарафингизда бўлсин. Беш милча тўғри йўлдан боринглар. Шунда бир сарв дарахтининг учини кўрасизлар. Тўғри ўша томонга юринглар. Сарв дарахти шундай дарё ёқасида, дарёдан кечиб ўтадиган жой ҳам унга яқин.

Ёш чавандоз яна йўлга тушай деб турганида, алланарса отини тўхтатиб қолишга мажбур этди. У карета деразасига тутиб қўйилган парда орқасидан қараб турган чақноқ қора кўзларга кўзи тушиб қолди, қараб турган қизнинг юзи парда орқасидан кўринмасди, лекин унинг ниҳоятда чиройли қиз экани билиниб турарди. Чавандоз қизнинг кўзлари ўзига қараётганини ва бу қарашда қизиқиш билан меҳр акс этиб турганини кўрди.

Беихтиёр у ҳам қизга завқ билан қаради, лекин бунини одобсизликка йўймасинлар деб, отини шартта бурди-да, унга қизнинг миннатдорчилик билдираётган плантаторга қараб:

– Сизни тақдирга ҳавола қилиб ташлаб кетаётганим учун миннатдорчилик билдиришнинг ҳам ҳожати йўқ, лекин, афсуски, вақтим зиқ, – деди нотаниш йигит.

Ўзининг ёлғиз жўнаб кетишига ачиниб соатига қараб қўйди.

terDU ARM  
№ 398455

– Бизга жуда катта яхшилик қилдингиз, сэр, – деди Пойндекстер. – Сизнинг айтганларингизга амал қилсак йўлдан адашмасмиз деб ишонаман. Куёш бизни алдамайди.

– Ҳаво ўзгариб қолмаса эди деб хавотирдаман. Шимол тарафда қора булутлар тўпланяпти. Бир соат ичида булут куёш юзини тўсиб олиши мумкин. Агар шундай бўлса, сиз то сарв дарахти кўриниб турган ерга етиб олгунингизча ҳавони булут қоплайди. Шошманглар-а, – деди у, бирпас ўйлаб олгандан сўнг, – мен яна бир нарсани таклиф қилмоқчиман: менинг камандим изидан боринглар!

Нотаниш йигит эгарининг қошига илиб қўйган арқонни олди ва унинг бир учини ерга ташлади, арқоннинг иккинчи учи эгарнинг қошига боғланган эди. Кейин чиройли бир ҳаракат билан шляпасини бошидан олди, карета тарафга эгилиб таъзим қилди ва отига шпор уриб, дашт ичкарисига от чоптириб кетди.

От орқасидан судралиб бораётган каманд ёниб кетган даштдаги кул юзида илон изи сингари из қолдириб борар эди.

– Жуда ажойиб йигит экан, – деди плантатор қора тўзон орасида тез кўздан ғойиб бўлган чавандознинг орқасидан қараб. – Исмини сўраб олсам булар экан.

– Менимча, у ўзига бино қўйган йигит экан, – деб тўнғиллади Колхаун, нотаниш йигитнинг карета тарафга қараб қўйгани унинг назаридан четда қолмаган эди. – Унинг исмига келсак, у бари бир бирор сохта исмни айтар эди. Техас бундай олифталарга тўла. Улар ё бу ерга сургун қилинган жинойтчилар ёки авантюристлар. Улар бу ерда қизиқ саргузаштлар қидирадилар ва ўзларининг ҳақиқий исмларини яширадилар.

– Менга қара, Кассий, – деди ёш Пойндекстер, – уни ноҳақ айбляпсан. У ўқимишли ва ўз исмига доғ тупширмаган дуруст одам кўринади.

– Демак, у сенингча, жентльмен экан-да? Ҳе, қўйсанг-чи! Мен шу пайтгача мексикаликларнинг латта-путталарига ўралиб олган одамлар ичида биронта

ҳам дурустини кўрмадим. Гаров боғлашаманки, буни-  
си ҳам ўшандай ярамаслардан.

Шу суҳбат пайтида соҳибжамол креол қиз карета-  
дан бошини чиқариб, узоқлашиб кетаётган чавандоз-  
нинг орқасидан қараб турарди.

Колхаун буни сезиб қолди.

– Нима гап ўзи, Лу? – деб сўради у шивирлаб. – Шо-  
шиб турибсан дейман-а? Ё ўша беорни қувиб етмоқ-  
чимисан? Шундай бўлса, ҳали жуда ҳам кечикканинг  
йўқ, сенга отимни беришим мумкин.

Бу ёқимсиз сўзлар ва айниқса, унинг айтилиш  
оҳанги қизга қаттиқ тегди, у карета ёстиғига ўзини  
ташлади, лекин хафа бўлганини билдирмай, шарақлаб  
кулиб юборди.

– Шундай дегин-а... Сенга қараб туриб худди бир  
гап бўлди, шекилли, деб ўйладим. Ўша ясанган чопар  
сени маҳдиё қилган кўринади. Афтидан, унинг олиф-  
та кийимлари сени ақл-хушингдан адаштирганга ўх-  
шайди. Лекин эсингда бўлсинки, у тустовуқ патига  
ўралган қарғадан бўлак нарса эмас, мен унинг ниқо-  
бини шилиб оладиганга ўхшаб турибман, пати билан  
бирга терисини шилиб олсам ҳам ажаб эмас.

– Уялмайсанми шундай дегани, Кассий!

– Сен уялишинг керак, Лу. Аллақандай бир яра-  
масга, олақуроқ кийиниб олган бир масхарабозга эъ-  
тибор бериб ўтирибсан-а! Унинг қалъада оддий чопар  
бўлиб хизмат қилишига ҳеч шубҳа қилмайман.

– Уни чопар деб ўйлайсанми? Эҳ, ўша чопарнинг  
қўлидан муҳаббат изҳор қилган хатлар олишни шун-  
дай истардимки!

– Бўлмаса югур орқасидан, буни ўзига айт. Хўп де-  
санг отимни ҳам бериб турай.

– Ҳа-ҳа-ҳа! Фаросатингга балли-е! Борди-ю, мен ўша  
дашт почталонини ростдан ҳам қувиб етмоқчи бўлсам,  
бари бир бу қирчанфингда унга етолмасдим. Сен эгар-  
дан тушгунингча, у етадиган жойига этиб олади. О, йўқ!  
Етиб олишни ҳар қанча истамайин, унга етолмайман.

– Эҳтиёт бўл, тагин гапингни отанг эшитиб қолмасин.  
 – Ўзинг эҳтиёт бўл, у сенинг гапингни эшитиб қолмасин, – деб жавоб берди қиз, энди у жиддий гапирга бошлади. – Менинг холаваччам бўлсанг ҳам, отам сени ҳар томонлама камолга етган деб ўйласа ҳам, мен бошқача фикрдаман. Буни сендан яширмайман ҳам, шу вақтгача ҳам яширганим йўқ.

Ўзи учун аччиқ бўлган бу сўзларни эшитган Колхаун фақат қош-қовоғини осилтириб олди, холос.

– Сен, менинг холаваччамсан, – деб давом этди креол қиз, гапни ҳазиллашиб бошлагандагидан бутунлай бошқача, жиддий оҳангда, – менга фақат холаваччасан, холос, капитан Кассий Колхаун, бошқа ҳеч ким эмассан. Шунинг учун менга маслаҳатчи бўлишга уринмай ҳам кўяқол. Мен фақат бир кишининг маслаҳатларига қулоқ солишни ва таъналарини эшитишни вазифам деб биламан. Шунинг учун, мастер<sup>5</sup> Кассий, мени тинч кўй. Мен бирор лойиқ одам топгунимча ўз фикрларим ва хатти-ҳаракатларим тўғрисида ҳеч кимга ҳисоб беришни истамайман. Лекин мен айтган одам сен бўлолмайсан!

Қиз унга саза бериб бўлгач, капитанга ғазаб ва нафрат тўла назарини тикдида, ўзини яна карета ёстиғига ташлади. Сўнгра гап тамом, дегандай карета пардасини шартта ёпиб қўйди.

Арава ҳайдовчиларнинг қичқириқлари капитанни ҳушига келтирди. У фургонларнинг қоп-қора даштдан яна йўлга тушганига хурсанд бўлди, лекин даштнинг қоралиги унинг ичи қоралиги олдида ип эшолмасди.

<sup>5</sup> Мастер – (ҳабашлар кўпинча «масса» ҳам деб гапирадилар) хўжайиннинг ўғли, бойвачча; «хўжайин» деган маънода ишлатилади.

## УЧИНЧИ БОБ ДАШТ МАЁФИ

Саёҳатчилар йўл муаммоси ташвишини энди тортмай қўйдилар.

Каманд изи илон изи сингари кул устига тушиб қолган ва шундай равшан кўзга чалинар эдики, ундан борган ёш бола ҳам йўлдан адашмасди. Из тўппа-тўғри бормас, балки чангалзорлар орасидан борарди. Баъзида йўл дарахтсиз жойлардан ўтганда бир четга чиқиб кетарди. Бу тасодиф эмасди. Бундай жойларда чуқур жарликлар ва бошқа тўсиқлар бор эди. Каманднинг эгри-бутри изи фургонларнинг ўтиши осон бўлсин учун бундай жойларни айланиб ўтарди.

– Йигитча жуда ҳам меҳрибон чиқиб қолди-ку! – деди Пойндекстер. – Аттанг, унинг исмини ҳам билиб олмабмиз-а. Агар у қалъага бирор алоқаси бор одам бўлса, у билан яна учрашган бўлардик.

– У билан яна учрашамиз деб ўйлайман, – деди Генри.

Луиза бу суҳбатни эшитди. У ҳеч нарса демади, лекин бутун қалби билан Генрининг умидига шерик эди.

Оғир сафарнинг тез орада тугашидан, бунинг устига ўзининг янги мулкини қоронғи тушгунча кўриш имконияти туғилганидан плантаторнинг кайфи чоғ эди. У назоратчи билан бамайлихотир суҳбатлашди, қавариб кетган оёқларини зўрға кўтариб босаётган Ципио тоға олдида тўхтаб, у билан ҳазиллашди, юки оғирлигидан ҳарсиллаб-гурсиллаб бораётган Хлоя холага далда бериш учун унинг олдига борди. Вудди Пойндекстерни бошқа қулдорларга ўхшаган зolim хўжайин деб бўлмасди, унинг учун ҳабашлар ундан кўпроқ қўрқиб турсалар ҳам, ҳатто уни ўзларича яхши кўрар эдилар. У қулларни дарра билан калтаклаб туриш зарур деган фикрда бўлса ҳам, ўз қулларини дарралатишни ёқтирмасди. Шунинг учун у қулларининг орқасида биронта ҳам калтак изи йўқлиги билан мағрурланиб юрарди.

Плантаторнинг кайфи чоғлиги ҳамроҳларига ҳам ўтгани табиий эди – ҳаммалари ҳам оғир сафардан



кейин тез орада дам олишдан умидвор эдилар, ҳатто тинка мадори қуриган ҳабашлар ҳам хурсандлик билан чақчақлаша бошладилар.

Ҳақат капитаннинг қовоғидан қор ёғилар эди.

Кўп ўтмай сира кутилмаган бир сабаб билан саёҳатчилар яна ташвишга тушиб қолдилар.

Нотаниш йигит тўғри айтганди: сарв дарахти кўринмасдан олдинроқ қуёш булут орқасига ўтиб кетди.

Лекин бундан хавотир қилмаса ҳам бўларди. Каманд изи илгаригидек равшан кўриниб турарди, шунинг учун қуёшнинг йўл кўрсатишига унча зарурат йўқ эди. Лекин қуёшнинг булут орқасига ўтиб яширинишининг ўзи одамлар кайфиятига ёмон таъсир қилди.

– Қуёш бутунлай ботиб кетганга ўхшайди-я, – деди плантатор ёнидан олтин соатини чиқариб, – ваҳоланки, соат ҳозир ниҳояти уч бўлибди. Нотаниш йигитнинг бизга бундай из қолдириб кетгани бахтимиз бўлди. Агар у бўлмаса, биз то қуёш ботгунча бу ёниб кетган даштда адашиб-улоқиб юрган бўлардик. Эҳтимолки, шу ерда тунаб қолишга мажбур бўлармидик.

– Ўрнимиз ҳам роса қоп-қора бўлар эди-да! – деди ҳазиломуз, суҳбатга жон киргизиш пайдан бўлиб Генри. – Эҳ, агар шу қоп-қора ерда ётиб ухлашга тўғри келиб қолганда, жуда ҳам кўрқинчли тушлар кўрган бўлар эдим-да!

– Мен ҳам, – деб гапга қўшилди сингласи карета пардаси орқасидан атрофга кўз ташлаб. – Менинг тушимга дўзахдаги Плуто<sup>6</sup> билан Прозерпинанинг<sup>7</sup> киришига шубҳа қилмайман.

– Ҳи-ҳи-ҳи! – деб ишшайди козлада ўтирган ҳабаш Жеху, у Пойндекстернинг плантациялар дафтарыда Плуто деб аталган эди. – Ёш мисс бу қоп-қора дашт қўйнида мени тушида кўрар экан. Зап туш кўрар экансиз-да! Ҳи-ҳи-ҳи!

<sup>6</sup> Плуто – (инглизлар талаффузида) – Плутон; грек мифологиясида дўзах худоси.

<sup>7</sup> Прозерпина – дўзах маъбудаси.

– Ҳозир куладиган вақтми! – деди яқинлашиб келган Колхаун. – Биз ростдан ҳам шу қора даштда тунаб қолишга мажбур бўлсак ҳам ажаб эмас. Ишқилиб бундан ҳам баттар аҳволга тушиб қолмасак бўлгани.

– Бу билан нима демоқчисан, Каш? – деб сўради Пойндекстер.

– Менимча, тоға, ўша йигит бизни алдаб кетди. Мен буни ҳали қатъий айтаётганим йўқ, лекин ишимиз чатоққа ўхшайди. Биз беш милдан кўпроқ йўл босиб ўтдик, лекин сарв дарахти қани? Менинг кўзим ўткир, лекин шунга қарамай узоққа қанчалик тикилиб қарамай ҳеч қандай сарвнинг қорасини кўрмадим.

– У бизни алдаб нима қилади?

– Нима қилардингиз нимаси! Мен қайдан билай? Бунинг сабаблари кўп бўлиши мумкин.

– Жуда бўлмаса ўша сабаблардан биттасини айт-чи, – каретадан қизнинг қўнғироқдек товуши эшитилди, – гапингни жон деб эшитамиз.

– Биладан, ўшанга тегишли барча гапларни жуда қизиқиб эшитасизлар, – деди Колхаун, истехзо билан. – Лекин мен ўз фикрларимни айтсам, уни ёлғон дейишингиз турган гап.

– Бу сенинг нима дейишингга боғлиқ, Кассий. Сенинг тажрибали ҳарбий ва саёҳатчи эканингни била туриб, бесабаб хавотирликка тушяпсан, деб ўйламасмиз.

Колхаун қизнинг заҳарханда қилаётганини тушунди, шунинг учун унга бошқа изоҳ бермаслиги ҳам эҳтимол эди-ю, лекин гапга плантаторнинг ўзи аралашиб қолди.

– Менга қара, Кассий, тушунтирсанг-чи, ахир, нима гап ўзи? – деб сўради қатъий қилиб плантатор. – Айтган гапларинг кишини жиддий шубҳага солиб қўйяпти. Нотаниш йигит бизни нотўғри йўлга солиб юбориб қандай мақсадни кўзда тутган бўлиши мумкин?

– Нима ҳам дердим, тоға, – деди Колхаун, энди у илгаригидек ишонч билан гапирмас эди, – мен худди шундай деб тасдиқлаётганим йўқ-ку, шунчаки тахмин қиляпман.

– Нима деб тахмин қиляпсан?

– Нималар бўлмайди дейсиз! Бу даштларда карвонларга ҳужум ва талон-торожлар тез-тез бўлиб туради...

– Қандай даҳшат-а! – деди ўзини қўрққанга солиб Луиза.

– Ҳиндулар ҳужум қилади демоқчимисан? – деб сўради Пойндекстер.

– Ҳиндуларнинг ҳужум қилиши шарт эмас. Ҳиндулар кийимини баъзан оқ танлилар ҳам, баъзан эса мексикаликлар ҳам кийиб оладилар. Ахир ҳиндуларга ўхшаш учун фақат қорача бўлсангиз, от думидан парик кийиб олсангиз ва бош кийимингизга ярим дюжина пат қистириб қўйсангиз бас-да! Шундай қилсангиз – тайёр ҳиндунинг ўзисиз-да. Агар бизни «Оқ ҳиндулар» – босқинчилар тўдаси талаб кетса, бунинг учун фақат ўзимизни айблашимиз керак: ўзимизга тамом бегона бўлган бир йигитга ишониб, лақиллаганимиз учун айб ўзимизда бўлади.

– Қўйсанг-чи, Кассий! Бу гапларнинг нима кераги бор? Наҳотки нотаниш йигит бизга чоҳ қазиган деб ўйласанг?

– Йўқ, тоға, мен бундай деяётганим йўқ, лекин шундай ишлар бўлиб туришини яхши биламан. Ўша йигит ҳам шундай қилса ажаб эмас.

– Шундай бўлиши мумкин, лекин эҳтимолдан узоқ, – деди каретада ўтирган қиз, аччиқ истехзо билан.

– Йўқ, – деб жавоб берди Генри гапга аралашиб, – шубҳаларинг асоссиз, Кассий. Сен унга тўғридан-тўғри тухмат қиляпсан. Буни мен исбот қилиб бера оламан. Ҳов анави томонга қара.

Йигитча отининг жиловидан тортди ва каманд изидан сал четроқда аниқ кўриниб турган бир нарсани кўрсатди. Бу узун кактус эди; кактуснинг кўм-кўк, серсув танаси ёнғиндан омон қолган эди.

Лекин Генри Пойндекстер ўз ҳамроҳларининг диққатини ўсимликнинг ўзига эмас, унинг тиканларидан бирига қадаб кетилган кичикроқ бир оқ қоғозга қаратди.

– Кўрайлик-чи, унга нима ёзилган экан, – деди йигитча. «Сарв кўриниб турибди».

– Қани? – деб сўради Пойндекстер.

– Қоғозга кўл билан бармоқлар расми солинган экан, – деб жавоб берди Генри. – Шубҳасизки, у сарв томонни кўрсатиб туриши керак.

Ҳаммалари қоғозда кўрсатилган томонга қарай бошладилар.

Агар қуёш нур сочиб турган бўлганда эди, сарв дарахтини бир қарашдаёқ кўриш мумкин бўлар эди. Лекин ҳозир кўм-кўк осмон қоп-қора тусга кирган, шунинг учун бундай ғира-ширада дарахтни кўриб бўлмасди.

– У томонда ҳеч нарса йўқ, – деди ишонч билан Колхаун. – Аминманки, бу ўша аблаҳнинг бизни таҳқирлаш учун ўйлаб топган янги ярамаслиги.

– Янглишяпсан, Кассий, – деб гапга аралашди Луиза Пойндекстер. – Дурбин билан қарагин-а. Агар ўткир кўзларинг хиралашиб қолмаган бўлса, уфқда дарахтга ўхшаш бир нарсанинг қорайиб турганини кўрасан. У ўша сарв бўлса керак.

Колхаун тоғасининг қизи қўлидан дурбинни олгиси келмади. У Луизанинг туғри гапираётганини билар эди.

Шундан сўнг Пойндекстер дурбинни олди ва қора даштда қад кўтариб турган сарв дарахтини аниқ кўрди.

– Туғри, – деди у, – сарв кўриниб турибди. Йигит ҳалол одам экан, сен унга туҳмат қилаётган экансан, Каш. Унинг бизни аҳмоқ қилишига сира ҳам ишонгим келмай турган эди... Хўп, энди олға! Мистер Сансом, карвонга буйруқ беринг.

Колхаун отига шпор уриб, дашт ичкарасига от қўйди – унинг бошқа иложи ҳам қолмаган эди.

– Ўша карточкани менга олиб бер-чи, Генри, – деди Луиза секингина. – Бизга шунчалик ёрдам қилган ўша стрелкани бир кўрмоқчиман. Карточкани ўзимиз билан олиб кетамиз: йўлни билиб олган бўлсак ҳам уни кактус тиканида қолдириб кетиш фойдасиз.

Генри сингласининг нима сабабдан бундай илтимос қилгани тўғрисида ўйлаб ўтирмай карточкани кактус тиканидан олди ва уни Луизанинг тиззасига ташлади.

– Морис Жералд! – деб шивирлаб ўқиди креол, қоғознинг орқасига ёзиб қўйилган исмга қараб. – Морис Жералд! – деб такрорлади у ҳаяжон билан, қоғозни кўкрагига яширар экан. – Ким бўлсанг ҳам, қаердан келган бўлсанг ҳам ва қаерга кетаётган бўлсанг ҳам ҳозирдан бошлаб тақдиримиз бир. Мен буни билиб, сезиб турибман, тепамда осмонни қандай кўриб турган бўлсам буни ҳам аниқ кўриб турибман.

### ТЎРТИНЧИ БОБ

#### ҚОРА НОРД

Луиза ўз хаёлларига берилиб, сеҳрлаб қўйилгандек қимирламай ўтирар эди. Қиз нозик қўллари билан пешонасини сиқиб ушлаб олганди, у бутун вужуди билан келажагининг қандай бўлишини билмоқчидек эди.

Лекин кўп ўтмай ҳамроҳларининг яна аллақандай ташвишга тушиб қолганлари унинг хаёлини бўлди. У акасининг безовта бўлиб:

– Қара, ота. Кўрмаяпсанми ахир? – деганини эшитиб қолди.

– Қани, Генри, қани?

– Ҳов анави тарафда, фургонлар орқасида... Энди кўрдингми?

– Ҳа, алланарса кўриняпти, лекин нима эканини ажратиб ололмай турибман. Улар нимага ўхшайди... – Пойндекстер довдираб бир нафас тўхтаб қолди, – ростини айтсам, унинг нимага ўхшашини билолмай қолдим...

Даштнинг шимол тарафидан бирдан бир неча қора қуюнлар кўтарилиб қолди. Уларнинг маълум бир шакли йўқ эди, улар ҳажмини, кўринишини ва жойини ҳадеб ўзгартириб турардилар: гоҳ бирпасгина бир жойда тўхтаб қолар, гоҳ коньки отаётган паҳлавонлардек қоп-қора ердан сирғаниб кетар, баъзи-баъзи-

да ҳар хил ғалати шаклларга кириб эгилиб-букилиб, бир-бирларига томон энгашардилар.

Бундай ғалати ҳодисани биринчи марта кўраётган кишиларнинг жуда қаттиқ ташвишга тушиб қолганликлари ажабланарли эмас, албатта. Аллақандай табиий офатнинг яқинлашиб келаётганини ҳар ким билиб турар эди.

Карвон тўхтаб қолди. Қўрқиб кетган одамларнинг бақирӣқ-чақирӣқлари эшитиларди. Отлар кишнар, ҳачирлар овозининг борича буқирар эди.

Қора миноралар тарафдан эса шаршара товушига ўхшаган аллақандай гувуллаш эшитилар эди, у ҳар вақт-ҳар вақт бир қанча милтиқдан бараварига қарсиллатиб ўқ узгандек ёки момақалдироқ гулдурагандек овоз ҳам чиқарар эди.

Шовқин тобора аниқ эшитила бошлади. Кўзга кўринмас хатар яқинлашиб келарди.

Одамлар ҳанг-манг бўлиб қолган, улар янчиб, йўқ қилиб юборадигандай яқинлашиб келаётган, паст тушган булутларга ҳамда қоп-қора қуюнларга қараб турардилар.

Шундай бир қийин пайтда бирдан бировнинг қичқирғи эшитилди, гарчи унинг овозида хавотирлик оҳанги бўлса ҳам, ҳар ҳолда у қўрқувдан эсанкираб қолган одамларга далда берди. Ўгирилиб қараб, саёҳатчилар отини роса чоптириб келаётган чавандозни кўрдилар.

Гарчи чавандоз қоп-қора чангга беланиб кетган бўлса ҳам, уни дарров танидилар. Бу уларга ўзининг каманди изини қолдириб кетган ўша нотаниш йигит эди.

Энг олдин уни каретадаги қиз таниди.

– Олға! – деб қичқирди нотаниш йигит, карвон олдига етиб келар-келмас.

– Иложи борича тезроқ юринглар!

– Нима гап ўзи? – деб сўради плантатор, ҳаяжон билан. – Бирор хавф борми?

– Ҳа, сизларни ташлаб кетганимда бундай бўлишини кутмаган эдим. Фақат дарё бўйига етиб боргандан кейингина хавфли белгиларни кўриб қолдим...



чирларнинг бошини ўраб қўйсинлар, бўлмаса, жониворлар кўр бўлиб, саросимага тушиб қолади. Рўмомлар – ҳаммаси ҳам ярайверади. Отларнинг бошини ўраб бўлгандан кейин ҳаммалари аравалар ичига кириб олишсин. Лекин аравалардаги чодирлар ҳар тарафдан таранг қилиб тортилсин. Қолганини ўзим тўғрилайман!

Чавандоз шундай деб йўл-йўриқ кўрсатди-да, Пойндекстер билан назоратчи керакли буйруқлар бераётганда карета томон юрди.

– Хоним, – деди у мулоимлик билан карета олдига келиб, – сиз барча пардаларни туширишингиз лозим. Извошчингиз карета ичига кириб олиши керак. Сизлар ҳам, – деди у, Генри билан Колхаунга ва эндигина етиб келган Пойндекстерга қараб. – Ҳаммангизга ҳам жой етади. Лекин тезроқ, ўтинаман сизлардан! Вақт-ни ўтказманглар. Бир неча дақиқадан кейин бу ерда бўрон бошланади.

Плантатор билан ўғли отларидан тез сакраб тушдилар ва карета ичига кириб олдилар.

Колхаун отдан тушишни истамади ва ўжарлик билан эгарда ўтираверди. Нима учун у мексикаликлар кийимини кийиб олган йигитнинг бир ўзи яширинмаётган аллақандай сохта хавфдан қўрқиши керак экан?

Нотаниш йигит бошқа тарафга ўтирилди. У назоратчига қараб, унинг ҳам аравага чиқиб олишини буюрди. Назоратчи сўзсиз бўйсунди.

Энди у ўзи тўғрисида ўйласа ҳам бўлар эди. Нотаниш йигит тез ҳаракат билан бўйнидаги серапени ёйди ва уни отнинг бошига ташлаб, бир учини унинг бўйнидан боғлаб қўйди. Ундан ҳам чаққонлик билан Хитой крепидан тикилган шарфини ечиб олди-да, уни шляпасининг четига сириб ўради, бир учини лента орқасига қистириб қўйди, иккинчи учини эса пастга осилтириб қўйди, шундай қилиб у юзини беркитиш учун сипарга ўхшаган бир нарса ясаб олди.

Башарасини бутунлай беркитиб олишдан олдин у карета тарафга яна бир марта ўгирилиб қаради ва

Колхауннинг ҳали ҳам от устида ўтирганини кўриб ҳайрон бўлди. Ўзига ёқмай қолган бу одамга нисбатан туғилган ҳисларини босиб, нотаниш йигит унга қараб:

– Агар дарҳол карета ичига кириб олмасангиз, ҳалок бўласиз, – деб такрорлади.

Бу сафар Колхаун унга бўйсунди: яқинлашиб келаётган бўроннинг белгилари очиқ-ойдин кўриниб қолган эди. У жўрттага шошилмасдан отдан тушди ва каретага чиқиб, таранг тортилган пардалар орқасига яширинди.

\* \* \*

Шундан кейин нима бўлганини тасвираб бериш қийин. Қутуриб ўйнаган табиий офат манзарасини бирор киши бўлсин кўрмади, чунки ҳеч ким ташқарига қарашга ботинолмади. Борди-ю, улардан биронтаси бунга ботинганда ҳам, бари бир ҳеч нарса кўролмаган бўлар эди.

Ҳачирларнинг бошини ўраб қўйганларидан кейин беш дақиқа ўтгач, карвон қоп-қоронғи – зимистон ичида қолди.

Саёҳатчилар бўроннинг бошланишинигина кўрдилар. Бостириб келаётган қуюнлардан бири фургонларга келиб урилди-да, гўё сочилиб кетгандек бўлди, ҳавони қуюқ, қоп-қора чанг билан тўлдирди. Кейин домна печ оғзидан пуркалгандек иссиқ ҳаво урилди. Ундан кейин эса чийиллаб ва гувиллаб муздек совуқ шамол эсиб ўтди. Унинг хуштак чалишидан, бўғиқ ўкиришидан ва фургонлар чодирига урилиб гуриллашидан бошқа ҳеч нарса эшитилмасди, ҳеч нарса кўринмасди. Ҳачирлар жимгина турар эдилар. Одамларнинг заиф овозлари бўроннинг ўкириши ичида йўқолиб кетар эди. Ҳаво қутурган шамол тўзғитиб юборган, куйиб кетган даштдаги кулларнинг майда-майда кукунлари билан тўлиб кетган эди.

Кулнинг қора кукунлари ҳавода бир соатча тўзғиб юрди. Саёҳатчилар чиллада ўтирган кишилардек, ҳатто ташқарига қарашга ҳам юраклари бетламай бир соатча ўтирдилар.

Ниҳоят, улар хавфу хатардан қутулдилар. Каретанинг пардаси ёнидан нотаниш йигитнинг овози эшитилди.

– Чиқаверинглар энди, – деди у юзига тутган креп шарфини олиб ташлар экан. – Бўрон ҳали тингани йўқ, у ҳали икки-уч кун давом этади, лекин энди қўрқмасанглар ҳам бўлади. Шамол бутун кулни супуриб кетди. У энди олдинга ўтиб кетди, сиз уни Рио-Гранде дарёсининг бу тарафида бари бир қувиб етолмайсиз.

– Сэр, – деди плантатор шошиб каретадан чиқар экан, – сиз бизнинг...

– Ҳаётимизни сақлаб қолдингиз! – деб отасининг гапини тугатди Генри. – Агар малол келмаса, бизга исмингизни айтсангиз.

– Исмин Морис Жералд, – деб жавоб берди нотаниш йигит. Лекин Морис мустангер<sup>8</sup> десангиз қалъадагилар яхшироқ танийди.

– Мустангер! – деб нафрат билан тунғиллади Колхун, лекин у буни шундай секин айтдики, унинг сўзини Луизадан бошқа ҳеч ким эшитмади.

«Ниҳоят мустангер экан», деб ўйлади аристократ Пойндекстер, унинг кимлигини эшитгач, ҳафсаласи пир бўлиб.

– Энди менинг сизларга керагим йўқ. Йўлни менсиз ҳам топа оласизлар, – деди ёввойи отлар овчиси. – Сарв дарахти кўриниб турибди, тўғри ўша тарафга бораверинглар. Дарёдан ўтгач, қалъа тепасида хилпираб турган байроқни кўрасизлар. Қоронғи тушгунча манзилга етиб оласиз. Мен эса сизларни ташлаб кетишга ва хайрлашишга мажбурман.

Лекин нотаниш йигитнинг қора кулга беланиб, галати бўлиб қолган юзи ҳам, кичкинагина, арзимас ҳунар эгаси эканлиги ҳам унга мафтун бўлган Луиза Пойндекстернинг ихлосини қайтармади.

<sup>8</sup> Мустангер – ёввойи отлар – мустанглар овчиси.

## БЕШИНЧИ БОБ

### МУСТАНГ ОВЧИСИНИНГ ТУРАР ЖОЙИ

Рио-де-Нуесес<sup>9</sup> дарёси ўз сувини юзлаб ирмоқлар ва жилғалардан йиғадиган пасту баланд даштда ороллар каби тарқоқ эман ҳамда ёнғоқ дарахтлари ўсади.

Дарё бўйлаб кўм-кўк қалин ўрмонлар чўзилиб кетган, лекин уларнинг кўптчилиги тиканли чангалзорлар бўлиб, у ерда акас дарахтлари билан кактуслар, ёввойи алоэ, копай малҳами, дарахтсимон юкка<sup>10</sup> ва хушбўй, гули сап-сарик гардениялар ўсади. Силлиқ фукиералар<sup>11</sup> чангалзор орасидан ёриб чиқиб, ўзининг қизил гулларини байроқ каби ёйиб туради.

Ботаниклар ва ёввойи табиат ишқибозлари учун бу ерда кўп нарсалар топилади. Лекин бу ерлар деҳқонларни қизиқтирмайди. Деҳқон бу ажойиб ўсимликларнинг унумсиз тупроқда ўсишини билади. Лекин у ерда серҳосил ерлар ҳам бор, у ерда ёнғоқ дарахтлари, қайрағочлар, эман дарахтларининг бир неча хили ўсади, баъзи жойларда сарвлар ва тераклар ҳам учрайди.

Маданий одамнинг оёғи ҳали бу хилват ерларга етиб келганича йўқ, шунинг учун ўрмоннинг хилват сўқмоқларида фақат команчилар<sup>12</sup> изғиб юради.

Техаснинг бошқа биронта жойида сиз кийиклар ва хуркак оҳуларни бу ердагидек кўп учратмайсиз, улар тез-тез олдингиздан чиқиб қолади.

Ранг-баранг, чиройли қушлар ўрмон манзарасини яна ҳам жонлантириб юборади. Пар этиб квелилар<sup>13</sup> осмонга тик кўтарилади, каттакон калхат осмонда сузиб юради. Ёнғоқзор четида каттакон ёввойи курка ўзининг ялтироқ кўкрагини офтобга тоблаб исиниб

<sup>9</sup> Рио-де-Нуесес – испанчасига «Ёнғоқ дарёси» дегани.

<sup>10</sup> Юкка – дарахт танаси сингари танали каттакон нилуфар.

<sup>11</sup> Фукиера – (Фоудуира Спленденс) – Мексика ва Техасда ўсадиган ёввойи ўсимлик, баланд танасида қип-қизил каттакатта гуллари бўлади.

<sup>12</sup> Команчи – жанговар ҳинд қабиласи.

<sup>13</sup> Квели – америка лойхўраги.

ётади: тукли акас дарахтлари орасида чевар қушнинг қайчига ўхшаган узун думи кўзга чалиниб қолади, бу қуш маҳаллий овчилар орасида жаннат қуши деб ҳам ном чиқарган.

Ажойиб капалаклар қанотларини кенг ёйиб гоҳ осмонга парвоз қилади, гоҳ гулларга келиб қўниб, уларнинг ҳуснига ҳусн қўшади, йирик-йирик бахмал арилар гуллаб ётган бутазорлар орасида гўнғиллаб учиб юришади, бу ерда улар катталиқда ўзларидан қолишмайдиган колибри<sup>14</sup> билан ширин нектар талашади.

Лекин бу ажойиб гўзал табиат қўйнида одамнинг энг ашаддий душманлари ҳам яшириниб юради. Бутун шимолий Америкада чинқироқ илонларнинг ҳажми бу ердагидек катта бўлмайди, улар ҳиндуча «мокасин» номи билан машҳур бўлган заҳарли илонлар учрайдиган жойларда бўлади. Бийлар, чаёнлар ва мингоёқлар ҳар қадамда кишига ўлим хавфи солиб туради.

Дарёлар соҳилидаги ўрмонлар ичида хол-хол оцелотлар<sup>15</sup>, пумалар<sup>16</sup> ва маҳаллий йўлбарс – ягуарлар изғиб юрадилар; улар тарқалган жойнинг шимолий чегараси шу ердан ўтади.

Ўрмон чангалзорлари ёқасида ёлғиз юрадиган, индамас, озғин Техас бўриси кўриниб қолади, унинг уруғдоши қўрқоқ коётлар эса уруғ-аймоғи билан очиқ далаларда гала-гала бўлиб юради.

Худди шу даштлардаги барра ўтлар ўсиб ётган ўтлоқларда барча ҳайвонларнинг энг олижаноби ва яхшиси, одамларнинг тўрт оёқли дўстлари ичида энг ақлиси ва дўсти – отлар ўтлаб юради. Улар бу ерда одамнинг инжиқликларидан беҳабар дайдиб юришади. Жилоннинг нималигини билмайди. Эгар азобини ҳам тортмаган.

Лекин баъзан улар бундай чекка жойларда ҳам ўз озодликларидан маҳрум бўлиб қолади. Бу ерда ажойиб

<sup>14</sup> Колибри – тропик мамлакатларда яшовчи ранг-баранг патли кичкина қуш. (Тарж.)

<sup>15</sup> Оцелот – ёввойи мексика мушуги, силовсинга ўхшайди.

<sup>16</sup> Пума (ягуар) – америка ёввойи мушугининг бир тури.

бир ёввойи от, хол-хол мустанг ушланди ва ўргатилади. Уни машхур от овчиси Морис мустангер тутди.

Рио-де-Нуесеснинг тармоқларидан бири Аламо дарёси бўйида оддий, лекин чиройли бир уй турар эди, бу уй Техасда учрайдиган оддий уйлардан эди.

Бу дарахтсимон юкканинг ёғочини ўртасидан иккига тилиб, ерга қоқиб қурилган бир кулба эди. Унинг томи худди ўша ўсимликнинг найза сингари шохлари билан ёпилган. Тик турган ходаларнинг ораси Техас одатига қарши ўлароқ лой билан сувалмаган. Кулба ичидаги деворларга от терилари қоқиб қўйилган. Терилар мих ўрнига сабир ўтнинг тикани билан қоқилган.

Дарёнинг тикка кесиб тушган қирғоқларида кулбани қуришга ишлатилган ўсимликлар беҳисоб ўсиб ётар эди. Бу ерда юкки ёввойи чангалзорлари, сабир ўтлар ва бошқа мевасиз ўсимликлар ўсиб ётарди, лекин пастроқда ажойиб ўрмон билан қопланган серҳосил водий ястаниб ётади, у ерда тут дарахтлари, ёнғоқлар ва эманлар бор.

Дарё ёқасидаги ўрмон худудига барра ўтлар билан қопланган водий суқилиб кирган. Биз тасвирлаган жўнгина кулба шундай водийлардан бирининг ичкарисида, кўм-кўк ўсимликлар орасида эди.

Дарахтлар кулбага кўлка ташлаб туради. Уни фақат дарё томондан, ўшанда ҳам фақат унинг тўғрисида тургандагина кўриш мумкин эди. Кулбанинг оддийлиги ва бўёғининг кўчиб кетгани уни пайқаб олишни қийинлаштиради.

Бу кулба маркитантлар<sup>17</sup> палатасидан катталиқ қилмасди. Агар деворлардан бири тагига қурилган чоғроқ бир ўчоқнинг трубасини ҳисобламаганда, у ерда бирдан бир очиладиган туйнук – эшик эди. Эшик ғалати ва содда қилиб қурилган: от териси тортилган ёғоч ром худди ўшандай – от терисидан қирқилган тасмалар билан боғлаб қўйилганди.

<sup>17</sup> Маркитант – ҳарбийларни озиқ-овқат товарлари билан таъминлаб турувчи майда савдогарлар.

Кулбанинг орқасида томи юкка барглари билан ёпилган ва ёнидаги дарахтларга боғланган ходалар билан ўраб олинган шийпон бор эди.

Кулба билан жар орасидаги бир ақрча келадиган майдоннинг атрофи ҳам ўраб олинган. Бу ёввойи отлар учун қурилган молқўра.

Ҳақиқатан ҳам бу молқўра ичида ўнтача, эҳтимол, ундан ҳам ошиқроқ отлар юрарди. Уларнинг ёввойи, қўрқув акс этиб турган кўзларидан ва ўзларини тўрт томонга уришларидан яқиндагина тутқинликка тушганликлари ва қулликка чидай олмаётганликлари кўриниб турарди.

Кулбанинг ичи шинам. Хонани ҳар хил – қора, тўриқ, чавқар ва қордек оппоқ ярқираган юмшоқ от терилари безатиб турар эди.

Уй жиҳозлари ниҳоятда содда: от териси тортилган оддий каравот, қўлда ясалган икки стул ва юкка ёғочидан қилинган бир стол – бутун асбоб-анжом шулардангина иборат. Бир бурчакда ўринга ўхшаш яна бир жой кўзга ташланарди.

Жовонга териб қўйилган китоблар, перо, сиёҳ ва почта қоғози, шунингдек, стол устида турган газета, бу оддий кулбага кирган кишини ажаблантиради.

Бу ерда маданиятни эслатиб турадиган яна бир нечта буюмлар ҳам бор эди: ажойиб чарм сандиқ, қўшоғиз милтиқ, ўймакор гул солинган кумуш стакан, овчилар бурғиси ва шпораси. Ерда кўпчилиги тунукадан ясалган идиш-товоқлар турарди. Бир бурчакда тол новдасидан тўқилган саватда катта шиша кўринарди, унда Аламо дарёсидаги сувдан кўра кучлироқ бўлган ичимлик бор эди.

Уйдаги бошқа буюмлар юқоридагилардан кескин фарқ қилмас эди. Баланд қошли мексиканча эгар, от қилидан тўқилган юган, худди ўшандай тизгин, икки-учта серапе, бир неча ўрам арқон – буларнинг ҳаммаси шароитга мос тушганди. Мустангернинг турар жойи ана шундай эди.



Уй ўртасидаги стуллардан бирида бир одам ўтирарди, кўринишидан у хизматкор бўлса керак! У бир тутам қизил сочли ва қип-қизил юзли семиз киши эди. Эгнида чийдухоба бриджа ва гетри<sup>18</sup>. Бир вақтлар тўқ яшил бўлган, лекин оқариб кетиб, ҳозир жигарранг тусга кирган духоба курткасининг чўнтаклари жуда кўп ва катта-кичик эди. Чети қайрилган шляпа чеккасига қўндирилганди. Бунга яна дағал каленкордан тикилган кўйлагининг ёқасига пала-партиш боғлаб қўйилган қизил чит рўмолчани, оёғига эса ирландияликлар бошмоғи кийиб олганини қўшиб ўтиш мумкин.

Унинг ирландиялик эканини фақат кийим-бошигина эмас, балки афт-башараси ва хатти-ҳаракати ҳам кўрсатиб турар эди.

У гапира бошлаши билан унинг ирландиялик эканига сира шубҳа қолмасди. Бундай жаргонда фақат Ирландиянинг Галвей князлигида яшайдиган одамларгина гапирадилар. Кулбада фақат бир ўзи бўлишига қарамай галвейлик киши тинмай жаврар эди. Лекин кулбада унинг бир ўзи эмасди. Ўчиб бораётган ўчоқ олдига ёзиб қўйилган от териси устида тумшуғини кулга тиқиб, ирланд наслидан бўлган буғи овлайдиган каттакон ит чўзилиб ётар эди. У ўз суҳбатдошининг сўзларига тушунаётгандек туюларди.

– Хўш, Тара, азизим, – деди чийдухоба бриджали киши, – Баллибалахга қайтиб кетишни хоҳлайсанми? Ўша ерда бир оз қорнингни тўйғазиб олсанг ёмон бўлмас эди. Қара, қовурғаларинг саналиб қолибди. Эҳ, дўстим, у ерга боришни ўзим ҳам жуда истаб турибман. Лекин хўжайиннинг қачон қайтишини ва бизни у ерга қачон олиб боришни ким билади дейсан! Хайр, майли, Тара. У яқин орада сетламентга бориши керак, билдингми, менинг қари итим? У бизни ҳам бирга олиб кетишни ваъда қилди. Кел, жуда бўлмаса шу билан ўзимизни овутиб турайлик. Эҳ, падарига лаънат! Қалъага бор-

<sup>18</sup> Гетри – ботинка устидан тўпикдан тиззагача киядиган иссиқ оёқ кийими. (Тарж.)



маганимга ҳам уч ойдан ошиб қолди. Эҳтимол, у ерда, яқинда келган солдатлар орасида бирор таниш-билишни учратиб қоларман. Унда турган гапки, ичкиликсиз иш битмайди! Шундай эмасми, Тара?

Ит бошини кўтарди ва жавоб ўрнига ғингшиб қўйди.

– Мен томоқ ҳўллаб олишга ҳозир ҳам қарши эмасман-а, – деб давом этди галвейлик бурчакда турган катта шиша тарафга очкўзлик билан қараб қўйиб. – Лекин шиша бўшаб қолай деган-да, шунинг учун ёш хўжайин сезиб қолиши мумкин. Бунинг устига сўрамасдан ичиш ҳам яхши эмас. Тўғрими, Тара?

Ит яна тумшуғини кўтарди ва ғингшиб қўйди.

Галвейлик ўрнидан турди-да шиша турган бурчакка қараб юрди. Бир неча сония эшик томонга қараб қимирламай қулоқ солиб турди, кейин уни ўзига торган шишани саватдан олди, пўкак тиқинини чиқарди-да, унинг оғзини бурнига келтириб спирт ҳидини ҳидлаб ҳузур қилди.

Лекин бу галвейликни қониқтирмади.

– Э, падарига қусур! – деди у яна бир марта эшик томонга ўғринча қараб олиб. – Шундай ажойиб вискининг ҳидига ким чидаш бера олади? Бўлганича бўлар! Тилимнинг учини сал ҳўллаб оламан.

Шишанинг оғзи унинг лабига тегди, суюқликнинг қулқиллагани эшитилди.

Галвейлик ҳузур қилганидан бир неча марта томоғини тақиллатиб қонгач, тиқинини тиқиб шишани жойига қўйди ва яна столга келиб ўтирди.

– Сенми, қари айёр Тара! Мени сен васвасага солдинг. Ҳай, майли, зарари йўқ. Хўжайин билмайди. Бунинг устига у яқинда қалъага боради, ўша ерда вискидан яна ғамлаб олади.

Галвейлик бир неча дақиқа жим ўтирди. У ўз қилмиши тўғрисида ўйлар эдимми ёки кайф қилиб ўтирган эдимми – ким билади дейсиз?

Кўп ўтмай у яна тилга кирди:

– Бир нарсага ҳеч ақлим етмай турибди, нима учун хўжайиннинг септаментга бунча боргиси келиб

қолдийкин-а. У хол-хол мустангни тутишим биланоқ септаментга жўнаймиз деганди. Ўша от унга нега бунча зарур бўлиб қолди экан? Менимча, бунинг тагида бир гап бўлса керак. Хўжайин то ўша отни қўлга туширмагунча қўймайман деган эди. Бу ерда бир йил қолиб кетмасак гўрга эди!.. Ким бор у ерда?

Тара вовуллаганча эшикка отилди.

– Фелим! – деб чақирди ташқаридан алаким. – Фелим!

– Бу хўжайин, – деб ғудурлади Фелим, студдан сакраб туриб итнинг кетидан ташқарига отилар экан.

### ОЛТИНЧИ БОБ

#### ХОЛ-ХОЛ МУСТАНГ

Фелим янглишмаганди, уни хўжайини Морис Жералд чақирган эди.

Галвейлик эшикка чиқиб мустангерни от устида кўрди. Терлаб сув бўлиб кетган тўриқ от қорага ўхшаб кўринарди, отнинг биқини билан бўйни кўпириб кетганди.

Тўриқ ёлғиз эмасди. У эгар қошига боғлаб қўйилган каманд сиртмоғига илинган яна бир отни тортиб келганди.

Бу от жуда чиройли рангда эди. Ҳатто даштларда ўтлаб юрадиган ёввойи от уюрлари орасида ҳам бундай рангдаги от жуда камдан-кам бўлади.

От тўқ жигарранг, оқ-оқ холи бор бўлиб худди ягуарга ўхшарди.

Чиройли ранги жуда келишган гавдасига мос тушар эди. Мустанг кўкракдор, нозик, чиройли оёқли гўзал от эди.

Бу гўзал отни қўлга тушириш учун мустангернинг уч марта қилган ҳаракати бекор кетди. Тўртинчи сафар у муддаосига эришди. Морис узун, силлиқ сиртмоқли камандда хол-хол мустангни ахир тутиб келди.

Бу отни тутишга бунчалик қизиқиб қолганини мустангернинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмасди.

Фелим хўжайинининг бунчалик ҳаяжонга тушганини ҳеч вақт кўрмаганди, мустангер ҳатто беш-олтиталаб

от тутиб келган вақтларда ҳам бунчалик ҳаяжонланмас эди, овининг ўнгидан келган вақтлари эса кўп бўлар эди.

Лекин мустангер ҳеч вақт бунчалик чиройли от тутиб келмаган эди. Хол-хол мустангни кўрган ҳар қандай одамнинг ҳам оғзи очилиб қоларди.

– Ура, ура! – деб қичқириб юборди Фелим, шляпасини осмонга отиб. – Авлиё Патрикка<sup>19</sup> қуллуқ, ёш хўжайинимиз хол-хол бияни ниҳоят тутиб келибди! Чиройлилигини қаранг-а! Унинг пайига тушганича бор экан. Минг лаънат! Агар уни Баллинаслой ярмаркасига олиб борилса борми, истаган пулингга сотишинг мумкин. Эҳ, бунча ҳам гўзалсан!.. Уни қаерга киритиб кўямиз? Молқўрагами?

– Йўқ, бу хавфли, бошқа отлар тегиб ташлаши мумкин. Биз уни бостирмага боғлаб кўямиз. Кастро меҳмондўстлик қилиб унга ўз жойини бўшатиб беради, ўзи эса ташқарида қолади. Шундай чиройли отни ҳеч кўрганмидинг, Фелим?

– Кўрмаган эдим, мастер Морис, бунақанги гўзалини сира кўрмаган эдим. Шундай ажойиб эканки, еб қўйгинг келади киши, лекин бундай қарасанг, ўзи мени еб қўймасин деб кўрқасан. Уни ҳали миниб кўрганингиз йўқми?

– Йўқ, Фелим, бўш вақтим кўпроқ бўлганда минарман. Уни эҳтиёт бўлиб ўргатиш керак. Шундай гўзал отни ишдан чиқазиб қўйишдан ҳам ёмон иш борми. Уни сетлментга олиб борганимдан кейин ўргата бошлайман.

– У ерга қачон борасиз?

– Эртага. Эрта билан азонда йўлга тушишимиз керак.

– Жуда соз! Мен фақат ўзим учун эмас, сиз учун ҳам хурсандман, мастер Морис. Лекин вискининг тутаб қолаётганидан хабарингиз борми, билмадим. Бу америкалик алдамчи янкилар, падарига лаънат уларни, одамни ёмон алдайдилар-да: ҳам сув қўшадилар, ҳам кам қуядилар. Шунинг учун улар қўлидан олинган виски шишалари тез-тез бўшаб қолаверади.

<sup>19</sup> Авлиё Патрик – Ирландиянинг ҳомийси ҳисобланар эди.

– Виски тўғрисида гап ема, Фелим. Менимча, тагида қолгани бугун кечқурун ичишга ва эртага йўлга чиқишда флягаларимизни тўлдириб олишга ҳам етса керак дейман. Хафа бўлма, дўстим! Юр, ҳозир меҳмонимизни жойлаштириб чиқайлик, кейин эса сен дунёда ўзингдан кейин энг яхши кўрадиган ўша ичимлик тўғрисида гаплашамиз.

– Сиз-чи, мастер Морис? – деб сўради Фелим айёрлик билан кўз қисиб.

Мустангер фақат жилмайиб қўйди ва сакраб отдан тушди.

Хол-хол бияни бостирмага киритиб қўйдилар, Касрони эса дарахтга боғладилар.

Куни билан от чоптириб юриб чарчаган мустангер ўзини каравотга ташлади. У овда ҳеч вақт мана шу дашт отининг кетидан юрганчалик кўп юрмаган эди.

Бир неча кун эгардан тушмаганига қарамай, кейинги уч кунни эса хол-хол бия кетидан тўхтовсиз қувиб ўтказганига ва ниҳоятда чарчаган бўлишига қарамай мустангер ухлай олмади. У тез-тез ўрнидан туриб кетар ва кулба ичида у ёқдан бу ёққа юарди.

Овнинг муваффақият билан тугагани уни хотиржам қилиш ўрнига тинчлигини бузгандек эди.

Ниҳоят, Фелим хўжайинга эмақдош эканидан фойдаланиб, унинг нима сабабдан безовта бўлаётганини билмоқчи бўлди.

– Нима бўлди сизга, мастер Морис? Айтинг менга, нима гап?

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Фелим, ҳеч нарса. Нимага сўраб қолдинг бунини?

– Сўрамай бўладими? Ахир мен ҳам сиз охирги марта септаментдан қайтиб келган ўша кундан бери ухлай олмайман. Алланарса уйқунгизни олди. Ё бунга бирор мексикалик қиз сабабчими? Сира ҳам ишонмайман – улар сизнинг дидингизга ёқадиган қизлар эмас.

– Нималар деяпсан ўзинг, Фелим? Менга ҳеч нарса бўлгани йўқ. Ундан кўра егани бирор нарса бер. Эрта-лабдан бери туз тотганим йўқ, ахир. Ниманг бор?

– Туғрисини айтсам, овқатимиз танқисроқ. Сиз мустанг ови қилиб юрган уч кун ичида озуқаларимизга ҳеч нарса қўшилгани йўқ-да. Бир оз совуқ буғу гўшти билан зоғора нон бор. Агар хоҳласангиз, гўштни берай.

– Исатақол, мен сабр қила тураман.

– Олдин бирор стакан вино ичиб олсангиз қалай бўлади?

– Қарши эмасман.

– Винонинг ўзини ичасизми ёки сув қўшиб берайми?

– Бир стакан грог берсанг бўлади. Лекин ариқдан тоза сув олиб кел.

Фелим тоқчадан кумуш стаканни олди ва энди эшикка чиқиб кетаётган эдики, бирдан Тара қаттиқ вовуллаб эшикка отилди. Фелим чўчинқираб итнинг кетидан ташқари чиқа бошлади.

Итнинг вовуллаши шодлик билан вангилашга айланди, у гўё ўз танишларидан бирини табрикляётгандек эди.

– Бу кекса Зеб Стумп, – деди Фелим ва топшириқни бажаргани кетди.

Янги келган меҳмон кулбадаги одамлардан бутунлай бошқача бир киши эди. У новча, бўйи олти футдан кам эмасди. Оёғида тимсоҳ терисидан этик кийганди: хонаки жундан тикилган, бир вақтлар қизил бўёққа бўялган, лекин ҳозир кир бўлиб кетганидан ҳеч қандай ранги қолмаган шимининг пойчасини этигининг кенг қўнжига қистириб олган эди. Буғу терисидан тикилган кўйлагини қуруқ баданига кийиб олган, кўйлагини устидан эса маҳаллий ҳиндулар тўқиган дағал матодан оқариб кетган кўк камзул кийиб олганди. Бошида жуда эскириб кетган кўк барра телпаги бор эди.

Зеб Стумпнинг Шимолий Америка ўрмонларида юрувчи овчиларга хос бўлган ов қурола-аслаҳалари ҳам кийим-боши сингари оддий. Патрон сумкаси билан порох солиб юрадиган ёйсимон катта шохнинг қайишини елкасидан ошириб ўнг томонига осиб олганди. Камзули устидан энлик чарм камар боғлаб олган. Унда чарм қин

осиғлиқ турар, унинг оғзидан катта овчи пичоғининг буғу шохидан ясалган дағал дастаси чиқиб турарди.

Техас овчиларининг одатига қарама-қарши ўлароқ, унинг кийим-бошида ҳеч қандай безак кўринмас эди. Унинг ҳамма нарсаси оддий, дағал эди. Зеб Стумп ҳар қандай олифтагарчиликни ёқтирмайдиган киши кўринарди.

Ҳунари овчилик бўлган кишиларнинг асосий қуроли ҳисобланган милтиғи ҳам жуда оддий эди. У шундай узун эдики, хўжайин милтиқни ерга қўйганда унинг оғзи елкасига етарди.

Зеб Стумп кўринишидан эликларга кирган эди. Ўзи қорачадан келган, биринчи қараган одам башарасидан уни қовоғи солиқ, жиддий одам деб ўйлаши мумкин эди. Лекин зеҳн солиб қараган киши унинг дилкаш ва ҳазилкаш одам эканини сезарди.

Зеб Стумп Кентукки штатида туғилди ва ўша ерда катта бўлди. Ёшлиғи қуйи Миссисипининг ёввойи ўрмонларида ўтди, ўзи фақат овчилик билан шуғулланди. Қариган чоғида ҳам Зеб Стумп касбини ташламаган, лекин ҳозир у жануби-ғарбий Техас чангалзорларида овчилик қиларди.

– Салом! – деди Зеб лўнда қилиб мустангерга, кулба эшигини гавдаси билан тўсиб қўяр экан.

– Яхшимисиз, мистер Стумп, – деб жавоб берди хўжайин ўрнидан турар экан. – Киринг, ўтиринг.

Овчи ноз қилиб ўтирмай остонадан хатлаб ичкари кирди-да, омонат стулга ўнғайсиз ўтирди. Стул шундай паст эдики, Стумпнинг тиззалари даҳани олдига келиб қолди, милтиғининг узун стволи эса найза сингари унинг бошидан бир неча фут баландга кўтарилди.

– Лаънати стуллар-ей! – деб тўнғиллаб қўйди у, афтидан, ноқулай ўтириб қолганидан норози эди. – Шундан кўра оддий бир тўнғак ҳам тузук, жуда бўлмаганда тагингда қимирламай туради-ку.

– Мана бу ерга ўтира қолинг, – деди хўжайин, бурчакда турган чарм сандиқни кўрсатиб. – У пишиқроқ бўлса керак дейман.

Кекса Зеб бу таклифга эътироз билдириб ўтирмади ва сандиқ устига ўтиб ўтирди.

– Ҳар вақтдагидек пиёда келгандирсиз, мистер Стумп?

– Йўқ, қари ҳамроҳим ташқарида турибди. Мен уни дарахтга боғлаб қўйдим. Овга чиққанам йўқ.

– Сиз ҳеч вақт отда юриб ов қилмайсиз, шекилли, шундайми?

– Отда ов қилиб эсимни еганим йўқ.

– Лекин Техасда ҳамма шундай қилади-ку.

– Ҳамма шундай ов қиладими, йўқми, аммо бу дангаса аҳмоқларнинг иши. Мана бу оёқларим омон бўлса, отда юриб бир ҳафтада овлаган нарсаларимни бир кунда овлайман. Албатта, сиз мустанг овчилари учун от зарур, борди-ю айиқ, буғу ёки ёввойи қурка овига чиқсангиз, от билан уларни фақат чўчитиб юборасиз, холос. Мен ўзимнинг қари биямни фақат ўлжаларни ортиб келиш учун олиб юраман.

– Сиз уни ташқарида, далада қолдирибсиз. Фелим бостирмага киритиб қўя қолсин. Бизникида тунаб қоласиз-ку, шундай эмасми, ахир?

– Раҳмат. Тўғриси айтсам, меҳмондўстлигингиздан фойдаланиб шу ерда қолмоқчиман. Отимнинг эса ғамини емай қўя қолинг, уни яхшилаб боғлаб қўйганман.

– Овқатга тобингиз қалай? Фелим бир оз овқат тайёрлаётган эди. Афсуски, буғу гўштидан бошқа ҳеч нарсамиз йўқ.

– Буғу гўштидан ҳам мазалироқ нарса борми? Айиқ гўшти ширинроқ, холос. Бўлмаса уни чўғда пиширайлик, ўзим ёрдамлашаман. Мистер Фелим, агар малол келмаса, менинг биям олдига боринг, эгарнинг қошига битта ёввойи қурка осиб қўйибман, ўшани олиб келинг, йўлда олиб олган эдим.

– Жуда соз! – деди мустангер. – Бизнинг озуқларимиз тугаб қолаёзди. Кейинги уч кун ичида мен бир ажойиб мустанг кетидан юрдим, милтиқ ҳам олмаган эдим. Фелим билан мен, шунингдек, Тара ҳам, бу вақт ичида жуда оч қолдик.

– Қандай мустанг экан у? – деб сўради овчи қизиқиб, мустангернинг кейинги сўзларига гўё диққат қилмагандек бўлиб.

– Оқ-оқ холли тўқ жигарранг бия. Ажойиб от!

– Эҳ, падарига қусур! Мен ҳам худди ана шунинг учун келган эдим-ку!

– Ростдан-а?

– Мен ўша мустангни кўрганман, даштда бир неча бор кўрганман. Уни бия дедингизми? Буни мен билмас эдим, чунки мени ўзига ярим мил ҳам яқинлаштирмади. Мен ўша отни тутишга сиз бир ҳаракат қилиб кўринг демоқчи эдим. Сабабини айтаман. Мен сетлментга бордим. У ерга бир одам кўчиб келди, уни мен Миссисипида турганимда ҳам билар эдим. Бадавлат плантатор. Ўзи жуда фарра-шарра харажат қилиб яшарди, айниқса, мўл-кўл зиёфатлари билан донг чиқарган эди. Мен унга жуда кўп буғу ва куркалар етказиб берар эдим. Исми Пойндекстер.

– Пойндекстер дедингизми?

– Бу исмни Миссисипида, Орлеандан то Сан-Луи-гача бўлган жойларда турадиган одамларнинг ҳаммаси билади. У бадавлат одам эди, ўйлайманки, ҳозир ҳам камбағал бўлмаса керак, чунки ўзи билан юзтача ҳабаш олиб келди. Бундан ташқари, у билан бирга Колхаун деган жияни ҳам туради, жиянининг долларлари ҳисобсиз, у пулларини тоғасига қарз беришдан бошқа нима қилишини ҳам билмайди. Энди дўстим, бу ерга нима мақсадда келганимни айтай. Плантаторнинг ёлғиз қизи бор, отаси ундан жонини ҳам аямайди, қизи эса яхши отнинг ишқивози. У Луизианада энг асов, шўх отларни минар эди. Бир кун у чол отасига хол-хол мустанг ҳақида ҳикоя қилиб бераётганимни эшитиб қолди. Шундан сўнг у ўша отни тутиб келган кишига катта пул тўлашни отаси ваъда қилмагунча уни ҳоли-жонига қўймади. Отаси от учун икки юз доллар ваъда қилди. Бундан хабардор бўлиши биланок сетлментдаги барча мустангерлар дарҳол хол-хол мустангнинг пайига тушишларини билардим, шунинг



учун ҳеч кимга ҳеч нарса демай қари биямга миндим-у, тўғри сизнинг олдингизга жўнадим.

– Юринг мен билан, мистер Стумп, – деди ирландиялик йигит ўрнидан туриб эшик томонга юрар экан.

Унинг тўсатдан бундай таклиф қилишидан ҳайрон бўлган овчи йигитнинг кетидан кетди.

Морис ўз меҳмонини хол-хол мустанг боғлаб қўйилган бостирмага бошлаб кирди.

– Мана бу от сиз айтган ўша мустангга сал бўлса ҳам ўхшайдими, мистер Стумп?

– Ўлай агар, бу ўша мустанг! Баракалла, қўлга ҳам тушибди! Икки юз доллар энди сизники. Агар от ўша пулнинг ҳар бир пеннисига арзимаса, минг лаънат менга! Чиройлигини қара-я! Мисс Пойндекстер жуда хурсанд бўлади-да! Шодликдан эси оғиб қолади!

## ЕТТИНЧИ БОБ

### НОТИНЧ ЎТГАН КЕЧА

Хол-хол мустангнинг ушланганидан хабар топган кекса овчининг кайфи ниҳоятда чоғ бўлиб кетди. Бунга Фелимнинг қўрққишига қарамай, ичида ҳали анчагина виски бўлган катта шиша ҳам кўпгина ёрдам берди.

Овқат устида гап асосан овчилик саргузаштлари ва хиндулар билан бўлган тўқнашувлар устида борди.

Зеб Стумп тажрибали бўлганидан, турган гапки, у ҳаммадан кўп гапирар эди. Фелим эса эшитиб ўтиргани бу ажойиб-фаройиб саргузаштлардан жуда ҳайрон қолганини билдириб, ҳар замонда уҳ, аҳ, деб қўяр эди.

Шунга қарамай суҳбат ярим кечага етмасданоқ тўхтади. Афтидан, бўшатилаган шиша дам олиш тўғрисида ўйлашларига кўпроқ сабаб бўлган кўринади.

Кекса овчи ўтлаб юрсин деб отини узун арқонга боғлаб қўйди, одатда унга тўшак ўрнида хизмат қиладиган, сарғайиб кетган, эски одеялини эгар устидан олиб келди.

– Менинг каравотимда ётақолинг, – деб одоб билан таклиф қилди уй хўжайини, – мен эса тагимга от териси солиб, ерда ёта қоламан.

– Йўқ, – деб жавоб берди меҳмон, – ёғоч оёқ-катларингизнинг ҳар қанақасида ҳам Зеб Стумп ухлай омайди. Мен ерда ётишни афзал кўраман. Ерда ётсам яхшироқ ухлайман, бундан ташқари, йиқилиб тушиш хавфи ҳам бўлмайди.

– Ўзингизга маъқул бўлса ерда ёта қолинг, мана бу ерда ётсангиз ёмон бўлмас, тагингизга от териси солиб бераман.

– Сира ташвиш чекманг, йигит, овора бўлишга арзимайди. Мендек шоввоз ҳеч қандай полда ҳам ухлай омайди. Менинг тўшагим даштнинг кўм-кўк ўтларидир.

– Наҳотки ташқарида ётмоқчи бўлсангиз? – деди ҳайрон қолган мустангер, меҳмоннинг одеялини елкасига ташлаб эшик томонга юрганини кўриб.

– Ҳа, мен худди шундай қилмоқчиман.

– Менга қаранг, кечаси ҳаво совуқ, ахир, совқотиб қоласиз!

– Ҳеч нарса қилмайди, бир оз совқотсам зарари йўқ, дим уйда нафасим қисилгандан кўра бир оз совқотганим ҳам яхшироқ.

– Ҳазиллашяпсизми, мистер Стумп?

– Ҳой йигит! – деди қизғинлик билан овчи. – Зеб Стумп кейинги олти йил ичида кекса бўлишига қарамай бирон марта ҳам уйда ётган эмас. Бир вақтлар кекса анжир дарахти қавагида уйга ўхшаш бир кулбам бўлар эди. Бу ҳали кампирим ҳаёт бўлган вақтларда, Миссисипида эди, уни мен кампирим учун сақлар эдим. У вафот этгандан кейин Луизианага, ундан сўнг эса бу ерга кўчиб келдим. Шундан бери кундузи ҳам, кечаси ҳам менинг бирдан-бир бошпанам зангори Техас осмонидир.

– Агар ташқарида ётишни афзал кўрсангиз...

– Ҳа, афзал кўраман, – деб қисқа жавоб берди овчи эшикдан чиқиб, кулба билан дарё ўртасидаги кўм-кўк ўтлоқ томон юрар экан.

Унинг қўлида эски одеядан ташқари от жунидан тўқилган олти-етти ярд<sup>20</sup> узунликдаги арқон ҳам бор

<sup>20</sup> Ярд – инглиз ўлчови бирлиги, 1 ярд 0,9 метрга тенг.

эди. Бу одатда отларни ўтлоққа боғлаб қўядиган оддий кабриесто – арқон эди, лекин у ҳозир бошқа мақсадга хизмат қилиши керак эди.

Овчи ой ёруғида ўтлоқни диққат билан кўздан кечириб чиққач, арқонни ҳалқа шаклида ерга ёзди.

Зеб Стумп бу ғалати тўсиқнинг ичига ўтди-да, одеялга ўралиб ётиб олди ва бир неча дақиқа ўтар-ўтмас уйқуга кетди.

Лекин у узоқ ухлай олмади. Овчининг ҳар бир ҳаракатини бир жуфт кўз ҳайронлик билан кузатиб турар эди; бу Фелим О'Нилнинг кўзлари эди.

– Авлиё Патрик, – деб шивирлар эди у, – бу нима қилгани? Бу қария атрофини нега арқон билан ўраб қўйди экан?

Галвейлик бунинг сабабини билишга жуда қизиқса ҳам, аввалига одобдан бўлмас деб сўрашдан ўзини тийиб турди, лекин бари бир бўлмади. Овчининг хуррак товуши эшитилиши биланоқ эҳтиётлик билан келиб, ўзини қизиқтирган саволга жавоб олиш учун овчини силкита бошлади.

– Лаънат-е сенга, ирланд эшаги! – деб тўнғиллади Стумп норози бўлиб. – Тонг отибдимми деб ўйлабман-а. Нега арқон билан атрофингизни ўраб олдингиз дейсанми? Ўзимни ҳар хил газандалардан ҳимоя қилиш учун-да.

– Қандай газандалардан, мистер Стумп? Илонлардан демоқчимисиз?

– Албатта илонлардан-да, жин урсин сени! Бор, ухла!

Овчи уни қаттиқ уришиб берганига қарамай, Фелим хурсанд бўлиб кулбага қайтди.

– Бу Техасда илонлар ҳиндулардан ҳам баттар жонга тегди, – деб тўнғиллар эди у ўзи билан ўзи сўзлашиб.

– Бу ерга келганимдан бери бир кун ҳам тинч ухлай олмабман-а. Ўйлаганим-ўйлаган, тушимда ҳам уларни кўраман. Афсус, афсус, авлиё Патрик у дунёга сафар қилишдан олдин бу мамлакатга бир келмаган-да.

Фелим хилватдаги кулбада яшагани учун одамлар билан камдан-кам учрашар эди, шу сабабдан арқоннинг бу сеҳрли хислатини билмасди.

Ўрганиб олган нарсасини дарров қўлади. Хўжайинини уйғотиб қўймаслик учун оёқ учида секингина кулбага кирди-да, деворда осиглиқ турган қил арқонни олди, кейин яна ташқари чиқиб, уни кулба атрофига ҳалқа қилиб айлантириб чиқди.

Ирландиялик бу ишни бажариб бўлгач:

– Техасда қанча илон бўлса ҳам ниҳоят Фелим О’Нил тинчгина ухлайдиган бўлди, – деб ўзича шивирлади-да, ичкари кириб кетди.

Шундан сўнг кулбага жимжитлик чўкди. Авлиё Патрикнинг ватандоши энди илонлардан кўрқмай, от териси устига чўзилиб дарҳол уйкута кетди.

Бир қанча вақт ҳамма, ҳатто Тара билан қўлга тушган мустанггача тунги уйқунинг лаззатига берилгандек туюлди. Жимжитликни фақат Стумпнинг ўтлоқда барра ўтларни фирчиллатиб чайнаётган қари бияси бузар эди.

Лекин кўп ўтмай кекса овчининг уйғоқ ётгани билиниб қолди. Тинчгина ухлаш ўрнига аллақандай ёпишқоқ фикрдан уйқуси қочгандек у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилар эди. Охири Зеб Стумп чидай олмади, устидаги одеялни олиб ташлади ва ўрнидан туриб ўтирди-да, норозилик билан атрофга қараб қўйди.

– Падарингга лаънат сендақа ирланд тентагини! – деб тўнғиллади у жаҳл билан. – Уйқумни қочириб юбординг-а, лаънати! Дарёга ташлаб юборсам бўлар экан сени. Фақат хўжайининг ҳурматини қилдим. Энди эрталабгача мижжа қоқмасам керак.

Шундай деб овчи одеялга ўралиб яна ётиб олди. Лекин бари бир ухлай олмади. Яна у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилиб ётди. Ниҳоят, ўрнидан туриб ўтирди ва сўкинди.

Овчи ўтирган еридан йигирма футча<sup>21</sup> нарида бир илонни кўриб қолди.

– Илон! – деди у шивирлаб кўзи судралувчига тушар экан. – Қизик, илоннинг қанақа хилидан экан? Чинқироқ илонмикин десам, жуда катта. Йўқ, бу чинқироқ илон

<sup>21</sup> Фут – 30,4 сантиметр.

эмас... Ҳа-а, билдим, «товуқча» тухум қидириб юрганга ўхшайди. Эҳ, шайтон-ей! Тўғри шу томонга келяпти-я.

Овозидан унинг қўрққани заррача ҳам сезилмас эди. Зеб Стумп илоннинг қил арқондан ошиб ўтолмаслигини биларди, илон қил арқонга урилиб, ўтга урилгандек орқага қайтиб кетиши маълум эди.

Овчи бундай сеҳрли тўсиқ ичида баҳузур ўтириб, энг заҳарли илонни ҳам қўрқмай томоша қилиши мумкин. Лекин бу заҳарли илон эмас. Бу илон энг зарарсиз сариқ илон, халқ унга «товуқча» деб ғалати ном топиб қўйган.

Зеб унга қизиқиб қолди. «Товуқча» арқон олдиғача судралиб келди ва бошини сал кўтариб қил арқонга урилди-да, дарҳол орқасига қайтиб кетди.

Овчи унинг ҳаракатларини қизиқиб кузатиб турарди.

– Бечора махлуқ! Ўз йўлига кетаверсин, майли. Тўғри, у куркаларнинг тухумини сўриб, уларнинг зотини камайтиради, лекин бу унинг бирдан-бир овқати-да, шунинг учун унга тегмасам ҳам бўлади. Лекин анави лаънатини қўймайман. Нима қилиб жазосини берсам экан-а? Топдим! Ҳозир болайман!

Кекса овчи шундай деди-ю судралиб кетаётган илон кетидан чопди. Бир дақиқадан сўнг илон овчининг қўлида биланглар эди.

– Мана энди, мистер Фелим, додингни бераман! – деди Зеб. Сени шундай қўрқитайки, ўтаканг ёрилиб кетиб, эрталабгача ухлай олмагин... Бир болайсан уни, хўпми, «товуқча»?

Шундай деб овчи кулба томонга юрди. Оёқ учида секин-аста бориб, Фелим уйининг атрофини ҳафсала билан қил арқон ўраб қўйган жойдан ўтди-да, ичкарига илонни қўйиб юборди.

Ўзининг ўтдан бўлган тўшагига қайтиб бориб, овчи яна одеялига ўралди ва:

– Илон ярим соат ичида ўша ирланд тентагини қўрқитмаса, Зеб Стумп хўп юрган экан... деб тўнғиллаб қўйди. – Шошма, шошма! Нима гап ўзи? Наҳотки етиб борган бўлса?

Шу пайт шундай қаттиқ шовқин кўтарилдики, у бир неча мил атрофдаги барча тирик жонни уйғотиб юбориши мумкин эди.

Олдин одамнинг бақиргани, тўғрироғи, одамнинг увилагани эшитилди бундай овоз фақат Фелим О'Нилнинг бўғзидан чиқиши мумкин эди. Унга дарҳол ҳайвонлар жўр бўла бошлади, шундан сўнг кўп ўтмай Фелимнинг бўкириши кўрқув аралаш бақираётган ҳайвонлар овози ичида кўмилиб кетди, бу овозлар орасида итнинг ҳуришидан тортиб отларинг кишнашигача бор эди.

– Нима гап ўзи? – деб сўради хўжайин, каравотидан сакраб тушиб, ўтакаси ёрилиб кетган хизматкори олдига чопар экан. – Нима жин урди сени? Ё ёмон туш кўрдингми?

– О, мистер Морис, ёмон туш ҳам гапми! Мени илон чақиб олди. Бутун баданимдан судралиб ўтди!.. Авлиё Патрик, мен бир бечора, адо бўлган гуноҳқорман. Ҳозир ўлиб қолсам керак.

– Илон чақди дейсанми? Қаерингни чақди? – деб сўради Морис шошиб чироқни ёқар экан.

Аллақачон уйга кириб келган овчи билан бирга у Фелимнинг баданини кўздан кечира бошлади.

– Ҳеч қаерингда илон чаққанини кўрсатадиган белги йўқ, – деди мустангер хизматкорини у ёқ бу ёққа ўгириб, ҳамма ёғини диққат билан кўздан кечириб чиққандан кейин.

– Бирон жойинг тимдаланмабди ҳам-ку, – деди қисқагина қилиб Стумп.

– Чақмабди дейсизми? Хайрият, бутун баданимдан судралиб ўтди-ку. Унинг муздек танасини ҳозир ҳам сезиб турибман.

– Бу ерда илон борлиги ростмикин ўзи? – деб сўради Морис, ишонқирамай. – Тушингга кирган бўлса керак дейман, Фелим?

– Тушимга кириши нимаси, мастер Морис! Росткам илон эди. Ишонаверинг.

– Илон бўлса ҳам бордир, – деб гапга аралашди овчи. – Келинлар, уйни бир кўздан кечирайлик, уни топиб олсак ҳам ажаб эмас. Уй атрофи от қилидан қилинган арқон билан ўраб қўйилган. Илон унинг устидан қандай қилиб ўтди экан?.. Тўхта, мана у!

Шундай деб овчи уйнинг бурчагини кўрсатди. Бурчакда кулча бўлиб олган илон ётар эди.

– Сарик илон экан-ку, – деб давом этди Стумп. – У каптардай ювош. Чақмайди, лекин шундай бўлса ҳам ҳозир уни болаймиз.

Шундай деди-ю овчи сарик илонни қўлига олди, баланд кўтариб, ерга ташлаб юборди. Илон карахт бўлиб чўзилиб қолди.

– Вассалом, мистер Фелим, – деб Зеб илоннинг бошини оғир этиги билан мажақлади. – Энди ёт, эрталабгача бахузур ухлайвер, энди сени илон безовта қилмайди.

Зеб Стумп ўлган илонни оёғи билан суриб-суриб, хурсандлик билан кулганича ташқарига чиқиб кетди. У учинчи марта ўтлоқдаги тўшагига бориб узун гавдасини чўзиб ётиб олди ва ниҳоят, ухлаб қолди.

## САККИЗИНЧИ БОБ

### МИНГОЁҚ

Илонни бир ёқлик қилгандан кейин ҳаммалари тинчландилар. Итнинг увиллаши Фелимнинг дод-фарёди билан бирга тўхтади. Мустанглар яна тинчиб, дарахтлар соясида дам ола бошлади. Уй ичи ҳам тинч, фақат ҳар замонда қил арқоннинг ҳимоя қилишига ортиқ ишонмай қўйган галвейлик от териси устида тўлғониб қўяр эди.

Ташқари ҳам жимжит эди. Фақат бир товуш жимликни бузар эди. Бу тимсоҳнинг пишиллаши билан қурбақанинг вақирлашига ўхшаб кетадиган бир товуш эди. Лекин бу товуш Зеб Стумпнинг бурнидан чиқаётгани учун ухлаб ётган овчининг хуррак тортишидан бошқа нима ҳам бўлиши мумкин эди?

Бу концерт бир соатча давом этди.

– Қутқаринглар! – деб бақириб қолди бирдан галвейлик, у тагин фақат уйда ётган хўжайининигина эмас, ташқарида ётган меҳмонни ҳам уйғотиб юборган эди. – Ё Биби Марям! Ҳимоясиз бегуноҳларнинг ҳомийси! Ўзинг асра! Қутқаринглар!

– Сени қутқарайликми? Нимадан? – деб сўради Моррис Жералд яна ўз каравотидан сакраб тушиб ва чироқни ёқиб. – Нима гап ўзи?

– Яна битта илон, ҳазратим. Уҳ! Буниси мистер Стумп ўлдирган илондан ҳам баттарроғи, заҳарли қора илон, ростим. У кўкрагимдан чақиб олди. Баданим қиздирилган темир билан куйдиргандек ёниб кетяпти.

– Жин урсин сени! – деб қичқирди Зеб Стумп, елкасига одеял ташлаб эшиқдан кириб келар экан. – Яна уйғотиб юбординг-а, аҳмоқ! Кечиринг мени, мистер Жералд. Менимча, аҳмоқлар бутун дунёда топилар экан – Америкада ҳам улар Ирландиядагидан кам эмас, лекин бунақанги овсарини сира кўрмаган эдим. Бу қандай шўр пешона экан! Билолмай қолдим, уни бир дарёда чўмилтириб олмагунча бугун ухлай олмайдиганга ўхшаймиз!

– Оҳ, мистер Стумп, азизим, бундай деманг, асло! Иккалангизга ҳам қасамёд қилиб айтаманки, уйда яна бор экан! Унинг ҳали шу ерда эканига ишонаман. Ҳозиргина устимдан судралиб ўтди.

– Тушингга кирган бўлса керак, – деди овчи бир оз юмшаб ва ишонқираб. – Айтдим-ку сенга, биронта ҳам техас илони қил арқон устидан ошиб ўтолмайди. Олдингиси сен уй атрофига қил арқон ёзганингдан олдинроқ ичкарига кириб олганлиги аниқ бўлса керак. Бирдан иккита илоннинг кириб олиши эҳтимолдан узоқ. Лекин буни текшириб кўриш қийин эмас.

– Воҳ, қутқаринглар! – деб қичқирар эди ирландиялик эгнидан кўйлагини юлқиб ечар экан. – Мана у, илон изи, қовурғаларим устида кўриниб турибди. Ёлғон айтаётибманми? Ё Биби Марям, ҳолим энди нима кечади? Ўт бўлиб ёниб кетяпман!

– Илон! – деб қичқириб юборди Стумп, кўрқиб кетган галвейлик олдига келиб ва қўлидаги шамни унга



яқинлаштириб. – Ростдан ҳам илон экан! Дўзахга тушай агар, бу илон эмас! Илондан ҳам баттар!

– Илондан баттар дедингизми? – деб қичқирди ўтакаси ёрилиб кетган Фелим. – Баттар дедингизми, мистер Стумп? Хавфли деб ўйлайсизми?

– Нима десам экан... Энди ҳамма гап шу атрофдан дори-дармон топишда қолди. Агар топилмаса, мен бир нарса деёлмайман.

– О, мистер Стумп, одамни қўрқитманг!

– Нима гап ўзи? – деб сўради Морис бир қарашдаёқ Фелимнинг кўкрагида пайдо бўлган қип-қизил чизиқни кўриб.

– Нима бу ўзи? – деб такрор сўради у баттар хавотир бўлиб. Овчининг ўша ғалати изларни диққат билан кўздан кечираётганини сезиб қолгач.

– Мен бундай нарсани ҳеч кўрмаган эдим. Сизни ташвишга солиб қўйди шекилли у?

– Жуда, мистер Жералд, – деб жавоб берди Стумп, мустангерни ўзи билан ташқарига олиб чиқаётиб Фелим эшитиб қолмасин деб шивирлаб гапирар экан.

– Нима у, ахир? – деб қайта сўради ҳаяжон билан Морис.

– У мингоёқ изи.

– Заҳарли мингоёқми?! Наҳотки чақиб олган бўлса?

– Йўқ, чақмаган бўлса керак. Чақиши шарт ҳам эмас. Унинг юриб ўтиши ҳам кифоя, одамни ўлдиради.

– Ё раббий! Наҳотки шундай хавфли бўлса?

– Ҳа, мистер Жералд. Мингоёқ ана шундай чизиқ тушириб кетган кўлгина яхши одамларнинг нариги дунёга сафар қилганини ўзим кўрганман. Агар зудлик билан чора кўрилмаса, иссиғи жуда кўтарилиб кетади, кейин эса у қутурган ит қопгандек эсидан оғиб қолади. Лекин уни қўрқитишнинг ҳожати йўқ, олдин мен бир иложини қилиб кўрай-чи. Бу атрофда бир гиёҳ ўсади. Агар ўшани тезлик билан тополсам, Фелимни даволаш қийин эмас. Бахтга қарши, ой ҳам яшириниб олди, шунинг учун уни қоронғида қидиришим керак бўлади. Биламан, у гиёҳ жарда жуда кўп учрайди.

Сиз ичкари кириб бечорани тинчлантинг, мен эса бир қидириб кўраман. Дарров келаман.

Уларнинг ташқарида сўзлашганлари, бунинг устига шивирлашиб гаплашаётганларидан Фелимнинг эхонаси чиқиб кетди.

Кекса овчи дори бўладиган ўтти қидириб нарироққа кетганича ҳам йўқ эдики, галвейлик додлаганча ташқарига югуриб чиқди. Морис хизматкорини тинчитгунча жуда қийналди.

Бир неча дақиқадан кейин эшикдан яна Зеб Стумп кириб келди. Унинг юзига қараб уйдагиларга жон кирди, гиёҳни топиб келгани юзидан кўриниб турарди. Овчининг ўнг қўлида тухум шаклида чети бир текис ўткир тиканлар билан қопланган тўқ яшил барг бор эди.

Морис ўзи яхши билган шифобахш ўсимлик барглари дарахл таниди.

– Кўрқма, мистер Фелим, – деди кекса овчи, ичкарига кириб келар экан. – Энди кўрқмасанг ҳам бўлади. Мен қонингдаги иссиқни бирпасда сўриб оладиган гул топиб келдим. Бўкираверма деяпман сенга! Дарё бўйидаги йигирма мил атрофдаги барча қушлар, ҳайвонлар ва судралувчиларнинг ҳаммасини уйғотиб юбординг, ахир. Агар шундай бўкираверадиган бўлсанг, бу ерга команчилар келиб қолишади, бу эса мингоёқ чаққандан ёмонроқ, ахир. Мистер Жералд, боғлашга латта тайёрланг, мен эса гиёҳни тайёрлайман.

Овчи дастлаб пичоғи билан баргдаги тиканларни кесиб ташлади. Кейин кактуснинг пўстини шилди-да, уни қалин қилиб кесди ва бу тилимларни Фелимнинг кўкрагидаги гудда-гудда бўлиб чиққан доғлар устига қўйди, сўнгра мустангер ҳозирлаб берган тоза латта билан устидан боғлаб қўйди. Гудда-гудда доғлар Зеб ўйлагандек мингоёқнинг судралиб ўтганидан эмас, балки ухлаб ётган галвейликни ўзининг заҳарли жағлари билан боглаб чаққанидан пайдо бўлган эди.

Кактус ўз кучини тез кўрсатди, унинг шираси заҳарга қарши яхши дори эди. Тинчиб қолган Фелим

кўп ўтмай ухлаб қолди. Мингоёқни топиш учун қилган ҳаракати бекор кетгач, табиб ўз жойига чиқиб ётди ва эрталабгача тинч ухлади.

Учаласи ҳам эрта билан азонда ўринларидан турдилар. Қовурилган курка гўштидан қолганини ейишгач, йўл ҳозирлигини кўра бошладилар. Фелим ўзини соппа-соғ ҳис қилди ва овчилар билан ёввойи отларни дашт орқали ҳайдаб кетиш тараддудини кўрди. Морис эса ўзининг оти билан хол-хол бияни йўлга ҳозирлади. У айниқса ушлаб келган янги гўзал отга кўпроқ диққат қилди. Унинг ёлини ва думини яхшилаб таради, ярақлаб турган баданига ёпишиб қолган лойларни артиб тозалади, улар уни қувиб юрган вақтда ёпишиб қолган эди.

– Қўйсангиз-чи, – деди Зеб мустангернинг қилаётган ишига ҳайрон бўлиб қарар экан. – Бекорга овора бўляпсиз. Вудли Пойндекстер сўзидан қайтадиган одамлардан эмас. Менинг исмим Зеб Стумп эканига қандай ишонсангиз, икки юз доллар олишингизга ҳам шундай ишонаверинг. Минг лаънат, ўзи ҳам пулига арзийдиган от экан-да!

Морис ҳеч нарса демади, лекин унинг жилмайиб қўйишидан мустангернинг хол-хол отга бунчалик оро бераётганига Зеб Стумпнинг мутлақо тушунмаганини англаш мумкин эди.

Бир соат ҳам ўтмай мустангер ўзининг тўриқ отига миниб, камандга боғлаб олган хол-хол отни етаклаб йўлга тушди. Қолган мустанглар Фелимнинг кетидан йўрғалаб кела бошладилар. Зеб Стумп ўзининг кекса биясида улар кетидан зўрға етиб келарди.

Ҳаммадан кейин тиканакли ўтларга эҳтиёт билан оёқ босиб, шопшмасдан Тара чоғиб келар эди.

Кулбани қўриқлаш учун ҳеч ким қолмади; даштининг тўрт оёқли жониворлари ичкари кирмаслиги учун фақат от териси тортилган эшикни ёпиб қўя қолдилар, холос. Атрофга чўккан жимликни баъзида бойқушнинг қичқириви, пуманинг чинқириви ва оч қолган бўрининг мунгли увиллаши бузарди.

## ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

### ЧЕГАРАДАГИ ҚАЛЪА

Инж қалъаси тепасида баланд дастага ўрнатилган кўп юлдузли байроқ ҳилпирар эди. У ўзига хос ва ғалати манзарага липиллаб соя соларди. Бу манзара ҳақиқий чегарадош вилоят ҳаётидан – ярим ҳарбий, ярим граждандан, ярим ёввойидан, ярим маданий ҳаётдан иборат эди.

Бу ерда оқ танли ва қора бадан одамларнинг, ҳар хил касб эгаларининг, жамиятда ҳар хил ўрин тутадиган одамларнинг турли-туман кийимларини кўриш мумкин.

Ҳатто қалъанинг ўзи ҳам ғалати қилиб қурилган. Унда на казиматлар, на яширин йўллар, на хандақлар, на гласислар<sup>22</sup> бор, деярли ҳеч нарса бу ернинг қалъа эканини эслатмас эди. Икки юз отга мўлжаллаб қурилган бостирмада отхона тропик ўсимлик алгорабия ёғочидан қилинган оддий ходалар билан ўраб қўйилган. Отхона ҳовлисида ташқарида четан девори устидан лой сувоқ қилинган ўнтача оддийгина иморат кўзга ташланарди. Уларнинг орқасида касалхона, омборлар жойлашганди. Бир тарафда гауптвахта, иккинчи тарафда ошхона ва офицерларнинг уйи кўришиб турарди.

Буларнинг ҳаммаси жуда оддий, лекин тоза ва ораста эди. Сувоқ қилинган оддий деворлар оҳақ билан оқлаб қўйилган. Инж қалъаси ана шундай.

Ундан сал нарироқда бир тўда бошқа уйлар кўришиб турарди, улар қалъа деб аталган жойдан катталиқ қилмайди. Улар ҳам Америка байроғи ҳимояси остидаги уйлар, уларнинг тепасида ўша байроқ ҳилпираб турмаса ҳам, уларнинг юзага келишига ва яшашига сабаб шу байроқ эди.

Бу Америка ҳарбий пунктлари яқинида пайдо бўладиган ва тез ўсиб, катта шаҳарларга айланиб кетадиган илк посёлкалардан бири эди. Ҳозирги вақтда посёлка аҳоли-

---

<sup>22</sup> Гласис – қалъа хандақларининг нариги тарафига уйиб қўйилган тупроқ тепалар.

си шундай кишилардан иборат: ҳарбийларни озиқ-овқат товарлари билан таъминловчи майда савдогар – марки-тант. Унинг омборларида ҳарбийлар таомномасига киритилмаган спиртли ичимликлар ҳам топилади. Меҳмонхона хўжайини, унинг топ-тоза ерполли шинамгина бар-қовоқхонаси бор. унинг чиройли токчаларида бу ерга келиб турадиган майхўрларни ўзига мафтун қиладиган ҳар хил шишалар тахланиб ётади. Доим маҳаллий гарни-зон одамларининг чўнтагини қуритиб ётадиган бир тўда қиморбозлар, йигирматача овчилар, мол ҳайдовчилар, мустангерлар ва умуман маълум бирор касб кори бўлмаган одамлар, бундай одамлар барча мамлакатлардаги ҳарбий қалъаларда албатта бўлади.

Унча катта бўлмаган сетламентнинг уйлари бир оз тартибга риоя қилиб солинган эди. Афтидан, уларнинг ҳаммаси бир кишининг мулки эди. Уйлар фонар ва ҳайкаллар ўрнига топталган ўтлар тепасида сарв дарахтининг қуриган шохлари ва бир неча буталар қаққайиб турган майдон атрофига тушган эди.

Леона бу ерда кичкинагина бир ариқдек торашиб кетади ва қалъа билан қишлоқ орқасидан оқиб ўтади. Унинг олдида зумраддек кўм-кўк ўтлар билан қопланган яйлов ястаниб ётади, яйловнинг этаги узоқдан қорайиброқ турган ўрмонга бориб тақалади. Унда азим эманлар, ёнғоқлар, қайрағочлар яшаш учун тиканли кактус чангалларига ва ботаникага ҳали деярли маълум бўлмаган судралувчи чирмовиқ-паразит ўсимликларга қарши курашиб ётадилар. Дарё четидаги ҳовли-қўрғонларда яшовчи кишиларнинг плантациялари жануб ва шарқ тарафга қараб чўзилиб кетган.

Бу ҳовли-қўрғонлардаги иморатларнинг баъзилари анча содда ва янги, баъзилари эса бежирим ва кўри-нишидан анча эски иморатлар.

Шундай иморатлардан бири диққатни ўзига жалб қилиб туради, у атрофига арранинг тишига ўхшатиб панжара қилинган текис томли калта уй эди: уйнинг оппоқ деворлари уни уч тарафдан ўраб ётган кўм-кўк

ўрмон манзарасида яққол кўриниб турарди. Бу Каса-дел-Корво гасиендаси<sup>23</sup>.

Мана биз шарқ тарафга ўтирилиб қарадик, шунда қаршимизда бирдан якка ўзи қўққайиб турган конуссимон тоғ кўринади. Унинг баландлиги бир неча юз фут келади. Орқасида туман ичида узоқдан Гвадалуп тоғларининг қийшиқ-қинғир шакллари кўзга ташланарди.

Тепангизга қаранг – ярим зангор, ярим феруза тусдаги осмон товланади. Кундузи у топ-тоза, зигирдек ҳам булут бўлмайди, фақат тилла рангда товланган қуёш порлаб туради. Кечаси эса соф пўлатдан қуйиб қўйилгандек равшан чақнаган юлдузлар чарақлаб ётади, ёп-ёруғ ой гардиши бу ерда худди кумушдан ясалгандек.

Ой ботиб, юлдузлар сўнгандан сўнг Матагорд кўр-фазидан ҳар хил гулларнинг муаттар ҳидини анқитиб, эрталабки шабада бошлаганда эса пастга қаранг, шунда сиз олачипор ва аралаш-қуралаш, ҳуснга бой манзарани, ҳар хил рангда кийим кийган одамларни кўрасизки, уларнинг тасвирини асло келтириб бўлмайди. Шунда сиз Кўшма Штатлар пиёда аскарларининг зангор формасини, драгунларнинг кўк мундирларини, ўқчиларнинг оч яшил кийимларини кўрасиз. Фақат бир неча навбатчи офицерларгина тўла формада юрадилар. Уларнинг ўртоқлари эса хизматдан бўш вақтдан фойдаланиб бараклар олдида ёки қизил фла-нел кўйлак, юмшоқ шляпа ва ифлос этик кийган ҳолда отхона пешайвонлари остида ивирсиб юрадилар.

Офицерлар мутлақо ҳарбийча бўлмаган кийим кийган одамлар билан валақлашадилар. Булар – буғу терисидан кийим ва худди ўша теридан крага кийган овчилар, мексиканчасига кийинган подачилар, мустангерлар; уларнинг эгнида кенг шалворлар, елкаларида серапе, бошларида эса чеккаларига олифталик билан кўндирилган ялтироқ қора шляпа – сомбреро. Офицерлар ё савдо-сотик ишлари билан, ё яраш тўғрисида би-

<sup>23</sup> Гасиенда – мулк, кўрғон, ҳовли, Мексика, Техас ва Жанубий Америкада хўжайин уйи шундай деб аталади.

тим тузиш мақсадида келган ҳиндулар билан гаплашмоқдалар. Ҳиндуларнинг палаткалари сал нарироқда кўриниб турибди. Ўзларининг хонаки қизил, яшил ва зангори матоларига ўралиб олган ҳиндуларнинг гавдалари жуда чиройли ва ғоят гўзал. Бу одамларнинг асл гўзаллигини ҳатто баданларидаги ажи-бужи расмлар ҳам, от қилидан солинган улама ҳам, кирлигидан пахмоқ бўлиб кетган сочлари ҳам бузолмас эди.

Ана шу ҳар хил миллий кийим кийган оломонни, ҳарбий формадаги кишиларни кўз олдингизга келтиринг, бунга яна офицерларнинг ҳабаш хизматкорлари – грумларни ёки қўшни сетлментдаги плантацияларнинг дастёрларини ҳам қўшинг; уларнинг тўда-тўда бўлиб гаплашиб туришганини ёки ялангликда, фургонлар орасида суҳбатлашиб айланиб юришганини, аравачага ўрнатилган иккита оғир тўпни, бошқалардан ажралиб туриш учун чодирда яшашни афзал кўрган офицерларнинг бир-иккита оқ чодирини, учига найза ўрнатилган бир неча милтиқни кўз олдингизга келтиринг, ана шуларни қаршингизда гавдалантира олсангиз, маданият етиб борган Техас чегарасидаги ҳарбий қалъанинг ҳақиқий тасвирини кўрган бўласиз.

Луизианалик плантатор ўзининг янги уйига кўчиб келганидан бир ҳафта ўтгач, Инж қалъаси олдидаги, парадлар бўладиган майдонда уч офицер Каса-дел-Корво гасиендаси тарафга қараб турарди.

Уларнинг ҳаммаси ёш йигитлар, энг каттаси ўттиздан ҳам ошмаганди. Погонларидаги иккита тўғри тўртбурчак улардан бирининг капитан эканини, битта тўғри тўрт бурчакли белги иккинчисининг катта лейтенант эканини кўрсатиб турар эди. Поғонида ҳеч қандай белги йўқ учинчиси эса кичик лейтенант эди. Улар ҳозир хизматдан бўш, ўзаро Каса-дел-Корвога кўчиб келган янги истиқоматчилар тўғрисида суҳбатлашмоқда эдилар.

– Ҳовли тўйига ўхшаш бир йиғилиш бўлса керак, – деди пиёда аскарлар капитани, гарнизоннинг бутун офицерларига тарқатилган таклифномаларни кўзда

тутиб. – Олдин зиёфат, кетидан рақс. Байрам дейсан! У ерда ўзимизнинг бутун аристократларни ва сетлментдаги барча гўзалларни учратсак ҳам ажаб эмас.

– Аристократларни дейсизми? – деди кулиб драгун полкнинг лейтенанти. – Бизда аристократлар кўп деб бўлмайди, нозанинлар эса ундан ҳам кам.

– Янглишасиз. Генкок. Леона бўйларида аристократларни ҳам, нозанинларни ҳам учратиш мумкин. Қўшма Штатларнинг зодагон оилаларидан баъзилари шу ерга кўчиб келган. Биз уларни Пойндекстерлар уйидаги зиёфатда учратамиз, мен бунга шубҳа қилмайман. Аристократизм масаласига келсак, хўжайиннинг ўзи шундай бир аристократки, унга қараб меҳмонларнинг ҳаммаси ҳам ўзини беихтиёр аристократлардай тута бошлайди. Нозанинлар масаласига келсак, гаров ўйнайманки, унинг қизи Сабинанинг бу тарафидаги қизлар орасида энг гўзали. Комиссарнинг жияни биринчи гўзал деган номни энди унга топширади.

– Шундай денг! – деди маънодор чўзиб ўқчи аскарлар лейтенанти.

– Демак, мисс Пойндекстер кетворган офатижон экан-да.

– Мен сизга айтсам, агар Лофуршларникида бўлган базмда кўрган вақтимдан бери хунуклашиб қолмаган бўлса, ниҳоятда чиройли қиз. У ерда қизнинг диққатини ўзига тортмоқчи бўлган бир неча креол йигитларни учратган эдим, ишнинг дуэл билан тугашига сал қолган эди.

– Демак, нозли қиз экан-да? – деб қўйди ўқчи аскарлар лейтенанти.

– Ҳеч ҳам, Кроссман. Аксинча, ишонаверинг бунга. У жуда ақли қиз ва ортиқча такаллуфни ёқтирмайди. У отасидан мағрурликни мерос қилиб олган. Бу Пойндекстерларнинг оиласига хос белги.

– Худди менинг дидимдаги қиз экан, – деб ҳазиллашди ёш драгун, – борди-ю, у сиз тасвир қилгандек соҳибжамол қиз бўлса, капитан Сломан, мен уни яхши кўриб қолишим турган гап. Менинг қалбим Кроссманники сингари банд эмас.



– Менга қаранг, Генкок, – деб жиддий жавоб берди капитан, – мен гаров ўйнашни ёқтирмайман, лекин сизни ишонтириб айтаманки, Луиза Пойндекстерни кўрагингиздан сўнг гапирган гапингизга пушаймон бўласиз.

– Мендан хавотир бўлманг, Сломан, мен соҳибжамол қизларнинг чўғдай кўзлари назари остида кўп марта бўлганман, шунинг учун бундан унча чўчимайман.

– Лекин улар бунчалик гўзал эмасдир.

– Саломат бўлинг-е! Сиз одамни кўрмай туриб яхши кўриб қолишга мажбур қиласиз-а. Сўзингизга қараганда, у жуда жозибалига ўхшайди.

– Ҳа, янглишмадингиз. Лекин уни бутунлай яхши кўриб қолишингиздан олдин огоҳлантириб қўяй, уларнинг оиласида сизни хафа қилиб қўйиши эҳтимол бўлган бир одам бор.

– Укасидир-да? Ака-укалар одатда ғов бўлишади.

– Унинг укаси бор, лекин гап унда эмас. У ажойиб йигит, мағрурлик касалига йўлиқмаган бирдан бир Пойндекстер.

– Бўлмаса аристократ отаси экан-да.

– Йўқ, кекса Пойндекстер ҳам эмас.

– Ким экан бўлмаса?

– Унинг аммаваччаси – Кассий Колхаун. Жуда таъвия.

– Унинг исмини эшитгандайман.

– Мен ҳам, – деди кичик лейтенант.

– Мексика урушига жиндак бўлса ҳам алоқадор, яъни Скотт юришида иштирок этган ҳар бир киши уни биларди. Шуни айтиш керакки, Колхаун ёмон ном чиқарган миссисипилик бўлгани учун у Миссисипи кўнгилилар полкининг капитани эди. Лекин уни полк штабидан кўра кўпроқ орқа тарафда, қарта столи олдида кўпроқ учратиш мумкин эди. Уни жанжалкаш сифатида танитган бир-иккита иш бўлган эди. Лекин бундай шухратни у Мексика урушидан ҳам олдинроқ чиқарганди. Янги Орлеанда у хавфли одам сифатида таниқли эди.

– Шу билан нима бўпти? – деб сўради драгун йигит, унинг овозидан бунга ишонмагани сезилиб турар эди.

– Мистер Кассий Колхаун хавфли одамми ёки беозор-

ми, бу билан кимнинг нима иши бор. Ростини айтсам, менга бунинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ахир у фақат аммавачча бўлади, деб ўзингиз айтдингиз-ку.

– Жуда ҳам бунчалик эмасдир. Менимча, у қизни яхши кўрса керак.

– Қиз ҳам уни яхши кўрадимми?

– Бунисини билмайман. Билишимча, уни отаси яхши кўради. Бунинг сабабини ҳам айтишди менга, бу сир, албатта. Бу оддий гап, бунинг сабаби – қарздорлик. Пойндекстер илгаригидек бадавлат одам эмас, акс ҳолда биз уни бу ерда кўрмаган бўлар эдик...

Шу пайт эрталабки кўрик учун йиғилишга бурғу чалинди, кичкина қалъада гўё бутун бир армия корпуси бордек, бу расмийат одат тусига кириб қолган эди. Шундан сўнг учала офицер ўз қисмини кўриққа тайёрлаш учун кетди, кўриқни қалъа командири майор ўтказар эди.

## ЎНИНЧИ БОБ

### КАСА-ДЕЛ-КОРВО

Каса-дел-Корво мулки ёки гасиендаси Леонанинг сердарахт соҳили бўйлаб дашт тарафга уч милдан ҳам ортиқроқ масофага чўзилиб кетган, жануб тарафга қараб эса бундан икки ҳисса кўпроқ жойни эгаллаб ётар эди.

Мексика Америкасида одатда мулкдаги хўжайин уйини ҳам, жуда тўғри бўлмаса-да, гасиенда деб аташди. Каса-дел-Корво уйи Инж қалъасидан тўп ўқи етадиган масофага қурилганди, қалъадан унинг оқ деворларининг бир қисми кўриниб турарди. Гасиенданинг кўп қисми дарё соҳилини ўраб ётган баланд дарахтлар тагига яшириниб олган. Дарё бу ерда тақа шаклида айланиб оқади. Гасиенданинг «Саса дел Согво – «Бурилишдаги уй» деган номи ҳам ана шундан олинган.

Уй Американи колонизация қилишнинг дастлабки вақтларида, Европадан кўчиб келган кишиларни

ўз ҳужумлари билан безор қилган ҳиндулардан ҳимоя этиш мақсадида қулай ерни танлаб қурилган эди<sup>24</sup>.

Гасиенданинг олд томони зумрад гилам тўшалгандек то уфққача чўзилиб кетган дашт тарафга қараган эди.

Каса-дел-Корвонинг қурилиш услуби, Мексикадаги бошқа барча қўрғонлар сингари мавритан-мексикан услубида эди. Уй бир қаватли, текис том – азотеяли, азотеянинг атрофига панжара қурилган. Иморатнинг тоштахта ётқизилган ҳовлисида фонтан ва азотеяга олиб чиқадиган нарвон бор. Ичкарига кирадиган асосий йўлда каттакон оғир дарвозалар ўрнатилган. Дарвозанинг икки тарафида темир панжара билан ҳимоя қилинган икки ё уч дераза бор.

Ҳовли ичкарисида ҳабаш қуллар яшайдиган фақирона чайлалар кўриниб турарди. Бу чайлаларнинг харобалиги хўжайинлар уйининг дабдабасига тамом қарама-қарши эди

Луизианалик плантатор сотиб олган гасиенда ана шундай эди.

Луиза Пойндекстер хаёлга чўмган ҳолда ойна олдидаги креслога ўзини ташлади-да, хизматчи қизга меҳмонларни кутиб олишдан олдин ўзини кийинтириш ва тарангиришни буюрди.

Пойндекстер янги жойга кўчиб келгани муносабати билан бераётган зиёфатнинг бошланишига бир соатча вақт бор эди. Ёш креол қизнинг бир оз хавотирланаётганининг сабаби шу зиёфат эдими? Лекин хизматкор қул қизнинг ўйлашича, бунинг сабаби бошқа эди - Луни улар орасида бўлиб ўтган суҳбат ҳам кўрсатиб турарди.

Буни суҳбат деб ҳам бўлмасди. Луиза хаёл суриб ўтирарди, хаёлидан кечган гаплар тилига чиқарди, хизматкор қиз эса худди акс садодек унинг фикрларини такрорлар эди. Ёш креол қиз эсини танигандан бери қул қизга бир буюмдай қарар, атрофида турган

<sup>24</sup> Ҳиндулар оқ танлиларнинг зулмларига қарши, тортиб олинган ерлари учун, колонизаторларнинг уларни қашшоқликка солган сиёсатлари учун улардан ўч олар эдилар.

стуллар, столлар, диванлар ва бошқа мебелдан ўз фикрини яширишга уринмагандек, ундан ҳам яширмасликка ўрганган эди. Уларнинг фарқи фақат шунда эдики, Флоринда ҳар ҳолда тирик жон эди ва саволларга жавоб бера оларди.

Флоринда хонага кириб келгандан кейин дастлабки ўн дақиқа ичида ҳар хил майда-чуйда нарсалар тўғрисида тўхтовсиз валақларди, шунинг учун Луизанинг суҳбатда иштироки фақат калта-калта иловалардангина иборат бўлди.

– О, мисс Луи, – дер эди ҳабаш қиз, ёш бекасининг чиройли сочларини меҳр билан тарар экан, – сочингиз бирам чиройлики! Сарв дарахтида осилиб ётган момик испан йўсинига ўхшайди-я. Лекин фарқи шуки, сочингизнинг ранги бошқача ва қанд шинниси сингари ялтирайди.

Луиза Пойндекстер креол қиз эди, шунинг учун сочлари қора эканини айтиб ўтиш даркор бўлмаса керак. Қизнинг сочи ҳабаш қиз оқ кўнгиллилик билан тўғри айтгандек, худди испан йўсини сингари патила-патила эди. Лекин сочи қоп-қора эмасди. Сочининг ранги ҳар замонда бир учраб қоладиган каштан тусли тошбақа ранги ёки қишда тутилган сувсар ранги сингари тўқ каштан рангида эди.

– Аҳ, – деб давом этди Флоринда, – агар менинг жингалак сочларим ўрнида сизнинг бу ажойиб сочларингиз бўлганида эди, уларнинг ҳаммаси беистисно менинг оёқларимга бош қўйган бўлар эдилар!

– Нималар деясан ўзинг? – деб сўради креол қиз гўё ўз хаёлларидан уйғонгандек бўлиб. – Нима дединг? Оёқларимга бош қўядилар дедингми? Ким?

– Ие, гўё ўзингиз тушунмагандай гапирасиз-а?

– Рост, тушунганим йўқ.

– Мен уларни ўзимни севишга мажбур қилардим. Ана шундай демоқчи эдим.

– Кимни ахир?

– Ҳамма оқ жентльменларни-да. Плантатор йигитларни, қалъа офицерларини – ҳамма-ҳаммани! Сизнинг сочларингиз менда бўлса, уларнинг ҳаммасини ўзимга мафтун қилар эдим!

– Ҳа-ҳа-ҳа! – деб кулиб юборди Луиза, ўзининг сочлари Флориндада бўлса, унинг қандай ҳолда бўлишини кўз олдига келтириб. – Ўйлашингча, сочларим сенда бўлса, биронта ҳам йигит чидаб туролмасмиди?

– Йўқ, мисс, мен фақат сочингиз эмас, сизнинг чиройли чехрангиз, оппоқ танингиз, келишган қадди-қоматингиз. Ҳаммаси менда бўлишини истар эдим. Бу жуда ажойиб бўлар эди-да! О, мисс Луи, сиз шундай чиройлисизки, асти қўяверасиз! Бу тўғрида оқ танли жентльменларнинг гаплашганини ўзим эшитдим.

– Хушомадгўйлик қилишни ўрганибсан, Флоринда.

– Йўқ, мисс, ишонаверинг. Сўзларимда бирон оғиз ҳам хушомад йўқ, бирон оғиз ҳам! Қасам ичаман! Барча авлиёлар ҳаққи!

Луизага бир назар ташлаган ҳар қандай одам учун ҳам ҳабаш қизнинг қасамлари ортиқча экани маълум бўлар эди.

Луиза Пойндекстер гўзал эди дейиш, унинг атрофидаги жамоа айтаётган умумий фикрни такрорлаш бўлар эди, холос. Қалам унинг гўзаллиги тўғрисида фақат кучсиз тасаввур бера олади, унинг чақнаб турган кўзларидаги нурни ҳар қандай рассом ҳам жонсиз полотнода тасвираб беришга ожизлик қилган бўлар эди.

Флоринданинг жуда жиддий ишонтиришларига креол қиз менсимагина кулиб қўя қолди, унинг кулгисида ўзининг чиройли эканига сира ҳам шубҳа қилмаслиги сезилиб турарди. Ёш креол қиз ўзининг гўзал эканини эслатиб туришларига муҳтож эмасди. Ҳабаш қизнинг хушомади унга унча таъсир ҳам қилмади, шундан сўнг у яна ўйга чўмиб кетди.

Флоринда пинагини бузмай давом этди.

– Аҳ, – деди у ўзи билан ўзи сўзлашаётгандек, – агар Флориндада ёш мисснинг ярим ҳусни бўлса, у

ҳеч ким тўғрисида оҳ тортмас, ҳеч кимга эътибор ҳам қилмас эди!

– Оҳ тортмасди дейсанми? – деб сўради Луиза, унинг сўзига ҳайрон бўлиб. – Бу билан нима демоқчисан?

– Мисс Луи, Флоринда сиз ўйлаганча кўр ҳам эмас, қар ҳам. У қизнинг ўйга чўмиб қимирламай ўтиришингизни, чуқур хўрсинишингизни аллақачондан бери сезиб келяпти. Луизианада турганимизда сизни бу аҳволда ҳеч кўрмаган эдим.

– Флоринда! Ақлингни еб қўяётганга ўхшайсан ёки Луизианадаёқ еб қўйгансан! Бу ернинг об-ҳавоси ёмон таъсир кўрсатдими дейман?

– Ростини айтсам, мисс Луи, буни ўзингиздан сўрашингиз керак. Сиз билан бундай очиқ сўзлашаётганимга жаҳлингиз чиқмасин.

– Йўқ, албатта. Нима учун жаҳлим чиқсин? Жаҳлим чиқаётгани йўқ. Лекин гапларинг тўғри эмас. Кўрдим ва эшитдим деганларинг ҳаммаси сенинг хомхаёлларинг. Оҳ тортишга келсак, бунга менинг сира ҳам вақтим йўқ. Ахир ҳозир юзга яқин меҳмонларни кутиб олишим керак-а, бунинг устига уларнинг биронтасини ҳам танимайман. Меҳмонлар орасида сен мафтун қилмоқчи бўлган ёш плантаторлар ва офицерлар бор. Ҳа-ҳа-ҳа! Мен эса улардан биронтасини ҳам мафтун қилмоқчи эмасман, шунинг учун уларнинг ҳаммасини ўзингга бердим.

– О, мисс Луи, ростингизми? – деб сўради ҳабаш қиз жуда қизиқиб. – Ўша жентльменлардан биронтаси ҳам менга ёқмайди дейсизми? Ахир жуда-жуда чиройли йигитлар келади-я. Анави плантатор йигит ва иккита чиройли офицер... Йўғ-е, учта чиройли офицер келади. Уларни биларсиз? Ҳаммаси ҳам сизга мубтало бўлган. Улардан биронтаси тўғрисида ҳам оҳ тортмаётганингизга ишонасизми, мисс?

– Яна шундан гапирдинг-а! – деди зўрма-зўраки кулиб Луиза. – Бас, Флоринда, вақтимиз кетяпти. Бугун кўп меҳмонлар келишини унутма, ўзимни тутиб оли-

шим ва уй бекаси ролини болаб бажаришим учун энг ками ярим соат вақт кераклиги эсингда бўлсин.

– Хавотир бўлманг, мисс Луи, хавотир бўлманг. Сизни кийинтириб қўйиш қийин эмас. Ҳамма кўйлақларингиз ҳам ярашади. Плантация хизматкорлари киядиган оддий иш кўйлаги кийсангиз ҳам аёллар ичида энг чиройлиси ўзингиз бўласиз.

– Оббо, Флоринда-ей, хўп хушомадгўйликни ўрганиб олибсан-да! Менимча, буни бекорга айтаётганинг йўққа ўхшайди. Ёки сени Плуто билан яраштириб қўйишимни истайсанми?

– Йўқ, мисс, Плуто энди ҳеч вақт менинг дўстим бўлолмайди. У ўша қора даштда бўрон кўтарилган вақтда шундай қўрқоқлик қилдики, асти қўясиз! О, мисс Луи, агар ўша тўриқ от минган жентльмен йигит келиб қолмаганда, аҳволимиз нима кечар эди!

– Агар у бўлмаганда, Флоринда, эҳтимол, биронта-миз ҳам бу ерга етиб келолмаган бўлардик.

– О, Мисс! Жуда ҳам чиройли йигит экан-да ўзи ҳам! Эсингиздами? Унинг қуюқ сочлари худди сизнинг сочларингиз рангида, лекин меники сингари бир оз жингалак эди. Плантатор йигит ёки офицерлар унга тенг кела олармиди! Сира ҳам! Биз ҳабашлар уларни оқ чиқинди деб атаймиз. Ўша гўзал йигитга ўхшаган эркаклар ҳақида ҳар қанча оҳ тортса ҳам арзийди. У бунга арзийдиган йигит.

Шу пайтгача ёш креол қиз ўзини хотиржам тутиб келди. У бундан кейин ҳам хотиржам қолмоқчи эди, лекин уддасидан чиқолмади. Тасодифанми ёки жўрттагами, лекин ҳар ҳолда Флоринданинг сўзлари бекасининг энг нозик жойига теккан эди. Луиза ўзининг сирини ҳатто қул қизга ҳам билдирмоқчи эмас эди. Шунинг учун худди шу пайт ташқаридан қаттиқ-қаттиқ овозлар эшитилиб қолганидан жуда хурсанд бўлди. Кийиниш-таранишни тезроқ тугатиш, шу билан бирга ўзи истамаган суҳбатга барҳам бериш учун бу айна муддао эди.

## ЎН БИРИНЧИ БОБ

### ОВЧИНИНГ ТЎСАТДАН ҚАЙТИШИ

– Ҳей, ҳабаш, хўжайининг қани?

– Мистер Пойндекстерми, сэр? Отасими ёки ўғлими?

– Ўғлини нима қиламан? Мен мистер Пойндекстерни сўраяпман. Қани у?

– Ҳа, ҳа, сэр, уларнинг иккаласи ҳам уйда, яъни иккаласи ҳам уйда йўқ демоқчиман – кекса хўжайин ҳам, ёш мастер Генри ҳам йўқ. Улар пастда, дарё бўйида, девор ураётганларнинг тепасида. Ҳа, ҳа, иккаласини ҳам ўша ердан топасиз.

– Пастда, дарё бўйида дедингми? Ўйлашингча, бу ердан узоқми?

– О, сэр! Ҳабашнинг ўйлашича, бу ердан уч ёки тўрт мил жойда, агар бундан ҳам узоқда бўлмаса.

– Уч-тўрт мил дейсанми? Жуда ҳам аҳмоқ экансан-ку! Мистер Пойндекстернинг плантацияси шунчалик каттами? У бировларнинг ерига девор урармиди. Менга қара, яхшиси айт, у қачон қайтади? Ишонаман, буни билсанг керак?

– Иккалалари ҳам тезда қайтишлари керак, мистер Колхаун ҳам. О, бугун бизникида катта зиёфат бор, ошхонадан келаётган ширин ҳидлардан ўзингиз ҳам библиб тургандирсиз. У ерда бугун нималарни пиширишмаяпти дейсиз! Хўжайинимиз Луизианада берадиган зиёфатларидан ҳам ошириб зиёфат тайёрлаяпти.

– О, мистер Зебулон Стумп, бу сизмисиз? – деган қўнғироқдек товуш эшитилди ва айвонда Луиза Пойндекстер пайдо бўлди. – Ўзим ҳам сиз бўлсангиз керак деб ўйлаган эдим, – деб давом этди у айвон ёқасидаги панжара ёнига келар экан, – лекин сизни бунчалик тез қайтарсиз деб кутмаган эдим. Сизни узоқ сафарга кетдингиз деб ўйлабман. Лекин сизни бу ерда кўрганимдан жуда хурсандман. Отам билан Генри келганингизга жуда ҳам хурсанд бўлишади... Плуто, югур, Клунинг олдига бор, сўрачи, мистер Стумпнинг қорни-



ни тўйгазиш учун нимаси бор экан... Овқат еганингиз ҳам йўқдир, ахир, шундай эмасми? Усти-бошингиз жуда чанг бўлиб кетибди – узоққа бориб келдингизми дейман? Флоринда, югур, физиллаб буфетга бор-да, бирор ичимлик топиб кел. Мистер Стумп шундай иссиқ кунда жуда чанқаб турган бўлса керак, бунга шубҳам йўқ... Нима хоҳлайсиз. портвейнми, шерримми, кларетми? Эҳ, эсим қурсин, мононгахел вискисини яхши кўришингиз ёдимдан кўтарилибди. Уйда бўлса керак... Югур, Флоринда, дарров топиб кел... Айвонга чиқинг, мистер Стумп, ўтириб бирпас дамингизни олинг. Отамда ишингиз бор, шекилли? Ҳозир келиб қолади. Унгача сизни зериктириб қўймасман дейман.

Агар қиз гапини олдинроқ тугатган бўлса ҳам бари бир овчидан дарров жавоб олмаган бўлар эди. Ҳозир ҳам Зеб Стумп унга жавоб бергунча бир неча сония ўтди. У қиздан кўзини узолмас, унга тикилиб қолганди, гўё тилидан ажралган кишига ўхшарди.

– Ё, фалак, мисс Луиза! – дея олди ниҳоят у. – Сизни Миссисипида кўрганимда ер юзидаги энг нафис қиз деб ўйлаган эдим. Лекин энди аминманки, сиз фақат ер юзидагина эмас, ҳатто осмону фалакда ҳам ягона гўзал экансиз.

Ёш креол қизнинг ҳозиргина таралган сочлари чиройли ялтираб турарди. Совуқ сувга ювилган анордай юзларида қизиллик ўйнардди. Қадди-қомати келишган, оқ ҳинду кисеясидан енгил кўйлак кийган Луиза Пойндекстер ҳақиқатан ҳам жуда гўзал эди.

– Ҳай, ҳай! Мистер Стумп. Сиздан буни сира кутмаган эдим. Техас сизни жуда ширинсўз қилиб юборибди. Мен билан шу хилда сўзлашаверсангиз, илгаригича оддийгина гаплашишни унутиб қўймасангиз эди деб кўрқаман. Ўйлашимча, бунчалик ширин сўзлардан кейин яхшилаб томоғингизни хўллаб олмасангиз бўлмас дейман... Нега қараб турибсан? Тезроқ бўл, Флоринда!.. Виски ичишни афзал кўраман, дедингиз чоғи?

– Бундай деганим йўғ-у, лекин шундай деб ўйладим. Буларнинг ҳеч фарқи бўлмаса керак. Ҳа, мисс, чет эл

виноларидан кўра ўзимизнинг американча ичимлигимизни афзал кўраман. Бу жиҳатдан Техас мени ўзгартира олмади.

– Мистер Стумп, вискига сув қўшиб ичасизми? – деб сўради ярим қилиб виски қуйилган стаканни кўрсатиб Флоринда.

– Йўқ, жонгинам! Қўйсангиз-чи ўша сувни! Шу бугун у жуда жонимга тегди. Эрталабдан бери бир томчи ҳам ичимлик ичмабман-а.

– Қадрдоним мистер Стумп, вискини сув қўшмай ичиб бўлмайди-ку, ахир, томоғингизни куйдириб юборади. Олинг, бир оз асал ёки қанддан тотинг.

– Шундай яхши нарсани бемаза қилиб нима қилдим? Виски буларсиз ҳам жуда ажойиб ичимлик, айниқса, менга бир қараб қўйганингиздан кейин. Вискини сув қўшмасдан қандай ичишимни мана ҳозир кўрасиз. Қани, бир мазасини кўрайлик-чи!

Кекса овчи стаканни лабларига теккизди ва икки-уч хўплади-да, Флориндага бўшаган стаканни қайтариб берди. Ёш креол қиз ва хизматчининг ҳайрон бўлиб оҳ-воҳ қилганини овчининг қаттиқ томоқ қириши босиб кетди.

– Томоғингни куйдиради деб юрибсиз-а. Сира ҳам-да. Томоғимни сал хўллаб олдим, холос, мана энди отангиз билан хол-хол мустанг тўғрисида гаплашаверамиз.

– Рост-а! Эсимдан ҳам чиқиб кетибди... Йўқ, бундай демоқчи эмасдим. Фақат бу тўғрида ҳали ҳеч нарса билиб келганингиз йўқ деб ўйловдим, холос. Хол-хол гўзал тўғрисида бирор хабар борми?

– Гўзал дедингизми. Жуда тўғри айтдингиз-да.

– Бизни кига охирги марта келганингиздан кейин у тўғрида бирор янгилик эшитдингизми?

– Эшитдимгина эмас, кўрдим, ҳатто мана бу қўлларим билан ушлаб ҳам кўрдим.

– Рости билан-а?

– Мустанг ушланди.

– Ростми? Қандай яхши янгилик-а! Ўша гўзални кўрсам жуда хурсанд бўламан-да, унга миниб маз-за

қилишни айтмайсизми! Техасга келганимиздан бери дурустроқ бир от кўрмадим. Отам ўша мустангни неча пулга бўлса ҳам олиб бермоқчи. Лекин уни тутган бахтиёр киши ким экан?

– Ким бўлар эди, мустангер-да.

– Мустангер дейсизми?

– Ҳа, мустангер бўлганда ҳам шунақанги устасики, бу атрофдаги даштларда унга тенг келадигани йўқ. Мустангларга каманд ташлашдагина эмас, ҳатто чавандозликда ҳам у билан ҳеч ким тенглаша олмайди. Сиз ўз мексикаликларингизни мақтамоқчидирсиз? Мен чавандозликда бу йигит билан тенглаша оладиган биронта ҳам мексикаликни кўрганим йўқ.

– Унинг исми нима?

– Исми нима дейсизми? Тўғриси айтсам, унинг фамилиясини ҳеч вақт эшитган эмасман, исми эса Морис. Бу атрофда уни Морис мустангер деб аташади.

Кекса овчи қизнинг охирги саволида акс этган зўр қизиқишни сезиб оларли даражада зийрак эмасди. У, шунингдек, ўзининг жавобидан сўнг қизнинг юзлари ёниб кетганини ҳам сезмай қолди.

Лекин бу Флоринданинг назаридан қочмади.

– А, мисс Луи, – деб юборди у, – бизни қора даштда қутқариб қолган мард йигитнинг исми ҳам шундай эмасмиди!

– Ҳа, – деб дарров жавоб берди овчи. – У менга ўша ҳодисани бугун эргалаб сўзлаб берди. Биз йўлга чиқиб келаётган эдик. Худди ўшанинг ўзи. Хол-хол мустангни тутган ҳам ўша. Ҳозир у шу тарафга қараб келяпти. Қош қорайгунча етиб келиши керак. Мен эса хол-хол мустанг тўғрисида отангизга дарак етказиш учун қари биямни тезроқ ҳайдаб келавердим. Буни сиз учун қилдим, мисс Луиза.

– О, мистер Стумп, жуда яхши қилибсиз! Сиздан жуда хурсандман! Энди эса, мени афв этасиз, сизни бир озгина ёлғиз қолдириб кетаман. Отам ҳам ҳозир келиб қолади. Бугун меҳмон чақирганмиз. Одамларга баъзи ишларни буюришим керак... Флоринда, айт,

мистер Стумпга егулик бирор нарса беришсин. Дарров бориб айт... Ҳа, айтганча, яна бир нарса ёдимдан кўтарилай дебди, мистер Стумп, – деб давом этди қиз овчига яқин сурилиб ва овозини пасайтириб, – агар ўша... ўша йигит меҳмонлар борида келиб қолса, эҳтимол, у меҳмонлар билан таниш эмасдир, уни яхшироқ кутиб олишсин, шундан хабардор бўлиб турсангиз. Бу ерда, айвонда, винолар ва ҳар хил газаклар турибди. Мақсадимга тушунгандирсиз, мистер Стумп?

– Худо урсин агар бирор нарса тушунган бўлсам, мисс Луиза. Ичкилик ва бошқа нарсалар тўғрисидаги гапингизга тушундим, лекин қандай йигит тўғрисида гапирганингизга ақлим бовар қилмай турибди.

– Наҳотки тушунмаётган бўлсангиз! Хол-хол мустангни олиб келадиган йигит-да.

– Ҳа-а! Морис мустангерни айтяпсизми! Ўша йигит тўғрисида гапиряпман денг? Лекин сизни дўстона огоҳлантириб қўяй, уни бегона одам орқали меҳмон қилсангиз, йигитни ранжитиб қўйган бўласиз. У ахир бизнинг Миссисипидаги иборамиз билан айтганда, «Пойндекстер сингари мағрур» йигит. Бундай деганим учун афв этасиз. Мисс Пойндекстер билан сўзлашаётганимни хотирамдан чиқарибман, сиз Пойндекстерларнинг энг мағрури бўлмасангиз ҳам, энг чиройлисиз.

– О, мистер Стумп, менга ҳамма нарсани ҳам айтаверишингиз мумкин. Биласиз-ку, мен сиздан, паҳлавондан ҳам хафа бўлмайман. Одам орқали меҳмон қилиш деб нимани айтаяпсиз?

– Айтмоқчиманки, сизнинг уйингизда Морис мустангерга бирор нарса ичинг ёки енг деб меҳмондўстлик қилишимнинг сира ҳам маънисини йўқ. Агар отангизнинг ўзи уни овқатга таклиф қилмаса, у бирон нарсага ҳам қўл теккизмай кетворади. Билдингизми, мисс Луиза, овқат егани ошхонага юборадиган одамлардан эмас у.

Ёш креол қиз дарров жавоб беролмади, у жуда қийин аҳволга тушиб қолгандай зўр бериб алланарса тўғрисида ўйлаб қолди.

– Ҳай, майли, мистер Стумп, бўлмаса бу тўғрида хавотир олманг, – деди у ниҳоят. – Сиз уни меҳмон қилманг. У етиб келганда, менга бир оғиз хабар қилсангиз бўлгани. Борди-ю, у овқат вақтида келиб қолса, илтимос, уни бирпас гапга солиб турунг. Ваъда қиласизми?

– Ҳўп, шундай қиламан.

– Шундай қилсангиз, унга ўзим ичимлик тутаман.

– Лекин бундай қилиб, мисс, унинг иштаҳасини бўғиб қўймасангиз эди деб кўрқаман. Сизни кўрганда ҳатто оч бўрининг ҳам иштаҳаси бўғилса керак. Ўзим ҳам бу ерга келганимда шундай оч эдимки, бутун бошли хом куркани ҳам еб юборгудек ҳолда эдим. Энди эса унинг кераги ҳам бўлмай қолди. Мен энди бир ой ҳам гўшт емай юра оламан.

Луиза қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

– Ҳаҳ сизними, паҳлавон! – деди креол қиз ўпка аралаш. – Иштаҳангиз дарров йўқолганига ишонгим келмай турибди... Мана, Плуто билан Флоринда ҳам келяпти, улар мендан кўра яхшироқ улфат бўла оладиган нарсалар олиб келишяпти. Хайр, Зеб! Хайр!

Худди шу пайт қўлида патнис кўтарган Флоринда ошхонадан чиқиб қолди. Кетидан патнис кўтарган ҳолда Плуто кўринди, лекин унинг қўлидаги патниси каттароқ ва ундаги егуликлар ҳам кўпроқ эди.

Луиза айвондан кайфи чоғ бўлиб енгил қадамлар билан чиқиб кетди, лекин ўз хонасига киргандан кейин яна чуқур ўйга толди. «Бу менинг тақдирим. Сезиб турибман буни. Унинг қаршисига боришдан кўрқяпман, лекин ундан қочиш қўлимдан келмайди. Бунга қарши боролмайман, истамайман ҳам!»

## ЎН ИККИНЧИ БОБ

### ЁВВОЙИ ОТНИ БЎЙСУНДИРИШ

Азотея – мексикаликлар уйининг энг оромбахш қисми. Унинг поли гасиенданинг текис томи, томи эса зангори осмон гумбазидир.

Об-ҳаво яхши пайтларда, иқлими ажойиб бу ўлкада ҳаво доим яхши бўлади – азотея меҳмонхона ўрнини босади.

Овқатдан сўнг ботиб бораётган қуёш ўзининг заррин нурларини Оризаб, Попокатепетл ва Талука тоғларининг қорли чўққиларига сочган вақтларда каштадан тикилган кийим кийган мексикалик кавалеро сигаретини тўппа-тўғри гўзал сеньорита бетига пуфлаб унинг атрофида парвона бўлади. Қора кўз донселло эса индамай ўтириб, муҳаббат сўзларини тинглайди. Тинглармикин? Эҳтимол, тингламас ва ўзи кўнгил берган кавалеро турадиган узоқ гасиендага гамгинлик билан қараб ўтирар.

Қош қорайиб келаётганда уй томида вақт ўтказиш мексиканча уйларда турадиган кишиларга одат бўлиб қолган. Табиийки, луизианалик плантатор оиласи ҳам одат тусига кириб қолган бу анъанадан бош тортмади.

Ўша зиёфат куни овқатдан кейин уйдаги ноз-неъматлар тортилган хона бўшаб қолганидан сўнг ҳамма меҳмонлар меҳмонхонадан чиқиб томга йиғилди. Ботиб бораётган қуёш ўзининг нурлари билан жуда жонли ва хилланган жамоатни шундай ёритар эдики, бундай меҳмонларни Каса-дел-Корво азотеяси ҳали ҳеч кўрмаганди. Ҳатто қадим вақтларда ҳам, илгариги хўжайин маҳаллий гидалголарни меҳмонга чақирганда ҳам бугунги зиёфатдагичалик гўзал аёллар ва жасур эркаклар тўпланмаган эди.

Вудли Пойндекстернинг Каса-дел-Корвога кўчиб келгани билан муборақбод қилмоқчи бўлиб йиғилган меҳмонлар фақат Леона бўйидаги сеттлментларнинггина эмас, балки чекка жойларнинг ҳам нуфузли одамлари эди. Меҳмонлар орасида Гонзелсдан, Костровилдан ва ҳатто Сан-Антониодан келган одамлар бор эдики, булар худди Пойндекстер сингари жануби-ғарбий Техасга кўчиб келган одамлар бўлиб, плантаторнинг эски дўстлари эди, бугунги тантанада иштирок этиш учун уларнинг кўпчилиги юз милдан ҳам ортиқроқ йўл босиб келган эди.

Зиёфатни қуюқ қилиш учун плантатор пулини ҳам, хизматини ҳам аямади. Зиёфатга таклиф қилинган қалъа офицерларининг ярақлаган мундирлари, гарбий мусиқа, Каса-дел-Корво омборларидаги аъло навли қадимий винолар – буларнинг ҳаммаси зиёфатни Леона бўйларида ҳали шу вақтгача кўрилмаган дабдаба даражасига кўтариб юборган эди.

Лекин зиёфатнинг ҳуснига хол бўлиб тушган нарса плантаторнинг латофатли қизи эди. Юзлаб кўзлар унга тикилиб қолганди. Баъзи кўзлар уни завқланиб, бошқалари эса рашк билан кузатар эди.

Ясанган-тусанган меҳмонлар оломони орасида қизни ҳаммадан ҳам кўпроқ кузатиб юрган ва унинг ҳар бир ҳаракатини назардан қочирмасликка ҳаракат қилаётган бир одам бор эди. Бу қизнинг аммаваччаси Кассий Колхаун эди.

Қиз қаерга борса у ҳам орқасидан борарди. У қизнинг орқасидан соя каби эргашиб юрарди. Гоҳ юқорига чиқар, гоҳ пастга тушар, гоҳ хаёлга берилган киши қиёфасига кириб, бир бурчакка суяниб турарди, аммо гўзал креол қиздан бир дақиқа ҳам кўзини узмасди.

Қизиғи шуки, қизнинг битта жилмайиб қўйишига муштоқ бўлиб, эркакларнинг тўхтовсиз ёғдираётган ширин сўзларига унинг нималар деб жавоб бераётганига эътибор қилмас эди. Ҳатто драгун Генкокнинг қизга очикдан-очик хушомад қилишлари ҳам, афтидан, Колхаунни безовта қилмасди.

Фақат ҳамма азотеяга чиққанидан кейингина Кассий Колхаун сирини бой бериб қўйди. Луиза баъзан панжара олдига келиб, узоқ-узоқларга қараётган вақтларда, унинг қизга қаттиқ синчков назари билан тикилиб қараши одамларнинг назаридан четда қолмади.

Қизнинг нега бундай қилаётганини ҳеч ким билмас ва бунга ҳеч ким қизиқмас эди. Кассий Колхаун Луизанинг хатти-ҳаракатидан зил кетди. Унинг ич-ичини кемираётган шубҳалари йўқ эмасди.

Ботаётган қуёшнинг олтин нурлари остида даштда аллақандай бир тўда кўринганда ва азотеяга йиғил-

ганлар унинг отлар уюри эканини ажратганларида, капитаннинг ортиқ шубҳаси қолмади: уюр бошида ким келаётганини у билар эди.

Лекин Луиза уни отлар уюри одамларнинг диққатини ўзига тортишидан анча олдинроқ уфқда кўтарилган чанг-тўзондан билган эди. Тўғри, унда кўтарилаётган чанг сезилар-сезилмас эдики, астойдил кўз тутиб отлар уюри келишини зориқиб кутаётган одамгина уни кўра оларди.

– Ёввойи отлар! – деди Инж қалъасининг командири майор биноклда ўша тарафга қараб. – Уларни аллаким ҳайдаб келяпти, – деди у, биноклни иккинчи марта кўзига тутиб. – Ҳа! Энди кўрдим, Морис мустангер экан. Баъзи-баъзида у бизга отлар етказиб беради. Афтидан, тўғри шу томонга келаётган кўринади, мистер Пойндекстер.

– Бўлиши мумкин, – деб жавоб берди Каса-дел-Корво хўжайини. – Ўша мустангер менга йигирматами-ўттизтами от олиб келмоқчи бўлган эди, эҳтимол, ўшани олиб келаётгандир... Ҳа, менимча, янглишмаган кўринамиз, – деди у биноклга қараб.

– Ўша экани аниқ, – деди плантаторнинг ўғли. – Келаётган чавандознинг Морис Жералд эканини кўриб турибман.

Плантаторнинг қизи бўлаётган ишларга қизиққанини сал бўлса ҳам билдирмади. У аммаваччасининг кўзлари тешиб юборгудай бўлиб тикилиб турганини сезиб қолган эди.

Ниҳоят, отлар тўдаси яқинлашиб келди. Тўда бошида ҳақиқатан ҳам Морис мустангер келарди; у хол-хол мустангни етаклаб келмоқда эди.

– Мунча чиройли от экан! – деб юборди бир неча киши. – Тутилган отни томоша қилиш учун пастга тушсак ҳам арзийдиганга ўхшайди, – деди майорнинг ўктам хотини. – Мен пастга тушишни таклиф қиламан. Сиз нима дейсиз, мисс Пойндекстер.

Ёш беканинг говур-гувур товушлар орасидан:



– О, албатта! Пастга тушамиз, тушамиз пастга, – деган товуши эшитилди.

Майор хотини бошчилигида аёллар тош зинадан пастга тушдилар. Уларнинг кетидан эркаклар ҳам эргашдилар.

Бир неча дақиқадан кейин ҳали ҳам отдан тушмаган мустангер ўзининг гўзал асираси билан ясанган-тусанган жамоат қуршовида қолди.

Генри Пойндекстер ҳаммадан олдин келиб, мустангер билан дўстона кўришди.

Луиза Морис билан енгилгина таъзим қилиб саломлашди. Бундан ортиғини беодобликка йўйишлари мумкин эди, бу эса жамоатга ёқиб тушмаган бўларди.

Аёллардан фақат майорнинг хотинигина мустангер билан қуюқ саломлашди, лекин унинг муомаласидан йигитни ўзидан паст кўриши сезилиб турарди. Бунинг ҳисобига мустангер ёш креол қизнинг тез ва маънодор қарашига сазавор бўлди.

Шуни ҳам айтиш керакки, майлик фақат Луизанинггина нигоҳида акс этмасди. Кийим-боши йўлда чанг босиб кетган бўлишига қарамай, мустангер жуда хушсурат эди. У босиб ўтган йўл йигирма милдан ортиқроқ бўлса ҳам, уни толиқтирмагандай эди. Қир шамоли ирландиялик йигитнинг юзларини қизартириб юборганди. Кўйлагининг очиқ ёқасидан кўриниб турган офтобда қорайган бақувват бўйни йигитнинг ҳуснига ҳусн қўшиб турарди. Бутун борлиғидан чидам ва куч ёғилиб турарди. Комиссарнинг кўҳдиккина жияни ўзида йўқ хурсандлик билан унга қараб жилмайиб кўярди. Одамларнинг айтишича, комиссарнинг хотини ҳам унга маҳлиё эди, лекин бу, афтидан, қалъада ғийбатчилиги билан донг чиқарган докторнинг хотини томонидан тарқатилган фиску фасод бўлса керак.

– Бу Зеб Стумп менга тасвирини қилган отнинг ўзи экани шубҳасиз, – деди Пойндекстер, қўлга тушган мустангни кўздан кечириб.

– Ҳа, худди ўзи, – деб жавоб берди кекса овчи Морисга ёрдам бериш учун унинг олдига келар экан. –

Тўппа-тўғри айтдингиз, мистер Пойндекстер, кўргангингиздек, худди ўшанинг ўзи. Бу йигит отни унга учрашмасимданоқ тутиб қўйган экан. Яхшики, вақтида борибман. Бўлмаса бу гўзал бошқа одамнинг қўлига ўтиб кетиши ҳам ажаб эмасди, бу эса мисс Луизани қаттиқ хафа қилган бўларди.

– Тўғри айтдингиз, мистер Стумп. Менга жуда катта илтифот кўрсатдингиз. Бу яхшилигингизга қандай қилиб миннатдорчилик билдиришни ҳам билолмай қолдим, – деди Луиза.

– Миннатдорчилик дейсизми! Билишимча, менга бирор яхшилик қилмоқчисиз, шекилли? Бу сизга қийин эмас. Мен ахир, тўғриси айтсам, арзийдиган ҳеч қандай иш қилганим йўқ-ку, от миниб даштда бир оз кезиб келдим, холос. Сиздек нафис қизни мана бундай гўзал от устида кўриш, бунинг устига анави укпарли шляпангиз ва этаги кенг юбкангизда кўриш – Зеб Стумпнинг Тошли қоялар тоғи этаги ёқалаб бир сайр қилиб келишига арзирлик совға эмасми!

– О, мистер Стумп, сиз жуда хушомадгўй бўлиб кетибсиз! Атрофингизга бир қаранг, бундай ширин сўзларингизга арзигудек мендан ҳам чиройли аёлларни жуда кўп кўрасиз.

– Хўп, хўп, бўпти! – деб жавоб берди Зеб атрофдаги хотинларга нари-бери кўз ташлаб чиқиб. – Бу ерда гўзал аёллар кўплигини инкор қилмайман. Ўҳ-ў, тўғри, чиройли аёллар ҳақиқатан ҳам жуда кўп экан! Лекин бизнинг Луизианада айтишганидек, Луиза Пойндекстер битта, холос.

Зеб Стумпнинг мақтов сўзларига жавобан кўтарилган қаҳқаҳа орасидан фақат бир неча хотиннинггина товушини ажратиб олиш мумкин эди.

– Мен сизга икки юз доллар беришим керак, – деди плантатор Морисга қайрилиб қараб ва хол-хол мустангни кўрсатиб, – янглишмасам, мистер Стумп шу баҳога келишган бўлса керак?

– Мен бундай битимда иштирок этганим йўқ эди-ку, – деб жавоб берди мустангер маънодор қилиб жиламаяр экан. – Пулингизни ололмайман. Бу от сотилмайди.

– Ростдан-а? – деб орқага тисланди плантатор, сўзи ерда қолган кишидек хафа бўлиб.

Плантаторнинг дўстлари ва қалъа офицерлари ўз ҳайронликларини яшира олмадилар.

Ҳали бўйсундирилмаган мустанг учун икки юз доллар тўлаш кўрилмаган бир ҳол эди, ваҳоланки, тутиб келинган отнинг баҳоси одатда ўн доллардан йигирма долларгача бўлар эди! Мустангернинг ҳуши жойида эмас кўринади.

– Мистер Пойндекстер, – деб давом этди мустангер, – сиз менга бошқа мустанглар учун, ҳатто уларни тутиб келтирмасимданоқ яхшигина пул тўладингиз, рухсат этсангиз, шунга миннатдорчилик билдирсам. Биз ирландияликларнинг одатимиз шундай. Бундан ташқари, бизнинг одатимизда совғани савдо битими тузган кишига эмас, балки унинг оила аъзоларидан бирига берилади. Бизнинг шу ирландча одатимизни Техасда ҳам қўлласак бўлармикин?

– Албатта, шубҳасиз! – деган товушлар эшитилди.

– Мен қарши эмасман, мистер Жералд, – деб жавоб берди плантатор одамлар олдида ўзининг эски одатларидан воз кечиб. – Ўзингиз биласиз.

– Раҳмат, жаноблар, раҳмат! – деди мустангер ғурур билан тўпланганларга енгилгина таъзим қилар экан. – Бу отни мен омадим чопиб, тасодифан қўлга тушириб қолдим. Агар мисс Пойндекстер уни мендан қабул қилишга розилик билдирса, бу ёввойи гўзалнинг кетидан қувлаб уч кеча-кундуз от устида ўтказган вақтимдан жуда рози бўламан. У энг ўжар от бўлганда ҳам бўйсундириш бундан кўра қийин бўимас эди.

– Совғангизни қабул қиламан, сэр, қабул қилганда ҳам жуда миннатдорлик билан қабул қиламан, – деб жавоб берди ёш креол қиз олдинга чиқиб. – Лекин, менимча... – деб давом этди у мустангни кўрсатиб ва айни вақтда мустангернинг кўзларига савол назари билан қараб, – менимча, асирангиз... ҳали бўйсундирилмаган кўринади. У номаълум келажак олдида титроқ босиб турибди ва жилов кўнглига ёқмаса, кўтариб

урадиганга ўхшайди. Ўшанда мен бечоранинг ҳоли нима кечади.

– Тўғри, Морис, – деди қизнинг сўзларидаги яширин маънони мутлақо тушунмаган майор, унинг сўзларига тушунган ягона одамга мурожаат қилар экан. – Мисс Пойндекстер тўғри айтади. Бу отга ҳали ҳеч ким минмаган. Буни ҳамма кўриб турибди. Қани, азиз дўстим, уни бир оз ўргатинг-чи. – Сўнг майор атрофдагиларга мурожаат қилди. – Мен сизга айтсам, буни бир кўриб қўйиш зиён қилмайди, айниқса, бундай манзарани кўрмаганларга... Менга қаранг, Морис, унга мининг ва дашт гўзалини бизга бир кўрсатинг. Унинг ўзи ҳам сизнинг санъатингизни бир кўрсам деб турганга ўхшайди.

– Ҳа, тўғри айтдингиз, майор, у ҳақиқатан ҳам шуни истаб турибди! – деб жавоб берди мустангер ўзининг тўрт оёқли асирасига эмас, меҳмонлар оломони орасига кириб кетган креол қизга тез бир назар ташлаб.

– Ҳечқиси йўқ, Морис, ҳечқиси йўқ, – дерди майор далда берувчи бир оҳангда. – Кўзларидан ўт чақнаб турган бўлса ҳам, ишонаманки, сиз уни ипақдек қилиб қўясиз. Қани, бошланг!

Майорнинг сўзини мустангер ерга ташлай олмасди. Бу чақириқ эди. Уста чавандозлик маҳорати Техасда юқори баҳоланарди.

Морис бунга ўзининг розилигини тезлик билан отидан сакраб тушиш билан билдирди ва отининг жилловини Зеб Стумпга тутқазиб, хол-хол мустанг билан машғул бўлди, кейин жой бўшатишни илтимос қилди.

Бу бир зумда амалга оширилди – меҳмонларнинг кўпчилиги қайтиб азотеяга чиқдилар.

Командини мустангнинг пастки жағи тагидан ўтказиб ва уни жониворнинг бошига жилов сингари бойлаб, Морис Жералд сакраб отга миниб олди.

Ёввойи от бундай ҳақоратни биринчи марта кўриши эди. Ўзининг озодлигига чанг солганларига қаршилик билдириб, у баланд овозда ғазаб билан кишнаб юборди.

От олдинги оёқларини кўтариб осмонга сапчиди ва шу ҳолатда бир неча дақиқа туриб қолди. Чавандоз

ўзини йўқотиб қўймади, у иккала қўли билан отнинг бўйнидан маҳкам кучоқлаб олди. Отнинг бўйнидан қаттиқ сиқиб бутун гавдаси билан отга ёпишиб олган эди. Шундай қилмаса, от уни кўтариб урган ва янчиб ташлаган бўларди. Шундан сўнг мустанг сағрисини осмонга кўтара бошлади, бундай вақтларда ёввойи отлар доим шундай қиладилар. Бу чавандозни айниқ-са қийин аҳволга солиб қўйди: у ҳар онда от устидан учиб кетиши мумкин эди. Ўз кучига ишонган мустангер отни эгарлаш ва узангилашдан қочганди, энди эса бу унга жуда катта ёрдам берган бўларди. Лекин у ўзининг ёввойи отларни ўргатувчи номига доғ туширмаслик учун жўртгага шундай қилган эди, турган гапки, бунинг уддасидан чиқди. От сағрисини кўтарганда, мустангер эпчиллик билан орқасига ўтирилди ва иккала қўли билан отнинг сағрисидан кучоқлаб олди, оёқларини эса отнинг бўйнига тиради.

Мустанг чавандозни итқитиб ташлаш учун икки-уч марта уриниб кўрди, лекин ҳар сафар ҳам чавандознинг чаққонлигига бўйсунишга мажбур бўлди. Жинни бўлаёзган жонивор бутун ҳаракатларининг беҳуда эканига ишонгач, сакрашдан тўхтади ва турган еридан ўқдай отилиб чавандозни дашт томон олиб қочди.

Меҳмонлар ўз жойларида Мориснинг қайтишини кутиб жим ўтирар эдилар. Мустангер энди ҳалок бўлди, жуда бўлмаса, дабдаласи чиқди деяверинг деган тахминлар азотеяда ўтирганлар томонидан қайта-қайта айтилди. Фақат бир кишигина буни ич-ичидан истар, иккинчи бир киши учун эса бу ўз ўлими билан баробар эди.

Қанд плантациялари мағрур хўжайинининг қизи, машҳур гўзал Луиза Пойндекстер нима учун Техаснинг камбағал бир овчисини ёқтириб қолгани ҳатто унинг ўзига ҳам номаълум эди. Қиз бу ғалати одамга нисбатан қалбида қандайдир бир қизиқиш уйғонганини сезарди, танланган жамоат ичида билган кишиларидан бутунлай ажралиб турадиган йигит эди у! Қиз шуни ҳам сезар эдики, бу ҳис сўниш ўрнига, тобора ўт олиб бормоқда эди.

Шунинг учун Морис мустангер яна от устида, энди ёввойи эмас, балки бўйсундирилган от устида пайдо бўлганда Луизанинг юраги яна ҳам қаттиқроқ уриб кетди.

От чавандозни улоқтириб ташлашга энди уринмас, балки бўйсунган ва уни хўжайиним деб эътироф қилган эди.

– Мисс Пойндекстер, – деди мустангер отдан сакраб тушиб ва уни қарши олганларнинг қаттиқ-қаттиқ қарсак чалишларига сира ҳам эътибор қилмай, – отнинг олдига келинг, бўйнига каманд бойлаб, отхонага олиб боринг, деб сўрашга ҳаддим сизгадими? Агар шундай қилсангиз, у сизни ўзининг бўйсундирувчиси деб билади ва сизга доим бўйсунди.

Нозли қиз бундай таклифга кўнмас, енгилтак қиз буни рад қилар, кўрқоқ қизнинг эса юраги бетламаган бўларди.

Лекин Луиза Пойндекстер бир дақиқа ҳам иккиланмади, ноз қилиб ўтирмади ва кўрқмади-да, ўз ҳамроҳлари орасидан ажралиб чиқди. Мустангернинг айтганини қилиб, от қилидан тўқилган арқонни олдида, бўйсундирилган мустангнинг бўйнидан боғлаб Каса-дел-Корво отхонасига етаклаб кетди.

Мустангернинг: «У сизни ўзининг бўйсундирувчиси деб билади ва сизга доим бўйсунди», деган сўзлари қизнинг қулоғидан кетмас ва қалбида акс-садо бериб турарди.

## ЎН УЧИНЧИ БОБ

### ДАШТ САЙРИ

Чиқиб келаётган қуёшнинг илк қизғиш нурлари Инж қалъаси офицерлари уйларининг олдидаги майдончада турган бир тўда нарсаларни ёритди.

Бу нарсаларнинг ўртасида бир жуфт мексика хачири қўшилган чоғроқ бир фургон турар эди. Хачирларнинг тоқатсизлик билан ер тепиниши, дум силкитиши ва қулоқларини қимирлатишига қараб, уларнинг анчадан бери аравага қўшилган ҳолда бир ерда турга-

нини ва йўлга тушиш вақтини зориқиб кутаётганларини сезиш мумкин эди. Айни вақтда хачирларнинг бу қилиқлари бекорчи томошабинларни улар яқинига йўламасликлари ва туёқ тепкисига учрамасликларидан огоҳлантириб турарди.

Лекин бекорчи томошабинлар кўринмасди.

Гира-шира тонг вақтида фақат бир киши – баланд бойли, соябони кенг шляпали барваста кишининг қорасинигина кўриш мумкин эди. Унинг кекса овчи Зеб Стумп эканини билиб олиш қийин эмасди. У қимир этмай турган қари биясига миниб олган эди.

Атрофида эса қизгин тайёргарлик ишлари борарди. Одамлар шошишар, у ёқдан бу ёққа танда кўйишарди – фургон олдидан офицерлар уйлари томон югуришарди ва яна арава олдига қайтиб келишарди.

Булар ўн киши чамаси бўлиб, кийим-бошлари ва баданларининг оқ-қоралиги билан бир-бирларидан фарқ қилар эдилар. Буларнинг кўпчилиги ҳар хил ёрдамчи ишлар билан банд бўлган аскарлар эди. Улардан иккитаси, афтидан, ошпазлар, қолганлари эса маҳаллий офицерларнинг денгчиклари эди.

Салобат билан у ёқ бу ёққа юриб турган бир ҳабаш денгчиклардан бутунлай ажралиб турарди. У қалъа командири – майорнинг лакейи эди. Бу бир тўда одамларга маълум ҳарбий форма кийган сержант бошчилик қиларди. У фургонни ҳар хил озиқ-овқат ва ичимликлар билан тўлдиришга вакил қилинганди.

Озиқ-овқат ва виноларнинг мўл-кўллигига ва хилма-хиллигига қарамай, дашт сайрига тайёргарлик кўраётган бу одамларнинг ҳаммасини бўлаётган ишлардан мамнун эди деб бўлмасди. Зеб Стумп норози эди.

– Менга қара, ҳай ишбоши, – деб мурожаат қилди у сержантга, – жўхори ҳиди келмаяптими, уни фургонга ортмадингми дейман. Менга қолса, у ерда, дашт сайрида, ҳар хил ажнабийларнинг «шампен»ларидан кўра ўшани афзал кўрадиган одамлар ҳам топилиб қолади, чамамда, француз виносини «шампен» деб атайсизлар, шекилли?

– Шампан виносидан жўхорини афзал кўрадиган одамлар топилади дейсизми? Отлар тўрисида гапир-япсиз, шекилли, мистер Стумп.

– Отларингни қўйиб тур! От ейдиган жўхори тўғрисида ҳеч ким гапираётгани йўқ, мен мононгахел вискисини айтяпман.

– О-а, энди тушундим! Жуда тўғри айтдингиз, мистер Стумп, вискини унутиб қўйиш ярамайди. Ана у ерда дашт сайрига ажратиб қўйилган каттагина бир шишани кўргандек бўлиб эдим.

Шу вақт майор деншчигининг:

– Худди шундай, жаноб сержант, – деган товуши эшитилди, у фургон олдига каттакон шиша кўтариб келарди.

Кекса овчи йўл ҳозирлигини тамом бўлди деб ҳисоблаб йўлга тушишга шоширди:

– Қани, ишбоши, ҳаммаси тахт бўлдими? Йўлга тушаверсак ҳам бўларди.

– Иш чиқиб қолди, мистер Стумп. Ошпаз ҳали жўжаларни қовуриб бўлганим йўқ деяпти. У товадаги жўжаларни ҳозиргина ағдариб юборди.

– Жўжаларинг ҳам, ошпазинг ҳам қуриб кетсин! Бизнинг даштларда бўладиган ёввойи куркалар олдида уларинг нима деган гап! Курканинг мазасини майор билади, менга яхши бир курка отиб берасан деб тайинлаб қўйгани бежиз эмас. Сен нима дейсан, қуёш осмони фалакка кўтарилиб, ўн милдан ортиқ саёҳат қилиб қўйгандан кейин ҳам курка отиб бўладими? Бунинг устига мана бу арава орқангдан изма-из фирчилаб келаверса! Шундай аҳволда ов қилиб бўлармишми? Сен, старшина, қушларни қалъа солдатлари сингари аҳмоқ деб ўйлама. Дашт жониворлари ичида энг ақллиси ёввойи курка бўлади, шунинг учун уни алдамоқчи бўлсанг, жуда бўлмаганда қуёш билан бирга туришинг керак, ундан олдин турсанг тағин яхши.

– Тўғри, мистер Стумп, майор сизнинг овчилик санъатингизни билади, шунинг учун ҳам курка билан бир маишат қилишга умид боғлайди.



– Сенга тўғриси айтиб қўя қолай, оғайни, у курка отиб беришимгагина умид боғламай, балки бизон тили билан гўшти топиб беришимни ҳам орзу қилади, ваҳоланки, бутун Техасда бундай жонивор учрамайди ва мана йигирма йилдирки, йўқ бўлиб кетган. Тўғри, европалик ёзувчилар бу тўғрида бутунлай бошқача ёзар эмишлар, айниқса, француз ёзувчилари ўтиб тушишармиш, бетлари чидаса ёзаверсинлар. Ҳозир бу ўлкада бизонлар йўқ, тухуми қуриб кетган... Бу атрофда айиқлар, буғулар, ёввойи эчкилар бор, ёввойи куркалар жуда кўп, бу тўғри гап, лекин уларни тушликка отиб келиш учун барвақт нонушта қилиш керак. Ана шунинг учун сен, ишбоши, танланган меҳмонларнинг бугунги овқат вақтида курка гўшти ейишсин десанг, тезроқ йўлга чиқишга буйруқ бер.

Кекса овчининг бундай далиллари сержантга ўз таъсирини кўрсатди, шундан сўнг кўп ўтмай фургон йўлга тушди. Арава кетидан оқ ва қора солдатлар борар эдилар.

Карвон бошида ўзининг қари биясига миниб олган Зеб Стумп борарди. У Леона ва Ёнғоқзор дарёлари орасида ястаниб ётган кенг дала ўртасидан йўл солди.

Озиқ-овқатлар ортилган фургон йўлга тушганига йигирма дақиқа ўтар-ўтмас, худди ўша ерда бошқа бир компания тўплана бошлади.

От миниб олган аёллар, эркаклар, дўстлари ва қариндош-уруғлари кузатувида етиб келдилар. Пойндекстерларникида ҳовли зиёфатига келганларнинг дегарли ҳаммаси йиғилди.

Плантаторнинг ўзи, ўғли Генри, жияни Кассий Колхаун ва қизи Луиза билан етиб келди. Қиз хол-хол мустангга миниб олган эди.

Дашт сайри Пойндекстер шарафига уюштирилди. Майор билан офицерлар мезбон, плантатор билан дўстлари меҳмон эдилар. Меҳмонларнинг кўнглини очиш учун ёввойи отларни овлаш кўзда тутилганди.

Бундай спорт учун қулай жой Инж қалъасидан йигирма мил наридаги кенг даштгина бўлиши мумкин

эди. Шунинг учун вақтлроқ йўлга чиқиш ва етарли миқдорда озиқ-овқат олиб кетиш лозим эди.

Қуёш нурлари Леона дарёсининг ойнадек текис сувлари юзида жилоланиши ҳамон саёҳатчилар йигирмата драгун солдат кузатувида йўлга чиқишга тайёр бўлди. Арава билан кетган карвонники каби, бу тўданинг ҳам ўз йўл бошловчиси бор эди, лекин у ранги оқариб кетган кафтан ва эскириб кетган шляпа кийган кекса ўрмон овчиси эмас, балки ёввойи отлар овчиси, мексика мустангерининг ажойиб кийимидаги гўзал йигит эди.

– Кетдик, Морис! – деб бақирди майор, ҳамманинг йиғилиб бўлганини кўриб, кейин тўпланганларга муурожаат қилиб деди: – Хоним ва жентльменлар! Мана бу йигит – ажойиб овчи ва ёввойи отларнинг фарқига борадиган билимдон. Техасда мустангларни қандай ов қилишни кўрсатиш лозим бўлса, буни фақат шу йигит, Морис мустангергина уддасидан чиқади.

– Мен бундай мақтовларга лойиқ эмасман, майор, – деб жавоб берди ирландиялик йигит, тўпланган жамоатга мулойимлик билан таъзим қилиб, – мен сизларга фақат мустанглар юрадиган жойларни кўрсатишни ваъда қиламан.

«Бунча камтар экан», деб ўйлади Луиза.

Шундан сўнг дарҳол мустангер бошчилигидаги шод-хуррам саёҳатчилар йўлга тушдилар.

Техасликлар учун даштда йигирма мил йўл босиш арзимаган иш. Бу масофа уч соатга ҳам қолмай босиб ўтилди. Агар сафар охирлай деганда сайрга чиққанларнинг қорни очиб қолганини ҳисобга олмаганда, сафар жуда бехатар ўтди.

Буларнинг бахтига озиқ-овқат ортилган фургон маҳтал қилмади, шунинг учун чошгоҳдан анча олдин шод сайрчилар Рио-де-Нуесес дарёси бўйидаги катта ёнғоқ дарахти соясидан жой олдилар.

## ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

### МАНАДА

Ёввойи отларни овлаш ва айни вақтда кўнгилдагидек дам олиш учун саёҳатчиларни Морис Жералд бошлаб келган жойдан афзалроқ ер топиб бўлмас эди.

Сан-Антонио омборларидаги қимматбаҳо немис винолари бакалларда кўпира бошлади. Шўх-шўх гурунг овозлари дашт қўйнига таралди. Осмоннинг мовийлиги тўқ тусга кирди, ўт-ўланлар яшнаб ям-яшил бўлиб кетди.

– Мустенос, – деб бирдан қичқириб қолди мексикалик вакеро<sup>25</sup>.

Морис стаканини тезгина бўшатиб, ирғиб отига минди ва:

– Савалладаларми?<sup>26</sup> – деб қичқирди.

– Йўқ, – деб жавоб берди мексикалик, – манада.

– Нималар деб валдирашаяпти улар? – деб сўради капитан Колхаун.

– Мустенос – мексикаликлар тилида мустанглар номи, – деб жавоб берди майор, – манада деб ёввойи байталлар уюрини айтадилар. Ҳозирги вақтда улар айғирлардан алоҳида, айрим тўда бўлиб юрадилар, лекин уларга...

– Нима уларга? – деб капитан тоқатсизлик билан унинг сўзини бўлди.

– Агар уларга эшаклар ҳужум қилмаса, – деб жавоб берди майор содда қилиб.

Ҳамма кулиб юборди.

Бу орада манада яқинлашиб келаверди.

Ҳар тарафдан:

– Отларга мининглар! – деган овозлар эшитилди.

Ёввойи отлар подаси, афтидан, қоровул турган тепа тарафга келмоқда эди.

Қоровул ирғиб отига минди, зум ўтмай уни қўлидаги каманд билан ёввойи отлар уюри ўртасида кўрдилар.

<sup>25</sup> Вакеро – от минган чўпон.

<sup>26</sup> Саваллада – ёввойи айғирлар подаси.

Отлар ваҳшиёна кишнаб, ўзларининг манфур таъқибчиларидан шаталоқ отиб қочиб бормоқда эди. Атрофга аланглаб, улар на фургонни, на чавандозларни кўрдилар.

– Уларни биров қувиб келаётганга ўхшайди, – деди Морис, қўрқувдан эсини йўқотиб қўйган жониворларга қараб. – Нима гап ўзи, Креспино? – деб қичқирди у турган еридан отлар подасини ким қувиб келаётганини бемалол кўра олиши мумкин бўлган мексикалик йигитга. Унинг жавобини кутиб ҳамма жимиб қолди. Одамларнинг юзида қўрқув ва ташвиш акс этди. – Мустангларни ҳиндулар қувиб келаётган бўлмасин яна?

– Ёввойи эшак, – деган испанча жавоб эшитилди. – Айфир, – деб қўшиб қўйди Креспино.

– Буни қаранг! Худди ўзи. У малъунни тўхтатиш керак, бўлмаса овни расво қилади. Ёввойи эшак уюрни қувиб юрар экан, отларни ҳеч қандай куч тўхтата олмайди... Узоқдами ўзи?

– Жуда яқинда, дон Морисио. У тўғри мен тарафга чопиб келяпти.

– Каманд ташла. Бир уриниб кўр. Удалай олмасанг отиб ташла. Уни бир ёқли қилиш керак.

Отларни қувиб келаётган зўравоннинг кучи нимада эканини бу ердагилардан деярли ҳеч қайсиси билмас эди. «Ёввойи эшак, айфир» деган сўзларнинг ҳақиқий маъносини фақат мустангер яхши тушунарди.

– Тушунтирсангиз-чи, Морис, нима гап ўзи, – деб сўради майор.

– Анави томонга қаранг, – деб кўрсатди мустангер адир тепасини.

Одамлар энг ялқов ва аҳмоқ ҳайвон деб қараб келган жонивор адир тепасида қушдек учиб келмоқда эди.

Ёввойи эшак ўзи қувиб бораётган мустанглардан кичкина эмас эди. У энг учқур мустангдек тез чопмаса ҳам, ҳар ҳолда улардан қолишмасди. Ўжарлик билан улар орқасидан қувиб борарди.

Бу манзарани кузатиб турганлар бир неча оғиз сўз қотишга улгурмаслариданок, ёввойи байталлар уюри

жуда яқин келиб қолди. Ана шундагина улар бир тўда чавандозларни кўриб қолишди, ўзларининг орқадан қувиб келаётган манфур таъқибчиларини ҳам унутишди ва ўзларини бир четга уришди.

– Жойингиздан қимирламанг, жаноблар! Отларнинг жиловидан маҳкам ушланг! – деди Морис Жералд. – Мен уларнинг ўтлаб юрадиган жойини биламан. Улар ҳозир ўша ёққа кетяптилар. Биз ҳам уларнинг кетидан ўша ерга борамиз ва яхшилаб ов қиламиз. Бу ерда эса улар чакалаклар орасига тўзғиб кетадилар, шундан кейин уларни бошқа кўролмай қоламиз... Ола, Сеньор Кресино! Анави маълунни отиб ташласангиз-чи. Ахир у ўқ етадиган жойда-ку!

Мексикалик йигит эгарига осиб қўйган калта милтиғи – эскопетани қўлига олди-да, мўлжаллаб туриб ёввойи эшакка ўқ узди.

Эшак ўқ товушини эшитиб ҳанграб юборди. У яраланмаганди. Кресино мўлжалга уролмади.

– Мен уни тўхтатишим керак, – деб қичқирди мустангер, – бўлмаса у то қоронғи тушгунча отларнинг кетидан қолмайди!

Мустангер шиддат билан отига шпор урди. Кастро ёввойи эшак кетидан ўқдек учиб кетди.

Чопқир от бир неча сакрашдаёқ хўжайинини ёввойи эшакка каманд ташлаш имкониятини берадиган масофага етказди. Яна бир лаҳза ўтди, шунда яшин тезлиги билан отилган каманд эшакнинг узун қулоқларидан ўтиб, ҳиқилдоғидан олди.

Камандни ташлаб, Морис отини ярим буриб тўхтади. Кастро шартга бурилди. Кейин арқоннинг таранг тортилишини кутиб, турган жойида таққа тўхтади.

Эшак олдинга ингилиб арқонни тортди, кейин орқа оёқларига турди-да, худди юрагидан ўқ егандек гурсиллаб орқасига йиқилди.

Лекин у ҳали бўғилмаган, фақат чарчаб қолган эди. Мексикалик йигит ўткир пичоқ уриб уни ўлдирди. Ҳамма, Морис мустангер энди қандай тадбир кўраркин деб кутиб турарди. Бу орада Морис камандни жони-

ворнинг буйнидан бўшатиб олди ва уни қайтадан ўрай бошлади. Лекин бирдан ирландиялик йигитнинг ҳаракатларида қандайдир шошма-шошарлик кўринди.

Тўсатдан у отига ташланди. Афтидан, яна қандайдир хавотирлик бор эди.

Луиза Пойндекстер ёввойи тўдани қувиб бораётганларнинг ҳаммасини ҳам орқада қолдириб кетишга аҳд қилгандек, ўзининг хол-хол мустангини учуриб кетмоқда эди.

Хол-хол мустангнинг мақсадини фақат ёввойи отлар овчисигина тўғри тушунди, Морис хол-хол мустангни ҳозир чопиб ўтган ёввойи отлар уюридан эканини билган эди. Шубҳа йўқки, мустанг ўзининг яқиндаги ўртоқларини кўриши биланоқ уларга қўшилиш учун устидаги чавандоз қизни олиб улар кетидан чопиб қолган эди.

Кўп ўтмай хол-хол мустангнинг мақсадини ҳамма тушунди.

Қизга жонқуярлик кўрсатиш шавқида ёнган Колхаун, Генкок ва Кроссман мустанг кетидан от қўйдилар, уларнинг кетидан ўнга яқин йигитлар: плантаторлар, адвокатлар, суд ҳайъатининг аъзолари от қўйишди. Уларнинг ҳар бири қизни биринчи бўлиб қувиб етишни орзу қилар эди. Лекин улардан биронтаси ҳам жиддий ташвишга тушмади: Луиза Пойндекстернинг уста чавандоз эканидан ҳаммалари хабардор эдилар.

Қиз қаршисида цирк аренаси сингари теп-текис, бепоён дашт чўзилиб ётар эди. Мустангнинг то чарчагунча чопиши турган гап. Луизага бирор жиддий хавф таҳдид қилармикин.

Бундай фикрга фақат бир киши қўшилмасди. Бу мустангер эди. Мустангер ҳаммадан кейин кўзгалди. У каманд ўраш билан овора бўлиб ушланиб қолди. Лекин мана у ҳам ирғиб отга минди ва бошқалар кетидан от чоптириб кетди.

Унинг рақиблари анча узоққа кетиб қолган эди. Олдинда Колхаун от қўйиб борар эди. Драгун билан ўқчи

бир оз орқада, бу пойганинг қолган ишгирокчилари эса улардан кейин борар эдилар.

Морис ўзининг тўриқ отида кўп ўтмай ҳаммадан ўтиб кетди. Капитанни ҳам қувиб ўтди. Иложсиз қолган Колхаун унинг орқасидан тўнғиллаб сўкинди.

Чошгоҳнинг тик қуёши жуда ғалати бир манзарани ёритиб турарди. Ёввойи отлар уюри ниҳоятда тезлик билан кенг даштда югуриб борарди. Худди шу уюрдан яқиндагина ажратиб олинган бир от устидаги чавандози билан беш юз қадамча орқада елиб келарди. Яна худди шунча масофада чиройли мексиканча кийим-бош кийган бошқа бир чавандоз ўзининг тўриқ отини елдириб борар, унинг орқасидан эса бир тўда отлиқлар келар эди.

Ҳаммадан кейинда эса ҳаяжон билан имо-ишора қилиб чуғурлашаётган аёллар ва эркаклар тўдасидан ажралиб чиққан драгунлар эскадрони отларининг бошини қўйиб бормоқда эдилар.

Йигирма дақиқадан кейин манзара ўзгарди. Ҳаракатдаги кишилар ўшаларнинг ўзи, лекин гуруҳлар ўзгарган эди: манада хол-хол мустангдан узоқлашиб кетган, мустанг эса тўриқ отдан ўзиб кетганди, бошқа рақиблар эса бутунлай кўринмай қолган, уларни феруза осмонда сузиб юрган бургутгина ўзининг ўткир кўзлари билан ажратиши мумкин эди.

Саваннанинг кенг кучоғида ёввойи отлар, чавандози билан хол-хол мустанг ва хўжайини билан тўриқ отгина қолдилар.

### ЎН БЕШИНЧИ БОБ

#### ҚОЧҚОҚ ҚИЗГА ЕТИБ ОЛДИЛАР

Яна бир милча масофада пойга айтгулик ўзгаришсиз давом этди.

Ёввойи биялар илгаригидек тез, лекин энди кўрқмай, кишнамай ва пишқирмай борар эдилар. Уларнинг кетидан хол-хол мустангнинг узиқ-узиқ кишнагани эшитилар, лекин унинг илгариги ўртоқлари бунга

парво қилмасдилар. Чавандоз қиз эса парвойи палак от устида ўтирарди.

Тўриқ отдаги чавандоз эса қаттиқ ҳаяжон ичида эди, унинг хатти-ҳаракатларида умидсизлик ва ташвиш акс этарди.

– Қани, Кастро, бўла қол! – деди Морис чидамсизлик билан. – Нима бўлди сенга? Олдинги сафар қийналиброқ бўлса ҳам унга етган эдинг-ку, эсингдан чиқдимми? Энди унинг устида чавандози ҳам бор-ку. Ўша чавандоз менга дунёда ҳар нарсадан ҳам қадрли, у учун ўзимнинг ҳам, сенинг ҳам ҳаётингни аямайман. Қани, тезроқ! Тезроқ!

«Уни кўздан йўқотсам нима бўлади? Ахир унда ҳалокат муқаррар-ку!»

Шудай деб Морис тобора узоқлашиб бораётган чавандоз қиздан кўзини узмай от қўйиб борарди. Вақт-бавақт йигит ўртадаги масофани хавотирлик билан чамалаб қўярди.

«Орқасидан чақирсаммикан? – деган фикр лоп этиб миясига келди. – Эҳтимол, овозим унгача етиб борар, лекин нима деганимни эшитармикин, буюрган маслаҳатларимни тушунармикин? Бунга умид қилиб бўлмаса керак».

Шундай деб ўйлаб Морис бу фикридан қайтди, бунга қисман шу ҳам сабаб эдики, ҳозирча у қочқинни қувиб етишдан умидини узмаган, қисман эса бунга бошқа сабаб ҳам бор эди, у мустангни тасавурида эмас, амалда тўхтатиб қолиш кераклигини биларди.

Пойга бошланган вақтдан бери у қочқин мустангга каманд ташлаш даражада яқинлашиб боришга ва ўша усул билан уни бўйсунушга мажбур этишга умид қиларди. Лекин бу умиди секин-аста пучга чиқди.

Манада даштнинг чакалаклар билан қопланган бу жойида буталар орасида лип-лип кўзга чалинарди. Вақт-бавақт чакалаклар бир-бирига чирмашиб кетган катта-катта чангалзорларга айланиб кетар эди. Бу ҳол мустангерни баттар хавотирга солди. Чавандоз қиз ҳар он чангаллар орасига кириб кетиши, ҳар дақиқа



дарахтлар орқасидаги илон изи ўрмон сўқмоқларида кўздан йўқолиши мумкин эди.

Унинг алғов-далғов фикрига бир-биридан баттар кўрқинчли манзаралар кела бошлади. Бу ҳалокат ва фалокат манзаралари эди.

– Ё фалак! – деб юборди у ниҳоят. – Фалокат босиб, бу ерга айғирлар уюри келиб қолмасайди-я! Бу ерлар ахир уларнинг энг ёқтирадиган жойлари-ку. Ҳозир эса уларнинг айни кўзига қон тўлган вақт!

Мустангернинг шпорлари тўриқ отнинг биқинига ботди. Жонининг борича елиб кетаётган Кастро бошини буриб, эгасига ўпка билан қаради.

Худди шу пайт ёввойи байталлар чангалзор орасига кириб кўздан ғойиб бўлди.

Уюрнинг ғойиб бўлиши хол-хол мустангга қаттиқ таъсир қилди, бирдан қадамини секинлатди ва бир дақиқадан сўнг таққа тўхтади.

Морис ўзининг оғзи кўпириб кетган отида ўрмон ёқасига етиб борганда, дарахтлар орасидаги майдончада ҳайкал сингари қимир этмай от устида ўтирган Луизани кўрди.

– Мисс Пойндекстер! – деб қичқирди у қизнинг олди-га яқинлашиб келар экан. – Отингиз яна ўзингизга буй-сунганидан хурсандман. Жуда кўрқиб турган эдим...

– Нимадан, сэр? – деб ҳайрон бўлиб сўради қиз.

– Сиз дучор бўлишингиз эҳтимол бўлган хавфдан, – деб жавоб берди у бир оз хавотирланиб.

– О, ташаккур, мистер Жералд! Лекин мен бунда ҳеч қандай хавф кўрмадим. Наҳотки хавф остида қолган бўлсам?

– Хавф остида қолган бўлсам-а! – деб такрорлади ирландиялик йигит, тобора ошиб бораётган ҳайронлик билан. – Ахир, бўм-бўш даштда олиб қочадиган ёввойи от мингансиз!

– Бунинг нима хавфи бор? Мени улоқтириб ташлаши мумкин деб ўйлаган бўлсангиз керак-да? Лекин мен уста чавандозман, бунга йўл қўймас эдим.

– Тўғри, бу гапларингиз ўринли, лекин чакалақлар орасида, асл техасликлар ҳам зўрға йўл топадиган

жойларда адашиб қолганингизни кўз олдингизга келтиринг. Агар шундай фалокат юз берса, чавандозлигингиз ҳам иш бермай қоларди.

– Ҳа-а, мени адашиб қолади деб ўйлабсиз-да? Ана шундай хавф остида қолган эдинг денг!

– Нималар бўлмайди дейсиз! Фараз қилайлик, қаршингиздан...

– ...Ҳиндулар чиқиб қолди, шундайми? – деб суради Луиза мустангернинг гапини бўлиб. – Борди-ю, шундай ҳам бўлди дейлик, унда нима бўларди? Ахир, команчилар ҳозир биз билан тинч муносабатда-ку? Уларнинг зolimлигига эса мен ишонмайман, менга нима десалар ҳам ва майордек обрўли одамлар нималар деб огоҳлангирсалар ҳам ишонмайман. Ростини айтсам, улар билан учрашувдан хурсанд бўлардим, ҳар ҳолда, бундан қочмаган бўлардим. Ўзларининг жонажон даштларида от қўйиб юрган ўша олижаноб ёввойиларни бирам кўргим келадики!

– Гапларингиз жуда мароқли-я, мардлингизга ҳам қойилман, мисс Пойндекстер. Лекин сизни огоҳлангириб қўйишни ўзимнинг бурчим деб биламан, ўйлайманки, менинг дўстона маслаҳатимга қулоқ осарсиз. Қизил танлилардан эҳтиёт бўлинг. Борди-ю, улар билан тўқнаш келиб қолсангиз ва...

– ...Улар менга хужум қилсалар, ёнларидан ўқдек учиб ўтган ва дўстларим олдига қайтган бўлардим. Мен азиз Лунамдек учқур отда эканман, бирор киши қувиб ета олишига ишонмайман. Очигини айтинг, мистер Жералд, ўзингиз ҳам менга осонликча етолмадингиз, шундай эмасми?

Мустангер креол қизга ҳайрат ва завқ билан кўзларини катта очиб қараб турарди.

– Лекин, – дея олди ниҳоят у узоқ давом этган сукутдан сўнг, – наҳотки бу билан хоҳласам мустангни тўхтата олардим, демоқчи бўлсангиз? Мен эса от сизни олиб қочди, сиз уни тўхтатолмаяпсиз деб ўйлабман...

– Йўқ, йўқ, – деб тез жавоб берди чавандоз қиз бир оз хижолат тортиб, – аввалига ростдан ҳам шундай

да чавандоз бўлишига ҳам қарамайдилар... А-ҳа! Худди шундай экан, ўзаро ғажияпти. Кишнашларидан билиб турибман. Э, воҳ, улар шу тарафга келяпти!

– Мистер Жералд, бўлмаса нимани кутиб турибмиз бу ерда?

– Ҳозир қочиб қолишнинг фойдаси йўқ. Олдинда очиқ дашт, яширинадиган жой йўқ. Биз узоқроқ манзилга етиб олмасимиздан илгари улар етиб борадилар. Биз қочиб қутулишимиз мумкин бўлган, бирдан-бир хавфсиз жой ўйлаб қарасам бутунлай бошқа тарафда. Овозларига қараганда ҳозир улар худди ўша ёққа ёпирдилар. Агар биз вақтлироқ чиқиб қолсак, улар билан тўқнаш келамиз ва ҳалок бўламиз. Биз пайт пойлашимиз ва уларнинг орқасига ўтиб олишимиз керак. Агар шунга эришсак ва отларимизни тез чоптириб, икки мил масофани босиб ўтолсак, омон қоламиз... Мустангни бошқара олишингизга ишонасизми?

– Албатта, – деб жавоб берди креол қиз.

### ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

## ЁВВОЙИ МУСТАНГЛАР

Чавандозлар эгарларда қимир этмай ўтирардилар. Луиза мустангерга қараганда камроқ ҳаяжонда эди, у ўзини мустангерга ишониб топширганди. Қиз аниқ англаб ололмаган бўлса ҳам, алақандай катта хавф остида қолганликларини сезарди. Морис Жералдек йигит хавотирга тушган экан, демак, хавф жиддий. Ўзининг хавотирга тушгани қисман қизнинг хавфсизлиги билан боғлиқ эканидан йигит қалби севинчга тўла эди.

– Ўйлашимча, энди таваккал қилиб кўрсак ҳам бўлар, – деди Морис ҳамон қулоқ солар экан. – Улар, афтидан, биз ўтиб кетишимиз лозим бўлган атрофи берк майдончадан нари кетган кўринади. Сиздан жуда илтимос қиламан, отни бошқариш учун бутун куч ва хаёлингизни бир жойга тўпланг. Эгарда маҳкам ўтиринг, жиловни қаттиқ ушланг. Имкони борича мен билан ёнма-ён боринг, агар йўл бунга имкон бермаса,

менинг отимдан бир қарич ҳам орқада қолмай кетма-кет келинг. Мен эса йўл кўрсатиш учун олдинда боришга мажбурман... Мана, улар тўғри майдончага қараб югурдилар. Мана, улар ундан деярли ўтиб кетдилар. Биз ҳам кетдик! Йўлга тушсак бўлади!

Даштнинг тантанали жимжитлигини бирдан жиннихонадан эшитиладигандек қийғос шовқин-сурон бузди. Ёввойи айғирларнинг ўткир кишнашлари телба вас-васларнинг бўкиришларига ўхшарди, лекин буларнинг товуши ўн мартача баландроқ эди. Отларининг товушига туёқ дупури, синаётган шохларнинг қарсиллаши ва қирсиллаши, мустангларнинг қутуриб пишқириши, тишларининг ғирчиллаши жўр бўлар эди.

Кишини довдиратиб қўядиган бу товушлар ёввойи айғирларнинг қутуриб олишаётганидан дарак берарди. Улар ҳали кўринмас, лекин яқинлашиб келмоқда эдилар.

Морис йўлга чиқишга ишора қилганида ёввойи отлар уюри икки тўп чангал орасида кўриниб турган тор йўлда кўриниб қолди. Бир зум ҳам ўтмай улар тоғдан қулаган қор уюми сингари очиқ майдонга ёпирилиб чиқдилар.

– Бу ёққа! – деб қичқирди Морис ва уюрнинг орқа тарафига қараб от қўйди. – Ё раббий! Улар бизни кўриб қолишди! Тезроқ, тезроқ! Гап ҳаётингиз ҳақида кетаётгани ёдингизда бўлсин!

Лекин ҳар қандай сўз ҳам ортиқча эди.

Очиқ майдонга чиққан ва чавандозларни кўриб қолган ёввойи айғирлар ўзаро курашни бирдан таққа тўхтатдилар. Гуё йўлбошчиларининг буйруғига бўйсунгандек, ҳаммалари бир қаторга саф тортиб ҳужумга ҳозирландилар.

Эҳтимол, бу ҳайрон қолганликларининг натижаси эди, лекин ҳар ҳолда қочқинлар учун қулай пайт келди. Йигирма сония давом этган тинчлик ичида чавандозлар душманни айланиб ўтдилар ва уларнинг орқасига, ўзлари халос бўладиган йўлга чиқиб олдилар.

Лекин ҳали хавфдан батамом қутулганлари йўқ эди. Ёввойи отлар уларнинг қочиб қолганини кўриб, кишнаб ва пишқириб қува кетдилар.

Шу пайтдан бошлаб чавандозли отлар билан бедов отлар ўртасида ким тез чопарга қаттиқ мусобақа бошланди.

Морис ҳар замонда бир орқасига қараб қўяр ва улар орасидаги дастлабки масофа қисқармаган бўлса ҳам, унинг юзида ҳамон ташвиш аломатлари кўриниб турар эди.

Унинг ёлғиз ўзи бўлганида бир дақиқа ҳам ташвиш тортмаган бўларди. Тўриқ оти ҳеч қандай отни ўзига етказмаслигини биларди. Ҳамма бало шунда эдики, хол-хол мустанг қадамани секинлата борди.

«Бу қандай гап?» деб ҳайрон бўлар эди мустангер ҳамроҳи билан баравар чопиш учун отининг жиловини тортиб.

– Бирор тўсиққа учрагудай бўлсак, – деди у ҳамроҳига, – ҳалок бўламиз. Ҳар бир дақиқа ғанимат.

– Бизни қувиб етолмайдилар, шундай эмасми?

– Ҳозирча йўқ. Бахтга қарши, олдимизда катта бир тўсиқ бор. Сизнинг ажойиб чавандоз эканингизни биламан, лекин отингиз... Отингизга ишонмайман. Сиз уни яхшироқ биласиз. У сакраб ўта олармикин...

– Нимадан, сэр?

– Ҳозир кўрасиз.

Улар ҳар дақиқада деярли бир милдан йўл босиб, отларини чоптириб бормоқда эдилар.

Кўп ўтмай улар кенг дашт бағрини кесиб ўтган жардек чуқур ёриқ олдидан чиқиб қолдилар. Ёриқнинг эни ўн беш тутдан кам эмасди, чуқурлиги эса ундан ҳам ортиқроқ бўлиб, ўзи кўз илғаганча бўлган масофада икки томонга чўзилиб кетган эди.

Бу ғовдан ўн беш фут узунликка сакраш йўли билангина ўтиб кетиш мумкин эди. Морис тўриқ отнинг буни писанд қилмаслигини билар эди, у бундай жойлардан жуда кўп сакраган.

Лекин хол-хол бия-чи?

– Отингиз бундай тўсиқдан сакраб ўта олармикин?

– деб сўради мустангер хавотирлик билан жар ёқасига яқинлашиб келганларида.

– Бунга шубҳам йўқ, – деб жавоб берди ишонч билан Луиза.

– Лекин, мисс Пойндекстер, – деб ишонинқирамай давом этди мустангер, – бирдан сакрай олмай қолса-чи? Сал шубҳангиз бўлса, яхшиси уни ташлаб кетайлик. Менинг отим иккаламизни ҳам соғ-саломат нариги тарафга олиб ўта олади. Агар мустангдан воз кечсак, ажаб эмаски, айғирлар таъқибидан қутулсак. Ёввойи айғирлар... Ўзингиз биласизки...

– Лунани ташлаб кетайлик дейсизми. Қутурган айғирларга емиш қилиб-а? Йўқ, йўқ, мистер Жералд! Мустангим мен учун жуда қимматли. Уддасидан чиқсак, биз иккаламиз жардан ўтиб кетамиз. Уддасидан чиқолмасак, иккаламиз ҳам жарга қулаб дабдала бўламиз... Қани, меҳрибоним! Бўла қол!

Шундай деб мард креол қиз жар ёқасига қараб хотиржамлик билан бораверди ва ҳайрон қоларли даражада енгиллик билан ундан сакраб ўтди.

Луизани кузатиб турган мустангернинг кўнглида учта ҳис бор эди. Улардан биринчиси – ҳайрат, иккинчиси – қойил қолиш, учинчисини тасвираб ҳам бўлмаса керак...

Лекин улар тўсиқдан шундай муваффақият билан ўтган бўлишларига қарамай, ҳали ҳам хавф-хатардан қутулганларича йўқ эди.

Хавф баттарроқ таҳдид қила бошлади. Жардан ўтишда оз бўлса ҳам вақтдан ютқазган эдилар, бу эса душманнинг яқинлашиб келишига имкон берди. Айғирлар бутун таъқиб вақтида қочқинларга бунчалик яқинлашиб келмаган эдилар. Улар жардан тўхтовсиз сакраб ўтадилар.

Унда нима бўлади?

Чавандозлар илгаригидек отларини тез чоптириб ёнма-ён борар эдилар.

Бирдан Морис отини тўхтатди.

– Мисс Пойндекстер, – деди у ўзига етиб келган қизга қараб, – сиз олдин кетаверинг.

– Нима учун? – деб сўради қиз, мустангни шартта тўхтатиб.

– Агар аҳвол шундай давом этаверса, айғирлар бизга етиб оладилар. Ёввойи ҳайвонларни тўхтатиш учун

бирор чора кўриш керак. Ҳозирча бунинг иложи бор, лекин кейин вақт ўтган бўлади. Фақат саволлар бериб ўтирманг. Яна ўн сониядан кейин вақт қўлдан кетади. Олға, ҳов анави тарафга қаранг. Жимирлаб турган сувни кўряписизми? Ўша ҳовуз бўлади. Тўғри ўша тарафга боринг. У ерда сиз баланд-баланд иккита тўсиқ ўртасидан чиқасиз. Ҳовузга бориб улар бир-бирига тақалади. Мен етиб боролмасам, тўғри кўра ичига кириб бораверинг, отдан тушинг-да, кириладиган йўлни ходалар билан беркитиб қўйинг, уларни ердан топасиз.

– Сиз-чи, сэр?

– Мендан хавотир олманг. Бу мен учун ҳеч гап эмас. Қани, тезроқ! Ҳовузни назардан қочирманг. У сизга маёқ бўлсин. Кўрага кириш жойини беркитиб олишни унутманг. Тезроқ, ахир! Тезроқ!

Қиз уни қутқариш учун, эҳтимолки, ўз ҳаётини ҳам қурбон қилаётган йигитдан ажраб кета олмай иккиланиб турар эди.

Бахтдан бўлиб, у аҳвол танг пайтларда ўз халоскорларига панд берадиган қўрқоқ ва ақлсиз қизлардан эмас эди. У ўз маслаҳатчисининг кучига, унинг бир иш қилса, ўйлаб қилишига ишонар эди, шунинг учун унинг гапига кирди ва ҳовуз тарафга от чоптириб кетди.

Ҳамроҳи билан ажралишгач, Морис хуржундан бир вақтлар дашт ҳайвонларига қарши ишлатадиган қуролини, Колт системасидаги олти отар револьверни қўлига олди.

Отига шпор уриб Луиза билан бирга ҳозиргина сакраб ўтган жар тарафга қараб кетди.

«Айғирлар ҳам худди биз сакраган ердан ўтадилар, – деб ўйлади у ҳамон жарнинг нариги тарафида бўлган ёввойи отлар уюрига қараб. – Агар мен жуда бўлмаганда биттасини йиқита олсам, бу билан бошқаларини ҳам тўхтатган бўламан ва мустангнинг олислаб кетишига имкон бераман. Энди вақти келди!»

Ўқ узилди. Сарик рангли энг катта айғир ерга йиқилди-да, танаси билан бошқаларнинг йўлини тўсди.

Кетидан келаётган бир неча мустанг таққа тўхтади, улардан кейин эса бошқалари ҳам тўхтаб қолдилар.

Мустангер уларнинг ўралашиб қолганидан фойдаланди, бир дақиқани ҳам бекор кетказмай отининг бошини ғарб тарафга бурди ва ҳовуз тарафга кетди. Хол-хол мустанг ўз чавандози билан жуда узоққа кетиб қолган эди. Ёввойи айғирлар таъқибни давом эттирмадилар. Бошлиқларининг ҳалокати уларнинг шаштини қайтарган бўлиши ҳам ёки унинг танаси жарнинг бирдан-бир сакраб ўтиш мумкин бўлган жойини тўсиб қўйиб, уларга халақит берган бўлиши ҳам эҳтимол эди.

Морис ҳовузга етиб келганда Луиза ўша ерда эди. Қиз унинг ҳамма кўрсатмаларини аниқ бажарган эди-ю, лекин биттасини қилмаганди. Қўрага кириш йўли очиқ, тамбалар эса ерда ётарди. Қиз индамай эгарда ўтирарди. У шундай ҳаяжонда эдики, ўзининг чуқур ташаккурини изҳор қилиш учун сўз ҳам тополмади.

Хавф тугади.

## ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

### МУСТАНГЛАРГА ТУЗОҚ

Энди хавф-хатар қолмагандан кейин креол қиз атрофни қизиқиб кўздан кечирди.

У катта ҳовузни кўрди. Ҳовуз бўйлари от туёқларининг изидан ўнқир-чўнқир бўлиб кетган эди. Афтидан, бу ер отлар севиб сув ичадиган жой эди. Ҳовуз бўйидан бошланган баланд тўсиқ дашт қаърини ёриб, ичкарига қанот ёзган эди.

– Нима бу? – деб сўради қиз тўсиқни кўрсатиб.

– Бу мустангларга қўйилган тузоқ, – деди Морис.

– Мустангларга тузоқ дейсизми?

Ёввойи отларни тутиш учун қурилган қўра. Улар тўсиқнинг қанотлари орасида ўтлаб юради, кўрганингиздек, унинг қанотлари даштнинг жуда ичкарисига кириб кетади. Отлар бу ерга сув ичгани келади ёки мустангерлар уларни бу тор жойга ҳайдайдилар. Шунда қўрага кириш йўли тораяди, бу ерда эса отларни каманд билан тутиб олиш қийин эмас.



– Бечора жониворлар!.. Бу қўра сизникими? Сиз мустангерсиз-ку, ахир? Бизга шундай деган эдингиз-ку.

– Ҳа, мен мустангерман, лекин ёввойи отларни бир ўзим ов қиламан. Мен ўз касбимдаги кишилар билан камдан-кам учрашаман. Шунинг учун бундай туюқлардан фойдалана олмайман, ваҳоланки, бундан фойдаланиш учун кам деганда йигирмата ҳайдовчи керак. Менинг қуролим эса, агар уни қурол деб бўлса, мана бу каманд, холос.

– Сиз уни жуда усталик билан ишлатар экансиз. Бу тўғрида эшитган эдим, ўзим ҳам қўрдим.

– Жуда мақтаб юбордингиз. Лекин мен бу мақтовларга лойиқ эмасман. Даштларда туғма камандчилар – мексикаликлар бор. Сиз усталик деб ўйлаган нарсани улар тўғридан-тўғри масхара қилиб кулган бўлар эдилар.

– Менимча, мистер Жералд, камтаринлик қилиб, ўз рақибларингизга жуда юқори баҳо бериб юбордингиз. Мен худди шунинг аксини эшитган эдим.

– Кимдан?

– Дўстингиз мистер Зебулон Стумпдан.

– Ҳа-ҳа! Кекса Зеб бу масалаларда билармон одам эмас.

– Мен ҳам каманд ташлашни ўрганмоқчи эдим, – деди креол қиз, – лекин бу аёллар иши эмас дейишади.

– Аёллар иши эмас эмиш! Каманд ташлаш ҳам конькида учиш ёки ўқ-ёй отишга ўхшаган спорт, холос. Мен каманд отишга ниҳоятда уста бир қизни танийман.

– У америкалик қизми?

– Йўқ, мексикалик қиз, Рио-Гранде атрофида яшайди. Ҳар замонда бизнинг Леонага келиб туради, бу ерда унинг қариндошлари бор.

– Ўзи ёшми?

– Менимча, сиз билан тенг бўлса керак, мисс Пойндекстер.

– Баланд бўйлими?

– Сиздан бир оз пастроқ.

– Лекин мендан анча чиройли ҳам бўлса керак, албатта? Мен мексикалик аёллар биз америкалик аёллардан анча чиройли бўлишади, деб эшитган эдим.

– Менимча, креол қизлар бу ҳисобга кирмаса керак, – деди у дипломатларга хос усталик билан.

– Қизиқ, мен ҳам каманд отишни ўргансам бўлармикин? – деб давом этди креол қиз Мориснинг сўзига тушунмагандек. – Ёшим ўтиб қолгандир дейман. Мексикаликлар каманд отишни болаликларидан ўрганар эканлар, деб эшитган эдим. Шунинг учун ҳам бунга жуда уста бўлиб кетадилар.

– Йўқ, ёшингиз ўтган эмас, – деб жавоб берди Морис. – Бир-икки йил машқ қилсангиз жуда уста камандчи бўлиб кетасиз. Мен, масалан, ниҳоятда уч йилдан бери шу иш билан шуғулланаман...

У ўзини мақтанчоқ қилиб кўрсатишдан кўрқиб қолди.

– Энди эса бутун Техасдаги энг уста камандчи бўлдингиз? – деб суҳбатдоши унинг тугатмаган фикрини сўроқ аломати билан айтиб қўя қолди.

– Йўқ, йўқ! – деб бунга қаршилиқ қилди у кулиб. – Кекса Зеб ўзининг каманд отишига қараб, менга шундай юқори баҳо бераётган бўлса керак.

«Бу нима ўзи, камтарликми? Ёки бу йигит мени масхара қилиб куляптими? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда жинни бўламан», – деб ўйлади креол қиз.

– Дўстларингиз ёнига қайтишни хоҳлайсизми, – деб сўради Морис, қизнинг аллақандай хаёлга ботганини кўриб. – Шунча йўқ бўлиб кетганингиздан отангиз хавотир олаётган бўлса ҳам ажаб эмас. Акангиз, тоғаваччангиз...

– Ҳа, тўғри айтдингиз, – деб дарров жавоб берди қиз, унинг товушида ранжишми, афсусми сезилиб турарди. – Бу тўғрида ўйламабман. Раҳмат, сэр, менинг бурчимни ёдимга солдингиз. Энди қайтайлик.

Улар яна отга миндилар. Луиза жиловни истамайгина қўлига олди, оёғини ҳам узангига нечундир шошмайгина қўйди: у шундай қизиқ жойни ташлаб кетишни истамаётгандек кўринарди.

Яна дашт. Морис ўз ҳамроҳи билан дашт сайри бўлган жойга энг яқин йўлдан жўнади.

Уларнинг қайтишдаги йўли «ёввойи ўтлар дашти»дан ўтар эди. Бу ерни, исм қўйиш устида узоқ ўйлаб

ўтирмай, Америкага дастлабки келган колонизаторлар шундай деб атаган эдилар.

Луизианалик қиз атрофда то кўз илғаган жойгача, ер билан осмон бирлашиб кетадиган жойгача, табиатнинг ўзи экиб, ўзи етиштирган ранг-баранг гуллар очилиб ётган бепоён гулзорни кўрди.

– Қандай гўзал-а? – деб юборди креол қиз отининг жиловини тортиб.

– Сизга ёқдимми бу ер, мисс Пойндекстер?

– Ёқдимми дейсизми? Ёқиш ҳам гапми, сэр. Мен ҳозир қаршимда табиат яратиши мумкин бўлган энг гўзал нарсаларни кўриб турибман: кўм-кўк ўтлар, дарахтлар, гуллар, уларнинг ҳаммасини инсон меҳнат қилиб яратади. Шундай бўлса ҳам у ҳеч вақт бундай гўзал қилиб яратолмайди. Бунга ҳеч нарса қўшиб бўлмайди, бу табиатнинг тўкис бир бўлагидир!

– Бу ерда уйлар етишмайди, холос.

– Лекин томлар ва мўрилар бу гўзал манзарани бузган бўлар эди. Топ-тоза дарахтларнинг ўзи қандай яхши! Уларнинг сояси остида яшашни истар эдим, уларнинг сояси остида яна...

Унинг лабларидан «севишни истар эдим» деган сўзлар чиқиб кетишга сал қолди, лекин у бирдан тўхтаб қолди ва ўзи ҳам кутмаган ҳолда унинг ўрнига «ўлишни истар эдим» деган сўзларни айтиб юборди.

Ирландиялик йигит ҳам унинг фикрига шерик эди; қизнинг сўзлари унинг қалбидаги сирларга ҳамоҳанг эди.

Лекин унинг жавоби оддий ва қуруқ чиқди:

– Қўрқаманки, мисс, бундай ҳаёт кўп ўтмай жонингизга тегиб қолар эди – бошпанасиз, жамоатсиз, яна...

– Сиз-чи, сэр? Нега сизнинг жонингизга тегмайди? Мен сўзларига тамоман ишонадиган дўстингиз мистер Стумп бир неча йилдан бери шу ерларда яшашингизни айтди. Тўғрими шу?

– Тўппа-тўғри.

– О, шундай ҳавасим келадики сизга! Бу гўзал табиат қўйнида ўзимни бениҳоя бахтли деб ҳисоблаган бўлардим, бунга ишончим комил. Бундай ҳаёт ҳеч вақт жонимга тегмаган бўларди.

– Бир ўзингиз-а? Дўстларингизсиз-а? Ҳатто бошпанангиз бўлмаса ҳам-а?

– Мен бундай деганим йўқ... Лекин сиз ўзингизнинг қандай яшашингизни айтиб берганингиз йўқ. Уйингиз борми?

– Менинг турар жойим дабдабали номга лойиқ эмас, – деб кулиб жавоб берди мустангер. – Менинг кулбам, тўғрироғи, менинг чайлам бу атрофдаги энг ғариб бошпанадир.

– Қаерда ўзи? Бугун биз бўлган жой жарга яқинроқ бирор ердами?

Бу ердан жуда ҳам узоқ эмас, бир мил чиқар, ортиқ эмас... Ғарб тарафдаги ҳов анави дарахтларнинг учини кўряпсизми? Ўша дарахтлар менинг кулбамни офтобдан ва бўронлардан ҳимоя қилади.

– Шундай денг! Уйингизни бирам кўргим келяптики! Чинакам чайла денг-а?

– Ҳа, худди шундай..

– Жуда хилват жойда экан-да?

– Ўн мил атрофда биронта ҳам бошпана йўқ.

– Дарахтлар орасида дедингизми? Жуда чиройли жойдир?

– Бу кишининг дидига боғлиқ.

– Мен ҳам уни бир кўрсам ва ўз фикримни айтсам деган эдим... Бу ердан фақат бир мил дедингизми?

– У ёққа бир мил, бу ёққа ҳам бир мил – ҳаммаси бўлиб икки мил.

– Майли, бунинг кўрқадиган жойи йўқ. Йигирма дақиқа вақт кифоя қилар экан.

– Оила аъзоларингиз сабр-тоқатидан жуда ортиқ фойдаланиб юбормаяпмиканмиз деб кўрқаман...

– Ё менинг меҳмондўстлигимдан демоқчидирсиз? Кечирасиз, мистер Жералд, – деб давом этди қиз, шунда чехрасида хафалик ифодалари акс этди, – мен бу тўғрида ўйлаб кўрмабман. Афтидан, ёлғиз ўзингиз турмайсиз, шекилли? Чайлангизда сиздан бошқа яна биров турадимми?

– Бўлмасамчи! Мен ёлғиз турмайман. Бу ерга келганимдан бери бир дўстим бирга турадики...

Мустангер сўзини тутатгунча Луизанинг хаёлида йигитнинг дўсти гавдаланди. Бу ўзи билан тенг, қорамағиз, бодомқовоқ, қора кўз қиз. Унинг тишлари садафдек оппоқ, юзи қип-қизил, сочи Кастронинг думидан ҳам узун, бўйнида маржон, қўл ва оёқларида билакузуклар, чиройли қилиб тикилган калта юбка, кичкинагина оёқчаларида мокасин. Луиза мустангернинг «дўсти»ни ана шундай тасаввур қилди.

– Эҳтимол, меҳмонларнинг, айниқса, бегона одамнинг чайлангизга бориши дўстингизга ёқмас?

– Йўқ, аксинча. У бутунлай бегона одамлар келадими ёки дўстларим боришадими, ҳар қандай меҳмондан ҳам доим хурсанд бўлади. Менинг эмақдошим акам жуда одамжон йигит, лекин у бечора ҳозир одамлар билан жуда кам кўришади.

– Эмақдош акам дедингизми?

– Ҳа. Исми Фелим О’Нил, у ҳам ирландиялик. Лекин унинг ирландча талаффузи меникидан ҳам аниқроқ билиниб туради. У Галвей графлигининг фуқароси.

– О, унинг сўзларини бирам эшитгим келяптики! У ерларда жуда ҳам ғалати қилиб гапирсалар керак. Шундай эмасми?

– Ўзим галвейлик бўлганим учун бу тўғрида бир нарса деёлмайман. Лекин сиз Фелимнинг олдида ярим соатгина меҳмон бўлишга розилик билдирсангиз, бу тўғрида ўзингиз бир фикрга келасиз.

– Жуда хурсандман бундан! Бу мен учун жуда қизиқ ва янгилик бўлади! Отам билан бошқалар кута туришсин. У ерда мендан бошқа ҳам аёллар кўп, йигитлар эса изимизни қидира турсинлар. Бундан бошқа яна мустанг ови ҳам қилмоқчи эдилар-ку... Мен эса шодлик билан сизларникида меҳмон бўламан.

– Сизни дурустроқ меҳмон ҳам қилолмасак керак деб қўрқаман. Фелим бир неча кундан бери бир ўзи ўтирибди. Ўзи эса овчи эмас, шунинг учун озуқалари ҳам тугаб қолаётган бўлса керак. Яхшики, қочиб кетишингиздан олдин бир оз қорин тўйғазиб олган экансиз...

Турган гапки, Луиза Пойндекстерни бундай йўл тутганига сабаб Фелимнинг меҳмондўстлиги тўғриси-



даги сўзлар эмас эди. Ирландияликнинг талаффузи ҳам уни унча қизиқтирмасди. Мустангернинг чайласини кўриш истаги ҳам айтарлик кучли эмасди. Қизни унинг ўзи ҳам қаршилиқ қила олмайдиган бир ҳис йўлга солмоқда эди.

\*\*\*

Луиза Аламо бўйидаги ёлғиз чайлани бориб кўрди ичига ҳам кирди. Афтидан, у бу ғалати бошпанани жуда қизиқиб кўздан кечирарди. У чайлада кулба хўжайинининг маданий одам эканини кўрсатиб турадиган китоблар, қоғозлар, қалам ва сиёҳлар борлигини кўриб ҳайрон бўлди. Фелимнинг сўзларини қизиққан киши бўлиб эшитди. У қўйган нарсаларнинг ҳаммасидан ҳам тотиб кўрди, бундан галвейликнинг яхши кўрган ичимлиги мустасно қолди, холос. Ниҳоят, шод-хуррам ҳолда жўнаб кетди.

Лекин кўп ўтмай кайфияти ўзгарди. Ҳозиргина кўрган янгиликлардан олган таассуротлар натижаси бўлган кўтаринки руҳи пасайди. Гуллар чаман бўлиб ётган даштга яна қайтиб келгандан сўнг у ҳозиргина бошидан кечирган таассуротларини бир-бир кўз олтидан ўтказиб бошлади. Шунда қалбига муздек сув сепгандек туюлган бир фикр миясига урилди.

У оила аъзолари, дўстларини узоқ куттириб қўйганидан ва хавотир қилганидан хижолатдамиди?

Йўқ, Луизани қийнаётган бу эмасди.

Бутун куни билан қалъадан то дашт сайри бўлган жойгача, чакалак ичидаги майдончада учрашувда, Морис Жералд ҳомийлик қилган вақтда, ёввойи айғирлар таъқиб қилганда, ҳовуз бўйида дам олишганда, даштда, орқага қайтишганда, ўзининг чайласида – бу вақтларнинг ҳаммасида суҳбатдоши қиз билан фақатгина хушмуомалада бўлди. У қизга нисбатан муомаласида жентльменларга хос хушмуомалаликдан нарига ўтмади.

## ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

### РАШК ИЗДАН ОЛИБ БОРДИ

Луизани кутқариш учун от қўйган қирқ чавандоздан узоқ масофага от чопишга жуда кам кишининг чидами етди. Улар ёввойи отлар уюрини, хол-хол мустангни ва мустангерни кўздан кечиришди, бир-бирларини ҳам йўқотиб қўя бошладилар. Кўп ўтмай чавандозлар даштда битта-биттадан, иккита-иккитадан ёки учта-учтадан тўп-тўп бўлиб сочилиб кетди. Кўплари из қувишни билмагани учун манаданинг изини тамом кўздан йўқотдилар. Улар тўғри йўлдан адашдилар, бошқа излар кетидан эргашдилар, бу излар ўша манаданинг изи бўлса ҳам, лекин илгарироқ қолдирган изи эди.

Фақат бир чавандоз тўғри издан борарди. Унинг тагида каштан рангли бақувват, унча чиройли бўлмаса ҳам чидамли ва чопқир от бор эди. Эгнидаги ҳарбий бичимдаги кўк костюми ва кўк фуражкеси бу чавандознинг истеъфога чиққан кавалерия капитани Кассий Колхаундан бошқа киши эмаслигини кўрсатиб турарди. У отини тўғри издан солиб борарди. Капитан чакалакзорга етиб келди ва кўп ўтмай хол-хол мустанг тўсатдан тўхтаб қолган майдончага чиқди. Бу ергача у қийналмай йўл топиб келди, лекин энди капитан нима қиларини билмай қолди.

Энди қаёққа боради? Манада излари орасида тақаланган от излари энди кўринмасди. Колхаун бу изларни айланиб чиқди, диққат билан кўздан кечирди, лекин ҳеч нарса тушуна олмади.

Капитан от минган бир кишининг шу ерга яқинлашиб келаётганини кўриб ҳайрон қолди. Чавандознинг ниҳоятда барвасталигидан унинг Зеб Стумп эканини билди.

– Леди тўғрисида ҳеч нарса биласизми, мистер Колхаун, – деб сўради кекса овчи, ёшига ёпишиб тушмаган қизғинлик билан. – Йўқ, ҳеч нарса билмайсиз, деб давом этди у Колхауннинг юзига қараб ва ўзига керакли хулосани чиқариб. – Падарига қусур! У лаънати байтал қизни қаерларга олиб қочди экан? Қизик,

бу қандай бўлдийкин, ахир мисс Пойндекстер жуда уста чавандоз эди-ку. Ҳай, майли, бунинг унча хавотир оладиган жойи йўқ. Ҳойнаҳой, мустангер хол-хол байтални каманд билан ушлаб келади. Ўзингиз нега тўхтадингиз бу ерда?

– Уларнинг қайси тарафга қараб кетганларини тушунолмайд турибман. Мана бу изларга қараганда улар шу ерда тўхтабдилар деган хулосага келиш мумкин. Лекин шундан кейин қаёққа кетганларини издан қараб билолмаяпман.

– Ҳа, ҳа, тўғри айтдингиз, мистер Колхаун. Улар шу ерда тўхташибди. Тўхтаганда ҳам бир-бирларига жуда яқин туришибди, бу кўриниб турибди. Шу ерда улар ёввойи байталларнинг таъқиб қилишидан тўхташибди. Бу аниқ, лекин кейин қаёққа кетишди?

Зеб Стумп ўз саволига жавоб топиш учун майдончани диққат билан кўздан кечира бошлади.

– Уларнинг изини сира тополмадим, – деб жавоб берди капитан.

– Сиз тополмадингизми? Мен эса топа оламан. Мана бу ёққа қаранг! Эзилган ўт устидаги изларни кўрмаяпсизми?

– Йўқ.

– Ол-а! Яхшилаб қаранг! Мана катта тақа, ёнида эса мана кичкинаси... Улар шу тарафга от қўйиб кетишган. Демак, улар ёввойи байталлар кетидан шу ергача қувиб келишган. Энди нариёғини кўриш керак.

– Ҳеч шубҳасиз!

Зеб Стумп бошқа ҳеч нарса демай из кетидан кетди.

– Алло! – деб юборди бирдан кекса овчи. – Бу ерда нима бўлдийкин? Қизиқ-ку, билсак бўларди.

– Мен фақат ёввойи байталлар изини кўряпман, холос, – деб жавоб берди Колхаун. – Улар бу ерда айланиб, орқага қайтганга ўхшайдилар.

– Бу ерда уларнинг роли ўзгарган.

– Бу билан нима демоқчисиз?

– Демоқчиманки, энди чавандозлар байталлар кетидан эмас, балки байталлар чавандозлар кетидан



қувган. Йўғ-е, байталлар эмас... Ё фалак! Бу катта туёқлар изи-ку. Наҳотки...

– Нима гап ўзи?

Кекса овчи бошқа ҳеч қандай изоҳ бермай издан йўлга тушди, Колхаун жавоб кутиб унга эргашди.

Зеб «Бошимни қотираверма, жуда бандман» деган-дек қилиб қўл силтаб қўя қолди.

Бир қанча вақт у фақат изларни ўрганиш билан машғул бўлди. Тақаланган отларнинг изини ажратиб олиш жуда қийин эди, чунки уларни айғирларнинг излари босиб кетганди.

Зебнинг юзида акс этган ташвиш ифодаси чуқур жар тепасига етиб келганидагина йўқолди. Шундан сўнггина у изоҳ беришни маъқул топди.

– Бу ёққа қаранг!

– Ўлдирилган айғир-ку! Бу нима деган гап?

– Бу шу деган гапки, уни мустангер ўлдирган.

– Бу билан эса бошқаларини қўрқитиб юборган, шундан сўнг улар чавандозларни таъқиб қилмай қўйганлар, шундайми?

– Жуда ҳам шундай эмас. Айғирлар таъқибни тўхтатганлар, лекин уларни тўхтатган нарса қўрқув эмас, балки мана бу айғирнинг ўлигидир. Астаффуриллоҳ! Хўп сакрашибди-да!

– Улар мана шу ердан сакраб ўтибдилар, демоқчимисиз? – деб сўради Колхаун. – Бундай бўлиши мумкин эмас!

– Ўтганда ҳам ўқдай тез ўтиб кетганлар. Наҳотки уларнинг отлари нариги тарафда қолдирган изларни кўрмаётган бўлсангиз? Мисс Пойндекстер биринчи сакрабди. Уларнинг иккаласи ҳам айғирни отиб ташлашдан олдин нариги тарафга ўтиб олган бўлишлари керак, акс ҳолда бунга эришолмас эдилар. Бу орада сакраб ўтиш мумкин бўлган бошқа жой йўқ. Балли, мустангерга, айғирни худди сакраб ўтиш мумкин бўлган жойда ўлдирибди.

– Бу ердан иккалови бирга сакраб ўтибди, демоқчимисиз?

– Жуда ҳам бирга эмас, – деб жавоб берди Зеб Колхауннинг бундай деб сўрашига нима мажбур қилганини хаёлига ҳам келтирмай. – Айтдим-ку сизга, хол-хол мустанг олдин сакраган деб. Қаранг, ҳов ана, жарнинг нариги тарафида излари кўриниб турибди.

– Ҳа, кўрдим.

– Яхшироқ қаранг, унинг изини мустангер отининг излари босиб кетганини кўрасиз.

– Тўғри, худди шундай.

– Айғирнинг биронтаси ҳам у тарафга ўтолмаган. Менимча, бу мана бундай бўлган. Йигит нариги тарафга ўтиб олгач, мана бу ҳайвонни отиб ташлаган. Бошқа айғирлар эса ўртоғининг ўлганини кўриб додираб қолишган, таъқиб қилишни тўхтатишган ва бошқа тарафга қараб кетишган. Мана бу ерда уларнинг жар ёқалаб кетган излари кўриниб турибди.

– Эҳтимол, улар нариги тарафга бошқа жойдан ўтишган ва таъқибни давом эттиришгандир?

– Агар шундай қилишган бўлса, бу ерга етиб келгунларича ўн мил йўл босишлари керак бўларди, беш мил юқорига ва беш мил орқага. Лекин асло бундай бўлмаган, мистер Колхаун. Хавотир олманг, улар мисс Луизани бошқа таъқиб қилган эмаслар. Бу ердан сакраб ўтгандан сўнг у мустангер билан ёнма-ён от чоптириб кетган. Улар энди хавфдан қутулишган. Ҳозир эса улар алақачон дашт сайри бўлган жойга қайтиб боришган бўлса ҳам керак.

– Кетдик, – деди Колхаун гўё қиз жиддий хавф остида қолгандек сабрсизлик билан. – Кетдик, мистер Стумп. Келинг, иложи борича тезроқ қайтайлик.

– Бир оз сабр қилинг, – деб жавоб берди Зеб хотиржамлик билан отидан тушар экан қўлига пичоғини олиб. – Мени ўн дақиқача кутиб туринг.

– Кутиб туринг? Сабаб?

– Мен мана бу айғирнинг терисини шилиб олмоқчиман. Жуда чиройли экан! Сетламентимизда энг ками беш доллар беришлари турган гап.

– Қуриб кетсин терингиз ҳам! – деди жаҳл билан Колхаун. – Юринг, қўйсангизчи уни.

– Кўйишни хаёлимга ҳам келтирмайман, – деди пинагини ҳам бузмай Зеб Стумп ўткир пичоғи билан ўлиб ётган отнинг қоринини ёрар экан. – Жуда зарур бўлса ўзингиз кетаверишингиз мумкин, мистер Колхаун, Зеб Стумп эса мана бу терини ўз қари биясига ортмай туриб, бир қадам ҳам босмайди.

Рашк Кассий Колхаунни тезроқ орқага қайтишга мажбур қилди. У рашк қийноғига биринчи марта куйдирилган даштда учраган эди. Ўша вақтдан бери бу ҳис тобора аланга олиб борди. Колхаун ўзини қўйгани жой тополмасди.

Ёввойи отлар овчисининг паст табақадан эканига қараб ҳукм қилганда хавфсираш ўринсиздек кўринарди. Ауиза Пойндекстернинг характерини яхши билмаганда Колхаун унча безовталанмаган ҳам бўларди. Қиз болалигиданоқ ўзини тамом мустақил тутарди, бошқа аёллар ботиниб ўтолмаган ҳар қандай тўсиқ ҳам унинг учун бекор деса бўларди.

Оғир фикрлардан эзилган Колхаун дашт сайри бўлган жойга от чоптириб борарди.

Узоқдан кўринган икки чавандоз билан учрашгани ҳам уни хурсанд қилмади. Колхаун уларни дарҳол таниди. Улар капитаннинг бундай қийноққа тушувига сабаб бўлган кишилар эди.

Улар бир-бирига жуда яқин, ёнма-ён борар эдилар. Афтидан, бирор қизиқ суҳбат билан банд бўлсалар керак, Колхауннинг яқинлашиб келганини сезмадилар.

Улар отларини сал чоптириб борардилар, одамлар олдига боришга шошилмасдилар.

Уларнинг бир-бирига жуда яқин кетишаётгани, ўзларининг эркин тутишлари, атрофга мутлақо эътиборсиз қарашлари ва ниҳоят, сира шошмасдан бамайлихотир боришлари – буларнинг ҳаммаси капитаннинг шубҳаларини орттириб юборди. У ўзини идора қилолмай қолаётганини сезиб турарди.

Шитоб билан от чоптириб бориб, уларнинг ширин суҳбатини шартта бўлиш, миясига дастлаб келган фикр ана шу бўлди. Чарчаб ҳолсизланиб қолган отини тезроқ чопишга яна бир марта мажбур қилди.

Бир неча дақиқадан сўнг Колхаун бу шахтидан қайт-  
гандек қадамини секинлатди. Чавандозлар, гарчи капи-  
тан улардан икки юз қадамча орқада бўлса ҳам, унинг  
оти дупурини ҳали эшитмас эди. Тоғаваччасининг  
қўнғироқдек овози унинг қулоғига эшитилиб турарди,  
қиз, афтидан, суҳбатда бошқарувчи рол ўйнамоқда эди.

Уларнинг нима тўғрисида сўзлашаётганларини бир  
эшитса эди!

Афтидан, улар суҳбатга шундай киришиб кетган  
эдиларки, бундай мақсадга эришиш ҳам ажаб эмас-  
ди. Бу ерларнинг ўти бахмалдек майин, шунинг учун  
от туёғининг дупури эшитилар-эшитилмас эди.

Бир неча сониядан сўнг Колхаун чавандозларга  
жуда яқинлашиб олди-да, отининг одимини секин-  
латди. Аммо Колхауннинг оғир-оғир қадам ташлаб бо-  
раётган каштан рангли чарчоқ оти унинг яқинлашиб  
келганини билдириб қўйди.

Хол-хол мустанг билан тўриқ от калла силкитиб қат-  
тиқ кишнаб юборди.

– Аҳ! Каш, сенмисан! – деди Луиза, шунда унинг  
овозида ҳайронликдан ҳам кўра афсус оҳанглари се-  
зилди. – Қаердан келяпсан? Отам қани, Генри билан  
бошқалар-чи?

– Нега буни мендан сўрайсан, Лу? Мен ҳам улар  
тўғрисида сендан кўра ортиқ нарса билмайман.

– Мен эса бизни кутиб олгани чиқибсанми деб ўйла-  
бман. Отинг кўпириб кетибди. Унга қараб бизнинг от-  
ларимиз босиб ўтгандан ҳам кўпроқ йўл босибди, деб  
ўйлаш мумкин.

– Худди шундай бўлди ҳам. Мен бошданок сенга ёр-  
дам бериш умидида отилган эдим.

– Ростдан-а? Бизнинг кетимиздан келаётганингни  
билмабман ҳам. Раҳмат сенга, Кассий. Мен ҳозиргина  
бизни, мен билан Лунани жуда катта қўнғилсизлик-  
дан, ҳатто даҳшатли ўлимдан қутқаргани учун мистер  
Жералдга миннатдорчилик билдираётган эдим. Била-  
санми, бизни ёввойи айғирлар қувлади, тилка-пора  
қилишига сал қолди.

– Ҳа, мен буни биламан.  
 – Демак, улар бизни қувганини кўрган экансан-да?  
 – Йўқ. Мен буни фақат излардан билдим.  
 – Излардан! Изга қараб тушуна олдингми-а?  
 – Ҳа. Зеб Стумпнинг изоҳлари ёрдами билан.  
 – О! У сен билан эдими? Қаергача издан бординглар?  
 – Жар ёқасигача. Сен ундан сакраб ўтибсан, Зеб шундай деди. Тўғрими шу?

– Луна сакраб ўтди.  
 – Сен билан бирга-я?  
 – Албатта, мен билан! Жуда ғалати саволларни берасан-а, Кассий! – деди у кулиб. – Сен ҳам сакраб ўтдингми? – деб сўради креол қиз бирдан бошқа оҳангда.  
 – Сўнг изимиздан нарига ҳам бордингми?

– Йўқ, Лу. Жар ёқасидан тўғри шу томонга жўнадим, мендан олдинроқ қайтгансан деб ўйладим.

Афтидан, Луиза бу жавобдан қониққандек бўлди.

– Ҳай, учрашганимиздан хурсандман. Биз секин-секин кетаётган эдик. Бечора Луна жуда чарчади. Уйга қандай қилиб етиб олишимизга ҳам ҳайронман.

Колхаун билан учрашган пайтдан бошлаб мустангер бир офиз ҳам сўз айтмади. У креол қиз билан суҳбати кесилганидан заррача ҳам афсус қилмагандек, ўзининг йўл бошловчилик вазифасига яна қайтиб, индамай олдинда борарди.

Шундай бўлса ҳам капитан ундан ўзининг синчков нўзларини узмади. Колхаун Луизанинг мустангер тарафга қувонч билан кўз ташлаганини кўрганда кўзлари ғазабдан чақнаб кетарди.

Уч чавандознинг сафари узоқ чўзилиб кетса, сафарнинг охири фожиа билан тамом бўлиши аниқ эди. Лекин дашт сайри иштирокчиларининг пайдо бўлишлари жанжалнинг олдини олди. Қочоқ қизни шодлик қичқириқлари билан табриклаб қарши олдилар, бу эса ҳар қандай бошқа фикрларни бир оз бўлса-да нари сурди.

## ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

### СУВ ҚЎШИЛГАН ВИСКИ

Инж қалъаси яқинидаги кичик шаҳарчада энг кўзга кўринган бино – меҳмонхона-майхона биноси эди. Бу шаҳарча умумий қоидадан мустасно эмас эди. Техасдаги ҳар бир шаҳарчада – унинг янги ёки ўлкани колонизатсия қилиш бошланган дастлабки вақтларда қурилган бўлишидан қатъи назар – шу манзара кўзга ташланади.

Испан-мексиканлар қурган баъзи шаҳарлардагина қалъа билан монастирлар бошқа бинолардан баландроқ қад кўтариб туради. Лекин ўтмишнинг бу ёдгорликлари ҳам жуда кўп жойларда майхоналарга айлантирилган.

Инж қалъасидаги майхона шаҳарнинг энг баланд иморати бўлса ҳам, бари бир ҳеч қандай ўзига тортадиган жиҳати йўқ эди. Унинг ташқи кўриниши бирон архитектура услуби билан қурилганидан дарак бермасди. Бу «Т» ҳарфига ўхшаб тушган ёғоч уй эди. Ҳарфнинг танасини ташкил қилган қисми ошхона ва меҳмонлар учун ётоқхоналардан иборат эди. Олд қисми эса битта катта хона бўлиб, майхона учун ёки америкаликлар дабдаба билан салун деб атаган хона учун ажратилган эди. Бу ерда одамлар ичишар, чекишар ва суҳбатлашишарди.

Майхонага кираверишдаги эман дарахтига осиб қўйилган тахтача чайқалиб туради. Унда маҳаллий қаҳрамонлардан бири ҳарбий генерал кийимида тасвирланган. Портрет тагида «Хуш келибсиз» деб меҳмонхона номи ёзиб қўйилган.

Техасдаги меҳмонхоналар, бутун Америкадаги меҳмонхоналар сингари айни вақтда битимлар биржаси ва клуб вазифасини ҳам бажарарди. «Хуш келибсиз» меҳмонхонаси ҳам бу жиҳатдан бошқа меҳмонхоналардан фарқ қилмасди. Лекин унинг битта хусусияти бор эди: унинг хўжайини Шимолий Америка штатларининг олибсотар фуқароси эмас, балки беғам бир

немис эди, унинг фамилияси Обердофер бўлса ҳам, маҳаллий аҳоли уни «Кекса Дуффер» деб атади.

Инж қалъасидаги меҳмонхона очилгандан бери юқорида тасвир қилганимиз дашт сайри бўлган кундагидек кўп одамни кўрмаган бўлса керак.

Аёллардан бошқа дашт сайрининг деярли барча қатнашчилари кунни майхонада тугатишга аҳд қилдилар. Соат ўн бирга бонг урганича ҳам йўқ эдики, меҳмонхонага одамлар оқа бошлади. Қалъа офицерлари, маҳаллий плантаторлар, мол билан таъминловчилар ва ҳеч иши йўқ авантюристлар меҳмонхонага қатор-қатор бўлиб кириб келавердилар. Ичкари кирган ҳар бир киши тўғри стойка олдига борар, ўзи севган ичимликдан сўради, сўнг эса кўнгли тортган гуруҳга бориб қўшиларди.

Айниқса, бир гуруҳ одамларнинг диққатини алоҳида ўзига қаратди. Бу саккиз ёки ўн кишидан иборат бир компания эди. Улар орасида ўқувчиларимизга таниш уч офицер ҳам бор. Булар пиёда аскарлар капитани билан икки лейтенант – драгун Генкок ва ўқчи Кроссманлар эди. Майор ҳам улар орасида эди.

Улар жуда эркин суҳбатлашишар, суҳбат мавзуи эса бутунги ҳодисалар ҳақида эди.

– Менга қаранг, майор, – деди Генкок, – мисс Пойндекстер қаерга йўқолиб кетди, бундан хабарингиз бўлса керак?

– Мен қаердан билай? – деб жавоб берди у. – Буни мистер Кассий Колхаундан сўранглар.

– Ундан сўраган эдик, лекин ҳеч нарса билолмадик. Биздан ортиқ билмаслиги аниқ. У қочоқларни қайтиб олишаётганда қувиб етибди, ўшанда ҳам улар биз ўхтаган жойга яқин келиб қолишган экан. Улар анча йўқ бўлиб кетишди, отларининг кўпириб кетганига қараганда, жуда узоққа бориб келишган кўринади. Шунча вақт ичида Рио-Грандегача, ҳатто ундан ҳам нарига бориб келишлари мумкин.

– Қайтиб келганида Колхауннинг юзига назар солдингизми? – деб сўради пиёда аскарлар капитани.

– Унинг қовоқ-тумшуғи жуда осилиб кетганди, уни ёқимсиз бир нарса ташвишга солиб қўйган кўринади.

– Ҳа, ужуда бахтсиз кишилардек кўринди менга, – деб жавоб берди майор. – Лекин умид қиламанки, капитан Сломан, буни сиз...

– ...рашқдан деб ўйламассиз демоқчисиз-да? Ҳа, мен бунга аминман. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

– Наҳотки, Морис мустангерга рашқ қилса? Ажаб! Бўлмаган гап! Ҳар ҳолда, эҳтимолдан холи!

– Нима учун?

– Азизим Сломан, Луиза Пойндекстер – леди, Морис Жералд эса...

– ...отжаллоб! – деб унинг сўзини тутатди Кроссман.

– Майор тўғри айтди, бу мутлақо тўғри келмаган, бўлиши мумкин бўлмаган гап.

– Жуда билар экансиз! – деб давом этди Сломан, маънодор қилиб бош чайқаб. – Сиз мисс Пойндекстерни менчалик билмайсиз. У жуда ғалати қиз, агар бундан ҳам мосроқ сўз ишлатмасак. Буни ўзингиз ҳам сезган бўлсангиз керак?

– Давом этинг, давом этинг, Сломан, – деди майор истехзо билан. – Сиз, кўринишдан, ғийбат қилмоқчисиз дейман, хотин олишга тиш-тирноғингиз билан қарши одамдек кўринсангиз ҳам мисс Пойндекстерни севиб қолганга ўхшайсиз-а. Сиз уни лейтенант Генкокка ёки Кроссманга жуфтласангиз бир ҳамон эди, лекин оддий мустангерга жуфтлаш...

– Мана ўзи ҳам келиб қолди, – унинг сўзини бўлди Генкок ичкари кириб келаётган мустангерга кўзи тушиб. – Яхшиси ўзи айтсин. У оддий йигит, бор гапни ўзидан билиб оламиз.

Морис индамай стойка олдига келиб, бўш жойни эгаллади.

– Сув қўшилган виски сўрайман, – деди у камтаринлик билан майхона хўжайинига қараб.

– Сув қўшилган виски? – такрор сўради майхона хўжайини қўполлик билан. – Сув қўшилган виски ичмоқчимисиз? Бир стакани икки пенни туради.



– Баҳосини сўраётганим йўқ, – деб жавоб берди мустангер. – Бир стакан сув қўшилган виски сўраяпман. Топиладимми?

– Ҳа, ҳа! – деб жавоб берди қатъий жавоб эшитганидан чўчиб кетган немис шошиб-пишиб. – Истаганингизча, истаганингизча сув қўшилган виски топилади! Марҳамат!

Майхона хўжайини мустангерга виски қуяр экан, у офицерлар билан саломлашди. От овчиси уларнинг кўпчилиги билан таниш эди.

Офицерлар ўзларини қизиқтирган масалани ундан энди сўрамоқчи бўлиб турганларида, эшикдан кириб келаётган Кассий Колхаунни кўриб қолиб пайт кутдилар. Унинг олдида буни сўраш одобдан бўлмас эди.

Кассий Колхаун бир гуруҳ ҳарбийлар ва оддий кишилар олдига ўзининг такаббуруна юриши билан келиб, куни билан бирга бўлган ва қисқа вақтгагина ажралишган кишилар билан саломлашгандек енгил таъзим қилиш билан чекланди.

Капитан маст бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда ширакайф эди. Унинг кўзлари ғалати бир тусда чақнар, юзи ниҳоятда рангсиз.

– Келинлар, ичамиз, – деб мурожаат қилди у майор ва уни ўраб турган бир гуруҳ одамларга. – Ичганда ҳам шундай ичайликки, хўжайин чироқ ёқиб ўтирганидан заррача ҳам ўксимасин. Хўш, нима дейсизлар шунга!

– Бўпти, бўпти! – деган бир неча товуш эшитилди. – Сиз-чи, майор?

– Жоним билан, капитан Колхаун.

Ҳаммалари стойка олдида келишди, ҳар бири ўзи истаган ичимликдан сўради. Уларга яна бир неча киши қўшилди.

Тасодифанми ёки жўрттагами, ҳар ҳолда Колхаун энг четдан жой олиб Морис Жералд билан ёнма-ён туриб қолди. У бир четда индамай турар, сув қўшилган виски ичар ва сигара чекарди. Уларнинг иккаласи гўё бир-бирини кўрмагандек эди.

– Тост! – деб қичқирди Колхаун, стойкадан ўз стаканини қўлига олар экан.

– Кўтаринг! – деди бир неча киши.

– Яшасин Америка бахтига америкаликлар, бутун келгиндилар, айниқса, лаънати ирландияликлар ириб-чириб кетсин!

Колхаун шундай деб тост кўтарар экан, орқага бир қадам ташлади ва эндигина стаканини лабига теккизган мустангерни тирсаги билан туртиб юборди.

Стакандаги виски чайқалиб мустангернинг кўйлагига тўкилди.

Бу тасодифмиди? Йўқ, бунинг атайин қилинганига ҳеч ким шубҳа қилмади.

Тўпланиб турган одамлар, ҳақоратланган йигит ҳозир таҳқир қилган кишига ташланади деб ўйлаган эдилар. Мустангернинг шошилмаётганини кўриб, ҳаммалари ҳайрон қолдилар, ҳафсалалари пир ҳам бўлди. Баъзилари у ҳақоратни индамай кўтариб кетади деб ўйлаб қолдилар.

– Агар у бунга индамай қўя қолса, – деб шивирлади Генкок Сломаннинг қулоғига, – уни бу ердан итариб чиқариб ташлаш керак.

– Мутлақо хавотир олманг, – деб жавоб берди пиёда аскарлар офицери ҳам шивирлаб. – Бундай бўлмайди. Ўзингизга маълумки, мен гаров боғлашишни ёқтирмайман, лекин бир ойлик маошимни қўйиб айтаманки, мустангер унга қойил қилиб жавоб қайтаради. Ҳозирги пайтда Жералдни ҳақоратдан ҳам кўра ҳўл бўлган кўйлагига кўпроқ безовта қилаётган бўлса ҳам, ишонаманки, Колхаун бундай душман билан тўқнашганига пушаймон бўлади. Жуда ғалати йигит-да у, шайтон!

Улар ўзаро шундай деб шивирлашар экан, бу орада Морис стойка олдида пинагини бузмай турарди. У стаканини қўйди, чўнтагидан шойи рўмолчасини олди ва ҳўл бўлган кўйлагини арта бошлади.

У шундай хотиржамлик билан ҳаракат қилар эдики, буни кўрқоқлик деб ўйлашга ҳеч бир ўрин йўқ эди.

– Мен ирландияликман, – деди мустангер рўмолчасини чўнтагига солар экан.

Жавоб жуда оддий ва бир оз кечиккандек эди, лекин унинг маъносини ҳамма тушунди. Бу чақириқ

эди. Жавобнинг қисқалиги ҳақоратланганнинг қаттиқ аҳд қилганидан дарак берарди.

– Сиз-а? – деб нафрат билан сўради Колхаун унга қайрилиб қўлларини ёзар экан. – Сиз-а, – деб давом этди у мустангерни бошдан-оёқ кўздан кечириб. – Сиз ирландияликмисиз? Бўлмаган гап, мен мутлақ бундай деб ўйламаган бўлардим. Мен кийим-бошингизга ва кўйлагингиздаги ироқига қараб, сизни мексикалик деб ўйлаган бўлардим.

– Сира тушунолмамай турибман, менинг кийим-бошим билан сизнинг нима ишингиз бор, мистер Колхаун, лекин менинг кўйлагимни ҳўл қилган экансиз, сизга ҳам худди шундай жавоб қилишимга ва сизнинг кўйлагингиздан крахмални ювиб ташлашга рухсат этинг.

Шундай деб мустангер ўз стаканини қўлига олди-да, капитан тескари қараб олишга улгурмасидан стаканда қолган вискини унинг башарасига сепиб юборди. Колхаун тўпланиб турган одамларнинг кўпчилигининг вақтини хуш қилиб, зўр бериб йўталмоғига ва акса урмоғига сабаб бўлди.

Беихтиёр эшитилган маъқулловчи овозлардан сўнг орага сокин жимлик чўқди. Бу жуда кескин бир он эди. Жанжалнинг жиддий тусга кирганини ҳамма тушунарди. Иш дуэл билан тугаши турган гап. Ҳеч қандай куч бунинг олдини ололмайди, бу аниқ.

## ЙИГИРМАНЧИ БОБ

### ХАВФЛИ ВАЗИЯТ

Колхаун револьверига ёпишди.

Буни кутган мустангер ҳам худди ўшандай қуролни қўлига олди ва чақириққа жавоб беришга тайёр турди.

Қўрқоқроқ одамлар ўтакаси ёрилиб, бир-бирларини туртиб-суртиб эшикка отидилар. Баъзилари нима қиларини билмай қолганидан, бошқалари эса онгли равишда энди нима бўлишини кутиб қимирламай турардилар. Уларни бундай қилишга ўринли эҳтиёткор-

лик, қочиб кетаётганда орқадан ўқ ейиш хавфи эҳтимолдан холи эмасди.

Орага яна бир неча сония давом этган оғир сукунат чўкди. Бу ироданинг қарори амалга – ҳаракатга айланадиган он эди.

Эҳтимол, рақиблар бошқа бўлганда оралик қисқароқ бўлармиди. Урушувчилар тажрибасизроқ ва оддийроқ одамлар бўлганда, улар тепкиларни дарҳол босишга шошилган бўлардилар. Лекин булар бундай яккама-якка жангларни жуда кўп кўрганларидан узилган ўқнинг бекор кетиши нима билан тугашини яхши ҳилар эдилар.

Ташқарига чиқиб олганлар ва ичкарига ҳатто мўралашга ҳам журъат қилолмаганлар учун бундай сустлик ниҳоятда оғир эди. Одамлар ўқ товуши ўрнига кутилмаганда майорнинг жиддий ва хотиржам, қаттиқ овозини эшитдилар.

– Тўхтанглар! – деб команда берди майор, қиличини яланғочлаб ва рақибларни бир-биридан ажратиб. – Отманглар, иккалангизга ҳам буюраман! Қуролингизни туширинглар, акс ҳолда тепкига қўл теккизган одамнинг қўлидан тўппончасини тортиб оламан! Тўхтанглар деяпман сизга!

– Нега энди? – деб бақирди азбаройи жони чиққанидан кўкариб кетган Колхаун. – Нима учун, майор Рингвуд? Шундай ҳақоратдан кейин, бунинг устига яна мана шундай аблаҳдан ҳақорат эшитиб...

– Ўзингиздан ўтди, капитан Колхаун.

– Нима бўпти? Лаънат унга! Мен ҳақоратларни индамай кўтариб кетаверадиганлардан эмасман! Қочинг орамиздан, майор! Жанжаллашаётган биз, шунинг учун орага тушишга ҳаққингиз йўқ.

– Ростдан-а?! Ҳа-ҳа! Сломан! Генкок! Кроссман! Эшитяпсизларми? Аралашингизга ҳаққим йўқ эмиш!.. Капитан Кассий Колхаун, ўзингизнинг қаерда эканлигингизни унутманг. Ўзингизни Миссисипи штатида, қулларни калтаклаб юрган кавалеристларингиз орасида деб ўйламанг. Бу ер, сэр, ҳарбий қалъа – қалъа эса

ҳарбий уставга бўйсунди, каминага бўлса бу қалъада қўмондонлик қилиш топширилган. Шунинг учун мен револьверингизни олган жойингизга солиб қўйишингизни буюраман. Тезроқ бўлинг, бўлмаса сизни оддий бир солдатдек гауттвахтага юбораман.

– Ростдан-а? – деб чинқирди Колхаун. – Техасни жуда ажойиб бир мамлакатга айлантириб юборибсизлар! Демак, бировни ҳар қанча ҳақорат қилсалар ҳам, сизнинг розилигингиз бўлмаса, дуэл қилишга ҳаққи йўқ экан-да, а, майор Рингвуд? Шуми мамлакатимизнинг қонунларига риоя қилиш?

– Йўқ, асло, – деб жавоб берди майор. – Мен жанжални ҳалоллик билан ҳал қилишга тўғоноқ бўладиган одамлардан эмасман. Мабодо бу сиз билан душманингизга ёқар экан, бир-бирингизни ўлдиришингизга ҳеч ким монелик қилмайди. Лекин ҳозир эмас. Сиз, мистер Колхаун, яккама-якка жанг бошқа, одамлар ҳаёти учун хавф туғдирадиган вазият бошқа, шуни тушунишингиз керак. Мен бошқа одам учун отилган ўқнинг қурбони бўлишни асло истамайман. Биз ҳаммамиз хавфсиз жойга чиқиб олгунимизча шошмай туринг. Ундан кейин эса, марҳамат, истаганингизча отаверинг. Хўш, энди қаноатлангандирсиз деб ўйлайман?

Агар майорнинг ўрнида бошқа бирор одам бўлганда, бу буйруқнинг амалга ошиши амримаҳол эди. Лекин у қалъадаги амали энг катта, ёши анчага бориб қолган офицер эди, бунинг устига қуролни жуда усталик билан ишлата олар эдики, унинг буйруғини бирон марта бажармасликка журъат қилган одамларга бу жуда яхши маълум эди.

У қўлида қиличини яланғочлаб турарди. Рақиблар бунинг шунчаки намоиш эмаслигини яхши билардилар. Икковлари тўпнончаларини деярли баравар туширдилар-у, лекин қўлларида ушлаб турдилар.

Колхаун ўз қурбонига ташланишга ҳалақит берилган қонхўр ваҳшийдек жони чиқиб тишларини маҳкам қисиб турарди. Мустангер эса майорнинг буйруғига ҳеч қандай жаҳдсиз ва руҳий қаршиликсиз бўйсунди.

– Ҳайлайманки, яккама-якка жанг қилишдан қайтмасангиз керак? – деди майор душманларни яраштириб қўйишга умид жуда камлигини яхши тушунган ҳолда.

– Ярашишга менинг жуда ҳам истагим йўқ, – деб камтарлик билан жавоб берди Морис. – Лекин агар мистер Колхаун узр сўраса...

– У узр сўраши керак, жанжални у бошлади! – деб гапга аралашди бунда эшитиб турган бир неча киши.

– Ҳеч вақт! – деб жавоб берди кериклик билан экс-капитан<sup>27</sup>. – Кассий Колхаун узр сўраб одатланган эмас, устига мана бундай олифга маймундан узр сўраш – овора бўласизлар!

– Бўлди! – деб қичқирди ирландиялик йигит, ростакамига жаҳли чиқиб, – мен унга ҳаётини сақлаб қолиш имкониятини бермоқчи эдим. Бундан ўзи бош тортди. Энди эса онт ичаманки, ҳаёт-мамот уруши бошлайман... Майор! Сиздан ва дўстларингиздан бу ердан чиқиб кетишни қаттиқ туриб илтимос қиламан. Мен бундай ҳақоратларни ортиқ эшитолмайман!

Колхауннинг «Ҳа-ҳа-ҳа!» деган нафрат аралаш қаҳқаҳаси эшитилди.

– Ҳаётимни сақлаб қолиш имконияти эмиш! Кетинглар бу ердан, ҳамманглар чиқиб кетинглар. Кўрсатиб қўяман унга!

– Тўхтанглар! – деб қичқирди майор, дуэл қилаётганларга орқасини ўтиришга журъат этмай. – Бу ишингиз ярамайди. Сиз вақтидан бир сония бўлса ҳам олдинроқ ўқ узиб қолишингиз мумкин. Отишингиздан олдин биз бу ердан чиқиб кетишимиз керак. Бунинг устига, – деб давом этди у хонада тўпланганларга мурожаат қилиб, – ахир қандай бўлмасин бирор қоидага риоя қилиш ҳам керак-да. Модомики, улар дуэл қилмоқчи эканлар, дуэл барча қоидаларга риоя қилинган ҳолда бўлсин. Уларнинг иккаласи ҳам бир хил қурол билан қуролланган бўлиши ва бир-бирига одиллик билан яқинлашиши керак.

<sup>27</sup> Экс-капитан – истеъфодаги капитан.

– Тўғри! Тўғри айтдингиз! – деган товушлар эшитилди, бу таклиф қабул қилиниш-қилинмаслигини диққат билан кузатиб ярим доира олиб турган одамлар орасидан.

– Биттангиз ҳам бу таклифга қаршилиқ кўрсатмасиз деб ўйлайман? – деб давом этди майор уларга қараб.

– Мен адолатли талабга қаршилиқ кўрсата олмайман, – деди хотиржамлик билан ирландиялик йигит.

– Мен қўлимда ушлаб турган қурол билан урушман! – деди сурбетлик билан Колхаун.

– Розиман. Бу менга ҳам жуда тўғри келадиган қурол, – деб жавоб берди рақиб.

– Кўриб турибманки, иккалангизнинг қўлингиздаги тўппонча ҳам иккинчи номерли олтиотар Колт револьвери, – деди майор, уларнинг қуролини кўздан кечирар экан. – Ҳозирча ҳамма иш тўғри. Иккалангиз ҳам бир хил қуроллангансиз.

– Уларда бундан бошқа қурол йўқмикин? – деб сўради ёш офицер Генкок, капитаннинг мундири остида яшириб қўйилган пичоқ бор бўлиши мумкинлигидан шубҳа қилиб.

– Менда бошқа ҳеч нарса йўқ, – деб жавоб берди мустангер жуда ҳалоллик билан, жавобининг самимийлигидан гапининг тўғрилигига ҳеч қандай шубҳа қолмади. Ҳамма жавоб беришга ошиқмаётган Колхаунга қаради.

Капитан тўғрисиани айтишга мажбур эканини англади.

– Менда пичоқ ҳам бор. Уни тортиб олмоқчи эмасиз деб умид қиламан? Менимча, ҳар ким ҳам ёнида бўлган қуролини сақлаб қолишга ҳақли бўлса керак.

– Лекин, капитан Колхаун, – деди Генкок, – душманнингизда пичоқ йўқ. Агар у билан бир хил қуролланган ҳолда урушишдан қўрқмасангиз, пичофингизни бизга беришингиз керак.

– Тўғри, шундай қилиши керак, албатта! – деган овозлар эшитилди. – Пичоқни бериши керак, албатта бериши керак!

– Беринг пичоқни, капитан Колхаун, – деди майор жиддий қилиб. – Олтиотар револьвер ҳар қандай ақли

расо одамни қаноатлантириши керак. Ахир тепкиларни босганингиздан кейин иккингиздан бирингиз...

– Пичоқни бошимга ураманми! – деб қичқирди Колхаун мундирининг тугмаларини ечар экан. Пичоғини суғуриб олди-да, хонанинг нариги тарафига улоқтирди ва мақтанчоқлик билан деди. – Бу чиранчоқ учун пичоқнинг ҳожати ҳам йўқ – мен уни битта ўқ биланоқ ер тишлатаман.

– Бу тўғрида гаплашишга улгурасиз! Мени қўрқита олмайсиз, мистер Колхаун... илтимос қиламан тезроқ тарқалинглар! Мен бу мақтанчоқлик ва фисқ-у фасодга чек қўйишим керак.

– Ит! – деб шипшиди капитан. – Аблах, ирландиялик ит! Мен сени ўз итхонангга жўнатмасам. Мен...

– Уялинг, капитан Колхаун, – деб унинг сўзини бўлди майор, бундан ҳамманинг ғазаби келган эди. – Бу мутлақо ортиқча гап-сўзлар, бунинг устига ўзига яраша обрўси бўлган одамлар олдида бундай қилиш беодобликдир. Яна бир оз сабр қилинг, ундан кейин офзингизга сиққанини гапираверасиз. Энди яна битта шарт, то биз чиқиб кетмагунча отмаслигингиз керак.

– Бу шартни амалга ошириш жуда қийин эди, қизишиб турган бир пайтда берилган оддий ваъда ваъда бўлармиди. Рақиблар жуда бўлмаганда улардан бири тепкини босишга рухсат берилишини кутиб турармиди дейсиз.

– Маълум бир сигналдан сўнг ўқ узилиши керак, – деб давом этди майор. – То ўша сигнал берилмагунча биттангиз ҳам ўқ узмаслигингиз керак. Бу сигнални қандай қилиб бериш тўғрисида бирор таклифингиз борми?

– Менинг таклифим бор, – деди капитан Сломан. – Мистер Колхаун билан мистер Жералд биз билан бирга ташқари чиқишсин. Агар эътибор қилган бўлсангиз, майхонанинг қарама-қарши тарафида икки эшик бор. Иккала эшик ҳам бир хил жойлашган. Улар майхонага бошқатдан киришсин, лекин бири бир эшикдан, иккинчиси эса унга қарама-қарши тарафдаги бошқа эшикдан, лекин шундай шарт биланки, остонани босмасдан туриб ҳеч ким ўқ узмасин.



– Жуда соз!.. Кўнгилдагидай гап, – деган овозлар эшитилди.

– Хўш, сигнал вазифасини нима ўташи керак? – деб сўради майор. – Ўқ узамизми?

– Йўқ, майхона кўнғироғини чаламиз.

– Бундан ҳам яхши усулни ўйлаб топиб бўлмаса керак. Жуда яхши таклиф, – деди майор эшик тарафга юрар экан.

– Тўхтанг, тўхтанг майор! – деб қичқириб қолди майхона хўжайини немис, шу пайтгача у кўрққанидан эси оғиб стойка орқасида турган эди. – Наҳотки улар меҳмонхонам ичида отишишса? Аҳ! Ахир, улар менинг бутун шишаларимни, менинг чиройли ойнамни ҳам, менинг соатимни ҳам, менинг вазаларимни ҳам чил-чил қилишади-ку! Меин Готт! Меин Готт!<sup>28</sup> Буларга оз мунча пулим кетганми! Икки юз доллар сарфлаганман-а. Улар менинг энг яхши виноларимни тўкиб-сочиб юборишади. Аҳ, майор! Хонавайрон бўлман, синаман. Энди нима қиламан? Ахир мен...

– Хавотир бўлманг, Обердофер, – деди майор. – Бутун кўрган зарарларингизнинг тўлаб берилишига шубҳа қилмайман. Ҳар ҳолда, ҳозир бирор ерга яшириниб туришингиз керак. Агар ҳозир сиз шу ерда қолсангиз, ўқ ейишингиз турган гап, бу шишаларингиз синганидан кўра ёмонроқ бўлади.

Шундай деб майор ҳанг-манг бўлиб қолган майхона хўжайини олдидан кетди ва ташқари чиқиб, қарама-қарши эшиклардан ташқари чиқиб олган иккала душманни учратди. Обердофер жойида кўп турмади. Майорнинг орқасидан эшик ёпилиши биланоқ бошқа эшик майхона хўжайини орқасидан ёпилди. Шундан сўнг салун камалакнинг барча ранглари билан товланган шишалари, қимматбаҳо ойналари ва чарақлаб турган лампалари билан жимжитлик қўйнига шўнғиди, бу жимжитлик орасида фақат соатнинг бир оҳангда чиқиллаб тургани эшитилар эди, холос.

<sup>28</sup> Меин Гоод! Меин Год! – Э, худойим-е! Э, худойим-е.

## ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

### МАЙХОНАДА ДУЭЛ

Майхонадан чиққандан кейин майор бу ишга бошқа аралашмади. Қалъа командирининг дуэл белгиланган тартиблар рамкасида бўлганда ҳам унга бош қўшиши яхши бўлмасди. Дуэлни ташкил қилиш ишини ўз зиммасига олган ёш офицерлар бу билан шуғулландилар.

Бунга кўп вақт кетмади. Аллақачон шартлар келишиб олинган эди. Бирон бир кишидан қўнғироқни чалишни илтимос қилишгина қолди. Қўнғироқ чалиниши дуэлнинг бошланишига сигнал бўлиши шарт қилинган эди.

Тун зулматдай қора эди, лекин шундай бўлса ҳам меҳмонхона олдидаги гулзорда тўпланган одамларни ажратиб олса бўларди. Бу ерда фақат майхонадан чиққан офицерлар тўпланмаганди. Бошланган жанжал тўғрисидаги хабар қалъага тез тарқалди. Офицерларнинг ўртоқлари, шунингдек, солдатлар ҳам бу қизиқ ҳодисани томоша қилиш учун қоровулар кўзини шамғалат қилиб келган эдилар. Одамлар орасида аёллар ҳам бор – бир неча эпчил сеньориталар юз берган ҳодиса тўғрисида батафсил маълумот берилишини талаб қилиб, одамларни жон-қолига қўймасдилар. Шивир-шивир қилиб сўзлашардилар. Майор ва қалъанинг бошқа кўзга кўринган одамларининг ҳам шу ерда экани ҳаммага маълум бўлган эди.

Томошага қизиққан одамлар оломони меҳмонхонадан нарироқда тўпланди, лекин ҳамманинг диққати меҳмонхонага қаратилган. Ҳамма ишнинг нима билан тугашини кутиб турарди.

Дуэлнинг иккала қатнашчиси қарама-қарши тарафдаги эшиклар олдида туришарди. Ҳар иккаласи ҳам ҳозир ўзи кириши лозим бўлган эшикка тикилиб қарарди, бу эшикдан ичкари киргандан сўнг бутунлай қайтиб чиқмаслиги ҳам эҳтимолдан холи эмасди. Ҳар иккаласи ҳам қўлидаги револьверини маҳкам сиқиб турарди. Кимдир баланд овоз билан:

– Чал қўнғироқни! – деб буюрди.

Қўнғироқнинг қаттиқ данғиллагани эшитилди. Одатда шодликдан, одамларни тўй тантаналарида иштирок этишга чақириқдан дарак берувчи бу товуш энди жон олиб, жон берувчи жангга чақирмоқда эди.

Қўнғироқнинг товуши узоқ чўзилмади. Бир нафас жаранглаб турди-да сўнди. Бундан кейин унга ҳожат ҳам қолмади. Рақибларнинг майхона ичкарасига кириб кўздан йўқолгани, револьверлардан қарсиллаб ўқ узилгани, чил-чил бўлиб синган шишаларнинг жаранги қўнғироқчини тўхтатди.

Қўнғироқ товуши эшитилиши биланоқ иккала душман ҳам майхонага кирди.

Дастлабки ўқ товушлари эшитилди. Хона ичи тутунга тўлди. Ярадор бўлганларига қарамай иккала рақиб ҳам тик турар эдилар. Уларнинг қони полга оқарди.

Иккинчи узилган ўқ товуши барабар эшитилди, лекин бу сафар душманлар таваккалига ўқ уздилар – тутун халақит берди. Кейин кетма-кет ўқ товуши эшитилди. Шундан сўнг бирдан жимлик чўкди.

Улар бир-бирини ўлдирган эдиларми? Лекин ичкаридан эшитилаётган товушларга қараганда иккаласи ҳам тирик эди. Бу жимликнинг сабаби рақибларнинг қуюқ тутун орасидан бир-бирларини топишга уринишлари эди. Улардан биттаси ҳам қаердалигини билдириб қўймаслик учун жойидан қимирламас ва гапирмас эди.

Жимжитлик барабар узилган икки ўқ товуши ва кетидан икки гавданинг гумбурлаб йиқилиши билан бузилди.

Сўнг ағдар-тўнтар қилинган стулларнинг тарақлагани эшитилди.

Ниҳоят яна бир ўқ узилди, бу ўн биринчи ўқ эди.

Одамлар нафасини чиқармай ўн иккинчи ўқнинг узилишини кутиб турардилар.

Ўқ товуши ўрнига одам овози эшитилди. Мустангер сўзламоқда эди:

– Револьверим пешонангизга қадалган! Менинг яна бир ўқим бор. Узр сўранг ёки ўласиз!

Оломон энди курашнинг охирлаб қолганини сизди. Баъзи довиюраклар деразадан мўралаб ҳам кўрдилар.

Улар подда чўзилиб ётган икки кишини кўрдилар. Иккаласи ҳам оғир ярадор, иккаласининг кийими ҳам қонга беланган. Мексикаликлар шимини кийган, қизил шарф боғлаган ярадор рақибни тепасида энгашиб турар ва тўппончасини унинг пешонасига тираб ўлим хавфи соларди.

Томошабинлар ташқаридан мўралаб олтингугурт тутуни орасидан шу манзарани кўрдилар.

Шу пайт иккинчи товуш, Колхауннинг товуши ҳам эшитилди. Унинг илгариги кериклигидан асар ҳам қолмаганди. У аянч бир товушда шивирлаб деди:

Бўлди!.. Тўппончангизни туширинг... Мен узр сўрайман...

## ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

### СИРАИ СОЯ

Дуэл техасликларни ҳайрон қолдирадиган нарса эмас. Бўлиб ўтган дуэл тўғрисида уч кундан кейин гапирмай кўядилар, бир ҳафтадан сўнг эса бутунлай унутиб ҳам юборадилар.

Кўча жанглари – оддий ҳодиса, бундай жанжаллар кундуз кунлари кўчаларда ҳам бўлаверади, уларнинг оқибати кўпинча ўлим билан тугайди.

Техас қонунлари бундай ғалати ўч олишни «бахтсиз ҳодисалар» қаторига қўшадилар, бунинг жавобгарлари эса ҳеч қандай жазога тортилмайди.

Шунга қарамай Кассий Колхаун билан Морис Жералд ўртасида бўлиб ўтган дуэл одамларни жуда қизиқтирди. Уларнинг биттаси ҳам сенттаментнинг маҳаллий аҳолиси қаторига қўшилмаса ҳам, бу дуэл тўғрисида роса тўққиз кун гап-сўз бўлди. Капитаннинг тақабурлиги билан мустангернинг ниҳоятда соддадил ва ҳалоллиги ҳаммага яхши маълум эди. Шунинг учун дуэл натижасидан жамоатчиликнинг мамнун бўлгани табиий ҳол.

Кассий Колхаун дуэл натижасини қандай ҳазм қилаётганини ҳеч ким билмасди. У майхонанинг доимий меҳмони бўлишига қарамай, кейинги кунларда кўринмай қолди. Оғир ярадор бўлганидан ўринда қимирламай ётарди.

Мориснинг соғлиги унча хавфли бўлмаса-да, ҳар ҳолда у ҳам қимирламай ётишга мажбур бўлди, шунинг учун унинг Обердофернинг меҳмонхонасида қолишдан бошқа иложи қолмади. Бу ерда унга кичкинагина бир хона ажратиб беришди. Лекин парвариши жуда ҳам айтарли яхши эмас эди. Ҳатто голиблик шуҳрати ҳам майхона хўжайинининг унга нисбатан норозилик билан қилган муносабатини ўзгартира олмади.

Унинг бахтидан бўлиб, ёнида Фелим бор эди, акс ҳолда аҳволи жуда ҳам танг бўлиши турган гап эди.

– Авлие Патрик! – деб оқ тортарди содиқ хизматкор. – Қачон бу каталақдан чиқиб кетамиз? Бу қандай бемазагарчилик! Дурустроқ овқат ҳам, ичимлик ҳам беришмайди-я. Бизни боқаётган овқатларидан чўчка ҳам ҳазар қилса керак. Бунинг устига мана бунисига доғман! Бу аблаҳ Обердофер яна айтадики...

– Обердофер нима дейиши билан менинг мутлақо ишим йўқ, лекин нималар деб жовраётганимни у эшитиб қолмасин десанг, овозингни сал пасайтир. Мана бу тўсиқ орқасидан ҳамма гап эшитилиб туришини унутма.

– Падарига лаънат тўсиғининг! Тўсиқларига ўт тушин! Сиз тўғрингизда нималар деяверса ҳам бари бир экан-да? Бўлмаса менга ҳам бари бир, шунинг учун эшитса эшитаверсин, аҳволимизни бундан ҳам оғирроқ қилиб бўлмайди. Нима бўлса ҳам сизга айтишим керак – буни билиб қўйишингиз керак.

– Хўш, қани айт-чи. Нималар деяпти у?

– Мана нима деяпти. Қарасам, у буни келганлардан бирига айтаётган эди, сизни фақат хона, овқат ва кир ювдирганингиз учунгина эмас, синдирилган шишалар, ойна, ўша кун синдирилган ва бузилган барча нарсалар учун ҳам ҳақ тўлашга мажбур қиламан, деяпти.

– Тўлашга мени мажбур қилар эмишми?

– Ҳа, фақат сизни, мистер Морис. Анави янкидан эса сариқ чақа ҳам олмас эмиш. Бу нима деган гап? Бундай найрангни бу ярамас немисдан бошқа ҳеч ким ўйлаб тополмаса керак. Буларнинг ҳаммасига ҳақ тўлаш лозим бўлса, ҳақни сиз эмас, бу галвани бошлаган одам тўлаши керак.

– Нима учун ҳаммаси учун мендан ҳақ олмоқчи эканини эшитмадингми?

– Сиз унинг қўлига тушиб қолган эмишсиз, у эса ҳаммасига товон тўламасангиз сизни чиқариб юбормас эмиш.

– Қўявер, ўзининг бир оз янглишганини кўп ўтмай билиб қолади. Яхшиси панага қочганлардан даъво қилсин. Мен келтирилган зарарнинг фақат ярмисини тўлашга розиман, лекин ортиқ тўламайман. Агар гап уриниб келиб қолса, унга шундай деб қўйсанг ҳам майли. Тўғриси айтсам, шунга ҳам пулни қаердан олишни билмай турибман. Ўша куни, афтидан, жуда кўп нарсаларни синдириб, чил-чил қилиб ташлаган бўлсак керак. Биз урушаётганда алланарсанинг жуда қаттиқ жаранглаб кетгани эсимда. Менимча, ойнани ё соатни синдирдикмикан, ҳар ҳолда шунга ўхшаш бир нарса синган эди.

– Катта ойна синибди, мистер Морис, соат ҳам. Айтишларича, уларнинг ҳаммаси икки юз доллар турар эмиш. Ёлғончилар! Ярмиси ҳам турмаса керак.

– Ўшанда ҳам шунча пул тўлаш мен учун ҳозир офир гап. Қўрқаманки, Фелим, Аламога бориб, у ердаги буюмларимизни олиб келишга мажбур бўлмасанг деб. Шунча қарзни тўлаш учун мен ўз шпорларимни, кумуш бакалимни ва эҳтимолки, милтиғимни ҳам сотишга мажбур бўларман.

– Фақат милтиқни эмас, мистер Морис. Уни ҳам сотиб юборсангиз, нима билан тирикчилик қиламиз.

– Кунимизни кўриб кетамиз. Каманд кунимизга ярайди.

– Унда еган овқатимиз ҳам ҳозир қари Дуфффер бераётгандан яхшироқ бўлмаса керак дейман. Бу ерда овқат еганимда ҳар гал қорним оғрийди.

Шу пайт ҳеч қандай огоҳлантиришсиз эшикни очиб, меҳмонхона хизматчиси кириб келди. Унинг қўлида тўқима сават бор эди.

– Нима гап, Гертруда? – деб сўради Фелим.

– Мана шу саватни сизга бериб қўйишимни қандайдир бир жентльмен илтимос қилди, – деб жавоб берди қиз саватни узатиб.

– Ким, Гертруда? Қандай жентльмен.

– Билмадим. Илгари сира ҳам кўрмаган эдим.

– Жентльмен бериб кетди дейсанми? Ким бўлиши мумкин бу, Фелим? Қара-чи, нима экан?

Фелим саватнинг устини очди. Унда бир шиша вино ва анча мазали нарсалар, сомсалар, печенье, жаркоб бор эди. Бошқа на бирор хат, на бир парча қоғоз кўринди.

Нарсаларнинг чиройли қилиб жойлаштирилганига қараб, уларни хотин киши ҳозирлаганига шубҳа қолмади.

Морис ўзига юборилган совғани кўздан кечира бошлади. Совға айни вақтда келди, айниқса, ҳозирги аҳволда қасал бўлиб ётган бир вақтда бу айни муддао эди.

Морис бундай совғани ким юбориши мумкинлигини топишга уринарди. Унинг кўз олдида беихтиёр Луиза Пойндекстер гавдаланди.

Бундай тахмин эҳтимолдан узоқ бўлишига қарамай, буни худди ўша юборган деб ўйлашга тайёр эди, шунинг учун бундан ич-ичидан хурсанд бўлди. Лекин бу тўғрида ўйлаган сари шубҳаси орта борди.

– Қандайдир жентльмен бериб кетган эмиш, – деб такрорлади Фелим. – Гертруда жентльмен деди. Афтидан, яхши одамга ўхшайди. Лекин ким бўлиши мумкин?

– Ҳеч ўйлаб тополмаяпман, Фелим. Ё қалъа офицерларидан биронтасимикан? Лекин улардан қайси бирининг бундай қилишига ақлим етмай турибди.

– Мен эса бунга офицерларнинг мутлақо алоқаси йўқ дейман. Умуман, эркаклар иши эмас бу. Бу аёл кишининг қилган иши. Буларнинг қандай тахланганига диққат қилмаяпсизми?

– Бўлмаган гап, Фелим! Мени бундай ҳурмат қилдиган биронта ҳам аёлни танимайман.

– Мана бу гапингиз тўғри эмас, мистер Морис! Буни ким қилишини мен биламан. Агар у шундай қилмаганда, жуда ҳам нонқўрлик бўларди. Ахир сиз ўша куни унинг ҳаётини сақлаб қолмадингизми?

– Кимни айтяпсан, Фелим?

– Гўё ўзингиз билмаётгандай гапирасиз-а, тақсир! Ўша куни сиз билан бирга чайламизга келган гўзал қизни айтяпман-да. Ўша куни у хол-хол мустангни миниб келган эди. Сиз ахир ўша от учун сариқ чақа ҳам ҳақ олганингиз йўқ. Ўша гўзал сизнинг бундай хавф-хатарга йўлиққанингиздан хабар топса, нима дерди?

– Ҳали хавф бор, албатта. Доктор бир ҳафта турмаслигингиз керак деди. Лекин хафа бўлма, дўстим.

– Йўқ, мен шунчаки айтдим-да. Мен ҳозир бундай хавф тўғрисида ўйлаётганим йўқ. Эҳтимол, дардингиз юрак дардимикан деган хавфдаман? Баъзан чиройли кўзлар кўрғошин ўқдан кўра оғирроқ ярадор қилади кишини. Борди-ю, сизнинг кўзларингиз биронтасини ярадор қилган бўлса-чи? Бу совғаларни ана ўша қиз юборган.

Гапинг нимада эканини ҳеч ким англай олмайди-ган кўринади.

– Бунча валдираб қолдинг, Фелим. Совғани қалъадагилардан биронтаси юборган. Лекин унинг кимданлигидан қатъи назар, совғадан фойдаланишдан нега тортиниб ўтирибмиз. Кел, тотиб кўрайлик.

Бемор саватдаги мазали таомларни еб, қанчалик ҳузур қилмасин фикран бундан ҳам кўпроқ лаззатланди: фикр-хаёли унинг ҳурматиани бунчалик жойига қўйган қизга қараб талпинар эди.

Наҳотки буни унинг, ашаддий душмани бўлган бир кишининг тоғаваччаси, ёш қиз қилган бўлса? Бундай тахмин, ҳар қандай қилганда ҳам, унинг назарида эҳтимолдан холи эди.

Лекин у бўлмаса, яна ким юбориши мумкин?

Совғани Луиза Пойндекстер юборгани тасдиқланса, мустангер бутун бор-йўғини қурбон қилишга тайёр эди.

Кунлар ўтиб борарди, лекин сир-сирлигича қолди.



Куп ўтмай беморни яна йўқлаб хурсанд қилдилар. Яна худди ўшандай саватда, шиша ва таомлар билан тўла совға келди.

Майхона хизматчисидан буни ким келтирганини яна суриштирдилар, лекин у илгаригидек жавоб қайтарди: «Нотаниш бир жентльмен олиб келди, илгариги сафар совға олиб келган ўша жентльменнинг худди ўзи». Хизматкор қиз фақат унинг «қоп-қора» эканини, бошида ярқироқ шляпаси борлигини ва майхона олдига хачир миниб келганини қўшимча қилди. Бу тафсилотлар Морисни унча қаноатлантира олмади, лекин у сир бой бермади. Мустангер ич-ичдан ўзини хурсанд қилаётган хаёлни ҳатто Фелим ҳам билмас эди.

Икки кундан сўнг ярқироқ шляпа кийган ўша жентльмен учинчи марта совға-салом олиб келгандан сўнг Мориснинг ширин хаёллари учди-кетди, тарвузи қўлатиғидан тушди.

Илгариги совға-саломлардан сира ҳам фарқ қилмайдиган сават ичидан хат чиқди.

– Исидора экан, – деб тўнғилаб қўйди Морис конвертдаги ҳуснихатни кўздан кечираркан.

У конвертни эҳтиётсизлик билан йиртиб, ўқий бошлади. Хат қуйидаги мазмунда эди:

*«Қимматли сеньор!*

*Бир ҳафтадан бери Силвио амакимникида меҳмонман. Бетоблигингиз тўғрисидаги хабарлар менинг ҳам қулогимга етди, меҳмонхонада сизни яхши парвариш қилишмаётганидан ҳам хабардор бўлдим. Бетоблигингизда бир оз ёрдамим тегсин дедим. Шу арзимас совғаларни менга кўрсатган катта хизматларингиз эвазига қабул қилсангиз. Хатни от устида Рио-Грандега жўнаб кетиш олдидан ёзьялман.*

*Менинг ҳомийим, ҳаётимни, ҳаётимнигина эмас, ҳатто номусимни ҳам сақлаб қолган кишисиз! Кўришгунча, хайр!*

*Исидора Коварубио де Лос-Ланос».*

– Раҳмат, раҳмат, азиз Исидора! – деб шивирлади мустангер хатни буклаб ва кўрпа устига отиб

юборар экан. – Доим миннатдор, меҳрибон, ажойиб Исидора... Луиза Пойндекстер бўлмаса эди, эҳтимол, сени севган бўлардим...

## ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

### ЎЧ ОЛИШ ОНТИ

Колхаун то тузалгунча вақтини ўзининг ҳашаматли хонасида ўтказди. Тош юрак худбин одам бўлгани учун у дўстликка ишонмасди, шунинг учун унинг дўсти йўқ эди. Ниҳоятда оғир бўлган жисмоний оғриқлари устига ўзининг тамом ёлғиз экани тўғрисидаги фикрлардан баттар азоб чекарди. У омон қоладими ёки йўқми? Бу билан кимнинг ҳам иши бор дейсиз! Унинг тўғрисида ҳеч ким сира ғам емасди, буни ўзи ҳам биларди.

Унга оз-моз эътибор берган бўлсалар, бунинг сабаби қариндошлик бўлди. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Ўз тоғасининг ўғли ва қизига нисбатан қилган муомалалари унга нисбатан ҳурмат ҳисси уйғотармиди дейсиз. Мағрур Вудли Пойндекстер жиянига нисбатан қўрқув аралаш нафрат билан қарарди.

Тўғри, кекса плантатор жиянига нисбатан яқиндагина шундай муносабатда бўла бошлади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Пойндекстер жиянидан қарздор бўлиб қолганди. Унинг қарзлари шу даражага етдики, Каса-дел-Корвонинг амалдаги хўжайини Кассий Колхаун бўлиб қолганди. Буни эса у ҳар он тоғасига билдириб қўйиши мумкин эди.

Кейинги вақтларда Колхаун Луизага уйланиш учун ўзининг бу мавқеидан ҳар бир йўл билан фойдаланишга тиришиб келарди. У қизни кўп вақтдан бери яхши кўрарди. Лекин қизни ўзига мойил қилолмади, қиз ҳам буни ундан яширмасди. Шунинг учун ўз мақсадига қизнинг отаси орқали эришмоқчи бўлди, чунки унга сўзи ўтарди.

Капитан ҳозир оғир ярадор бўлиб ётган бир вақтда унга бошқа вақтлардагига нисбатан камроқ диққат-эътибор қилингани ажабланарли бир ҳол эмас эди.

Бемор ўлим чангалида ётганини сезган пайтларда одамларга нисбатан анча юмшоқ муомала қилгандек эди. Лекин бу узоқ чўзилмади. Колхаун хавфнинг ўтиб кетганини сезиши биланоқ кўнглига келган номаъқулчиликни қилаверадиган бўлиб қолди, бунинг устига шармандаларча мағлуб бўлгани унинг бу ярамас одатларини баттар ошириб юборди.

У мақтанчоқликни яхши кўрарди: ўзини қаҳрамон қилиб кўрсатишни, оломондан ўзининг юқори эканини намойиш қилишни ёқтирарди. Энди бу имконият қўлдан кетди. У техасликлар олдида ўзининг ким эканини кўрсатиб қўйди. Бу эса унга алам қиларди. Ўзини хоксор этган одамнинг муҳаббат йўлидаги рақиб эканини ўйлаганда бир алами минг бўларди.

Морис мустангер ўлиши керак. Агар унинг, Кассий Колхауннинг қўлида ўлмаса, бошқа бирон кишининг қўлида ўлиши керак. Капитан бепоён Техас даштларида бирор қотил ёллай олишига шубҳа қилмасди. Ахир, олтин жуда кучли нарса. Колхауннинг эса олтини кўп, шунинг учун бирор қотилни топиш унинг назарида қийин кўринмасди.

Оғир ярадорликдан соғайиб борар экан, Кассий Колхаун ўзининг холи хонасида мустангерни ўлдириш режасини тузарди. У буни иккинчи бир кишининг қўли билан амалга оширишни – мустангерни пулга ўлдиришга рози бўладиган одамни топишни истар эди.

У бу вазифани бажара олиши мумкин бўлган бир одамни хотирлади. У ҳам худди Морис сингари мустангер бўлган бир мексикалик йигит эди. Колхаун бу икки от овчиси ўртасида дўстлик йўқлигини биларди.

Техасда бу ғалати касб эгаси бўлган одамлар тўғрисида ҳар хил ёмон гаплар юради. Одатда мустангерлик кишилар ҳунари билан маданий жамиятдан ҳайдалганлар шуғулланарди.

Мустангерлар септлментларда яшаганларида, улар ўзларининг доимий жанжал-тўполонлари билан тинч аҳолининг жонига тегар эдилар. Уларга бум-буш даштда дуч келиш эса, киши ўз ҳаётини хавф остида қолдирди деган гап эди.

Кассий Колхаун улардан бир кишини эслади. У ўша от овчисини майхонада кўп кўрганини, дуэл бўлган кун кечаси ҳам ўша ерда эканини эслади. Бу мустангер ўша кунги шармандаларча тамом бўлган дуэлдан сўнг уни замбидда уйига олиб келган кишилардан бири эди. Йўлда мексикалик мустангер Морис Жералдни очиқдан-очиқ сўкиб айтган гапларини ҳам хотирига келтирди. Кейинчалик Колхаун мексикалик мустангер Мориснинг ашаддий душмани эканини билиб олди.

Колхаун ана шу одамни ишга солишга аҳд қилди. У мексикалик йигитни олдига чақиртирди, шундан сўнг улар тез-тез учрашиб, беморнинг хонасига яшириниб олиб суҳбатлашиб ўтирадиган бўлдилар.

Бу ҳеч кимда шубҳа туғдирмади. Колхауннинг олдига келиб-кетиб юрган одам от ва қорамол савдогари. Улар шу масала устида суҳбатлашган бўлишлари мумкин. Шундай деб тахмин қилиш ўринли бўларди. Ҳатто мексикалик мустангернинг ўзи ҳам аввалига капитан билан учрашувларини айни шу маънода тушунди.

Уларнинг суҳбати анча вақтгача фақат иш устида борди – Миссисипи штатидан бўлган айёр капитан ўзи яхши танимаган одам олдида ниятларини дарров очиб қўя қолмасди. Мексикалик мустангер учун жуда фойдали бир битимдан кейин уни яхшилаб маст қилибгина, Колхаун унинг Морис мустангерга нисбатан қандай муносабатда эканини муфассалроқ суриштира бошлади.

Суҳбат капитанни бу кишига бемалол ишониш мумкинлигини, у капитан учун истаган хизматни бажо келтиришга, истаса одам ўлдиришга ҳам тайёр эканига ишонтирди.

Мексикалик овчи мустангер йигитни кўргани кўзи йўқ эканини яширмасди. Кассий Колхаун Морисни нима учун ёмон кўрса, мексикалик от овчиси ҳам уни худди ўша сабабдан ёмон кўрарди: унинг кўролмаслигига сабаб бир қизни яхши кўриши эди.

Морис мустангер ҳар замонда бир Рио-Гранде бўйида турадиган бир қора кўз донселланинг олдига бориб турарди. Қизга мексикалик мустангердан кўра

ирландиялик мустангер маъқул тушганди. У қизнинг исмини айтмади, Колхаун эса бунга қизиқмади ҳам.

Морис касал ётган кунларда капитан мексикалик мустангер билан бир неча бор учрашди ва у билан жуда яқиндан сирдошлик қилди. Бу вақт ичида улар қандай иш тутиш тўғрисида баҳазур келишиб олган бўлсалар ҳам ажаб эмас.

Шундай режа ҳақиқатан ҳам тузилдими ёки йўқми, уларнинг қандай қаллобларча ниятлари бор эди, бу фақат уларнинг ўз сири бўлиб қолди.

Одамлар фақат бир нарсани, Кассий Колхаун билан Эл-Коёт<sup>29</sup> лақабли Мигуэл Диаз апоқ-чапоқ дўст бўлиб қолишганини сездилар холос, кўпчилик эса бу сирли дўстликка тушунолмади ҳайрон эди.

## ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ

### АЗОТЕЯДА

Техас плантацияларида ҳаёт қуёш чиқиши билан қизиб кетади. Қора танли қулларни ишга чақирадиган кўнғироқ қулдорларни ҳам уйғотади.

Каса-дел-Корвонинг илгариги хўжайини вақтида шундай тартиб ўрнатилган эди. Америкалик плантатор оиласи ҳам бу одатни бузмади. Тўғри, бунга сабаб одат бўлиб қолган қондани бузишдан қочиш эмас, балки табиат талабига бўйсуниб эди.

Баҳор ҳавоси мутлоқ ҳукмрон бўлган серқуёш Техасда хушбўй ҳидлар гуркираб ётган тонгни кутиб олмай ўринда чўзилиб ётиш – Тонг каби гўзал Луиза азотейанинг панжараси ёнида турарди. Унинг нигоҳи чиқиб келаётган қуёш томонга тикилганди.

Хаёли паришон, узоқ-узоқларда кезар эди. У қушларнинг эргалабки хонишларини ҳам эшитмас, атрофда бўлаётган нарсаларни сезмасди. Юзида ҳам акси, лабларидан бехос учган шип-шиплар унинг сирини очиб қўйди.

<sup>29</sup> Эл-Коёт – дашт бўриси.

– Эҳтимол, оғир ярадор бўлгандир? Эҳтимол, ўлим хавфи бордир? Мен ҳатто унинг олдига битта-яримтани юбора олмайман ҳам. Ҳеч кимга ишонмайман. Ўзи қаерда ётибди? Ёнида ким бор? Унга ёрдам, ғамхўрлик керак... Зеб Стумп қаерларга йўқолиб кетдийкин? Анчадан бери бизникига келмай қўйди!

Ёш креол қиз Инж қалъасига олиб борадиган йўлга қаради. Зеб Стумп шу йўлдан тез-тез ўтиб турарди, лекин у ҳозир кўринмасди.

Бир оздан сўнг Луиза ўтирилиб қаради: йўлнинг бошқа тарафидан, дашт тарафдан аллаким келаётгандек бўлди. У янглишмаган эди. Дарахт чакалаклари орқасидан бир чавандоз чиқиб келди. Креол қиз олдин уни эркак киши деб ўйлади. Лекин у кейинроқ чавандознинг эркаклар кийими кийиб олган аёл киши эканини ажратди, у отда эркакчасига ўтирарди. Чавандознинг юзини кўриш қийин, чунки унинг бетини ялтироқ шарф чачвондек яшириб қўйган. Шундай бўлса ҳам Луиза унинг ёноқлари ўтдек ёнган, чиройли, қорача қиз эканини кўрди. Шунингдек, у қизнинг кўзлари жануб осмонидаги юлдузлардек чақноқ ва қоп-қора эканини ҳам назардан қочирмади.

Нотаниш қиз орқасидан бошқа бир чавандоз келарди. Бу, афтидан, унинг хизматкори эди.

«Бу ким бўлди экан? – деб ўйлади Луиза Пойндекстер ва бу ғалати чавандоз қизни яхшилаб кўриб олиш учун тез бир ҳаракат билан лорнетини кўзи олдига келтирди. Мексикалик қиз бўлиши керак, албатта, орқадаги хачир мингани эса унинг хизматкори... Бирон бир зодагон сеньорита бўлса керак... Уларнинг ҳаммаси Рио-Гранденинг нариги соҳилига кўчиб кетганлар деб ўйлаб юрардим. Ҳамроҳининг қўлида сават... Қизик, ичида нима бор экан? Сетламентга нима учун келишаётганикин? Шу билан унинг шу ҳафта ичида уйимиз олдидан учинчи марта ўтаётганини кўриб турибман. У кўринишидан, дарёнинг қуйи тарафидаги бирор плантацияда турса керак. Отни жуда ғалати минарканми! Мексикалик аёллар отни шу хилда ми-

надилар, деб эшитган эдим. Борди-ю, отни мен ҳам шундай минсам нима бўлади? Сипо оналаримизнинг жон-пони чиқиб кетиши турган гап! Ҳа-ҳа-ҳа! Сезиб турибман, роса эслари оғарди-да!»

Чакалак ичидан бир оху йўлга сакраб чиқди. Чавандоз қиз юзидан шарфини кўтариб қўйиб, ўнг қўлини бир неча марта айлантирди.

– Нима қиялпти у? – деб шивирлади Луиза. – Ҳа-ҳа! Қўлидаги каманд-ку! Мексикалик сеньорита, афтидан, бу миллий қуролни ишлатишга жуда моҳир эди: у эпчиллик билан камандни охунинг бўйнига улоқтирди, арқонни тортди, жонивор эса йиқилди.

Хизматкор тез етиб келди, хачирдан ўзини ерга отди ва пичоқ билан охуни сўйиб юборди. Сўнг оху танасини хачирга ортиб ўзи ҳам миниб олди-да, чавандоз қиз кетидан кетди. Сеньорита эса аллақачон камандни ўраб олган, шарфини юзига туширган ва ҳеч нарса кўрмагандек ўз йўлида давом этганди.

Луиза ҳаяжонга тушди.

«Наҳотки, наҳотки, ўша қиз бўлса? Сизнинг тенгдошингиз, бўйи сиздан бир оз пастроқ. Рио-Грандеда туради, вақт-бавақт Леонага келиб, меҳмон бўлади деганди у. Бу ким бўлдийкин? Нима учун ўшанда унинг номини сўраб олмаган эканман? Наҳотки бу ўша қиз бўлса?»

## ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ БЕРИЛМАЙ ҚОЛГАН СОВҒА

Луиза узоқлашиб кетаётган чавандозлар кетидан аччиқ хаёлга чўмиб қараб турарди. Улар чакалак орасига кириб, кўздан йўқолгани ҳам йўқ эдики, у тарафдан яна битта чавандоз кўриниб қолди, афтидан, у гасиендага қараб келаётган эди.

Луизанинг чеҳраси бирдан шодликдан очилиб кетди, бу кекса овчи Зеб Стумп эди.

– Бахтимдан ўргилай, у менга жуда керак эди-да! – деб юборди у енгил тортиб, – ундан бирор нарса билиб олсам, эҳтимол. Зеб бу қизнинг кимлигини билса ке-

рак. Лекин бўлиб ўтган ишлардан кейин ҳатто Зеб билан ҳам эҳтиёт бўлиб сўзлашишим керак. О, агар Моррисга ёқишимни билсам эдим, унда ҳеч нарсадан тап тортмаган бўлардим! Унинг бефарқлиги қандай ёмон! Тагин кимга – менга, Луиза Пойндекстерга-я! Ортиқ чидаб бўлмайди, бахти қаро бўлсам ҳам, бу зулмдан ўзимни қутқаришим керак.

Бу пайт Стумп гасиендага етиб келиб, отини тўхтатди.

– Қимматли мистер Стумп! – деб хурсандлик билан уни қаршилади Луиза. – Сизни кўрганимдан беҳад хурсандман! Отингиздан тушинг. Бу ёққа, менинг олдимга чиқинг. Баланд жойларга чиқиш сиз учун ҳеч гап эмаслигини биламан, мана бу зинадан кўтарилиш ҳам сиз учун сира қийин эмас. Бу ердан шундай гўзал манзараларни кўрасизки, чиққанингизга сира афсус қилмайсиз.

– Сизни кўришнинг ўзи, мисс Луиза, мен учун энг яхши мукофот. Бирпас сабр қилинг, ҳозир қари биямни отхонага қўяман-у, олдингизга чиқаман.

Бу пайт ҳовлида пайдо бўлган ҳабаш Плуто овчининг отини олиб кетди, Зеб Стумп эса икки-уч зинага бир оёқ қўйиб, тез азотеяга чиқди.

Ёш бека кекса овчини яна бир марта шодлик билан қаршилади ва уни азотеянинг бир бурчагига олиб кетди.

Кекса овчи қизнинг анчагина ҳаяжонда эканини дарҳол сизди ва ўзининг бу ерга чиройли манзараларни томоша қилиш учун таклиф қилинмаганини тушунди.

– Менга қаранг, мистер Стумп, – деди Луиза, унинг энгидан ушлаб, кўзларига савол назари билан қарар экан. – Сиз билсангиз керак? Унинг соғлиги қалай, яраси хавфли эмасми?

– Мистер Колхаунни сўраяпсиз, шундайми?

– Йўқ, йўқ унинг аҳволдан ўзим хабардорман! Уни сўраётганим йўқ.

– Янглишмасам, икки киши ярадор бўлган эди. Улардан бири Морис мустангер. Наҳотки сиз худди ўша йигитни сўраётган бўлсангиз?

– Ҳа, ҳа, ўшани сўраяпман. Биласизми, у менинг тоғаваччам билан жанжаллашган бўлишига қарамай,



мен у йигитга бeфapқ қарай олмайман. Морис Жералд менинг ҳаётимни икки марта сақлаб қолганини биласиз. Яраси хавфли эмасми, менга шуни айтсангиз?

Қиз бу гапларни шундай ҳаяжон билан айтдики, ҳозир ҳазил қилишга ўрин йўқ эди. Зеб дарҳол жавоб берди:

– Ҳеч қандай хавф йўқ. Битта ўқ тўпигининг тепароғига тегибди: бу яра тимдалангандай хавфсиз нарса. Иккинчи ўқ чап қўлига тегибди, бунинг ҳам чўчийдиган жойи йўқ. Лекин жуда кўп қон йўқотган. Кайфи чоғ, шунинг учун бир неча кундан кейин ўрнидан турса ҳам бўлади. Йигитнинг ўзи бўлса, даштда бир от чоптириб келсам, Техасдаги барча докторларнинг давосидан ҳам яхшироқ шифо топган бўлардим, дейди. Мен ҳам шундай деб ўйлайман. Лекин уни қалъа жарроҳи даволяпти, ўрнидан туришига рухсат бермаяпти.

– У қаерда ётибди?

– Меҳмонхонада. Ўша жанжал бўлган жойда.

– Обердофернинг меҳмонхонасини расво, деб эшитгандим. Бемор кўп нарсаларга муҳтож бўлса керак... Бирпас тўхтанг, мистер Стумп, ҳозир келаман. Ул-бул бериб юбормоқчиман. Мен учун йўқ демаслигингизни биламан Тўғри эмасми? Мен бунга ишонаман.

Луиза жавоб кутиб ўтирмасдан зина тарафга юрди ва тез пастга тушиб кетди. Кўп ўтмай қўлида бир сават тутиб қайтиб келди:

– Азиз мистер Стумп, буни мистер Жералдга етказиб берасиз, хўпми? Бунда бир оз вино, қиём ва яна баъзи нарсалар бор. Бетоб вақтингда мазали овқат егинг келади, меҳмонхонада эса дурустроқ бир нарса топиб бўлармикин. Лекин унга бунинг кимдан эканини айтманг, бошқаларга ҳам айта кўрманг. Ҳеч кимга айтмаслигингизни биламан. Ахир сиз оққўнгил азаматсиз-ку!

– Кекса Зеб Стумпга ишонаверинг, мисс Луиза. Мен аллақандай бир мексикаликнинг унга турли ноз-неъматлар келтирганини ҳозиргина эшитган эдим. Унинг ўзини бир неча дақиқа илгари гасиендангиз яқинида учратдим. У отга эркакчасига миниб олган бир қизни кузатиб борар эди. Мексикаликнинг қўлида мистер

Морис яқиндагина совға олган саватга жуда ҳам ўхшаб тушадиган бир сават бор эди. Афтидан, у беморга яна хилма-хил таомлар олиб келаётган бўлса керак.

Шу бир неча оғиз сўз жуда кўп нарсани очиб берди. Бутун гап маълум бўлди қўйди: Луиза Пойндекстернинг рақибни бор экан. Каманд отган мексикалик қиз, афтидан, мустангернинг бўлажак рафиқаси. Эҳтимолки, яхши кўргани эди.

Азотея панжараси устида турган креол қизнинг қўлидаги саватнинг сирғалиб пастга тушиб кетиши бесабаб бўлмаса керак. Ундаги шиша ва банкачалар ҳовлининг тош ётқизилган саҳнига тушиб, чил-чил бўлиб кетди, уларнинг ичидаги нарсалар сочилиб, ҳамма ёқни ифлос қилди.

– Эҳ, эссиз, – деди Луиза ўз ҳаяжонини яширишга тиришиб. – Флоринда нима дейди энди? Ҳечқиси йўқ, мистер Жералдга шундай ғамхўрлик қилишаётган эканки, менинг совғам унга лозим бўлмаса ҳам керак. Унга ғамхўрлик қиладиган одамлар борлигидан жуда хурсандман, ахир мен ҳам ундан жуда кўп қарздорман! Лекин мистер Стумп, зинҳор ҳеч кимга ҳеч нарса деманг, сўрайман сиздан. У тўғрида суриштирганимни ҳам ҳеч кимга айтманг. У менинг тоғаваччам билан дуэл қилгани учун бу ҳар хил ортиқча миш-мишларга сабаб бўлиши мумкин. Ваъда берасизми, азиз Зеб.

– Хоҳласангиз қасам ичишга ҳам тайёрман. Биронта одамга ҳам лом-мим демайман, мисс Луиза. Кекса Зебга бемалол ишонаверишингиз мумкин.

– Биламан буни. Энди юринг бу ердан. Офтоб жуда куйдириб юборяпти. Юринг, пастга тушиб сиз яхши кўрадиган вискидан топишга уриниб кўрамыз. Қани, кетдик!

Шундай деб креол қиз ясама шодлик билан янги орлеанликлар вальсини хиргойи қилиб, зина тарафга қараб юрди.

Кўп ўтмай Луиза овчи билан хайрлашди. Кекса овчи билан суҳбат қилиш энди уни қизиқтирмасди. У ўз ғами билан якка-ёлғиз қолиш учун ўз хонасига кетди.

Луиза Пойндекстер умрида биринчи марта рашк қийноғига учради. Бу унинг биринчи марта чинакамига яхши кўриши эди. Қиз Морис Жералдни севиб қолганди, бунга энди ҳеч қандай шубҳа қолмади.

Мексикалик сеньоританинг мустангерга ғамхўрлигини оддий дўстликдан деб бўлмасди. Афтидан, уларни дўстликдан ҳам яқинроқ муносабатлар бир-бирига боғлаган эди.

Луиза оромини йўқотди. Мексикалик қизни яна бир кўриш ва унинг афт-башарасини яхшилаб кўздан кечириш унинг фикри-зикри бўлиб қолди.

Зеб Стумп жўнаб кетиши биланоқ креол қиз хол-хол мустангни эгарлашни буюрди.

Қалъага яқинлашиб келар экан, қиз тахмин қилганидек, ўз рақибига тўқнаш келди.

Бу ерда йўл дарахтлар орасидан ўтарди. Шарфини нари-бери елкасига ташлаган мексикалик қиз бош-яланг келарди. Қарғанинг қаноти сингари қоп-қора патила-патила сочлари чиройли бетини ўраб турарди.

Иккала қиз одоб қоидаларига риоя қилиб, бир-бирларига кўз қирларини ташладилар. Лекин нарироққа бориб ҳар иккиси ҳам бир-бирига яна бир марта ўғринча назар ташлаб олишдан ўзини тиёлмай орқасига ўгирилиб қаради.

Мексикалик сеньорита тўғрисида фақат Луизагина эмас, Луиза тўғрисида у ҳам эшитган эди.

Луизанинг кўнглига яна ҳам қайғулироқ фикрлар келди.

«Чиройли экан! – деб ўйлади у рақибни олдидан ўтиб кетар экан. Фақат дўст бўлсалар майлиди-я, лекин жуда чиройлида. Бу қизни севишига заррача ҳам шубҳам йўқ. Унинг менга бунчалик бефарқ қарашининг сабаби фақат шу бўлса керак. Уни унутишим, қалбимдан бутунлай чиқариб ташлашим керак... Унутиш! Айтишга осон! Лекин бунга кучим етадими? У билан бошқа учрашмаслигим керак. Лекин қайси гуноҳимга, бу ғамга мубтало бўлдим? О, Морис Жералд, нега сени севдим!»

## ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

### ЯНА АЗОТЕЯДА

Луиза Пойндекстер ўзини чулғаб олган ҳисларни энгишга ожизлик қилди.

Дастлаб у юрак дардимни ирода кучи билан бўғиб ташлай оламан, туғма одат бўлган қувноқлигим бунга ёрдам беради деб ўйлади. Кунлар ўтиб борди-ю, лекин дарди энгиллашмади – Морис Жералд унинг қалбига жуда маҳкам ўрнашиб олган эди.

Шундай пайтлар бўлар эдики, Луиза ундан жирканар ёки тўғрироғи, уни ёмон кўришга уринарди. Ўшандай кезларда Морис Жералдни ўз қўли билан сира афсусланмай ўлдиришга ҳам тайёрдай бўларди. Лекин бу бирпаслик ҳислар эди.

Луиза Морис Жералд тўғрисида ўйлагани сари, йигит душмани бўлганда ҳам уни бари бир севмай туролмаслигини тобора кўпроқ англади.

Морисни ёмон кўришга ва ундан нафрат қилишга Луизанинг кучи етмасди. У йигитга нисбатан фақат бефарқ бўлишга уриниб кўрди.

Лекин уринишлар бекор кетди. Ҳар куни, деярли ҳар соатда у азотеяга чиқар ва йўлга термилар эди.

Бу ҳам ўз-ўзини бахтсиз қилган киши билан сира тўқнаш келмасликка аҳд қилганига қарамай, қиз отга минар ва йўлда, сетлмент кўчаларида фақат бир ниёт билан – уни учратиш нияти билан отда кезиб юрарди.

Рақибни билан учрашганига уч кун бўлганда, Луиза азотеядан қизни яна кўрди. Мексикалик қиз олдинги галдагидек яна ўша ҳачир минган кишининг кузатувида келарди; хизматкорнинг қўлида яна сават бор эди. Луиза уларни кузатиб турар экан, беморга ундан олдинроқ ғамхўрлик қила бошлаган қизга ҳаваси келиб рашқдан қалт-қалт титрарди.

Луиза энди у қиз тўғрисида илгари билганларидан кўра кўп бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда анча гапларни билиб олган эди. Бу қиз Рио-Гранде бўйидаги катта бир мулк эгасининг қизи ва Леона бўйидаги бир мулк хўжайинининг жияни доня Исидора Коварубио де Лос-Ланос эди.

Мексикалик қизни камандни яхши ишлатадиган, ҳар қандай ёввойи мустангни ҳам буйсундира оладиган, лекин ўз ўжарлигини босолмайдиган галати бир аёл деб билишарди.

Сеттлментнинг америкалик аҳолиси ўртасида мексикалик сеньорита тўғрисида ана шундай фикр туғилган эди.

Лекин бу хабарлардан Луизанинг гами камаймади – аксинча, рашк ўти алангаланди. Креол қизнинг ўйлашича, мексикалик қизнинг бундай фазилатлари эркаклар назарида унинг сифатини яна ҳам юқори кўтариши керакдек туюларди. Морис Жералд бу жиҳатдан бошқа эркаклардан фарқ қилармикан?

Бир неча кун ўтди, лекин камандчи қиз бошқа кўринмади.

«Унинг яраси тузалганга ўхшайди, – деб ўйларди ўзича креол қиз, шунинг учун бошқа ғамхўрлик қилишга муҳтожлиги қолмаган».

У азотеяда туриб узоқ-узоқларга қарар экан, ана шундай деб ўйларди. Бу эрталаб, энди қуёш чиққан ва одатда мексикалик чавандоз қиз ўтадиган пайт эди.

Бирдан Луиза ҳеч қутилмаган бир нарсага кўзи тушиб, турган жойида қотиб қолди. У йўлда от миниб келаётган Морис Жералдни кўриб қолган эди.

У илгаригидек от чоптириб эмас, отини секин йўрттириб келарди.

Уни таниб қолгач, креол қиз азотея панжараси орқасига яширинди, қалбидан бўғиқ оҳ товуши отилиб чиқди. Бу ҳайронликдан эмасди. Бу йигитнинг ранги оппоқлигини ва ярадор қўли жонсиздек осилиб ётганини кўриб, ачинганидан ҳам эмасди. Бу ниҳоятда озор чеккан юракнинг ноласи эди.

Беморнинг яралари тузалиб қолган эди. У ҳамширанинг ёрдамига бошқа муҳтож эмасди. Унинг олдига эиди ўзи кетаётган эди.

Луиза гуллаб ётган юкка дарахти орқасига яшириниб олиб, Жералднинг ҳар бир ҳаракатини кўз узмай кузатиб турди.

Йигитнинг Каса-дел-Корво тарафга бир неча марта кўз ташлаб қўйганини сезиб, бир оз енгил тортди. Морис қаршидаги чакалак ичига кириб тўхтаб, гасиенда тарафга диққат билан узоқ қараб қолганини кўриб шодлиги ошди.

Йигит гасиенда тарафга қараб турганда, қизнинг қалбида, менинг тўғримда ўйлаяпти, деган умид туғилади. Лекин шодлиги узоққа чўзилмади. Ўрнини яна оғир ғам келиб босди.

У қаёққа кетяпти? Турган гапки, доня Исидора Коварубио де Лос-Ланосни кўргани кетяпти.

Тўғри, у бир соатдан кейин қайтди. Лекин улар ўрмонда учрашган бўлишлари мумкин.

Мустангер бу ердан қайтиб ўта туриб, яна гасиендага қарагани ва қаршидаги чакалак ичида тўхтаб Каса-дел-Корво тарафига узоқ тикилиб тургани нимани англатаркин? Бу фақат худбинлик бўлиши мумкин – йигитнинг бу хатти-ҳаракатини Луиза шунга йўйди.

У ўзини ғолиб деб ҳис қилганидан, қизнинг юрак дардини баттар яллиғлантиришни истарди, холос. Лекин бундай тош юракликнинг нима кераги бор? Исидоранинг лабларидан олган бўса ҳали қуримай туриб нима учун бу ерда тўхтади.

## ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

### ЭЪТИРОФ

Луиза Пойндекстер яна азотейда, яна рашк қийноғида. Кеча у бундан кейин азотейга чиқмайман деб онт ичганди. Лекин эртасига эрталаб чиққан қуёш дашт ўтларига қўнган шабнамни қуритмай турибоқ у онтини бузди.

Қиз худди кечагидек азотейда турар ва узоқларга кўз тикарди. У худди кечагидек йўловчи чавандозни кўриб турарди. Худди кечагидек панжара орқасига яшириниб олганди.

Чавандоз йўлдан келарди: у худди кечагидек гасиендага қараб-қараб қўйди ва қаршидаги чакалак олда тўхтаб, Каса-дел-Корвога узоқ тикилиб қолди.

Ёш креол қизнинг қалбини умид ва қўрқув титратди. У ўзи яшириниб турган жойдан чиқмоқчи ҳам бўлди-ю, бироқ қўрқув устун келди. Бир неча дақиқадан кейин эса чавандоз ғойиб бўлди.

Қаёққа кетди? Исидора билан учрашишга, албатта! Бунда шубҳага ўрин йўқ!

Гап шундай экан, буни тезроқ аниқлаш керак. Йигирма дақиқа ҳам ўтмасдан йўлнинг нариги тарафида қоплон ранг бошқа бир от пайдо бўлди.

Креол қизнинг қалби шубҳаларга бошқа дош беролмади. Ҳеч қандай ҳақиқат ҳам унга ҳозир шубҳалар қийнаётганчалик азоб беролмасди. Шунинг учун у ҳақиқатни билишга аҳд қилди.

Луиза йигирма дақиқа аввал мустангер кириб кетган чакалак тарафга жўнади. Акас дарахтларининг шамолда қимирлаётган соялари йўлга тушиб турарди. Луиза юмшоқ ўсиқ ўтлар орасидан шарпасиз борарди. У отининг туёғи бирор тошга тегиб кетишидан қўрқарди.

Қиз чакалакни диққат билан кўздан кечириб борди. Кейин тепа устига чиқди. Тепадан туриб баланд дарахтлар ўртасига тушган уйни кўрди. У бу гасиенданинг Исидоранинг амакиси Силвио Мартинесники эканини биларди. Нарироқда, паст-текисликда бошқа уйлар ҳам кўриниб турарди, аммо креол қизнинг кўзлари фақат ўша тепадаги уйда ва унга олиб борадиган йўлда эди. Лекин чавандоз кўринмасди.

«Сеньорита унинг қаршисига чиқдимикин ёки Мориснинг ўзи уйга кирдимикин? Улар ҳозир қаерда экан, ўрмондами ёки уйдами? Уйда бўлса, буни дон Силвио билармикин?»

Луизанинг хаёли отнинг кишнаши ва тошга урилган туёқ товушидан бўлинди.

Луиза пастга қаради. Мустангер тўппа-тўғри тик ён бағирдан унинг олдига чиқиб келмоқда эди.

– Салом, мисс Пойндекстер, – деди у яқинлашиб келар экан. – Бир ўзингизмисиз?

– Ёлғиз ўзимман, сэр. Ёлғиз ўзим бўлсам нима бўлибди?

– Тўғри, бир ўзим кезиб юришни яхши кўраман деб айтган эдингиз.

– Сиз ҳам, афтидан, бир ўзингиз сайр қилиб юришни афзал кўрадиганга ўхшайсиз, мистер Жералд ёки янглишдимми?

– Тўғри айтдингиз, одамлардан қочиб ёлғиз ўзим юришни яхши кўраман. Бахтга қарши, майхонада яшашга тўғри келиб қолган, уни хўжайини дабдаба билан меҳмонхона деб атайти. У ер жуда ҳам шовқин-суронли жой, менга эса шовқин жуда ёмон таъсир қилади. Жимжит жойларда, акас дарахтларининг соясида от миниб юриш менга лаззат бағишлайди. Сиз ҳам шундай фикрда эмасмисиз?

– Сизга яхшироқ маълум бўлса керак. Ахир сиз отда жуда кўп юрасиз-ку.

– Жуда кўп! Ниҳоятда иккинчи марта шу ердан ўтишим. Ахир мен эндигина ўрнимдан турдим-ку. Лекин, кечирасиз-у, мисс Пойндекстер... Айтинг-а, менинг бу ердан ўтганимни қаердан биласиз?

– О, – деб жавоб берди қиз, хижолат тортиб, – ўтганингизни сезмай қолиш мумкинми! Мен вақтимнинг кўп қисмини азотеяда ўтказишга ўрганиб қолганман. У ер жуда яхши, айниқса эрталаб. Сиз йўлдан ўтиб кетаётганингизда кўрмай қолишим мумкинмиди, лекин акас дарахтлари ичига кириб кетганингиздан сўнг кўрмай қолардим.

– Демак, мени кўрибсиз-да?

– Кўрдим, албатта. Ахир йўл уйимизнинг шундоққина олдидан ўтади-ку. Худди шу йўлдан от миниб ўтган ўша ледини ҳам кўрдим. Ҳатто у кичкинагина оҳунинг бўйнига каманд ташлаганини кўриш шарафига ҳам муяссар бўлдим. Унинг сиз айтган қизнинг худди ўзи эканига имоним комил.

– Исидорами?

– Исидора!

– Ҳа-я! У шу ердаги амакисиникида меҳмон бўлган эди.

– Бунинг устига мистер Морис Жералдга жуда ҳам ғамхўрлик кўрсатди, шундайми?



– Ҳа, тўғри айтдингиз, мен ҳали унга миннатдорчилик билдирилмаган бўлсам ҳам у ҳақиқатда менга жуда кўп яхшилик қилди. Мен билан қанчалик дўст бўлишига қарамай, у чет элликларни ёмон кўрганидан мистер Обердофернинг меҳмонхонаси остонасини бошишга ҳеч қачон рози бўлолмасди.

– Ростдан-а? У сиз билан акас дарахтлари соясида учрашишни афзал кўрса керак?

– Мен у билан анчадан буён учрашганим йўқ. Рио-Грандега кетиб қолгани учун яна уни яқин бир неча ой ичида кўрмасам керак.

– Ростдан айтяпсизми, мистер Жералд? Амакисиникидан жўнаб кетганидан бери кўрганингиз йўқми?

– Ҳа, кўрганим йўқ, – деб жавоб берди Морис, ҳайронлик билан, – унинг бу ерда меҳмон бўлиб турганини фақат менга турли тансиқ овқатлар юбориб турганидан билдим, улар эса, тўғриси айтсам, бетоблигимда айти муддао эди. Обердофер меҳмонхонасида озиқ-овқатнинг мазаси йўқроқ, бунинг устига хўжайиннинг менга муносабати ёмонроқ. Шуни ҳам айтиш керакки, бир вақтлар мен кичкинагина бир яхшилик қилганим эвазига доня Исидора жуда сахийлик билан жавоб қайтарди.

– Яхшилик дедингизми? Қандай яхшилик эканини билсак бўладими, мистер Жералд?

– О, албатта! Бир вақтлар мен доня Исидорани ҳиндулар қўлидан қутқариб олиш имкониятига эга бўлган эдим. Улар доняга Рио-Грандедан Леонага борадиган йўлда ҳужум қилишган экан, агар мен вақтида етиб келмасам, унинг ҳиндулар қўлидан қутулиб кетиши амри маҳол эди.

– Шуни сиз кичкинагина яхшилик деяпсизми? Нарсаларга баҳо беришда жуда ҳам камтаринлик қилиб юборасиз, мистер Жералд. Агар бирон бир киши шундай яхшиликни мен учун қилганда...

– Сиз унга қандай жавоб қилган бўлар эдингиз? – деб сўради мустангер очиқ кўриниб турган ҳаяжон билан.

– Мен уни севиб қолган бўлардим, – деб тез жавоб берди Луиза.

– Гап шундай бўлса, – деб шивирлади Морис Луиза тарафга энгашиб, – сизни ҳиндулар қўлида кўриш учун ярим умримни берган бўлардим, яна ярим умримни сизни улар қўлидан қутқариш учун берган бўлардим.

– Ростданми, Морис Жералд? Ҳазиллашяпсиз шекилли. Мен ёш бола эмасман, ахир. Тўғриси айтинг. Ростдан ҳам ўйлаб гапиряпсизми?

– Ҳа, тўғриси шу. Қасам ичаман!

Бу эътироф Луизанинг қалбини севинчга тўлдирди.

## ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

### ТАҚИҚЛАНГАН ШОДЛИК

Техасда европалик колонизаторлар пайдо бўлган вақтдан бери ҳиндулар билан муносабат Техас жамоатчилигини қизиқтириб келган энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолди.

Мамлакатнинг қонуний хўжайинлари бўлган ҳиндулар колонистларга қарши уруш очиб қоладиларми ёки тинчлик даври бўладими, доим шу тўғрида гапирар эдилар. Уруш бўла қолса, туғиладиган хавф тўғрисида гапирардилар, тинчлик даври бўлса қизил танлиларнинг йўлбошчилари ўз томагавкларини<sup>30</sup> қачонгача ишга солмас эканлар деган масалани муҳокама қилар эдилар.

Доим ва ҳар қаерда – нонушта вақтида ҳам, кундузги ва кечқурунги овқат вақтида ҳам шу мавзуда гап-сўз бўларди. Плантадор гасиендасида бўлсин ёки оддий овчининг кулбасида бўлсин, «айиқ», «пума», «пекари»<sup>31</sup> деган сўзлар «ҳинду» сўзидан камроқ ва оз кўркув билан айтиларди. Техасда болаларни ҳиндулар билан кўрқитар эдилар; ҳиндулар тўғрисидаги ҳикоялар фақат болаларнинг эмас, ҳатто ота-оналарнинг ҳам уйқусини бузарди. Ҳатто Каса-дел-Корвонинг ба-

<sup>30</sup> Томагавк – ҳиндуларнинг уруш қироли, кичкина болта.

<sup>31</sup> Пекари – Америка ёввойи тўнғизи.

ланд тош деворлари ҳам гасиендада яшовчиларни бу васвасадан холи этмасди. Америкалик оқ танлиларнинг қизил танлилар олдидаги қўрқувига Пойндекстерлар оиласи ҳам шерик эди.

Қалъадан олинган расмий хабар бундай хавфнинг аниқ эканидан дарак берди. Бу хабар дашт сайридан икки ҳафта кейин келди.

Эрта билан азонда, плантатор оиласи нонушта қилиб ўтирган бир вақтда, бир чопар келиб Пойндекстерга аллақандай бир пакет берди.

– Шум хабар! – деб юборди Пойндекстер қоғозни тез кўздан кечириб чиқиб. – Бунга майорнинг ўзи ишонган экан, демак шубҳага ўрин йўқ.

– Қандай ёқимсиз хабар экан, дада? – деб сўради қип-қизариб.

Миясига шу заҳоти: «Майор нима деб ёзиб юборди экан? Мен уни кеча чакалакда учратган эдим. Мени у билан... Наҳотки шундай бўлса? Ё раббий, отам билиб қолса-я!..»

«Команчилар қабиласи ҳарбий ҳолатда», деб ёзибди майор, – деди Пойндекстер.

– Шу холосми? – деб сўради Луиза гўё бу хабарда ҳеч қандай қўрқинчли нарса йўқдек енгил тортиб. – Бизни қўрқитиб юбординг. Бирор қўрқинчлироқ нарса тўғрисида хабар берибдими, деб ўйлабман.

– Қўрқинчлироқ дейсанми? Қандай бемаъни гаплар гапиряпсан, қизим! Техасда команчилардан ҳам қўрқинчлироқ нарса йўқ. Энг катта хавф ўшалар.

Луиза гарчи бошқа фикрда бўлса ҳам бошқа эътироз билдирмади.

– Ҳиндуларнинг ҳарбий ҳолатда эканлигига майорнинг ўзи ишонармикин? Нима деб ёзибди у, тоға? – деб сўради Колхаун.

– У илгари бу миш-мишларга эътибор бермаган эдим, деб ёзибди. Яна ёзибдики, кеча кечаси қалъага ёввойи Мушук исмли семиноллар йўлбошчиси ўша қабиланинг бир неча казо-казолари билан келибди. Улар бутун Техасда команчилар ўз манзилларида бўялган

устунларини ўрнатиб, бир ойдан бери уруш рақсига тушяптилар, баъзилари уруш сафарига ҳам чиқдилар, сеттмент атрофида уларни дақиқа сайин учратиш мумкин деб хабар берибдилар.

– Ёввойи Мушук дедингми? – деб сўради Луиза. – Ўша хоинга ишониб бўладими? У колонистлар душмани бўлганидек, ўз халқининг ҳам душмани бўлса ажаб эмас.

– Тўғри айтдинг, қизим. Майор бу хатда унга худди шундай баҳо берибди. У бу икки юзлама аблаҳ билан эҳтиёт бўлиб муомала қилишни маслаҳат берибди, қулай фурсат келди дегунча бу ярамаснинг команчилар тарафига ўтиб кетиши турган гап, албатта. Нима ҳам дердик, – деди плантатор қоғозни бир четга суриб қўяр экан, вафли билан қаҳва ичишни давом эттирди, команчилар ҳарбий сафарга чиққанлари билан Каса-дел-Корвонинг аррасимон тишли баланд деворлари тагига йўламайдилар ва бизнинг гасиендамизга қўл теккизишга юраклари бетламайди деб умид қиламиз.

Шу пайт ҳаммалари овқатланиб ўтирган емакхона остонасида бир ҳабаш пайдо бўлди. У оғзининг танобини қочириб илжаярди.

– Нима дейсан, Плуту? – деб сўради ундан хўжайин.

– Мен сизнинг олдингизга келганим йўқ, мистер Вудли. Мен фақат мисс Луизага отни эгарлаб қўйдим, деб айтгани келдим. Хол-хол мустанг ҳовлимизнинг тош ётқизилган саҳнида туришни ёқтирмайди, у даштдаги барра ўтлар ичига талпинади.

– Сайр қилмоқчимисан, Луиза? – деб сўради плантатор очикдан-очик норозилик билан.

– Ҳа, ота. Бир айланиб келсам деган эдим.

– Фикрингдан қайт.

– Нима учун?

– Вир ўзинг сайр-томошага чиқишингни истамайман. Бу ишинг яхши эмас.

– Нима учун, ота? Ахир мен кўпинча бир ўзим сайр қилардим-ку.

– Ҳа, афсуски, кўпинча.

Отасининг кейинги сўзидан қиз сал қизарди. Лекин унинг маъноси нима эканини Луиза ҳар ҳолда тушунолмади.

– Рози бўлмасанг, ота, ҳеч қаёққа бормайман. Лекин наҳотки мени уйга қамаб қўймоқчи бўлсанг? Сиз эркакларга яхши – ҳаммангиз ўз ишингиз билан овора бўлиб кетасиз. Бу ажойиб Техасда мени ҳўп қизиқ турмуш кечиришга мажбур қилар экансан-ку!

– Гапимга тушунмадинг, Луиза, мен от миниб сайр қилишингга мутлақо қарши эмасман. Истаганингча юравер, лекин сени битта-яримта одам кузатиб бориши керак. Генри ёки Кассий билан сайр қилгин. Лекин мен бир ўзинг айлангани чиқишингни хоҳламайман. Бунга менинг ўз асосларим бор.

– Асосларим бор? Қандай асослар?

Бу савол Луизанинг оғзидан беихтиёр чиқиб кетди. Кейин у ўзини тиёлмаганига афсус қилди, шунинг учун хавотирлик билан қандай жавоб бўлишини кутиб турди.

Жавоб уни бир оз тинчлантирди.

– Қандай асос бўлишини истардинг? Техас қизлар ўзи истаган жойда баҳузур сайр қилиб юра оладиган Луизиана эмаслигини унутма. Бу ерда, Техасда, ҳар қадамнингда хавф-хатар кутиб туради. Масалан, ҳиндуларнинг ўзи...

– Ҳиндулардан қўрқимнинг ҳожати йўқ. Мен ҳеч вақт гасиендадан беш милдан узоққа кетмайман.

– Беш мил-а, – деб юборди капитан аччиқ истехзо билан. – Бунинг элик мил нарига кетгандан ҳеч фарқи йўқ. Бу ерда ҳиндуларни юз мил нарида бемалол учратиш мумкин бўлганидек, гасиенда дарвозасидан юз қадам нарида ҳам уларни учратиш мумкин. Ҳарбий ҳаракат бошлаганларидан кейин ҳиндуларни истаган ерда ва истаган вақтда учратиш мумкин. Менимча, Вудли тоғам тўғри айтди: бир ўзинг айланишга чиқишинг жуда ҳам хавфли.

– Шундай деб ўйлайсанми? – деб сўради истехзо билан креол қиз тоғаваччасига ўтирилиб қараб. – Лекин сен менга шуни айтсанг, борди-ю ҳақиқатан ҳам мен команчиларга дуч келиб қолсам, тегадиган ёрдамнинг

нимадан иборат бўлади? Лекин мен бунга жуда ҳам шубҳа билан қарайман. Хўп иш бўларди-да, ҳар хил бўёқларга бўялиб олган жанговар ёввойилар қабила-си ўртасида иккаламиз қолсак-а! Ҳа-ҳа! Хавфга мен эмас, сен тушиб қоласан. Ўзимнинг қочиб кетишимга ва ёввойилар қўлига сен тушиб қолишингга сира шубҳа қилмайман. Уйдан беш мил нариги ёқда даҳшатли хавфмиш-а! Бутун Техасда менинг азиз Луна-ни қувиб етадиган битта бўлса ҳам чавандоз борми-кин! Бундай одамни тополмасанг керак, Каш!

– Жим бўл, Луиза! – деди қатъий қилиб Пойндек-стер. – Одамлар билан бу хилда гаплашишинг ёқмай-ди менга... Унинг гапига эътибор берма, Кассий. Бу атрофда ҳиндулардан бошқа ҳар хил ярамаслар ҳам жуда кўп. Эсингда бўлсин, илгаригидек бир ўзинг айлангани чиқишингни ман қиламан.

– Майли, айтганингча бўлсин, ота, – деб жавоб берди Луиза, стол олдидан турар экан. – Албатта, сенга бўйсун-ишим керак. Лекин билиб қўй, ҳеч қандай ҳаракатсиз ўтириб, соғлиғимнинг мазаси кетиши мумкин... Бор, Плуто, – деди қиз ҳамон эшик олдида ишшайиб тур-ган ҳабашга қараб. – Лунани отхонагами, ўтлоққами, хоҳлаган жойингга қўйиб юбор. Менга деса ўз даштига қочиб кетсин. Унинг менга ортиқ кераги йўқ.

Шундай деб қиз хонадан чиқиб кетди.

«Отам нимани биладийкин? Эҳтимол, бу фақат шубҳасидир? Унга ким сўзлаб берган бўлиши мумкин? Бизнинг учрашганимизни билармикин?»

## ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

### ЭЛ-КОЁТ ЎЗ УЙИДА

Колхаун ҳам дастурхондан Луизадек қўққисдан ту-риб кетди. Бу сафар у ўз хонасига кирмасдан уйдан чиқиб кетди.

Яраси ҳамон оғриси ҳам, лекин анча қувватга ки-риб қолган капитаннинг уй атрофида айланиб юриш-га дармони етар эди.

Лекин бу сафар у узоққа кетди. Бунга бўлиб ўтган суҳбат ёки қалъадан келган хабар сабаб бўлдими, у бирдан ўзини анча дармонга кириб қолган сезиб, қўлтиқтаёқларига таяниб дарё бўйлаб юқорига, қалъа тарафга қараб кетди.

Гасиендадан анча узоққа чўзилиб кетган, қуёш нурлари остида қовжираб ётган бўм-бўш ерлардан ўтиб, азим дарахтлар соясида жойлашган акас дарахтлари чангалига етиб борди.

Чангалнинг энг қалин жойларидан бирида новдалардан тўқилган ва лой билан сувалган кичкинагина чайла – хакале қўққайиб турарди, бу жануби-ғарбий Техасдаги типик уйлардан эди.

Бу мексикалик мустангер Мигуэл Диазнинг кулбаси. Уй «Эл-Коёт» деб ном олган тош юрак ярим ёввойи хўжайинига жуда мос тушган.

Лекин бу бўрини ўз унгурида – Мигуэл Диазнинг чайласини шундай деб аташ жуда ўринли бўларди, доим топиб бўлавермасди. Бу ер унинг ҳар замонда бир тасодифан тунаб кетадиган жойи эди. У фақат муваффақиятли овдан сўнг аҳвонда бир сетлмент яқинида туриб, унинг «кўнгилочар» жиҳатларидан фойдаланиш имкониятига эга бўларди, қолган вақтларини Диаз доим даштда ўтказарди.

Колхауннинг иши ўнгидан келди, у хўжайинни чайласидан топди, лекин у маст ётарди. Шуни ҳам айтиш керакки, овчи ҳамиша маст эди.

– Алло, сеньор! – деб қичқирди эл-Коёт, эшикдан кириб келаётган меҳмонни кўриб. – Қандай шамол учирди? Сизни бу ерга келасиз деб сира ўйламаган эдим! Стул олиб ўтиринг. Ана у. Стул! Ҳа-ҳа-ҳа!

Унинг қаҳқаҳасига сабаб ўзи стул деб атаган нарса эди. Стул вазифасини ўтайдиган у нарса оддий мустангнинг калла суяги эди.

Юкка дарахтининг шохларидан қилинган оддий стол, қамишдан қилинган худди ўшандай оддий каравот, бу вайрона кулбанинг бор-йўқ жиҳози шу эди.

Узоқ йўл юриб чарчаган Колхаун хўжайиннинг меҳмондўстлигидан фойдаланди ва отнинг бош суягига ўтирди. Вақтни бекор ўтказмай дарҳол мақсадга кўчди.

– Сеньор Диаз, – деди у, – бу ерга келишимдан мақсад...

– Сеньор американо, – деб қичқирди ярим маст овчи, – ортиқча гап-сўзнинг ҳожати йўқ! Сарамба!<sup>32</sup> Бу ерга нима мақсадда келганингизни жуда яхши биламан! Мен ўша ярамас ирландияликни нариги дунёга юборишимни истайсиз!

– Тўғри!

– Гап шундай экан, мен сизга беш юз тилла бара-варига қулай фурсат келиши биланоқ бажаришни алақачон ваъда қилганман. Мигуэл Диаз доим ўз ваъдасининг устидан чиқади. Лекин ҳали вақт келгани йўқ, қулай фурсат ҳам бўлмади. Сарау!<sup>33</sup> Одамни қойилмақом ўлдириш учун ўзига яраша ҳунар талаб қилинади. Изингизга тушиб қолмайдиган қилиб ҳатто даштларда ҳам одам ўлдириб бўлмайди. Агар изимга тушиб қолсалар, мен учун осон бўлмайди. Менинг мексикалик эканимни унутманг, сеньор. Борди-ю мен ҳам сиз каби америкалик бўлганимда, уни оппа-осон жойирастони-га жўнатган бўлардим. Унда мен иккаламиз уришиб қолувдик деб қутулардим-қўярдим. Лекин биз мексикаликларда бошқача. Бизнинг одатимизда одамнинг қонини тўкишни қотиллик деб атайдилар. Сиз америкаликлар эса, ўзларингизнинг ўн иккита «адолатли» судьяларингиз иштирок этган судда «Осилсин!» деб қарор чиқарасизлар. Мен ирландияликни сиздан ҳам баттар ёмон кўраман, лекин панд еб қолмай дейман. Қулай бир фурсат келишини кутиб туришим керак.

– Ҳозир айна вақти, – деб изоҳ беришга шошилди Колхаун. – Ҳиндулар билан жанжал бошланса, бу ишни осонлик билан бир ёқлик қилса бўлади, деган эдингиз.

– Шундай деган эдим, албатта, агар шундай бўла қолса, унда...

<sup>32</sup> Сарамба – падарига лаънат (чапанилар ибораси).

<sup>33</sup> Сарау – минг лаънат (чапанича ибора).



– Демак, сиз ҳали янгиликлардан беҳабар экансиз-да?

– Қандай янгиликлардан?

– Ахир, команчилар ҳарбий йўлга чиқибдилар!

– Сарамба! – деб юборди эл-Коёт ўзининг қамиш каравотидан сакраб туриб кетар экан. – Ё, Биби Марям. Наҳотки шу рост бўлса, сеньор?

– Рост, рост, ҳозиргина қалъадан шундай хабар олдик. Мен комендантнинг ўзи юборган аниқ маълумотлардан хабардорман.

– Ундай бўлса... – деб жавоб берди мексикалик, ўйчанлик билан, – ундай бўлса, дон Морисио ўлиши мумкин. Уни команчилар ўлдиришади. Ҳа-ҳа-ҳа.

– Шунга имонингиз комилми?

– Агар сиз унинг калласи учун беш юз ўрнига минг доллар тўлаганингизда, яна ҳам ишончим комилроқ бўларди.

– Шунча тўлашга арзийди у.

– Қанчага?

– Минг долларга.

– Ваъда берасизми?

– Ҳа, ваъда бераман.

– Ундай бўлса команчилар унинг скалпини<sup>34</sup> олиб кетадилар, сеньор капитан. Сиз Каса-дел-Корвога қайтиб баҳузур уйқуни ураверинг. Кўнглингиз тўқ бўлсин, имкон топилиши биланоқ душманингиз сочидан ажрайди. Тушуняпсизми гапимга?

– Ҳа, албатта.

– Энди минг долларни тайёрлаб қўяверинг.

– Улар сизни кутиб турибди.

– Сарау! Мен уларни дарров ишлаб оламан!.. Хайр, хайр!.. Ё, Биби Марям! – деб қичқирди мексикалик меҳмони чиқиб кетиши билан. – Хўп омадим келди-да! Ўзини ҳам ўлдирмоқчи бўлиб юрган одамни жаҳаннамга юбориш учун минг доллар пул ишласам-а! Команчилар ҳарбий йўлда эмиш! Бу рост гап бўлса, мен бўлажак маскарад учун кийим-бошимни

<sup>34</sup> Скалп – сочлари билан қўшиб шилиб илинган бош териси.

тайёрлашим керак. Улар бир неча вақтдан буён, ҳиндулар билан яраш бўлган кўп йиллардан буён хизмат қилмай бекор ётибди.

## ЎТТИЗИНЧИ БОБ

### ҲАВО ПОЧТАСИ

Луиза Пойндекстер спортнинг ҳар хил турлари билан қизиқарди, шунингдек, у камон отиш билан ҳам шуғулланганди. У бу қуролни жуда усталик билан ишлата оларди. Камон отишни у Миссисипидаёқ у ердаги гум қабиласидан бўлган ҳиндулардан ўрганиб олган эди.

Техаста кўчиб келганларидан бери қиз бу санъат билан шуғулланишга вақт тополмаганди. Унинг апельсин дарахти ёғочидан ясалган камони ва кетига пат қадалган ўқ-ёйлари шкафда бекор ётарди.

Мана улар ҳам керак бўлиб қолди. Бу ишлар отаси унга бир ўзининг от миниб сайр қилишини тақиқлаган ўша нонушта вақтидаги гап-сўздан кўп ўтмай юз берди.

Қиз отасининг буйруғига ҳеч сўзсиз бўйсунди, бу ҳам оздек у бир ўзи сайр-томошага чиқмай қўйдигина эмас, ҳатто ака-укаларидан биронтаси кузатувида айлангани чиқишдан ҳам воз кечди.

Хол-хол мустанг отхонада боқувда бекор ётарди.

Лекин Луиза ўзининг яхши кўрган отини унутмади, уни миниб сайрга чиқмаслигига қарамай, Лунани тез-тез бориб кўриб турар ва уни яхшилаб боқишларини кузатар эди.

От миниб айланишдан воз кечгандан кейин Луиза камон отиш билан шуғулланди. Қиз энди ўзининг деярли бутун вақтини шу спортга бағишлади. Унинг энг яхши кўрган жойи Леона дарёсининг қари ёнғоқ дарахтлари, тут дарахтлари ва кедрлар ўсиб ётган салқин қирғоғи бўлди.

Бу ерда у ёлғиз ўзи вақт ўтказарди, унга ҳеч ким халақит бермасди, ваҳоланки, кейинги вақтда у илгариларга ҳам қараганда кўпроқ ёлғиз қолишни хоҳарди. Отаси жуда жаҳди чиқиб турган вақтларда ҳам

қизининг бундай беозор эрмак билан вақт ўтказишига монелик қилмасди. У қизидан тамом кўнгли тинчиди, Каса-дел-Корвонинг баланд деворлари ва Леонанинг чуқур суви ишончли тўсиқ бўла оларди. Плантатор қизининг ёлғиз ўзи бундай вақт кечиришига монелик қилдигина эмас, аксинча, бундан хурсанд ҳам бўлди. Унинг кўнглида туғилган шубҳалар – бу шубҳалар асоссиз эмас эди – тез тарқаб кетди.

Буларнинг ҳаммаси одатдаги ғийбат бўлиши ҳам мумкин эди. Ғийбатчиларнинг ҳамиша тили қичийди. Бу гал, афтидан, уларнинг тилига у тушиб қолганди, холос. Қизнинг Морис мустангер билан учрашуви тасодифан юз берган бўлиши ҳам ажаб эмасди. Ахир, улар чакалакда кўққисдан учрашиб қолган бўлишлари мумкин-ку? Шунда Луиза ўзининг ҳаётини икки марта сақлаб қолган одам олдидан индамай ўтиб кетавериши тўғри бўлармиди? Эҳтимол, у учрашувда оддий миннатдорчиликдан бошқа ҳеч гап бўлмагандир.

Қизининг отаси сўзига қийин-қистовсиз кўнгани бу тахминнинг тўғрилигини тасдиқларди. Одатда қизнинг иродасини синдириш жуда ҳам мушкул эди, айниқса, отаси қизининг орзу-ҳавасларига қаршилиқ кўрсатганда бу қийин иш бўларди. Шунинг учун отаси ҳозир қизининг ахлоқидан мамнунлиги ажабланарли эмасди. Фақат боғдаги қушлар зарар кўриши мумкин бўлган бундай безарар ўйиндан отасининг кўнгли қувончга тўла эди.

Лекин гўзал Луизанинг элик ёшга кирган отаси, афтидан, ўзининг ёшлигини унутиб қўйганди. Луиза ўзининг ўқ-ёйларини қушларга отмасди. Овдан унинг мақсади бошқа эди, у ўқ-ёйнинг учига бир парча қоғозни ўрар ва дарёнинг нариги соҳилидаги акас дарахлари чакалакзорига отарди. Бир неча дақиқадан кейин у отган ўқ-ёйнинг ўзи яна унинг олдига, худди ўшандай қоғоз билан, лекин бошқа камондан отилиб бошқа қоғоз билан унинг олдига қайтиб келарди.

Муҳаббат тўсиқлар устидан доим кулиб келган.

Учрашиш имкониятидан маҳрум бўлган Морис билан Луиза ана шундай «ҳаво почтаси» орқали алоқа боғлаган эдилар.

## ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

### МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТИБ ОАИШ

Хат отишув узоққа бормади. Севишганлар учрашиш дардида эдилар... Луиза билан Мориснинг қалбида аланга олган муҳаббат ҳеч қандай тўсиқлардан тап торгмасди.

Кўп ўтмай учрашиш йўли топилди.

Севишганлар аллақачон эски боғнинг тунги жимжитлигида икки марта учрашдилар. Улар милтилаб турган юлдузлар ёруғида икки марта муҳаббат қасамларини ичдилар. Учинчи учрашув ҳам белгиланган эди.

Мағрур плантатор эса ўз ширин хаёллари билан бежавотир юрарди. Ёлғиз, кўзининг оқу қораси қизининг алдаётганини кўз олдига келтира олармиди?! У гўзал қизимни бой ва тагдор бирор кишига эрга бериб, ишларимни тузатиб оламан деган ширин хаёллар билан юрарди. Қизининг эса кечалари оддий от овчиси билан учрашиб юришини тасаввур қила олармиди?!

Турган гапки, у бундан заррача ҳам шубҳа қилмасди. Бундай деб ўйлаш ҳақиқатга сира ҳам тўғри келмаган жуда ҳам қабиҳлик бўлиб туюларди. У Луизанинг сира қаршилиқ кўрсатмай, ўзининг амрига бўйсунганидан ва от миниб сайр-томошага чиқмай қўйганидан хурсанд эди. Шунисини ҳам айтиш керакки, қизнинг ўзига хос бўлмаган бундай итоаткорлиги уни бир оз хавотирга ҳам соларди. Баъзан у шундай қилганига ўксиниб ҳам қўярди.

\* \* \*

Ойдин кеча. Бундай ойдин кечалар фақат жанубда бўлади. Ойнинг кумуш баркаши зангори осмонда сузиб боради. Тиниқ осмонда азамат тоғларнинг мағрур қоматлари кўзга чалинади. Дарахт барглари гўё ҳайвонлар, қўшлар ва ҳашаротларнинг тунги товушларига қулоқ солаётгандек қимир этмай, силкинмай туради. Бундай кечада севишганларнинг ухлаши қийин.

Обердофер меҳмонхонаси дарвозасидан бир чавандоз йўлга чиққанда ярим кеча бўлай деб қолган эди. У

Леонанинг қуйи оқимига қараб кетган йўл тарафга от солди, кўп ўтмай сетламентга шошиб-пишиб келаётган охирги йўловчилар кўздан ғойиб бўлди.

Бу Каса-дел-Корво гасиендаси яқинидан, Леорта дарёсининг нариги соҳилидан ўтадиган ўша йўл эди. Чавандоз акас дарахтлари чакалакзорига етиб келиб, сакраб отидан тушди ва уни дарахтга боғлаб қўйди. Кейин эгарининг қошидан от қилидан тўкилган узун арқон олди-да, уни ҳалқа-ҳалқа қилиб ўради ва ундан қўлини ўтказиб олиб, гасиенда тарафга қараб секин-аста юра бошлади.

У дарахтларнинг қалин сояси остидан чиқишдан олдин диққат билан осмонни ва унда ёрқин нур сочиб турган ойни кўздан кечирди.

«Бу осмон гўзалининг ботишини кутиб ўтиришдан фойда йўқ, – деб ўйлади хавотирлик билан. – Афтидан, у эрталабгача ботмайдиганга ўхшайди».

Кейин ўзи турган жой билан дарё соҳили ўртасидаги очиқ жойни чамалаб кўрди. Каса-дел-Корво гасиендаси худди унинг қаршисида, дарёнинг нариги соҳилида эди.

«Ҳозир у ерда битта-яримта одам санқиб юрган бўлса-я? Бемаҳалда ким ҳам бўларди. Фақат қора фикрлар қийноғида ухлаёлмаган одамгина шундай қилса ажаб эмас. Э! Ахир, у ерда шундай одам бор-ку! Агар у уйғоқ бўлса мени кўриб қолиши турган гап. Нима қилиш керак? Осмонда бир парча ҳам булут йўқ. Ой ҳали-вери ботмайди. Ауиза кутиб турибди. Таваккал қилишим керак. Қани, олға!»

Шундай деб у эҳтиёт билан тез-тез қадам ташлаб, очиқ жойдан дарё бўйига қараб юрди ва кўп ўтмай Леонанинг тик қирғоғига етди. Бу ерда тўхтаб қолмай у эпчиллик билан илон изи сўқмоқдан пастга тушди ва дарёнинг суви ёқасига келиб тўхтади.

Тўғрисида, дарёнинг нариги соҳилида, каттакон те-рак сояси остида кичкинагина бир қайиқ турарди.

Бир қанча вақт бу одам дарёнинг кенглигини чамалаётгандек қараб турди ва айни вақтда қарши тарафдаги соҳилни диққат билан кўздан кечирди.

У ёқда ҳеч ким йўқлигига қаноат ҳосил қилгач, камандни чаққон бир ҳаракат билан дарёнинг нариги бетига улоқтирди. Каманд қайиқнинг тумшук тарафидаги чиқиб турган жойга илинди. Арқонни тортиб, қайиқни олдига сурди, қайиқ ичида эшкак ётар эди.

Каса-дел-Корвонинг тунги меҳмони нариги соҳилга ўтиб олдида қайиқни боғлади ва терак соясида тўхтади. Унинг Морис мустангер эканини айтиб ўтиришининг ҳожати бўлмаса керак.

## ЎТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

### НУР ВА СОЯ

Морис терак сояси остида узоқ кутмади. У қайиққа сакраб тушган пайтда Каса-дел-Корво гасиендаси хоналаридан бирининг боққа қараган деразаси очилди. Ой ёруғида очилган ойнанинг чорчўпини ушлаб турган кичкинагина оппоқ қўлни кўриш мумкин эди. Бир неча дақиқадан кейин Луиза Пойндекстер тош зинага қадам босди. У бир дақиқагина тўхтаб қулоқ солди. Эшкак овозими бу? Янглишмадиммикан? Осмонни саратонларнинг тинимсиз чириллашлари босиб кетганидан янглишиш ҳеч гап эмасди. Учрашув вақти бўлди, шунинг учун унинг ортиқ сабри чидамади.

Луиза шарпа қилмасликка тиришиб тош зинадан тушди, боққа кирди, эҳтиёт билан мрамор ҳайкаллар, чангаллар ёнидан ўтиб, ниҳоят терак сояси остига етиб келди. Бу ерда қучоғини очиб, уни мустангер кутиб турарди.

– Эртага кечаси яна учрашамизми, азизим?

– Агар иложим бўлса, сенга ҳа, эртага ҳам, индинга ҳам, ундан кейин ҳам, ҳар куни учрашамиз деган бўлардим, жоним!

– Нима учун энди? Нима учун шундай қилолмайсан?

– Эртага тонг отар-отмас Аламога жўнашим керак.

– Ҳа-а! Жўнашинг жуда зарурми?

Бу савол беихтиёр ўпка аралаш айтилди. Ҳар сафар Аламодаги якка-ёлғиз чайла тўғрисида гап бўлганда

унинг қалбида аллақандай ёқимсиз ҳислар уйғонарди. Нима сабабдан? Буни ўзи ҳам билмасди.

– Бунга менинг жиддий асосларим бор.

– Жиддий асос дейсанми? Наҳотки сени у ерда биров кутиб турган бўлса?

– Дўстим Фелимдан бошқа ҳеч ким йўқ. Ишонаманки, унга ҳеч нарса бўлмагандир. Мен уни бу ерда ҳиндулар тўғрисида гап-сўзлар бошланмасдан аввалоқ, бундан ўн кун олдин жўнатиб юборган эдим.

– Фақат Фелимми, бошқа ҳеч ким йўқми? Тўғриси-ни айтяпсанми, Морис? Жоним, фақат алдама мени! Фақат ўзи дедингми?

– Нега шунча сўраб қолдинг, Луиза?

– Нима учунлигини айтолмайман. Аҳён-аҳёнда ми-ямга келадиган бир фикрни сенга айтсам, уялганимдан ўлган бўлардим.

– Қўрқма, ўйлаган нарсаларингни айт менга. Мен сендан ҳеч нарсани яшира олмаган бўлардим. Қани айта қол, азизим!

– Шуни истайсанми, Морис?

– Албатта, истайман. Сенга ноаниқ бўлган нарсаларни тушунтириб бера олишимни яхши биламан. Турган гапки, ўртамиздаги муносабатларни битта-яримта би-либ қолса, шаънингга ҳар хил гап-сўзлар бўлади.

– Шунинг учун мен Аламога кетишни зарур деб ҳи-соблайман.

– У ерда бутунлай қолиш учунми?

– Ниҳоятда икки-уч кунга. Фақат зарур буюмларим-ни йиғиштириб даштдаги ҳаётим билан охирги марта хайр-хўш қилиш учун.

– Ростдан-а?

– Бундан норозига ўхшайсан?

– Йўқ! Фақат хавотирдаман. Ҳеч нарсага тушунол-маяпман. Мақсадинга тушунмаяпман. Тушуна олма-сам ҳам керак.

– Тушунолмайдиган ери йўқ. Мен жуда муҳим бир қарорга келдим ва ундан хабардор бўлганингдан ке-йин мени кечиришингга ишонаман.

– Кечириш дейсанми, Морис? Нима учун?

– Сенга ўзимнинг сиримни ҳеч вақт айтмаганим учун. Мен сен ўйлаган одам эмасман.

– Мен фақат бир нарсанигина биламан, олижаноб, чиройли, жасур йигитсан сен, қолганининг мен учун қизиғи йўқ. О, Морис! Мен учун қанчалик бебаҳо эканигни ва сени қанчалик севишимни билсанг эдинг!

– Жоним, биз иккаламиз бир муҳаббат ўти билан ёняпмиз, шунинг учун ўз бахтимизни ўйлаб ҳозир ажралишимиз керак.

– Ажралишимиз керак.

– Ҳа, севгим, лекин узоқ ажралишмаймиз.

– Қанчага?

– Пароход Атлантика океанидан нариги тарафга ва у ердан қайтиб келишига қанча вақт кетса, шунчага.

– Жуда кўп экан! Лекин нима учун?

– Буни қараки, мен ўз ватаним Ирландияга бориб келишим керак. Бундан ниҳоят йигирма соат олдин бир муҳим хабар олдим. Қайтиб келганимдан сўнг, мағрур отанга сенинг қалбингни эгаллаган камбағал бир мустангер эмаслигимни... Лекин қалбингни эгалладимми, Луиза?

– Буни ўзинг ҳам жуда яхши биласан. Муҳаббат менинг бутун фикри ёдим, ҳис ва орзуларимни эгаллаб олган!

Яна кучоқ очишлар. Яна муҳаббат қасамлари, ширин бўсалар.

Шу тарзда улар ўзлари билан ўзлари овора бўлиб, саратонларнинг чириллаши бирдан тинганини, тунги қушларнинг бирдан жим бўлиб қолганини ва тункезарнинг осмонда баланд уча бошлаганини сезмай қолдилар. Шағал тўкилган йўлда аллакимнинг оёқ товушлари эшитилди. Улар гуллар орасидан яқинлашиб келган, гоҳ ҳайкаллар орқасига, гоҳ чангал орасига яшириниб пусиб келган қора бир сояни кўрмай қолдилар. Улар ўша қора соянинг дарахт орқасига келиб тўхтаганини кўрмадилар. Уларнинг ҳар бир ҳаракатларини кузатиб, муҳаббат аҳдлари билан тўлган ҳар бир сўзларини эшитиб турган Кассий Колхаундан беҳабар қолдилар.



## ЎТТИЗ УЧИНЧИ БОБ

### АЛАМЛИ ҲАҚИҚАТ

Колхаун ўзи учун жуда ҳам аламли бўлган бу ҳақиқатни мутлақо тасодифан билиб қолди.

Капитан гасиенда томига чиқиб, у ерда хотиржамлик билан сигара чека бошлаганда ярим кеча бўлган эди. Бу пайтда унинг хавотир бўлиши учун ҳеч қандай сабаб йўқ эди. Мустангер билан бўлган жангда орттирган яралари битиб кетганди, тўғри, мағлуб бўлгани тўғрисидаги хотиралар уни ҳамон қийнади, лекин бу офир хаёллар кейинги вақтда тез орада ўч олиши тўғрисидаги фикрдан анча юмшаганди.

Кассий Колхаун ҳам Луизанинг отаси сингари қизнинг узоқ жойларга отда қиладиган сайр-томошалардан воз кечганидан жуда мамнун эди, бунинг сабабчиси унинг ўзи бўлганди. У ҳам худди Луизанинг отасидек қизнинг янги спорт билан, камон отиш ўйини билан қизиқиб қолганининг сабаби нима эканини билмасди, шунинг учун буни у безарар эрмак деб ўйларди.

У ҳатто Луизанинг лоқайдлигини қизнинг айёрлигига йўйиб, умид билан ўзини овутиб келарди. Кейинги вақтларда қиз у билан анча юмшоқ муомала қиладиган бўлиб қолганди. Шунинг учун у ўзининг рашкли тахминларидан воз кечишга ҳам тайёр эди.

Мана ҳозир у дарё тарафга қараб бамайлихотир сигара чекарди. Йўлда чавандознинг пайдо бўлиши уни ажаблантирмади. Кундузи қуёшнинг жазирама иссиғи остида ҳаллослаб йўл босгандан кўра кечаси салқинда саёҳат қилиш ўринли эканини у яхши тушунарди.

Ой ёруғида у чавандозни танимади, унга тикилиб қарамади ҳам. У шунчаки беихтиёр кузатиб турди. Фақат чавандоз чакалак ичига кириб кетгандан кейингина Колхаун бунга ҳайрон бўлди.

«Бу қандай бўлди? – деб ўйлади у. Оддан тушиб, сўнг дарёнинг қайилиб оқадиган жойига келди. Ён бағирдан пастга тушди. – Бу ерларни яхши биладиганга ўхшайди... Нима қилмоқчи экан у? Наҳотки боққа кир-

моқчи бўлса? Лекин қандай қилиб? Сузиб ўтармикин? Ўғри бўлмасин тагин?»

Унинг миясига келган дастлабки фикр шу бўлди, лекин бу тахминнинг асоссиз эканини дарҳол сизди.

«Эшкак товуши... У қайиқни тортиб олиб, унда дарёдан ўтпти. Бу ерда унга нима керак экан?»

Колхаун пастга тушиб эркакларни уйғотмоқчи ва улар билан ўша одамни тутгани бормоқчи бўлиб турган эди, қулоғига келиб урилган бошқа бир товуш уни бу аҳдидан қайтарди. Очилаётган эшикнингми, деразанингми ғирчиллаши эшитилди. Овоз у турган жойнинг деярли тагидан эшитилди.

Капитан нима гап эканини билиш учун панжарадан энгашиб пастга қаради. Шунда бирдан унинг ранги мурданикидек оқариб кетди... Тоғасининг қизи хонасидаги дераза очиқ. Оппоқ кийиниб олган Луиза боққа тушадиган зинада турарди.

Колхаун унинг зинада пайдо бўлиши қайиқда дарёдан ўтаётган одамнинг келиши билан боғлиқ эканини тушунди. Шунингдек у дарёдан ўтаётган киши Морис мустангердан бошқа одам эмаслигини ҳам англади.

Ҳанг-манг бўлиб қолган Колхаун жойидан қимирлаёлмай турарди. Фақат оқ кийимли қиз боққа кириб ғойиб бўлгандан кейин ва боғда овозлар эшитила бошлагандан кейингина режасини ўзгартирди.

Ў ҳозир ҳеч кимни уйғотишнинг кераги йўқ, Луизанинг шарманда бўлишига ёлғиз ўзим гувоҳ бўлайин деб аҳд қилди. Шундан сўнг Кассий Колхаун ғазабдан титраган ҳолда қизнинг изидан кетди.

У севишганларнинг аҳд-паймонларини, муҳаббат тўғрисидаги эътирофларини эшитди, мустангернинг эртага тонг отар пайтда жўнаб кетишидан ва тез орада қайтиб келишга ваъда берганидан хабардор бўлди. У севишганларнинг эҳтирос билан кучоқлашиб ўпишганларига шоҳид бўлди.

Шунда унинг кўнглида рақибига пичоқ санчиб, унинг жонсиз танасини севгилиси оёқлари остига ташлаш орзуси туғилди. Лекин бунга юраги дов бер-

мади. Бунга ой ёруғида мустангернинг белида ялтиллаб турган Кольт системали олтиотар револьвернинг кўриниб тургани сабаб бўлмадимикин?

Капитан севишганларни ўз ҳолига қўйиб, шошилинч равишда орқага қайтди.

### ЎТТИЗ ТўРТИНЧИ БОБ

#### «РИЦАРЛИК» РАРБАТИ

Хўш, Кассий Колхаун қаёққа кетди?

Ўз хонасига эмас, албатта. Азоблар қийноғида қолган одамнинг уйқуси келармиди?

У тоғаваччаси Генри Пойндекстернинг хонасига кетди.

У ҳатто шам олиш учун ҳам вақт сарф қилиб ўтирмай, тўғри ўша ёққа юрди. Шамнинг кераги ҳам йўқ эди. Ой ёғдуси уйни анча ёритиб турарди. Хонадаги оддий жиҳозлар шулар эди: бет-қўл ювгич, чоғроқ стол, иккита стул ва жонга тегадиган чивинлардан сақланиш учун дока пашшахона тутиб қўйилган каравот.

Колхаун пашшахонани кўтариб ширин уйқуда ётган йигитни уйғота бошлади.

– Тур, Генри, тур! – деди Колхаун, ухлаб ётган йигитнинг елкасидан қаттиқ-қаттиқ силтаб.

– Ҳ-а! Ким бу, сенмисан, Каш? Нима гап? Ҳиндулар эмасдир, ҳар ҳолда?

– Ундан ҳам баттар, минг марта баттар! Тезроқ! Тур, кўр ўзинг. Тезроқ тур, бўлмаса кечикасан! Тур, оиламиз шарманда бўлганини бир кўриб қўй. Тезроқ, ахир, бўлмаса Пойндекстерлар номи бутун Техасга кулги бўлади!

Шундай сўзлардан кейин албатта Пойндекстерлар оиласи аъзоларидан биронтаси ҳам ухлаёлмаган бўларди. Йигитча сакраб ўрнидан турди ва ҳайрон бўлиб қариндошига қаради.

– Кийиниб вақт ўтказиб ўтирма, – деди ҳаяжонга тушган капитан. – Тезроқ! Тезроқ деяпман сента!

Генри одатда кийиб юрадиган соддагина кийим-бошларини бир неча сония ичида кийиб улгурди. Йигитча капитан кегидан боққа югурди.

– Нима гап ўзи, Кассий? – деб сўради у, Колхаун имо-ишоралар билан унга тўхта деб тушунтиргандан сўнг. – Айтсанг-чи ахир, нима гап ўзи?

– Ўзинг қара. Менга яқинроқ тур. Анави икки дарахт орасидан қайиғинг турадиган тарафга қара. Ҳеч нарса кўряпсанми?

– Оқ кийимли аллаким турибди. Аёл кишига ўхшайди... Ҳа, аёл киши экан.

– Тўғри айтдинг, аёл киши. Ким деб ўйлайсан уни?

– Билмадим. Ўзинг биласанми, Кассий, ким ўзи у?

– Унинг ёнида қора кийимли яна биттаси бор.

– Буниси эркак кишига ўхшайди... Ҳа эркак киши экан.

– Уни ким деб ўйлайсан.

– Мен қаёқдан билай, Каш? Ўзинг биласанми?

– Ҳа, биламан. Ўша киши Морис мустангер.

– Аёлчи?

– Унинг қучоғидаги эса синглинг Луиза бўлади.

Йигитча ўша тарафга отилди.

– Тўхта! – деди Колхаун уни ушлаб қолар экан. – Ўзингинг қуролсиз эканлигингни, мустангернинг қуроли борлигини унутиб қўйдинг. Буни мен биламан. Мана бу билан мана буни ол, – деб давом этди у йигитчага ўз пичоғи билан револьверини тутқазар экан. – Буларни мен ўзим ишга солмоқчи эдим, лекин унинг акаси ва ҳомийси сифатида буни сен қилсанг яхшироқ бўлади, деб ўйладим. Энди бор, Генри! Лекин эҳтиёт бўл, Луизага тегмасин. Секин билдирмасдан бориб от, огоҳлантириб ўтирма. Қорнига қараб от. Агар олтита ўқ билан ҳам ўлмаса, пичоқ билан чавақлаб ташла. Мен яқинингда бўламан, дарҳол ёрдамга бораман. Югур!

Генри Пойндекстер бундай қабих маслаҳатларга муҳтож эмасди. У сингисининг номусини сақлаб қолиш учун югурди.

– Пасткаш, аблаҳ! – деб қичқирди у, – Луиза, бир четга тур, ҳозир уни ўлдираман! Қоч, синглим, қоч, эшитяпсанми!

Морис мустангер тўппончасини олиб ўзини ҳимоя қилиш ўрнига қиздан хавотир бўлиб, унинг қучоғидан

чиқишга ҳаракат қиларди, лекин қиз унга баттарроқ ёпишиб олди.

Мустангерга қараб ўқ узса Генри синглисининг ҳаётини хавф остига қўйган бўларди. Генри тўхтади, тепкини босмади.

Шу бир зумлик вақт ҳаммани кутқарди. Мустангерни қўйиб Луиза акасининг қўлига ёпишди. Унинг Морисдан қўнгли тўқ эди, фақат акасини тўхтатса бўлгани.

– Қоч, қоч! – деб қичқирди у мустангерга ғазабланиб кетган акасини тўхтатишга тиришиб. – Генри адашяпти, унга ҳаммасини ўзим тушунтираман. Тезроқ Морис, тезроқ қоч!

– Генри Пойндекстер, – деди ирландиялик йигит, дўстона маслаҳатга бўйсунушга ҳозирланар экан, – сиз мени бекорга аблаҳ одам деб ўйлаяпсиз. Фурсат беринг, агар ҳурматга сазовор ва синглингиз муҳаббатига арзимас одам бўлсам, унда мени қўрқоқ бир коёт сингари ҳамманинг қўзи олдида ўлдириб ташланг, розиман. Ҳозирча эса хайр.

Генрининг сингlisi қўлидан қутулиб чиқиш учун қилаётган талпинишлари аста-секин сусая борди: мустангернинг сўзи уни тинчлантирди. Унинг ҳаракатлари тобора сусайиб борди, Морис дарёдан сузиб ўтиб кетаётганда йигит тамоман тинчиди.

– Ака, унга баҳо беришда янглишдинг. Ишонавер, сен уни билмайсан! – деди Луиза. – О, Генри, унинг қандай яхши одамлигини билсанг эдинг! У мени ҳеч вақт хафа қилгани қўймайди ва ўзи ҳам хафа қилмайди. Уни севмай иложим йўқ, унинг ким бўлиши мен учун бари бир.

– Луиза, менга тўғриси айт. Мен билан худди ўзинг билан ўзинг сўзлашгандек очиқчасига гаплаш. Бу ерда ҳозир кўрганларимдан ўша йигитни севишингни тушундим. Тўғриси айт: у ростдан ҳам яхши одамми? Ўзингни бағишлаганингдан фойдаланиб, ҳаддидан ошгани йўқми?

– Йўқ! Йўқ! Йўқ! Қасам ичаман! Генри, нега уни бекордан бекорга ҳақорат қилдинг?

– Уни ҳақорат қилдимми?

– Ҳа, шундай қилдинг, Генри, қўполлик билан, бесабаб ҳақорат қилдинг.

– Ундан узр сўрашга тайёрман. Уни қувиб етаман, қизиққонлик қилганим учун узр сўрайман. Агар тўғри гапираётган бўлсанг, шундай қилишим керак. Ахир уни биринчи кўрганимдаёқ ёқтириб қолганимни биласан-ку. Энди эса Луиза, уйингга бориб ухла. Мен меҳмонхонага югураман. Эҳтимол, у ердан топарман. Ўз хатойимни тузатмагунча тинчлана олмайман.

Ака билан сингил ичкари кириб кетганларида уларнинг кетидан шу пайтгача буталар орасида яшириниб ўтирган учинчи кишининг қораси кўринди. Бу Кассий Колхаун эди. У ҳам мустангер тўғрисида ўйларди.

### ЎТТИЗ БЕШИНЧИ БОБ

## ИЛТИФОТСИЗ ХЎЖАЙИН

«Ярамас кўрқоқ! Аҳмоқ! Шундай пуч умидга учган ўзим ҳам аҳмоқман. Луиза бу лайчани алдаб, аблаҳнинг қочиб кетишига имконият беришини ўзим олдиндан кўришим керак эди. Ҳеч нарсадан чўчимай уни дарахт орқасидан ўзим ҳам бир ёқлик қилардим. Вудли тоғам бунинг учун менга раҳмат деган бўларди. Сеттлментдагиларнинг ҳаммаси менинг бу ишимни маъқуларди. Ярамас йўлдан урувчи! Мунофиқ одам! Уни адолатли равишда йўқ қилишга ким қаршилиқ қиларди? Энди бундай қулай пайт қачон келади ахир?»

Капитан гасиендага қайтиб келаркан ва Луиза билан Генри орқасидан эргашиб бораркан, ана шундай фикрларни миясидан кечирарди.

– Қизиқ, – деб тўнғилади у ўзича ҳовлига кириб келар экан, – она сути оғзидан кетмаган анави тентак сингилсини йўлдан урган одамдан ҳақиқатан ҳам узр сўрамоқчимми? Ҳа, ҳа, у ҳақиқатан ҳам шундай қилмоқчига ўхшайди, бўлмаса отхонадаги дукур-дукурни нима деб ўйлаш керак?.. Отини олиб чиқмоқчимми дейман?

Отхона эшиги Мексикадаги барча мулкларда бўлгани сингари, тош ётқизилган ҳовлига очилар эди.

Отхона эшиги ярим очиқ турарди, лекин бирпасдан сўнг уни ичкаридан кимдир итариб, катта қилиб очди.

Остонада кенг ҳилпилаган плашч ва панама кийган бир киши кўринди. У эгарланган от этаклаб келарди.

Колхаун ўзининг тоғаваччасини ва унинг тўриқ отини таниди.

– Аҳмоқ! қочириб юбординг уни! – деб тўнғиллади капитан жалил билан, йигитча унинг олдига яқинлашиб келганда. – Пичоқ билан револьверни чўз бу ёққа. Бу ўйинчоқлар сенга ўхшаган йигитчаларга тўғри келмайди. Жавоб бер-чи, нега мен айтгандек қилмадинг? Нега бундай гўллик қилдинг.

– Ҳа, ҳақиқатан ҳам гўллик қилдим, – деди ёш плантатор хотиржамлик билан. – Буни ўзим ҳам биламан. Мен ҳеч қандай асоссиз равишда қўполлик билан туппа-тузук одамни ҳақорат қилдим.

– Туппа-тузук одамни ҳақорат қилган эмиш! Ҳа-ҳа-ҳа! Қасам ичаманки, эсингни еб қўйибсан!

– Сенинг гапингга кирсам, Кассий, ҳақиқатан ҳам эсимни еган бўлардим. Бахтимдан бўлиб, бундай қилмадим. Нима бўлганда ҳам мен ундан дарҳол узр сўраш учун кетяпман.

– Қаяёққа кетяпсан?

– Хунук иш қилиб қўйганим учун Морис мустангердан узр сўрамоқчи бўлиб кетидан кетяпман.

– Хунук иш эмиш! Ҳа-ҳа-ҳа! Албатта, ҳазиллашаётган бўлсанг керак?

– Йўқ. Жиддий айтяпман. Мен билан бирга борсанг, буни ўзинг ҳам кўрасан.

– Ундай бўлса, мен ҳақиқатан ҳам жинни бўлибсан дейман. Жиннигина эмас, очикдан-очик аҳмоқ бўлибсан!

– Анча қўпол бўлиб қолибсан, Кассий!

Шундай деб йигитча отига шпор урди ва тез чоптириб кетди.

Колхаун от кўздан ғойиб бўлгунча қимирламай турди. Кейин шахдам қадам ташлаб уй тарафга юрди ва

айвон орқали тез ўз хонасига кириб кетди. Кўп ўтмай у хонасидан аллақандай бир эски плашгч кийиб чиқди, отхонага борди ва ундан ўзининг эгарланган отини етаклаб чиқди.

У отини тош ётқизилган ҳовлидан гўё ўғирлаб кетаётгандек сира шовқин чиқармай, эҳтиётлик билан олиб ўтди. Кейин сакраб эгарга миниб олди-да, гасиендадан от чоптириб кетди.

Бир-икки мил у Генри Пойндекстер орқасидан борди, лекин Генри анча узоқлашиб кетганидан уни қувиб етмоқчи эмасдек эди, Колхаун шошилмасди.

Қалъага борадиган йўлнинг ярмини босгандан кейин Колхаун отини тўхтатди ва рўпарадаги чакалакни диққат билан кўздан кечириб, шартга ўша тарафга бурилди-да, дарё тарафга кетди.

«Ҳали имконият бор, имконият бўлганда ҳам ёмон имконият эмас, лекин ҳозир қўлдан берган имкониятга қараганда ёмонроқ. Бу мен учун минг доллар туради. Нима бўлибди? Нима бўлса ҳам бу ярамас ирландияликдан қутулишим керак. Агар ёлғон бўлмаса, ўзининг сўзига қараганда, у эрта билан азонда ўз чайласига бориш учун йўлга чиқади. Лекин қачон, шуниси қизиқ? Даштда яшовчилар учун эрталаб туриш алламаҳал деган гап. Ҳечқиси йўқ. Вақтимиз етади, Коёт Морисдан ўзиб кета олади. Унинг кулбаси бу ердан узоқда бўлмаса керак. Мексикаликлар у жойни билишлари ёки жуда бўлмаса унга олиб борадиган йўлни билишлари керак. Шунинг ўзи ҳам кифоя. Чайлада эса хўжайинни кутаверишсин. Кутавериш кўзлари тешилса керак, ахир, йўлда ҳиндулар тўқнаш келиб қолиши мумкин-да».

Шу хилдаги фикрлар билан капитан мексикалик мустангер чайласига келди. Чайланинг эшиги ланг очик эди. Ичкаридан ухлаб ётган одамнинг хурраги эшитиларди. Бу хуррак вақт-бавақт гоҳ бир оз давом этган жимлик билан, гоҳ чўчқанинг хириллашига ўхшаган товушлар билан, гоҳ одам сўзларига ўхшамаган «Сарамба!», «Минг лаънат! Ё, Исо! Ё, Биби Марям!» деган сўзлар билан бўлиниб турарди.



Колхаун остонада тўхтаб, қулоқ солди.

– Бу ҳайвон ўлғудай маст экан! – деди у қаттиқ қилиб.

– Алло, сеньор! – деб қичқирди чайла хўжайини, одам овозини эшитиб сал-пал ҳушига келар экан. – Қандай шамол учирди-ю, ўзингиз ким бўласиз? Йўқ, бундай эмас. Сизни кўриб, жуда хурсанд бўлдим – мен Мигуэл Диаз бўламан, мени эл-Коёт дейдилар. Ҳа-ҳа-ҳа! Коёт! Эй, сизнинг исмингиз нима? Исмингиз нима, сеньор? Минг лаънат! Ким бўласиз?

Эл-Коёт қамиш каравотидан туриб ўзининг мастликда кўраётган тушини бузган кутилмаган меҳмоннинг кимлигини билмоқчи бўлгандек, кўзларини аланг-жалаң қилиб бирпас ўтирди.

Кейин ғалати товушлар чиқариб Коёт яна каравотга чўзилди ва хуррак торта бошлади.

– Мана яна бир имконият қўлдан кетди! – деб газаб билан хириллади Колхаун чайладан чиқиш учун орқасига ўтирилар экан. – Минг лаънат-е! Тун бўйи ишим нуқул тескари кетяпти! Бу тўнғиз ҳушига келгунча камида уч соат вақт ўтади. Уч соат-а! Унда вақт ўтган бўлади, кеч бўлади...

Шундай деб Колхаун отини қаёққа етаклашни билмай иккиланиб унинг жиловидан тутди.

– Бу ерда қолишдан ҳеч маъно йўқ. У ҳушига келганда тонг отган бўлади. Ундан кўра уйга қайтиб, уйда кутиб турсам ҳам бўлади ёки...


Ўз қарорини овоз чиқариб айтмади. Лекин қандай қарорга келган бўлмасин, у иккиланмас эди.

Колхаун отини ечиб бир сакраб эгарга минди ва эл-Коёт чайласига келган йўлга тамоман қарама-қарши тарафга қараб кетди.

## ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ

### УЧ КИШИ БИР ЙЎЛДА

Оёқ остига тўшаб қўйилгандек юмшоқ ўт ўсиб ётган даштда саёҳат қилиш дунёдаги энг лаззатбахш нарсалардан бири эканини ҳеч ким инкор этмаса керак.



Ўшанда ёнингизда сиз билан ёнма-ён от қўйиб бораётган, табиат манзараларининг гўзаллигидан ва унинг азимиятидан худди сиздек лаззатланаётган дўстингиз бўлса, бу саёҳатни сиз умрбод унутмайсиз.

Шундай қилиб, сиз даштга жўнадингиз, сетлмент чегарасидан чиқиб беш-олтита отнинг изи тушган катта йўлдан четга бурилишингиз биланоқ шундай даштга кирасизки, унда соатлаб, ҳафталаб, ойлаб, ҳатто йиллаб йўл юраверасиз, лекин биронта ҳам одамни кўрмайсиз.

Техаснинг бепоён даштларида саёҳат қилган кишигина бу даштларнинг қанчалик чексиз эканини чинакамига кўз олдига келтира олади. Ҳатто океан ҳам бунчалик бепоёндек туюлмайдиган кишига. Океанда юрар экансиз, илгари силжиб бораётганингизни билдирадиган ҳеч қандай белгини кўрмайсиз. Теварак-атрофингизда, ложувард – кўк сув юзини, устингизда эса унинг устига тўнкариб қўйгандек худди ўшандай зангори, лекин бир оз очроқ осмон гумбазини кўрасиз, бу ҳол ўзгаришсиз давом этади. Ўзингизни бепоён гумбаз марказида тургандек ҳис қиласиз, бу каттакон азим сувнинг кенглигини кўз олдингизга сира ҳам келтира олмайсиз.

Дашт эса бутунлай бошқа нарса. Тўда-тўда чангалзорлар, тепалар, дарахтлар, тоғ чўққилари, қоялар гўё йўл бўйига қоқиб қўйилган белгилардек бирин-кетин алмашиб, бепоён йўлларни босиб ўтаётганингиздан дарак бериб туради.

Саёҳатчи даштда, айниқса, Техаснинг жануби-ғарбий даштларида табиатнинг ёввойи гўзалликларидан ёлғиз ўзи лаззатланишга юрак қилолмайди; бу ерларда одатда икки-иккитадан бўлиб, кўпинча эса ун ёки йигирма кишилик гуруҳ бўлиб юрадилар – акс ҳолда бу ерларда юриш хавфли.

Ёлғиз ўзи саёҳат қилган кишини бу ерларда жуда камдан-кам учратасиз.

Каса-дел-Корво гасиендаси боғида ҳангома бўлиб ўтган ўша кечада Леона соҳилларидан жануби-ғарб тарафга чўзилиб кетган даштдан якка-якка уч киши от миниб ўтиб кетди.

Колхаун мексикалик мустангер чайласи олдидан жўнаб кетаётган вақтида, ўша саёхатчилардан бирининг сеттлмент атрофида даштга чиқиб бораётганини кўриш мумкин эди. У Нуесес дарёси тарафга ёки унинг ирмоқларидан бирини мўлжаллаб борарди.

Унинг от миниб бораётганини таъкидлаб ўтириш ортиқча бўлса керак, чунки Техасда шаҳарда ёки плантациядан бошқа ерда ҳеч ким пиёда юрмайди.

Чавандоз ажойиб от миниб борарди. Отнинг бақувват ва чиройли ҳаракатлари унинг ҳеч қийналмай узоқ сафарга чиқа олишини кўрсатиб турарди.

Чавандоз ўн-йигирма мил йўл босишни мўлжаллаб сафарга чиққан барча тэхасликлар қандай кийинса худди ўшандай кийиниб олганди. Тунги намдан сақланиш учун элкасига нари-бери серапе ташлаган эди. Лекин ўша туни ҳаво қуруқ бўлгандан, эҳтимолки, у узоқ сафарга отланган бўлса; бунинг устига чавандоз кетаётган тарафда яқин орада биронта ҳам сеттлмент йўқ.

Шунга қарамай гўё кетаётган жойига қачон етиб борса ҳам унга бари бирдай, у ҳеч шошмай борарди.

У ўз фикрларига, эҳтимолки, хаёлларига берилган ҳолда борар ва атрофдаги ташқи дунёга мутлақо эътибор қилмагандек эди.

От ўз ҳолига қўйиб берилган, жилов унинг бўйнидан баҳазур осилиб ётарди, лекин у тўхтамас, балки ўзига таниш йўлдан кетаётгандек, ишонч билан қадам ташларди.

Бу парвойи палак саёхатчи ой ёруғида кўзга сал илғаб турган узоқларда кўздан йўқолиб кетгунча шу хилда йўл босди.

Биринчи отлик кўздан йўқолиши биланоқ сеттлмент четида худди ўша тарафга кетаётган иккинчи отлик кўринди.

Кийим-бошига қараганда у ҳам узоқ сафарга отланган бўлса керак. Унинг эгнида кенг қора плашг, плашг олдидан унга ёпишиб турар, орқасидан эса бурма этаклари осилиб ётарди.

Биринчи чавандоздан фарқ қилиб буниси қаёққадир жуда шошилиб кетаётгани кўришиб турарди, у ўз отини шпорлар, шпор билан ниқтаб тез-тез қистарди. Афтидан, у кимнидир қувиб етмоқчи эди.

Эҳтимол, у ўзидан олдинги чавандозни қувиб етмоқчидир. Ҳар замонда бир у олдинга энгашар ва узоқ-узоқларга тикилиб қарарди.

Бир оздан сўнг иккинчи чавандоз ҳам кўздан йўқолди, у ҳам ундан олдин кетаётган саёҳатчи кўздан ғойиб бўлган ерга етиб кўринмай кетди. Қалъа ёки септамент четида буларни кузатиб турган одамга шундай кўринган бўларди.

Бу ғалати тартиб, агар буни тартиб деб бўлса, бузилмади, иккинчи чавандоз кўздан йўқолиши билан септамент чегарасида учинчи отлик кўринди. Буниси ҳам ўзидан олдинги икки чавандоз кетган тарафни мўлжаллаб борарди.

У ҳам илгарига саёҳатчилар сингари узоқ сафарга отлангандек кўринарди. Эғнида бутун гавдасини яшириб турган қизил плашч. Плашчнинг кенг этаги остидан эгарга боғлаб қўйилган калта милтиқ кўришиб турарди.

Бу ҳам биринчи чавандоз сингари мутлақо шошмай борарди, шундай секин юриб борардики, уни ҳар қандай саёҳатчи ҳам орқада қолдириб кетган бўларди. Лекин айна вақтда у алланарсадан жуда хавотирда эди, бу жиҳатдан у ўзидан олдинги иккинчи чавандозга ўхшарди.

Лекин бу икки чавандознинг хатти-ҳаракатида катта фарқ бор эди. Иккинчи чавандоз шошиб, кимнидир қувиб ўтаётгандек бўлса, учинчи чавандоз, аксинча, орқасидан битта-яримтанинг етиб келиб қолишидан чўчигандек, доим орқасига ўтирилиб қарарди. Баъзан у эгаридан ярим қайрилиб қарарди, баъзан отини буриб, ўзи келган изларга диққат билан тикиларди.

Кўп ўтмай бу чавандоз ҳам узоқда кўздан ғойиб бўлди, у ҳеч кимни қувиб етмади, уни ҳам ҳеч ким қувиб етмади.

Бир-бирларидан деярлик бир хил масофада бораётган учала чавандоз даштда бир-бирларини кўрмай йўл босар эдилар. Уларнинг учаласини эса ҳеч ким бир вақтда кўролмасди, баланд дарахт учига чиқиб олган бойқуш ёки осмонда парвоналарга ов қилаётган тентакқушгина<sup>35</sup> кўрса эҳтимол эди.

Бир соатдан кейин Инж қалъасидан ўн милча нарида учала саёҳатчи орасидаги масофа анча ўзгарди.

Биринчи чавандоз қалин ўрмон чангаллари орасидаги аллеяга ўхшаб тушган узун йўлак олдига етиб борди. Бу ердаги чангаллар ўнг тарафга ҳам, сўл тарафга ҳам кўз илғаган жойгача қулоч отган. Йўлакни кенг бўғозга ўхшатиш мумкин. Майсазорнинг кўм-кўк усти соҳил билан туташган сув бети каби дарахтларнинг тўқ яшил барглари билан қўшилиб кетган эди. Йўлакнинг ярмисини ой ёғдуси ёритиб турарди. Нарироққа бориб, йўлак дарахт соялари қоронғи қилиб турган зимистонга бурилиб кетарди.

Чавандозлардан биринчиси йўлак ичига киришдан олдин отининг жиловидан тортди ва бир-икки секунд у ёқ бу ёқни кўздан кечирди. Унинг бутун диққати олдинга қаратилган эди, у орқасига қайрилиб қарамасди.

Лекин у бу аҳволда узоқ турмади. Афтидан, йўлида давом этишга бу тарафда ҳеч қандай тўсиқ йўқ эди. У отига шпор урди-да, йўлга тушди.

Худди шу пайтда орқасидан келаётган иккинчи чавандоз уни кўриб қолди, энди у биринчи чавандоздан ярим мил орқада эди.

Қора плашч кийган чавандоз ўзидан олдинги саёҳатчини кўриб эшитилар-эшитилмас эҳ деб юборди. Отига қаттиқ шпор уриб, у ҳам йўлак ичига кириб кетди. Лекин биринчи чавандоз алақачон қоронғи йўлакда ғойиб бўлганди.

Иккинчи чавандоз сира иккиланмай унинг кетидан кетди.

Учинчи чавандоз ҳам бу ерга келди, лекин у иккинчисидан кўра анча кейинроқ етиб келди. У олдидаги

<sup>35</sup> Тентакқуш – қалдирғочга ўхшаган ҳашаротхўр қуш.

икки чавандоз сингари йўлакнинг ичига кирмади, балки бир четга, чангаллар ёнига бурилди-да, улар орасига кириб кўздан ғойиб бўлди. Бу ерда у отини боғлаб қўйди ва чангаллар орасидан йўлакка чиқди.

У ҳали ҳам олдидаги бўлаётган ишлардан кўра орқадаги нарсалар кўпроқ қизиқтираётгандек тез-тез орқасига қарарди. У йўлакнинг қоронғи жойига етиб келди ва илгариги икки чавандоз сингари кўздан йўқолди.

Икки марта от дупури ва бир марта одам қадами товушидан тинчиган ўрмоннинг тунги шовқини тропик чангаллари кеча ҳавосида яна авжига минди.

Бирдан ўқ узилди.

Бу товушдан дашт бўрисининг увуллаши, йўлбарс-симон мушукнинг миёвлаши, ҳатто ягуарнинг ириллаши ҳам тинди.

Лекин на ярадор бўлган кишининг инграши, на ўқ еган жониворнинг ўкириши эшитилди, шундан сўнг ягуар ўрмон жониворларини ўзининг бўғиқ ириллаши билан яна қўрқита бошлади. Унинг дўстлари ва душманлари – қушлар, ҳайвонлар, ҳашаротлар, судралувчилар йиртқичнинг ириллашига парво қилмай, яна ўзларининг қулоқни кар қиладиган концертларини бошлаб юбордилар.

## ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ БОБ

### ОДАМ ЙЎҚОЛДИ

Каса-дел-Корвонинг кўнғироғи одамларни нонуштага чақириб икки марта данғиллади.

Гасиенда яқинида ишлаётган қуллар ўт устига чўзилдилар ва маза қилиб овқат ея бошладилар.

Емакхонага йиғилган плантатор оиласи дастурхонга ўтиришга тайёр эди, лекин ҳали ҳамма йиғилмагани маълум бўлди: бир оила аъзоси кўринмасди

Генри йўқ эди.

Дастлаб бунга ҳеч ким эътибор қилмади, ҳаммалари уни ҳали замон келиб қолади деб кутишди. Мана бир неча дақиқа ўтди, Генридан эса ҳамон дарак йўқ.

Плантатор ўғлининг йўқлигига тушунолмаб бир неча марта бунга ўзининг ҳайронлигини билдирди.

Американинг жануби-ғарбида эрталабки нонуштага оила аъзоларининг ҳаммаси барабар ва бир вақтда тупланиши одат бўлиб қолган. Шунинг учун плантаторнинг ҳайрон бўлиши тамомила табиий.

– Боласи тушмагур қаерда қолди, ахир? – деб сўради отаси, тўртинчи марта.

На Колхаун, на Луиза бу саволга жавоб беришди.

Колхаун емакхонага кирганидан бери лом-мим деб оғиз очмас эди. Шу куни эрталаб у Луизага тик қарашга ботинолмади.

У жуда тажанглик билан ўтирарди, хонага хизматкор кирганда, ҳатто бир-икки марта чўчиб ҳам тушди. Капитаннинг нимадандир ҳаяжонда эканига шубҳа йўқ.

– Генрининг келмагани жуда қизиқ, – деб қайта-қайта такрорларди плантатор.

– Наҳотки ҳали ҳам ухлаб ётган бўлса. Йўқ, йўқ, Генри ҳеч вақт бундай кеч турмайди. Борди-ю, у бирор ёққа кетган бўлса, қўнғироқ товушини эшитмаганда ҳам мугуз товушини эшитиши керак эди. Ё ўз хонасидамикин у?.. Плуто!

– Шу ердаман, мистер Вудли!

Плуто извошчилик қилиши билан айни вақтда дастурхон тепасида хизмат қилиб турадиган лакейлик вазифасини ҳам ўтарди.

– Генрининг хонасига бор, агар ўша ерда бўлса, биз уни нонуштага кутиб ўтирганимизни айт.

– Мастер у ерда йўқ, мистер Вудли.

– Унинг хонасига кирдингми?

– Ҳа... йўғ-е, мен йўқ демоқчи эдим. Мен унинг хонасига кирганим йўқ, лекин отхонага кирдим, унинг отига ем солмоқчи эдим. Унинг оти кўринмайди, эгари ҳам йўқ, узангиси ҳам йўқ, шунинг учун масса Генри ҳам йўқ. Унинг жўнаб кетганига анча бўлганга ўхшайди.

– Сен ишонасанми шунга, – деб сўради плантатор, бу хабардан жуда хавотирга тушиб.

– Албатта, ишонаман, мистер Вудли. Отхонада фақат масса Колхауннинг оти турибди, холос. Хол-хол мустанг молқўрада юрибди. Масса Генрининг оти эса йўқ.

– Бу ҳали мастер Генрининг ўз хонасида эмаслигини кўрсатмайди. Ҳозироқ бориб, қараб кел.

– Ҳозир бораман, мистер, лекин Плутонинг тўғри айтганини ўзингиз кўрасиз. Ёш хўжайин у ерда эмас. Мастер Генрининг оти қаерда бўлса, ўзи ҳам ўша ерда эканига ишонаман.

– Ҳеч нарсага тушунолмайд қолдим, – деди плантатор, Плуто хонадан чиқиб кетгандан сўнг. – Генри уйдан чиқиб кетибди, бунинг устига кечаси кетибди. Қаёққа кетди экан? Шундай бемаҳалда у кимнинг олдига бориши мумкинлигини сира кўз олдимга келтиролмайман. Майхонада бўлмаса керак, албатта...

– О, йўқ, у албатта, у ерга бормайди, – деб гапга аралашди плантатордан ҳам кўпроқ ҳайронликка тушган Колхаун.

Капитан боғда бўлган гап-сўзлардан бир оғиз ҳам гапирмади.

«Кассий бу тўғрида ҳеч нарса билмаса керак, – деб ўйлади Луиза. – Шундай бўлса, бу ака-сингил иккимизнинг ўртамизда қолади. Менимча, Генри иккаламиз гапни бир жойга қўйсақ ажаб эмас. Лекин у нима учун шу маҳалгача йўқ? Уни кутиб мижжа қоқмай тун билан ўтириб чиқдим. У Морисни қувиб етган бўлса керак, албатта, ярашиб ҳам олишгандир. Шундай бўлишига умид қиламан».

Шу пайт эшикда Плуто кўринди. Унинг қош-қовоғи шундай солинган эдики, сўраб ўтиришнинг ҳам ҳожати қолмади.

– Хўш, нима гап, – деб қичқирди плантатор, хизматкорнинг гап бошлашини кутиб ўтирмай, – бор эканми?

– Йўқ, мистер Вудли, – деб жавоб берди ҳабаш, кучли ҳаяжон билан. – У йўқ, масса Генри йўқ. Лекин, лекин... Унинг оти ўша ерда.

– Унинг оти ўша ерда дейсанми? Унинг хонасида эмасдир дейман?



– Йўқ, сер. Лекин от отхонада ҳам эмас. У дарвоза олдида турибди.

– Дарвоза олдида турибди? Турган бўлса тургандир, нега бундай хафасан?

– Чунки, мистер Вудли, чунки... у масса Генрининг оти... чунки жонивор...

– Хўш, гапир, ярамас қора, дурустроқ гапирсанг-чи! Нима «чунки»? Отнинг калласи жойида тургандир дейман? Ёки думи йўқ бўлиб қолибдимиз?

– О, мистер Вудли, ҳабашингиз бундан кўрқаётгани йўқ! От бошини ҳам, думини ҳам йўқотиб келса майли эди. Плуто, у ўз чавандозини йўқотиб келмаган бўлсайди деб кўрқаяпти.

– Нима-нима? От Генрини йиқитибдимиз? Бўлмаган гап, Плуто! От менинг ўғлимдек чавандозни кўтариб уриши сира бўлмаган гап. Бўлмаган гап!

– Мен ҳам уни кўтариб урган деяётганим йўқ. О, қимматли хўжайин, бошқа ҳеч нарса демайман. Дарвоза олдида ўзингиз чиқинг, ўзингиз кўринг.

Плутонинг овозидан ва хатти-ҳаракатларидан тобора кучлироқ ҳаяжон сезиларди.

Ҳаммалари шошиб-пишиб гасиенда дарвозасига қараб йўл олдилар. Ҳабаш улар кетидан борди.

Улар кўрган нарса энг ёмон тахминлар қилишга сабаб бўлди. Ҳабаш қулардан бири эгарланган отнинг жиловидан ушлаб турарди. Жонивор тунги шабнамдан жикқа ҳўл эди. От пишқирарди, туёғи билан ер тепинарди ва ўзининг тўриқ рангидан қорароқ, шабнамдан тўқроқ бир нарсага чапланган эди. Отнинг бутун кўкраги, оёқлари, эгари – ҳамма ёғида қотиб қолган қон доғлари бор эди.

– От қаердан келди?

– Даштдан. Ҳабаш уни сайхонда тутиб олди. У инстинктив равишда гасиенда тарафга йўл олган эди. Тизгини оёғи остида шалвираб ётарди.

Бу кимнинг оти? Ҳеч ким бундай савол бермади. Бу ердагиларнинг ҳаммаси отнинг Генри Пойндекстерники эканини биларди.

Ҳеч ким от кимнинг қонига беланганини сўрамади. Ота, сингил ва тоғавачча ўзлари паришонлик билан қараб турганлари бу қора доғларнинг Генри Пойндекстер қонидан ҳосил бўлган доғ эканига шубҳа қилмас эдилар.

## ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ БОБ

### ҚИДИРИШГА

Эси оғиб қолган ота сакраб қонга бўялган эгарга минди ва тўппа-тўғри қалъа тарафга от қўйиб кетди. Колхаун ҳам ўз отига миниб, унга эргашди.

Юз берган жинойт тўғрисидаги хабар тезда бутун округга тарқалди. Чавандозлар бу хабарни дарёнинг юқори ва қуйи тарафидаги сетламентнинг энг узоқ плантацияларига ҳам етказдилар.

Ҳиндулар аллақачон қон тўкишга чиқибдилар. Генри Пойндекстер уларнинг биринчи қурбони бўлди. Генри Пойндекстер, шундай мўмин-қобил йигит-а! Бутун Техасда унинг биронта ҳам душмани йўқ эди. Шундай бегуноҳ йигитчанинг қонини команчилардан бошқа ким ҳам тўкиши мумкин?

Инж қалъасидаги майдонда тўпланган чавандозлардан биронтаси ҳам бу жинойтни команчилар қилганига шубҳа қилмасди. Энди фақат бу жинойтни қандай, қаерда ва қачон юз берганини аниқлаш қолди.

Қон доғлари отнинг ўнг биқинида кўпроқ эди. Улар алланарса билан, афтидан, чавандоз жонсиз ҳолда ерга йиқилганда, унинг танаси билан суркалган эди. Уни ё отиб, ё найза билан санчиб ўлдиришган эди.

Тўпланганлардан баъзилари ишонч билан жинойтнинг қачон рўй берганини айтдилар. Уларнинг тахминича, қон тўкилганига ўн соатдан ортиқ бўлмаган. Ҳозир чошгоҳ пайти, демак, жинойт кечаси соат иккиларда юз берган.

Учинчи масала, афтидан, энг қийини эди.

Жинойт қаерда содир бўлди? Мурдани қаердан қидириш керак? Жинойтчиларни қаердан излаш керак?

Қалъа командири раислигида Инж қалъасида сеттментнинг ҳарбийлари ва аҳолиси йиғилишида муҳокама қилинаётган масалалар мана шулар эди. Ғамдан адои тамом бўлган ота индамай бир четда турарди.

Жиноятчиларни қаердан қидириш керак, жиноят юз берган жойни-чи?

Команчилар кўчиб юрадиган жойлар ғарб тарафда. Лекин бу жуда мавҳум гап, чунки улар кўчиб юрадиган жойлар юз милаб ҳисобланади.

Таваккалга йўлга чиқиш ақлдан бўлмасди.

Бундан ташқари, ҳиндулар ҳозир ҳарбий йўлга чиққан эди, шундай экан, уларнинг шарқ тарафдан пайдо бўлишларини ҳам кутиш мумкин. Бундан ташқари, улар бирор стратегик ҳийла-найранг ишлатган бўлишса ҳам ажаб эмас.

Кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб, ҳар тарафга йўл олиш тўғрисидаги таклифни ҳеч ким қўламади, шундан сўнг майор бунга рад қилди.

Ҳиндулар минг киши бўлиши ҳам эҳтимол, уларга қарши эса бу миқдорнинг фақат ўндан бирини қарши қўйиш мумкин. Булар ихтиёрида эликта драгун бор эди, сеттментнинг тинч аҳолиси орасидан яна шунча киши тўпласа бўларди.

Жуда ҳам озчилик бўлиб қолмаслик учун ҳаммалари бир жойда бўлишлари зарур эди.

Бу далил асосли бўлиб чиқди... Майорнинг ўзи ишонч билан қўллаб-қувватлаган бу фикрга ҳатто Пойндекстер билан унинг жияни ҳам қўшилди.

Шундай қилиб, қидиришга битта яхлит гуруҳ чиқарди деб қарор қилинди.

Лекин қайси тарафдан қидириш керак?

Мулоҳазали пиёда аскарлар капитани бу тўғрида Генри Пойндекстерни энг кейин кўрган кишилардан суриштириб кўришни таклиф қилди.

Генри Пойндекстерни энг охири ким кўрган эди? Шубҳасизки, отаси билан тоғаваччаси.

Плантатор ўғлини сўнгги марта кечқурунги овқат вақтида кўрганди ва шундан сўнг у ухлагани кетди, деб ўйлаганди.

Колхауннинг жавоби бундан аниқ бўлмади. У ўз тоғаваччаси билан кечки овқатдан сўнг бир оз суҳбатлашганди, шундан кейин йигитча, унинг тахминича, ухлагани кетганди.

Нима учун Колхаун ҳақиқатда бўлган нарсаларни яширди? Нима учун у ўзи шоҳид бўлган боғдаги учрашув тўғрисида индамади?

Нима бўлганда ҳам, у ҳақиқатни яширди.

Лекин шу пайт сира кутилмаганда иш ойдинлашай деди. Меҳмонхона хўжайини Обердофер чақиришларини кутиб ўтирмай, фавқулодда йиғилишга ўзи келди. Одамлар оломони орасидан ўтиб, у баъзи маълумотларни айтмоқчи эканини билдирди. У Генри Пойндекстерни сўнгги марта ким кўрган ва у қайси тарафга кетган деган саволга жавоб бера олишлигини маълум қилди.

Немис инглиз тилини бузиб, қуйидагиларни сўзлаб берди.

– Капитан Колхаун билан дуэл қилгандан бери унинг меҳмонхонасида ётган Морис мустангер шу кеча аллақадекча жўнаб кетди. Ундан олдин ҳам бир неча кун кечаси шундай қилганди. У алламаҳалда қайтиб келди. Бир гуруҳ ёшлар маишат қилаётгани учун меҳмонхона ҳали очиқ эди. Мустангер у билан ҳисоб қилишни сўради, у анчадан бери ҳисоб-китоб тўғрисида гап очмаганди, шундан сўнг хўжайинни ҳанг-манг қилиб, қарзларини бир пеннисигача қолдирмай тўлади.

У бу пулларни қаердан олганини ҳеч ким билмасди, шунингдек, у нима учун бунчалик шошиб жўнаб кетганидан ҳам ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. Обердофер фақат шуни билардики, Морис Жералд меҳмонхонадан жўнаб кетар экан, одатда ёввойи мустангларни ов қилишга кетаётгандагина олиб юрадиган лаш-лушларининг ҳаммасини ўзи билан олиб кетганди.

Мустангер жўнаб кетганидан йигирма дақиқа кейин эшикни Генри Пойндекстер тақиллатди. У Морис Жералдни кўрмоқчи экан... Унга мустангер жўнаб кетганини айтганларида, қачон, қайси тарафга кетди, деб сўрабди. Керакли жавобни олгандан кейин

ёш Пойндекстер унга кўрсатилган тарафга қараб гўё Морис Жерадни қувиб етмоқчи бўлгандек тез от чоптириб кетибди.

Олинган маълумотда баъзи ноаниқликлар бўлишига қарамай, ҳар ҳолда қидириш ишларига у асос қилиб олинди. Йўқолган одам Морис мустангер билан ёки унинг кетидан кетган экан, демак, уни мустангер жўнаб кетмоқчи бўлган йўлдан қидириш лозим.

– Морис мустангернинг уйи қаёқда? – деб сўрашди немисдан.

Ҳеч ким бунга аниқ билмасди. Баъзи одамлар унинг уйи Аламо дарёсининг мазҳабларидан бири Нуесеснинг юқори оқимида бўлса керак, деб ўйлар эдилар.

Шундай қилиб, йўқолган Генрининг изини ёки унинг мурдасини топиш учун Аламо тарафга қараб йўл олишга қарор қилдилар: ўша тарафда Морис мустангернинг ҳам изини топсалар, эҳтимол. Унда ваҳшиёна қотиллик учун қасос олиш керак бўлади.

## ЎТТИЗ ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

### ҚОН ҲАЛҚОВИ

Қидиришга чиққан гуруҳ жуда эҳтиётлик билан йўл босарди. Бунга жуда жиддий асослар бор эди: ҳиндулар ҳарбий йўлга чиққан эдилар.

Разведкачилар ва уста изқуварлар олдинга юборилди, уларга изларни топиш ва уларни аниқлаш вазифаси юклатилди.

Леона атрофида ҳеч қандай из топилмади.

Қалъадан ўн мил узоқда даштни шимол-ғарб ва жануб-шарқ тарафга, узоқ-узоқларга чўзилиб кетган чангалзор ўрмонлар кесиб ўтади. Лианлар чирмашиб кетган бу ўрмонлар техас жунглиси эди, улар орасидан одам ҳам, от ҳам деярли ўтолмасди.

Қалъа рўпарасида, ана шу чангаллар ичида бир йўлак бор бўлиб, ўртасидан сўқмоқ ўтган эди. Бу Нуесес дарёси юқори оқимида борадиган энг қисқа йўл эди. Икки четидаги дарахтлар текис ўсганидан йўлак роста-

кам аллеяга ўхшаб кетарди. Бу «табиат ўйини» эдими ёки уни одам ўз қўли билан ўтқазганмиди? Эҳтимол, бу команчиларнинг Тамолипа, Коагуила ва Янги Леонага ҳарбий юришлар вақтида очган эски йўларидир.

Изқуварлар бу аллея Аламога олиб боришини билар эдилар, шунинг учун бутун экспедиция худди ана шу йўлакдан юришга қарор қилди.

Кўп ўтмай изқуварлардан бири бир нарса демоқчи бўлгандек чангаллар бошланган жойда тўхтади.

– Нима гап? – деб сўради майор, унинг олдига келиб. – Из борми?

– Ҳа, майор, бўлганда ҳам жуда кўп. Мана бу ёққа қаранг, кўряпсизми?

– От излари!

– Иккита отники, – деди изқувар, мағрурлик билан майорнинг хатосини тўғрилаб.

– Тўғри.

– Бундан нари гўё тўртта из кетганга ўхшайди, лекин бу излар ўша икки от қолдирган излардир. Улар дастлаб йўлакдан юқорига қараб кетганлар, кейин эса орқага қайтиб келганлар.

– Яхши, дўстим Спенглер. Бу тўғрида ўзинг нима деб ўйлайсан.

– Ҳали кўп нарса сирли бўлиб қолмоқда, – деб жавоб берди ҳарбий лагерда разведкачи бўлиб хизмат қиладиган Спенглер, – лекин менга шуниси аниқки, бу ерда одам ўлдирилган.

– Бунга қандай асосларинг бор? Наҳотки мурдани топган бўлсанг?

– Йўқ, мурдани топганимча йўқ.

– Бўлмаса нима топдинг?

– Қон топдим. Катта қон ҳалқобини топдим, у шундай каттаки, гўё бизон<sup>36</sup> сўйилган дейсиз. Ўзингиз бориб кўринг. Лекин, – деб қўшиб қўйди у, – лекин изларни яхшилаб аниқлаб олишимни истасангиз, бошқа ҳамма одамларнинг ўз жойида қолишига буйруқ беринг.

<sup>36</sup> Бизон – Америка ёввойи буқаси.

– Хўп, айтганингча бўлсин, – деб жавоб берди майор. Кейин экспедиция аъзоларига қараб майор бундай деди:

– Мен ҳаммангизнинг бир неча дақиқа ўз жойингизда туришингизни илтимос қиламан. Изқуварим битта текшириш иши олиб бормоқчи, бунинг учун бутун участкани унинг ихтиёрига топширишимизни талаб қиляпти.

Майорнинг талабини ҳатто унга бевосита бўйсунмайдиган одамлар ҳам сўзсиз бажардилар. Спенглер элик қадамча юриб тўхтади.

– Кўрдингизми буни? – деб сўради у ерни кўрсатиб.

– Кўр бўлибманми кўрмай, – деб жавоб берди майор. – Қон ҳалқоби шундай каттаки, сен айтгандек бутун бошли бизон сўйилган деб ўйлаш мумкин. Агар шунча қон одам томиридан оққан бўлса, ишонтириб айтаманки, у тирик эмас.

– Ўлган, – деди изқувар. – Бу қон қуюлмасданоқ ўлиб бўлган.

– Нима деб ўйлайсан, Спенглер, бу кимнинг қонийкин?

– Ҳозир биз қидириб юрган одамнинг. Кекса плантатор ўғлининг қони. Шунинг учун унинг бу ерга келишини истамадим.

– Менимча, ундан ҳақиқатни яширмаслигимиз керак. Бари бир у бир кунмас бир кун билади.

– Гапингиз тўғри, майор. Лекин менимча, аввал қотиллик қандай вазиятда қилинганини аниқлаб олишимиз керак. Мен ана шунга сира тушунолмаяман.

– Бунинг нимасига тушунмайсан. Масала равшан, уни ҳиндулар ўлдиришган. Уни команчилар ўлдиришган.

– Ҳеч-да, – деб жавоб берди изқувар ишонч билан.

– Нега бундай деясан, Спенглер?

– Агар бу ерга ҳиндулар келган бўлса, биз икки отнингмас, қирқ отнинг изини учратган бўлардик.

– Бу гапинг тўғри, албатта. Комагчиларнинг якка-якка ҳолда одамларга хужум қилишларига ишонмайман.

– Бу ерда биронта ҳам команчи ва умуман ҳиндулардан биронтаси ҳам одам ўлдирган эмас. Йўлакда

фақат икки отнинг изи бор. Курганингиздек, бу излар тақаланган отларнинг изи. Команчилар тақаланган от миниб юрмайди. Иккала отда ҳам қизил танлилар эмас, балки оқ танлилар келган. Излардан бири мустанг изи, иккинчиси – америка отиники. Фарб тарафга қараб кетишаётганда мустанг олдинда борган. Орқага қайтишда эса америка оти олдинда, мустанг эса орқада келган. Бир чавандоз иккинчисининг орқасидан қанча масофада бўлганини аниқлаш қийин. Биз буни уларнинг иккаласи орқага қайтган жойда аниқласак, эҳтимол. Улар орқага қайтган жой узоқ бўлмаса керак.

– Хўп, юр ўша ёққа, – деди майор. – Мен ҳозир ҳам маларининг жой-жойида туришлари тўғрисида буйруқ бериб келаман.

Майор одамларга тегишли буйруқни бериб, изкувар орқасидан эргашди.

Излар яна беш юз қадамча жойга чўзилиб кетган эди. Изкуварнинг фарб тарафга боришда олдинда мустанг, кетида эса америка оти борган деган тахмини тасдиқланди.

Изкувар тўхтади.

Излар бундан нари бормасди, иккала от ҳам шу ерда орқага бурилган ва қайтиб кетган эди.

Изкувар отдан тушиб, шу атрофдаги ерни диққат билан кўздан кечири бошлади.

– Улар бу ерда бирга туришган, – деди у бир неча дақиқадан кейин ҳамон ерни кўздан кечирар экан, – турганда ҳам анча туришган. Лекин иккаласи ҳам отдан тушмаган. Улар дўстона суҳбат қилишган, бу кўриниб турибди. Бу ишимизни яна ҳам чалкаштириб юборади.

– Агар гапинг тўғри бўлса, Спенглер, чинакам жодугар экансан. Менга шуни айт, буларнинг ҳаммасини қандай қилиб билдинг?

– Излардан билдим, майор, излардан. Бу жуда осон нарса. Излар баъзи жойларда бир-бирига жуда яқин келишини кўриб турибман. Афтидан, чавандозлар бир-бирларига жуда яқин турган бўлсалар керак, ле-



кин отлар тинч турмаган, улар ер тепиниб турганлар. Чавандозлар бу ерда анча вақт туришган – улар биттадан сигара чекиб улгуришибди. Мана бу ерда уларнинг сигара қолдиқлари ётибди. Кўрдингизми, сигаралар тагигача чекилган.

Изқувар энгашиб, ердан сигара қолдиғини олиб, майорга узатди.

– Мана шу аломатга қараб, – деб давом этди изқувар, – иккала чавандоз, нима бўлганда ҳам, бир-бирларига қарши душманлик кайфиятида бўлмаган деган хулосага келдим. Одамлар одатда бир дақиқадан кейин бир-бирларини сўйиб кетиш учун бирга папирос чекмайдилар. Жанжал фақат улар чекишиб бўлгандан сўнггина чиққан бўлиши эҳтимол. Жанжалнинг бўлганига эса сира ҳам шубҳа қилмайман. Улардан бири иккинчисини бир ёқлик қилганига очиқ ишониб турибман. Бечора кекса Пойндекстер. Энди ўғлини сира тирик кўрмайди.

– Ҳамма ишлар сирли-я, – деди майор.

– Чиндан ҳам!

– Лекин мурда қани – у қаёққа йўқолиши мумкин?

– Худди ана шу менинг бошимни қотиряпти. Уни ҳиндулар ўлдирган бўлганда, мурданинг йўқолиб қолганига мутлақо ҳайрон қолмаган бўлар эдим. Ҳиндулар уни ўзлари билан олиб кетишлари мумкин эди. Лекин бу ерда ҳиндуларнинг бўлганини билдирадиган ҳеч қандай аломат йўқ. Гапимга ишонаверинг, майор, шу икки чавандоздан бири иккинчисини саранжом қилган қўйган. Лекин мурдани нима қилганига сира тушунолмаёпман.

– Жуда қизиқ! – деди майор. – Жуда сирли ҳодиса!

– Бу сирнинг тагига етсак ҳам эҳтимол, – деб давом этди Спенглер. – Бунинг учун отларнинг жинойт содир бўлган жойдан кейинги изларини топишимиз керак. Ана шунда, эҳтимол, бирор нарса билиб олсак ҳам ажаб эмас. Бу ерда бошқа қиладиган ишимиз қолмади! Нима деб ўйлайсиз, бу тўғрида унга хабар бериш керакми?

– Мистер Пойндекстерга демоқчисан-да?

– Ҳа.

– Ўлдирилган одам худди унинг ўғли эканига ишончинг комилми?

– О йўқ! Мен бунга унча ишонмайман. Лекин мен кекса Пойндекстер бу жиноятнинг гувоҳи бўлган отлардан бирини миниб келганига аминман. Мен уларнинг изини солиштириб кўрдим. Агар ёш Пойндекстер худди ана шу отни миниб келган бўлса, уни тирик кўришга умид кам деб кўрқаман. Ҳамроҳининг унинг орқасидан келгани менга ёқмай турибди.

– Спенглер, қотилнинг кимлиги тўғрисида бирор тахмининг борми?

– Шунга бошим қотиб турибди. Агар Обердофер чолнинг гапини эшитмаганимда, Морис мустангер халлимга ҳам келмасди. Тўғри, из тақаланган мустангнинг изи, лекин мен бу мустанг худди Мориснинг оти деб кафил бўлолмайман. Турган гапки, бундай бўлиши мумкин эмас. Ирландиялик йигит арзимаган майда-чуйда нарса учун одам ўлдирадиган бемаъни одамлардан эмас. Менимча, у ҳамма нарсани ўйлаб, ҳисобга олиб иш қиладиган одам бўлса керак.

– Гапингга қўшиламан.

– Шундай қилиб, агар ёш Пойндекстер ўлдирилган бўлса ва уни Морис Жералд ўлдирган бўлса, унда эҳтимол, улар ўртасида ҳалол кураш бўлган ва бу курашда плантаторнинг ўғли мағлуб бўлган. Мен буни ана шундай тушунаман. Мурданинг йўқолиб қолганига ва тўкилган қоннинг кўплигига келсак, бунга сира ҳам тушунолмаяпман. Излари кетидан яна нари боришимиз керак. Эҳтимол, бирор ақлга сиғадиган хулосага келиб қолармиз. Тахминларимни чолга айтсакмикан?

– Йўқ, менимча, бундай қилмасак дейман. У шундоқ ҳам кўп нарсани билади. У бундай аччиқ ҳақиқатга секин-аста келса, менимча, дурустроқ бўлар. Кўрганларимиз тўғрисида унга ҳеч нарса дема. Сен изларни текшириш билан шуғуллан, мен эса уларни бу ердан нарироқ олиб кетишга ҳаракат қиламан.

– Хўп, майор, – деди изқувар. – Орқага қайтган изларнинг қаердан бошланишига ақлим етаётгандек

бўляпти. Мени ўн дақиқача холи қўйинг, кейин эса мен берган сигналга қараб олдимга келинглар.

Спенглер шундай деб қон тўкилган жойга қайтиб кетди. У ерда изқувар изларни яна диққат билан кўздан кечирди-да, кейин ён тарафга йўлакка бурилди.

Ваъда қилинган вақтда унинг қаттиқ ҳуштак товуши эшитилди. Ҳуштак товушига қараб изқуварнинг бир миддан ҳам ортиқроқ четга чиқиб узоқлашиб кетганини ва узоқлашганда ҳам, қон ҳалқоби қотиб ётган жойдан тамом бошқа тарафга қараб кетганини аниқлаш мумкин эди.

Майор ўша тарафга юриш тўғрисида буйруқ берди. У кекса Пойндекстер ва маҳаллий киборлардан бир нечаси билан ёнма-ён олдинда борар эди. Лекин отряд бошлиғи изқувар топган қўрқинчли ва сирли нарса тўғрисида ҳеч кимга ҳеч нарса демади.

### ҚИРҚИНЧИ БОБ

#### БЕЛГИЛИ ЎҚ

Экспедиция йўлакдан эмас, балки ўрмон чангаллари орасидан борди. Майор бу йўлни чол тўкилган қонни кўриб юраги эзилмасин деган хаёлда танлади. Бу қон, майорнинг ўйлашича, унинг ўғлининг қони эди.

Отряд шундай тор сўқмоқдан борар эдики, бу йўлга икки чавандоз ёнма-ён зўрға сиғарди, баъзи жойларда сўқмоқ бир оз кенгаяр, кейин яна тораярди.

Йўлда рўй берган бир воқеа, бир меъёрда давом этаётган сафарга янгилик киритди.

Отряд йўлида учраган майдончалардан бирига чиройлилиги жиҳатдан ҳатто тропик чангалзорлари учун ҳам жуда нодир бўлган йиртқич ҳайвон ягуар сакраб чиқиб қолди. Табиат унинг сариқ терисини жуда ўжарлик билан беаган, терисидаги қора чизиклар, доиралар, доғлар бир-бирига атайдан жуда келиштириб, нозик қилиб улангандек. Каттакон чаққон, кучли чипор мушук чиройли сакраб ўртага чиқар экан, экспедициянинг олдида турган вазифалар ниҳоятда жид-

дий бўлишига қарамай, чавандозларнинг диққатини ўзига тортмай қолмади.

Овчилар бундай ғаниматни кўриб, ўзларини тутиб қололмадилар, икки киши қурол тепкисини босиб қолди ҳам.

Булар Кассий Колхаун билан унинг ёнида бораётган ёш плантатор эди.

Узилган ўқлардан бири ягуарга тегди ва чангалзор гўзалини йиқитди.

– Бундай усталик билан отган ким бўлди? Уларнинг иккаласи, Колхаун ҳам, плантатор йигит ҳам, унга менинг ўқим тегди деб даъво қилдилар.

– Мен ҳозир исбот қиламан, – деди капитан ишонч билан, отидан тушар экан. У ёнидан пичоғини олди-да, одамларга қараб деди. – Агар бунга теккан ўқ меники бўлса, унда менинг исмим – «К.К.К.» ҳарфлари ёзилган бўлади. Менинг ўқларим махсус буюртма билан тайёрланган, шунинг учун ўқим теккан нарсани доим ажратиб оламан.

Ягуар танасидан чиқариб олган ўқни Колхаун шундай тантана билан кўрсатиб турар эдики, бу унинг тўғри айтганига гувоҳлик берарди. Синчков одамлар ўқни ўз кўзлари билан кўриш учун яқин бордилар: ўқда ҳақиқатан ҳам капитаннинг исми ва фамилиясининг бош ҳарфлари кўриниб турарди.

Кўп ўтмай саёҳатчилар изқувар турган жойга етиб бордилар-да, янги излар кетидан кетдилар.

Бу излар энди иккита тақаланган отнинг изи эмасди. Изқувар фақат битта отнинг изини ажрата олди, из шундай сезилар-сезилмас эдики, баъзи жойларда уни изқуварнинг ўзидан бошқа ҳеч ким ажратолмасди.

Бу из чангаллар орасидан борарди, баъзи-баъзида чангаллар орасидаги майдончаларга олиб чиқарди ва ниҳоят, доира ясаб, саёҳатчиларни ғарбнинг анча узоқ бир очиқ жойига бошлаб келди.

Спенглер из кетидан тез борарди. Отряд унинг кетидан қолмасди. Спенглер бу изнинг дўстона вазиятда чекиб ташланган икки сигара қолдиғи ва қон ҳалқоби

топилаган жойда изи кўринган худди ўша мустангнинг изи эканини биларди.

Изқувар бир ўзи қолган қисқа вақт ичида америка отининг изини ҳам ўрганди. У бу из ўзлари ўтиб келган ўша даштга олиб боришини тушунди, кейин эса, излар уларни Леонадаги сеттаментга олиб борса ҳам ажаб эмасди.

Лекин қонли фожианинг сири бунда эмасди, мустанг изидан борилса, кўпроқ нарса билиш мумкиндай туюларди; у из бу қонли сирнинг очилишига ёрдам берса, эҳтимол, қотилнинг қароқчилик уясига бошлаб борса ҳам ажаб эмас.

Лекин бу из уни терак тагида бир-бирини кесиб ўтадиган излардан камроқ бошини қотирмади.

Бу из одатдагидек, бирон бир манзилга етишни мўлжаллаб бораётган отнинг изи сингари тўғри бормасди.

Из гоҳ илон изи бўлиб кетар, гоҳ кичик-кичик доиралар ясар, гоҳ, тўғри кетар, сўнг яна бир жойда айланарди. Бундан шундай бир таассурот қолардики, ё мустангнинг устида чавандози йўқ эди ёки у эгарда ўтириб ухлаб қолганди.

Бу из ҳозиргина одам ўлдириб, қочиб кетаётган жиноятчининг оти қолдирган измасмикин.

Спенглер бундай фикрда эмасди. У умуман нима деб ўйлашни ўзи ҳам билмасди. У ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳайрон эди. Буни у очиқчасига майорга айтди.

Экспедиция из кетидан бораверди. Экспедиция аъзоларининг ҳаммаси ҳам нима бўлишини билмай қийналарди. Лекин бирдан бу ҳис зўр қўрқув билан алмашинди.

Қаршингиздан баҳузур от миниб ўтирган чавандоз бирдан пайдо бўлса, бундай қараганда у даштда от миниб юрган ҳамма чавандозлардан фарқ қилмаса-ю, унга диққат қилиброқ қарасангиз, бирдан унинг... боши йўқ эканини кўриб қолсангиз, нима деб ўйлаган бўлардингиз? Бундай ғалати янгилик сизни кўрқитиб юбормаса, жуда қизик бўлар эди, албатта.

Экспедиция иштирокчилари қаршисида худди ана шундай бир чавандоз пайдо бўлди. Гуё таги йўқ жар

ёқасидан чиқиб қолгандек кўрқиб кетган одамларнинг ҳаммаси шартта от жиловини тортиб тўхтатдилар.

Қуёш жуда пастлаб қолган, деярли ўтлар билан бараварлашиб ботиб бормоқда эди, шунинг учун одамларнинг кўзини қамаштириб ва яхшироқ кўриб олишга йўл қўймай, унинг нурлари тўппа-тўғри кўзга урарди. Шунга қарамай ҳамма улар қаршисида пайдо бўлган бу ғалати нарсанинг бошсиз чавандоз эканини аниқ кўра олди.

Агар буни экспедиция иштирокчиларидан фақат биттаси кўрганда, уни масхара қилиб кулган ва жинни деб атаган бўлардилар. Лекин бу манзарани бир неча ўн киши кўрганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Бошсиз чавандоз бизнинг саёҳатчилар турган йўлакнинг нариги бошидан кела бошлади. Агар у йўлида давом этса, тўппа-тўғри бизнинг чавандозлар олдида келган бўларди, лекин чавандозларимиз у билан рўпара бўлишга юрак қила олсаларгина шундай бўлиши мумкин эди, албатта.

Бу даҳшатли ҳолни кўриб турганлар на хаёлий шарпаларга, на муъжизавий кучларга ишонадиган кишилар эди. Улардан кўплари ер шарининг жуда хилват бурчакларида бўлган одамлар эди, улар табиатнинг кутилмаган ўжарликлари билан тўқнаш келган ва унга қарши курашган одамлар эди. Бундай одамлар хаёлий шарпаларга ишонармиди!

Шундай бўлишига қарамай очикдан-очиқ ғайритабиий бир манзарани кўрганда, уларнинг энг ақли расолари ҳам бунинг реаллигига шубҳа қила бошладилар ва фикран: «Бу хаёлий бир шарпа. Лекин ҳақиқатда бундай бўлиши мумкин эмас-ку, ахир!» деб такрорлай бошладилар.

Аммо фалсафа тўқиб ўтиришга вақт йўқ эди. Одамларни кўр қилиш даражасида нур сочаётган қуёшдан кўзларини пана қилиб, одамлар бу ғалати чавандозга кўрқинч билан тикилиб турардилар.

Унинг на кийими ва на отининг рангини ажратиб бўларди. Қуёш тўғридан нур сочиб турганида рангни

ажратиб бўлармиди. Фақат унинг қораси кўриниб турарди. Бу заррин нурли осмон фонида кўриниб турган чавандоз қораси эди.

– Бу от миниб олган иблис! – деб қичқириб юборди кўпни кўрган чегарачилардан бири, одатда уни ҳеч нарса билан чўчитиб бўлмасди. – Қасам ичиб айтаманки, бу иблиснинг ўзгинаси!

Чавандоз гўё бу қичқириқдан кўрқиб кетгандай отини шартта бурди. От қаттиқ кишнаб, отряддан нари қочиб кетди.

Бошсиз чавандоз қуёш тарафга қараб йўл олди ва то кўздан йўқолгунча шу хилда давом этди.

## ҚИРҚ БИРИНЧИ БОБ

### ТҮРТ ЧАВАНДОЗ

Ўша нутилмас қуни эрталаб Инж қалъасидан даштга фақат майор бошчилигидагина бир гуруҳ чавандозлар чиқмаган эди. Улардан анча олдин тонг отар-отмас худди ўша тарафга – Нуесес дарёси тарафга тўрт чавандоздан иборат кичкина бир отряд йўлга чиқди.

Бу гуруҳ Генри Пойндекстерни излаб сафарга чиққан эмасди. Улар йўлга чиққанда, йигитчанинг ҳалок бўлганини ҳали ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмасди, ҳатто унинг ғойиб бўлиб қолганини ҳам ҳеч ким билмасди.

Бу тўрт чавандоз мексикаликлар эди.

Буни ажратиб олиш қийин эмасди. Уларнинг от устида ўтириши, оёқлари мускулларининг бақувватлиги, елкаларидан осилиб тушиб турган серапеларнинг ярқироқлиги, духоба шалварлари, этикларидagi шпорлар, ниҳоят бошларидаги қора сомбреролар – буларнинг ҳаммаси чавандозларнинг мексикалик эканидан ёки мексикаликларга тақлид қиладиган кишилар эканидан дарак берарди. Лекин тўрт чавандоз шубҳасиз мексикаликлар эди.

Таналарининг қорачалиги, қора қалин сочлари, чўққи соқоллари, юзларининг чиройлилиги – булар-

нинг ҳаммаси ҳозир **астек**<sup>37</sup>ларнинг қадимий ерларини эгаллаб олган испано-мексикалик типдаги одамлар учун характерли эди.

Чавандозлардан бири ҳамроҳларига қараганда чайирроқ одам эди. У энг чиройли отда борарди, кийим-боши яхши, қурол-яроғлари нафис ишланганди, барча аломатлардан бу тўртовлоннинг каттаси экани кўриниб турарди.

У қирқларга кирган бир киши эди. Агар қарашлари совуқ ваҳшиёна бўлмаганда, салқиган юзи ахлоқининг бузуқлиги ва бағритошлигидан дарак бериб турмаганда, уни ҳатто чиройли деса ҳам бўларди. Бу Дашт Бўриси эл-Коётнинг худди ўзгинаси эди. Эл-Коёт даштда азонда кўринишидан хушёр, ўз ўртоқларини бошлаб нима қилиб юрибди? Ахир бундан бир неча соат илгари уни гандираклаб юрганини кўрган эдилар...

Бирдан рўй берган ва бир оз ғалатиноқ туюлган бу ўзгаришни изоҳлаб бериш қийин эмас.

Колхаун жўнаб кетар экан, чайланинг эшигини ёпмади, эшик эрталабгача очик ётди.

Тонг пайти эл-Коёт совуқдан уйғонди. Совуқ унинг ҳушини бошига келтирди. У сакраб каравотдан тушди, совуқни ва шунча совуқни ичкари киргизган эшикни сўкиб, чайла ичида гандираклаб юра бошлади.

Вақт ҳали жуда эрта бўлганидан ғира-шира тушаётган ёруғ чайлани сал ёритиб турарди. Эл-Коёт қоқилиб-суқилиб ва сўкиниб, то қидирган нарсаси, ичкилиги турадиган катта флягани топмагунча, чайла ичида тентираб юрди.

– Оббо! – деб шовқинлади у флягани жаҳл билан силкитиб кўрар экан. – Бир томчи ҳам қолмабди! Тилларим тишларимга ёпишиб қоляпти. Гўё бир манқал

<sup>37</sup> Астекар юксак қадимий маданият эгалари бўлган ҳинду халқи. Улар Мексика ҳудудида яшар эдилар, Америка очилгандан кейин кўп ўтмай, улар Кортес бошчилигида испанлар томонидан бўйсундирилган эди; уларнинг оқ тошлардан қурилган шаҳарлари вайрон қилинди, китоблари куйдирилди, пойтахтлари бўлган Тенохтитланнинг битта ҳам бутун тоши қолдирилмади.



чўғ ютиб юборгандек томоғим ёниб кетяпти. Падари-га лаънат! Ортиқ чидаёлмайман. Лекин нима қилиш керак? Ғира-шира вақт бўлибди. Шаҳаргача боришга тўғри келади. Сеньор Дуффер саҳар кезде шоввозларга аллақачон қопқон қўйган бўлса ҳам эҳтимол. Агар шундай бўлса, унинг қопқонига эл-Коёт тушади!

Эл-Коёт фляганинг қайишини елкасига осиб ва сепалесини ёпиниб септаментга жўнади.

Йигирма дақиқадан кейин у майхонага етди.

Омади келди. Обердофер аллақачон майхонада экан. У ўзининг азонги меҳмонларини майхонада томоқ хўлаб олиш учун қоровуллар ёнидан ўғринча ўтиб келган бир неча солдатга хизмат қилаётган экан.

– Азизим, мистер Диаз! – деди хўжайин, янги меҳмонни табриклаб, сўнг насияга ичаётган олтига меҳмонни бетакаллуф ташлади-да, нақд пул тўлайдиган (буни у аниқ биларди) битта меҳмон қаршисига юрди. Бунча вақтли турибсиз? Кўнглингиздагини билиб турибман. Флягангизни мексика ичимлиги билан тўлдириб беришимни хоҳлайсиз, номи нимади аҳ... аҳ... Уни нима деб атардингиз?

– Агвардиенте!<sup>38</sup> Топдингиз, кавалеро. Худди ўша нарсани сўрамоқчиман.

– Бир доллар. У бир доллар туради.

– Сарамба! Унинг баҳосини яхши билиб олай деб бир неча бор пул тўлаганман. Мана пул, мана идиш. Тўлдириб беринг, лекин тезроқ.

– Шошилаясизми, мистер Диаз? Куттириб қўймайман. Сиз, афтидан, ёввойи от овига шошилаётганга ўхшайсиз. Агар от уюрида яхши отлар бўлса, ирландиялик йигит сиздан олдинроқ тутиб олмаса эди деб қўрқаман. У менинг уйимдан кечасиёқ жўнаб кетди. Бу мистер Морис Жералд жуда ғалати меҳмон-да! Ундан нима кутиш кераклигини ҳеч ким ҳеч вақт билмайди. Менинг унга ёмонлигим йўқ. Мен учун у жуда яхши кўноқ эди. У анчагина бўлиб қолган қарзини бой

<sup>38</sup> Агвардиенте – ўткир вино.

одамлардек сахийлик билан тўлаб кетди. Чўнтаклари тўла доллар.

Мексикалик от овчиси Обердофернинг бу гапига жуда қизиқиб қолди. Бу унинг ҳайрон қолгани сезилар-сезилмас ихраб юборганидан ва типирчилаб қолганидан билинди.

Лекин ўзининг қизиқсинишини одамлар сезишини истамади. Обердофердан буни суриштириш ва шу билан ўзининг сирини билдириб қўйиш ўрнига у лоқайдлик билан жавоб берди:

– Бунинг менга дахли йўқ, кавалеро. Даштда ҳаммамизга етарли от топилади. Ҳаммамизга етади. Саломат бўлинг, сеньор, энди эса менга агвардиентени беринг.

Бир оз ғийбат қилиб олиш имкониятига эга бўлолмай қолган немис ранжиди, тезлик билан флягани винога тўлдирди. Гапни бошқа давом эттиришни истамай, у мексикалик овчига винони узатди, бир доллар пул олди ва ўзининг доимий меҳмонлари олдига қайтди.

Диаз чанқаб ўлаёзганига қарамай майхонадан идишнинг оғзини очмай чиқди, у винони ҳатто унутиб ҳам қўйгандек эди. У энди ичиш орзусидан ҳам устунроқ келган бошқа бир ўй билан банд бўлиб қолганди.

Бир дақиқа ҳам вақтни бекор ўтказмай, у ўз мустангига минди ва сетлмент атрофидаги учта чайлага кириб чиқди, шундан сўнг ўз кулбасига жўнади. Чайласига борар экан, йўлда эл-Коёт чайласи яқинида тақаланган от изини кўриб қолди.

– Сарамба! Бугун кечаси бу ерга америкалик капитан келибди. Минг лаънат! Ғира-шира эсимда бор, лекин мен буни тушимда кўрдим деб ўйлабман. Унинг бу ерга нима учун келганини сезиб турибман. У дон Мориснинг жўнаб кетганидан хабардор бўлган. У яна келса керак! Ҳа-ҳа! ҳаммасини усиз ҳам болаймиз. Менга унинг ортиқча йўл-йўриқ кўрсатишининг ҳожати йўқ. Милл песос<sup>39</sup> Бу қандай бахт! Уларни қўлга киритишим биланоқ, Рио-Грандега жўнайман, Исидора билан ишни қандай қилиб битиришни ана ўшанда кўрамиз.

<sup>39</sup> Милл песос – минг тилла.

Эл-Коёт ўз чайласида кўп бўлмади. У бир неча бўлак қовурилган гўштни нари-бери ямлаб ютди ва кучли агвардиентедан бир неча қулгум ичиб олди. Кейин дам олиб турган отини тутди, эгарлади, каттакон шпорни оёғига тақди. Эгарга кичкинагина бир карабин илди, белбоғига иккита тўшпонча қистирди ва сакраб эгарга минди-да, от чоптириб кетди.

Даштга чиқишдан олдин у яна сеттламент атрофидаги ўртоқлари билан учрашган чайлаларга кириб чиқди.

Эл-Коётнинг учала ёрдамчиси унинг режаларидан хабардордек эдилар. Ҳар нима бўлганда ҳам улар ўзларининг кўзлаб бораётган ерлари Аламо эканини билардилар. Йўлнинг бошланишидаёқ улар Диаз четга бурилганда бошқа йўлдан кетяпсан деб қичқирдилар.

– Мен Аламони жуда яхши биламан, – деди улардан бири, у ҳам мустангер эди. – Мен у ерда жуда кўп ов қилганман. У бу ердан жануби-шарқий тарафда. Унга энг яқин йўл ҳов анави йўлакдан ўтади. Сиз жуда ҳам ғарб тарафга оғиб кетдингиз, дон Мигуэл.

– Йўғ-е? – деди истеҳзо билан Диаз. – Сиз отларимизнинг тақаланганини ёдингиздан чиқаряпсиз, сенъор Винсенте Барахо. Ҳиндулар Инж фортидан тўғри Аламога сира ҳам бормайдилар. Тушундингизми гапимга?

– Тўғри айтдингиз! – деб жавоб берди Барахо. – Сарамба! Мен бу тўғрида ўйламабман.

Эл-Коётнинг ҳамроҳлари бошқа ҳеч қандай гап-сўзсиз унга эргашдилар. Улар то ўрмонга етгунларича чурқ этиб оғиз очмадилар.

Чангаллар орасига етиб олгач тўрттовлари ҳам отдан тушдилар-да, уларни дарахтга боғлаб қўйдилар.

## ҚИРҚ ИККИНЧИ БОБ

### КАЛХАТЛАР ЙИҒИЛДИ

Дашт тепасида қора калхатларнинг тўда-тўда бўлиб учиб кириши жанубий Техас даштларидаги оддий манзара, шунинг учун бу ерларда саёҳат қилган киши бундай манзарани албатта кўрган.

Юзлаб калхатлар бир тўдага йиғилиб олиб, осмонда катта-катта доиралар ясайди ёки чарх уриб учиб юрадилар: гоҳ ўтларга, гоҳ дарахтларнинг учига тегай-тегай деб учади, гоҳ қанот қоқмай бирдан юқорига парвоз қилади. Осмонда уларнинг қоп-қора шарпаси аниқ кўриниб туради.

Бундай манзарани биринчи марта кўрган саёҳатчи қушларни томоша қилиш учун беихтиёр отини тўхта-тади. Ҳатто калхатлар галасини кўп кўрган одамлар ҳам бу йиртқичлар нима учун тўпланди экан деб ўйла-ламасдан ўтиб кетолмайди. Улар бекорга айланиб юр-майди. Улар фалокатни сезган бўлади.

Саёҳатчи кўрса-кўрмаса йиртқичлар учиб юрган жойнинг тагида, ерда ярадор бўлган бирор ҳайвон ёки ҳайвон эмас, балки ўлган ёки ўлаётган бирон одам борлигини билади.

Уч чавандоз даштни кесиб ўтган ўша мудҳиш кечадан кейин тонг отганда, худди йўлак буриладиган жойда, дарахтлар тепасида қора калхатлар галасининг чарх уриб учиб юрганини кўриш мумкин эди. Тонг отар пайтда биронта ҳам калхат кўринмасди. Лекин бир соат ҳам ўтмасдан, бу ерда юзлаб калхатлар қанотларини кенг ёзиб айланиб учиб юра бошлади; кўм-кўк ўрмон тепасида уларнинг қора соялари ёқимсиз кўринадди.

Калхатлар бекорга айланиб юрмас эди.

Ўрмонда, ўқувчиларимизга маълум бўлган қон ҳалқоби қотиб ётган жойдан чорак мил нарида, ерда, чиройли бир йигит ётарди. Ажал унинг афтига раҳна солмаган эди.

У ўлганмиди?

Бир қараган одам уни ўлган деб ўйлаган бўларди. Гавдасининг чўзилиб ётиши ва юзининг кўринишига қараб, бунга ҳеч ким шубҳа қилмасди.

У тошлоқ ерда оёқ ва қўлларини гўё эплаб ололмай қолгандек кенг чўзиб ётарди.

Сал нарида азим бир эман дарахти бор эди, лекин у ўз сояси билан йигитни офтобдан ҳимоя қилмасди, оқ панама эса унинг бошини салгина беркитиб турарди,

чакалакзорга эндигина туша бошлаган қуёш нурлари чалқанча ётган йигитнинг рангсиз бетида ўйнади.

У ўлганмиди ёки йўқми?

Калхатларнинг ҳаракатига қараганда уни ўлган деб ўйлаш мумкин эди.

Лекин бу сафар инстинкт йиртқичларни алдади, чўзилиб ётган одам кўзини очди.

Бунга тўппа-тўғри унинг юзига тушаётган қуёш нурлари сабаб бўлдимми ёки бир оз дам олгани уни ҳушига келтирдими, ҳар ҳолда йигит кўзини очди ва қимирлай бошлади.

Бир оздан сўнг у тирсагига суяниб бир оз кўтарилди ва ҳайрон бўлиб атрофига кўз ташлади. Калхатлар жуда осмонлаб кетди.

– Ўлдимми ёки тирикманми? – деб шивирлади йигит. – Тушимми ё ўнгдами? Нима гап ўзи? Мен қаердаман?

Қуёш нурлари унинг кўзини қамаштирарди. У кўзлари устини қўли билан пана қилмай атрофга қараёлмасди, лекин ўшанда ҳам нарсаларни ғира-шира кўрарди.

– Тепамда, атрофимда дарахтлар кўриняпти... Тагим ҳаммаси тош... Бу ерга қандай келиб қолдим?.. Ҳа-ҳа. Эсимга тушди! – деди йигит бир оз ўйлаб олгандан сўнг. – Бошим билан дарахтга келиб уриладим. Гап ана шунда. Мени эгардан учуриб юборган шох анави... Чап оёғим оғрияпти. Нима гап ўзи? Наҳотки синган бўлса?

Йигит ўрнидан турмоқчи бўлди, лекин туролмади, оғриётган оёқ хизмат қилишдан бош тортди, тиззаси жуда шишиб кетган эди.

«От қани? Кетиб қолган, албатта. Ҳозир у алақачон Каса-дел-Корво отхонасида бўлса керак. Ундан хавотир олмасам ҳам бўлади. Мабодо у шу ерда бўлганда ҳам мен унга минолмаган бўлардим... Ё раббий, кўп қизиқ иш бўлди-да! Отнинг кўрқиб кетганича ҳам бор... Энди нима қилсам экан? Оёғим синганга ўхшайди. Битта-яримтанинг ёрдамисиз жойимдан қимирлаёлмайман. Лекин бу ерга бировнинг келишидан умид қилиб бўладими?.. Уҳ, ярамас йиртқичлар-ей! Улар гўё менинг ўлганимга сира шубҳа қилмагандек тумшуқларини чў-

задилар-а!.. Бу ерда қанча ётганикинман? Қуёш ҳали унча кўтарилмабди. Эгарга тонг отарда минган эдим. Бу ерда бир соат ҳушсиз ётган бўлсам керак. Иш чатоқ. Оёғим синган бўлса керак, бу орада эса хирург йўқ... Техас чангаллари орасидаги тош ўрин... Чангаллар чор атрофга бир неча милаб чўзилиб кетган, бир ўзим бу ердан чиқиб кета олишимга умид қилишнинг ҳожати ҳам йўқ. Бу ерга эса одам келмайди. Ерда бўрилар, осмонда калхатлар, холос. Жиловни қўйиб юбориб йўл юрмасам нима қилар экан-а?»

Йигитнинг қош-қовоғи солинди. Унинг қош-қовоғи ўзи тушиб қолган вазиятнинг қанчалик хавфли эканини тушунган сари баттар солинди.

У бир марта ўрнидан туришга ҳаракат қилиб кўрди, бир амаллаб ўрнидан турди-ю, лекин бир оёғигина хизмат қила олишини, иккинчи оёғини босиб бўлмаслигини дарҳол тушунди.

Яна ётиб олишга мажбур бўлди.

Шу хилда у қимирламай яна икки соат ётди. Ўрмонда ҳар замонда унинг ёрдамга чақирган товуши эшитилиб қоларди. У овозини бари бир ҳеч ким эшитмаслигига ишонгунча қичқираверди.

Қичқиравериб томоқлари қуриб кетди ва ниҳоятда ташна бўлди. Ташналик зирқираб оғриётган оёғини ҳам унутар даражага етгунча тобора кучая борди.

«Агар шу ерда ётаверсам, чанқоқдан ўламан, – деб ўйлади ярадор. – Бутун кучимни йиғиб, сув бор жойга етиб олишим керак. Агар унутмаган бўлсам, шу орада бир ариқ бўлиши керак. Мен унга судралиб бўлса ҳам, эмакласам ҳам етиб олишим керак».

Эмаклаб? Лекин бир ёқ тиззам ҳеч нарсага ярамай қолган-ку. Нима қилиш керак? Бари бир бир унаб кўриш керак. Бу ерда қанча ётсам, шунча ўзимга қийин. Қуёш аямай қиздира бошлади. У миямни қайнатиб юборяпти. Ҳушимдан кетиб қолишим мумкин. унда бўрилар, калхатлар...

У бу қўрқинчли хаёлдан чўчиб турди-да, жим қолди. Бир неча дақиқадан кейин ярадор яна тилга кирди:

Йўлни билсам эдим! Ариқни яхши эслайман. У бўрли дашт тарафда, бу ердан жануби-шарқ томондан оқади. Ўша тарафга бориб кўрай.

Бахтимдан бўлиб, мен энди қуёшга қараб мўжал қила оламан. Ишқилиб кучим етса бўлгани!

Шундай деб ярадор чангаллар орасидан судралиб сурила бошлади. У тошлоқ ердан жароҳатланган оёғини худди калтакесакдек судраб эмаклай бошлади.

Дам олиш ва куч йиғиш учун у тез-тез тўхташга мажбур бўларди. Ахир одамзот учун бундай ғайритабиий бир ҳолда – тизза ва қўлини ишга солиб, айниқса, тиззаларидан бири бўйсунмай қўйган бир пайтда, судралиб юриш осон эмас-да.

Йигит секин илгарилаб борди, лекин бу ҳам уни жуда қийнаб юборди. Бунинг устига бу саёҳат шунинг учун ҳам оғир эдики, ярадор қаёққа бораётганини, тўғри йўл юряптими ёки йўқми эканини билмасди. Эҳтимол, бутун қилган ҳаракати бекор кетар.

Фақат ўлим хавфигина йўлда давом этишга мажбур қиларди.

Ярадор чорак милча судралиб борди, ана шунда миясига бошқа бир усулда йўл юришнинг иложи йўқмикан деган фикр келди.

«Оёғимни судраб боссам ҳам юришга бир уриниб кўрсам бўларди. Лекин бунинг учун қўлтиқтаёқ керак... Э, пичоғим ёнимда-ку, ахир! Мана бунга ярайдиган дарахт ҳам – пакана эман кўриниб турибди».

Ярадор ёнидан овчилик пичоғини олди, дарахтни кесди ва ундан қўлтиқтаёқ ясади. Қўлтиқтаёққа таяниб, йигит ўрнидан турди ва ҳамон илгаригидек жануби-шарқ тарафга қараб юришда давом этди.

У қуёшга қараб мўлжал олиб борди. Ўрмон чангаллари тез-тез унинг йўлини тўсиб кўярди, шунда дарахтлар сийракроқ ўсган жойлардан юриш учун у ерларни айланиб ўтишга мажбур бўларди. Ариқнинг сойликдан оқиб ўтишини билганидан, у ердаги бошқа белгиларни ҳам эътиборга олиб борарди.

Шу хилда секин-аста илгарилаб, дам олиш учун тез-тез тўхтаб, йигит ниҳоят бир мил йўл босди. Шу ерда у

хайвонлар изига дуч келди. Излар билинар-билинемас кўринса ҳам, лекин тўғрига кетган эди. Афтидан, бу сўқмоқ хайвонлар сув ичгани бирон бир ариқ, ҳовуз ёки булоққа борадиган йўл эди.

Энди ярадор на қуёшга, на қияликка ва на паст-баландликка эътибор қилди, хайвонлар изидан тезроқ юришга ҳаракат қилди. Ҳар замонда бир ўзининг илгариги йўл босиш усулини қўллаб эмакларди, чунки қўлтиқтаёққа таяниб йўл босиш уни жуда қолдан тойдириб қўймоқда эди.

Лекин кўп ўтмай хурсандлик кайфияти ўрнини афсус эгаллади: хайвонлар ўтган сўқмоқ тамом бўлди, у атрофини зич чангаллар ўраб олган майдончага чиқиб узилиб қолди. Йигит хайвонлар сув ичадиган ер бу томонда эмас, балки сўқмоқнинг нариги тарафида эканини тушунди.

Орқага қайтишдан бошқа илож қолмади.

Чанқоқдан ўлаёзган ярадор ўзининг охирги кучини тўплаб йўл босарди, лекин дақиқа сайин мадори қуриб бормоқда эди. Ўзи оралаб бораётган дарахтлар деярли соя бермасди – бу дарахтларнинг кўпчилиги майда баргли акаслар, улар орасида учраб турган сертикон кактуслар ва агава дарахтлари эди. Чошгоҳ қуёши ора-сира олов сочарди.

Ярадор қора терга тушиб кетди, чанқоқ жон-ганини ўртаб юборди.

Йўлида унга тез-тез мезкитанинг серсув мевалари учраб турди – уларни узиб олиш учун қўлини чўзса кифоя эди. Лекин йигит уларнинг чучмал эканлигини ва чанқоқ босмаслигини биларди, шунингдек, у кактус шираси билан тахир ва бемаза агава мевасининг ҳам ташналикни қондирмаслигидан хабардор эди.

Тўғри йўлдан кетаётган бўлса ҳам уни, то ариққа етиб боргунимча кучим етармикин ёки етмасмикин деган шубҳа тобора кўпроқ қийнай бошлади. Оғриётган оёғи ниҳоятда шишиб кетди. Энди қандай йўл босиш керак? Энди биргина йўл – ётиш-у, ўлиш қолгандек эди.



Ўлим бирдан келмайди. На дарахтга урилган боши, на лат еган оёғи ўлимни тезлатади. Унга чанқоқдан ўлишдек энг азобли ўлим таҳдид қилар эди.

Бу фикр ярадорни яна кучларини йиғишга мажбур қилди. Қимирлаганда оёғи зирқираб оғриси ҳамки у олға интиларди.

Қора калхатлар ҳамон унинг устида айланиб юрардилар. Уларнинг сони камаймас, балки тобора ортиб борарди. Ғанимлари ҳали судралиб юрган бўлса ҳам, лекин қушлар унинг яқин орада узилишини инстинктив равишда сезиб турарди.

Уларнинг қора соялари ярадорнинг йўлида тез-тез кўриниб қоларди. Тепасида гўё ўлим парвоз қилаётгандек туюларди.

Атроф жимжит.

Калхатлар товуш чиқармай учиб юришарди – ҳатто яқин орада қўлга кириши лозим бўлган ғаним ҳам уларнинг осмонни тўлдириб қичқиришларига сабаб бўлмади. Атрофга олов пуркаётган қуёш чигирткаларни ва қурбақаларни тинчитиб қўйган, кумуш ранг калтакесак тошлар тагига кириб мудраб ётарди.

Ўрмондаги жимликни бузаётган бирдан бир товуш тиканли ўсимликларга илиниб шитирлаётган жафокашнинг кийими ва унинг ёрдамга чақириб бефойда қичқираётгани эди, холос.

Кактус ва агаванинг тиканлари унинг юз ва қўллари тирнаб ташлади, бетидан тер аралаш қон оқарди.

Ярадор тамоман куч-қувватдан кетиб, қутулиб қолишдан умидини узди ва муккасидан тушиб ерда чўзилиб қолди.

Лекин сира кутилмаганда бу унинг қутулишига сабаб бўлди. Қулоғини ерга қилиб ётар экан. Эшитилар-эшитилмас товуш қулоғига урилди. Бу худди ўзи ҳар он кутаётган товушнинг ўзгинаси эди. Бу сувнинг шилдираган товуши эди.

Одам тантанали қичқириқ билан ўрнидан турди, қўлтиқтаёғига таянди ва қуйилиб келган янги куч билан яна йўлга тушди. Ҳатто оғриқ оёғи ҳам ишга яраётгандек туюларди.

Ҳаётга муҳаббат устун келди. Ярадор ўн дақиқалардан кейин чанқоқдек оддий бир нарсани шунча азоб берганига тушунолмай, зилол сувли ариқ бўйидаги майса устида чўзилиб ётарди.

## ҚИРҚ УЧИНЧИ БОБ

### МУСТАНГЕР ЧАЙЛАСИДА

Мустангернинг чайласига кўз ташлайлик. Унинг содиқ хизматкори Фелим чайланинг ўртасида стулда ўтирибди. Ўчоқ олдида ёзиб қўйилган тери устида ит ётибди.

Мустанг териси билан қопланган эшик илгаригидек ўз жойида турибди. Ўша оддий стол, ўша каравот, ўша стуллар.

Виски тўлатиб қўйилган идиш илгаригидек бурчакда, ўз жойида турибди. Фелимнинг кўзи чайладаги бошқа нарсалардан ҳам кўра кўпроқ ўшанга тез-тез тушади, унинг назари қаёққа қарамасин тол новдасидан тўқилган филоф ичидаги ўзига тортувчи ўша шишага тушаверади.

– Ҳа, бойлигим менинг, шу ердამисан! – дер эди у, идишга эҳтимолки, йигирманчи марта қараб. – Ахир сенинг ажойиб қорнингга икки кварталдан ортиқ виски сифади. Агар ўшанинг ўндан бири бўлса ҳам менинг қорнимга тушса, овқат ҳазм қилишимга қандай ёрдам берган бўларди! Шундай эмасми, Тара? Нима дейсан, менинг қари итим?

Ит ўз номини эшитиб, бошини кўтарди ва мендан нима истайсан, дегандек қилиб атрофга савол назари билан бир-бир қараб чиқди.

– Мен сендан шиша ичидаги вискининг ҳаммасини сўраётганим йўқ бундай қилиш ярамаслигини ўзини ҳам биламан. Бир стакангина бўлса кифоя! Лекин хўжайин тайинлаб қўйгандан кейин мен бир қултум ҳам ичолмайман. Бунинг устига бугун лаш-лушларни йиғиштириш ва йўлга ҳозирлаш билан овора бўлиб роса чарчадим! Тилим танглайимга ёпишиб қолди. Морис идишга тегмасликка ваъда олгани чакки бўл-

ди-да! Унинг кимга ҳам кераги бор дейсан? Бу ерда ниҳоятти бир кечагина тунаб яна септментга қайтамыз. деб хўжайиннинг ўзи айтди, ахир. Бир кечада икки кварт вискини ичиб тугатолмайди-ку, ахир! У билан бирга кекса гуноҳкор Стумп келса, бу бошқа гап. Ана унда эҳтиёт бўласан! У бундан ҳам кўпини ичиб юборади! Фақат Баллибалахга жўнашимизни ўйлаб ўзимизни овутишимиз қолади, холос. Уҳ, мана бу американча маза-матрасиз ичимлик ўрнига ўзимизнинг чинакам ирландча вискидан роса мириқиб ичаман-да! Шу тўғрида ўйлаганиндаёқ хузур қилганиндан эсинг оғиб қолади.

Фелим гўё Баллибалахда қиладиган кайф-сафоларини кўз олдига келтираётгандек бирпас жим ўтирди.

Лекин кўп ўтмай хаёл уни ўзига тортувчи шиша турган ўша бурчакка олиб келди. Ирландияликнинг кўзлари яна очкўзлик билан ўша кўнгиш тортар бурчакка тикилди.

– Бойлигим менинг! – деди Фелим, шишага қараб. – Ростини айтсам, ниҳоятда яхшисан. Агар сени битта ўтсам сирымни очиб қўймасан дейман? Фақат бир марта! Бунинг нимаси ёмон? Агар ашқол-дашқолларни йиғиштириш билан овора бўлганимни билса, ҳатто хўжайин ҳам ҳеч нарса демайди. Озмунча чанг ютдимми ахир! Бундан ташқари, бари бир жўнаб кетяпмиз-ку. Йўлга томоқ хўлламай чиқиб бўларканми? Ичмасдан йўлга чиқсак сафаримиз бехатар бўлмайди. Хўжайинга ҳам худди шундай дейман, шундан сўнг у аччиқланмайди. Бундан ташқари, ўзи ҳам роса ўн соат кечикди-ку, ахир. Унга кўзимга ҳар нарсалар кўринавермаслиги учун бир қултумгина ичдим, холос, дейман. Нима бўлса бўлар, таваккал! Фақат битта ҳидлайман, холос. Ундан кейин нима бўлса пешонамдан кўрдим... Ётавер, Тара, ҳеч қаёққа кетмайман.

Ит Фелимнинг эшикка қараб юрганини кўриб ўрнидан турди. Тара Фелимнинг мақсадига тушунмади. У фақат хўжайин келмаяптими, ўйлаб қўйган режамни амалга оширишга халақит бериб қолмасмикин деб хавфсираб, даштни кўздан бир кечириб келиш учун

ташқари чиқмоқчи эди. Ҳеч ким келмаётганига қаноат ҳосил қилгач, Фелим тезлик билан бурчакка борди, шишани очди ва уни лабларига теккизиб бир қултумдан сал ортиқроқ ичиб олди.

Шишани жойига қўйиб, яна ўз жойига келди ва индамай стулга ўтирди. Шундан сўнг яна ўзи билан ўзи гаплаша бошлади:

– Нега шу пайтгача хўжайиндан дарак йўқ, тушунолмай қолдим. У бу ерга эрталаб соат саккизларда етиб келаман деган эди, ҳозир эса агар Техас қуёши алдамаётган бўлса, кечқурунги олти бўлди. Афтидан, уни бирор нарса тутиб қолганга ўхшайди. Сен нима деб ўйлайсан, Тара?

Бу сафар Тара тўғри дегандек аксириб юборди – унинг бурнига кул кирган эди.

– Бирор нарса бўлдимикан? Унда аҳволимиз нима кечади, Тара? Эҳ, менинг қари итим! Унда биз Балли-балахни узоқ вақт яна кўролмаймиз. Унда фақат хўжайиннинг ул-булларини сотиш қолади-да?..

Фелим ўрнидан туриб, ташқарига қараб юрди.

– Юр, Тара! – деб қичқирди Фелим. – Юр, қари итим, хўжайин кўринмасмикан, бир қараб келамиз. Агар биз уни кутаётганимизни кўрса, мистер Морис хурсанд бўлади.

Фелим Тара билан Аламнинг тик соҳилига йўл олди. Олдин паст жойдан ва қалин чангаллар орасидан юриб, улар дарёнинг тик соҳилига етиб бордилар ва тепага чиқа бошладилар. Кўп ўтмай улар соҳилнинг энг баланд қояси устига чиқиб олдилар.

Уларнинг қаршисида кенг текислик чўзилиб ётарди.

Қуёш анча оғиб қолган, лекин даштнинг ҳали яхши ёритиб турарди.

Теп-текис даштда у ер бу ерда битта-яримта кактус ёки ёлғиз ўсган юкка дарахтлари қўққайиб турарди. Даштнинг бир хил манзарасини бундан бошқа ҳеч нарса бузмас ва узоқ-узоқларга чўзилиб кетган текисликни ҳеч чарса тўсмасди. Даштдан бирор коёт ўтиб қолса ҳам, уни баҳазур кўриб қолиш мумкиндек туюларди.

Жуда узоқ жойда ўрмон чангалларининг қораси кўзга ташланарди.

Фелим хўжайин келиши керак бўлган тарафга индамай қараб турди.

У узоқ кутмади. Уфқда дарахтлар орасидан чиқиб келган чавандоз пайдо бўлди. У Аламо тарафни мўлжаллаб келарди. Чавандоз ҳали бир милдан ҳам ортиқ жойда бўлса ҳамки, содиқ хизматкор ўзининг хўжайинини дарҳол таниди. У хўжайинини унинг йўл-йўл ялтироқ серапесидан таниди: мексикаликларнинг биронтасида ҳам бундай серапе йўқ – уни навахо қабиласидан бўлган ҳиндулар тўқишган.

Фелим фақат хўжайинисининг шундай бир дим оқшомда серапе ўраб олганига тушунолмади, холос. Уни тахлаб, эгарга боғлаб қўйиш яхшироқ бўлмасмиди.

– Тара, содиқ итим! Ана хўжайинимиз ҳам келяпти! Лекин ҳозир тош устига гўшт қўйиб пиширса ҳам бўладиган иссиқни у гўё сезмаётганга ўхшайди. Обердофернинг майхонасидаги ўша каталакда шамоллаб қолган бўлса-я? Унда тўнғиз ҳам яшашни истамаган бўларди. Бунинг олдида бизнинг чайламинизни меҳмонхона деса бўлади.

Фелим бирпас индамай чавандозни кузатиб турди. Йўловчи энди ярим милча йўл босган, яқинлашиб келарди.

– Ё раббий, – деб қичқириб юборди Фелим. – Бу нима қилгани? Йўқ, у, Тара, шунчаки ҳазиллашаётган бўлса керак. У иккаламизни ҳайрон қолдирмоқчига ўхшайди... Ё авлиё Патрик! Жуда галати-я! Калласи йўққа ўхшайди. Ростдан ҳам йўқ-а! Бу қандай бўлди, ё, Биби Марям! Агар унинг хўжайин эканини танимасам, ростдан ҳам қўрқиб кетган бўлардим... Лекин хўжайинмикин у? Хўжайинимизнинг бўйи сал баландроқ эди, шекилли. Боши-чи? Бизларни ўз паноҳингда асра, авлиё Патрик, боши қани? Ахир боши серапенинг тагида бўлиши мумкин эмас-ку? Бундай бўлмаса керак. Бу қандай бўлди, Тара?

Фелимнинг овозидан ўтакаси ёрилиб кетгани сезилиб турарди.

Ит Фелимдан сал олдинроқда турарди. У энди ҳаммаси бўлиб бир юз эллик қадамча жойда келаётган хўжайинига кўзларини катта очиб тикилиб қараб турарди.

Фелим узундан-узоқ давом этган нутқини тамом қилиб, охирги саволни берганда, Тара бунга жавобан шикоятли қилиб ғингишиб қўйди.

Бундан сўнг ит сакраб ўрнидан турди-да, чавандоз қаршисига югурди. Ит олға қараб тўхтовсиз чопиб борар экан, айти вақтда аллақандай ғалати қилиб акиллар эди. Бу акиллаши мустангер уйга қайтиб келаётган вақтларида, одатда уни қаршилаб бутун овози билан хўжайинини қўтлаб ёқимли қилиб вовуллашига сира ўхшамас эди.

Фелим хўжайиннинг оти эканини аллақачон таниган тўриқ от шартта бурилди-да, орқага қараб дашт ичкарисига чопиб кетди.

Чавандоздан кўз узмай қараб турган Фелим бирдан қалт-қалт титради ва қўрқувдан баттарроқ эси оғиб, турган жойида қотиб қолди. У от қайрилганда чавандознинг калласини кўрди – ҳаммадан кўрқинчлиси ҳам ана шу эди! У кўрган калла от миниб кетаётган чавандознинг боши эди, лекин у ҳар қандай одамнинг калласи сингари елкасида бўлмай, чавандознинг қўлида, эгарнинг қоши олдида эди.

От унга ёни билан ўтирилганда, Фелим ўликнинг оқиб қотиб қолган қонли башарасини кўриб қолди ёки у шундай нарсани кўрдим деб ўйлади.

У бошқа ҳеч нарса кўрмади. Бир лаҳзадан кейин даштга орқасини ўтирди, яна бир зумдан кейин эса титраб, чалишиб кетаётган оёқларининг кучи етганча тезликда қияликдан пастга қараб ура қочиб қолди.

## ҚИРҚ ТҮРТИНЧИ БОБ

### ТҮРТ КОМАНЧИ

Фелим орқасига қарамай ва тўхтамай қочиб борарди. Унинг бир тутам қизил сочи тўзғиб кетган, шамолда ҳилпирарди.

У югурганча чайлага кирди, мустанг териси тортиб қўйилган эшикни ёпиб олди-да, чайла ўртасида ётган бўхча ва тутунлар билан эшикнинг орқасини маҳкамлаб ташлади.

Лекин шунда ҳам у ўзини хавфсиз ҳис қилолмади. У ҳозиргина кўрган нарсадан маҳкамлаб бекитиб ташланган бўлса ҳам, эшик уни ҳимоя қила олармиди?

Ҳозир кўрган нарсаси эса нариги дунёдан келган, ғайритабиий бир нарса, албатта. Бу дунёда бундай мўъжизалар бўлмайди. Битта-яримта одам қачон бўлмасин шундай бир манзарани кўрганми ахир. От миниб олган бўлсин-да, яна ўз калласини ўз қўлида ушлаб ўтирсин? Шундай нарса тўғрисида ким эшитган? Лекин Фелим О'Нил эмас.

Кўрқувдан эсини йўқотиб қўйган хизматкор чайла ичида у ёқдан бу ёққа талпинар, стулга ўтирар, ўрнидан турар, оёқ учида эшик олдига келар, лекин уни на очгани, на тирқишдан мўралагани юрак қилолмасди. Баъзан Фелим сочларини юлар, довдираб чаккасини сиқар ва ўзининг ҳақиқатан ҳам уйқуда эмаслигини, ростдан ҳам ўша даҳшатли нарсани ўз кўзи билан кўрганига ўзини ишонтириш учун кўзларини ишқарди.

Секин-аста, ўзининг хавфсизликда эканига ишонч ҳосил қилиб эмас, балки юз берган ҳодисаларни аниқлаб олиш зарур эканини ҳис қилиб, тилга кирди. Шундан сўнг гўё гапдони очилгандек кетма-кет саволлар ва хитоблар қўйилиб келаверди. Бу сафар у фақат ўзига мурожаат қиларди. Тара уйда эмасда, шунинг учун у суҳбатда иштирок этолмасди.

У кулба ташқарисидан биров овозини эшитиб қолишидан кўрққандек шивирлаб гапирарди.

– Аҳ! Аҳ! – деб хўрсинарди у. – Бунинг у эканлиги мутлақо мумкин эмас! Авлиё Патрик, ўз паноҳингда

асра! Бўлмаса нима эди у? Лекин эгнидаги нарсаларнинг ҳаммаси уники эди-ку. Тагидаги от ҳам, йўл-йўл серапе ҳам, ягуар терисидан тикилган этик ва калланнинг ўзи ҳам уники эди. Лекин фақат афти унинг афти эмасди... Башарасига ҳам қарадим, лекин қонга бўялиб ётган каллага қараб, унинг ким эканини билиб булармиди? Эҳ! Бу мистер Морис бўлиши мумкин эмас! Сира ҳам! Ҳеч вақт!.. Бу туш эди. Мен, афтидан, ухлаб ётган ва шундай туш кўрган бўлсам керак. Ёки буларнинг ҳаммасини виски қилдимикан? Йўқ. Мен маст эмасдим. Бундай бўлиши мумкин ҳам эмас. Ахир буларнинг ҳаммасини кўрганимга ярим соат ҳам бўлгани йўқ-ку... Ростимни айтсам, ҳозир бир томчи бўлса ҳам виски ичиб олсам, жуда фойдали иш буларди. Бўлмаса мен кечаси билан ухлаёлмайман ва доим бош қотириб чиқаман. Аҳ! Аҳ! Бўлмаса нима экан у? Агар у хўжайин бўлмаса, у қаерда қолди ахир? Авлиё Патрик! Бир ўзи ёлғиз қолган, атрофида эса нуқул жин ва шарпалар айланиб юрган бир гуноҳкор бандангни ўзинг асра!

Ирландиялик католик руҳонийсига шундай деб муурожаат қилгандан сўнг жуда қадим замонлардан бери Вакх<sup>40</sup> номи билан машҳур бўлиб келган бошқа бир худога яна ҳам кўпроқ ихлос билан сифина бошлади. Бу худонинг ноласини эшитди.

Фелим мононгахел вискиси солинган бир шиша қиёфасида олдида пайдо бўлган даҳрийларнинг бу худосига сифингандан кейин бир соат ўтгач, гуноҳи камайманган бўлса ҳам, ҳар қандай азоб-уқубатлардан қутулди. У ўзини шунчалик эхонасини чиқариб юборган даҳшатли манзарани эсидан чиқардигина эмас, ҳатто дунёда борлигини ҳам унутиб, чайла ўртасида чўзилиб ётарди.

Қоронғи тушди. Морис мустангернинг чайласидан тиқ этган товуш эшитилмасди. Фақат ташқаридан товушлар эшитиларди. Лекин булар одатдаги товушлар – ўрмонда кечаси эшитиладиган товушлар эди. Шилдираб ариқда сув оқар, шамол силкитган барглар шивир-

<sup>40</sup> Вакх – Рим мифологиясида ичкилик, шодлик худоси.



лашар, саратонлар чириллаларди. Аҳён-аҳёнда бирон бир ҳайвоннинг қичқириқлари эшитилиб қоларди.

Сутдай ойдин ойнинг кумуш нурлари ерни ёритиб, ўрмоннинг энг қуюқ жойларига ҳам тушар ва дарахтлар орасидаги қоп-қора сояларга йўл-йўл ёғду сочарди.

Чавандозлар ёруғдан қочиб, ўзларини сояга олиб келишарди. Улар кўп эмас – ҳаммаси бўлиб тўрт киши, лекин уларга қараш кўрқинчли эди. Уларнинг яланғоч ярқироқ қизил ранг билан бўялган баданлари, юзларидаги татуировка<sup>41</sup>, бошларида диккайиб турган қип-қизил патлар, қўлларидаги ажойиб қуроолар – буларнинг ҳаммаси ёввойи ва кўрқинчли кучдан дарак берарди.

Булар ким бўлди?

Улар команчиларнинг ҳарбий формасида эдилар. Буни уларнинг баданидаги бўёқлари, бошларидаги бургут патидан бўлган жиғалари, яланғоч қўл ва кўкракларини, буғу терисидан тикилган иштонлари кўрсатиб турарди. Агар булар ҳақиқатан ҳам команчилар бўлса, албатта ғарб тарафдан келганлар. Улар қаёққа кетмоқдалар?

Улар эгаларидан бири ерда хушсиз ҳолда чўзилиб ётган чайлани мўлжаллаб бормоқдалар. Афтидан, Морис Жералднинг кулбаси улар ҳужум қилмоқчи бўлган мўлжал эди.

Чайлага яқин бир жойда отдан тушдилар, уларни дарахтга боғладилар ва бундан нарига пиёда йўл олдилар.

Улар биқиниб-пусиб ва оёқ остидаги ўтга оҳишта оёқ босиб ҳеч қандай шарпа чиқармай борар эдилар. Соя жойдан юришга интилардилар. Тез-тез тўхташар, орқага қарашар ва қулоқ солишарди. Уларнинг бошлиғи сўзсиз имо-ишоралар билан буйруқлар берарди.

Чайла ичи жимжит. Ичкаридан тиқ этган товуш эшитилмайди.

Тўрт команчи эшик олдида пусиб келди. Эшик ёпиқ, лекин икки четида тирқиши бор. Шу тирқишларга тўрттала ёввойи бараварига қулоқ тутдилар ва нафасларини ичларига ютиб қулоқ солдилар.

<sup>41</sup>Татуировка – ювилмайдиган, кетмайдиган бўёқ билан баданга солинган расм.

На хуррак, на нафас товуши эшитиларди, умуман ҳеч қандай товуш эшитилмасди.

– Эҳтимол... – деди испан тилида бошлиқ, – у ҳали уйга қайтмаган бўлиши жуда ҳам мумкин. Лекин аллақачон етиб келган бўлиши керак эди-ку. Ёки яна бирор жойга кетдимикин? Эсимда, уй орқасида отхона бор эди. Агар мустангер уйда бўлса, унинг мустангини ўша ердан топамиз. Шу ерда туринглар, дўстлар, мен ҳозир бориб қараб келаман.

Бир неча дақиқадан сўнг бошлиқ ҳамон эшик тагида турган ўртоқлари олдига қайтиб келди.

– Омадимнинг келмаганини қара, – деди у, анча баланд овоз билан. – У бу ерда йўқ, кейинги кунларда келмабди ҳам.

– Чайлага кириб, ўз кўзимиз билан кўриб бунга ишонсак бўларди, – деб таклиф қилди оддий жангчилардан бири, бу ҳам испан тилида гапирди, гапирганда ҳам анча яхши гапирди. – Ирландиялик йигит даштда ўз уйини қандай жиҳозлаб қўйганини кўрсак, бунинг нимаси ёмон?

– Бунинг ҳеч ёмон жиҳати йўқ, албатта, – деб жавоб берди учинчиси ҳам испан тилида. – Келинлар, омборга бир кириб чиқамиз. Қорним шундай очки, хом гўштни ҳам еб юборишга тайёрман.

– Лаънат-е! – деб қўшиб қўйди тўртинчиси, буниси ҳам испан тилида гапирди. – Унинг ўз ертўласи ҳам бор деб эшитган эдим. Агар шундай бўлса...

Бошлиқ гапини тугатгани қўймади. Ертўланинг тилга олинishi, афтидан, уни ҳаракат қилишга ундаган эди. У эшикни оёғи билан итарди, лекин эшик очилмади.

– Сарамба! Ичкаридан ёпиқ экан. Афтидан, шерлар, йўлбарслар, айиқлар, бизонлар ва эҳтимолки, яна ҳиндулар сингари меҳмонлар кирмаслиги учун маҳкам ёпиб қўйилган бўлса керак! Ҳа-ҳа-ҳа!

Эшик яна бир марта куч билан тепилди. Лекин бари бир очилмади.

– Маҳкамлаб ташланибди, ўшанда ҳам анча оғир нарсалар билан маҳкамланган кўринади. Ҳозир кўрамиз, нима гап экан.

Пичоқ ишга туширилди; Енгилигина эшик четларига тортилган мустанг терисида катта тешик пайдо бўлди. Ҳинду унга қўлини тикиб, пайпаслаб эшик атрофидаги тўсиқни текшириб кўрди.

Кўп ўтмай тугун ва бўхчалар жой-жойидан нари сурилди, шундан сўнг эшик ланг очилди.

Ёввойилар ичкари киришди. Очиқ эшиқдан чайла ичига ойнинг шуъласи тушди ва ичкарини ёритди.

Чайла ўртасида қандайдир бир одам чўзилиб ётарди.

– Сарау! Ухлаб ётиптими дейман?

– Ўлик бўлса керак, бўлмаса бизнинг келганимизни билган бўларди.

– Йўқ, – деди бошлиқ, ерда чўзилиб ётган одамни кўздан кечириб, – ўлгудек маст, холос. Бу мустангернинг хизматкори. Мен уни кўрган эдим. Афтидан, хўжайин уйда йўққа ўхшайди. Бу ҳайвон идишни тагигача қуришиб қўймагандир деб умид қиламан! Мана шишанинг ўзи ҳам турибди. Ҳиди гулдек анқийди-я. Бизнинг ҳиссамизга озгина қолибди. Нима ҳам дердик, жиндек-жиндек отиб олсак ҳам бўлади.

Бир неча сония ичидаёқ Фелимдан қолган мононгахел вискиси улар орасида тақсим бўлди. Ҳаммаларининг бир мартадан ичиб олишларига етди, бошлиқ эса кўпроқ ичди.

Уй хўжайини эртами-кечми ахир қайтиб келиши керак. Меҳмонлар у билан кўришиш ниятидалар, акс ҳолда улар бу ерга бундай бемаҳалда келмаган бўлардилар.

Тўртта ҳиндунинг Морис мустангерда нима иши бор? Улар йигитни ўлдиргани келишган! Лекин ўқувчи команчилар ниқоби остига яшириниб келган одамларнинг кимлигини алақачон англаб олган бўлса керак. Бу команчилар – мексикаликларнинг ўзгинаси, уларнинг бошлиғи – Мигуэл Диаз, мустангер.

– Биз пистирма қўйишимиз ва уни кутишимиз керак, – деди эл-Коёт. – Энди у тез орада келиб қолиши керак. Сиз, Барахо, жар тепасига чиқинг-да, унинг даштда кўринишини кузатиб туринг. Бошқалар мен билан қолсин. У Леона тарафдан келади. Биз уни да-

радаги катта сарв дарахти тагида кутиб олсак ҳам бўлади. Энг қулай жой ўша ер.

– Мана буни бир ёқлиқ қилсак яхши эмасми? – деб таклиф қилди қонхўр Барахо, Фелимни кўрсатиб.

– Маст одамдан ҳеч нарса унмайди ҳам, куймайди ҳам! – деб унинг таклифига қўшилди ўртоқларидан бири.

– Нима фойда! У шундай ҳам ҳеч кимга халақит қилаётгани йўқ. Бу аҳмоқни ўз ҳолига қўяверинглар. Мен фақат унинг хўжайинини ўлдириш тўғрисида келишганман. Жар тепасига чиқиб олинг. Дон Мори-сио ҳар он кўриниб қолиши мумкин. Хатога йўл қўймай иш қилишимиз керак. Бизга бошқа бундай қулай пайт тўғри келмаслиги мумкин. Тепада туриб уни кутинг. Шундай ойдин кечада унинг келаётгани узокдан кўриниб туради. У кўриниши биланоқ бу ерга чопинг, бизга хабар қилинг. Шундай хабар қилингки, биз ҳам сарв дарахти тагига етиб оладиган бўлайлик.

Барахо буйруқни бажаришга шошилмасди. Кеча кечаси унинг омади кетиб, эл-Коётга карта ўйнаб анча пулини ютқазиб қўйганди. У бугун ўша пулларни ютиб олиш ниятида эди. Ўртоқларининг нима билан шуғулланишларини у яхши биларди.

– Тезроқ ахир, сеньор Висенте! – деб буюрди Диаз, унинг чайлани ташлаб кетгиси келмаётганини кўриб. – Агар бу ишни ўринлатолмасак, унда сиз монте<sup>42</sup> ўйинида ютиб олишингиз эҳтимол бўлгандан ҳам кўпроқ ютқизасиз. Тезроқ боринг, дўстим, – деб давом этди эл-Коёт, далда берувчи бир оҳангда. Агар у бир соат ичида келмаса, сизни биронтамиз алмаштирамиз. Энди боринг! Барахо бўйсунди.

У чайладан чиқиб жар тепасига йўл олди. Қолганлар чайлада ўтириб олдилар.

Улар олдида стол устида кечки овқат эмас, ҳар бир мексикалик авантюристнинг доимий ҳамроҳи бўлган испан қарталари колодаси пайдо бўлди.

Ўйинга берилиб кетганда вақт тез ўтади. Бир соат ўтди. Чайладаги стол устида кумуш долларларнинг

<sup>42</sup> Монте – карта ўйини.

жаранги эшитиларди. Қарталар секин шитирларди. Мана, бирдан қаттиқ бир қичқириқ ўйинни бузди.

Бу ўзига келган Фелимнинг товуши. У чайлада ўзидан бошқа яна алламбало одамлар ҳам жойлашиб олганини кўриб қолган эди.

Қиморбозлар сакраб ўринларидан турдилар, учаласи ҳам пичоғини қўлига олди. Фелимнинг ҳаёти хавф остида қолди.

Бирдан Барахонинг пайдо бўлиши ирландиялик хизматкорнинг ҳаётини сақлаб қолди.

– Келяпти! Жар тепасига яқинлашиб қолди. Тезроқ, дўстларим, тезроқ! – деб шивирлади шошиб-пишиб Барахо. – Фелимни ўлдиргани вақт йўқ.

Бир неча секунд ичида ниқобланган кишилар жар этагига етиб келди. Улар азим сарв дарахти тагида пистирма қуриб, ўз қурбонларининг яқинлашиб келишини кута бошладилар.

Кўп ўтмай туёқ товуши эшитилди. Тақа дупури эшитилиб турарди. От гўё нотекис жойда келаётгандек туёқ дупури бир текис эшитилмасди. Чавандоз қияликдан тушиб келаётган бўлса керак. У ҳали кўринмайди. Пастдаги водий сингари қиялик ҳам сарв дарахтининг сояси тагида. Ой ёруғи фақат торгина бир жойни ёритиб турарди.

– Ўлдирманглар уни! – деб шивирлади Мигуэл Диаз амирона. – Ҳали эрта. Бир оз яшасин. Шундай бўлиши зарур. Ўзини ва отини маҳкам ушланглар. Агар қаршилик кўрсатса, бир ёқлик қилиб қўя қоламиз. Эсингизда бўлсин, биринчи ўқни мен узаман.

Бунга ҳеч ким қаршилик билдирмади. Пистирмадагилар ўз бошлиқларига бўйсунишга ваъда қилдилар. Узоқ кутишга тўғри келмади.

Эл-Коётнинг «Абажо лас армас! А тиерра!»<sup>43</sup> деган товуши эшитилди. У яқинлашиб келаётган чавандоз қаршисига отилди. Эл-Коёт отнинг жиловини қўлга олди, қолган учта шериги чавандозга ташланди. Чавандоз мутлақо қаршилик қилмади. У ўзини ҳимоя этмади.

<sup>43</sup> Абажо лас армас! А тиерра! – Ташла қуролингни! Туш отдан!

Қуролини ишга солмади, лом деб оғиз ҳам очмади. Чавандоз от миниб ўтирарди, буни ҳаммалари ўз кўзлари билан кўриб, гавдасини қўллари билан ушлаб, сезиб турибдилар, лекин у аллақандай ҳиссизга ўхшайди, фақат от қаршилиқ кўрсатарди. У олдинги оёқларини кўтариб осмонга салгир, орқага тисланар ва ҳамла қилаётган қароқчиларни ўзи билан суриб борарди. Улар ой шуъласи ёритиб турган жойга чиқдилар.

Мексикаликлар кўркувдан ўтакаси ёрилиб орқага ташландилар, ўз отларини беркитиб қўйган чангал тарафга ўзларини урдилар, тезда отларига миниб, ура қочиб қолдилар.

Улар ўзларидан ҳам мардроқ бўлган одамларнинг ҳам эсини чиқариб юборган нарсани кўрдилар. Улар бошсиз чавандозни кўрган эдилар.

### ҚИРҚ БЕШИНЧИ БОБ

#### ТАВАККАЛИГА ҚИДИРИШ

Бошсиз чавандоз қидириш ишларига чиққан майор бошчилигидаги отряд аъзоларига бошқаларга қараганда олдинроқ кўринди.

Куёш тўппа-тўғри нур ёғдириб, уларнинг кўзини қамаштирар эди. Улар чавандознинг қорасидан бошқа ҳеч нарсани кўролмадилар. Сеттлментлик чавандозлар унинг Морис мустангерга ўхшаган жиҳатларини пайқашмади.

Фелим куёшга орқасини ўтирган ҳолда бошсиз чавандозни кўрди. Чавандоз унинг хўжайинига ўхшагандек туюлди.

Морис мустангерни таниган тўрт мексикалик овчи ҳам шу хулосага келишди.

Фелим ҳам, мексикаликлар ҳам уни кўриб, ўтакалари ёрилиб кетди.

Майор бошчилигидаги экспедиция иштирокчилари ҳам бу сирли қиёфани кўрганларида ғоят ҳаяжонланиб кетдилар ва бу ғалати ҳолнинг сабабини изоҳлаш учун ҳеч нарса ўйлаб тополмадилар.

– Бу нима бўлди? Бу тўғрида нима деб ўйлайсизлар, жаноблар? – деб сўради майор, чавандоз кўздан ғойиб бўлгандан сўнг ўз ҳамроҳларидан. – Тўғрисини айтсам, тоза каллам шишди.

– Ҳиндуларнинг найрангимикан? – деб тахмин қилди аллаким. – Бизни пистирмага тушириш учун ўйлаб чиқаришган ҳийласимикин?

– Жуда ёмон ўйланган ҳийла деган бўлардим мен, – деди бошқа бир киши. – Ҳар ҳолда бундай ҳийлалар билан мени кўлга тушириб бўлмайди.

– Ҳиндуларнинг иши бўлмаса керак деб ўйлайман, – деди майор. – Сен нима деб ўйлайсан бу тўғрида, Спенглер?

Изқувар бунга жавобан фақат бош чайқаб қўйди.

– Бунинг ниқобланиб олган ҳинду бўлиши мумкинми? – деб яна сўради ундан майор.

– Мен сиздан ортиқ нарса билмайман, майор, – деб жавоб берди изқувар. – Афтидан, шунга ўхшаш бирор нарса бўлса керак. Иккисидан бири, ё одам, ё кўғирчоқ.

– Албатта, кўғирчоқ, – деб бир неча киши товуш берди.

– У ким бўлмасин, одамми, иблисми ёки кўғирчоқми, бундан қатъи назар, – деди ўзининг бамаъни мулоҳазасини бир марта ўртага ташлаган отряд аъзоларидан бири, – агар у из қолдирган бўлса, изидан бормаслигимизга ҳеч қандай асос кўрмаяпман.

– Агар из қолган бўлса, – деб жавоб берди Спенглер, – биз уни албатта топамиз. Бизнинг йўлимиз ҳам худди ўша тарафга қараб боради. Йўлга тушаверайликми, майор?

– Ҳа, албатта. Бундай арзимаган бир нарса вази-фамизни бажаришга халақит бермаслиги керак. Олға!

Чавандозлар яна йўлга тушдилар, улардан баъзилари иккиланиб қолган эдилар. Отряд аъзолари ичида агар ихтиёр ўзларида бўлса, дарҳол орқага қайтишга рози бўлган одамлар ҳам бор эди. Колхаун ҳам шулар жумласига кирарди. У бошқалардан кўра кўпроқ кўрқиб кетди. Бошсиз чавандозни кўрганда унинг

кўзлари худди шиша кўзлар сингари бақрайиб қолди, лаблари оқариб кетди, пастки жағи эса осилиб тушди.

Агар ҳамма ҳам ҳаяжонга тушиб қолган бўлмаганда, унинг бу ғалати ҳолати одамлар назаридан қочмаган бўларди, албатта. Ҳамма гўё сеҳр қилингандек сирли шарпа кўздан ғойиб бўлгунча бир нуқтага қараб қолди. Отряд йўлга тушгандан сўнг эса капитан атрофдаги одамларнинг назарига рўпара бўлмаслик учун ҳаммадан кейинга ўтиб олди.

Спенглер ҳақ чиқди: сирли чавандоз бир неча дақиқа тўхтаб турган жой худди отряднинг йўли устида эди.

Лекин чавандоз гўё ўзининг мубҳамлигини исбот қилмоқчи бўлгандек ҳеч қандай из қолдирмаганди.

Ваҳоланки, бу ҳол тамоман табиий эди. У орқага қайтган жойдан оҳак тошлар сочилиб ётган дашт бошланарди. Ер бетини ғиж-ғиж оппоқ тошлар босиб ётарди. Баъзи жойларда тошларнинг юзи сал-пал тирналганини кўриш мумкин бўлди, афтидан, бу тақа изи эди. Лекин бу изларни ажратиб олиш жуда қийин эди, уларни фақат изқуварларнинг ўткир кўзигина кўра оларди. Лекин ҳатто кўз илғар-илғамас мана шу из ҳам тошлар орасида бутунлай йўқолиб кетди.

Қуёш ботгандан сўнг Спенглер бундан кейин қидириш ишларини давом эттиришдан бош тортди. Яна ўрмонга қайтиш ва буталар орасида тунаш учун манзил қуришдан бошқа илож қолмади.

Эрта билан қидириш ишларини давом эттиришга қарор қилдилар.

Лекин бундай қилишнинг иложи бўлмади кутилмаган вазият халақит берди.

Отряд жойлашиб олишга улгурмасданок майорга чопар хабар келтирди. Хабар Сан-Антонио де Бексар штабидан, округ қўмондонидан эди.

Хатда Сан-Антонио районида, Леонадан элик мил наридаги жойда команчилар ҳужум қилгани ҳақида хабар бериларди. Майор драгунларга походга тайёрланиш учун дарҳол қалъага қайтиш тўғрисида буйруқ берди. Ўзи ҳам қалъага шошилди.



Қидириш ишларини ҳарбий бўлмаган кишилар давом эттиришлари мумкин эди, албатта, лекин улардан кўпчилиги экспедицияга жўнар эканлар. Ўзлари билан фақат қурол олишган, ҳеч қандай озиқ-овқат олишмаган эди. Ҳамминг қорни очганди.

Бошланган ишдан бош тортишни ҳеч ким ўйламади. Отларни алмаштириш ва озиқ-овқат ғамлаб олиш керак эди, ана шундан сўнг қидириш ишларини яна давом эттириш мумкин бўларди.

Спенглер бошчилигидаги кичик бир гуруҳ америка оти изидан бориш вазифасини ўз бўйнига олди. Бошқалар эса драгунлар билан қалъага қайтдилар.

Пойндекстер ва унинг дўстлари билан хайрлашишдан олдин майор Спенглер топган қайғули хабарни уларга билдириб қўйишни лозим топди. Сирли ҳодисаларни ечиш учун қон ҳалқоби тўғрисида гапириб беришга тўғри келди.

Майор ўзи доим жуда яхши муносабатда бўлиб келган ирландиялик йигитга нисбатан бўлган шубҳани ғамгинлик билан билдирди. У Морис мустангернинг айбдор эканига ишонмаса ҳам бундай бўлиши эҳтимолдан холи деб ўйлар эди, у шунга қарамай Морисга қарши жиддий шубҳалар борлигини эътироф қилмай қололмади. Бошқаларга келсак, улар учун мустангернинг айбдор эканига мутлақо шубҳа йўқ эди. Морис Жералд очиқдан-очиқ қотил деб эълон қилинди. Бу очиқ-ойдин кўриниб турган гапдек туюларди.

Обердофернинг ҳикояси фожиали ҳодисаланинг фақат бошланишинигина ёритиб берарди. Генри Пойндекстернинг қонга бўялган оти, устидаги қонли эгар ишнинг фожиавий тугаганидан дарак берарди. Бу қонли ҳодисанинг бошланиши билан тугаши ўртасидаги босқичлар қисман Спенглернинг сўзларига асосан, қисман ҳозиргина олинган янги хабарларга асосан тез тўлдирилади.

Лекин ҳеч ким одамни бундай жиноят қилишга нима мажбур қилди, деб сўраб ўтирмади. Ҳар ҳолда, бу тўғрида ҳеч ким жиддий бош қотирмади. Колха-

ун билан бўлган дуэл бу шубҳаларнинг ҳал этилишига асос қилиб олинди. Морис Колхаунга нисбатан бўлган душманлик ҳисларини бутун Пойндекстерлар оиласига қаратгани тахмин қилинди.

Шундай кайфият ва фикрларга гарқ бўлган ҳолда Пойндекстер дўстлари билан хайрлашди. Қидириш ишларини эртасига эрта билан давом эттиришга қарор қилинди. Иккала изни ҳам охиригача текшириб бориш ва ғойиб бўлган икки кишини хоҳ ўлик, хоҳ тирик топиш керак эди.

Спенглер бошлиқ бир гуруҳ одамлар майор кўрсатган жойда манзил қурдилар.

Улар ҳаммаси бўлиб чамаси ўн киши эди. Бундан кучлироқ отрядга энди муҳтожлик сезилмасди. Команчилар тарафидан бўлган хавф бу районда жуда кучли эмасди. Бошқа ҳеч қандай хавф юз беришидан гумон йўқдай туюларди.

Ўтиб ухлаш ўрнига гуруҳдаги одамлар гулхан атрофига тўпландилар. Кечқурунги овқат учун доира олдилар.

Ўтнинг шўх чарс-чурс қилиб ёниши ва спиртли ичимликларнинг моллигига қарамай одамларнинг кайфи бузуқ эди. Бошсиз чавандознинг ғалати қиёфаси одамлар кўзи олдидан ҳали нари кетмаганди, уни кўриб қўзғалган кўрқув ҳислари унчалик тез тарқалиб кетмасди. Бундай тушуниб бўлмайдиган ҳолни қандай изоҳлаш кераклигига илгаригидек ҳеч кимнинг ақли етмасди. Бунга Спенглер тушунмасди, худди шунингдек, Колхаун учун ҳам бу қоронғи нарса эди.

Колхаун, афтидан, ҳаммадан кўра кўпроқ ҳаяжонга тушгандек кўринар эди. У қовоқ-тумшугини солиб, гулхандан нарироқда, дарахтлар соясида ўтирарди. Драгунлар жўнаб кетган пайтдан бошлаб у чурқ этиб оғиз очмади. Ичкилик таъсири билан хушчақчақлик қила бошлаган одамларга бориб қўшилгиси ҳам келмаётгандек туюларди. Унинг кўзлари ҳамон аллақандай ғайритабиий, шиша сингари йилтилларди, кўрқув аломатлари эса ҳамон юзида акс этарди.

– Менга қара, Колхаун! – деб қичқирди унга анча ичиб олган бир йигит. – Бу ёққа кел, қария, биз билан

гулхан олдида ўтир. Биз сенинг ғамингга шерикмиз, сен учун ва қариндошларинг учун ўч олиш йўлида қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз. Лекин доим қовоқ солиб ўтиравериш ҳам ярамайди! Бери кел, биз билан мононгахел вискисидан ич. Сенга бунинг жуда фойдаси тегади, хўп деявер.

Колхаун дўстона таклифни қабул қилди ва ширакайф бўлиб қолган йигитлар орасига кириб, гулхан олдида ўтирди. Кўп ўтмай унинг оғир фикрларидан асар ҳам қолмади. У шундай хурсанд бўлиб кетдики, ҳатто бунни кўрган атрофдаги одамлар ҳайрон бўлдилар. Тахмин қилишларича, шу бугун азонда капитаннинг тоғасининг ўғли ўлдирилган эди, шундай бир кишининг бунчалик хурсандчилик қилишига тушуниб бўлмасди. Одамлар орасига меҳмон сифатида келиб ўтирган капитан кўп ўтмай хўжайин ролини ўйнай бошлади.

Тўхтовсиз вино ичишарди, ёшлар эса тобора хушчақчақ бўла борди. Сухбатлашишар, ашула айтишар, рақс тушишар, ҳатто ўт устида ўмбалоқ ошишарди. Лекин бу сунъий шодлик кўп ўтмай уйқу истаги билан алмашди. Саёҳатчилар ўт устига чўзилдилар ва ухлаб қолдилар.

Фақат Колхаун уйғоқ эди. Ҳамманинг ухлаб қолганига ишонч ҳосил қилгач, у ўрнидан турди ва секин-аста пусиб, отининг олдида келди. Уни ечди-да, ирғиб эгарга минди ва жўнаб кетди.

Унинг хатти-ҳаракатларига қараб зигирча ҳам маст эмаслигини билиш қийин эмасди.

Бундан мақсад нима? Эҳтимол, ҳалок бўлган тоғаваччасини яхши кўрганидан қидиргани жўнаб кетаётгандир? Ёки бир ўзи қидириш ишларига чиқиб, уни жуда яхши кўрганини исбот қилмоқчимиз?

Оғзидан чиқаётган гапларига қараганда бундай нияти ҳақиқатан ҳам борлигига ишонса бўларди.

– Худоба шукур, ой ёғду сочиб турибди. Тонг отишига ҳали роса олти соат бор. Икки мил атрофдаги ҳар бир бута остини титкилаб чиқишга вақт етади. Агар жасад шу орада бўлса, мен уни топишим керак. Лекин бу нимани билдиради? Агар уни бир ўзим кўрганимда,

жинни бўлибман деб ўйласам буларди. Лекин уни ҳамма кўрди-ку! Ё, раббий! Бу нима бўлиши мумкин?

У шундай дейиши биланоқ кўрққанидан қичқириб юборди. Қаршисида тўсатдан бир хавф чиқиб қолгандек шартта отини тўхтатди.

Колхаун бизга таниш бўлган йўлакнинг қайрилишига қараб кетаётган эди. У энди ўша тарафга буриламан деб турганда, ўрмондан алақандай бир чавандознинг келаётганини кўриб қолди.

Чавандоз йўлакда битта-битта қадам босиб эмас, балки отини тез чоптириб борарди.

У яқинлашиб келишидан анча олдиноқ Колхаун унинг яна бошсиз чавандоз эканини сезиб қолди.

Унинг янглишиши мумкин эмасди. Ойнинг кумуш ёғдуси чавандознинг елкасини ёритиб турарди – елкасида боши йўқ эди. Бу ой ёруғида юз берган кўз бўямачилик эмасди. Колхаун куёшнинг ёруғ нурлари остида ҳам худди шу чавандозни кўрган эди.

Колхаун энди кўпроқ нарсани кўрди. У кўзлари билан чавандознинг бошини қидириб топди, лекин боши ўз жойида эмас, балки биқини ёнида тўтпонча қини билан ярми тўсилиб, осилиб турарди – башараси қонга бўялган бўздай кўрқинчли эди. У отни, чавандоз елкасидаги йўл-йўл серапени, нам ўтмас этикни таниди. Буларнинг ҳаммаси Морис мустангерники эди.

Буларнинг ҳаммасини яхшилаб кўриб олиш учун капитаннинг вақти етарли бўлди. У кўрқувдан қотиб қолганича жойидан қимирлашга ҳоли келмай, ён тарафдаги сўқмоқда турарди.

Ғалати чавандознинг оти қаттиқ кишнаб юборгандан ва бунга жавобан унинг орқасидан келаётган итнинг ҳуриши эшитилгандан, чавандознинг оти орқага бурилиб ва ўз йўлига қараб қочиб кетгандан кейин, фақат ана шундан кейингина Колхаун бир оз енгил тортди, фақат шундан кейингина у тилга кирди.

– Ё, фалак! – деб қичқириб юборди у титроқ товуш билан. – Бу нима ўзи? Нима у одамми? Ёки иблис мени мазах қиляптими? Ёки бугунги кун нуқул кўрқинчли

тушдан иборат бўлдимми? Ё эсдан оғдимми? Эсдан оғибман, эсдан оғибман!

У бошқа ҳеч нарса демади. Колхаун отини шартта орқага бурди ва ўзининг илгариги мақсадидан воз кечди, шекилли, тез от чоптириб кетига қайтиб кетди.

Кейин гулхан олдига ҳеч кимга билдирмай пусиб келиб олди-да, ухлаб ётган йигитлар орасига чўзилди, лекин ухлай олмади. У бир дақиқа ҳам мижджа қоқмади. Иситма тугаётгандек қалт-қалт титрар, тонг отишини сабр-сизлик билан кутарди. Секин-аста отиб келаётган тонг ўзининг ғира-шира ёруғи билан унинг мурданикидек оппоқ юзини ва лак-лак тушиб кетган кўзини ёритди.

### ҚИРҚ ОЛТИНЧИ БОБ

#### ЯШИРИНЧА ЭЪТИРОФ

Тонг ғира-шира отиши билан Каса-дел-Корво гасиендаси атрофида ҳаёт қайнай бошлади.

Ҳовли одам билан лиқ тўла. Улар гарчи ҳарбий кишилар бўлмаса ҳам қурооланган эдилар. Баъзи одамларда бесўнақай бир оғизли овчи милтиқлари ёки кичикроқ қўш оғизлар, баъзиларида эса тўппончалар, револьверлар, яна бошқаларида катта пичоқлар, ҳатто томагавклар бор.

Одамларнинг кийим-бошлари ҳам ниҳоятда хилма-хил: қизил фланел кўйлақлар, ҳиндулар тўқиган ола-була камзуллар ва кентукки фланеллари орасида кўзга ташланади. Улардан бошқа хонаки жундан тикилган жигар ранг шимлар ва кўк газламадан тикилган кийимлар кенг соябонли шляпалар ва чарм шапкалар; ошланган теридан тикилган узун қўнжли этиклар ва буғу терисидан тикилган бошқа оёқ кийимлари кўзга ташланади.

Техаснинг чегарадош қишлоқларида бундай хилма-хил қурооланган одамлар тўдаси – энг оддий манзара. Уларнинг тўпланишдан мақсадлари осойишталик бўлса ҳамки, одамлар қурооланган ҳолда тўпланган бўлур эдилар – Техас расм-русуми ана шундай.

Бугун одамлар Каса-дел-Корвода плантаторнинг йўқолиб қолган ўғлини ахтаришни давом эттириш учун тўпландилар. Тўпланган одамларнинг баъзилари кечаги қидириш ишларида иштирок этган кишилар, баъзилари – янги тўпланган одамлар эди. Янги тўпланганлар узоқроқ септлментлардан келган одамлар ва овчилар бўлиб, булар кеча уйларида йўқ эдилар. Тўпланган одамлар кечагидан кўпроқ. Улар орасида регуляторлар<sup>44</sup> ҳам бор. Улар бошқа одамлардан ҳеч нарса билан, на кийим-бошлари, на қуроллари билан фарқ қилар эдилар, шунинг учун бегона одам биронта ҳам регуляторни мутлақо танимаган бўларди, лекин улар бир-бирларини яхши танир эдилар. Одамлар ўртасида бўлаётган суҳбат мавзуи Генри Пойндекстернинг ўлдирилиши эди. Морис мустангерни қотил деб ҳисоблардилар.

Даштда бошсиз чавандознинг пайдо бўлиши қизгин мунозараларга сабаб бўлди. Скептиклар<sup>45</sup> бунини уйдирма гап деб ҳисоблашди ва дастлаб ишонишмади. Лекин кўп ўтмай уни ўз кўзи билан кўрган кўпчиликнинг қизгин туриб таъкидлашларидан сўнг ишонишга мажбур бўлдилар.

Ҳамма бугунги экспедицияга бошчилик қилиши керак бўлган Вудли Пойндекстерни кутиб турарди. Унинг буйруғини кутардилар.

Плантатор Аламога олиб борадиган йўлни кўрсата оладиган ва отрядни Морис мустангер чайласига бошлаб бора оладиган бирор йўл кўрсатувчи топиш умидида йўлга чиқишни кечиктириб турарди. Аламодаги чайланинг қаерда эканини ҳеч ким – плантаторлар, савдогарлар, дўкандорлар, юристлар, овчилар, от жаллоблар ва қул савдогарларидан биронтаси ҳам билмасди.

Септлментдаги фақат бир кишинингги бу вазифани бажара олиши маълум бўлди: бу овчи Зеб Стумп. Лекин Зеб Стумпни тоғ У ўз одатича ов қилгани узоқ-узоқларга

<sup>44</sup> Регуляторлар — кўнгилли полиция дўстжиноятчини қамоққа олиш ҳуқуқи бор эди.

<sup>45</sup> Скептиклар – ҳар нарсага ишончсизл

сиз  
агар  
аниқ

эди. Уни қидириш учун ҳар тарафга бир неча киши жўнатилди, лекин улар овчини тополмай бирин-кетин қайтиб келдилар.

Гасиендада мустангернинг чайласига сира янглишмай бошлаб бора оладиган бир аёл бор эди. Лекин буни Вудли Пойндекстер билмасди.

Билмагани яхши ҳам эди. Агар мағрур плантатор қизининг йўл бошловчи бўлиб Аламодаги хилват чайлага бошлаб бориши мумкинлигини билса, ўғайдан ажралгани қизининг ёмон йўлга юргани билан қўшилиб, ғами яна ҳам ортган бўларди.

Зеб Стумпни қидириш учун юборилган одамларнинг энг кейингиси ҳам овчини тополмай қайтиб келди. Бундан ортиқ кутишнинг имконияти бўлмай қолди – тўпланганларнинг ўч олишга бўлган иштиёқлари жуда зўр эди.

Йўл бошловчисиз жўнашга қарор қилдилар.

Отряд Каса-дел-Корводан энди жўнаб кетиши билан гасиенданинг ўзида икки киши учрашди, буларнинг иккаласи ҳам Аламога борадиган йўлни яхши биларди. Бу учрашувда ҳеч қандай ноҳўя иш йўқ эди, илгаридан келишиб қўйилган ҳам эмасди. Бу оддий тасодиф бўлди. Зеб Стумп ҳозиргина овдан қайтиб келди ва плантатор хонаси учун анчагина ов ўлжаси келтирди.

Зеб Стумп учун Луиза Пойндекстер уйда эди, албатта. Бу ҳали оз, қиз овчи билан учрашишни сабрсизлик билан кутарди. Кекса овчини кўришга шундай илҳақ эдики, қиз кеча қуёш чиққандан то ботгунча йўлдан кўзини узмади.

Экспедиция аъзолари шовқин-сурон кўтариб кўздан йўқолиши биланоқ қиз ўзининг қари биясига миниб келаётган овчини кўриб қолди. От овнинг оғирлиги остида зўрға қадам ташлаб келарди. Зеб Стумп дарёнинг нариги тарафидаги йўлдан келар, лекин ҳозир у томон бурилганди.

Луиза овчининг басавлат гавдасини кўриб, жуда хурсанд бўлиб кетди. У бу одатини ўзининг энг юрак сирларини ишонил мумкин бўладиган дўст деб биларди.

Зеб Стумп ҳовлига келиб киришига ҳали анча бор бўлса ҳам қиз азотеяга чиқиб уни кутиб турарди.

Овчи хотиржамлик билан гасиендага келаверди. У хурсанд, бепарво ва юз берган бахтсизликдан мутлақо беҳабар эди.

Гасиенда дарвозаси тамбалаб қўйилганига кўзи тушгач, ҳайрон бўлиб қолди. Бу Пойндекстерлар уйи учун хос бўлмаган ҳол эди. Ҳабашнинг ғамгинлиги Зеб Стумпни яна ҳам ҳайрон қолдирди.

– Сенга нима бўлди, дўстим Плуто? Қовоғингдан қор ёғилаяпти. Нима учун купша-кундуз куни бирдан дарвозани тамбалаб қўйибсан? Уйингизда бирон фалокат юз берганми, нима бало?

– Ҳа, ҳа мистер Стумп, шундай бўлди. Худди шундай бўлди, бахтсизлик юз берди! Катта, жуда катта бахтсизлик.

– Гапир тезроқ! – деди овчи. – Гапир! Афти-башарангдан кўриниб турган бахтсизликдан ҳам кўрқинчли нарса бўлиши мумкинми? Қизингга ҳеч гап бўлгани йўқми? Бундай бўлиши мумкин эмас! Мисс Луиза...

– Йўқ, йўқ, мисс Луизага ҳеч нарса бўлгани йўқ. Лекин шунга ўхшаш бир иш бўлди. Ёш мисс уйда. Кириг, мистер Стумп. Шум хабарни сизга ўзи сўзлаб беради.

– Хўжайинингчи? У уйда, шундайми?

– О, йўқ, йўқ! У уйда эмас. Хўжайин ҳозир уйдан узоқда. Чорак соат илгари жўнаб кетди. Ҳозир уйда йўқ. У ёввойи отлар юрадиган даштга жўнаб кетди. Бундан бир ой олдин ов қилинган жойга кетди.

– Ёввойи отлар юрадиган даштга дейсанми? Нега кетди у ёққа? Ким кетди у билан?

– О-о! Мистер Колхаун ва бошқа яна жуда кўп одам бор. О-о! Улар жуда кўп. Плуто сизга тўғри айтяпти.

– Хўш, ёш хўжайинингиз мистер Генри-чи, у ҳам бирга кетдими?

– О мистер Стумп, бутун ғамимиз ҳам ана шу. Мастер Генри ҳам жўнаб кетган. Энди эса у ҳеч вақт қайтиб келмайди. Унинг оти уйга қайтиб келди, у бутунлай қонга беланиб келди. Вой, вой, одамлар мастер Генри аллақачон ўлган дейишяпти!



– Ўлган дейишяпти? Тўғри айтяпсанми, ҳабаш?

– О! Бу ҳақиқатнинг ўзгинаси, мистер Стумп. Бу тўғрида гапириш менга оғир... Ҳаммалари унинг жа-садини қидиргани кетишди.

– Хўп, мана буларни ошхонага олиб кет. Бу ерда куркалар ва ёввойи товуқлар бор. Мисс Луизани кўр-сам бўладими?

– Мен бу ердан, мистер Стумп. Кираверинг! – деб жавоб берди кўнғироқдек товуш, бу товуш овчига яхши таниш эди, лекин бу сафар у шундай қайғули эшитилдики, Зеб Стумп уни зўрға таниди. – Афсус! Плуто сизга айтган гапларнинг ҳаммаси тўғри. Акам йўқолиб қолди. Ўтган кунги кечқурундан бери уни ҳеч ким кўргани йўқ. Унинг от-эгари қон ҳолда қайтиб келди. О Зеб, бу ҳақда ўйлашнинг ўзи оғир!

– Ҳа, тўғри, бу шум хабар. У қаёққадир кетибди, оти эса ёлғиз қайтиб келибди. Мен сизни қийнамоқ-чи эмасман, мисс Луиза, лекин, эҳтимол, бирор нарса билан ёрдам бера оларман, бунинг учун эса тафсилот-ларни билишим керак.

Луиза ўзининг билганларини Зебга сўзлаб берди. Лекин фақат боғда бўлган ҳангомани ва бундан олдин бўлган ишларни овчидан яширди. Қиз Обердофернинг ҳикоясини сўзлаб берди-да, Генри мустангернинг ке-тидан кетган бўлса керак деди.

Зеб Стумп унинг ҳикоясидан жуда ҳаяжонга тушди. Луиза, Морисни акамнинг қотили деб ҳисоблашяпти деганда, овчининг фиғони фалакка чиқди.

– Ёлғон бу! деб қичқирди у. – Бўҳтон! Фақат разил махлуқларгина шундай деб ўйлаши мумкин! Бундай бўлиши мутлақо мумкин эмас. Мустангер бундай ишларни қиладиган одамлардан эмас. Бунга ҳеч вақт ишонмайман! Унга бунинг нима кераги ҳам бор? Бор-ди-ю, уларнинг муносабатлари ёмон бўлса, бу бошқа гап эди, лекин бундай эмас-ку! Морис мустангернинг акангизга қандай муносабатда бўлганини мен била-ман, унинг ўзи шу тўғрида гапирган эди. Тўғри, у тоға-ваччангиз Кассийни кўргани кўзи йўқ. Лекин уни ким ёмон кўрмайди дейсиз? Сизга шундай деяётганим

учун мени кечиринг. Агар акангиз билан мустангер ўртасида жанжал, уруш бўлганда эди, унда...

– Йўқ, йўқ! – деб қичқириб юборди креол қиз, ғамдан бутун нарсани унутиб юбориб. – Акам билан мистер Жералд ўртасидаги англашилмовчилик бир ёқлик бўлган эди. Генри менга шундай деди. Морис эса...

Сухбатдошининг унга қараб турганидан у тўхтаб қолди. Қиз юзини қўллари билан беркитиб хўнграб йиғлаб юборди.

– Демак, улар орасида бир нарса бор экан-да, – деб тўнғиллади Зеб. – Сиз, мисс Луиза, акам билан у жанжаллашиб қолган эди дедингиз...

– Азизим Зеб! – деб қичқириб юборди қиз, қўллари юзидан олиб ва довираб қолган овчининг кўзларига тикилиб. – Сиз менга ҳеч кимга, мутлақо ҳеч кимга айтмайман деб ваъда беринг! Менга бир дўст, ҳалол ва тўғри одам сифатида сўз беринг. Ваъда қиласиз-а, тўғрими?

Овчи қасам ичиб, бунга ваъда бераётганини билдириш учун қўлини кўтарди ва маънодор қилиб кўкрагига уриб қўйди.

Беш дақиқадан кейин у одатда аёллар ҳар кимга айтаверишни ёқтирмайдиган сирдан хабардор бўлди. Улар бундай сирларни фақат энг ишончли кишиларгагина айтадилар.

Зеб Стумп қиз айтган гапларга унчалик ҳайрон бўлмади.

– Бунда қандай уяладиган нарса бор, мисс Луиза! – деб куюнди у қизга ачиниб. – Зеб Стумп бунда уяладиган ҳеч нарса кўрмапти. Аёллар мудом аёллигича қолади – бутун дунёда бўлганидек, даштда ҳам аёллар шундай. Борди-ю, бирон бир киши мустангерни севиб қолибсиз, деб сизни айблагудек бўлса, бу катта хато бўлади. У жуда яхши одам ва уни севсангиз арзийди. Менга айтиб берганларингизнинг ҳаммаси бу ифлос ишни, агар бу ҳақиқатан ҳам юз берган бўлса, у қилмаганини яна бир карра тасдиқлайди. Қандай далиллар бор? Фақат отнинг эгардаги қонлар билан қайтиб келганими?

– Афсуски, бошқа далиллар ҳам топилган. Кеча куни билан қидириш ишлари олиб борилади. Из кетидан анча йўл юришибди, алланарсалар топишибди, лекин бу тўғрида гапиришни исташмади. Менимча, бу тўғрида отам менга гапиришни лозим кўрмади, бошқалардан сўрашдан ўзим кўрқдим. Улар бугун ҳам сизни йўлда кўришимдан сал бурун жўнаб кетишди.

– Хуш, мустангер-чи? Ўзини оқлаш учун у нима дейпти?

– О, мен буни сиз биларсиз деб ўйлабман! Ахир уни ҳам топишолмаяпти. У ҳам акамни ўлдирган киши қўлида ҳалок бўлган бўлиши мумкин.

– Улар издан боришди, дедингизми? Хуш, улар унинг изини топишибдими? Агар у тирик бўлса, албатта Аламода бўлади. Нега ўша ёққа боришмади? Ҳа, тушундим! Кўринишдан, унинг қаердалигини ҳеч ким дурустроқ билмаса керак. Агар уларни она сути оғзидан кетмаган ўша Спенглер бошлаб борган бўлса, унда, турган гапки, оҳақ тошлик даштда ҳеч қандай из топишолмаган. Демак, улар яна ўша тарафга кетишибди-да?

– Ана шунинг учун ҳам мен сизни кўрмоқчи эдим. Ҳозир отам билан жуда кўп ҳар хил одам жўнаб кетди. Улар орасида регуляторлар ҳам бор.

Улар жўнаб кетишадиганда, мен Линч<sup>46</sup> суди қилиб жазолаш тўғрисидаги гап-сўзларини эшитиб қолдим. Улардан баъзилари ўч олиш тўғрисида қасам ичдилар. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Зеб, агар улар Морисни топсалар, у эса ўзининг гуноҳсиз эканини исбот қилолмаса, унда нима бўлади!.. Бу одамлар жони чиқиб турган пайтда, бунинг устига Кассий Колхаундек гиж-гижловчи бўлган бир шароитда, уни нима қилишларини кўз олдингизга келтиряпсизми?! Азизим Зеб, мен учун, у учун дўстлигимиз ҳурмати, тезроқ йўлга тушинг! Улардан олдинроқ бориб, Морисни огоҳдан тириб қўйиш керак. Отингиз учқур отлардан эмас. Менинг отимни олинг, отхонамиздан истаган отингизни олинг! Тезроқ...

<sup>46</sup> Линч суди – ўзбилармонлик, бошбошдоқлик билан қилинадиган суд.

– Тўғри айтдингиз, – деб унинг сўзини бўлди овчи, йўлга тушишга ҳозирланар экан. – Албатта, бу мустангер йигит учун ёмон оқибат билан тугаши мумкин. Унга ёрдам бериш учун қўлимдан келган барча чорани кўраман. Хавотир олманг, мисс Луиза. Ўзимнинг қари отимда етиб боришга улгураман. У ўша йўлни яхши билади. Бир зумда етиб борамиз. Сизнинг холхол мустанг отингизда боришни унча истамай турибман. Бунинг устига, менинг отим тайёр, эгарланган... Хўп, хайр энди. Кўп ғам қилманг, эҳтимол, акангизга ҳеч нарса қилгани ҳам йўқдир. Морис мустангер эса ёш боладек бегуноҳ йигит, бу менга аниқ, жуда аниқ.

### ҚИРҚ ЕТТИНЧИ БОБ

#### УШЛАБ ҚОЛИНГАН ХАТ

Қўрқувдан эси чиқиб кетган эл-Коёт билан унинг уч ўртоғи отлари олдига отилдилар ва бир зумда уларга миниб олдилар. Улар мустангернинг чайласига қайтишни ўйламадилар ҳам. Аксинча, уларнинг миясида бўлган бирдан бир нарса – чайла атрофидан иложи борица тезроқ нарироқ қочиб қолиш эди.

Унинг «дон Морисио» эканига ҳеч ким шубҳа қилмасди. Уни учаласи ҳам танир эди. Диаз эса ҳаммасидан ҳам яхши танирди, лекин уларнинг ҳар бири ҳам бошсиз чавандознинг ирландиялик йигитдан бошқа киши эмаслигини жуда яхши ажратиб оларлик даражада уни танирдилар.

Ҳаммалари унинг отини, ягуар терисидан тикилган сув ўтмас этигини, навахо қабиласи ҳиндулари тўқиган серапени – оддий мексика серапеларидан ўзининг ранги ва гули билан фарқ қиладиган у серапени ва ниҳоят, унинг шляпасини танидилар.

Лекин от тўхтамади, шунинг учун улар каллани яхшилаб кўролмадилар. Каллада Морис мустангер кийиб юрадиган қора ялтироқ сомбреро кўриниб турарди. Ой ёруғи тушиб турган жойга чиққанда у ярақлаб кетди. Кейин улар катта бир итни кўриб қолдилар,

Диаз ирландиялик йигитнинг итини дарров таниди. Ит қаттиқ вовуллаб уларга ташланди.

Тўғри, бу энди ортиқча эди, чунки улар шундоқ ҳам ура қочиб қолган эдилар.

Бизнинг чавандозлар ўрмон оралаб орқаларига қарамай от қўйиб борардилар. Ўзлари одам ўлдирмоқчи бўлган дарадан қия ён бағир бўйлаб эмас, балки бошқа тарафдан юқорига кўтариладилар ва ниҳоят, даштга чиқиб олдилар. Бу ерда ҳам улар бирпас бўлсин тўхтамадилар, яна ўрмон чангаллари орасига етиб олгунча отларини жуда тез чоптириб бордилар, бу ерда улар яқинда жуда бошлаб команчиларга айланиб олган эдилар.

Команчилардан мексикалик бўлиб олишга унча эътибор қилиб ўтирмадилар, кўп ўтмай ҳамма иш битди. Улар шошиб-пишиб баданларидаги жанговар бўёқларни ювиб ташладилар (сув уларнинг ёнларидаги катта-катта флягаларда эди), дарахт шохлари орасидан ўзларининг мексиканча кийим-бошларини тортиб олдилар, ҳовлиқа-ҳовлиқа кийиндилар ва отларига миндилар-да, Леона тарафга чоптириб кетдилар.

Қайтишда улар фақат бошсиз чавандоз тўғрисида сўзлашдилар. Кўрқувдан ўтакаси ёрилиб кетган мексикалик мустангерлар бу ғайритабиий ҳолнинг сира тагига етолмадилар. Ҳал қилиб бўлмайдиган шубҳаларга берилиб улар бир-бирлари билан септмент чегарасида хайрлашдилар ва ўз чайлаларига тарқаб кетдилар.

– Сарау! – деб қичқирди эл-Коёт ўз чайласига кириб, ўзини каравотга ташлар экан. – Шундай ишдан кейин ухлаб бўлармикан? Ё, раббий! Бу қандай даҳшатли манзара! Томирларимда қон тўхтаб қолай деди-я!

Ақл-ҳушимни йиғиб олиш учун баданни қизитадиган нарса ҳам йўқ. Фляга бўш. Майхона ёпиқ. Ҳамма уйқуда. Ё, Биби Марям, нима бўлди экан? Шарпами? Йўқ! Унинг бадани билан суяқларини ўз қўлим билан ушлаб кўрдим... Агар у шунчаки оддий қўғирчоқ бўлса, кимга ҳам керак? Мен билан ўртоқларимдан бошқа даштда карнавал ўйини ўйнаш кимга ҳам керак? Минг лаънат! У қандай кўрқинчли маскарад!... Тўхта-чи, бирон бир киши бу ишни мендан олдин қилиб улгурма-

димикин? Эҳтимол, бошқа бирон одам минг долларни аллақачон ишлаб олгандир? Эҳтимол, бу ўлдирилган, калласи олинган, ўз калласини қўлида кўтариб юрган ирландиялик йигитдир?.. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас – даҳшат, ақлга сифмайдиган гап, бўлиши мумкин эмас!.. Бўлмаса нима у?.. Ҳа-а, тушундим! Бизнинг бо-ришимиз тўғрисида унга биров хабар берган бўлиши мумкин ёки ҳар ҳолда бундан ўзи шубҳа қилган бўлса ҳам ажаб эмас. Бу комедия эса бизни қўрқитиш учун қилинган. Бизнинг шармандаларча қочиб қолганимизга ўзи гувоҳ бўлиб турган бўлса ҳам ҳеч ажаб эмас. Лаънат-ей. Лекин бизнинг сиримизни ким очган, унга ким хабар берган? Ҳеч ким. Турган гапки, бизнинг нияти-мизни ҳеч ким билмасди. Унда у бу иблисона совғани қандай қилиб тайёрлади экан?.. Ҳа-а! Эсимдан чиқибди: ахир биз даштда куппа-кундуз куни йўл босдик-ку. Бизни кўриб қолган бўлишлари мумкин. Эҳтимол, худди шундай бўлгандир. Ўрмонда ҳинду кийимларини кийиб олаётганимизда бизни кўриб туришган, натижада ана шундай майнавозчиликка рўпара бўлганмиз. Бирдан бир изоҳ мана шу... Вой, аҳмоқлар-ей!

Қўғирчоқдан қўрқиб юрибмиз-а! Сарамба! Эртагаёқ яна Аламога жўнайман. Гарчи бу ишга бир йил вақт кетса ҳамки минг долларни ишлаб оламан! Нима бўлганда ҳам, бу ишни бир ёқлиқ қилиш керак. Исидордан ажралганим ҳам етар. Эҳтимол, ундан ҳали ажралганим йўқдир, лекин шундай деб ўйлашнинг ўзи ҳам чидаб бўлмас бир ҳолдир. Агар у ирландиялик йигитни яхши кўришини билсам, улар учрашганларидан хабардор бўлсам... Ё худо! Жинни бўламан. Жазавам тутганда у севадиган одамнигина эмас, ўзим яхши кўрадиган қизни ҳам йўқ қилиб ташлайман! О, доня Исидора! Гузаллик фариштаси ва макр иблиси! Мен сени кучоғимда бўғиб ўлдиришим ёки ханжар санчиб йўқ қилишим мумкин! Истаганингни танла...

Эл-Коёт бошидан кечирган ҳаяжонлардан бир оз ўзига келиб ва янги туғилган режадан мамнун бўлиб тез орада ухлаб қолди.

У чайласига тонг ёруғи мўралаганда уйғонди, тонг ёруғи билан бирга эшик олдида бир меҳмон ҳам кўринди.

– Хосе! – деб қичқирди эл-Коёт ҳайрон бўлиб ва хурсандлик билан. – Сенмисан?

– Ҳа, сеньор, менман.

– Сени кўрганимдан хурсандман, дўстим Хосе. Доня Исидора ҳам шу ердами? Леонадами демоқчиман?

– Ҳа, сеньор.

– Шундай тез қайтиб келдими? Ахир икки ҳафта ҳам ўтгани йўқ-ку, шундай эмасми? Мен сетламентда эмасдим, лекин бу тўғрида хабардорман. Сендан хабар кутардим. Нима учун менга ҳеч қандай хабар бермадинг?

– Фақат шунинг учунки, сеньор дон Мигуэл, ишончли киши йўқ эди. Бегона одамга ишониб бўлмайдиган баъзи хабарларни ўзингизга айтишим керак эди. Аффуски, сизга берган нарсам учун менга раҳмат демайсиз. Лекин менинг ҳаётим сизнинг қўлингизда – ахир мен сизга ҳамма нарсани маълум қилиб тураман деб ваъда берганман.

Дашт бўриси илон чаққандек сакраб ўрнидан туриб кетди.

– Уларнинг иккаласи тўғрисидаги гап! Шундайлигини юзингдан кўриб турибман. Сенинг беканг у билан учрашдимми?

– Йўқ, сеньор. Ҳар ҳолда менга шу маълумки, улар ўша биринчи учрашувдан кейин кўришганлари йўқ.

– Бўлмаса нима гап? – деб сўради Диаз, кўринишдан бир оз хотиржам бўлиб. – Морис майхонада ётганида, у шу ерда эди-ку? Улар орасида ҳеч қандай алоқа бўлдимми?

– Ҳа, дон Мигуэл, бўлди. Мен буни жуда яхши билман, чунки ўртада ўзим турган эдим. Мен доня Исидора унга юборган озиқ-овқат солинган саватларни майхонага уч марта ўзим олиб бордим. Охирги марта сават ичида хат ҳам бор эди.

– Хат дейсанми! Унинг мазмунидан хабардормисан, ўқидингми уни.

– Сизни деб, сизнинг менга нисбатан бўлган олижаноблигингиз ҳурмати бечора хизматкор шундай қилди. Бу ҳам оз, мен унинг хатидан нусха кўчириб ҳам олдим.

– Ёнингдами у?

– Ҳа! Мана кўрдингизми, дон Мигуэл, мени мактабга юборганингиз бекор кетмади, мана бу доня Исидоранинг хати.

Диаз бетоқатлик билан унинг қўлидан қоғозни тортиб олди ва очкўзлик билан ўқий бошлади. Лекин хат уни бир оз тинчитгандай бўлди.

– Сарамба! – деди у, қоғозни бепарволик билан буклар экан. – Бунда эътибор қиладиган ҳеч нарса йўқ, дўстим Хосе. Хатда қилинган яхшилик учун ташаккур билдирилган, холос. Бўлгани шуми?

– Йўқ, ҳаммаси эмас. Ана шунинг учун ҳам сизнинг олдингизга келдим. Менга септлментга бориш вазифаси топширилган. Ўқиб кўринг.

– Э! Яна битта хатми?

– Ҳа, сеньор. Буниси қора қўлим билан кўчирилган эмас, балки асл нусха.

Диаз титроқ қўллари билан унга узатилган хатни олди-да, очиб, ўқий бошлади:

*«Сеньор дон Морисио Жералдга.*

*Азиз дўстим, мен яна шу ерданман, Силвио тоғамникида меҳмон бўлиб турибман. Сиздан хабар олмай яшаш мен учун оғир. Беҳабарлик мени қийнаб юборди. Айтинг менга, касалингиздан тузалдингизми? О, қани энди шундай бўлса! Сизнинг кўзларингизни – чиройли, маънодор кўзларингизни кўргим келади, уларга қараб соғайиб кетганингизга ишонгим келади! Бир дўстлик қилинг, менга шундай имкониятни беринг. Ярим соатдан кейин тоғамнинг уйи орқасидаги тепалик устида бўламан.*

*Албатта келинг, сизни кутаман!*

*Исидора Коварубио де Лос-Ланос».*



## ҚИРҚ САККИЗИНЧИ БОБ

### ИСИДОРА

Қуёш дашт уфқиға эндигина кўтарилди. Унинг гардиши бир червонли тилладек ўсиқ ўтлар устида ярқирай бошлади. Қуёшнинг заррин нурлари ўрмон чангаллари орасига, саваннада у ер бу ерда тўп-тўп бўлиб ётган чангаллар орасига ёриб кирди. Тунги шабнамнинг катта-катта томчилари акас дарахтларининг баргларини эгиб, уларда осилиб ётар ва кўз ёши сингари ерга чак-чак томарди. Дарахтлар тун билан хайрлашиб йиғлаётгандек, кечанинг салқини ва намидан ажралишга ачинаётгандек, кундузги жазирама билан учрашишдан қўрқаётгандек туюларди. Қушлар дарахт шохларида чиқиб келаётган қуёшни табриклаётгандек шўх чуғурлашарди.

Лекин Техас даштларидан бошқа бирон жойда бундай саҳар кез одамни учратиш қийин бўлса керак. Леона дарёси соҳилида, Инж қалъасидан уч мил жойда бир чавандознинг қораси кўринди. Отда ўтиришига, кийим-бошига, елкасидаги серапега, бошига кийиб олган сомбрерога қараб ҳар қандай одам бу чавандозни эркак киши деб ўйлаган бўларди, албатта. Лекин воқеа Техаснинг жануби-ғарбида бўлаётганини унутиш ярамайди – у ерда аёллар эркакчасига от миндилар ва шунга муносиб кийим киядилар.

Ҳа, бизнинг қаҳрамон саҳар кезида чавандоз эркак эмас, аёл киши. Бунга ишониш осон. Отнинг жиловини ушлаб турган нозик қўлчага, узангида турган кичкина оёқларга, келишган, нозик аёл қадди-қоматига ва ниҳоят, сомбреро соябонлари тагига турмакланган ажойиб сочларга қараб, унинг аёл киши эканига ҳеч қандай шубҳа қолмайди.

Бу доня Исидора Коварубио де Лос-Ланос.

Мексикалик қиз яқиндагина йигирмага тўлди. Унинг сочлари қоп-қора, ўзи эса жуда чиройли. Лекин унинг чиройи йўлбарс чиройига ўхшайди, шунинг учун муҳаббатдан ҳам кўпроқ кишида кўрқув туғдиради.

Унинг чехрасидан ҳеч қандай ожизлик аломатлари кўринмайди, кўрқувнинг сояси ҳам йўқ. Қатъият, журъат, жасорат, аёл кишига нисбатан ҳаддан ташқари бўлган ўткир ақл, унинг ёш чехрасида акс этиб туради. Қорача ёноқларида қип-қизил ўт ёнади, у шунчалик қизилки, ўлим хавфи қаршисида ҳам юзидан кетмайдигандек туюлади.

Қиз Леонанинг ўрмонли соҳилидан ёлғиз ўзи келарди. Яқин жойда уй кўриниб турибди, лекин қиз уйдан бу ёққа қараб келяпти. У қизнинг тоғаси дон Силвио Мартинеснинг гасиендаси.

Ёш мексикалик қиз эгарда эркин ва ишонч билан ўтирибди. Тагида асов от, лекин чавандоз қиздан хавотир олманг – у отини жуда яхши бошқариб боряпти.

Эгарнинг қошига енгил каманд ўраб қўйилган. Исидора бу қуролни ҳар бир мексикалик мустангердан қолишмайдиган даражада усталик билан ишлатади ва бу билан мағрурланади.

У дарё ёқалаб ўтадиган катта йўлдан кетаётгани йўқ, балки тоғасининг гасиендасидан Леона паст-текисликларидаги ягона тепа устига олиб борадиган сўқмоқдан боряпти. Исидора тепа устига чиқиб, отнинг жиловини тортди, лекин у буни отига дам бериш учун эмас, балки йўлга чиқиш мақсади бўлган манзилга етганидан қилди. Бу ерда бояги сўқмоқ катта йўл билан бирлашади; йўл яқинида икки ёки уч акр келадиган жуда катта бўлмаган бир майдон чўзилиб ётибди, у ўт билан қопланган, лекин тиккайган дарахт йўқ. Бу ер гўё расмдаги даштга ўхшайди. Майдоннинг бутун атрофини тиканли дарахтлар ўраб ётади. Майдончадан билинар-билинмас учта сўқмоқ ўрмон чангалларини ёриб уч тарафга ўтади.

Исидора майдонча ўртасига келиб отини тўхтатди, отини тинчйтиш учун унинг бўйнига шапатилаб қўйди. Бундай қилишнинг унча ҳожати ҳам йўқ эди. Тепанинг тик ёнбағридан юқори чиқар экан от жуда чарчаб қолганидан олға интилмас ва ер тепинмасди.

– Шартлашилган вақтдан олдинроқ келибман! – деди чавандоз қиз, серапеси остидан олтин соатини чиқариб. – Бутунлай келмаса-я? Оҳ, кошки кела олса!..

Нима бу, титраяпманми? Асабийликдан титраяпман, ҳеч вақт бундай ҳаяжонланмаган эдим. Қўрқяпманми? Ҳа, эҳтимол...

Жуда қизиқ, севимли кишидан, умримда бирдан бир севган одамимдан қўрқишим қизиқ. Дон Мигуэлга нисбатан бўлган муносабатимни муҳаббат деб бўлмаса керак. У билан хаёлий ўйинга берилиб, ўзимни-ўзим алдаб юрган эдим. Бахтимдан бўлиб унинг қўрқоқлигини кўрдим-у, ўзимни тез қўлга олдим. Менинг романтик орзуларим қаҳрамони обрусини йўқотди, бундан кейин эса кўнглим қолди. Бундан жуда хурсандман! Энди эса дон Мигуэлнинг... ё раббий, наҳотки шу рост бўлса?.. Қароқчи бўлиб қолганини билиб, уни кўргани кўзим йўқ...

Лекин мен у билан мана шундай хилват жойда ҳам учрашишдан қўрқмаган бўлардим.

Жуда қизиқ, дунёда энг гўзал, энг олижаноб одам деб ҳисоблаган севимли кишидан қўрқсанг-да, айти вақтда энг ёмон кўрган одамимдан, гарчи унинг маккорлиги ва тош юраклигини билсанг ҳам, заррача қўрқмасанг!

Шундай бўлса ҳам бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Мен хавфдан қўрқиб титраётганим йўқ, балки мени севмаслигидан қўрқяпман. Мен ана шунинг учун титраяпман! Ана шунинг учун Морис Жералд мени ҳиндулар қўлидан қутқариб олган кундан бошлаб тунлари билан тинч ухлаёлмайман.

Мен унга ўз ҳисларим тўғрисида ҳеч вақт гапирмаган эдим. Шунинг учун менинг бу тўғрида қилган эътирофимга унинг қандай қараши ҳали номаълум. Лекин у ҳаммасини билиши керак. Одамни қийнаб юборадиган бундай яширин умидга ортиқ чидаёлмайман. Мабодо орзуларим алдангудек бўлса, дилхасталикка, ҳатто ўлимга ҳам розиман...

А! Туёқ дупури эшитилияпти. Умикин? Ҳа! Дарахтлар орасидан унинг ярқираб турган кийим-бошларини кўриб турибман. Морис Жералд одатда шу кийим-

бошини кийиб юради. Бунинг ҳайрон қоладиган жойи ҳам йўқ – кийими ўзига жуда ярашади...

Ё раббий! Мен серапега ўралиб олганман, бошимда эса сомбреро... У мени эркак киши деб ўйлаши мумкин! Бу ярамас ниқобни олиб ташлашим керак! Мен аёл кишиман, шунинг учун у қаршисида аёл кишини кўриши керак!..

Бир зум ўтмай Исидора серапе билан шляпасини олиб ташлади – саҳнада ҳам бунчалик тез ўзгариб олиш мумкин бўлмаса керак. Мана кўм-кўк ўтлар фониди енгил, қадди-қомати келишган аёл киши пайдо бўлди, бунинг чиройли бошини Канава ўз ҳайкаллари-га нусха олса арзигудек. Қиз гавдасини сал кўтарди, узангига таянди ва олдинга энгашиб сабрсизлик билан кутиб турди. Исидора ўз сўзларига қарама-қарши ўлароқ заррача ҳам кўркув сезмасди. Лаблари титрамас, ранги ўчгани сезилмасди. Аксинча, унинг олдинга тикилиб турган назари, мағрур муҳаббат чақириви, ўз шеригини кутиб турган аёл бургутнинг чақириви эди.

Лекин бирдан... Бу қандай ўзгариш бўлди? Тилла ранг ироқи уни янглиштирган эди. Мексикаликларча кийиниб олган чавандоз – Морис Жералд эмас, балки Мигуэл Диаз эди.

Исидоранинг кўтаринки, ҳаяжонли кайфияти ҳафалик билан алмашинди. Тамоман ҳафсаласи пир бўлган қиз эгарига ўтириб олди, шунда унинг кўкрагидан дилхасталиқдан чиққан оҳ товушига ўхшаш оғир ҳўрсиниш эшитилди.

Эл-Коёт олдин сўз бошлади:

– Салом, сеньорита! Сизни бундай серсоя чангаллар орасида кўрарман деб ким ўйлабди дейсиз?

– Бу билан сизнинг мутлақо ишингиз бўлмаслиги керак, дон Мигуэл Диаз.

– Жавобингиз қизиқ, сеньорита. Бунинг менга дахли бор, албатта, дахли бўлиши ҳам керак. Сизни ниҳоятда яхши кўришимни ўзингиз жуда яхши биласиз. Аҳмоқ бўлиб сизнинг қулингизман, деб эътироф қилиб ўтирибман. Худди ана шу менга нисбатан сизни совутиб қўйди.

– Янглишасиз, сеньор. Мен сизни севаман, деб ҳеч вақт айтган эмасман. Мабодо сизнинг от минишга уста-лигингиз менга ёққан бўлса, худди шу тўғрида сизга гапирган бўлсам, ҳар ҳолда, сиз бундан бошқа бирон бир хулоса чиқаришингиз керак эмас эди. Мен завқланиб сизни томоша қилмасдим, балки сизнинг чавандозлик санъатингизни ёқтирардим. Бунинг устига бу гаплар бундан уч йил илгариги гаплар. У вақтда мен ҳали кичкина қизалоқ эдим, болаликда эса бундай нарсалар кишида қаттиқ таъсир қилади. Унда одамнинг ахлоқий жиҳатлари эмас, балки ташқи кўриниши ҳайрон қолдиради. Лекин энди мен каттароқ бўлиб қолдим, шунинг учун кўп нарсага бошқачароқ муносабатда бўла бошлаганим тамомила табиийдир.

Лекин нима учун сиз мени умидвор қилиб алдадингиз? Мен отангиз подасидаги энг бебош буқани ва энг ёввойи отни бўйсундирган кун эсингиздами? Ахир биронга ҳам подачи уларнинг яқинига йўлай олмаган эди. Ўша кун сиз менга қараб жилмайиб қўйдингиз, шунда кўзларингизда менга нисбатан муҳаббат акс этиб турганини кўрдим. Буни инкор этманг, доня Исидора! Мен одамларни анча яхши ўрганганман, ўшанда нима деб ўйлаётганингиз ва нималарни ҳис қилаётганингизни юзингизга қараб осонликча уқиб ололган эдим. Лекин ҳозир сиз ўзгариб қолдингиз. Лекин нима учун? Шунинг учунки, мен гўзаллигингизга мафтун бўлдим, тўғрироғи, шуни эътироф этишдек аҳмоқликка йўл қўйдим. Сиз эса барча аёлларда бўлганидек ғолиб келиб ва бундан хабардор бўлиб, мағлуб бўлган одамга қизиқмай қўйдингиз. Гап ана шундай, сеньорита, буни инкор этманг.

– Йўқ, бундай эмас, дон Мигуэл Диаз. Мен ҳеч вақт на сўз билан, на қарашларим билан сизни севишимни эътироф этмаганман. Сиз менинг назаримда шунчаки бир уста чавандоз эдингиз, лекин бундан ортиқ эмас. Сиз ўша вақтда шундай эдингиз ёки жуда бўлмаганда, менга шундай туюлган эдингиз. Лекин сиз ҳозир қандай одамсиз? Сиз тўғрингизда бу ерларда, фақат

бу ерларда эмас, балки Рио-Гранде тарафларда ҳам нималар дейишаётганини биласизми?

– Мен туҳматларга жавоб бериб ўтиришнинг ҳожати йўқ деб ҳисоблайман, бу туҳматлар хоин-дўстлардан чиққан гапми ёки сохта душманлардан чиққан гапми, бунинг аҳамияти йўқ. Мен бу ерга изоҳ бериш учун эмас, балки изоҳ олиш учун келганман.

– Кимдан?

– Сиздан, гўзал доня Исидора.

– Сиз жуда ҳам ўзингизга ишониб юборибсиз, дон Мигуэл Диаз. Ўзингизнинг ким билан сўзлашаётганингизни унутманг, сеньор. Унутмангки, мен...

– ... Рио-Грандедаги энг мағрур плантаторлардан бирининг қизи ва Техасдаги ундан ҳам мағрурроқ бир плантаторнинг жиянисиз. Булар тўғрисида ўйлаб қўйганман. Шунингдек, мен ҳам бир вақтлар гасиенда хўжайини бўлганимни, бор-йўғи ёввойи отлар овчиси эканимни ҳам хотирамга олдим. Хўш, шу билан нима бўпти? Сиз одамни фақат камбағаллиги учунгина нафрат қиладиган аёллардан эмассиз. Афтидан, камбағал мустангер сиз учун юзлаб йилқиси бўлган ҳар қандай одамдан кўра кўпроқ обрўлидир. Сизнинг олижаноблигингизни исботлаб берадиган далил бор.

– Қандай далил экан? – деб тез сўради қиз биринчи марта хавотирга тушиб. – Қани ўша далил?

– Мана бу ажойиб хат далил. Мана у менинг қўлимда, унга доня Исидора Коварубио де Лос-Ланос имзо чеккан. Мактуб худди мен сингари камбағал бир мустангерга ёзилган. Мен уни қўлингизга бериш заруратини кўрмаяпман. Сиз хатни узоқдан ҳам таниб тургандирсиз дейман?

Қиз хатни таниди. Диазга ташланган ғазабли назар буни билдириб қўйди.

– Қандай қилиб у сизнинг қўлингизга тушиб қолди? – деб сўради Исидора ўзининг ғазабини яшириб ўтирмай.

– Бунинг аҳамияти йўқ. У менинг қўлимда. Мен анчадан бери шунга интилиб юрардим. Буни кўнглингиз совуганини билиш учун эмас, бу менга шундай ҳам

равшан эди, балки сизнинг бошқа одамга қизиқиб қолганингизни исботлаш учун кутиб юрардим. Мак-туб эса сиз Морис мустангерни севишингизни кўрсатиб турибди, сиз унинг чиройли кўзларини кўришни орзу қилибсиз. Лекин шуни яхши билинг, сиз унинг кўзларини ҳеч вақт кўрмайсиз!

– Бу нима деганингиз, дон Мигуэл Диаз?

У бу саволни қандай жавоб бўлишидан қўрқиб титраб берди. Бунга ҳайрон қолмаса ҳам бўларди, эл-Коётнинг авзойи бузуқ эди.

Буни сезиб у шундай деб жавоб берди:

– Қўрққанингизча бор. Мен сизни йўқотдим, доня Исидора, лекин сиз ҳеч кимники бўлолмайсиз, мен шундай деб аҳд қилганман.

– Яъни нима деб?

– Ҳозир айтганимдай. Сизни ҳеч ким, айниқса, Морис мустангер ўзимники деб айтишга муяссар бўлолмайди!

– Шундай денг!

– Ҳа! Сиз менга у билан бошқа ҳеч вақт учрашмайман деб ваъда беринг, бўлмаса мана шу жойдан тирик кетмайсиз!

– Ҳазиллашяпсизми дейман, дон Мигуэл?

– Йўқ, мутлақо жиддий айтяпман, доня Исидора. – Унинг рост айтгани очик кўриниб турарди. Эл-Коётга хос қўрқоқлик кўринмасди, кўзлари совуқ ва тош юраклик билан тикилиб турарди, қўли эса ханжарининг дастасини пайпасларди.

Ҳатто жасур Исидоранинг ҳам юраги орқасига тортиб кетди. Унинг ростдан дўқ қилаётгани кўриниб турарди, балодан қутулиб кетиш эса деярлик мумкин эмасдек туюларди. Улар учрашган дастлабки ондаёқ қизнинг юраги чўчиган эди, лекин у дўстим етиб келар ва мени ўз ҳимояси остига олар деб умид қилганди. Сухбатнинг бошланишида мексикалик қиз от дупури эшитилиб қолмасмикан деб қулоғини динг қилиб турди. Ҳатто ўша товуш эшитилиши керак бўлган чангаллар тарафга ҳар замонда бир назар ташлаб ҳам қўйди.

Энди эса бу умид пучга чиқди. Хат эгасининг қўлига бориб тегмаган экан, ёрдам кутишнинг ҳожати қолмади. Қиз қочиб кетишни ўйлади. Лекин бу қийин ва хавфли иш. Эл-Коётинг тўпсончаси ханжари сингари шундай қўлининг тагида турарди, орқасидан ўқ ейиши ҳеч гап эмас.

Исидора вазиятнинг нақадар хавфли эканини яхши фаҳмлади. Унинг ўрнида ҳар қандай хотин ҳам довдираб қолган бўларди. Лекин Исидора Коварубио бундай қўрқоқ аёллардан эмасди. Унга қараб қилинган пўписадан заррача бўлсин чўчиганини билдирмади.

– Бўлмаган гап! – деб қичқирди қиз. – Мен билан ҳазиллашяпсиз, сеньор. Мени кўрқитмоқчи бўляпсиз. Ҳа-ҳа-ҳа! Нега энди сиздан кўрқишим керак экан? Мен отни сиздан кўра ёмонроқ минмайман. Камандни ҳам худди сиздек усталик билан узоққа ташлайман. Мана қаранг-а, уни қандай яхши ишлата оламан!

Қиз кулиб туриб шундай дер экан, эгарининг қошидаги камандни олиб гўё ўз санъатини намойиш қилмоқчи бўлаётгандек қўлига ўрай бошлади.

Лекин мақсади бошқа эди. Диаз буни тушунмади. У қизнинг қилиқларидан ҳайрон бўлиб, оти устида индамай ўтирарди.

Фақат каманднинг тугуни тирсакларини қиса бошлаганда, мексикалик мустангер қизнинг мақсадини фаҳмлаб қолди. Лекин вақт ўтган эди. Бир ойдаёқ унинг қўллари ёнига ёпишди ва қаттиқ боғланиб қолди. Энди у ўзининг на ханжарини, на тўпсончасини қўлига ололди. Эл-Коёт каманднинг арқонига қўл теккизишга улгурмасданоқ унинг тугуни овчини яна ҳам қаттиқроқ сиқиб қўйди. Қаттиқ бир силтов билан у отдан учиб тушди.

– Энди, дон Мигуэл Диаз, – деб қичқирди Исидора отини буриб, менга ортиқ пўписа қилманг! Ўзингизни қутқаришга ҳаракат ҳам қила кўрманг. Сал қимирлаганингизни кўрсам, от чоптириб кетаман. Ярамас маккор! Ўлгудек қўрқоқлигингга қарамай мени ўлдирмоқчи бўлдинг-а, буни кўзларингдан кўриб турдим! Лекин энди ўрнимиз ўзгарди. Энди эса...



Жавоб бўлмаганини кўриб қиз жим қолди. Каманд таранг тортилиб турарди, шунда ҳам қиз отдан йиқилган одамдан кўзини узмасди.

Эл-Коёт каманд билан чамбарчас боғланган ҳолда ерда қимирламай чўзилиб ётарди. У отдан учиб тушар экан, ҳушидан кетганди. Худди ўлиб қолганга ўхшарди.

– Ё, Биби Марям! Наҳотки уни ўлдириб қўйган бўлсам? – деб юборди Исидора, отини бир оз орқага тислатиб. – Мен бундай қилишни истамаган эдим. Мабодо шундай иш бўлган эса ҳам, ҳеч ким мендан таъна қилолмайди. У мени ўлдиришга қатъий бел боғлаган эди, ўлиб қолдимикан ёки яқинига боришимни пойлаб жўрттага шундай қилиб ётибдимикан? Буни бошқалар ҳал қилсин. Энди мен баҳазур уйга кетаверишим мумкин, у менга етолмайди. Агар ҳаёти хавф остида бўлса, гасиендадан одамларни ёрдам учун юбораман. Яхши қолинг, дон Мигуэл Диаз!

Исидора шундай деб корсажи остидан кичкинагина бир ханжар чиқариб каманд арқонининг учидан, эгар олдидан қирқиб ташлади ва ҳеч қандай виждон азобига тушмай, қурбонини ерда чўзилиб ётганича ташлаб, уйга қараб от чоптириб кетди.

## ҚИРҚ ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

### КАМАНД ЕЧИЛДИ

Зеб Стумп билан қилган суҳбатидан кейин креол қиз ўз хонасига чекинди ва чўкка тушиб ибодат қила бошлади. Бечора креоллар сингари у ҳам католик эди ва мадоннанинг ҳимоя қилишига қаттиқ ишонарди. Унинг ибодати ғалати ва ғамгин бўлди: у акасининг қотили деб ҳисоблашган одам учун ибодат қиларди.

Луиза Морис Жералднинг бу даҳшатли жиноятда заррача ҳам айбдор эмаслигига шубҳа қилмасди. Қиз унинг гуноҳини кечиришни тилаб эмас, балки уни ҳимоя қилишни тилаб ибодат қиларди. Йиғиси ибодат сўзларини бўғиб қўярди. Луиза акасини бутун сингил-

лик меҳри билан севарди. У ғамдан жуда азоб чекарди, лекин бу ғам ака-укалик ҳиссидан ҳам кучлироқ ўзга бир ҳисни бўғиб қўёлмади. Қиз акасидан ажралганига қайғуга тушиб, севганининг халос этилишини истаб ибодат қиларди.

Ибодатдан сўнг ўрнидан турганда, қизнинг қўзи беихтиёр ўзининг муҳаббат хатларини эгасига етказишда жуда яхши хизмат қилган камонга тушди.

«О, кошки эди Морисга туғилган хавф тўғрисида хат ёзиб, ўқ-ёй билан юбора олсам!»

Лекин дарҳол унинг хаёлига бошқа нарса келди: уларнинг яширин учрашувларини очиб қўядиган бирор далил қолмадимикан? Луиза дарё бўйидаги тунги учрашувдан сўнг қайиқда ўтиш ўрнига, Мориснинг сузиб ўтиб кетганини эслади. Унинг каманди қайиқда қолган бўлса керак. Бундан олдин ғамдан куйиб кетган қиз бу тўғрида ўйламаган эди. Уларнинг тунги учрашуви очилиб қолиши мумкин.

Қуёш алақачон баланд кўтарилган ва эшик ойнасидан ёрқин нурларини сочиб турарди. Луиза боққа тушиш ва қайиқ олдига бориш учун ўша эшикни очди. Лекин юқоридан келаётган одам овозларини эшитиб, балконда тўхтаб қолди. Булар хўжайинлар йўқлигида тоза ҳаводан нафас олиш мақсадида азотеяга чиққан Флоринда билан Плутонинг товуши эди. Пастдан туриб уларнинг ҳар бир сўзини аниқ эшитса бўларди, лекин Луиза уларнинг нима тўғрисида сўзлашаётганига қизиқмасди. Фақат қизнинг қулоғига ўзи учун қимматли бўлиб қолган исм келиб киргандагина, қулоқ сола бошлади.

– Улар Жералд деган йигитнинг номини тилга олишяпти. Унинг исми Морис Жералд. Улар йигитни ирландиялик дейишяпти, агар бу гап тўғри бўлса, унда мен Янги Орлеанда кўрган ирландияликларга мутлақо ўхшамас экан. У чинакам жентльменга кўпроқ ўхшайди. Билдингми, ана у кимга ўхшайди!

– Сен у мастер Генрини ўлдирган деб ўйламассан, Плуто?

– Мен мутлақо бундай нарсалар тўғрисида ўйламайман! Хо-хо! У мастер Генрини ўлдирган эмиш! Ўйлаб топишган гапини қара-я! Бу, мастер Генрини гўё мен ўлдирганман дегандай гап-ку... ие, анави нима? Мана бу тарафга қара, Флоринда. Кўряпсанми?

– Қани?

– Ҳов ана, дарёнинг нариги тарафида. От минган кишини кўряпсанми? Ахир бу Морис Жералд-ку, қора даштда учрашиб қолганимиз худди ўша йигитнинг ўзи... Мисс Луга хол-хол от совға қилган йигитнинг ўзгинаси. Ўзи йўқ жойда ҳозир уни ҳамма қидириб юрган йигитнинг ўзгинаси!

– О Плуту, мен унинг беғуноҳлигига ишонаман! У шундай чиройли ва жасур жанобки, асти қўяверасан!

Луиза уларнинг гапига бошқа қулоқ солиб ўтирмади, у ўз хонасига қайтди ва секин-аста азотегга қараб йўл олди. У ўзининг ҳаяжонини хизматчилардан бекитиши қийин эди.

– Нима тўғрида гаплашяпсизлар? – деб сўради Луиза ўзини жиддий қилиб кўрсатиб.

– О мисс Луиза, мана бу тарафга қаранг-а! Бир йигит...

– Қандай йигит?

– Қидиришаётган йигит, бир вақт...

– Ҳеч кимни кўраётганим йўқ.

– Хо-хо! У ҳозиргина дарахтлар орқасига ўтиб кетди. Анави тарафга қаранг, ҳув анави тарафга... Қора ялтироқ шляпани, духоба куртка билан унинг ярқироқ кумуш тугмачаларини кўрмаяпсизми? Бу ўша. Бу худди ўша йигитнинг ўзи эканига ишонаман.

– Янглишаётган бўлсанг керак, Плуту. Бу ерларда жуда кўп одам ўшандай кийиниб юради. Одамни таниш учун бу ер анча узоқлик қилади, айниқса, ҳозир у бутунлай кўринмай қолган бир пайтда таниш қийин. Хайр, майли... Флоринда, югур пастга, менинг шляпам билан амазонкамни олиб кел. От миниб, бир айланиб келмоқчиман. Сен эса, Плуту, менга Лунани иложи борича тез эгарлаб бер. Қуёш жуда ҳам кўтарилиб кетмаса деб кўрқяпман. Қани бўла қол, тезроқ!

Хизматчилар зинадан тушиб кўздан йўқолиши биланоқ Луиза ҳаяжон билан яна бир марта азотея панжаралари олдига келди. Энди унга чангаллар орасидаги тепада ким борлигини яхшилаб кўриб олишга ҳеч ким халақит бермайди.

Лекин вақт ўтганди, чавандоз кўздан ғойиб бўлди.

«Жуда ўхшайди, лекин у эмасдек кўринди. Агар у Морис Жералд бўлса, нима учун бу тарафга ўтиб кетдийкин?»

Ўн дақиқадан кейин Луиза дарёнинг нариги соҳилида, чавандоз кириб кетган чангаллар орасига кириб борарди. Қиз отини тез ҳайдаб бораркан диққат билан олға қарарди. Тепанинг устига чиқиб, Луиза бирдан отининг жиловини тортди. Эшитилаётган товушлар шундай қилишга уни мажбур қилди.

Қиз қулоқ солди. Товушлар анча узоқдан келаётган ва зўрға эшитилаётган бўлса ҳам, ҳар ҳолда икки киши, аёл ва эркак кишининг сўзлашаётганини ажратиб олса бўларди. Эркак ким эди-ю, аёл ким эди? Қизнинг қалби яна алам билан оғриб кетди. Қиз яқинроқ борди. Яна тўхтади. Яна қулоқ солди. Майдончадагилар испанча сўзлашар эдилар. Креол қиз суҳбатнинг маъносини тушуниш даражада испан тилини яхши биларди. Лекин у ҳали анча узоқда бўлганидан сўзларни англаб бўлмасди. Қаттиқ-қаттиқ гапиришарди, афтидан, суҳбатлашувчиларнинг иккаласи ҳам жуда ҳаяжонда эдилар. Луиза яна ҳам яқинроқ борди. Эркак кишининг овози энди эшитилмай қолди. Аёл кишининг овози очик-ойдин таҳдид қиларди.

Овозлар Луиза жуда яхши билган майдончадан эшитиларди. Қизнинг жуда яхши хотиралари шу жой билан боғланган эди. Қиз яна бир марта тўхтади, бу сафар жуда ҳам яқин бориб қолганди. У бундан нари боришдан, ўзи учун аччиқ бўлган ҳақиқатни билишдан қўрқарди.

Ниҳоят, у жиловини силтади.

Майдонда у ёқдан бу ёққа от чопиб юрарди. Ерда қўли боғланган бир одам чўзилиб ётарди.

Ёнида ётган сомбреро билан серапе, афтидан, у кишиники эмасди. Бу ерда қандай ҳодиса юз берган бўлиши мумкин?

Ерда ётган киши мексикаликларнинг безакли кийимларини кийиб олганди. Отнинг устига мексикаликлар қўлидан чиққан ҳашаматли от ёпинчиғи ёпилганди.

Луизанинг қалби севинчга тўлди. Ётган одам ўликмиди ё тирикмиди, лекин у азотеяда кўрган кишининг ўзгинаси эди. Лекин у Морис Жералд эмасди. Луиза яқинроқ келди ва ерда чўзилиб ётган одамни кўздан кечира бошлади. Бу одамнинг мексикалик экани аниқ бўлди.

«Чиройли экан», деб ўйлади креол қиз.

Лекин Луизани отдан сакраб тушишига ва ерда ётган одам устига раҳми келиб эгилишига сабаб бу бўлмади. Боғлаб ташланган одамнинг ўзи ўйлаган киши бўлиб чиқмаганидан хурсанд бўлиб кетган қиз ана шундай инсоний иш қилишга бел боғлади.

«Ўлмабди, нафас олаётганини эшитиб турибман».

Қиз каманд тугунини бўшатди.

«Энди у баҳузур нафас олади... Лекин бу ерда қандай иш рўй берган бўлиши мумкин? Аҳ, ўзига келаяпти... Худога шукур! Ҳаммасини ҳозир биламан».

– Тузукмисиз, сэр?

– Сеньорита? Сиз ким бўласиз? – деб сўради дон Мигуэл Диаз, бошини кўтариб ва атрофини кўздан кечириб. – Қани у?

– Кимни айтяпсиз? Мен бу ерда сиздан бошқа ҳеч кимни кўрмадим.

– Сарамба! Жуда қизиқ! Наҳотки кўк от минган қизни кўрмаган бўлсангиз?

– Мен бу ерга келаётганимда аёл кишининг овозини эшитдим.

– Иблис овозини десангиз тўғрироқ бўлади, Исидора Коварубио де Лос-Ланосни ана шу сифат яхшироқ аниқлаб беради.

– Наҳотки у шундай қилган бўлса?

– Минг лаънат унга! Ҳа! Қани ўзи? Шунини айтинг менга, сеньорита.

– Билмадим. От дупурининг эшитилишига қараганда, у сўқмоқ билан пастга тушиб кетган бўлса керак. Худди шундай қилган бўлиши керак. Мен бошқа тарафдан келдим.

– Ҳа-а! Демак, у уйига кетибди... Жуда катта яхшилик қилдингиз сеньорита. Мени бундай тугундан озод этганингиздан жуда миннатдорман. Эҳтимол, яхшилигингизни яна давом эттирарсиз ва отга миниб олишимга ёрдамлашарсиз? Эгардан йиқилиб кетмасман деб умид қиламан, фақат отга миниб ололсам бўлгани. Ҳар ҳолда бу ерда қиладиган ишим қолмади. Душманларим бу ердан узоқда эмас... Бери кел, Карлито, – деди у отига қараб ва кетидан ғалати қилиб хуштак чалди. – Яқинроқ кел, бу яхши қиздан кўрқма. Биз билан бундай ярамас ҳазилни қилган у эмас. Қани, бери кел, жонивор, кўрқма!

Хуштак товушини эшитган от чопганича хўжайини олдига келди ва жиловидан ушлаб олишга йўл қўйди.

– Сал ёрдамлашиб юборсангиз, эгарга чиқиб оламан. Отга миниб олганимдан кейин эса орқамдан қувишларидан кўрқмасам ҳам бўлади.

– Сиз қувишади деб ўйлайсизми?

– Душманларим борлигига ишонаверинг. Лекин бу ҳеч гап эмас. Бўшашиб кетяпман. Ёрдамлашиб юборишдан бош тортмасиз дейман?

– Албатта, йўқ. Жоним билан қўлимдан келган ҳар қандай ёрдамни бераман.

– Сиздан жуда миннатдорман, сеньорита. Жуда миннатдорман!

Ёш креол қиз мексикалик кишини зўрға отга миндириб қўйди.

– Яхши қолинг, сеньорита, – деди эл-Коёт. – Сизнинг кимлигингизни билмайман. Фақат мексикалик эмаслигингизни кўриб турибман. Ўйлашимча, америкалик бўлсангиз керак. Лекин бунинг аҳамияти йўқ. Ўзингиз чиройли бўлганингиздек олижаноб ҳам экансиз, қачон бўлмасин бир вақти келиб қолса, қилган яхшиликларингизни Мигуэл Диаз яхшилаб қайтаради.

Эл-Коёт шундай деб отини йўлга солди. У эгарда зўрға ўтиргани учун отини секин-секин юргизиб кетди. Бир пасдан сўнг дарахтлар ортига ўтиб, кўздан йўқолди.

Креол қизга буларнинг ҳаммаси тушдек ғалати бўлиб туюлди.

Лекин унинг бу кайфияти Диаз ташлаб кетган, ерда ётган хатни олгандан кейин тез ўзгарди. Хат Морис Жералд номига ёзилган эди. Тагига: «Исидора Коварубио» деб имзо қўйилганди.

Луиза зўрға отга миниб олди.

У Каса-дел-Корвога қайтар экан, Леона дарёсидан ўтаётганда, отини унинг ўртасида тўхтатди. У сувга ғалати қилиб қотиб қолган бир назар билан узоқ тикилиб қолди. Башарасидан қаттиқ умидсизликка тушгани кўриниб турарди. Отини яна сал нарироққа жилдирса бўлгани эди, шунда Леона тўлқинлари уни ўз қаърига мангуликка тортиб кетган бўларди.

## ЭЛЛИГИНЧИ БОБ

### КОЁТЛАР БИЛАН ОЛИШУВ

Тиканли чангаллар орасидан қийналиб-қийналиб йўл юриб келган одам ниҳоят ариқ бўйига етиб келганда, Техас оқшомининг бинафшаранг соялари ер юзига тушиб бўлган эди.

У чанқоғини босиб, ўт устига чўзилди.

Оёғи оғрир, лекин оғриқ жуда қаттиқ эмасди. Ярадор келажак тўғрисида ҳозир ўйламасди – жуда чарчаб қолганди. Калхатлар тунаш учун учиб кетди. Акас дарахтининг нозик баргларини қимирлатиб ўйнаётган шабада уни аллалагандек бўлди, кўп ўтмай жафокаш йигит ухлаб қолди.

Лекин у узоқ ухламади. Яралари яна оғрий бошлади, у уйғонди. У фақат ўликларга ҳужум қиладиган кўрқоқ дашт бўриларидан кўрқмасди.

Тун жафокашга ниҳоятда узун туюлди, тонг отиши ҳам жуда қийин бўлди. Ниҳоят тонг отди, лекин у хурсандчилик келтирмади. Тонг ёришиши билан яна қора калхатлар пайдо бўлди, яна тепасида уларнинг қора соялари айланиб юра бошлади. Қорнининг очгани қийнай бошлади. Овқат қидириш керак эди.

Нарироқда бир ёнғоқ дарахти ўсиб турарди. Шохларида ёнғоқлар осилиб ётарди, лекин улар анча баландда, ердан олти фут юқорида.

Ярадор жуда қийналиб кетганига қарамай, дарахт ёнига судралиб борди. Қўлтиқтаёғи билан ёнғоқ қоқиб еди.

Энди нима қилиш керак?

Бу ердан кетишнинг иложи йўқ. Сал қимирласа ҳам оғриқ зирқираб кетаверди. Бу бахтсиз одам бирор кишининг ёрдам бериши мумкинлигига ишонмасди. Ахир у бўғилиб қолгунча қичқирди-ку, лекин унинг чақирғини ҳеч ким эшитмади. Шундай бўлса ҳам ора-чора унинг бўғиқ товуши эшитилиб қоларди. Бу умидсизлик билан кураш олиб бораётган кучсиз бир умиднинг ифодалари эди.

Илож йўқ. Шу ерда қолиши керак. Шундай хулосага келиб, ярадор хотиржамлик билан ўт устига чўзилди ва иложи борица сабр қилишга қарор қилди.

Баъзи-баъзида оғриқдан инграб қўярди. Оғриқдан жуда қийналиб кетганидан, у атрофда нималар бўлаётганини сезмай қолди. Калхатлар илгаригидек тепасида чарх уриб учарди. Лекин у энди бунга ўрганиб қолди ва калхатлардан баъзилари паст тушиб қаноти унинг бошига тегиб кетганда ҳам пинагини бузмади.

Ие, бу нима? Аллақандай товушлар...

Кичкина-кичкина оёқларнинг ариқ бўйидаги қумга теккан товушлари эшитилди. Бу товушлар ҳарсиллаш билан аралашиб кетарди. Ярадор нима гап эканини билиш учун қайрилиб қаради.

«Ҳа-ҳа, коётлар экан» – деб ўйлади у ариқ бўйида у ёқдан бу ёққа изғиб юрган йиртқичларнинг бутун бир галасини кўриб.



Шу пайтгача у ҳеч нарсадан қўрқмаган эди, бу қўрқоқ жониворларни кўрганда у фақат жирканар эди, холос.

Коётлар одатда одамга ҳужум қилмайдилар, лекин одамнинг кучсизланиб қолганини ва ўзини ҳимоя қилол-маслигини сезишлари биланоқ дадил бўлиб оладилар.

Жафокаш йигитнинг юзлари кактус тиканларидан тимдаланиб кетган яраларидан қон оқарди.

Коётлар қонни сездилар, қон ҳиди улар оғзининг сувини келтирди. Ярадор ўзини улар қурбон сифатида танлаганига шубҳа қилмасди.

Унинг қўлида овчилик пичоғидан бошқа ҳеч қандай қуроли йўқ эди, бахтидан бўлиб, пичоқ белбоғидаги қинида қолганди. Унинг эгарга боғлаб қўйилган милтиғи билан револьвери отда қолганди. Ярадор пичоғини қўлига олди ва ўнг тиззасига таяниб, ўзини ҳимоя қилишга ҳозирланди. Агар бир дақиқа кечикса, иш тутаган бўларди. Очкўзлик йўлга солган, қон ҳидидан нафси ҳакалак отган коётлар ўз қурбонига ташландилар. Олти коётнинг тиши бир вақтда унинг қўл, оёқ ва гавдасига ботди.

Ярадор бутун кучини йиғиб, пичоқ билан ўзини ҳимоя қилиб коётларни қочирди. Улардан бир-иккитаси ярадор бўлди ва ўтакаси ёрилиб увулаганча қочиб қолди. Кураш оғир, ҳаёт-мамот курашига айланди. Бир неча жонивор ўлди. Лекин шерикларининг ҳалок бўлгани бошқа коётларни тўхтата олмади. Улар яна ҳам шиддат билан ҳужум қилишда давом этдилар. Унинг аҳволи танг эди. Коётлар ўз қурбонига ёпишиш учун бир-бирларининг устидан ошиб ўтардилар. Ярадор пичоқ соларди, лекин унинг қўли толиб қолди, пичоқ тобора мўлжалга камроқ тега бошлади. У дақиқа сайин ҳолдан кетаверди. Ўлиши аниқ бўлиб қолаверди.

Ярадор худди шу умидсизликка тушган пайтида яна бир марта қаттиқ қичқирди. Қизиғи шуки, бу умидсизлик қичқириви эмасди. У шодликдан қичқириб юборди. Бундан ҳам қизиғи шуки, унинг қичқиривидан сўнг коётлар ҳужум қилишни тўхтатдилар.



Қаттиқ олишувдан сўнг танаффус бўлди. Ўртага бирпас жимлик чўкди.

От туёғининг дупури, итнинг қаттиқ-қаттиқ хурган товуши эшитилди.

Ярадор ёрдамга чақириб қичқаришда давом этди. От жуда яқиндан ўтгандек туюларди. Чавандоз унинг оху-зорини эшитмаслиги мумкин эмасди. Лекин жавоб бўлмади. Чавандоз ўтиб кетди. Туёқ дупури тобора секин эшитила бошлади. Бечора яна умидсизликка тушди.

От ўтиб кетиши биланоқ йиртқичлар яна хужум бошладилар. Яна олишув бошланди. Ҳолдан тойиб қолган одам ўзини ўлимга маҳкум этилган деб ҳисобларди ва фақат зўрма-зўраки қаршилиқ кўрсатарди.

Бирдан коётлар қурбонни ташлаб чекиндилар, бу сафар ҳимоячи етиб келган эди.

Чавандоз унинг чақириғига жавоб бермай ўтиб кетди, лекин ит ёрдамга келди. Буғу овлайдиган каттакон ит олишув бўлаётган жойга чопди. У катта-катта сакраб, қаттиқ ҳуриб ўзини чангаллар орасига урди.

– Дўстим! Қандай бахт! Дўстим!

Ит чангаллар оравдан чиқиб оғзини очиб коётлар устига ташланди. Уни кўрган коётлар ўз қурбонларини ташлаб, қўрққанларидан қоча бошладилар. Ит хап етди-ю, коётлардан бирини тишлаб олди. У бўрини каламушдек мижғилади, бир дақиқадан сўнг унинг оғзига тушган бўри кекирдаги узилган ҳолда ерда чўзилиб қолди.

Яна биттасининг бошига ҳам шу кун тушди. Учинчи қурбон бўлмади, ўлган ўз оға-иниларини кўрган бўрилар думларини қисиб, умидсизлик билан увуллаб қочиб қолдилар. Уларнинг ҳаммаси битта қолмай қуюқ чангаллар орасига кириб кетдилар.

Қийналиб кетган одам бошқа ҳеч нарса кўрмади. У тамоман ҳолдан тойган эди. У фақат қўлини чўзди, табассум билан ўз ҳимоячисини қучоқлади-да, алла-нарсалар деб шивирлаб, ўзидан кетди.

\* \* \*

У узоқ беҳуш ётмади. Ярадор кўп ўтмай ўзига келди ва тирсагига таяниб, савол назари билан атрофни кўздан кечирди.

Олишув бўлган жойга қараган кишининг юраги орқасига тортиб кетарди. Лекин бечора ўзидан кетмаса, бундан ҳам қўрқинчли бир манзаранинг гувоҳи бўлган бўлар эди.

У ўзидан кетиб ётган вақтда майдончада бошсиз чавандоз пайдо бўлди. Унинг оти чанқоғини босиб олиш учун ариқ бўйига тушди. Сув ичиб, от тик соҳилдан юқори кўтарилди, ярадор ётган майдондан чопиб ўтди-да, чангаллар орасига кириб кўздан йўқолди. Ит унинг кетидан чопмоқчи бўлди-ю, лекин кўп ўтмай ярадор олдига қайтиб келди ва унинг ёнига ётди.

Худди шу пайт ярадорнинг ҳуши ўзига келди. Итни эркалатиб у яна ерга чўзилди, кейин плашчининг этагини бошига тортиб қўйди, шундай қилиб у қуёшнинг жазирама нурларидан ўзини ҳимоя қилди ва ухлаб қолди.

Ит ярадорнинг оёғи олдида ётар ва мудрарди. Лекин у тез-тез кўзини очиб атрофга қараб қўярди, у қулоғини динг қилиб тургандек туюларди.

Аҳён-аҳёнда у бошини кўтарар ва ғазаб билан ириллаб қўярди. Ит жуда пастлаб учган калхатларни қуварди.

Йигит тушида алаҳлаб ётди. Унинг қовжираб қолган лабларидан аллақандай ғалати сўзлар учарди. Булар гоҳ эҳтирос билан айтилган муҳаббат сўзлари, ё аллақандай қотиллик тўғрисидаги бир-бирига ёпишмаган сўзлар эди.

## ЭЛИК БИРИНЧИ БОБ

### МАСТ-АЛАСТ

Хўжайини йўқлигида ичкари кириб олган қартабозлар тўсатдан ташлаб кетган Аламодаги ўша хилват чайлага яна қайтамиз.

Эртаси куннинг чошгоҳ пайти яқинлашиб қолганди, хўжайиндан эса ҳамон дарак йўқ. Чайладаги бирдан бир одам илгаригидек Фелим эди. Илгаригидек у маст ҳолда ерда чўзилиб ётарди.

Ҳамма гапни тушунтириб бериш учун монте ўйинчилари чайлани тўсатдан ташлаб кетганларидан сўнг ўша кеча нималар бўлганини ҳикоя қилиб беришимиз керак.

Фелим уйқудан ҳам кўра, стол атрофида жойлашиб олиб қарта ўйнаётган қизил танли уч ёввойини кўриб, ҳушёр тортди.

Ундан кейин нима бўлганини у аниқ кўз олдига келтиролмасди. Фақат шуниси ёдида эдики, баданларини бўяб олган учта ҳинду бирдан қарта ўйинини тўхтатдилар, қарталарни ерга улоқтириб урдилар, ханжарларини яланғочлаб, унинг жонига қасд қилдилар. Кейин бирдан уни ўз ҳолига қўйиб, уларни чақиргани келган тўртинчи ҳиндунинг сўзига кириб, шошганларича чайладан чиқиб кетдилар.

Буларнинг ҳаммаси ниҳоят йигирма сонияча вақт ичида юз берди. Шундан сўнг у эсини йиғиб олганда, кулда ҳеч ким қолмаган эди.

У ухлаб ётармиди ёки уйғоқмиди? Буларнинг ҳаммасини мастлигида кўрдими ёки тушига кирганмикин? Булар реал нарсалармиди ёки ҳали-ҳали кўз олдига турган, унинг ақли бовар қилмайдиган анави ҳодисага ўхшаш бирор янги нарсамиди?

Йўқ, бу шарпа бўлиши мумкин эмас. У ёввойиларнинг ростакам одам эканига ишонч ҳосил қила оларлик даражада яқиндан кўрди. У ёввойиларнинг аллақандай тушуниб бўлмайдиган тилда сўзлашишганини эшитди. Бундан ташқари, улар чайлада ўз қарталарини қолдириб кетдилар.

Фелим уларнинг ростакам қарта эканига ишонч ҳосил қилиш учун қарталардан биттасини кўлига олиб кўришни хаёлига келтирмади. У анча ҳушёр тортиб қолган эди, лекин бундай қилишга юраги дов бермади. Ахир, у бу ғалати қарталар унинг бармоқларини кўйди-

риб қўймаслигига ишона олармиди? Ким билади дейсиз, ахир, улар иблисники бўлиши ҳам мумкин эди-да!

Фикрларининг чигаллашиб кетишига қарамай, Фелим чайлада қолиш хавфли эканига ақли етди. Ҳамма ёғини бўяб олган қартабозлар яна ўйинни давом эттириш учун қайтиб келишлари мумкин. Улар бу ерда ўз қарталаринигина эмас, балки чайладаги барча буюмларни ҳам қолдириб кетган эдилар. Тўғри, алақандай муҳим бир нарса уларни тез чиқиб кетишга мажбур қилди, лекин улар худди ана шундай тезлик билан қайтиб келишлари ҳам ажаб эмас.

Ирландиялик шу фикрга келиб ҳаракат қилишга қарор берди. Эҳтиёткорлик қилиб у шамни ўчирди-да чайладан чиқди. У эшикдан чиқишга юрак қилолмади. Ой уй олдидаги майдончани ёритиб турарди. Ёввойилар шу яқин орада бўлишлари мумкин. У деворга қоқиб қўйилган от терисини жойидан кўчирди ва пайдо бўлган тешикдан ташқари чиқиб олди. Ҳужрадан чиқиб олгандан кейин Фелим ўзини дарахт соясига урди.

У ҳали нарироққа етмасданоқ қаршисида қорайиб турган алақандай нарсаларни кўриб қолди. Товуш эшитилди, бу товуш отларнинг ўт чайнаётганига ўхшарди, ора-чора туёқ товуши эшитилиб қоларди. Фелим тўхтади ва сарв дарахти орқасига яшириниб олди.

Кўп ўтмай ирландиялик буларнинг ҳақиқатан ҳам отлар эканига ишонч ҳосил қилди. Бу отлар мустангернинг чайласини қарта ўйнаш уйига айлантириб олган ўша тўрт ҳинду аскариники эканига энди ҳеч қандай шубҳа йўқ. Афтидан, отлар дарахтга боғлаб қўйилганди, лекин улар олдида хўжайинлари ҳам бўлиши мумкин.

Фелим шундай деб ўйлаб қайрилиб, бошқа тарафга қараб кетмоқчи бўлди. Лекин шу пайт у қарши тарафдан келаётган товушларни эшитиб қолди. Бу алақимга дўқ қилаётган бир неча эркак кишининг овози эди. Кейин қўрқиб кетган одамларнинг ваҳимали қичқирқлари, кетидан итнинг акиллаши эшитилди. Сўнг тинчлик чўкди, бу тинчликни гўё бир неча киши ўтакаси ёрилиб, чангаллар орасидан қочиб кетаётгандек қирс-қирс синган шохчаларнинг товушигина бузарди.

Фелим қулоқ солиб тураверди, одамлар сарв дарах-тига яқинлашиб келдилар. Бир неча сониядан сўнг улар отлари олдида пайдо бўлдилар, лекин бир нафас ҳам тўхтамай сакраб уларга миниб олдилар ва от чоптириб кетдилар.

Қочқинлар ой ёруғи тушиб турган очиқ жойга чиққанларида, Фелим уларнинг яланғоч баданларидаги қип-қизил бўёқларни аниқ кўрди. У мустангер чайласида бўлган тўрт ҳинду жангчисини таниди.

Фелим туёқ дупурининг эшитилишига қараб чавандозлар тик ён бағирликдан текис жойга чиқиб олганларини ва даштда от чоптириб кетганларини аниқлагандан кейингина жойидан қўзғалди.

Шундан сўнг у ўзи яширинган жойдан чиқди ва чапак чалиб қичқирди:

– Авлиё Патрик! Бу қандай гап бўлди? У шайтонларга бу ерда нима керак бўлди экан? Уларни олдига солиб қувган ким бўлди экан? Лекин, афтидан, алаким уларни ўлгудай кўрқитиб юборган кўринади. Қизиқ, эҳтимол, ўшанинг ўзидир? Онт ичаманки, худди шундай бўлган. Мен итнинг ириллаганини эшитдим, у эса ўшанинг кетидан кетган эди. Ё, худо, бу қандай гап! Бирдан у боягиларни қувиб шу тарафга келиб қолса-я?

Сирли чавандоз билан тўқнаш келишдан кўрқиб, Фелим яна дарахт орқасига яширинди. Кўрққанидан жонини ҳовучлаб, у дарахт соясида яна бир қанча вақт кутиб турди.

«Буларнинг ҳаммаси мистер Мориснинг қилган ҳазили бўлиб чиқса ҳам ажаб эмас. У уйга қайтиб кела туриб, мени бир кўрқитмоқчи бўлган. Яхшики, жуда вақтида келди ва қизил танлиларни кўрқитиб юборди – ахир улар бизни таламоқчи ва ўлдирмоқчи эдилар. Орадан анча-мунча вақт ўтган бўлса керак. Жуда кўп ичиб юборганим эсимда. Ҳозир эса ҳеч нарса ичмагандайман... Менинг шишам ҳиндулар кўзига кўри-ниб қолмадимикан, ана шундан келинг. Улар ҳам ичкиликни биз оқ танлилардан камроқ яхши кўрмайдилар, деб эшитган эдим. Ё, раббий, агар улар ичимлик

ҳидини сезиб қолган бўлсалар, ундан бир томчи ҳам қолмаган десангиз-чи! Чайлага бориб, буни текшириб кўриш керак. Энди улардан кўрқмаса ҳам бўлади. Уларнинг ура қочиб қолганларига қараганда, алақачон етадиган жойларига етган бўлсалар керак».

Фелим дарахт соясидан чиқиб, кулба тарафга юрди. У кўрқиб аланг-жаланг бўлиб, қадам ташларди, атрофда ҳеч ким йўқмикин деб бир неча марта тўхтади. Ўзини овутиш учун ўйлаб топган далилига қарамай, Фелим бошсиз чавандоз билан яна бир марта тўқнаш келиб қолишдан кўрқарди.


Лекин ичиш истаги кўрқувдан устун келди, шундан сўнг Фелим кўрқа-писа йўлида давом этди. Ниҳоят, у секин-аста чайлага кирди.

У шам ёқмади, бунга ҳожат йўқ эди. Шишани пайпаслаб топиш қийин иш эмасди, у идишнинг қаерда турганини жуда яхши биларди.

Лекин орзу-ўйи бўлган бурчакдаги шиша йўқ эди.

– Ҳа, шайтон ургурлар! Уни топиб олганга ўхшайдилар! Бўлмаса нега жойидан ғойиб бўлиб қолибди? Мен уни ўша ерга қўйган эдим. Уни ўз жойига қўйганим жуда яхши эсимда... Ҳа-а, бу ерда экансан, бебаҳом менинг! – деб давом этди у ниҳоят пайпаслаб ўзи қидираётган нарсани топгач.

– Хаҳ, ҳайвонлар, бўшатиб қўйишибди-ку! Илоё бу ярамас қизил танли ўғриларни у дунёда шайтонлар ўтда куйдирсин. Ухлаб ётган одамнинг виносини ўғирлаш қанақа бўлишини билиб қўйсинлар! Атанг-аттанг! Энди нима қилсам экан, яна ётиб ухлайми? Ахир, улар тўғрисидаги ва яна анавиниси тўғрисидаги фикрлар билан ухлаб бўлармикан? Турган гапки, томоқ хўллаб олмасам тинчланмайман. Ахир, бир томчи ҳам қолмабди-ку... Шошма! Авлиё Патрик! Топдим! Тўла бир фляга ичимлик бор! Мен уни сандиққа беркитиб қўйган эдим. То оғзигача тўлдириб қўйганман, охирги марта сетламентга жўнаётганида мистер Морисга йўлда ичиш учун бермоқчи эдим. У флягани олиб кетишни унутиб қўйганди, шекилли. Ишқилиб,



ҳиндулар ўзларининг ифлос қўллари билан сандиқни ҳам ағдар-тўнтар қилган бўлмасинлар-да, унда жинни бўлиб қоламан!...

– Ура, – деб қичқирди Фелим, бир неча дақиқа жим тургандан кейин, бу вақт у сандиқни қидираётгани билиниб турарди. – Бахтимни қаранг-а! Қизил танлилар бу ерни ахтаришни ўйламабдилар! Фляга тўла, унга ҳеч ким қўл теккизмабди!

Уни бахтиёр қилган бу янгиликдан кейин қоронғи чайла ичида ирландиялик хизматкорнинг тантана билан қилган рақси бошланди. Кейин тинчлик чўкди, ундан кейин эса суюқликнинг қулқилагани эшитилди. Бир оздан кейин бу товуш ўрнига чапилаган ва мамнунлик билан қилинган хитоблар эшитилди. Яна қулқиллаш билан чапилаган товуш эшитилди. Бу аҳвол ерга тушган бўш фляганинг товуши эшитилгунча давом этди.

Булардан сўнг мастлик қичқариқлари, ўшандай мастлик билан айтилган ашула, томоғини йиртиб хахолаб қулган ва қизил танлилар, команчилар ҳамда бошсиз чавандоз тўғрисидаги бир-бирига уланмаган пойма-пой гулдирашлар билан алмашиниб турди. Бошидан кечирган даҳшатлар тўғрисидаги сўзлар яна ва яна эшитилиб турди, лекин борган сари секинроқ эшитиларди, ниҳоят, булар ўрнини кайфи тарақ бўлиб кетган нотикнинг узлуксиз қаттиқ хуррак товуши эгаллади.

## ЭЛЛИК ИККИНЧИ БОБ

### УЙҒОНИШ

Фелим бу сафар кўпроқ ухлади. У ниҳоят кўзини очганда, чошгоҳ пайти бўлиб қолган эди, у ўзи уйғонмади, бошига қуйилган бир челақ муздек сувдан уйғонди. Бу қизил танли ёввойиларни кўргандагидан кўра камроқ эсини жойига келтирмади.

Бундай усулда уни Зеб Стумп уйғотган эди.

Кекса овчи Каса-дел-Корво дарвозасидан чиқиб, энг яқин йўл билан Нуесес дарёси тармоқларидан би-



рига жўнади. У ўзига яхши таниш бўлган сўқмоқдан борди.

Луиза Пойндекстер унга сўзлаб берганларидан кекса овчи Морис Жералднинг хавф остида қолганини тушунди. Стумп Пойндекстер бошчилигидаги отряд билан тўқнашиб қолишдан ўзини олиб қочди ва Аламога улардан олдинроқ етиб келишга шошилди.

Агар у регуляторлар билан учрашиб қолса, истар-истамас тахмин қилинаётган қотилнинг чайласига уларни бошлаб боришга мажбур бўларди.

Зеб Стумп чайладан бир оз нарироқда, Аламонинг паст соҳили бўйидаги чангаллар орасига отини боғлади ва у ёғига пиёда кетди.

Мустанг териси тортилган эшик ёпиқ эди, лекин терининг ўртасида катта тешик кўриниб турарди. Бу нимаси?

Кекса овчи шарпа чиқандай, чайланинг орқасига ўтди ва дарахтлар панасидан юриб отхона олдига келди, чўккалаб олди-да, қулоқ сола бошлади.

Чайла ичидан қаттиқ-қаттиқ хуррак товуши эшитиларди. Зеб Стумп тешикдан ичкари мўралади ва ерда ухлаб ётган Фелимга кўзи туپди.

Энди эҳтиёткорлик қилишнинг ҳожати қолмаганди. Овчи ўрнидан турди-да, яна чайлани айланиб ўтди ва ичкарига кирди. Эшик очиқ эди, шунинг учун Фелимни уйғотиб ўтиришга зарурат бўлмади. Зеб ўйланиб туриб қолди.

«Йўлга чиқиш учун тугунлар тугиб қўйилибди. Ҳа-а! Эсимда, Морис шу кунларда бу ердан алақаёққа кетмоқчи эканини айтганди. Мана бу бадбахт эса шунчаки ухлаб ётгани йўқ, ўлгудек маст. Қизик, жиндек бўлса ҳам ичимликдан қолдирганмикан? Қолдирмаган бўлса керак... Мана шиша ҳам думалаб ётибди, ёнида фляга, у ҳам бўш. Шайтон олсин бу пиянистани – ахир у оҳак тошли даштдан ҳам кўпроқ суюқликни ҳазм қилиб юбора олади!.. Испан қарталари! Ерда бутун бир колода сочилиб ётибди... У буларни нима қилиши мумкин? Афти-

дан, ичиб ўтириб пасянс<sup>47</sup> ўйнаган бўлса керак. Лекин эшикдаги бундай тешикни ким очди экан, девордаги мана бу тешик қайдан пайдо бўлди? Буларни у менга тушунтириб берар дейман. Уни уйғотиб. сўраб кўрай».

– Фелим, Фелим!

Фелим жавоб бермади.

– Фелим, бу менман! Фелим!

Яна жавоб бўлмади. Овчи иккинчи марта ярим мил атрофдан эшитса бўладиган қилиб овозининг борича бақирса ҳам Фелим пинагини бузмай ухлаб ётарди. Зеб кучининг борича пиянистани силкита бошлади. Бунга жавобан у инграб қўйди, холос, лекин дарҳол илгаригидек гулдиратиб хуррак торта бошлади.

«Хуррак тортмаётган бўлса, уни ўлиб қолган деб ўйлаган бўлардим. Лекин у ўлгудек маст... бунга шубҳа йўқ. Уни қандай қилиб ўзига келтирсам экан?»

Кекса овчининг кўзи бурчакда турган бир челак сувга тушди. Челак лим-лим эди.

Зеб жилмайиб бориб челакни олди ва уни донг қо-тиб ётган Фелимнинг башарасига сепиб юборди.

Бу натижа берди, Фелим уйғонди, лекин ҳали кайфи жуда ҳам тарқамаган эди.

Унинг оғзидан кетма-кет қуйилиб чиқа бошлаган ҳар хил хитоблар кекса овчининг қаҳ-қаҳаси билан аралашиб кетди.

Ниҳоят, иккаласи ҳам тинчланди, энди жиддий суҳбат бошласа бўларди. Фелим ҳали ҳам бошидан кечирган қўрқинчлар таъсири остида эди. Зебнинг дағаллик билан қилган ҳазилларидан у хафа бўлмади, у ниҳоят бирон бир киши билан ўз дардини ўртоқлаша олишидан хурсанд эди. Зеб бошсиз чавандоз тўғрисидаги гапни биринчи марта ундан эшитди.

Дастлаб Зеб Фелимни масхара қилиб кулди. У буни қари пиянистанинг «тасаввур ўйини» деб айтди. Лекин Фелим бу ростдан ҳам бор гап деб сўзида қаттиқ туриб олганидан кейин у ўйланиб қолди.

<sup>47</sup> Пасянс – махсус қоидага мувофиқ қарталарни маълум тартиб билан териб чиқиш.

– Қўйсангизчи, бу қандай қилиб хато бўлиши мумкин! – деб эътироз билдирарди ирландиялик. – Ахир мен мистер Морисни ҳозир сизни кўриб тургандек аниқ кўрдим-ку? Бошидан бошқа ҳаммасини кўрдим. Лекин кейин отини бурганда бошини ҳам кўриб қолдим. Бундан ташқари, эғнида мексиканча серапеси ва оёғида ягуар терисидан тикилган этиги ҳам бор эди, ахир. Унинг чиройли отини танимай қолишим мумкинмиди?.. Бундан ташқари, Тара унинг кетидан кетиб қолганини айтишни унутибман, шекилли. Кейин эса у ҳиндуларга қараб ириллаб берганини ҳам эшитдим.

– Ҳиндулар дейсанми? – деб юборди овчи, ишонқирамай калласини чайқар экан. – Испан қарталари ўйнайдиган ҳиндулар бўларканми?

– Сиз уларни ҳиндулар эмас деб ўйлайсизми?

– Менинг нима деб ўйлашим муҳим эмас. Бош қотириб ўтиришга вақт йўқ. Қани, кўрган ва эшитганларнинг ҳаммасини бирма-бир гапириб беравер.

Фелим ниҳоят ҳикоясини тугатганда, Зеб унга бошқа савол бериб ўтирмади. У чайладан ташқари чиқди-да, ўт устига чўзилди.

У фикрларини бир ерга тўплаб олмоқчи эди. Фелимнинг ҳикояси ишни яна ҳам чигаллаштириб юборганди.

Бу пайтгача фақат Генри Пойндекстернинг ғойиб бўлиб қолгани маълум эди. Энди эса хизматкорнинг сўзига қараганда, кеча эрталабоқ уйга қайтиши керак бўлган мустангернинг чайласига қайтиб келмаганлигидан, бу иш яна ҳам оғирлашиб кетди.

Мустангернинг бошсиз чавандоз қиёфасида ёки калласини қўлида кўтариб юрган чавандоз қиёфасида пайдо бўлгани тўғрисидаги ҳикоя мутлақо ҳақиқатга сифмайдиган гап эди. Бу фақат бирон бир кишининг найранги бўлиб чиқиши керак.

Албатта, бундай ҳазиллар билан шуғулланиш одам ўлдирилган ва септамент аҳолисининг ярмиси қотилни қидириб юрган бир пайтда қилиниши жуда ғалати. Бу яна шунинг учун ҳам ғалатики, юз берган жиноят айбдори деб худди Морис Жералдни ҳисоблар эдилар.

Зеб Стумп кўзи олдидан бирин-кетин юз берган ёки уст-устига юз берган ғалати ишлар бир-бир ўтди. Кўзга кўринмас сабаблардан юз берган воқеа, кўзга кўринмас натижасиз сабаблар, тушуниб бўлмас ниятлар оқибатида, юз берган жиноят... Булар сирли, тушуниб бўлмас ишлар эди...

Морис Жералд билан Луиза Пойндекстернинг тунги учрашуви, бу учрашув натижасида юз берган акаси билан бўлган жанжал, Мориснинг даштга жўнаб кетиши, Жералддан кечирим сўраш ниятида унинг кетидан йўлга чиққан Генри, буларнинг ҳаммаси тамомила табиий ва тушунарли эди. Лекин бундан кейин чалкашликлар ва қарама-қаршиликлар бошланарди.

Зеб Стумп Морис Жералднинг Генри Пойндекстерни ёқтиришини биларди. Морис Генри Пойндекстер тўғрисида унга кўп гапирганди, лекин ҳеч вақт унга душманлик назари билан қараганини билмаганди. Аксинча, йигитнинг маънавий жиҳатларидан доим ҳавасланиб гапирарди. Морис бирдан йигитчанинг дўстидан унинг қотилига айланиб қолганини тахмин қилиш – келишмаган гап эди.

Зеб Стумп ниҳоятда ақли расо одам эканига қарамай бу чигал ишларнинг тугунини тополмай қолди. У бирдан бир шубҳа қилмаган нарса, мустангер чайласига ҳужум қилган тўрт чавандознинг ҳиндулар эмаслиги бўлди. Эҳтимол, уларнинг бу одам ўлдириш воқеасига қандайдир бир уланган жойи бордир. Лекин бу одамларнинг чайлага келишгани ва унда хўжайиннинг йўқлиги Стумпни яна бошқа ғамгин тахминлар қилишга олиб келди...

Унинг назарида бир киши ўлдирилган эмасди, ўрмон чангаллари орасидан икки кишининг жасадини қидириш керак эди.

Шундай фикрга келар экан, кекса овчининг қалбидан чуқур хўрсиниш чиқди. У ирландиялик йигитни деярли оталик муҳаббати билан севиб қолганди. Шунинг учун Морис Жералд қоронғи чангаллар орасида хоинона ўлдирилган ва унинг жасадини калхатлар

билан коётлар тортқилаётганини ўйлар экан, чолнинг қалби зирқираб оғриб кетди. Бу тўғрида ўйлагани сари чуқурроқ хўрсинарди. Ниҳоят, ортиқ бундай оғир ҳаёллар таъсирида қоломаслигини сезиб, Стумп сакраб ўрнидан турди-да, у ёқ бу ёққа тез одимлар ташлаб юра бошлади. У ўч олишга аҳд қилди.

Кекса овчи ўзининг аччиқ фикрларига шундай берилиб кетган эдики, олдидан чопиб ўтиб кетган мустангернинг катта итини ҳам пайқамай қолди.

Фелим итнинг қайтишини шодлик қичқириқлари билан қарши олди. Зеб Стумп ўзига қарата айтилган қаттиқ-қаттиқ гапларни эшитмагунча бунга эътибор қилмади:

– О, мистер Стумп, Тарага бир қаранг! Қаранг, унинг бўйнига алланарса боғлаб қўйилибди. У кетганда бу нарса йўқ эди. Нима деб ўйлайсиз, бу нима бўлди экан?

Ҳақиқатан ҳам итнинг бўйнида буғу терисидан қилинган тасма бор эди, лекин унинг тагида яна алланарса кўришиб турарди, у ўраб қўйилган бир нарса эди.

Зеб ёнидан овчилик пичоғини суғуриб олди ва ит устига энгашди. Кўрқиб кетган ит орқасига тисланди, лекин овчининг ёмон ниятда эмаслигини пайқаб, унга яқин келди.

Зеб тасмани кесди, ўраб қўйилган нарсани очди, унда визит карточкаси бор эди. Карточкага қизил қалам билан алланарсалар ёзилган эди, у қон билан ёзилганди.

Зеб ўқий бошлади. У ёзилган нарсаларни анча тезлик билан кўздан кечириб чиқди. Енгил тортиб хўрсинди:

– У тирик экан, Фелим! Тирик экан! Мана бунга қара... Э, ахир сен саводсизсан-ку! Мени ўқишга ўргатган кекса ўқитувчига раҳмат. Лекин бари бир... У тирик экан! Тирик экан!

– Кимни айтяпсиз? Мистер Морисними? Худога раҳмат ёғдириш керак!

– Тўхта! Бунинг учун ҳозир вақт йўқ. Одеял билан қайишларни ол. Мен бориб, отимни олиб келгунча шуларни тайёрлаб қўй. Тезроқ қимирла! Бир дақиқани ҳам бекор кетказиб бўлмайди, бўлмаса вақт ўтган бўлади!

## ЭЛЛИК УЧИНЧИ БОБ

### АЙНИ ВАҚТДА

Шундай деб кекса овчи жўнаб кетди. Овчи жуда тўғри айтди – бир дақиқани ҳам қўлдан бериб бўлмасди. Қон билан хат ёзиб юборган бечорага ёрдам бериш учун овчи шошилиб кетаётган вақтда, у бечора яна ўлим хавфи остида қолган эди. Коётлар иккинчи марта ҳамла қилганларидан кейин унинг олдига пусиб, бошқа бир яна ҳам хавфлироқ душман келиб қолди, шунинг учун бечоранинг умри жуда оз қолгандек туюларди.

Панама ва плашч кийган ярадорнинг Морис Жералд эканлигини ўқувчи аллақачон тушуниб олган бўлса керак. Юқорида тасвир қилингандек Таранинг аралашуви натижасида яхшиликча тутаган коётлар билан бўлган олишувдан кейин у жуда қолдан тойиб қолди, уни уйқу босди.

Ёнида дўст борлигидан хотиржам бўлиб ва содиқ итининг ҳам қанотли, ҳам тўрт оёқли душманлардан ҳимоя қилишига ишониб, йигит тез орада донг қотиб ухлаб қолди.

У бир неча соатдан сўнг уйғонди, энди ўзининг тетиқлашганини ва ўз аҳволи тўғрисида хотиржамлик билан ўйлаб олса бўлишини тушунди.

Ит уни коётлардан қутқариб қолди. Улар томонидан янги ҳужумлар бўлган тақдирда ҳам итнинг ёрдамига ишониши мумкинлигига шубҳа йўқ. Лекин энди нима бўлади? Ахир ит уни уйга элтиб қўёлмайди-ку, бу ерда қолиш эса, очдан, эҳтимолки жароҳатдан ўлиш деган гап.

Ярадор ўмидан турди, лекин қаддини ростлай олмасди. Белини кўтармай бир-икки қадам босиб кўришга уринди, лекин яна ётиб олишга мажбур бўлди. Жуда қолдан тойиб қолганидан боши айланар эди.

Шу пайт миясига лоп этиб яхши бир фикр келди: «Тара уйга хабар етказиши мумкин».

– Қани энди уни бу ердан кетишга мажбур қила олсам! – деди у ва итига синов назари билан қараб қўй-

ди. – Бери кел, менинг вафодор итим, – деб давом этди Морис тилсиз дўстига қараб. – Менга почталонлик қилишингни ва уйга хат олиб боришингни истайман. Тушуняпсанми? Хатни ёзиб бўлгунимча шошмай тур. Ўшанда яхшироқ тушунтириб бераман.

Йигит чўнтагига қўл солди ва ундан бир карточка чиқарди.

– Яхшики, хат ёзса бўладиган нарса бор экан, қалам йўқ. Лекин бунинг зарари йўқ. Бу ерда истаганча сиёҳ топилади. Перо ўрнига эса мана бу агаванинг тикани хизмат қилади.

У ўсимлик олдига судралиб борди, барг учидаги энг катта тиканлардан бирини синдириб олди, уни коёт қонига ботирди-да, ёза бошлади.

Хатни тугатиб, ярадор буғу терисидан қилинган бир парча тасмани олди ва уни итнинг бўйнига боғлади. Карточкани панамаси астаридан узиб олинган чармга яхшилаб ўраб, уни ўзи ясаган ит тасмасига қистирди.

Энди итни почталонлик вазифасини бажаришга кўндириш қолганди.

Бу қийин иш эди. Ўзининг жуда зийрак эканига қарамай, вафодор ит ўзи ниҳоятда содиқ бўлган одамни нима учун бундай кулфатда ёлғиз қолдириб кетиши кераклигига сира тушунолмасди. У бу ердан кетиш тўғрисидаги сўзларга анчагача мутлақо қулоқ солмади. Яқиндагина ўзи қутқариб қолган одам унга сохта дўқ билан қичқариб бергандан кейин ва қўлтиқтаёқ билан ургандан кейин, фақат ана шундан кейингина ит бу ердан кетди.

Шундай бўлса ҳам Тара бир неча марта орқасига ўтирилди ва хўжайинига ўпкали назар билан ўшшайиб қараб қўйди.

– Бечора! – деди Морис, афсус билан Тара чангаллар орасига кириб кетгандан сўнг. – Уни уриш ўзимни ёки энг яқин дўстимни ургандай гап бўлди, ҳечқиси йўқ, мен ундан қарздор бўлиб қолмайман. Энди эса коётлар янгидан ҳамла қилгудек бўлсалар, ўзимни ҳимоя қилиш чораларини кўриб қўйишим керак. Менинг ёлғиз қолганимни сезиб улар яна қайтиб келсалар керак.

Нима қилиш кераклигини у ўйлаб қўйганди. Ёнроқ дарахтидан нарироқда иккита йўғон-йўғон шохи ётиқ ҳолатда ўсган бир дарахт турарди. Шохлар бир-бирига жуда яқин ўсган ва ердан олти-етти фут баландда эди.

Жералд пичоғи билан плашчининг этагидан тешиклар очди, кейин ўзининг креп шарфини ечди ва уни узунасига иккига бўлди. Шундай қилиб бир неча ярд узунликдаги иккита арқондек бир нарса пайдо бўлди. Шундан кейин у плашчини ўша шохлар орасига ёзди ва уни беланчакка ўхшатиб шарфи билан дарахт шохларига боғлаб қўйди.

Морис коётларнинг дарахтга чиқолмасликларини ва осма тўшакда у уларни ҳеч қўрқмай хотиржамлик билан кузатиб ётиши мумкинлигини биларди.

У коётлар қайтиб келишларига ишонганидан бундай беланчак ясашга сира кучини аямади. Ҳақиқатан ҳам бўрилар кўп ўтмай кўриниб қолдилар. Улар қўрқа-писа атрофга аланглаб келар эдилар. Икки қадам олға босишар, кейин тўхташар ва атрофга аланглаб қарашарди. Сўнг яна яқинда олишув бўлган жойга сурилардилар. Итнинг йўқ эканига ишониб, улар зум ўтмай бутун галалари билан йиғилиб келдилар.

Морис бу қўрқоқ жониворларга хос бўлган жирканч очкўзликнинг гувоҳи бўлди. Дастлаб улар ўзларининг ҳалок бўлган уруғ-аймоқларини хомталаш қилишга киришдилар. Шундан сўнг коётлар ярадор йигит чиқиб олган дарахт тагига тўпландилар.

Мустангер ўз беланчагини ясар экан, уни ниқоблашга ҳаракат ҳам қилмаган эди. Беланчакни ердан анча баландга қурди, шунинг учун ҳар қандай хавфдан холи бўлдим деб ўйлаганди.

Афтидан, қонли овқат йиртқичларнинг иштаҳасини яна ҳам карнай қилиб юборди, энди эса улар ўзларининг қонга бўялган тумшукларини ялаб дарахт тагида турар эдилар.

Морис ҳатто бу қўрқоқ жониворлар сакраб-сакраб, унинг оёқларига деярли тегай деганларида ҳам мутлақо пинагини бузмади.



Лекин у олдиндан кўриб қўймаган хавф чиқиб қолди. Йиртқичлар ўзларининг барча уринишлари бекор кетганига қаноат ҳосил қилиб, оғир-оғир нафас олиб дарахт тагига чўзилиб ётиб олдилар. Бу мустангерни кўрқитмаса ҳам бўладигандек туюларди, чунки у ўз беланчагида ўзини мутлақо хавфсиз ҳис қиларди. Агар у яна дақиқа сайин ортиб бораётган чанқоқ азобини торта бошламаганда эди, хавотирликка тушмаган ҳам бўларди, чанқоқ эса тобора кучайиб борди.

У ўзининг шунга ақли етмаганидан хафа бўлди: ахир дарахт устига чиқиб олишдан олдин шу тўғрида ўйласа бўларди-ку! Озгина сув ғамлаб олиш ҳеч гап эмасди. Ариқ шу ердан оқиб ўтарди, ағаванинг ботиқ барги эса идиш вазифасини бажара оларди.

Лекин энди вақт ўтганди. Сув ичиш истаги борган сари кучая борди. Коётлар ўрови орасидан ариққа ўтиб олишнинг иложи йўқ – унда ўлим хавфи бор.

Йигит кўп қон йўқотганидан чанқоқдан қийналарди. Чанқоқ азобига чидаб бўлмай қолди. Бу сафар унинг азоблари кўзига ҳар хил нарсаларнинг кўриниши қўшилиб, баттар қийнади. Назарида бўрилар сони ўн ҳисса кўпайиб кетгандек эди. Улар энди юзта эмас, балки майдонда минглаб бўрилар ётгандек туюларди. Улар ҳали ҳам тўхтовсиз келиб шерикларига қўшилиб турардилар. Уларнинг кўзлари кўрқинчли чақнарди. Қизил тиллари дарахт шохига осиб қўйилган плашгча тегиб кетарди. Улар плашчни тишлари билан тортқилашарди. Улар сакраганда ғазаб билан олган нафаслари Морисгача етиб келарди.

Эси жойига келган пайтларида мустангер буларнинг ҳаммаси касаллик тасаввури ўйини эканини кўрарди. Бўрилар ўз асирини пойлаб ўт устида хотиржам чўзилиб ётардилар.

Морис эси жойига келган шундай пайтлардан бирида бирдан кутилмаган бир ўзгариш юз берганини кўрди: коётлар тўсатдан сакраб туриб, ўзларини чангал ичига урдилар. Улар битта ҳам қолмай ғойиб бўлди.

Уларни нима кўрқитиб юборди экан?



Морис шодлик билан қичқириб юборди. Ҳойнаҳой Тара қайтиб келган бўлса керак. Эҳтимол, Фелим ҳам у билан бирга келгандир. Ахир орадан анчагина вақт ўтди: коётлар қамали икки соатдан ортиқроқ давом этди. Морис пастга энгашиб, атрофни кўздан кечирди. На ит, на хизматкор кўринди. Шохлар ва буталардан бошқа ҳеч нарса йўқ. У қулоқ солди. Ҳали ҳам чекиниб бораётгандек туюлган коётларнинг увуллаганидан бошқа ҳеч қандай товуш ҳам эшитилмайди. Ёки яна алаҳлаяптимикиан? Уларни қочиб кетишларига нима мажбур этдийкин? Нима бўлганда ҳам, йўл очиқ. Энди ариқ бўйига бориш хавфсиз. Сув кўз олдида йилтираб оқиб ётарди. Сувнинг шилдираши қулоғига ёқарди.

У дарахтдан тушди ва ариққа қараб юрди. Лекин сувга энгашишдан олдин Морис яна бир марта орқасига ўгирилиб қаради ва қўм-кўк қўкатлар орасида ягуарнинг хол-хол танасини кўриб, кўрқиб кетди. Ягуар чангаллар орасидан узун, ингичка гавдасини илондек судраб чиқиб келмоқда эди.

Энди коётларнинг нима учун қочиб кетгани тушунарли бўлди.

Худди шунингдек, йиртқичнинг мақсади ҳам маълум. У қон ҳидини сезган ва зиёфатда иштирок этиш учун қон тўкилган ерга югурган. Ягуар одамга қараб олдин секин эмаклаб, кейин эса сакрашга ҳозирланиб тобора яқинлашиб келаверди.

Дарахтга чиқиб олишнинг фойдаси йўқ. Ягуар дарахтларга осон чиқади. Мустангер буни биларди, лекин у буни билмаган тақдирда ҳам бари бир вақт ўтган эди. Жонивор мустангерга бошпаналик қилган дарахт олдидан ўтиб кетганди, бу орада эса чиқиб олиш мумкин бўлган бошқа дарахт кўринмасди.

Қаерда жон асрашни билмаган бечора йигит ўзини тўппа-тўғри ариққа отди. Лекин ягуар дарахтларга осонлик билан чиқа оладигина эмас, у сувда ҳам сувсардек яхши сузади. У сувда ҳам қуруқдагидек кўрқинчли йиртқич.

Белигача сув ичида турган Морис Жералд жонидан умидини узиб турган жойида қотиб қолди. Ҳеч қандай илож йўқ. Ўзини ҳимоя қиладиган ҳеч нарса, на милтиғи, на револьвери, на пичоғи, на қўлтиқтаёғи бор.

Хол-хол йиртқич сакрашга ҳозирланганда, бечора қўрқувдан қаттиқ қичқириб юборди.

Гўё мустангернинг қичқириғига жавоб бўлгандек дўст қичқириғи ва кетидан узилган ўқ овози эшитилди.

Айни вақтда ягуар ҳам ўкириб юборди. Шундан сўнг ягуар одам устига ташланиш ўрнига жонсиз ҳолда сувга ағдарилиб тушди.

Чангаллар орасидан каттакон ит отилиб чиқди ва ўзини сувга ташлади. Гавдали бир одам соҳилга тез яқинлашиб келарди. Унинг кетидан бошқа бир киши, гавдаси кичикроғи тантанали шодлик қичқириқлари билан осмонни тўлдириб унга эргашиб келарди.

Бу товушларни йигит тушида эшитаётгандек бўлди – бу унинг ўша даҳшатли кунда сезган охирги таассуроти бўлди. Шундан кейин у бошқа ҳеч нарса хотирлай олмай ва нима қиляётганини ҳам билмай қолди. Бемор унга суйкалиб эркаланаётган ўзининг содиқ итини бўғиб қўйишига сал қолди, уни сувдан олган дўстининг кучли қучоғидан қутулиб чиқишга зўр бериб уринди.

Бошидан кечирган бу барча даҳшатлар унинг асабларини жуда бўшаштириб юборди – Морис бунчалик қийноқларга чидай олмади. У даҳшатли ҳодисаларини бошқа идрок қилолмай қўйди ва ундан ҳам баттар беҳуш бўлиб қолди. У иситмадан алаҳламоқда эди.

## ЭЛЛИК ТўРТИНЧИ БОБ

### ДАШТ ТАХТИРАВОНИ

Зеб Стумп Морис мустангернинг жонига ора кирди. Кекса овчи хатда ёзиб юборилган кўрсатмаларга амал қилиб, иложи борича тез етиб келишга уринди.

У айни вақтида, ягуар сакраш учун ҳозирланган вақтда етиб келди. Бахтидан бўлиб Зеб милтиқ ўқи етадиган масофага келиб қолган эди.

Узилган ўқ йиртқич ҳайвоннинг юрагини тешиб ўтди-ю, уни сакрашдан тўхтата олмади, лекин бу йиртқичнинг охирги сакраши бўлди.

Кекса овчи ўзини сувга отди.

Лекин бу ерда ўзи ҳужум остида қолди. Унга ягуарнинг тирноқлари ботмади, балки ўзи ҳозиргина ўлимдан сақлаб қолган одамнинг қўллари ёпишди.

Зебнинг бахтидан бўлиб, мустангернинг пичоғи ерда қолганди, лекин эсини йўқотган йигит ўз халоскорини бўға бошлади. Зеб милтиғини улоқтириб юборди ва кутилмаганда ҳужумни қайтарди. Кураш анча узоқ чўзилди. Ниҳоят, Зеб ирландиялик йигитни кўтариб соҳилга олиб чиқди.

Бироқ бемор ўзини озод ҳис қилиши биланоқ сакраб ўрнидан турди ва гўё оғриётган оёғи уни бошқа безовта қилмаётгандек, ниҳоятда тезлик билан ёнғоқ дарахти тарафга қараб югурди.

Овчи алаҳлаб қолган йигитнинг мақсадига тушунди. У плашч устида ярақлаб кўринаётган пичоқ тифини кўриб қолди. Мустангер пичоғига чопиб кетаётган эди. Зеб унинг орқасидан югурди ва уни яна ушлаб, дарахт тагидан нари олиб кетди.

– Тезроқ, Фелим! – деб қичқирди Зеб. – Мана бу нарсани беркитиб қўй. Йигит эсидан оғиб қолди. Ўзи ўт бўлиб ёниб кетяпти. Иситмаси тутиб қолди.

Фелим дарҳол бўйсунди.

Лекин кураш ҳали тамом бўлмаган эди. Бемор мушт кўтариб ўз халоскорига ташланди. У қаттиқ-қаттиқ қичқирар, дўқ урар, кўзлари аланг-жаланг қилар ва алақандай кўрқинчли ўт чақнарди. Олишув ўн дақиқача давом этди. Тинка-мадори қуриб Жералд ўт устига чўзилди ва чуқур-чуқур уҳ тортиб, бир-икки марта силкиниб жимиб қолди. Уни ҳаёт билан боғлаб турган охирги ишлар узилгандек туюларди.

Фелим унинг тепасида туриб олиб, овозининг бори-ча бўкириб йиғлай бошлади.

– Бас қил бўкиришингни, бадбахт аҳмоқ! – деб қичқирди Зеб. – Одамнинг жони танидан чиқиб ке-

тиши учун битта бўкиришинг кифоя қилади. Сен қандай ўлик бўлсанг, у ҳам худди шундай ўлик – у ўзидан кетди. Мен билан олишганига қараганда бирор жиддий иш юз бермаган кўринади.

Фелим хўжайинининг тирик эканидан ва ҳаёти хавф остида эмаслигидан хурсанд бўлиб кетиб, қайғудан воз кечиб шод-хуррамликка тушди, ўзининг шодлигини у кулгили бир рақс билан ифода этди. Унинг хурсандлиги Тарага ҳам юқди. У Фелимнинг шиддатли ирландча рақсига қўшилиб, унинг атрофида сакраб-сакраб юрарди.

Зеб бу кулгили томошага эътибор бермади. У бемор устига яна бир марта энгашди. Мориснинг хавфли жароҳати йўқлигига қаноат ҳосил қилиб, ўрнидан турди ва ерда сочилиб ётган нарсаларни кўздан кечира бошлади. Кейин у ҳамон мустангернинг бошидан тушмаган панамага эътибор қилди.

Панама деб нотўғри номланган, гаяквил ўтидан тўқилган шляпа бутун жанубда кенг тарқалганидек Техасда ҳам жуда расм эди. Лекин овчи ирландиялик мексиканча сомбреро, бутунлай бошқача хилдаги бош кийими кийиб юришга одатланганини биларди. Мустангер бу сафар одатини ўзгартирган бўлиши эҳтимол эди. Зеб худди мана шу шляпани аллакимнинг бошида кўргандек бўлди. Панаманинг ичини кўздан кечириб овчи унда иккита ёзув борлигини кўрди. Унда шляпа фабрикантининг тамғаси ва «Генри Пойндекстер» деб қўл билан ёзиб қўйилган сўзларини ўқиди.

Энди у плашчни кўздан кечира бошлади. Зеб Стумп плашчда ҳам унинг худди ўша одамга тегишли эканини билдирадиган белгилар борлигини кўрди.

– Буларнинг ҳаммаси нимадан дарак беришини ким билади дейсиз! – деб тўнғилади чол ерга тикилиб ва чуқур ўйга толиб. – Шляпалар ўз эгаларининг бошида эмас, бошлар эса ўз жойида эмас! Ростимни айтсам, бунинг нимасидир сирли. Агар мана бу йигитнинг муштидан кўкариб қолган чап кўзимнинг таги офриётганини сезмасам. Эҳтимол, ўзимнинг каллам



ҳам жойида эканидан шубҳа қилиб қолган бўлармидим. Ҳозир ундан изоҳ кутишга ўрин йўқ, – деб қўшиб қўйди Зеб, Морисга кўз ташлар экан. – Фақат унинг иситмаси босилганидан кейингина бунга умид қилса бўлар. Лекин унинг иситмаси қачон босилади, буни ким билади?.. Майли, – деб давом этди овчи, бир оз жим тургандан сўнг. – Бу ерда қолишнинг ҳожати йўқ. Биз беморни чайлага олиб кетишимиз керак. Уни бу ердан қандай қилиб олиб кетишимизни ўйлашимиз керак. Анави бари бир ҳеч нарса ўйлаб тополмайди, – деди Зеб Тара билан сўзлашиб ўтирган Фелимга қараб. – Афтидан, итнинг ақли уникидан кўпроқ бўлса керак. Хайр, майли. Унинг ҳам ишлаши лозим бўлади. Нима қилсак экан? Замбил ясашимиз керак. Уни эса иккита таёқ билан плашч ёки Фелим олиб келган одеядан яшаш мумкин. Ҳа, жуда тўғри. Ҳозир бизга керак нарса худди ўша замбил.

Энди ирландиялик хизматкор ёрдамга чақирилди.

Ҳар бири ўн фут узунликда бўлган иккита ниҳолни кесиб текисладилар, кўндалангига қўйиш учун булардан кўра калтароқ яна иккита таёқ кесдилар. Улар устига дастлаб одеялни, унинг устига эса плашчни ёйдилар. Беморнинг яна алаҳлаб қолишини ўйлаб, Зеб Стумп уни бу ясама замбилга боғлаб қўйишга аҳд қилди.

Одатда бўладигандек замбилни икки киши кўтариб кетмади. Бошқачароқ иш тутдилар. Замбилнинг олдинги икки учини отга боғладилар, орқадан эса одам кўтарди. Бу Фелим эди.

Зеб йўл бошловчи сифатида олдинда борди.

Морис Жералд мана шу ясама тахтиравонда ўз чайласига олиб келинди.

Бу ғалати карвон мустангер чайласига етиб келганда қош қорайган эди.

Овчи бақувват қўллари билан беморни замбилдан олиб, уни чайладаги каравотига ётқизиб қўйди.

Жералд ўзининг қаердалигини билмас ва устига энгашиб турган дўсти Зебни танимасди. Гарчи ўзи алаҳлаб тўполон қилмаса-да, унинг хаёли узоқларда эди. Касал анча тинчиди.

Бемор жим ётмас, лекин ўзига берилган дўстона саволларга жавоб ҳам бермасди. Унинг оғзидан алақандай сирли хитоблар учарди.

Мустангернинг дўстлари унинг жароҳатларини қўларидан келганча боғлаб қўйдилар, лекин бошқа ҳеч нарса қилолмадилар. Тонг отишини кутиш керак эди.

Зеб Фелимга ётиб ухлашни буюрди, ўзи эса беморнинг тўшаги олдида қолди.

Кекса овчининг бу борада ўз мулоҳазалари бор эди. У беморнинг алаҳлаб айтган сўзларини ўзидан бошқа ҳеч кимнинг, ҳатто Фелимни ҳам эшитишини истамасди. Шунинг учун у тонг отгунча Мориснинг тўшаги устида мижжа қоқмай ўтириб чиқди ва унинг ҳар бир сўзини эшитиб ўтирди.

Зеб Стумп бемор алаҳлаб муҳаббат қасамлари ичар экан, Луизанинг исмини тўхтовсиз такрорлаганига ҳайрон бўлмади.

Лекин унинг оғзидан бошқа бир исм ҳам тез-тез чиқиб турарди. Бу Луизанинг акаси, Генрининг исми эди. Бу исми у алақандай бир-бирига ёпишмаган, кўрқинчли, маъносиз сўзлар билан қўшиб айтарди.

Зеб Стумп буларни эшитиб ўтирар ва эшитганларини ўзига маълум бўлган фактлар билан солиштирарди, тонг отганда эса Генри Пойндекстернинг ўлганига ортиқ шубҳаси қолмади.

## ЭЛЛИК БЕШИНЧИ БОБ

### ЯНГИЛИКЛАР КУНИ

Дон Силвио Мартинес – мамлакатнинг шимолини колонистлар босиб олганларида сўнг Техасда қолган, бир неча бадавлат кишилардан бири эди. У сиёсатга кам қизиқарди, табиатан тинчликпарвар бўлган бу киши энди анча қариб қолганди. Шунинг учун ҳам у янги аҳволга тез қўниқиб кетди. Миллий мустақилликнинг йўқолиши унинг учун команчилар хуружига чек қўйилди деган гап эди, чунки колонистлар келмасидан олдин мамлакат команчилар томонидан террор қили-

нарди. Тўғри, ёввойилар ҳали тамоман бўйсундирилмаганди, лекин уларнинг хужуми анча камайганди.

Кекса мексикаликка эса шунинг ўзи катта ютуқ эди.

Силвио «ганадеро» йирик чорвадор бой эди. Ўтлоқлари энига ва бўйига кўп милаб масофаларга чўзилиб ётарди, от уорлари билан қорамоллари эса минглаб бош ҳисобланарди. Унинг гасиендаси узун энсиз бир қаватли уй – одам яшайдиган жойдан ҳам кўра кўпроқ турмага ўхшарди. Унинг чор атрофи мол учун қурилган қўралар билан ўраб олинган эди.

Бу ерда ҳаёт одатда тинч оқарди, лекин куз, молларга тамға уриш байрами келганда, бу ерда бир неча кунгача чўзилган шовқин-суронли зиёфатлар бўларди. Лекин бундай байрам бир йилда бир марта келарди. Бошқа вақтларда эса уйланишни сира истамай, сўққабош ўтган гасиенда хўжайини тинч ва якка-ю ёлғиз умр кечирарди. Ўзидан ёши каттароқ бўлган битта опасигина у билан бирга яшарди.

Тўғри, уларникида Рио-Гранде соҳилларидан жияни меҳмон бўлиб келганда, тинч гасиендага жон кирарди. Исидоранинг келганига бу ерда ҳамма хурсанд бўларди. Қиз бу ерга истаган вақтида келар ва истаган вақтида кетаверарди. Тоғасининг уйида унга истаган нарсасини қилишга рухсат бериларди. Исидоранинг серҳаракатлиги ва жонлилиги чолга ёқарди, унинг ўзи ҳам жуда қовоғи солиқ индамас одамлардан эмасди. Қизнинг баъзи бошқа мамлакатларда аёлларга хос бўлмаган қилиқлардек туюлиши мумкин бўлган бир хил одатлари шаҳардан ташқаридаги уй чор атрофдан қалъага айлантирилган, уй-рўзғор эса хўжайинларнинг қони билан суғорилиб турадиган мамлакатда жуда табиий бир нарса эди.

Дон Силвио Мартинеснинг ёшлиги доимий хавф-хатарлар юз бериб турган бир даврда ўтди. У жуда кўп беақлик билан қилинган ишларнинг шоҳиди бўлди. Баъзи ишларни қайтариб бўлмас бир ақсизлик билан қилиб қўядиган Исидорани унинг йўлдан қайтармаганига, ана шунинг учун ҳайрон қолмаса ҳам бўлади.



Кекса мексикалик ота ўз қизини меҳр билан қанчалик севса, ўз жиянини ана шундай меҳр билан севарди. Шунинг учун ҳамма Исидора унинг бутун бойлигига ворис бўлиб қолишини биларди.

Шунинг учун қизнинг дон Силвио Мартинес хизматкорлари орасида ҳурмат эътибори зўр эди – унга ўзларининг бўлажак бекалари деб қарар эдилар. Бундан ташқари, Исидора атрофидаги одамлар қизнинг ўз хусусиятлари, айниқса, жасурлиги учун ҳурмат қилардилар, худди ана шунинг учун қизни ҳимоя қилишга мексикалик ёшлар ичида ўз мачетесини<sup>48</sup> яланғочлашга ҳозир турмаган биронта ҳам йигит топилмасди.

Кейинги вақтда Исидора тоғасиникига тез-тез келадиган бўлиб қолди. Лекин бунинг сабаби қизнинг тоғасига ўрганиб қолгани ва уни қариган чоғида овунтиришни исташи эмасди, бошқа сабаби бор эди. Қиз Леонага Морис Жералд билан учрашиш умидида келарди. Исидора мустангерни севарди. Мустангер уни ҳиндулар қўлидан қутқазиб олган кундан бери у қизнинг қалбини эгаллаб олганди.

Исидора сира тинчланолмасди. Ўзини қўлга ололмайдиган табиатли қиз бўлганидан, у масалани ойдинлаштирмасдан туролмади. Қиз ўзининг севишини очиқ эътироф этишга ва унга ўзи ҳам севилганми ёки йўқми эканини очиқдан-очиқ сўрашга аҳд қилди. Қиз Жералдни учрашувга чақирди, лекин у бу учрашувга келмади.

«Орамизга Мигуэл Диаз тушиб қолди!» – деб ўйлар эди Исидора, тоғасининг гасиендасига от чоптириб борар экан.

Исидора ўзининг кўк отини қаттиқ чоптириб борарди. Бошида шляпаси йўқ. Сочлари тўзиб кетган. Унинг ўрилган чиройли сочлари орқасига тушиб турарди. Кўзлари ҳаяжондан чақнарди. Ёноқлари қип-қизил бўлиб кетган. Уйга яқинлашиб келиб, Исидора отининг жиловини тортди. От секинроқ чопа бошлади, бирпас лўкиллаб югурди, сўнг қадамлаб юрди ва ниҳоят, йўл ўртасида тўхтади.

<sup>48</sup> Мачете – мексиканча пичоқ.

Исидора ўйланиб қолди.

«Яхшиси унга тегмаслик керак. Жанжал кўтарилади. Ҳозирча менинг учрашувим тўғрисида ҳеч ким ҳеч нарса билмайди. Аҳ, қани энди ҳаммасини бу ажойиб техасликларга сўзлаб бера олсам, унда уни қаттиқ жазолаш учун фақат мен берган гувоҳликнинг ўзи ҳам кифоя қилган бўларди! Лекин майли яшасин... У ярамас одам, лекин мен ундан қўрқмайман. Бўлиб ўтган ишдан кейин у менга яқин ҳам келолмайди. Ё, Биби Марям! Бир лаҳза бўлса қандай қилиб уни ёқтирганимга ҳайронман!.. Уни бушатиб юбориш учун битта-яримтани юбориш керак. Сиримни очиб қўймайдиган одам юбориш керак. Лекин кимни? Чўпонлар бошлиғи Бенитони. Содиқ, мард йигит... Ана ўзи ҳам кўриниб қолди! Ҳар вақтдагидек ўз молларини санаб юрибди».

– Бенито! Бенито!

– Хизматингизга ҳозирман, сеньорита.

– Бенито, дўстим, сендан бир нарса илтимос қилмоқчиман. Ёрдам беришга розимисан?

– Буйруғингизни хурсандлик билан бажараман, – деб жавоб берди мексикалик йигит, икки букилиб таъзим қилар экан.

– Бу буйруқ эмас, мен фақат ёрдам сўраяпман.

– Қулоғим сизда, сеньорита.

– Тепа устидаги учта йўл қўшиладиган жойни биласанми?

– Тоғангиз гасиендасидаги мол кўраларини қандай яхши билсам, уни ҳам ана шундай яхши биламан.

– Яхши. Ўша жойга бор. У ерда ётган бир одамни кўрасан. Унинг қўллари каманд билан боғланган. Бушатиб юбор уни, қаёққа кетса кетаверсин. Агар бирор зиён кўрган бўлса, қўлингдан келганча ёрдам қил. Лекин сени ким юборганини айтма. Эҳтимол, уни ўзинг ҳам танирсан. Менимча, танисанг керак, лекин бунинг аҳамияти йўқ, унга ҳеч қандай савол берма. Агар у сендан бирор нарса сўрагудек бўлса, жавоб ҳам берма. Оёғига турғазиб қўйганингдан кейин оёқларини истаганча ишга солаверсин. Тушундингми гапимга?

– Ҳаммасига тушундим, сеньорита. Буйруғингизни айтганингиздек қилиб аниқ бажараман.

– Раҳмат, дўстим Бенито. Яна бир илтимос, мен учун қилган бу ишингни фақат уч киши билиши керак, бошқа ҳеч ким билмаслиги керак. Учунчи киши ҳозир мен олдига юбораётганим ўша майдондаги киши. Бошқа икки кишини ўзинг биласан.

– Тушундим, сеньорита. Сўзларингиз мен учун қонун. Бенито отига шпор урди.

– Шошма! Эсимдан чиқибди! – деб қичқирди Исидора. – Ўша ерда менинг шляпам билан серапем ётибди, уларни олиб кел. Сени шу ерда кутиб тураман ёки йўлга пешвоз чиқаман.

Таъзим қилиб, Бенито жўнаб кетди. Лекин қиз уни тўхтатди:

– Мен ҳам бирга бораман, Бенито.

Дон Силвионинг хизматкори ўзининг бўлажак бекаси одатларига ўрганиб қолган эди.

У олдинда кетди, Исидора унинг кетидан юрди. Лекин Бенито ўз тахминида янглишган эди. Сеньорита Исидора унга шунчаки ўжарликдан эргашган эмасди. Бунинг учун қизнинг жиддий асослари бор эди. Қиз у ерда ўзининг фақат серапеси билан шляпасини қолдириб келмаганди. у ерда қизга шунча кўнгилсизликлар туғдирган хати ҳам қолиб кетганди. Бу тўғрида Бенито ҳеч нарса билмаслиги керак.

Лекин хат эл-Коётнинг қўлига қандай қилиб тушиб қолди экан? Унга Хосе келтириб бердимикан? Хизматкори хоин бўлиб чиқдимикан? Ёки у билан тўқнаш келиб қолган Диаз хатни куч билан тортиб олдимикан? Ундай бўлиши ҳам, бундай бўлиши ҳам мумкин.

Ниҳоят, мўлжалга етиб келдилар. Исидора Бенито билан ёнма-ён майдонга кирди. Мигуэл Диаз у ерда йўқ эди.

Лекин қизни ҳаммадан ҳам хафа қилган нарса у ерда хатнинг йўқлиги бўлди. Ерда қизнинг шляпаси, серапеси ва каманд ётарди, бошқа ҳеч нарса кўринмасди.

– Уйга қайтишинг мумкин, Бенито. Отдан йиқилган одам аллақачон ўзига келган кўринади, афтидан,

жўнаб кетганга ўхшайди. Бунинг учун хурсандман. Эсингдан чиқмасин, Бенито, бу гаплар иккаламизнинг ўртамизда қолиши керак!

– Тушундим, доня Исидора.

Бенито жўнаб кетди ва кўп ўтмай тепа орқасига ўтиб кўздан йўқолди. Майдонда Исидора ёлғиз қолди.

Қиз сакраб отдан тушди, устига серапесини ташлади, шляпасини кийди ва яна ёш гидалгога айланди-қолди. Қиз шошиламай отига минди, унинг хаёли, афтидан, узоқларда эди.

Қиз отига миниши биланоқ майдончага югурганча Хосе кириб келди. Қиз ундан дарҳол савол сўрай бошлади:

– Олиб бориб бердим, сеньорита.

– Кимга?

– Мен уни меҳмонхонада қолдириб келгандим, – деди у дудуқланиб ва ранги ўчиб. – Мен у ерда дон Морисиони тополмадим.

– Ёлғон, аблаҳ сен уни Мигуэл Диазга берибсан! Бош тортма! Хатни ўзим кўрдим.

– О, сеньорита, кечиринг, кечиринг! Мен айбдор эмасман, ишонаверинг, айбдор эмасман!

– Тентак, ўз сирингни ўзинг очиб қўйдинг. Менга хиёнат қилганинг учун дон Мигуэл қанча тўлади?

– Қасам, ичаман, хоним, бу хиёнат эмас!.. У... у, мени мажбур қилди, дўқ, мушт билан мажбур қилди. Мен... мен... менга ҳеч қанча ҳақ тўлагани йўқ.

– Бўлмаса ҳақини мен тўлайман. Энди менга керагинг йўқ. Қаёққа кетсанг кетавер. Мана бу эса сенга мукофот – мана, мана!..

У ўн мартача шундай деб, ҳар сафар хизматкорнинг елкасига шпор соларди. У қочишга уриниб кўрди. Фойдаси бормиди! Қиз унга етиб олар, шунда у яна от туёқлари остида қолишдан қўрқиб тўхтарди. Хизматкорнинг қорача баданида кўм-кўк шпор ўрни ғудда-ғудда бўлиб чиққандан сўнггина калтаклаш тугади.

– Энди жўна бу ердан! Бундан кейин кўзимга кўринма! Жўна бу ердан!

Хизматкор кўрқиб кетган мушукдек майдондан ура қочиб қолди. У тиканли чакалаклар орасига кириб

яширинганидан хурсанд. Ўзининг шарманда бўлганини ҳам ўша ерда яширади.

Исидора ҳам майдонда узоқ қолмади. Қизнинг газаби чуқур хафалик билан алмашди. Қизга учрашиш учун халақит бердиларгина эмас, унинг юрак сирлари хоинлар қўлига тушиб қолди ҳам.

Қиз уйга жўнади.

Гасиенда олдида аллақандай чоп-чоп бўлмоқда. Далада ишлаётган пеонлар<sup>49</sup>, чўпонлар, отбоқарлар, дон Силвио Мартинес гасиендасида хизмат қиладиган барча хизматкорлар, у ёқдан бу ёққа даладан мол кўраларига, кўралардан ҳовлига чопишар ва алланарсалар деб қичқиришарди. Эркаклар қуролланишар, аёллар тиз чўккан ҳолда ҳимоя қилишни сўраб худога нола қилишарди.

– Нима бўлди? – деб сўради ҳайрон бўлиб Исидора

– Даштнинг аллақаерида одам ўлдирилибди, – деб жавоб берди қизнинг яқинида турган Бенито. – Каса-дел-Корво гасиендасига яқинда кўчиб келган америкалик плантаторнинг ўғли қурбон бўлибди. Айтишларича бу жиноятни ҳиндулар қилган эмиш.

– Ҳиндулар!

Дон Силвио одамларини шошириб қўйган нарсана шу сўз экан.

Бирор одамнинг ўлдирилиши бу мамлакатда гап эмас. Бундай ишлар, айниқса бегона одамлар – америкаликларга тааллуқли бўлганда одамларни шошириб қўймасди. Лекин ўша одамнинг ҳиндулар томонидан ўлдирилиши, бу бутунлай бошқа гап. Бу – хавфсизликка бўлган тазйиқ. Лекин Исидора бу хабарга безътибор қаради.

Бир неча соат ўтди. Одам ўлдирилгани тўғрисида янги хабарлар тарқалди. Уни команчилар эмас, балки оқ танли киши – Морис мустангер ўлдирибди! Яқин орада ҳиндулар йўқ экан.

<sup>49</sup> Пеонлар – плантатор-хўжайинга қарздор бўлиб, қарзларини тўлай олмай қул ҳолига тушиб қолган мексикалик деҳқонлар.

Бу янги хабар дон Силвио хизматкорларини тинчлантирди, лекин унинг жиянига акс таъсир қилди. У тинчлигини йўқотди. Ярим соатдан сўнг Исидора хона эшиги олдига келиб отини тўхтатди.

Мексикалик қиз инглиз тилини бир оз биларди. Бир неча ҳафтадан бери бу тилни қунт билан ўрганмоқда эди, у ўрганган инглиз сўзлари ўлдирилган одам тўғрисида эмас, балки қотил деб ҳисобланаётган одам тўғрисида баъзи маълумотларни сўраб олишга кифоя қилди.

Майхона хўжайини қизнинг кимлигини билганидан унга жуда эҳтиёткорлик билан жавоб берди.

Мексикалик қиз Мартинес гасиендасига юрагида офир ғам билан қайтиб келди. У ерда яна чоп-чоп бошланганди. Яна бир янги қўрқинчли хабар – Нуесес дарёси атрофида бошсиз чавандоз пайдо бўлибди, деган хабар олинган эди.

Исидора Рио-Грандега қайтиб кетишга қарор қилди, бундан уни ҳеч нарса қайтаролмасди. Даштдан ўзи ўтадиган йўлда бир одам ўлдирилгани билан унинг нима иши бор! Бошсиз чавандоз шарпаси ҳам уни сира чўчитолмасди. Бундан ташқари, қиз бир ўзи кетишини билдирди. Дон Силвио унга ўзи билан унта қуролланган вакуро олиб кетишни таклиф қилди. Исидора бундан узил-кесил бош тортди. Бенитони бирга олиб кетишга нима дейди? Йўқ, у бир ўзи кетишни афзал кўради. У шунга аҳд қилган.

Эртасига эрталаб Исидора ҳақиқатан ҳам йўлга отланди. Гира-шира тонг отиши билан қиз эгар устида ўтирарди. Икки соат ҳам ўтмасдан мексикалик қиз жуда узоққа кетиб қолди, лекин у Рио-Грандега борадиган тўғри йўлдан эмас, балки Аламо дарёси бўйлаб йўл олди.

## ЭЛИК ОЛТИНЧИ БОБ ИБЛИСГА УЗИЛГАН ЎҚ

Бемор туни билан мижжа қоқмади. Лекин у жим, ҳеч нарса демай ётар, гоҳ ўзини билмай тўлғанарди. Туни билан кекса овчи унинг олдидан кетмади ва

унинг бир-бирига ёпишмаган ҳар бир сўзига қулоқ солиб ўтирди.

Жанжал. Шляпа. Плашч... Зеб Стумпнинг фикрлари аллақандай қоронғи, сирли чалкашликлар ичида адашиб юарди. Овчининг зийрак ақли ҳеч вақт бундай қийинчиликларга дуч келмаганди. Зеб Стумп ўзини кучсиз сезиб, уҳ тортарди.

Эргалаб, ой ёруғи отиб келаётган тонг ёруғи билан аралашадиган вақтда чангаллар орасига ўзини урган Таранинг чўзиб-чўзиб гамгин увуллаган овози эшитилди.

Зеб шамни ўчириб, секингина ташқари чиқди ва қулоқ сола бошлади. Тропик чангалзорлари орасидаги тунги товушлар тинчиб қолди. Тарани увуллашга нима мажбур қилди?

Овчи дастлаб чайла олдидаги майдончага назар ташлади, кейин чангаллар бошланадиган жойга, ундан кейин эса дарахтлар соясига синчиклаб қаради. Ҳеч нарса кўринмасди. Осмон фонида тик тоғ ёқимсиз қорайиб турарди. Тоғ тизмалари у ерларда ўсадиган дарахтламинг учи билан анча ёқимли кўринарди. Юқорида, жар орқасида дашт ястаниб ётарди. Ой шундоққина тоғ тепасидан нур сочиб турарди, шунинг учун атроф шундай яққол кўзга ташланардики, ҳатто илон ҳам кўзга кўринмай ўтиб кетолмайдигандай туюларди.

Лекин ҳеч қаерда ҳеч нарса кўринмасди.

Аллақандай товуш эшитилди. У дашт тарафдан эшитилди ва афтидан, жар тепасидан узоқ бўлмаган бир жойдан келди. Бу тошга урилган туёқ товушига ўхшарди.

Зебга шундай туюлди.

Кекса овчи янглишмади. Кўп ўтмай дарахтлар орқасидан ҳақиқатан ҳам бир от чиқиб келди. От устида чавандоз ўтирарди. Чавандоз осмоннинг зумрад фонида қоп-қора бўлиб кўриниб турарди. Унинг гавдаси фақат эгардан то елкасигача кўриниб турарди; елкасидан юқорида ҳеч нарса йўқ эди.

Зеб Стумп кўзларини ишқади, лекин чавандоз ҳамон ўшандайлигича қолаверди.

Зеб боши йўқ бу ғалати чавандозни узоқ кузатди.

Бу шарпа ҳам, сароб ҳам эмас эди. Чавандоз секин-аста, шошилмай узоқлаша борди. Дастлаб жар тепасидаги дарахтлар орқасида отнинг боши, сўнг буйни, кўкраги, сўнгра чавандози ҳам шарпага ўхшаш, кўрқинчли одам қиёфа чавандоз ҳам кўздан йўқола борди.

– Иосафат! – деб қичқириб юборди ҳайрон бўлиб қолган овчи.

Бирор нарсадан қаттиқ ҳаяжонга тушган вақтларда у доим ана шундай деб хитоб қиларди. Ҳозир эса, ўзининг ниҳоятда довюраклигига қарамай, у кўрқув ичида қолганди.

Зеб хийла вақт гўё даҳшатли манзарадан тилсиз бўлиб қолгандек жим турди.

– Минг лаънат! – деб юборди у ниҳоят. – Ирландиялик ҳар ҳолда тўғри айтган экан. Мен эса у маст вақтида кўзига бир нима кўринган деб ўйлабман. Йўқ! У ҳам мен кўргандек ҳақиқатни кўрган. Бечоранинг кўрқиб кетганича бор. Ўзимнинг ҳам ич-ичимдан титроқ келяпти. Иосафат! Нима бўлдийкин бу?.. Нима бўлиши мумкин бу? – деб такрорлади Зеб бирпас ўйга чўмиб тургандан кейин. Бирон бир йўл билан бунинг сирини топмасам, худо урсин! Агар уни кундузи кўрган бўлсам, бу чавандозни яхшилаб кўздан кечирган бўлардим. Унга яқинроқ боришга бир уриниб кўриш керак. У иблис бўлганда ҳам мени еб қўймас деб ўйлайман, агар бу бошсиз чавандоз ҳақиқатан ҳам иблис бўлса, унда мен буни ўз ўқим билан синаб кўраман, кўрамиз, ўқ уни эгардан ағдарармикан ёки ағдаролмасмикан. Демак, яқинроқ бориб ўша алвасти билан танишамиз. Унинг ким бўлишидан қатъи назар, бир танишиб кўямиз.

Шундай деб овчи тик соҳилга олиб борадиган сўқмоққа қараб юрди.

Милтиғи қўлида эди – уни итнинг ҳуришини эшитиб чайладан чиқаётганда ўзи билан олиб чиққанди. Зеб ўз режасини яхши тузганди, тик сўқмоқдан юқорига кўтарилар экан, кўп ўтмай чавандозни кўрди. Чавандоз жарнинг энг четида турарди.



Зеб у билан тўқнаш келганда бир чўчиб тушди.

Лекин овчи ўз қарорини амалга оширишга қатъий жазм қилганди: унинг кимлигини, одамми ёки иблис эканини билиши керак.

Зеб милтигини кўтариб нишонга олди. Яна бир нафасдан сўнг ўқ сирли чавандозга бориб тегиши турган гап. Лекин овчининг миясига бир фикр келиб қолди: яна битта-яримта одамни ўлдириб қўймасмикин? Зеб милтигини пастга туширди-да, бирпас иккиланиб қолди.

– Алло, ҳей, нотаниш киши! – деб қичқирди у. – Бу ерларда жуда бевақт айланиб юрибсизми! Бошингизни қаерда унутиб қолдирдингиз?

Жавоб бўлмади. Одам товушини эшитиб фақат от пишқириб қўйди.

– Қулоқ солинг, нотаниш киши! Сиз билан кентуккилик Зеб Стумп гаплашяпти. У ҳазил-ҳузуллари кўтарадиган одам эмас. Менга бу қандай найранг эканини тушунтириб беришингизни хоҳайман. Агар ўзингизни ўлганга солиб юрган бўлсангиз, қўлингизни кўтаришингизни илтимос қиламан! Қани, жавоб қилинг, бўлмаса отаман!

Яна ҳеч қандай жавоб бўлмади.

– Падарингизга қусур! деб қичқирди овчи. – Яна олти секунд! Сизга олти секунд муҳлат бераман, шу вақт ичида жавоб бермасангиз, отаман. Агар сиз оддий бир қўғирчоқ бўлсангиз, ҳеч қандай зиён кўрмайсиз. Бордию, иблис бўлсангиз, унда ҳам, эҳтимол, зиёни тегмас. Лекин мурда ролини бажараётган одам бўлсангиз, бу қилган аҳмоқлигингиз учун ўқ ейишга лойиқсиз. Қани, жавоб беринг энди! – деб давом этди у тобора жони чиқиб. – Эшитяпсизми-йўқми? Эшитишни истамайсизми? Хўп! Бўлмаса отаман! Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти!

Кетидан узилган ўқ товуши эшитилди.

Бунга жавобан от жон-жаҳди билан кишнаб юборди, чавандоз эса илгаригидек ҳамон пинагини бузмай ўтирарди.

От чопганча қочиб кетди, лол қолган Зеб эса жойида турганча қолди.

У бир неча секундгача жойидан қимирламади ва қоққан қозикдек ўша ерда тураверди.

Зеб Стумп қўрқувдан эси чиқиб кетганди. Кекса овчи ўзи узган ўқнинг одам юрагига ёки одамнинг юраги турадиган жойга текканига тамоман ишонарди.

Зеб қочиб қолишни истарди, лекин бунинг уддасидан чиқолмасди. У узоқлашиб бораётган мўъжизани бутунлай эси оғиб қолган ҳолда кузатиб турарди. Бошсиз чавандоз кўздан йўқолгандан кейингина Зеб чайлага қайтишга куч топа олди, фақат чайла ичкарисига кириб келгандан кейингина бу ғалати воқеа тўғрисида хотиржамлик билан ўйлай олиш даражада ўзига келди.

Миясига ҳадеб бу иблис эди деб ёпишиб келаверган фикрдан узоқ вақт қутулолмади. Лекин бора-бора ақл юритиб қилган фикрлари уни бундай бўлиши мумкин эмаслигига ишонтирди. Лекин бунинг нима эканини у бари бир тушунолмади.

Тонг отиб кела бошлади. Беморнинг тўшаги олдидаги унинг ўрнини эгаллаши учун Фелимни энди уйғотса бўларди. Кайфи тамом тарқаб кетган ирландиялик хизматкор бу вазифани жон деб бажара бошлади. Лекин ўзининг ўрнини тажрибасиз ёрдамчисига беришдан олдин кекса овчи беморнинг яраларини янгитдан боғлаб қўйди.

Зеб дори-дармон бўла оладиган гиёҳларни яхши биларди. У беморнинг яраларига нопа номи билан маълум бўлган бир хил кактусдан қўйди. Чол бу ўсимликнинг шираси малҳамдек таъсир қилишини ва бир кундан кейин яраларнинг бита бошлашини, уч кундан кейин эса бутунлай тузалиб кетишини ўз тажрибасидан биларди.

Кактус ўсадиган мамлакат фуқароларининг кўпчилиги сингари Зеб ҳам врачларга ишонмасди, у беморни кўрсатишга улардан биронтасини ҳам бундай имконият бўлганда ҳам, мутлақо чақирмасди. Бунинг устига кекса табиб жароҳатнинг хавфли эмаслигини кўриб турарди.

Морис Жералд учун хавф бошқа тарафдан таҳдид қиларди.

– Хўш, мистер Фелим, – деди Зеб яраларни боғлаб бўлиб, – биз қўлимиздан келган барча чораларни кўрдик, энди эса беморнинг қорнини тўйғазиш тўғрисида ўйлашимиз керак. Ейдиган бирон нарсанг борми?

– Ҳеч нарса йўқ, мистер Стумп. Лекин ҳаммадан ёмони бир томчи ҳам вино йўқ.

– Оббо, ярамас-ей, ахир бу сенинг ишинг-ку! – деб қичқирди Зеб жаҳд билан. – Агар сен бўлмасанг, ароқ то у тузалгунча етган бўларди. Энди нима қиламиз?

– Сиз мени бекор хафа қилиясиз, мистер Стумп, мен фақат кичкинагина бир флягадагисини ичдим. Шишани ҳиндулар бўшатиб кетишибди. Ишонаверинг сўзимга!

– Ёлғон гапирма! Сен ўша флягадаги ароққа қониқармидинг? Бунга ишонмаслик учун сенинг лаънати томоғингни яхши биламан. Сен катта шишадаги ароқдан ҳам кўпини симириб қўйгансан.

– Бутун авлиё-ю анбиёлар ҳаққи, онт ичаман, ичганим йўқ!

– Қўй ўша авлиёларингни, уларни бекорга безовта қилма! Ақли жойида бўлган биронта одам ҳам бу валдирашингга ишонмайди. Бас. Бу гап-сўзларни бас қилайлик. Сен жўхори брагасини<sup>50</sup> шимириб қўйгансан, бўлган гап шу. Энди уни топиб келиш учун йигирма мил жойга боришнинг иложи йўқ, яқин орада эса топилмайди. Ичимликсиз бир амаллашга тўғри келади.

– Энди нима қиламиз бўлмаса?

– Жим бўл-да, гапимга қулоқ сол. Ичимликсиз бир амаллай оламиз, лекин очдан ўлишга асос йўқ. Беморимизнинг жуда очиқиб қолганига шубҳа қилмайман. Ўзимга келсак, шундай очманки, бутун бошли коётни еб юборишдан тоймайман, бирорта курка бўлса-чи, ундан мутлақо бош тортмайман. Сен шу ерда қол ва йигитнинг олдида ўтир, мен эса дарё тарафга бориб қараб кўраман. Эҳтимол, бирор нарса отиб келарман.

– Хавотир бўлманг, мистер Стумп, лозим бўлган ишни қиламан. Ростимни айтсам...

<sup>50</sup> Брага – хонаки вино.

– Жим бўл, сўзимни тугатай!

– Бошқа финг деб ҳам оғиз очмайман.

– Хўп, энди кулоқ сол. Мен бир нарсани қулоғинга қуйиб олишингни истайман. Гап бундай: мен йўқ-лигимда бу ерга биронта одам келиб қолгудек бўлса, менга хабар қил. Бир дақиқа ҳам вақтни қўлдан бой бермай дарров хабар қил. Кўзинга қара, тагин ишни чатоқ қилиб қўйма!

– Бу гапларингиз яхши, лекин қандай қилиб бажараман буни, мистер Стумп? Борди-ю, сиз узоққа кетиб қолсангиз ва менинг овозимни эшитмасангиз, унда нима бўлади?

– Жуда ҳам узоққа кетиб қолмасман деб умид қиламан, ёввойи куркани шу яқин орадан отиб олса ҳам бўлар дейман... Яна ким билади дейсан? – деб давом этди Зеб бир оз ўйлаб тургандан кейин. – Милтифинг борми? Пистолет ҳам ярайверади.

– Менда униси ҳам, буниси ҳам йўқ. Хўжайин ўзи билан олиб кетган.

– Қизиқ... Ҳа, тўғри айтдинг, овозингни эшитмай қолишим ҳам мумкин.

Зеб остонадан ташқари бир қадам қўйган ҳам эди, лекин тўхтаб қолди ва фикрга толди.

– Топдим! – деб қичқириб юборди у, – бир оз ўйлаб тургандан кейин. – Топдим! Менинг қари биямни кўряпсанми?

– Нега кўрмас эканман, мистер Стумп? Кўряпман, албатта.

– Хўп. Энди ана у ёққа қара, ҳов анави тиканли кактусни кўряпсанми, майдоннинг энг четида турибди, кўрдингми?

– Кафтимда тургандек кўриб турибман.

– Баракалла! Энди кулоқ сол. Эшикдан кўз кулоқ бўлиб тур. Агар мен йўғимда битта-яримта келиб қолса, тўғри кактус олдига чоп, битта шохини кесиб ол, кесганда ҳам сертиканроғини танлаб кес, сўнгра уни биянинг думи остига тик.

– Ё, авлиё Патрик! Нима учун ахир?

– Шунинг учунки, Фелим, агар битта-яримта келиб қолгудек бўлса, мен буни билишим керак, узоққа кетиб қолмайман, лекин шундай бўлиб қолгудек бўлса, овозингни эшитмайман. Унда бия қичқирсин, унинг овози сеникидан кўра кучлироқ бўлса керак. Тушундингми, Фелим? Кўзингга қара, айтганимдек қил!

Кекса овчи охирги буйруқни бериб милтиғини елкасига осди-да, чайладан чиқиб кетди.

«Чол тушкурнинг ақли жойида», – деб ўйлади Фелим.

Зеб чайладан узоқлашиши биланоқ, кулбадан Фелим ҳам чиқди ва эшик олдида соқчидек туриб олди.

## ЭЛИК ЕТТИНЧИ БОБ

### ШАРТЛАШИЛГАН СИГНАЛ

Фелим қоровуликда узоқ тунади. Ўн дақиқа ҳам ўтар-ўтмас, туёқ товуши эшитилди. Соҳил бўйлаб аллаким чайлага яқинлашиб келарди. Фелимнинг юраги орқасига тортиб кетди: «Яна ўша бўлса-я?»

Қуюқ дарахт барглари яқинлашиб келаётган чавандозни кўришга халақит берарди. Дастлаб Фелим майдон четига чопиб, Зебнинг буйруғини амалга оширмоқчи бўлди. Лекин кўрқув жойида туриб қолишга мажбур қилди, шунинг учун у қимирлаёлмади. Кўп ўтмай ирландиялик бекорга кўрққанини тушунди: нотаниш чавандознинг калласи жойида экан.

– Ҳа, шундай калласи елкасида турибди, – деди Фелим чавандоз дарахтлар орқасидан чиқиб, майдоннинг нариги тарафида тўхтаганда. – Ростакам калла, башараси ҳам чиройли экан. Лекин бечора жуда хомуш. Ҳозиргина бувисини кўмиб келаётганга ўхшайди! Жуда ғалати йигитча эканми! Оёқларининг кичкиналигини қаранг-а!.. Ё, авлиё-ю анбиёлар, аёл киши экан-ку!

Унга диққат билан қараб, Фелим нотаниш чавандознинг жинсини тўғри белгилаганига тамомила ишонч ҳосил қилди.

Бу Исидора эди.

Фелим мексикалик қизни биринчи кўриши эди, қиз ҳам уни танимасди. У қизнинг хафа эканини тўғри топди. Тўғри, қиз хафа эди, бу ҳам оз, унинг чеҳрасида дилхасталик аломатлари бор эди. Исидора дарахтлар орасидан чиқиб келганда унинг қарашларида аллақандай хавотирлик сезилиб турарди.

Майдонга кириб келганда унинг башпарасида хурсандлик эмас, афсус аралаш ҳайронлик акс этди.

– Янглишмадиммикан? – деб сўради Исидора, ботинқирамай инглиз тилида. – Кечирасиз, лекин мен... мен дон Морисио шу ерда туради деб ўйлаган эдим.

– Дон Моришо дедингизми? Йўқ. Бу ерда ундай одам йўқ. Дон Моришо... Мен Мориш фамилияли бир одамни танир эдим, у Баллибалахга яқин бир жойда яшарди. Лекин унинг исми Дон эмас, балки Пат эди. Уни Пат Мориш деб аташарди.

– Дон Морисио, Мо-рис, Мо-рис!

– Ҳа-а, Морис денг! Ё менинг хўжайиним мистер Жералдни сўраяпсизми?

– Ҳа, ҳа! Сеньор Жералд.

– Мистер Жералд худди шу чайлада яшайди, тўғрироғи, у бу ерга ёввойи отларни ов қилиб бўлгандан кейин келиб кетади. У бу ерда фақат ов қилган вақтлардагина туради. Асли ўзи доим яшайдиган жойдаги уйининг қандай чиройли эканини ва уни соғиниб ҳасрат-чекаётган кук кўз соҳибжамол қизни бир кўрсангиз эди. Бечора қиз қачон келаркин деб кўз ёши тўккани тўккан. Аҳ, уни бир кўрсангиз эди!

Фелим сўзларни бузиб гапирса ҳамки, суҳбатдоши бунинг маъносига яхши тушунди. Фелим «у қиз» тўғрисида гапирганда Исидоранинг кўкрагидан хўрсинишга ўхшаш бир нарсани отилиб чиқди.

– Мен мутлақо «у қиз»ни кўрмоқчи эмасман, – деб шошилиб жавоб берди у. – Мен уни кўрмоқчиман. Уйдами ўзи?

– Уйдами дейсизми? Саволни жуда кўндалангига қўйдингиз. Фараз қилайлик, мен у уйда деб жавоб бердим. Унда нима бўлади?

– Мен уни кўрмоқчиман.

– Ҳа-а, шундай денг! Кутиб туришингиз керак бўлади. Ҳозир меҳмон кутадиган вақт эмас. Унинг олдига, гўзал қиз, фақат доктор ёки руҳонийни киритиш мумкин. Сизни эса киргизмайман.

– Мен у билан кўришишим жуда зарур!

– Уни кўрмоқчиман денг? Кўролмайсиз. Фелим О'Нил гўзал қизларнинг, айниқса сизга ўхшаган қора кўз қизларнинг сўзини жуда кам қайтаради. Лекин иложи бўлмагандан кейин начора!

– Нега чораси йўқ, ахир?

– Негасига бало борми! Биринчидан шунинг учунки, у ҳозир меҳмонларни қабул қилолмайди, айниқса, аёлларни.

– Лекин нима учун ахир, сеньор, нима учун?

– Шунинг учунки у тўла кийинган ҳолда эмас. Агар кекса Зеб унинг аъзойи баданини ўраб ташлаган латта-путталарни ҳисобламаганда. Эғнида фақат кўйлагига бор, холос. Лаънат-е! Ўша латта-путталардан унга, бош-оёқ кийим-бош, пиджак, жилет ва шим тикса ҳам етиб берарди, чамамда...

– Сеньор, гапингизга тушунмадим...

– Э-й, тушунмадим денг! Наҳотки мен унинг тўшакда ётганини аниқ қилиб айтмаган бўлсам?

– Тўшакда дейсизми, шундай кечда-а! Умид қилманки, ҳеч нарса...

– ... Қилгани йўқ, демоқчидирсиз-да? Бахтга қарши, шундай ёмон иш юз берди. У одеял ичига кириб ҳали кўп ҳафталаб ётиши керак бўлади.

– О, сеньор, наҳотки у касал бўлса?

– Мен ҳам сизга худди ана шуни айтмоқчи эдим.

– Демак, касал экан-да. Сэр, айтинг-чи, нима касал, нимадан касал бўлди?

– Ҳўп, лекин мен сизнинг фақат битта саволингизга, биринчи саволингизга жавоб бера оламан. Унинг касали ёмон муомаладан бўлган, лекин бунга ким айбдор эканини худонинг ўзи билади. Унинг оёғи оғриятти. Баданига қараб эса у бир қоп ичида йигирмата

ёвуз мушук билан ўтирган деб ўйлаш мумкин. Эҳ, уни бир кўрганингизда эди! Соғ жойи қолмабди! Унинг баданида сизнинг кичкина кўлчангиздек ҳам соғ жойи йўқ. Бунинг устига унинг ҳуши ўзида эмас.

– Ўзида эмас?

– Худди шундай. У жиндаккина ортиқча ичиб қўйган одам сингари жоврагани-жовраган. Менимча, жиндек вино бўлса, у учун ҳар қандай дори-дармондан афзал кор қиларди, лекин вино бўлмагандан кейин нима ҳам қила олардик! Флягамиз ҳам, шишамиз ҳам бўшаб қолган. Сизда бирор нарса топилмайдими? Масалан, бир қултум агвардиенте. Менимча, сизларнинг тилингизда винони шундай дейишса керак? Мен ундан ҳам батгарроқларини тотиб кўрганман. Ўша суюқликдан бир ҳўплагина бўлса, хўжайинга кўп ёрдам тегишига ишонаман. Қани, менга тўғриси айтинг, хоним қиз, бир томчи бўлса ҳам борми?

– Йўқ, сеньор, менда бир томчи ҳам вино йўқ.

– Афсус, мистер Морис учун хафа бўлиб кетдим! У хўжайинга жуда фойдали бўларди-да.

– Аекин, сеньор, наҳотки уни кўриб бўлмаслиги тўғри бўлса?

– Шак-шубҳасиз тўғри. Кўриб ҳам нима қиласиз? Бари бир у сизни ҳозир ўзининг бувисидан ажратолмайди. Такрор айтаманки, унга нисбатан ёмон муомалада бўлишибди, унинг ҳуши жойида эмас.

– Унда яна ҳам кўришим зарур. Эҳтимол, унга ёрдимим тегар... Мен ундан қарздорман...

– О, сиз ундан қарздорсиз ва қарзингизни тўламоқчисиз, шундайми? Шундай демайсизми, бу бутунлай бошқа гап. Унда уни кўришингиз жуда ҳам зарур эмас. Мен унинг ишончли вакилиман, шунинг учун унинг ҳамма ишлари менинг қўлимдан ўтади. Тўғри, мен хат ёзишни билмайман, лекин тилхатингизга белги чизиб беришим мумкин, бу эса ҳужжат учун тамомила кифоя қилади. Ўша пулларни сира кўрқмай менга тўлайверинг. Сизга сўз бераманки, хўжайиним сиздан иккинчи марта у пулларни сўрамайди. Ҳозир берсангиз



айни муддао бўлади. Биз кўп ўтмай жўнаб кетамиз, шунинг учун бизга пул керак. Гап шунда экан, пулингиз ёнингизда бўлса, қолган нарсаларни, қоғоз, перо ва сиёҳни чайладан дарров топамиз. Фақат рози эканингизни айтсангиз бас, мен дарров тилхат бераман.

– Йўқ, йўқ, йўқ! Мен пул тўғрисида гапирганим йўқ. Миннатдорчилик қарзи тўғрисида гапирган эдим.

– Ҳа-а, миннатдорчилик денг! Ундай бўлса, қарзни тўлаш қийин эмас. Тилхатнинг ҳам кераги йўқ. Аекин ҳозир ундай қарзларни тўлаш вақти эмас. Хўжайин бари бир ҳеч нарсага тушунмайди. Ўзига келганда сизнинг келганингизни айтиб қўяман. Сиздан бошқа ҳеч нарса талаб қилинмайди.

– Лекин мен уни кўришим керак!

– Ана холос, кўришим керак эмиш-а! Мени бу ерга қоровул қилиб қўйишди ва ҳеч кимни ичкари киргазма, деб қатъий буюришди.

– Бунинг менга алоқаси йўқ. Мен унинг дўстиман, Дон Морисионинг дўстиман.

– Фелим О'Нил буни қаёқдан билсин? Жуда чиройли бўлишингизга қарамай, эҳтимол, сиз унинг ашаддий душмани бўлиб чиқарсиз.

– Мен уни кўришим керак! Мен шуни истайман, кўраман ҳам!

Исидора шундай деб отдан сакраб тушди ва эшикка қараб юрди.

Ирландиялик хизматкор ўз суҳбатдошининг юзига қараб, унинг аҳди қатъий эканини англади-да, Зеб Стумп тайинлаб кетган ишни қилиш вақти келганини тушунди. Фелим шошганича чайлага кириб, ундан қўлига томагавк кўтарган ҳолда қайтиб чиқдида, шахдам қадамлар ташлаб олға юрди, лекин бирдан тўхтаб қолди. Қиз қўлидаги тўшпончасини унинг пешонасига тираб турар эди.

– Абажо ла ҳаша!<sup>51</sup> – деб қичқирди Исидора. – Аҳмоқ, кўрқоқ, қўлингни менга кўтариб кўр-чи, тил тортмай ўласан!

<sup>51</sup> Ташла кўролингни!

– Сизга қўл кўтарар эканманми, хоним? – деб гудранди Фелим! – қўрқувдан бир оз ўзига келгандан сўнг. – Ё, Биби Марям! Бу қуролни сизга қарши кўтариб чиққанам йўқ. Бутун авлиё-анбиёлар ҳаққи қасам ичаман!

– Нега олиб чиқдингиз уни? – деб сўради мексикалик қиз, ўз хатосини тушуниб ва тўшпончасини тушириб. – Нима учун бундай қуролланиб олдингиз?

– Қасам ичиб айтаманки, фақат кактус кесгани олиб чиқдим – ҳов ана, ўсиб ётибди, мен уни отнинг думи остига суқишим керак. Бунга қаршилиқ қилмасиз дейман?

Сеньорита жим қолди. Қиз бу ғалати ишнинг нима учун кераклигига тушунолмади ҳайрон эди.

Олдида турган бесўнақай гавдали одамдан қўрқиннинг ҳожати ҳам бўлмаса керак. Унинг бутун қиёфаси – ташқи кўриниши, хатти-ҳаракатлари, қилиқлари хавф солишдан ҳам кўра кулгили эди.

– Сукут аломати ризо, – деди хотиржам бўлган Фелим.

У майдондан чопиб ўтди ва кекса Зеб айтганларини аниқ бажарди.

Қари биянинг жон ҳолатда ўкириб юборгани ер тепинганда чиққан туёқ дупури билан қўшилиб кетди. Бунга итнинг ҳуриши жўр бўларди.

Исидора ҳайрон бўлиб индамай турарди. Қулоқни кар қилар даражада кўтарилган бу шовқин пайтида бунинг сабабини суриштириб бўлмасди.

Фелим чайла эшиги олдида қайтиб келди ва ўз ролини бошлаб ўйнаган артист қиёфасида яна ўзининг қоровуллик постига турди.

## ЭЛИК САККИЗИНЧИ БОБ

### ЗАҲАР БЎЛГАН БЎСА

Ёввойи бу концерт ўн дақиқа давом этди. Бия чала сўйилган чўчка боласидек чинқирарди, ит эса ғамгин увуллаб, унга жўр бўларди. Шовқин бир мил атрофга эшитилиб турарди. Зеб Стумп бундан узоққа кетиб

қолмаган бўлса керак, шунинг учун у буни эшитган бўлиши керак, албатта.

Мориснинг яна битта жонкуяр ҳимоячиси чиқиб қолди, у ҳам эшик олдига қатъий туриб олган эди. Бу – Тара. Ит ҳам чақирилмаган меҳмонга ишончсизлик билан қарарди. Мексикалик қизнинг хатти-ҳаракатлари итга душманларча туюлди, шундан сўнг Тара чайла эшиги олдига, Фелимнинг олдига туриб олиб, унинг йўлини тўсди.

Исидора зўрлик қилиш ниятида эмасди.

У жойига қоқиб қўйилгандек қимирламай турар ва нима бўлишини кутарди. Шубҳасизки, бундай шовқин-суронли дастлабки кўринишдан кейин шунга яраша натижа ҳам бўлиши керак. Бунга жуда қизиқиб қолган қиз томошанинг охирини сабр қилиб кутиб турарди. У ранги ўчиб кетган кафтан кийган ва елкасига узун милтиқ осиб олган гавдали бир одам дарахтлар орасидан чиқиб келгунча ҳеч нарсага тушунолмаган кишининг ожизлиги қиёфасида туриб қолди.

Исидорани кўриб, у алланарса деб тўнғиллаб қўйди, лекин нима деб тўнғиллаганини ҳамон давом этаётган шовқин-сурондан эшитиб бўлмади. Стумп тез юриб оти олдига келди, думини кўтариб, азобли қийноқдан уни қутқарди. Атрофга тинчлик чўкди. Исидора ҳамон ҳеч нарсага тушунмасди.

Фелимнинг ўзидан мамнулиги Стумп жаҳл билан чайла тарафга бурилгандан кейин бирдан йўқолди. Ҳатто чиройли қизнинг борлиги ҳам овчини болохонадор сўкишларни ёвдиришдан тиёлмади.

– Вой аҳмоқ-ей! Ирландия тентаги! Нима учун чақирдинг мени деб сўраяпман? Мен эндигина ўттиз қадоқдан сира ҳам кам келмайдиган каттакон куркани нишонга олган эдим-а. Отнинг ярамас қичқириви тепкини босмасимдан уни кўрқитиб юборди. Энди овқатдан ажрадик.

– Ахир, мистер Стумп, чайла олдига битта-яримта келиб қолса, менга хабар қилгин деб ўзингиз айтган эдингиз-ку...

– Кўп аҳмоқсан-да! Наҳотки у гаплар аёл кишига тегишли бўлса? Вой қовоқ мия-эй.

– Лекин унинг аёл эканини қаердан билай? Унинг отда ўтиришини бир кўрсангиз эди! Худди эркакларга ўхшайди.

– Шу билан нима бўлибди? Ҳамма мексикалик аёллар шундай от минадилар. Бу қизни эса ўзим бир неча марта кўрганман, у тўғрида эшитганман ҳам. Уни бу ерга келишга нима мажбур қилганини билмайман. Ўзи ҳам буни тушунтириб беролмаса керак. У фақат ўзининг мексиканча тилида гапира олади. Мен эса у тилни мутлақо англамайман ва тушунишни истамайман.

– Янглишасиз, мистер Стумп. У инглиз тилида ҳам гаплаша олади... шундай эмасми, хоним?

– Сал-пал, – деб жавоб берди мексикалик қиз, у шу пайтгача индамай қулоқ солиб турарди.

– Ие, ие, – деб юборди Зеб бир оз хижолат тортиб. – Кечиринг мени, сеньорита. Бизнинг инглизчада унча-мунча гаплаша олар экансиз-да? Жуда яхши. Ундай бўлса, бу ерга нима учун келганингизни менга айтишингиз мумкин. Ишонаманки, адашиб қолмаган бўлсангиз керак?

– Йўқ, сеньор... – деб жавоб берди қиз бир оз иккиланиб.

– Бўлмаса бу ерда нима ишингиз бор?

– Мен, сеньор... мен... Бу дон Морисио Жералднинг уйими?

– Ҳа, шундай. Бу чайлани уй деб бўлмаса ҳам, ҳар холда у ўша йигитники. Менимча, чайла хўжайинини кўрмоқчига ўхшайсиз?

– О, сеньор, кўрмоқчиман! Бу ерга худди шунинг учун келдим.

– Нима ҳам дердим, менимча, эътирозга ўрин бўлмаса керак. Умид қиламанки, ёмон ниятингиз йўқдир? Шундай эмасми? Лекин у билан сўзлашиб бўлармикан? Ахир, у ҳозир сизни ўзининг пошнасидан ҳам ажратолмайди.

– Касалми у? Бирор бахтсизлик рўй бердимми? Мана бу жангчи менга шундай деди.

– Ҳа, мен шундай деган эдим! – деб мағрурлик билан гапга аралашди Фелим, қизнинг жангчи деб атагани унга жуда ёқиб кетган эди.

– Тўғри, – деб жавоб берди Зеб. – У ярадор. Худди шу дамда у сал-пал алаҳлаб ётибди. Унинг касали жиддий эмас деб ўйлайман. Кўп ўтмай ўзига келиб қолар деб умид қиламан.

– О, сэр, мен шафқат ҳамшираси бўла оламан. Бечора! Ичкари киришга рухсат этинг, мен унга ўзим қарайман. Мен унинг содиқ дўстиман.

– Нима ҳам дердим, бунинг ёмон жойи йўқ. Беморларга қараш аёллар иши дейишади. Мен эса кейинги вақтларда бу гапнинг тўғри-нотўғрилигини ўз танамда синаб кўрганим йўқ, Миссисипи бўйларида кампиримни кўмиб келганимдан бери буни билмайман. Агар беморнинг тўшаги олдида ўтиришни истасангиз, модомики, ўзингизни унинг дўсти деб атаётган экансиз, марҳамат. Биз қайтиб келгунча унинг ёнида ўтириб туришингиз мумкин. Лекин эҳтиёт бўлинг, каравотдан сакраб туриб кетмасин, бундан ташқари боғлаб қўйилган латталарни узиб юбормасин.

– Менга ишонаверинг, сэр. Мен уни қўлимдан келганча эҳтиёт қиламан. Лекин айтинг-чи, бу қандай бўлди? Ҳиндуларми? Лекин яқин орада улар йўқ-ку. Битта-яримта билан урушиб қолибдимми?

– Бу тўғрида, сеньорита, мен ҳам сиздан ортиқ нарса билмайман. У коётлар билан олишганга ўхшайди. Лекин тиззасига нима бўлганини ҳеч ким билмайди. Бунга коётларнинг алоқаси йўқ. Кеча уни узоқдаги чангаллар орасидан топдим. У белигача ариқ ичида турарди, соҳилдан эса унга сиз мексикаликлар йўлбарс деб атайдиган хол-хол ҳайвон сакрашга тайёр бўлиб турган эди. Нима қилибди, мен Морисни ана шундай кичик бир хавфдан қутқариб қолдим. Лекин ундан олдин нималар бўлгани мен учун ҳам жуда қоронғи. Йигит ақдан озиб қолди, шунинг учун ундан ҳозир ҳеч нарсани билиб бўлмайди. Бизнинг эса кутишдан бошқа иложимиз йўқ.

– Лекин сиз, сер, аҳволининг жиддий эмаслигига ишонасизми? Жароҳатлари хавфли эмасми?

– Йўқ. Уни бир оз иситма тутяпти. Жароҳатларига келсак, улар шунчаки тимдаланган, холос. Умид қиламанки, бир неча ҳафтадан кейин бутунлай соғайиб кетади.

– О, мен унга яхши қараб тураман!

– Жуда меҳрибон экансиз, лекин... лекин...

Зеб иккилана бошлади. Бирдан миясига лоп этиб бир фикр келиб қолди. Кетидан яна бир фикр келди. У мана бундай деб ўйлаган эди. «Бу меҳмонхонада ётганда унга совға-саломлар юборган қизга ўхшайди. Қизнинг уни яхши кўришига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бу аниқ. Жуда яхши кўриб қолибди. Бошқаси ҳам. Шунингдек, йигит буниси тўғрисида эмас, бошқаси тўғрисида хаёл сураётгани ҳам аниқ. Бу қора кўз гўзални йигитнинг алаҳлаб айтаётган муҳаббат сўзларини эшитмаслиги учун ичкарига кирмасликка унда-сам, яхши бўларди».

– Лекин, мисс, – деб ниҳоят Стумп ичкари кириш ниятида орзиқаётган мексикалик қизга мурожаат қилди, – уйга кетганингиз яхшироқ бўлмасмикин, ўзингиз нима деб ўйлайсиз? Бу ерга у тузалганда келдинг. Ахир у сизни танимайди ҳам. Унга қараш учун бу ерда қолиш бефойда, унинг касали жиддий эмас, у ўлмоқчи ҳам эмас.

– Мени танимагани ҳеч гап эмас. Бари бир уни кўришим керак. Эҳтимол, унга бирор нарса керакдир? Мен ҳаммасини топиб келаман.

– Демак, қолмоқчи бўлдингиз, – деди Зеб ўйчанлик билан. – Нима ҳам дердим, ўзингиз биласиз! Лекин унинг айтган сўзларидан хафа бўлманг. У одам ўлдириш ва шунга ўхшаш нарсалар тўғрисида гапирди. Одам алаҳлаган пайтда, айниқса, ярадор бўлиб ётганда, шундай бўлиши табиий нарса. Бундан ташқари, сиз бошқа нарсалар тўғрисида ҳам гапирганини эшитасиз. У бир аёл тўғрисида гапирса ҳам эҳтимол, доим ўшани тилга олади.

- Аёл тўғрисида дедингизми?
- Ҳа, бир қиз тўғрисида. Сиз унинг исмини ҳам эшитасиз.
- Исмини ҳам? Сенъор, унинг исми нима?
- Афтидан, сингисининг исми бўлса керак. Мен сингисини тилга олишига шубҳа қилмайман.
- Мистер Стумп, сиз буни мистер Морис тўғрисида айтяписизми? – деб сўради Фелим.
- Жим тур, тентак! Гапга аралашма. Бу сенинг ақлинг етадиган иш эмас. Юр мен билан. Бир оз айланиб келишингни хоҳлайман. Сўқмоқдан юқорига чиқаётганимда битта чинқироқни ўлдирдим, ўша ерга ташлаб келдим. Агар битта-яримта текинхўр тортиб кетмаган бўлса, уни уйга олиб кел.
- Чинқироқ дедингизми? Чинқироқ илон демоқчисиз, шекилли?
- Бўлмасам-чи!
- Лекин уни емасиз дейман, мистер Стумп? Ахир, заҳарланиб қолиш ҳеч гап эмас-ку?
- Жуда билар экансан! Унинг заҳари қолгани йўқ. Мен унинг калласини, калласи билан эса бутун заҳарини ҳам узиб ташладим.
- Туф-е! Лекин бари бир очимдан ўлганимда ҳам бундай ярамас нарсанинг зиғирдагини ҳам оғзимга олмасман.
- Ўлсанг ўлаверасан-да! Ким сени егин деб мажбур қиляпти? Мен фақат илонни уйга олиб кел деяпман. Қани, бор ва айтганимни қил. Бўлмаса, эҳтиёт бўл, бутун лаш-лушлари билан заҳарли қора илонни ейишга мажбур қиламан!
- Сўзингиздан бўйин товламоқчи эмасдим, мистер Стумп, ростим. Фелим О'Нил айтганларингизнинг ҳаммасини бажаради, ишонаверинг бунга. Ҳатто илон ейишга ҳам тайёрман! Авлиё Патрик, мен гуноҳкорни кечир!
- Қўй бемаза гапларни! Қани, юр!
- Фелим бошқа фикрга бормади ва овчининг кетидан эргашиб ўрмонга кетди.

Исидора чайлага кирди ва беморнинг тўшаги олди-га келди. У йигитнинг иссиқ пешонаси ва қуриб қолган лабларидан эҳтирос билан ўпа бошлади. Лекин бирдан чаён чаққандай сакраб кетди. Уни бундай сакраб туриб кетишига сабаб бўлган нарса чаён заҳаридан ҳам ёмон эди. Бунга сабаб ниҳоят қисқагина битта сўз бўлди.

## ЭЛИК ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

### ЧАЙЛАДАГИ УЧРАШУВ

Луиза Пойндекстер Мигуэл Диазни озод қилган кун қиз учун энг қайғули кун бўлди, эҳтимолки, унинг бутун умридаги энг қайғули кун шу эди.

Акасидан ажралганининг гами севган кишиси тўғрисидаги хавотирлик билан қўшилиб кетди. Унинг гамини рашк яна ҳам орттириб юборди. Бунга сабаб Исидоранинг Морис Жералдга ёзган хати бўлди.

Хатнинг мазмунига қараганда, Морис Жералд билан мексикалик ўртасидаги муносабат йигит айтганидан кўра яқинроқ эди. Демак, Морис уни алдаган. Бўлмаса мексикалик қиз ўз ҳислари тўғрисида қандай қилиб бунчалик очиқ ёза оларди? Мактубда дўстлик тўғрисида биронта ҳам имо-ишора йўқ эди. Ундаги сўзлар муҳаббат билан нафас оларди.

Ундан ташқари, ўша учрашувни айтмайсизми!

Тўғри, қиз унга илтимос билан мурожаат қилганди. Лекин бу ўзига ишонган аёлнинг нози эди, холос. Хат эса илтимос билан эмас, балки буйруқ билан тугарди.

«Албатта келинг, кутаман сизни!»

Луиза шу сўзларни ўқиб, хатни сира аямайғижимлаб ташлади.

– Ҳа, энди ҳаммаси равшан! – деб хитоб қилди қиз алам билан. – У бундай илтимосни биринчи марта қондириши эмас. Улар бу ерда биринчи бор учрашган эмаслар. «...Мен тоғамнинг уйи орқасидаги тепа устида бўламан». Бу уларнинг доим учрашадиган ерлари.



Бир неча соат давом этган қизгин қийноқлардан кейин креол қиз озгина тинчиди ва тўғри фикр юритди. Хатни яна ўқиди ва яна шу тўғрида ўйланиб қолди. Ҳар ҳолда яна битта умид қолган эди. Ахир Морис Жералд септаментда йўқ бўлиши ҳам мумкин эди-ку.

Ҳозир юз берган аҳволда буни текшириб кўриш Луиза Пойндекстер учун жуда қийин эди, лекин бошқа чора йўқ. Шундан сўнг қиз қош қораяй деганда ўзининг хол-хол мустангига миниб септаментга жўнади ва майхона эшиги олдида тўхтади.

Ўша куни кечқурун қишлоқ бўм-бўш эди. Ундаги барча аҳоли ҳар тарафга жўнаб кетганди. Баъзилари жинойт изидан кетган, баъзилари эса – команчиларга қарши сафарга жўнагандилар. Луизанинг номуносиб ишига фақат Обердофернинг ёлғиз ўзи шоҳид бўлди.

Қиз ўзининг Морис мустангер тўғрисида суриштираётган дастлабки одам эмаслигини, ундан ҳам олдин яна бир аёл худди шундай савол билан мурожаат қилганини эшитиб, Каса-дел-Корвога умидсизликка тушиб қайтди.

Туни билан у тўлғаниб, ўзини қўйгани жой тополмай чиқди. Қисқа-қисқа кўзи илинган вақтларда тушига аллақандай қўрқинчли нарсалар кирди.

Тонг отганда ҳам у тинчланмади, лекин қатъий қарорга – қаттиқ, дадил, деярли дилхасталик билан қилинган қарорга келди.

Луиза Пойндекстер Аламо соҳилларига боришдан бошқа ҳеч қандай чора тополмади. Уни бундан қайтарадиган, унга «Борма!» дейдиган биронта ҳам одам йўқ эди.

Одам ўлдириш устидан олиб борилаётган қидирув ишлари туни билан давом этди, ҳали ҳеч ким қайтиб келмаган эди.

Луиза ҳақиқатни билгиси келарди. Иккидан бири – ё қалби тинчланади, ё бутунлай чилпарчин бўлади. Қийноқ азоблар ичида ожизлик билан шубҳалар қилиб юргандан кўра унга иккинчи йўлнинг тўғри чиққани ҳам афзал. Бу сафардан қизни ҳатто отасининг ўзи ҳам қайтариб қололмаган бўларди.

Тонг отганда Луиза от устида эди. Қиз Каса-дел-Корводан чиқиб ўзига маълум бўлган йўлдан дашт орқали жўнаб кетди. Каса-дел-Корво билан мустангер чайласини йигирма миллик масофа ажратиб турарди. Икки соат ҳам ўтмасдан Луиза ўзининг учқур мустангида мўлжал қилиб йўлга чиққан жойига етиб келди. Луиза энди ортиқ умидсизланмасди – қалбидаги хафалик орасида умид учқунлари чақнаб кўярди.

Лекин қиз чайла остонасини босиши биланоқ умид учқунлари сўнди. Кўкрагидан босиқ оҳ эшитилди. Бу қийналиб кетган қалбнинг сўнгги оҳидек туюларди.

Чайлада аёл киши бор экан.

Креол қиз учун ҳамма нарса равшан бўлди... Қаршисида муҳаббат сўзлари билан тўлган хат муаллифи ўтирарди. Ҳар ҳолда учрашув бўлган эди.

Луизанинг юрагини сиқаётган дардни тасвирлаб беришга сўз топилмаса керак.

Исидоранинг хулосалари ҳам бундан камроқ аниқ ва азобли эмасди. Мексикалик қиз ўзи учун Мориснинг қалбида жой қолмаганини тушунди. Қиз бу аччиқ ҳақиқатга шубҳа қилиш учун беморнинг бир-бирига ёпишмаган сўзларини узоқ эшитиб ўтирди. Остонада эса унинг ўрнини эгаллаган қиз турарди.

Кўзлари чақнаган ҳолда улар бир-бирларига рўбару турар эдилар. Уларнинг иккаласи ҳам бир кишини севар, иккаласи ҳам рашк азобида, иккаласи ҳам йигитнинг яқинида – лекин, афсуски, иккаласи ҳам йигитни ўзиники деб ўйламасди. Иккаласи ҳам бир-бирини бахтиёр – ўзининг рақиби деб ҳисобларди. Луиза беморнинг Исидорани қийнаб юборган, ҳануз унинг қулоқлари остидан кетмаган, креол қизга эса бахт бағишлайдиган сўзларини эшитмаганди.

Бу сўзсиз душманлик саҳнаси эди. Қизлар бир-бирига бир оғиз ҳам сўз айтмадилар. Биттаси ҳам иккинчисидан изоҳ талаб қилмади – бунга ҳожат йўқ эди. Шундай вақтлар бўладики, сўзлар ортиқчалик қилади. Бу ўтли боқишлар ва фақат лабларида акс этган нафрат таҳқир қилинган муҳаббатга қарши бош

кўтариш эди. Бу манзара йигирма сониядан ҳам ортиқ давом этмади. У Луиза Пойндекстернинг орқага бурилиб, ташқари чиқиб кетиши билан тамом бўлди. Морис Жералднинг ҳужрасида унга жой йўқ! Исидора ҳам ўзининг рақибни шлефини, яъни узун этакларини босай-босай деб, кетма-кет кулбадан чиқди. Унинг миёсида ҳам фақат бир фикр бор эди, Морис Жералднинг чайласида унинг учун жой йўқ!

Кўринишдан, уларнинг иккаласи ҳам чайлани тезроқ ташлаб кетишни истар эдилар. Кўк от яқинроқ, мустанг эса узоқроқ турарди. Биринчи бўлиб Исидора отга минди. У Луизанинг олдидан ўтаётганда, Луиза йўлга тушиш учун энди отига минаётган эди. Яна рақиблар кўз уриштириб олдилар. Бу назарларнинг биттасини ҳам тантанали деб бўлмасди, лекин биттасида ҳам афв этиш аломати кўринмасди.

Креол қизнинг назари ғам, ғазаб ва ҳайронликка тўла эди. Исидоранинг қўполдан-қўпол: «Сарау!» деб қичқиргани ожиз ғазабга тўла эди.

## ОЛТМИШИНЧИ БОБ

### ЧАҚУВ

Исидора оғир фикрларга тўлган ҳолда Аламо тепасида равшан нур сочиб турган офтобда борарди. Қизни ўч олиш истаги куйдирарди.

Шу ҳис уни тамом дилхасталикка учрашдан сақлаб қолди.

Исидора тик ён бағирлик олдида тўхтаб қолди. Унинг тепасида азим сарв дарахтининг қоп-қора шохлари ёйилиб ётарди. Дарахтнинг бу оғир сояси қуёшнинг заррин нурларидан кўра қизнинг ғамга тўлган юрагига яқин эди.

«Мен уни ўша ердаёқ ўлдиришим керак эди. Ўлим чақириги қилиш учун орқага қайтсаммикин? Лекин уни ўлдирганимдан нима фойда? Бу билан унинг қалбини қайтариб бўлмайди-ку. Ундан ажралдим, бутунлай ажралдим! Унинг қалбидан фақат ўша қиз жой олган.

Менга эса заррача ҳам умид қолмади!.. Йўқ, Мориснинг ўзи ўлиши керак! У мени бахтсиз қилди. Лекин уни ўзим ўлдирсам нима бўларди? Ҳаётим нимага айланади? Чидаб бўлмас азобга айланади! Ҳозир-чи... Ҳозир ҳаётимнинг турган-битгани азоб эмасми? Ортиқ чидаёлмайман! Ўч олишдан бошқа чора борлигини кўраётганим ҳам йўқ. Фақат қиз эмас, у ҳам – иккаласи ҳам ўлиши керак!.. Лекин ҳозир эмас, у кимнинг қўлида ўлганини била оладиган даражада тузалгандан кейин! О, қандай ўч олганимни бир билиб қўйсин!.. Ё Биби Марям, ўч олиш учун мадад бер менга!»

Исидора отига шпор урди ва тик ён бағирликдан тез юқори кўтарилди.

Даштга чиқиб қиз тўхтамади ва отига дам бермади, балки ниҳоятда тез от чоптириб кетди.

Ўз ҳолига қўйиб берилган от аллақандай номаълум тарафга қараб чошиб борарди. Чавандоз қиз эса бунга мутлақо эътибор бермасди. Ўйга чўмган ҳолда бош эгиб бораётган қиз атрофдаги ҳеч нарсани сезмасди.

Фақат оти тўхтаб қолгандан кейингина Исидоранинг эси жойига келди ва очик даштда бир тўда чавандозларни кўрди.

«Ҳиндулармикан? Йўқ, оқ танлилар. Техасликлар», – деб ўйлади қиз.

Чавандозлардан кўрқишга ҳеч қандай асос бўлмаса ҳам мексикалик қиз улар билан ҳозир учрашишни истамасди. Бошқа вақтда қиз бундай учрашувдан қочмаган бўларди, лекин ғам-алам ичида қолган ҳозиргидек бир пайтда у саволлар ва қизиқиб ташланган назарлар остида қолишни истамасди.

Бекиниб олишга ҳали вақт бор. Чавандозлар ҳали уни кўриб қолмаган бўлсалар керак. Шартта чангаллар ичига бурилиб, улар кўзига кўринмай қўя қолиш мумкин.

Лекин қиз бундай қилишга улгуролмади, Исидоранинг оти қаттиқ кишнаб юборди. Бошқа йигирмата от унга жавоб қилди.

Лекин шундай бўлса ҳам қочиб кетиш мумкин. Унда чавандозлар орқасидан қувишлари аниқ. Лекин

уни, айниқса, мана бу ўрмонлар орасидаги ўзига яхши таниш бўлган сўқмоқларда қувиб ета олармиканлар?

Қиз отига шпор уришга энди тайёрланган эди, яна бир орқасига ўгирилиб қаради ва тўғри унинг олдига от чоптириб келаётган отряд билан юзма-юз келиб қолди.

«Қароқчилармикан». Йўқ! Саёқлар десам жуда яхши кийинганлар. Бу ўлдирилган Генрининг отаси бошчилигидаги разведкачилар отряди бўлса керак.

Ҳа, ҳа, худди ўшалар. Ё, раббий! Мана ўч олиш имконияти ҳам келяпти. Бу худонинг амри бўлса керак.

Исидора қалин чангаллар ичига бурилиб кетиш ўрнига очиқ далага чиқди ва мағрурлик билан чавандозлар қаршисига юрди. Қизнинг миясида хоинона бир режа пишиб етилди. У отининг жиловини тортди ва уларнинг яқинлашиб келишини кутиб турди.

Бир дақиқадан кейин мексикалик қиз уни тўрт тарафидан ўраб олган отряд ўртасида қолди.

Бу уни мутлақо ташвишлантормади. Қиз ўзини шунчалик бетакаллуф ўраб олган одамлардан кўрқмади. У уларнинг баъзиларини танир ҳам эди. Чавандозларнинг бошлиғи бўлган кекса кишини қиз кўрмаганди, лекин унинг кимлигини сезиб турарди. Бу киши ўлдирилган йигитнинг ва ўлдирилган ҳолда ёки жуда бўлмаганда, шарманда бўлган ҳолда кўришни истагани ўша қизнинг отаси эди. О, жуда қулай шароит юз берди-да!

– Сиз французча сўзлаша оласизми, мадемуазел? – деб сўради Вудли Пойндекстер қиздан.

– Яхши гаплашолмайман, сэр. Яхшиси, инглизча гапираверинг.

– О, инглизча дейсизми? Биз учун тагин ҳам яхши. Айтинг-чи, мисс, сиз йўлда ҳеч кимни учратмадингизми? Бирон бир чавандоз ёки бирон бир кимсанинг лагерини кўрмадингизми демоқчиман?

Исидора ё иккиланар, ё қандай жавоб бериш ҳақида ўйларди.

Плантатор жуда мулойимлик билан савол беришда давом этди:

– Сўрашга рухсат этинг, қаерда турасиз?

- Рио-Грандеда, сеньор.
- Ҳозир ўша тарафдан келяпсизми?
- Йўқ, Леонадан келяпман.
- Леонадан!

- Бу қиз кекса Мартинеснинг жияни, - деб изоҳ берди атрофдагилардан бири. - Унинг плантация-си сизнинг плантациянгизга келиб тақалади, мистер Пойндекстер.

- Тўғри, мен дон Силвио Мартинеснинг жияниман.

- Демак, сиз тўпна-тўғри уйдан келаётган экансиз-да? Кечирасиз, сизга жуда ёпишиб олгандек бўлаётгандирман, лекин ишонингки, мисс, биз сиздан шунчаки қизиқиб сўраётганимиз йўқ буларни. Бизни бунга жуда жиддий сабаблар, жиддийдан ҳам жиддийроқ сабаблар мажбур этади.

- Ҳа, мен тўғри Мартинес гасиендасидан келяпман, - деб жавоб берди Исидора, ўзини плантаторнинг охирги сўзларига эътибор бермаганликка солиб. - Мен тоғамнинг уйидан роса икки соат олдин чиққан эдим.

- Ундай бўлса, шубҳасизки, юз берган фалокатдан хабардорсиз?

- Ҳа, сеньор, кеча Силвио тоғамнинг уйида шу тўғрида гап бўлган эди.

- Бугун сиз йўлга чиқаётганингизда сеттментда бирон бир янгилик хабар бормиди?

- Мен фақат қотилни қидириш учун одамлар жўнаб кетганини эшитган эдим... Сизнинг отрядингиз бўлса керак, сеньор?

- Ҳа, улар бизни назарда тутиб айтганлар... Йўлда битта-яримтани учратмадингизми, мисс? - деб суриштиришни давом эттирди плантатор.

- Ҳа, учратдим.

- Кимни учратдингиз? Малол келмаса, уни бизга тасвирлаб берсангиз.

- Аёл кишини.

- Аёл кишини? - деб ҳамма бараварига сўради. - Ҳа, сеньорлар. Ким экан у?

- Америкалик аёл экан.

- Америкалик дейсизми? Шу ерда-я? Ёлғиз ўзи-я?
- Ҳа.
- Ким экан у?
- Билмадим.
- Танимадингизми уни? Ўзи қанақа экан?
- Қанақа экан дейсизми?
- Ҳа, кийими қандай экан?
- От миниш учун тиктирилган кийим кийган экан.
- Демак, отда экан-да?
- Ҳа.
- Уни қаерда учратдингиз?
- Бу ерга яқин, ўрмоннинг нариги тарафида.
- Қаёққа кетаётган эди? Ўша атрофда бирон кулба ҳам бормиди?
- Фақат битта чайла бор.
- Кимнинг чайласи у?
- Дон Морисио мустангерники.

Одамлар орасидан тантанали дувур эшитилди. Икки кун давом этган бефойда, зўр бериб қидириш ишларидан кейин улар ниҳоят қотилнинг изига тушган эдилар.

Отдан тушганлар дарҳол йўлга тушиш учун яна отга миниб олдилар.

– Биз сизга ёпишиб олмоқчи эмасмиз, мисс Мартинес, лекин сиздан ўша жойга йўл кўрсатиб боришингизни илтимос қилишга мажбурмиз.

– Бунинг учун мен жуда айланма қилиб йўл босишим керак бўлади... Хўп, майли, кетдик. Ўша ерга боришга қатъий қарор қилган бўлсангиз сизларни кузатиб қўяман.

Исидора ўрмон чангаллари орасидан яна қайтди. Уни чавандозлар кузатиб бордилар.

Йўл бошловчи чангалларнинг ғарбий томонида тўхтади. Бу ер билан Аламо ўртасида очиқ дашт чўзилиб ётарди.

– Ҳов анави ерда, – деди Исидора, – уфқдаги қора нуқтани кўряпсизларми? У сарв дарахтининг учи бўлади. Дарахт Аламнинг паст соҳилида ўсган. Ўша

ерга боринглар. Унда водийга тушиш мумкин бўлган қиялик бор. Пастга тушинглар. Сал нарироқда мен айтган чайлани топасизлар.

Разведкачилар бошқа ҳеч нарса суриштириб ўтирмадилар. Ўзларига йўл кўрсатган қизни деярли унутиб, сарв дарахти тарафга қараб даштдан от чоптириб кетдилар.

Чавандозлардан фақат биттаси жойидан қимирламади. У Исидоранинг тилини ўз она тилидек яхши биларди.

– Айтинг-чи, сеньорита, – деб у мексикалик қизга деярли ялиниб мурожаат қилди. – Ўша аёл миниб келган отнинг қандайлигини сезмадингизми?

– Сездим, албатта! Уни сезмай бўларканми?

– Қандай рангдаги от эди?

– Хол-хол мустанг эди.

– Хол-хол мустанг? Ё, раббий! – деб хитоб қилди Кассий Колхаун оҳ чекиб ва отрядга етиб олиш учун от қўйди.

Исидорага ўлимдан бошқа ҳеч нарсанинг кучи етмайдиган ўт оловида фақат ўзи эмас, мана бу одамнинг ҳам ёнаётгани маълум бўлди.

## ОЛТМИШ БИРИНЧИ БОБ

### БЕМОР ТЎШАГИ ЁНИДА

Рақибининг бундай тез ва кутилмаганда қочиб кетганидан Луиза Пойндекстер ҳайрон бўлиб қолди. У ўзининг Лунасига шпор уришга тайёр турган эди, лекин бундай қилмади, юз берган бу ҳодиса таъсирида нима қилишини билмай тараддудга тушиб қолди.

Бундан фақат бир дақиқагина олдин чайлага қадам босар экан, қиз ўша аёлнинг ўзини чайла хўжайинидек ҳис қилаётганини кўрган эди.

Унинг тўсатдан қочиб қолганини қандай тушуниш керак? Унга ғазаб билан қараганини қандай изоҳлаш керак? Нима учун унинг хатти-ҳаракатларида ўз кучига ишонч, тантанали ишонч сезилмайди?



Исидоранинг қарашлари креол қизни ҳақорат этолмади, аксинча, унинг қалбида яширин қувонч уйғотди. Шунинг учун Луиза Пойндекстер даштга, қараб от чоптириб кетиш ўрнига отидан тушди ва яна бир марта чайлага кирди.

Севимли кишисининг бўздай оқариб кетган, беморларга хос юзини ва кўзининг аланг-жаланг бўлаётганини кўрган креол қиз ўзининг ҳақорат этилган ҳисларини вақтинча унутди.

– Вой худо! – деб хитоб қилди у тез ҳаракат билан тўшак яқинига келар экан. – У ярадор ётибди... ўляпти... Ким бундай қилди экан?

Жавоб бўлмади. Фақат аллақандай бир-бирига ёпишмаган сўзлар эшитилди.

– Морис! Морис! Гапир! Мени танимаяпсанми? Луизани-я! Ўз Луизангни-я! Сен ахир мени шундай деб атаган эдинг-ку! Шу исмни хотирлайсанми?

– Луиза... Луиза... севаман... – деб гўё қизнинг саволига жавоб бераётгандек ингради Морис алаҳлаб.

Муҳаббат эътирофлари ҳеч вақт Луизага бунчалик бахт бағишламаган эди. Ҳатто у акас дарахтлари сояси тагида, сеvimли йигитнинг эс-хуши тўла жойида эканида ва уни севишини эҳтирос билан айтганида, ҳатто ўшанда ҳам бу сўзлар қизга шунчалик таъсир кўрсатмаган эди. О, у энди ниҳоятда бахтиёр!

Беморнинг иссиқ пешонаси ва қуриб қолган лабларига яна бўсалар ёғилди.

Луиза қўлини юрагига босиб тантанали қиёфада турарди. Қиз бахтиёр эди, у фақат муҳаббат қувончига берилиб ўтказаётган дақиқаларнинг жуда ҳам тез ўтиб кетишидан кўрқарди.

Афсуски, қизнинг кўрққани тўғри чиқди.

Чайла остонасида бир одам пайдо бўлди.

Луиза тентак Фелимни таниди. У бир қўлида томагавк, иккинчи қўлида эса каттакон чинқироқ илон кўтариб келди.

– Ё, авлиё Патрик! – деб қичқариб юборди у қўлидаги ғалати нарсаларни тушириб юборар экан. – Эсдан

оғдим, шекилли! Шундай бўлибди! Наҳотки бу сиз бўлсангиз, мисс Пойндекстер? Йўғ-е, бўлиши мумкин эмас!

– Лекин кўрганингиздек бу менман, мистер О’Нил. Мени шунчалик тез унутиб юборишингиз яхши эмас!

– Сизни унутиб бўларканми? Кўйсангиз-чи! Мени бунда айблаб бўлмайди. Сизни ким ҳам унутарди? Узоққа боришнинг ҳожати йўқ! Мана, доим сизни оғзидан кўймай алаҳлаб ётган бир одам.

Галвейлик хизматкор каравот тарафга маънодор қилиб қараб кўйди. Луизанинг аъзойи бадани севинчдан титраб кетди.

– Лекин бу қандай бўлди? – деб давом этди Фелим сирли равишда қизларнинг алмашилиб қолганига қайтиб. – Ҳалиги йигитча ёки қиз қани, унинг кимлигини ҳам билиб бўлмайди! Наҳотки сиз бу ерда ҳеч кимни кўрмаган бўлсангиз, мисс Пойндекстер?

– Кўрдим, кўрдим.

– Э, учрашибсизлар-да? Қани ўзи?

– Жўнаб кетди, чамамда.

– Жўнаб кетди дейсизми! Демак, нима исташини ўзи ҳам билмас экан-да. Мен уни чайлада ниҳоят ўн дақиқа олдин қолдириб кетган эдим. У бош кийимини, тўғрироғи, эркаклар шляпасини ечиб, бу ерда ўз уйидагидек баҳазур жойлашиб олган эди. Уни жўнаб кетди дедингизми? Қандай бахт! Мен бунга сира ҳам ачинмайман. Бундай аёлдан нарироқ юрган яхши. Сиз ишонмаслигингиз мумкин, мисс Пойндекстер, ахир у тўппончасини нақ тумшугим тагига тиради-я!

– Ё тавба! Нима учун ахир!

– Чайлага киргизмаганим учун, холос. Лекин у бари бир кириб олди. Зеб қайтиб келганда бунга қаршилиқ қилмади. У мистер Жералд ўзининг дўсти эканини, беморга қараб турмоқчи эканини айтди.

– Ростданми? О, бу қизиқ гап, жуда қизиқ гап, – деб ғудранди креол қиз ўйга чўмар экан.

– Галингиз тўғри. Бу ерда жуда қизиқ ишлар бўляпти.

– Азизим Фелим, нималар бўлганини сўзлаб беринг.

– Хўп, мисс, лекин бунинг учун сиз шляпангизни ечиб, бу ерда кўпроқ қолишингизга тўғри келади. Ўтган кундан бери бўлган ишларнинг ҳаммасини сўзлаб бериш учун анча вақт керак.

– Бу вақт ичида кимлар келди бу ерга?

– Э, бу ерга жуда кўп одамлар келди! Даставвал бу ерга бир майнабоз келди. Мен сизга у тўғрида сўзлаб бермоқчи эмасман. Бундан қўрқиб кетишингиз мумкин, мисс.

– Гапираверинг. Қўрқмайман.

– Хўп, майли, лекин ўзим ҳам от минган одам, лекин боши йўқ бўлганидан, нималигини билолмайман.

– Боши йўқ дедингизми?

– Ҳаммадан қизиғи шуки, у худди мистер Мориснинг ўзи эди. Қанчалик қўрқиб кетганимни билсангиз эди. Жон-поним чиқиб кетай деди!

– Лекин уни қаерда қўрдингиз, мистер О’Нил.

– Ҳов анави ерда, жар тепасида. Мен хўжайинни кутиб олгани чиққан эдим. Ўша куни эрталаб келиши керак эди. Олдин уни мистер Морис келяпти деб ўйладим. Бирдан қарасам, анави... бошсиз чавандоз... Шляпангизни ечинг, сандиқ устига ўтиринг, стулда ўтиргандан кўра унда ўтириш ўнғайроқ. Ўтиринг, сўрайман сиздан! Мен ҳали ҳамма гапимни айтиб бўлганим йўқ.

– Ташвишланманг. Давом этинг. Ўша ғалати чавандоздан бошқа яна ким келди бу ерга? Афтидан, бирон бир киши сизни ҳазил-мазах қилганми дейман?

– Ҳазиллашган эмиш-а! Кекса Зеб ҳам менга худди шундай деди.

– Демак, у ҳам келган экан-да?

– Ҳа, лекин у бу ерга бошқалардан кейин келди...

– Бошқалардан кейин дедингизми?

– Ҳа, мисс. Зеб фақат кеча эрталаб келди. Улар эсандан олдинги тунда келдилар. Келганда ҳам алламаҳалда келишди. Тушунасизми, мен ширин уйқуда ётган эдим. Улар келиб мени уйғотишди.

– Лекин ўша «улар» ким ахир?

– Ким деб ўйлайсиз? Ҳиндулар!

– Ҳиндулар?

– Худди ўшалар! Бутун бир қабила! Буни қарангки, мисс, боя айтганимдек ширин уйқуда ётган эдим. Бирдан қулоғимга қоғоз шитирлагани эшитилди, аллаким қарта бўлашаётгандек туюлди... Авлиё Патрик, бу нима бўлди?

– Нима?

– Наҳотки ҳеч нарса эшитмаган бўлсангиз? Мана, яна эшитилапти! От дупури!

Фелим эшикка отилди.

– Ё, авлиё-анбиёлар! Бизни чавандозлар отряди қуршаб олибди. Минггача келади. Кекса Зебга хабар бериш керак. Ё, худо! Энди кечиккан ҳам бўлсам керак!

Фелим кактус новдасини олиб чайладан чошиб чиқиб кетди.

– Ё, раббий! – деб юборди креол қиз. Бу улар! Отам... Нима дейман? Ё, Биби Марям, шармандаликдан ўзинг асра!

Луиза эшик олдига отилди ва уни ёпиб қўйди. Лекин бир оз ўйлаб, бу ишнинг бефойдалигини тушунди. Ташқаридаги одамлар бундай тўсиқ олдида тўхтаб қолмасалар керак. Луиза регуляторлар овозини таниди.

Деворда кўриниб турган тешикка кўзи тушди. Қочиб кетсаммикан?

Лекин вақт ўтган эди. От дупурлари чайланинг орқасидан ҳам эшитила бошлади. Чавандозлар кулбанинг чор атрофидан ўраб олишди.

Бунинг устига бари бир қизнинг бу ерга келгани сир бўлиб қолмасди. Хол-хол мустанг чайла олдида боғлоқлиқ турар, уни танимаслик мумкин эмасди. Лекин қизни қочиб кетишдан бошқа бир нарса ҳам ушлаб турарди. Морис хавф остида қолган эди. У беморни ўз ҳимояси остига олиши керак.

«Ёмонотлиқ бўлсам ҳам майли, – деб ўйлади креол қиз, – отамдан, дўстларимдан, ҳамма нарсадан ажраламан, лекин ундан эмас! Бу менинг тақдирим. Шарманда бўламанми-йўқми, лекин унга содиқ бўлиб қоламан».

Шундан сўнг Луиза бемор деб ҳамма нарсадан, ҳатто ҳаётидан жудо бўлишдан қўрқмай, унинг тўшаги олдига хотиржам ўтирди.

## ОЛМИШ ИККИНЧИ БОБ

### ЮРАК ҲОВУЧЛАБ КУТИШ

Мустангер кулбаси олдида ҳеч вақт, ҳатто унинг мол қўрасига тутиб келинган ёввойи отлар тўлиб кетганда ҳам бунчалик от дупури эшитилмаган эди.

Эшиқдан чиқиб келган Фелимни бир неча кишининг қичқириғи тўхтатди.

Биттасининг овози бошқаларнинг овозидан қаттиқроқ эшитиларди. Ирландиялик уни отряд бошлиғи бўлса керак деб ўйлади.

– Тўхта, аблаҳ! Қочишнинг фойдаси йўқ! Яна бир қадам боссанг – иккинчи қимирламайдиган бўласан! Тўхта деяпман сенга!

Галвейлик хизматкорнинг тўхташдан бошқа иложи қолмади.

– Ишонинглар, жентльменлар, мен мутлақо қочмоқчи эмасман, – деди у титроқ товуш билан, ўзига кўз олайтириб турган кишилар назари ва ўзига қаратилган милтиқлар остида. – Мен мутлақо бундай ниятда эмасдим. Мен фақат...

– Қани, агар уддасидан чиқсанг, қочиб кўр. Ишнинг бошланиши чакки эмас... Бу ёққа, Дик Троси! Одамларни чақир! Боғланглар уни! Минг лаънат! Биз қидириб юрган одам шумикин.

– Йўқ-йўқ! Бу у эмас... Бу унинг хизматкори, Жон!

– Ҳей, чайлани ўранглар! Ундан кўз узманглар. Биз ҳали каттасини тутганимиз йўқ... Ҳеч ким қочиб кетмасин... Қани, энди гапир, ичкарида ким бор?

– Чайлада ким бор демоқчисиз, шекили?

– Сўраган нарсаларга жавоб бер, аҳмоқ! – деди Троси галвейликни арқон билан туширар экан. – Чайла ичида ким бор?

– Унда, биринчидан, менинг хўжайиним бор.

– Қизиқ... Нима гап ўзи? – деб сўради эндигина етиб келган Вудли Пойндекстер, хол-хол мустангни кўриб. – Бу ахир Луизанинг оти-ку?

– Ҳа, ўша, тоға, – деб жавоб, берди Кассий Колхаун у билан ёнма-ён келар экан.

– Қизиқ, уни бу ерга ким олиб келди экан?

– Луизанинг ўзи бўлса керак.

– Қўйсанг-чи! Ҳазиллашяпсан, шекилли, Кассий?

– Йўқ, тоға, мен мутлақо жиддий айтяпман.

– Қизингиз шу ерга келган демоқчимисан?

– У ҳозир ҳам шу ерда. Бунга шубҳа қилмайман.

– Бўлмаган гап!

– Мана бу тарафга бир қаранг.

– Чайланинг кенг очик турган эшигидан аёл киши кўринарди.

– Ё, раббий, қизим!

Пойндекстер тез эгардан тушди ва шошганча чайла тарафга юрди. Унга Колхаун эргашди. Иккаловлари ичкари киришди.

– Луиза, бу қандай гап? Ярадорми? Ким бу? Генрими?

Плантатор ўз саволига жавоб олишдан бурун унинг кўзлари Генрининг шляпаси билан плашчига тушди.

– Бу Генри! Тирик экан! Худога шукур! – Пойндекстер тўшакка ўзини отди. Унинг шодлиги бирпасда сўнди. Плантатор оҳ чекиб гандираклаб кетди.

Колхаун ҳам ундан камроқ ҳаяжонда эмасди. У кўркувдан қичқириб юборди. Шундан сўнг икки букилиб секин-аста чайладан чиқиб кетди.

– Бу нима деган гап? – деб шивирлади плантатор. – Бу қандай гап? Тушунтириб берсанг-чи, Луиза?

– Йўқ, тушунтириб беролмайман, ота. Бу ерга келганимга бир неча дақиқа бўлди, холос. Мен уни ана шундай кўрқинчли бир аҳволда кўриб турибман. У беҳуш ётибди, ўзинг кўриб турибсан.

– А... а... Генри-чи?

– Улар менга ҳеч нарса дейишгани йўқ. Мен келганимда мистер Жералд ёлғиз ўзи ётган экан. Хизматко-

ри йўқ экан, у эндигина келиб турган эди. Ундан ҳали ҳеч нарса сўраганимча ҳам йўқ эди.

– Лекин... лекин... бу ерга қандай қилиб келиб қолдинг?

– Мен уйда ўтиролмадим. Номаълумлик қийнаб юборди. Ёлғиз ўзим қолгандим. Бу шундай ёмон эдики!.. Ортиқ уйда ўтиролмадим. Бечора акам тўғрисидаги фикрлар эса... Ё, раббий! Ё, раббий!

Пойндекстер қизига ҳайрон бўлиб ва ҳали ҳам савол назари билан қараб турарди.

– Бу ерда Генрини топармиканман деб ўйлаган эдим.

– Бу ерда... Лекин йўлни қандай қилиб топдинг? Сени ким бошлаб келди? Бу ерда ёлғиз ўзингмисан?

– О, ота, мен йўлни билардим. Мени мустанг олиб қочган кунги овни эслайсанми? Орқага қайтишда мистер Жералд ўзининг қаерда туришини менга кўрсатган эди. Ана шунда бу ерларни эслаб қолгандим.

Пойндекстер илгаригидек ҳайрон эди, лекин Луизанинг сўзлари қош-қовоғини баттар солинтирди.

– Яхши иш қилмабсан, қизим, орқа-ўнгини ўйламабсан. Ярашмаган ва жуда қалтис иш қилибсан. Тен-так бир қизчанинг ишини қилибсан. Бу ердан дарҳол кетишинг керак. Юр, юр! Бу ер қиз боланинг жойи эмас. Отингни мин-да, уйга жўна. Сени битта-яримтаси кузатиб қўяди. Бу ерда ҳар хил кўнгилсиз ишлар бўлиши мумкин. Бу ерда қолишинг тўғри келмайди. Қани, юр, юр!

Отаси чайладан чиқди, қизи эса истамайгина унга эргашди.

Чавандозларнинг ҳаммаси алақачон отдан тушган ва чайла олдидаги майдончада тўпланган эди.

Колхаун юз берган аҳволдан ҳаммага хабар берди. Одамлар тўп-тўп бўлиб олишди. Баъзилари индамай туришар, бошқалари эса ўзаро суҳбатлашарди. Фелим атрофига анча одам тўпланганди. У боғланган ҳолда ерда ётарди. Уни сўроқ қилишар, лекин, афтидан, берган жавобларига унча аҳамият беришмасди.

Отаси билан қизининг ичкаридан чиқиб келганини кўриб, ҳамма уларга ўтирилди. Кўпчилик қизни танирди. Ҳамма ҳайрон бўлди, ҳайрон бўлдигина эмас, қизни бу ерда кўриб анграйиб қолди. Ўлдирилган йигитнинг синглиси қотилнинг уйида экан! Ана шундан сўнг жиноятчи мустангер бўлганига ҳаммалари яна ҳам кўпроқ ишонч ҳосил қилдилар. Колхаун чайладан топилган шляпа билан плашч тўғрисида гапириб берди.

Лекин Луиза Пойндекстер биронта ҳам кузатувчисиз бу ерда нима қилиб юрибди?

Одамлар орасида шивир-шивир бошланди. Ҳатто шундай дағал одамлар ҳам оталик ҳиссини таҳқир қилишдан чўчир эдилар, шунинг учун ҳамма сабр билан бунга жавоб кутарди.

– Отингга мин, Луиза. Мистер Янси сени кузатиб кўяди.

Шундай илтимос билан мурожаат қилинган плантатор йигит ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди. У Кассий Колхауннинг сохта бахтига ҳавас қилиб юрганлардан бири эди.

– Сени кутиб турсам нима қилади? – деб сўради қиз. – Ахир сен бу ерда узоқ туриб қолмайсан-ку?

– Мен эса, қизим, айтганимни қилишингни истайман.

Луиза истамайгина отга минди. Плантаатор йигит олдинга ўтиб йўл бошлади, Луиза секин-аста унга эргашди. Янси ўз хурсандлигини яшира олмади, қиз эса ўз гамини.

Лекин креол қизнинг чеҳраси бирдан ўзгарди, унда гўё қандайдир бир умид туғилган эди. Луиза тўхтади. Унинг кузатувчиси ҳам худди шундай қилишга мажбур бўлди.

– Мистер Янси, – деди қиз бир оз жим тургандан сўнг, – отимнинг қоринбоғи бир оз бўшашиб қолибди. Яхши ўтиролмай қолдим. Малол келмаса, шуни қаттиқроқ тортиб берсангиз.

Янси сакраб отидан тушди ва қоринбоғни кўздан кечирди. Унинг назарида қоринбоғни бундан ортиқ



тортишнинг ҳожати йўқ эди. Лекин у буни сездиришни истамади ва кучининг борича таранг қилиб тортди.

– Бирпас шошманг, – деди чавандоз қиз. – Мен тушиб турай, сизга ўнгайроқ бўлади.

Луиза йигитнинг ёрдам қилишини кутмай сакраб ерга тушди ва мустанг олдида турди.

– Энди, мисс Пойндекстер, менимча, таранг тортилади.

– Ҳа, яхши бўлди, – деб жавоб берди қиз, эгар қошидан ушлаб синаб кўриб отига минар экан. – Биласизми нима, мен бу ерга эндина келган эдим, отимни эса жуда тез чоптиргандим. Бечора Луна ҳали дам олиб улгургани йўқ эди. Келинг, шу ерда бирпас турайлик, от эса дам олади. Ахир, уни орқага ҳам тўхтовсиз чоптириб кетиш инсофдан бўлмайди.

– Лекин отангиз... Унинг билдирган истаги...

– Менинг уйга қайтишим тўғрисидаги истагимми? Лекин бунинг ҳечқиси йўқ. У шунчаки менинг анави дағал одамлар орасида қолишимни истамади. Ана шу, холос. Мен бир четга чиқиб кетганим учун энди у мендан хавотир олмайди... Бу ер қандай чиройли жой экан! Дарахтлар сояси шундай салқинки, асти кўясиз! Даштда серкўёш кунда иссиққа чидаб бўлмайди. Ах, мистер Янси, қаранг-а, дарёдаги балиқчаларнинг чиройлилигини қаранг-а! Ҳов анави кумуш тангали балиқни кўряпсизми?

Плантатор йигит бундан жуда ийиб кетди ва ортиқ қистамади.

– Мисс Пойндекстер, мен сизнинг ихтиёрингиздан ва сиз истаган нарсаларни бажо келтириш билан бахтлиман. Келинг, шу ерда тўхтаймиз.

– Фақат Луна дам олиб бўлгунча. Шунини айтишим керакки, сизларнинг отрядингиз етиб келганда, мен энди отдан тушган эдим. Лунага бир қаранг, бундай узоқ йўл босиб келгандан кейин бечора жуда чарчаб қолди.

Луизанинг оти қандай аҳволда экани билан Янси мутлақо қизиқмади. У ўз ҳамроҳининг оғзидан чиққан ҳар бир истакни бажариш билан бахтли эди. Улар



дарё бўйида тўхтадилар. Плантатор йигит Луизанинг балиқчаларга жуда кам эътибор бераётганини сезиб ҳайрон бўлди, ўзига ҳам қизнинг мутлақо эътибор қилмаётганини сезиб, хафа бўлди. Қизнинг кўзлари бежо, қулоғи эса чайла олдидаги майдонча тарафдан эшитилаётган товушларда эди.

Янси қизни ҳавас билан кузатаётганига қарамай у ҳам эшитилаётган товушларга беихтиёр қулоқ сола бошлади. Афтидан, чайла олдида аллақандай жиддий ҳодисалар бўладигандай эди.

Бир неча эркак кишининг овози эшитиларди. Айниқса, улардан биттаси ҳаммасидан қаттиқроқ бақирарди.

Луиза бу овозни таниди. Бу унинг тоғаваччаси Кассийнинг овози эди. У оломонга алланарсаларни уқтирар, алланарсага ишонтирмоқчи бўларди. Унинг овозидан ғазаби билиниб турарди. Мана у сўзини тугатди. Кетидан дарҳол унинг сўзини маъқулловчи овозлар эшитилди.

Буларга қулоқ солиб турган Янси ўзининг гўзал ҳамроҳини унутди. Фақат Ауиза сакраб ўрнидан туриб чайла тарафга югургандагина уни эслади.

## ОЛТМИШ УЧИНЧИ БОБ

### РЕГУЛЯТОРЛАР СУДИ

Креол қизни ўрнидан бунчалик тез кўзғалишга мажбур қилган қаттиқ қичқириқ айна вақтда ҳам суднинг қарорини, ҳам қарорнинг қандай бўлганини билдириб турарди.

«Осилсин» деган сўз қизнинг қулоғига эшитилди, шундан сўнг мустангер чайласи томон югурди.

Одамлар энди тўп-тўп бўлиб эмас, йиғилиб, давра олиб турар эдилар. Давра ўртасида регуляторлар бошлиғининг кўкқайган мағрур гавдаси кўриниб турарди. Вудли Пойндекстер ҳам ўша ерда эди, унинг ёнида эса Кассий Колхаун ғоз қотганди. Лекин тоға-жиян юз

бераётган фожианинг фақат гувоҳлари сифатидагина турардилар. Ҳал қилувчи сўз бошқаларники эди. Бу қотиллик тўғрисида олиб борилаётган суд Линч суди эди. Қораловчи сифатида регуляторлар бошлиғи сўзлади. Қамоққа олинган икки кишидан бошқа бутун оломон суд маслаҳатчилари ролини ўйнади.

Морис Жералд ва унинг хизматкори Фелим чор атрофдан ўраб олган оломон ўртасида эдилар. Иккаласи ҳам ўт устида, оёқ-қўллари пишиқ арқон билан чамбарчас боғлаб ташланган ҳолда ётар эдилар. Уларни сўзлаш имкониятидан маҳрум қилдилар. Фелимни дўқ-пўписа қилиб жим туришга мажбур этдилар, унинг хўжайини эса оғзига латта ўрнига ёғоч тикиб қўйилгани учун жим ётарди. Чамбарчас боғланган арқон беморнинг қимирлашига тўсқинлик қилмаганди. Икки киши Мориснинг елкасидан ушлаб турар, учинчиси эса унинг тиззаси устига чиқиб олиб, оёғидан босиб турарди.

Бутун айб асосан Морис Жералд бўйнига тушмоқда эди. Фелимни фақат иштирокчи деб ҳисоблардилар.

Уни ўзининг бутун билган нарсаларини сўзлаб беришга мажбур этдилар. Фелимнинг ҳиндулар ва ягуар тўғрисидаги ҳикоясини «судни янглиштириш мақсадида ўйлаб чиқарилган нукул уйдирма гаплар» деб эълон қилдилар.

Суд мажлиси ўн дақиқадан ортиқ давом этмади. Хулоса равшан эди. Кўпчилик Генри Пойндекстер ўлдирилган, унинг ўлимига Морис Жералд жавобгар деган қатъий фикрга келди.

Илгаридан маълум бўлган ҳар бир вазият янгидан муҳокама қилинди ва ўлчаб кўрилди. Уларга ҳозиргина чайладан топилган янги фактлар қўшимча қилинди. Булардан энг ишончлиси ўлдирилган йигитнинг плашчи билан шляпасининг чайладан топилгани бўлди.

Баъзи одамлар сабрсизлик билан «қотил осилсин!» деб қичқирар эдилар.

Хукм олдиндан чиқариб қўйилган эди. Ерда бир учи сиртмоқ қилиб боғланган арқон ётарди. Тўғри, бу

фақат каманд эди, лекин у бундай мақсадга хизмат қила оларди. Катта анжир дарахтининг ётиқ ўсган шохи дор вазифасини бажара оларди.

Кўпчилик ўлим жазоси беришни талаб қилди. Баъзи одамлар ўз қарорларини ҳукм этилган йигитнинг бошига лаънатлар ёвдириб мустаҳкамладилар. Нима учун ҳукм ижро этилмаяпти? Нима учун? Фақат шунинг учунки, бунда яқдиллик йўқ эди. Бу ердагиларнинг ҳаммаси ҳам бундай қарор чиқарилишига рози эмасдилар. Судьялар орасида ҳам Морисни қатл қилишга қарши бўлганлар бор эди. Гарчи улар оз бўлсалар ҳам, лекин ўзларининг «йўқ» деган сўзларини хотиржамлик ва тамомила қатъият билан айтдилар.

Бу озчилик орасида регуляторлар бошлиғи Сем Менли бор эди.

– Граждандар! деб қичқириб оломонга мурожаат қилди у. – Бундай жиддий қарор чиқариш учун қўлимизда етарли далил, исботларимиз йўқ. Айбдорнинг сўзини ҳам эшитиш керак, лекин, албатта, у сўзлай оладиган даражада қувватга киргандан кейин. Ҳозир, ўзингиз кўриб турганингиздек, унга мурожаат қилишнинг фойдаси йўқ. Шунинг учун мен суд қарорини то ўша пайтгача қолдириб туришни таклиф қиламан...

– Кейинга суришдан нима фойда? – деб унинг сўзини бўлди Кассий Колхаун қаттиқ қичқириб. – Нима гап ўзи, Сем Менли? Агар сизнинг ҳам бирор дўстингиз ёки укангиз ўлдирилган, бунинг устига бутунлай бегуноҳ ўлдирилган бўлсайди, унда бошқачароқ фикр юритган бўлардингиз. Мана бу аблахнинг айбдорлигига ишонч ҳосил қилиш учун сизга яна нима етишмаяпти? Қўшимча далиллар керакми?

– Худди шундай, капитан Колхаун.

– Сиз бирор нарса қўшимча қила оласизми, Кассий Колхаун? – деб сўради аллаким.

– Менимча, далиллар етарли, ҳатто кўплик ҳам қилади. Лекин истасангиз, қўшимча қилишга тайёрман.

– Қани, қани! – деб қичқирди бир неча ўн киши.

– Жентльменлар! – деди Колхаун оломонга мурожаат қилиб. – Бу одам билан менинг ўртамда нима

бўлганини ҳаммангиз яхши биласиз. Мени ўч оляпти деб ўйлашингизни истамайман. Ўч олиш истаги йўқ менда. Борди-ю мен худди шу одам жиноят қилганига ишонган эканман, бунга мен ўзимнинг каллам елкамда турганига ишонгандек қаттиқ ишонаман...

Колхаун оғзидан беихтиёр чиқиб кетган бу сўзларнинг одамларга ғалати таъсир қилганини кўриб дудқланиб қолди.

– Агар мен, – деб давом этди у, – бунга қатъий ишонмасам ўзим кўрган ёки эшитган нарсаларим тўғрисида ҳеч нарса демаган бўлардим.

– Нимани эшитган эдингиз, мистер Колхаун? – деб сўради регуляторлар бошлиғи. – Айбланувчи билан ўртангизда бўлган жанжалнинг, менимча, бу ердагиларнинг ҳаммаси у жанжалдан хабардор бўлсалар керак, берган гувоҳлигингизга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ҳеч ким сизни сохта гувоҳликда айбламоқчи эмас. Марҳамат, давом этинг. Нималарни эшитгансиз, қачон ва қаерда эшитгансиз?

– Бу воқеа сешанба куни кечаси, тоғамнинг ўғли йўқолиб қолган тунда бўлган эди.

– Сешанба куни кечаси дейсизми? Давом этинг.

– Мен ўз хонамга кириб кетдим. Кун жуда иссиқ эди, чивинлар жонга тегарди, сира ухлаб бўлмади. Ўрнимдан турдим, сигара чекдим, бир оз хонамда айландим, кейин томга чиқишга аҳд қилдим. Вақт ярим кеча ёки ундан сал вақтлироқ эди, аниқ эсимда йўқ, чунки соатга қарамаган эдим. Мен сигарамни чекиб бўлдим ва энди бошқасини қўлимга олаётган эдимки, дарё тарафдан эшитилаётган товушлар қулоғимга чалинди. Бу қаттиқ-қаттиқ, жаҳл билан айтилаётган сўзлар эди. Жанжал бўлаётгани аниқ эди. Қулоқ солиб туриб мен овозлардан бирини, кейин эса, иккинчисини ҳам танидим. Биринчиси тоғамнинг ўғли Генрининг товуши, иккинчиси – мана бу одамнинг, қотилнинг товуши эди.

– Давом этинг, мистер Колхаун. Биз олдин сизнинг далилларингизни эшитамиз. Ўз хулосаларимизни эса кейин чиқарамиз.

– Тушунасимизми, жентльменлар, тоғаваччамнинг овозини эшитиб, мен бир оз ҳайрон бўлдим. Уни аллақачон ухлаб қолган, деб ўйлаган эдим. Лекин мен товуш уники эканига шундай ишонч ҳосил қилдимки, буни текшириб кўриш учун унинг хонасига ҳам бормадим. Жанжаллашаётган иккинчи кишининг мустангер эканига ҳам ишончим жуда комил эди. Айниқса, Генрининг бундай бемаҳалда хонасидан чиқиб юрганига ҳайрон қолдим, унинг бундай одати йўқ эди. Лекин факт фактлигича қолди, бунда ҳеч қандай хатolik йўқ. Улар нима тўғрисида фикланишияпти экан деб қулоқ сола бошладим. Уларнинг овози секин-секин эшитиларди. Бундан бирдан-бир аниқ эшитиб қолган сўзим шу бўлдики – Генри мустангерни жуда бошлаб сўқди. Тоғамнинг ўғли алланарсадан ҳақорат қилингани аниқ эди. Иккаласи ҳам бир-бирининг исмини айтиб қаттиқ-қаттиқ бақирди, шундан сўнг эса ҳеч қандай шубҳа қолмади. Мен у ерга бориб нима гап эканини билишим керак эди, лекин мен тунги туфлида эдим. Мен Генри уйга қайтиб келар деган умидда яна ярим соат кутиб турдим, лекин у келмади. Мен йигитча майхонага қараб кетган бўлса керак деб ўйладим. У ерда Генри қалъадаги танишларидан битта-яримтани учратган бўлиши ва узоқ ўтириб қолиши мумкин эди. Ётиб ухлашга қарор қилдим. Шундай қилиб, жентльменлар, сизларга билганларимнинг ҳаммасини сўзлаб бердим. Бечора Генри ўшандан кейин Каса-дел-Корвога қайтиб келмади. Ўша тун унинг ўрни бўш қолди, у даштда ёки ўрмонда тунаган бўлмаса, қаерда тунаганини фақат мана бу одам билади.

У қўли билан айбланувчини кўрсатди. Колхауннинг сўзи одамларга таъсир қилди. Унинг тўғри сўзлаганига ҳеч ким шубҳа қилмасди.

Одамлар ғазаб билан яна шовқин-сурон кўтардилар. Ҳар тарафдан:

– Осилсин! Осилсин! – деган қичқирик эшитилди. Ҳатто Сем Менли ҳам иккилана бошлагандек эди. Ўтироз билдирувчилар яна ҳам камайди.

Ҳозиргина Колхаун билан алланарсалар тўғрисида шивир-шивир қилаётган чегара атрофида яшовчи каллакесарлардан бири арқон олдига борди. Эгилди ва сиртмоқни ҳамон ҳеч нарсани сезмай ётган маҳкумнинг бўйнидан ўтказди. Кескин вазият пайдо бўлди.

Ҳеч ким жаллодни тўхтатишга ҳаракат қилмади, ҳеч ким асирни қутқаришга журъат этмади.

Сиртмоқ Мориснинг бўйнига солинди. Арқоннинг бир учи анжир дарахти шохига ташланди.

Кўпгина одамлар «Кўп ўтмай Морис Жералд ҳаёт билан видолашади» деб ўйлар эдилар.

### ОЛТМИШ ТЎРТИНЧИ БОБ

#### БИР ҚАТОР ИНТЕРМЕДИЯЛАР<sup>52</sup>

«Кўп ўтмай Морис Жералд ҳаёт билан видолашади», табиат қучоғида, катта-катта дарахтлар сояси остида бўлаётган бу фожиа иштирокчиларининг ҳар бири ана шундай деб ўйларди.

Лекин шу пайт тўсатдан юз берган танаффус воқеаларнинг боришини тўхтатиб қўйди: фожиа бирдан комедия билан алмашди. Бунинг қаҳрамони Фелим бўлди.

Колхауннинг «таъсирли» нутқидан сўнг ўч олиш ҳисси яна ҳам кучайиб кетган регуляторларнинг бутун диққат-эътибори Морисга қаратилди. Улар хизматкорни эсдан чиқардилар. Ҳазаб тўла назарлар фақат мустангерга қаратилган эди. Фелим учун қочиш имконияти туғилди, у эса бу фурсатни қўлдан бермади.

У ўт устида сурила-сурила, маҳкам боғлаб қўйилган арқонларни бир оз бўшатди, арқондан секин қутулиб чиқди ва секин-аста одамлар оёғи остидан ўтиб олди. Буни ҳеч ким сезмай қолди. Ҳаяжонга солувчи манзарадан эсини йўқотган одамлар бир-бирларини туртишар, дор вазифасини ўтаётган анжир дарахтидан кўз

<sup>52</sup> Интермедия – бу ерда воқеаларнинг боришига тўсқинлик қилувчи эпизод маъносида: XVI–XVII асрларда спектакллар орасидаги танаффусларда кўрсатиладиган кичик кулгили пьесалар.

узишмасди. Фелим ўз хўжайинини тақдир тақозосига ташлаб кетиш ниятида эмасди. Аксинча, у Морис Жералдга ёрдам беришга яна ҳаракат қилиб кўрди. Энди бутун умиди Зеб Стумпдан бўлиб қолди, шунинг учун у овчини иложи борича бизга маълум усул билан тезроқ чақирриш ниятида эди.

Фелим одамлар орасидан чиқиб олиб секин-аста қари бия ўтлаб юрган тарафга кета бошлади. Ўрмон четида ҳозир келган отряд аъзоларининг отлари боғлиқ турарди. Улар бир-бирига яқин қилиб боғлаб қўйилган эди. Фелим мана шу от девори орқасидан бориб, ўзи мўлжаллаган жойга етиб олди.

Лекин шу ерда у ўзига зарур бўлган нарсаларни олиб келмаганини сизди. У кактуснинг шохини уни ушлаб олишган жойда ташлаб юборган эди. Пичоғи ёнида эмасди – кактусни кесишга ҳеч нарса йўқ.

Галвейлик хизматкор хафа бўлиб, нима қилишини билмай ўйланиб қолди. Вақтни қўлдан бермай ҳаракат қилиш керак эди. Бой берилган ҳар бир дақиқа хўжайини учун фожиа бўлиши мумкин. Лекин содиқ хизматкор хўжайинидан жонини ҳам аямасди. Фелим сертикан ўсимлик олдига борди ва қўллари билан битта шохни узиб олди.

Қўли тимдаланиб қонаб кетди. Лекин одамнинг тақдири ҳал бўлаётган бир пайтда бундай арзимаган нарсага эътибор қилиб бўлармиди! Ирландиялик бия олдига чопди ва ҳеч қандай эҳтиёт чоралари кўрмай азоб берадиган тиканни унинг думи тагига тикди.

Бу вақт эса майдондаги воқеалар ўз йўли билан борарди. Сиртмоқ тайёр бўлди; арқоннинг анжир дарахти шохига ташланган бир учи кўнгилли жаллодлар қўлида эди. Улар охирги буйруқни кутиб турардилар. Оломон жимиб қолди. Одамлар атрофдаги дарахт таналари сингари жим, қимир этмай турардилар. Лекин бундай машғум сигнални беришга ҳеч ким юрак қилолмасди. Ҳатто Колхаун ҳам бундай вазифадан бош тортди.

Ана шундай жиддий бир пайтда қари бия бирдан яна қутуриб қолди – унинг хўжайини Зеб Стумп эка-



нини ҳаммалари билар эдилар. От орқа оёқларини осмонга отиб ўт устида рақс қила бошлади ва жон ҳолатда кишнаб, майдонни бошига кўтарди. Яқинда турган бошқа отлар ҳам унга жўр бўлдилар ва унинг жон ҳолатда қилаётган рақсига тақлид қилдилар.

Одамларнинг кайфияти бирдан ўзгариб кетди. Уларнинг юзида хавотирлик аломатлари кўринди, кўрқиб қичқирган товушлар эшитилди.

Регуляторлар қуроллари ва отлари олдига ташландилар:

– Ҳиндулар!

Фақат команчилар бостириб келгандагина бунчалик шовқин-сурон кўтарилиши мумкин эди. Одамлар ўз отлари олдига боргунча ана шундай ҳаяжон давом этди. Отлар тинчланди, фақат Зебнинг биясигина жон аччиғида ирғишлар эди.

Одамлар ана шундан кейингина ваҳиманинг сабабини тушундилар. Галвейлик хизматкорнинг ғойиб бўлганини ҳам шу вақт сезиб қолдилар.

Фелим удабуронлик қилиб, буталар орасига яшириниб олди, бу эса унинг ҳаётини сақлаб қолди, бўлмаса хизматкорнинг ҳаёти ҳам хўжайинининг ҳаёти сингари жиддий хавф остида қолган бўларди.

Йигирматача одам милтиқларини қўлларига олиб, шовқин-суроннинг айбдорини нишонга олдилар. Лекин улар тепкиларни босишларидан олдин отга яқин турган аллаким унга каманд ташлади ва уни жим бўлишга мажбур этди.

Осойишталик тикланди. Одамлар диққати яна ҳукм этилган йигитга қаратилди. Регуляторлар ҳамон ғазабда эдилар. Шовқин-суронли ҳодиса уларни хурсанд қилолмадигина эмас, балки уларнинг баттар жонини чиқарди. Қатл қилишни талаб этган товушлар яна эшитилди.

Ўч олиш истаги билан ёнган одамлар оломони яна маҳкум этилган йигит атрофини ўраб олди.

Безорилар яна арқон учини тутдилар, атрофдагиларнинг миясида яна «Кўп ўтмай Морис Жералд ҳаёт билан видолашади», деган фикр туғилди.

Лекин яна танаффус юз берди.

Дарахтлар орқасидан қуёш нури тушиб турган майдончага соҳибжамол қиз югуриб чиқди.

Луиза осмондан тушган тошдек одамлар орасига тез кирди ва ўт устида индамай чўзилиб ётган, осишга ҳукм этилган йигит устига энгашди. Иккала қўли билан у арқонга ёпишди ва уни жаллодлар қўлидан тортиб олишга уринди.

– Техасликлар! Разиллар! – деб қичқирди қиз ғазаб билан. – Беорлар! Беорлар!

Ҳайрон қолган жаллодлар арқонни қўйиб юбордилар.

– Суд эмиш! Шу ҳам суд бўлди-ю! Айбланувчи ҳимоячисиз ҳукм қилинди, ўзини оқлаш учун бирон оғиз ҳам сўз айтиш имкониятига эга бўлмай ҳукм этилди. Шуми адолат? Техасликлар адолати! Уялинглар! Сизлар одам эмас, ҳайвонсизлар! Қотиллар!

– Бу нима қилганинг? – деб қичқирди Пойндекстер, олға отилар ва қизининг қўлидан ушлар экан. – Эсингни еб қўйибсан, Лу! Тамом эсдан оғибсан! Бу ерга қардан келиб қолдинг? Уйга кет деб айтган эдим-ку сенга? Ҳозироқ кет бу ердан, ўзингга дахли бўлмаган ишга аралашма!

– Ота, бунинг менга дахли бор!

– Сенга-я? Ҳа-я, тўғри, сен сингил бўласан. Бу одам – акангнинг қотили.

– Мен бунга ҳеч вақт ишонмайман. Ҳеч вақт! Ҳей, одамлар, агар ҳақиқатан ҳам одам бўлсангиз, ҳайвон ишини қилманглар! Адолатли суд қилиш керак, унда эса... Унда...

– Уни адолатли суд қилдик! – деб қичқирди оломон орасидан алаким.

– Унинг айбдорлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Акангизни у ўлдирган, бошқа ҳеч ким эмас. Шунинг учун бундай қилишингиз яхши эмас, шундай деяётганим учун кечирасиз – мустангерни ўз қилмишига яраша жазо беришимиздан қутқариш учун уринишингиз яхши эмас.

– Тўғри! – деб бир неча киши унга қўшилади.

– Айбига яраша жазосини тортиши керак! – деб қичқирди алақим одамлар орасидан.

– Жазосини тортиши керак, тортиши керак! – деб бир неча ўн киши унга қўшилди.

– Талабингизни қондиролмаганимиз учун афсус қиламиз, лекин сиз бу ердан кетишингиз керак... Мистер Пойндекстер, қизингизни бу ердан олиб кетсангиз яхши бўларди.

– Юр, Лу! Бу ер сен турадиган жой эмас. Кетишимиз керак... Бош тортяпсанми? Бу нимаси? Менга бўйсуннишдан бош тортяпсанми?.. Кассий, унинг қўлидан ушла ва бу ердан олиб кет... Луиза, агар ўз ихтиёринг билан бу ердан кетмасанг, куч ишлатишга мажбур бўламиз! Ақл-хушингни йиғиштириб ол. Айтганимни қил. Кет бу ердан!

– Йўқ, ота! Мен бу ердан то менга бир нарсани ваъда қилмагунингча, одамлар ваъда қилишмагунча кетмайман...

– Буни қанчалик истасангиз ҳам сизга ҳеч нарса ваъда қилолмаймиз, мисс. Бунинг устига бу аёллар иши эмас. Жиноят юз берди, одам ўлдирилди, буларнинг ҳаммасидан хабардорсиз ўзингиз. Судьяларни мажбур қилиб бўлмайди. Қотилга шафқат йўқ!

– Шафқат йўқ! – жони чиққан бир неча ўн кишининг овози эшитилди.

– Осилсин у! Осилсин!

Регуляторлар чиройли қизнинг шу ердалигидан бошқа хижолат тортмай қўйдилар. Кассий Колхаун назокатни бутунлай унутиб, Луизани майдондан нари торта бошлади. Қиз унинг қўлидан чиқишга уринар, кўзларидан дув ёш оқар ва овозининг борича ваҳшийларча ўч олишга қарши норозилик билдирарди.

– Ёвузлар! Қотиллар! – деб қичқирар эди Луиза. Лекин қиз энди одамлар орасидан нари олиб кетилган ва сақлаб қолиш учун жонини ҳам беришга тайёр бўлган одамига ёрдам беролмасди.

## ОЛТМИШ БЕШИНЧИ БОБ ЯНА БИТТА ИНТЕРМЕДИЯ

Чайла олдида учинчи марта тинчлик чўкди. Кўрқинчли драманинг иштирокчилари ва томошабинлари яна ўз жойларини эгалладилар.

Команд яна анжир дарахти шохига ташланди. Худди ўша жаллодлар арқоннинг учидан ушладилар. Бу сафар улар уни таранг қилиб тортмоқдалар.

«Кўп ўтмай Морис Жералд ҳаёт билан видолашади!»

Энди бечора Морис ўлимга жуда яқин турибди. Ҳатто муҳаббат ҳам уни сақлаб қолишга ожизлик қилди. Ишнинг машъум натижа билан тугагини яна қандай олдини олиш мумкин?

Унга ёрдам бериш имконияти ҳам, вақт ҳам йўқ эди. Регуляторларнинг қовоқ солиб қараб туришларида ҳеч қандай шафқат кўринмайди. Фақат сабрсизлик кўринарди. Жаллодлар ҳам янги бир тўсиқ чиқиб қолмасин деб шошилар эдилар. Улар тажрибали жаллодлар сингари арқонни чаққонлик билан ишлатдилар. Олтмиш секунд ҳам ўтмай ҳукм ижро этилиши турган гап.

– Қани, Билл, тайёرمىсан? – деб сўради жаллодлардан бири иккинчисидан, команда берилишини кутиб ўтиришга ортиқ сабри чидамай.

– Ҳаммаси тайёр, – деб жавоб берди Билл. – Тугат бу ярамасни! Торт!

Арқонни тортдилар, лекин ҳукм этилган йигитнинг танасини ердан кўтариб оладиган даражада кучли тортолмадилар. Сиртмоқ фақат унинг бошинигина ердан кўтарди.

– Дурустроқ тортсанг-чи, лаънати! – деб қичқирди Билл ўртоғининг бундай ношудлигидан ҳайрон қолиб. – Нега бунча анқаясан?

Билл ўрмонга орқасини ўгириб турар ва шунинг учун дарахтлар орқасидан чиқиб келган одамни кўрмас эди.

– Қани, торт! – деб қичқирди ишбоши. – Кел, бирга тортамиз! Торт! Тугат уни!

– Йўқ, у бундай қилмайди! – деган қаттиқ овоз эшитилди.

Шундан кейин елкасига милтиқ осган гавдали бир одам буталар орқасидан сакраб чиқди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас Зеб Стумп одамлар оломони орасига ёриб кирди.

– Йўқ, у бундай қилмайди! – деб такрорлади овчи ерда чўзилиб ётган одам устига энгашар ва узун милтигини жаллодлар тарафга ўқталар экан. – Қўйиб юборинглар, бўлмаса отаман! Ҳей, Билл Гриффин, агар арқонни яна жиндек бўлса ҳам тортсанг, қорнингдан ўқ ейсан, лекин уни сира ҳам ҳазм қилолмасанг керак! Қўйиб юборинглар арқонни, лаънатилар.

Ҳатто биянинг жон аччиғида қичқиргани ҳам одамларга Зеб Стумпнинг пайдо бўлиб қолганидек таъсир қилмаган эди.

Уни бу ерда турган одамларнинг деярли ҳаммаси танир эди. Уни ҳурмат қилишар, ҳатто кўплар қўрқишар ҳам эди. Билл Гриффин билан ўртоғи ҳам ундан қўрқадиганлардан эди. «Қўйиб юборинглар!» деган буйруқ бўлгандан кейин уларнинг қўлидан арқон тушиб кетди.

– Бу йигитлар қандай бир бемаънилик қияптилар? – деб давом этди овчи ҳайронликдан анграйиб қолган одамларга қараб. – Ахир беморни осмоқчи бўлмасанглар керак дейман.

– Йўқ, осмоқчимиз, – деб жавоб берди дағал бир товуш.

– Нима учун осмас эканмиз? – деб сўради бошқаси.

– Нима учун осмас эканмиз дейсанми? Техас фуқаросини судсиз осишга сизларга ким ҳуқуқ берди?

– О-ла, фуқарони қара-ю! Бунинг устига бу ерда суд бўлди, адолатли суд.

– Ростдан-а! Ҳушидан кетиб ётган одам ўлим жазосига ҳукм қилинибди! Уни нариги дунёга ўзи ҳеч нарса сезмаган бир вақтда жўнатмоқчи бўлишибди! Мана шуми сизнинг адолатли судингиз?

– Унинг айбдор эканини билганимиздан кейин бу билан нима ишимиз бор? Айбдор эканига ҳаммамиз ишонамиз.

– Ишонамиз дейсанми? Хўп. Сен билан Жим Стордас, бу тўғрида гаплашиб ҳам ўтирмайман. Лекин сен, Сем Менли, сизчи, мистер Пойндекстер, наҳотки сизлар ҳам бу ерда бўлаётган ваҳшийликка розилик билдирган бўлсангиз? Менимча, бу қотилликдан бошқа ҳеч нарса эмас-ку.

– Сен кўп нарсадан беҳабарсан, Зеб Стумп, – деди регуляторлар бошлиғи, ўзининг бу ишга аралашганини оқламоқчи бўлиб. – Бизнинг қўлимизда далиллар бор.

– Минг лаънат қўлингиздаги далилларга! Ҳеч нарса билан ишим йўқ! Ҳақиқий суд бўлганда буларни текшириб кўришга вақтимиз етади, бундай суд қилишга, албатта, ҳеч ким эътироз билдирмаса керак.

– Сиз жуда ҳам катта кетяпсиз, Зеб Стумп, – деб гапга аралашди Кассий Колхаун. – Ўлдирилган одам сизнинг ўғлингиз ҳам, укангиз ҳам эмас, бўлмаса, турган гапки, бошқачароқ гапирган бўлардингиз. Бу ишга нима учун аралашаётганингизга тушунолмаяпман.

– Дастлаб шунинг учун аралашяпманки, бу йигит чет элик бўлишига қарамай, менинг дўстим бўлади. Иккинчидан эса, шунинг учунки, Зеб Стумп Техас даштларида юз бераётган бўлишига қарамай, бундай номардликка йўл қўёлмайди.

– Номардлик эмиш! Сиз буни номардлик деб ўйлайсизми?.. Техасликлар, наҳотки шу эзма чолдан чўчи-санглар? Бу ишни тугатиш керак энди! Ўлдирилган Генри Пойндекстернинг қони интиқом олишга чақиради. Тортинглар арқонни!

– Қўл теккизиб кўр-чи! Арқонни ушлашга журъат қилган киши арқонга қўли тегмасданоқ ерга ағдарилади. Сиз бу бечорани Зеб Стумпнинг жонсиз танаси ва сизлардан ҳам бир неча кишининг танаси ёнма-ён чўзилиб қолмагунча осолмайсиз. Қани! Бир кўриб кўяй, арқонни ушлашга ким журъат қилар экан!

Ўртага тўла жимлик чўкди. Одамлар жойидан қимирламади, бунга қисман овчининг чақиригидан кўрқув, қисман унинг мардлиги ва олижаноблигига қойил қолганликлари сабаб бўлди. Зеб Стумп қулай

фурсат келганидан фойдаланиб, ўз гапини қаттиқ туриб ўтказа бошлади.

– Йигитни адолатли суд қилинлар, – деб талаб қилди у. – Келинлар, уни септаментга олиб борамиз, у ерда эса суд қилишсин. Қўлингизда йигитнинг бу ифлос ишда иштирок этганини исботлаб берувчи очик-ойдин далилларингиз йўқ, агар ўз кўзим билан бунга ишонч ҳосил қилиб ишонмасам минг лаънат бўлсин менга! Унинг ёш Пойндекстерга қандай муносабатда эканини билардим. У йигитчанинг душмани эмас, балки яқин дўсти эди.

– Сиз, мистер Стумп, биз ҳозиргина эшитган нарса-ни билмайсиз ҳали.

– Ҳўш, нимани эшитдинглар?

– Бизга бунинг аксинча эканини кўрсатиб берувчи далилни. Бизнинг қўлимизда Жералд билан ёш Пойндекстер ўртасида бўлган жанжал тўғрисида далиллар бор, бундан ташқари – бу жанжал худди ўша кечаси юз берган.

– Буни ким айтди, Сем Менли.

– Мен айтдим буни, – деди Колхаун, Зеб уни кўриши учун олдинга чиқар экан.

– О, бу сизмисиз, мистер Кассий Колхаун? Уларнинг иккаласи ҳам бир оз қизишганини билардингизми? Улар фикллашиб қолганда тепасида эдингизми?

– Мен бундай деганим йўқ, Зеб Стумп. Бундан ташқари, саволларингизга мутлақо жавоб бериш истагида эмасман... Менимча, жентльменлар, чиқарилган қарордан рози бўлсангизлар керак. Бу қари аҳмоқнинг ишларимизга нима учун аралашаётганига тушунолмаёпман.

– «Қари аҳмоқ» дедингизми! – қичқирди овчи. – Сиз мени қари аҳмоқ дедингизми ҳали? Қасам ичаманки, бу сўзингизни қайтариб олишга мажбур бўласиз ҳали, буни сизга кентуккилик Зеб Стумп айтяпти! Лекин ҳозирча бу тўғрида гаплашиб ўтирадиган вақт эмас. Ҳаммасининг ўз вақти бор. Сизнинг жавоб берадиган вақтингиз эса келади, мистер Кассий Колхаун, келган-

да ҳам сиз ўйлагандан кўра вақтлироқ келади... Генри Пойндекстер билан мана бу йигитнинг фикрлашиб қолганига келсак, – деб давом этди Зеб регуляторлар бошлиғига қараб, – мен бунга ишонмайман. Оддий валақлашдан кўра дурустроқ бир далил-исбот келтирилмагунча, бунга бари бир ҳеч вақт ишонмайман. Мен билган нарсаларга қараб, бундай хулосалар чиқариб бўлмайди. Бизда янги фактлар бор дедингизми? Бундай фактлар менда ҳам бор. Яна шундай фактларки, менимча, улар бу сирли ишни очиб беришга ёрдам берсалар керак.

– Қандай фактлар экан? – деб сўради Сем Менли, – қулогимиз сенда, Зеб Стумп.

– Менда улардан бир нечтаси бор. Ҳаммасидан ҳам, ўзингиз кўриб турибсизки, йигит ярадор. Мен тимдаланган жойлари тўғрисида гапираётганим йўқ, менимча, бу коётларнинг иши бўлса керак. Лекин унинг тиззасига бир қаранглар. Уни мутлақо коётларнинг иши деб бўлмайди. Бу тўғрида нима деб ўйлайсан, Сем Менли?

– Бу ерда улар ўртасида олишув бўлган пайтда шундай бўлган деган тахмин айтилди ва...

– У билан ким ўртасида? – деб кескин сўради Зеб.

– У билан йўқолган одам ўртасида.

– Ҳа, бизнинг фикримиз ана шундай, – деди аллаким оломон орасидан. – Биз ҳаммамиз Генри Пойндекстер ўзини бир бузоқдек ўлдириб кетишларига йўл қўймас эди деган фикрдамиз. Улар олишганлар, шунда мустангер йиқилиб туша туриб, тиззасини тошга уриб олган. Тиззасининг шишиб кетганини шундай изоҳлаш керак. Бундан ташқари, бошида яра бор. Буниси пистолетдан бўлган кўринади. Тимдаланган жойларига келсак, буни биз билмаймиз, уларнинг ўсимликлар тиканидан бўлганми ёки сиз айтгандай, коётлар тирноғидан пайдо бўлганми, билмаймиз. Бу ерда бир тентак алақандай бир ягуар тўғрисида эртак тўқибди, лекин биз бунга ишонмаймиз.

– Қандай тентакни айтяпсиз? Фелимни айтяпсиз, шекилли? Ўзи қани?



– Қочиб қолди, бошини олиб қочди. Мана бу ишни бир ёқлиқ қилгандан кейин уни қидириб кўрамиз. Уни ҳам сиртмоқ мазасини тотиб кўришга мажбур қиламиз, ана ўшанда у тилга киради.

– Агар ягуар тўғрисида бирор нарса билмоқчи бўлсангиз, бари бир ҳеч қандай янгилик эшитмайсиз. Ўша йиртқични мен ўзим кўрдим ва бу йигитни унинг чангалидан қутқариб қолиш учун зўрға етиб бордим. Лекин гап бунда эмас. У йигит яна нималар тўғрисида гапирди?

– Аллақандай ҳиндулар тўғрисидаги узундан-узоқ бир ҳикояни сўзлаб берди. Лекин бунга ҳеч ким ишонмайди!

– Нима бўпти, у менга ҳам худди шундай деган эди. Буларнинг ҳаммаси тўғрига ўхшайди. У ҳиндулар қарта ўйнашди, деган эди. Мана қаранглар, мен чайлада сочилиб ётган бутун бир тўп қарта топиб олдим. Бу испан картаси.

Зеб чўнтагидан бир тўп қарта чиқарди ва уларни регуляторлар бошлиғига узатди.

У қарталарни диққат билан кўздан кечира бошлади, кейин у, бу қарталар мексика қарталари экан, бундай қарталарда одатда монте ўйини ўйнайдилар, деб ўз фикрини айтди.

– Команчилар қарта ўйнаганини қаерда эшитгансиз? – деган овоз эшитилди одамлар орасидан. – Бу жуда кулгили гап-ку!

– Кулгили дейсизми? – деб сўради команчилар қабиласи қўлида ўн икки ойча асирликда ўтирган бир кекса овчи. – Бу кулгили бўлса ҳам, лекин тўғри гап. Мен ёввойиларнинг стол ўрнига бизон териси ёзиб, қарта ўйнаганларини жуда кўп кўрганман. Улар худди мана шу мексиканча ўйинни ўйнар эдилар, буни улар, афтидан, ўз қўлларида бўлган асирлардан ўрганиб олган бўлсалар керак. Нима бўлганда ҳам, – деб сўзини тугатди чол, – команчилар қарта ўйнайдилар, бу маълум нарса.

Зеб Стумп бундан хурсанд бўлди. Бу атрофда ҳиндуларнинг пайдо бўлиши регуляторларнинг ишга қарашларини ўзгартирди, шу пайтгача улар команчилар

сетламентнинг нариги тарафида қароқчилик қилиб юрибдилар, деб ўйлар эдилар.

– Тўғри, бу тўғри гап, – деб унинг гапини маъқуллади Зеб, одамларни суд қилиш ишини кечиктиришга кўндиришга ҳаракат қилиб. – Бу ерда ҳиндулар ёки жуда бўлмаганда, уларга жуда ўхшаган одамлар бўлган. Иосафат! У қаёқдан чошиб келяпти?

Шу пайт жар тепасида отини жуда тез чоптириб келаётган чавандоз қиз кўринди. Унинг сочлари тўзғиб кетган, шляпаси бошидан учиб кетганди. Оти шундай ҳам жуда тез чошиб келаётган бўлишига қарамай, чавандоз қиз уни тўхтовсиз хипчинлар, шпор урар ва қичқириб ҳайдар эди. Эсини йўқотиб от қўйиб келаётган бу чавандоз қизнинг ўзларига бундан ярим соат олдин чайлага борадиган йўлни кўрсатган қизни ҳамма таниди.

### ОЛМИШ ОЛТИНЧИ БОБ

## КОМАНЧИЛАР ҚУВГАН ҚИЗ

Исидора тўсатдан пайдо бўлди. Уни қайтишга нима мажбур қилди? Нима учун қиз бундай тез от чоптириб келяпти?

Буни изоҳлаб бериш учун биз техасликлар билан учрашгандан кейин қиз оғир фикрларни миясидан ўтказаяётган вақтга қайтишимиз керак.

Исидора отряд билан хайрлашгач, Леонага кетсаммикан ёки чайлага қайтиб, у ерда юз берадиган ҳодисаларнинг гувоҳи бўлсаммикан деб бир оз иккиланиб турди.

Қиз ўрмон чангаллари орасида, дарахтлар сояси тагида тўхтади, шунда у беихтиёр Аламо дарёси бўйида ўсган сарв дарахтининг кўриниб турган учига қаради. Унинг қалбини оғир шубҳалар келиб босди.

Отрядни чайлага йўллаб юбориб нима қилиб қўйди у? Ахир у ёмон кўрадиган аёл шарманда бўлиши билан, айна вақтда ўзи яхши кўрган йигит ҳам ҳалок бўлади-ку.

– Ё, Биби Марям! – деб шивирлади қиз. – Нима қилиб қўйдим?! Агар бу қутурган судьялар уни айбдор

деб топсалар, оқибат нима бўлади? Ўлим бўлади! О, мен буни истамайман! Фақат улар қўлидан эмас! Йўқ, йўқ! Уларга йўл кўрсатганимда, бирам очкўзлик билан олға ташланишдики! Улар дон Морисио ўлиши керак деб олдинданоқ қарор чиқариб қўйганлар. У бу ерда етти ёт бегона, бошқа мамлакатнинг фуқароси. Ёлғиз, дўстларсиз, фақат душманлар ичида қолган...

Қизнинг кўзларида сўзсиз ғам ифодаси кўринар, назари даштни олазараклик билан сузарди. Қизнинг оти бирдан секин кишнаб юборди ва бошини чангаллар тарафга бурди.

У тарафда битта-яримта бормикан?

Исидора ҳам ўтирилиб қаради ва ўзи ҳозиргина ўтиб келган сўқмоқни кўздан кечира бошлади. Бу Лео-нага борадиган йўл эди. Йўл сал нарироққача кўриниб турарди – ундан нарида, муюлишдан кейин, у чангаллар орасида кўринмай кетарди. У тарафда икки-учта озгин коётлардан бошқа ҳеч нарса кўринмасди.

Нима учун от сабрсизлик қиялпти, бир жойда ту-ролмааяпти, пишқириб, қаттиқ кишнаб юбораяпти?

Бунга жавобан йўлдан чопиб келаётган, лекин ҳали чангаллар орасида кўзга кўринмаётган бир неча отнинг кишнагани эшитилди. Фақат от дупури эшитиларди, холос.

Кейин яна ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. Отлар ё тўхтади ёки секин-аста овоз чиқармай қадам ташлаб келарди.

Исидора ўзининг кўк отини зўрға тинчлантирди ва бутун диққат-эътиборини йиғиб, қулоқ сола бошлади. Чангаллар орасидан одамларнинг шивирлашган товушлари эшитиларди.

Кейин яна жимлик чўқди. Чавандозлар, афтидан, тўхтаган эдилар.

Бу ҳол Исидорани ташвишга солмади.

«Афтидан, саёҳатчилар Рио-Грандега қайтишаётган бўлса керак, – деб ўйлади қиз, – эҳтимол, булар орқада қолган техасликлар отрядидан бўлган кишилардир. Бу орада ҳиндуларнинг бўлиши мумкин эмас, улар бошқа

тарафда ҳарбий йўлга чиққанлари маълум. Лекин бу чавандозлар ким бўлганда ҳам, ҳар ҳолда, эҳтиёт бўлиш керак».

Исидора шундай фикрлар билан бир четга чиқди ва акас дарахтлари панасига ўтиб тўхтади. Бу ерда у яна диққат билан атрофга қулоқ солди. Кўп ўтмай қиз номаълум кишилар унинг олдига сўқмоқдан эмас, балки чангаллар орасидан яқинлашиб келаётганларини сезиб қолди.

Уларнинг қандай нияти борлигини ким билади дейсиз? Исидорани ҳаяжон босди. Шу пайтгача у хотиржам эди, лекин энди чавандозларнинг хатти-ҳаракатлари унга жуда шубҳали туюлди. Агар булар оддий саёҳатчилар бўлганда, йўлдан ўтиб кетаверган бўлардилар, унинг олдига чангаллар орасидан яшириниб келмасдилар.

Қиз яшириниш учун қулайроқ жой ахтариб, атрофга назар ташлади. Акас дарахтларининг тангадек-тангадек барглари уни яхши яшира олмасди.

Исидора отига шпор урди-да, чангаллар орасидан чиқди ва водийдан Аламо тарафга қараб от чоптириб кетди.

Қиз уч юз ярд нарига бориб олмоқчи, бундай масофада унга на ўқ-ёй ва на ўқ етарди, ана ўшанда яқинлашиб келаётганларнинг кимлигини – дўстларми ёки душманларми эканини ажратиш олиш учун тўхтамоқчи бўлди.

Лекин қиз бундай қилишга мўяссар бўлмади. Номаълум чавандозлар уни қувиб кела бошладилар.

Қиз орқасига ўтирилиб қараб чавандозларнинг бронза рангли ярим яланғоч баданларини, юзларига суриб олган қизил бўёқларини ва сочларига қистирилган чўғдек патларни кўрди.

– Лос индиос<sup>53</sup> – деб шивирлади мексикалик қиз, кўрқиб кетиб ва отига қаттиқроқ шпор урди-да, уни сарв дарахти тарафга солди.

<sup>53</sup> Лос индиос – ҳиндулар.

Шу пайтгача Исидора даштларда кўчиб юрадиган қизил танлилар билан тўқнаш келишдан унча кўрқмасди. Улар анча йиллардан бери техасликлар билан ҳам, мексикаликлар билан ҳам тинч муносабатда эдилар. Улар фақат маст пайтлардагина хавфли эдилар. Уларни эса тез-тез маст қилиб қўйишарди. Исидора буни бир марта ўзи ҳам синаб кўрганди.

Лекин энди шароит ўзгарди.

Яраш вақти ўтди. Уруш ҳаракатлари бошланди. Ҳозир уни қувиб келаётган ҳиндулар ҳушёр ва унинг қонига ташна эдилар. Энди фақат мастлик билан қилинган ҳақоратлардан кўрқиш эмас, ҳаётини хавф остида қолдирган хавфдан кўрқиши керак.

Исидора овозининг борича қичқириб, хигчин, шпор билан ўзининг учқур отини тобора тезроқ ҳайдар эди.

Фақат қизнинг овози эшитиларди. Уни қувиб келаётганлар чурқ этишмасди.

Улар тўртта, қиз эса ёлғиз.

Бирдан-бир умид – техасликлар ҳимоясига кириб олиш.

Исидора сарв дарахти тарафга от чоптириб бораверди.

## ОЛТМИШ ЕТТИНЧИ БОБ

### ҲИНДУЛАР

Ҳиндулар қувиб келаётган чавандоз қиз сарв дарахти ўсган жардан энди уч юз ярд жойга келиб қолди.

Олдинда от чоптириб келаётган ҳинду эгари қошидан камандини кўлига олди ва боши тепасида айлантира бошлади.

Қиз водийга тушадиган жойга етиб келишидан олдин каманд сиртмоғи унинг бўйнига тушади. Унда эса...

Бирдан Исидоранинг миясига яхши бир фикр келиб қолди.

Аламо тепасида қад кўтариб турган қоя дарё бўйига олиб тушадиган йўлга қараганда қизга яқинроқ. Қиз қоянинг чайладан кўриниб туришини эслади.

Чавандоз қиз йўлини тез ўзгартирди ва сарв дарахти тарафга қараб бориш ўрнига жар тепасига бурилди.

Уни қувиб келаётганлар бундан фақат хурсанд. Улар бу ерни яхши биладилар ва қизнинг қутулиб бўлмас бир ҳолга тушганини тушунадилар. Қиз бу ерда улар йўлига тушади, бунга шубҳа йўқ.

Бошлиқ камандини яна қўлига олди. У муваффақият қозонишга ишончи комил бўлгани учун уни ташлашга шошилмади.

– Оббо қурғур-ей, – деб юборди у. – Яна бир оз шундай чопса, жаҳаннамга кетиши тайин-ку!

Лекин у янглишди. Исидора от чоптириб кетаверди, лекин жарга эмас. У отини яна бир марта бурди-да, жарнинг қоқ ёқасидан от чоптириб кетди, бу эса теҳасликларнинг диққатини тортди. Зеб ҳайрон қолиб «Иосафат!» деб қичқириб юборди.

Овчи жуда ҳаважонга тушган пайтларидагина шундай деб қичқирар эди.

Шу пайт унинг хитобига жавоб бўлгандек чавандоз қизнинг:

– Лос индиос! Лос индиос! – деб қичқиргани эшитилди.

Жанубий Техасда жуда бўлмаганда уч кунгина бўлса ҳам турган одам бу сўзнинг қандай тилда айтилганидан қатъи назар, унинг маъносига тушунолмаб қолиши мумкин эмас. Қўрқув ифодаси бўлган бу қичқириқ уч минг милга чўзилган чегарадош ерларда уч юз йилдан бери эшитилиб келади.

– Техасликлар, қутқаринглар! Қутқаринглар! Мени ҳиндулар қувиб келмоқда!

Қизнинг кетидан жар ёқалаб ҳиндулар бошлиғи от чоптириб келарди. Унинг каманди яна бош устида айлана бошлади. Бирдан ўқ узилди. Ҳинду зирқираб оғриб кетган қўлидан камандини тушириб юборди ва ҳайрон бўлиб атрофга қаради.

Пастда, водийда, қуролланган бир тўда одамлар устидан тутун кўтариларди.

Гўё маслаҳатлашиб олгандек, ҳиндуларнинг тўртгаласи ҳам отини шартга бурди-да, қандай тез от чоп-

тириб келган бўлсалар, худди шундай тезлик билан қочиб кетдилар.

– Эҳ, аттанг! – деди Зеб Стумп, яна милтиғини ўқлар экан, – агар қиз бўлмаганда мен уларни пастга тушишга мажбур қилган бўлардим. Улар асирга тушганда, биз улардан мана бу сирли ишга тааллуқди бирор нарса билиб олган бўлардик. Лекин энди уларга етиб бўлмайди.

Ҳиндуларнинг пайдо бўлиши мустангер чайласи олдидан тўпланиб турган оломон кайфиятини ўзгартирди.

Колхаун билан унинг безорилари энди ўз мавқеларини йўқотдилар. Регуляторлар бошлиғи суд қолдирилади деб эълон қилди.

Дарҳол ҳаракат қилишнинг янги режаси тузилди. Айбланувчи септаментга олиб борилиши керак, у ерда эса давлат қонунларига биноан суд тайинланади.

Бу таклиф ҳозир бўлганларнинг кўпчилиги томонидан қабул қилинди. Лекин ҳиндуларни нима қилиш керак? Таъқиб қилиш керакми? Бу ўз-ўзидан маълум. Лекин қачон? Ҳозир, дарҳол изидан бориш керакми? Эҳтиёткорлик бундай қилмасликка ундарди. Улардан фақат тўрттасини кўришди, лекин улар бир неча юз ҳиндунинг авангарди бўлиши мумкин.

– Яхшиси жар ёқалаб от чоптириб келган қизни кутиб туриш, ундан эса ҳиндулар тўғрисида бирор нарса билиб олиш керак, – деб техасликлардан бири маслаҳат берди.

Энди ҳаммалари Исидорани кутиб қолдилар.

Бу орада Зеб Стумп шўрлик асирнинг оғзига тиқилган ёғочни тортиб олди ва у чамбарчас боғлаб ташланган арқонни ечди. Буни узоқдан Луиза Пойндекстер ғоят диққат билан кузатиб турарди.

Лекин дон Силвио Мартинеснинг жияни қаерда қолди?

Шу вақтгача ундан дарак йўқ. Ҳатто отининг дупури ҳам эшитилмасди.

Исидоранинг йўқ бўлиб қолгани ҳайронлик, ташвиш, кўркүв уйғотди. Бу ердаги одамлар орасида

мексикалик қизнинг мухлислари ҳам кўп. Қизни асирга олган бўлсалар ҳам ажаб эмас.

Бу техасликларнинг иззат-нафсига тегди. Ахир қиз «Техасликлар, қутқаринглар!» деб ёрдам сўраб уларга муурожаат қилган эди.

Мана шундан сўнг мустангердан ўч олиш истаги бошқа тарафга бурилди, қизил танлилардан ўч олиш керак. Ёшроқ ва қизиққонроқ одамлар отга миндилар ва қизни қидирмоқчи, уни қутқармоқчи ёки ҳалок бўлмоқчи эканликларини очиқ-ойдин маълум қилдилар.

Йигитларни ҳеч ким йўлдан қайтармади. Улар Исидорани қутқаришга ва дашт қароқчиларини таъқиб қилишга жўнаб кетдилар.

Бу ерда озчилик қолди, Зеб Стумп шулар орасида эди.

Овчи ҳамон регуляторлар назорати остида бўлган беморни қўриқлаш билан банд. Лекин мустангер бошига бундай кулфат тушган бир пайтда унга содиқ қолган фақат Зеб эмас. Соҳибжамол креол қиз ўзининг диққат-эътиборини бошқалардан яширишга мажбур бўлса ҳам, мустангердан илгаригидек кўз узмас эди.

Мана Фелим ҳам келиб қолди. У ҳам ўз хўжайинига ёрдамга шошиларди. Шу пайтгача у дарахт устига чиқиб яшириниб олиб, ўша ердан чайла олдида бўлаётган ҳодисаларни назардан қочирмай ўтирди. Вазиятнинг ўзгариши билан у ерга бежавотирлик билан туша олди.

Морис Жералд устидан олиб борилган бошбошдоқлик суди шу билан тугади.

Бундан кейинги воқеалар Аламо дарёси соҳилларидан узоқда кечади.

Бир соатдан кейин кулба ҳувиллаб қолади, балки Морис мустангер ўзининг меҳмондўст бошпанасида бошқа ҳеч вақт яшамайди.



## ОЛТМИШ САККИЗИНЧИ БОБ

### МУВАФФАҚИЯТСИЗ САФАР

Команчиларга қарши уюштирилган сафар уч-тўрт кундан ортиққа чўзилмади. Ғарбий текисликларда яшайдиган ҳиндуларнинг жиддий жанг қилиш ни-ятлари йўқ эканлиги маълум бўлиб қолди. Уларнинг сетламентларга қилган ҳужумлари мардлик кўрсат-моқчи бўлган ёш-яланларнинг шўхлигидан бошқа нарса эмаслиги билинди.

Қизил танлиларни отлик ўқчиларининг кичик бир эскадрони Сан-Саба атрофида қувиб етди. Улар ўл-жаларни ташлаб кетишга мажбур бўлдилар ва фақат тумтарақай қочибгина жон сақлаб қолдилар.

Команчилар нейтрал зонага ўтиб кетганлари сабабли уларга қарши юборилган отряд иштирокчиларининг ўз қисмларига қайтишдан ва бош штабдан бериладиган буйруқни кутиб туришдан бошқа иложлари қолмади.

Жанговар мардликлар кўрсатиш иштиёқи билан ёнган техаслик йигитларнинг ҳафсаласи пир бўлди. Сафарда юрган вақтларида ҳиндулар шарқ тарафда ҳам, Леонанинг нариги тарафида ҳам пайдо бўлгани-ни билиб, янги экспедиция тузилар деган ниятда бир оз хурсанд бўлдилар. Лекин бу тарафда ҳам уларни муваффақиятсизлик кутарди.

Исидорани қутқариб олиш учун жўнаб кетган йи-гитлар отряди кўп ўтмай Аламо атрофида ҳиндулар-дан ҳеч қандай дарак топмай қайтиб келди. Бу ҳам оз. Мустангер чайласи яқинида қизил танлиларнинг пайдо бўлиши фирибгарликдан бошқа нарса эмас, деб тахмин ҳам бўларди. Улар мутлақо ҳиндулар эмас, бал-ки ҳиндулар ниқобига кириб олган оқ танлилар эди.

Ўз тахминларини исботлаб бериш учун отряд аъзолари ана шундай маскарад бўлганидан очиқ-ой-дин гувоҳлик бериб турган бир қанча нарса топиб келдилар. Булар от қилидан тўқилган париклар, кўк ва қизил бўёқларга бўялган хўроз патлари, буғу тери-сидан тикилган иштонлар, мокасинлар ва бир неча

қути бўёқ эди. Буларнинг ҳаммаси чириган терак ковагидан топилди.

Ҳиндуларга қарши юриш тўғрисида янги сафарни орзу қилмаса ҳам бўларди. Мардлик кўрсатмоқчи бўлган йигитлар ўпкаларини босишга ва тинч ҳаёт кечирishга мажбур бўлдилар.

Инж қалъаси бирон бир катта маданий марказдан узоқ бўлишига қарамай, ҳаёт бу ерда ҳам барқ уриб гулларди. Биринчидан, бу ерга яқиндагина сира тенги йўқ гўзал бир қиз кўчиб келди. Бундан ташқари, акасининг сирли йўқолиши ва уни ўлдирилган деб тахмин қилиниши эди. Ундан кейин яна ҳам сирли бўлгани бошсиз чавандознинг пайдо бўлишини ҳамда ҳиндулар қиёфасига кириб олган оқ танлилар найранги ва ниҳоят, салмоғи жиҳатидан кам бўлмаган янгилик – Генри Пойндекстернинг ўлдирилишида айбланаётган шахснинг қўлга тушгани ва унинг куйиб-ёниб алаҳлаган ҳолда гауптвахтада ётгани эди.

Қизиқ табиатли гўзал қиз Исидора Каворубио де Лос-Ланос номи одамлар оғзидан тушмай қолди. Ҳаммани бундай ваҳимага солган сирли воқеаларга қизнинг ҳам алоқадор экани тўғрисида миш-мишлар юрарди.

Аламода бўлган барча ҳодисалар, ўз чайласидан касал ҳолда топилган мустангер, оломоннинг уни осишга қарор қилгани, Луиза Пойндекстер аралашуви билан қарорни амалга оширишнинг орқага сурилгани, Зеб Стумпнинг мардлик билан қаттиқ туриб талаб қилгани сабабли ишнинг қайта кўрилиши лозимлиги, унинг қолдирилганлиги, буларнинг ҳаммаси одамларни ҳаяжонга солди, ҳар хил миш-мишлар, ғийбатларнинг сон-саногии йўқ эди.

Лекин энг қизғин тортишувлар мустангер Генри Пойндекстернинг ўлдирилишида айбдорми ёки айбдор эмасми деган масала устида бўлди.

– Қотиллик, – дерди фалсафа сўқишга мойил кайфийтда бўлган капитан Сломан, – Морис мустангернинг қўлидан келмайдиган жиноят, ўйлашимча, шундай деб айтар даражада йигитни яхши танисам керак.

– Вазиятнинг унга бутунлай қарши эканини инкор қилмассиз? – деди Кроссман. – Унинг айбдор эканига деярлик шубҳа йўқ.

– Кроссман ҳеч вақт ирландиялик йигитни ёқтирган эмасди. У қалъа комиссарининг жияни, гўзал қизнинг кунлардан бир кун мустангерга жуда ҳам мойиллик кўрсатганини сезиб қолган эди.

– Гапингизга қўшилолмаيمان, – деди Сломан.

– Лекин Генри Пойндекстернинг ўлдирилганига шубҳа йўқ-ку. Бу аниқ. Лекин бу ишни бошқа яна ким қилиши мумкин? Колхаун йигитча билан Жералд иккаласи фикллашиб қолганини ўз қулоғи билан эшитганига қасам ичяпти.

– Бу арзанда тоғавачча, ўзига фойдали иш бўлса, қасам ичиши мумкин, – деб гапга аралашади драгун Генкок. – Бундан ташқари, унинг мустангер билан уришгани гувоҳлигини шубҳа остида қолдиради. Шундай эмасми?

– Ёш Пойндекстер билан мустангер ўртасида жанжал чиққан деб фараз ҳам қилайлик, – деб давом этди пиёда аскарлар офицери. – Хўш, шу билан нима бўлибди? Бу қотиллик юз берган деган нарсани кўрсатмайди ҳали.

– Демак, сиз бу йигит Пойндекстерни ҳалол жангда ўлдирган деб ўйлар экансиз-да?

– Шундай бўлиши ҳам мумкин.

– Лекин улар нима боисдан жанжаллашиб қолишган экан? – деб сўради Генкок. – Пойндекстер мустангер Колхаун билан чап бўлиб қолганига қарамай, у билан дўстона муносабатда деб эшитган эдим, улар нима тўғрида тортишиб қолган бўлишлари мумкин?

– Қизиқ гапларни гапирасиз, лейтенант Генкок, – деб жавоб берди пиёда аскарлар офицери. – Эркаклар нима тўғрида жанжаллашишлари мумкин бўларди, бунга фақат...

– Аёллар сабаб бўлади демоқчисиз-да? – деб гапга аралашди драгун. – Лекин қандай аёл учун жанжал чиққанига ақлим етмай турибди. Ёш Пойндекстернинг синглиси учун эмасдир дейман!

– Ким билади дейсиз! – деб жавоб берди Сломан, маънодор қилиб елкасини қисар экан.

– Бўлмаган гап! – деб юборди Кроссман. – От овчиси мисс Пойндекстер тўғрисида хаёл суришини ақлга сиғдириб бўладими, ахир? Мутлақо бўлмаган гап!

– Сиз, Кроссман, ўтакетган аристократсиз. Муҳаббат деган нарса насл-насаб деган арзимас нарсалар билан ҳисоблашиб ўтирармиди, ахир? Мен ҳеч нарса дея олмайман бунга. Жанжал мутлақо мисс Пойндекстер тўғрисида чиқмаган бўлса ҳам ажаб эмас. Ахир сетлментда бизнинг қалъани бахтиёр қилган гўзаллардан бошқа ҳам уришса арзигудек қизлар йўқ дейсизми...

– Капитан Сломан! – деб суҳбатдошининг сўзини чўрт кесди ўқчи қисмлар лейтенанти. – Сиз ўзингиз сингари одамлар учун жуда ҳам ёпишиб тушмаган муҳокамалар қилаётганингизни айтиб қўйишим керак. Бу хушомадларингиз учун гарнизонимиздаги хонимлар сиздан жуда ҳам миннатдор бўлсалар керак.

– Қандай хушомадни айтяпсиз, сэр?

– Наҳотки улар орасида мана шу йигит билан гаплашишга рози бўладиган биронта ҳам хоним топилади деб ўйласангиз?

– Ким билан? Мен икки кишининг номини тилга олдим.

– Сиз менинг гапимга жуда ҳам яхши тушуниб турибсиз, Сломан, мен эса сизнинг гапингизга тушуниб турибман. Бизнинг хонимлар, албатта, уларнинг номи ўша ярамас авантюрист – от ўғриси ва одам ўлдиришда шубҳа қилинаётган бир кишининг номи билан ёнма-ён тилга олингандан жуда хурсанд бўлсалар керак.

Морис мустангерни одам ўлдиришда шубҳа қилиш қийин. Бундан ташқари, у от ўғриси ҳам эмас, авантюрист ҳам. Мен ирландиялик йигит билан сизлардан кўра кўпроқ учрашганман, ҳозир эса у маданий жиҳатдан бизнинг биронтамиздан ҳам қолишмайди деб айта оламан. Бизнинг хонимлар у билан танишишдан уялмай қўя қолсинлар. Бундан ташқари, гап келиб қолганидан кейин мен яна бир нарсани қў-

шиб қўймоқчиман. Улардан баъзилари, агар имконият туғилиб қолгудай бўлса, йигит билан яқинроқ танишиш имкониятидан мутлақо қочмаган бўлар эдилар. Морис мустангер бизнинг хонимлар ҳузурида ўзини чинакам жентльменлардек камтарин тутди, мен буни кўп кўрганман. Бундан ташқари, у бу хонимлардан биронтасига ҳам қизиқмайди, албатта.

– Ростдан-а? Мабодо у биронтасини кўз остига олмаган экан, унинг рақибни бўлиб чиқиши эҳтимол бўлган кишининг бахти кулган экан-а!

– Худди шундай, – деб жавоб берди хотиржамлик билан пиёда аскарлар капитани.

– Ким билсин... – деди маънодор қилиб Генкок. – Агар шундай аёл бор бўлса, ким учун жанжал чиққанини ким билсин! Анчагина миш-мишлар юраётган анави чиройли сеньоританинг бунга бир алоқаси бўлмасин яна? Ўша қиз тўғрисида эшитган гапларимга қараганда, йигитлар уни деб бир-бирини сўйиб ташлашга ҳам рози эмишлар... Уни гауптавахтага қамаб қўйдилар. Тентак хизматкори ҳам ёнида. Лекин шуниси қизиқки, майор қоровуларни икки ҳисса кўпайтириш тўғрисида буйруқ берди. Бу нимани билдиради, капитан Сломан? Сиз буни бошқалардан кўра дурустроқ тушунтириб берсангиз керак. Наҳотки у қамоқдан қочишга ҳаракат қилган бўлса?

– Бундай эмасдир, – деб жавоб берди пиёда аскарлар офицери, – айниқса мустангернинг ўзи қаерда эканини ҳатто билмаслигини ҳам назарга олганда, бундай бўлмаса керак. Мен ҳозиргина ўша ерда эдим. У шундай ақлдан озганки, ойнага қараб ўзини ҳам танймайди.

– Ақлдан озган дейсизми? Бу билан нима демоқчисиз? – деб сўради Генкок.

– Иситмада куйиб-ёниб ётибди.

– Қоровулар шунинг учун орттирилган денг! Жуда галати! Майорнинг ўзи ҳам бир оз ақлдан озган кўрилади. Эҳтимол... бу... майор хотинининг буйруғидир? Ҳа-ҳа-ҳа!

– Лекин бунинг маъноси нима? Наҳотки кекса майор мустангер қамоқдан қочиш кетади деб ўйласа?

– Йўқ, менимча, гап бунда бўлмаса керак. Афтидан, аксинча бўлишидан қўрқаётганга ўхшайдилар... Айтмоқчиманки, Морис мустангер учун озодликда юргандан кўра қамоқда ўтириш хавфсизроқ. Аллақандай одамлар пайдо бўлиб қолди ва яна Линч суди тўғрисида гап-сўз бошланди. Ё регуляторлар судни кейинга қолдирганларига ачинишяпти ёки бирдан-бир одам жамоатчилик фикрини ана шунга қараб гиж-гижламоқда. Кекса овчи унинг содиқ дўсти бўлиб чиққани мустангернинг бахти бўлди. Яхшики бизнинг отряд ҳам вақтида қайтиб келди ва қоровуларни кучайтириш имконияти туғилди. Яна бир кун ўтса Морис Жералд тирик қолмаган бўларди. Лекин энди ҳамма ишлар жойида, энди бечора йигитни адолатли суд қиладилар.

– Суд қачон?

– Ақл-хуши ўзига келиши биланоқ.

– Бу бир неча ҳафтага чўзилиши мумкин-у.

– Бунинг бир неча кунда, ҳаттоки бир неча соатда ёқ тугаши ҳам мумкин. Жисмоний жиҳатдан у жуда ҳам заиф эмасдек кўринади. Йигит бошидан оғир кечинмалар ўтказганга ўхшайди. Ўзгариш бир кун ичида юз бериши мумкин. Регуляторлар эса унинг эси жойига келиши биланоқ дарҳол суд қилишни талаб этаётган эмишлар.

– Эҳтимолки, у ўзини оқлаб олар? Шундай бўлишига умид қиламан, – деди Генкок.

– Бу жуда шубҳали гап, – деб қўйди Кроссман.

– Бунга ишончим комил, – деди Сломан. – Омон бўлсак кўрамир.

## ОЛТМИШ ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

### СИР ВА МОТАМ

Каса-дел-Корво гасиендасида ғам ва мотам. Вудли Пойндекстер оиласи аъзолари ўртасидаги муносабатлар аллақандай сирли. Улар уч киши қолди. Улар илгаригига қараганда камроқ учрашадилар, шунда ҳам бир-бирларига бўлган муносабатларида зўрма-зўраки-

лик сезилиб туради. Улар фақат дастурхон тепасидагина бир-бирларини кўрадилар. Энг зарур нарсалар тўғрисидагина сўзлашадилар.

Ғам-ғуссанинг сабабини тушуниш қийин эмас. Уларнинг кам сўзлиги ҳам маълум даражада тушунарли.

Йигитчанинг ўлганига энди ҳеч ким шубҳа қилмасди, ёлғиз ўғилнинг, ёлғиз аканинг тўсатдан ва сирли равишда ўлиши ота учун ҳам, сингил учун ҳам даҳшатли зарба бўлиб тушди. Ўлдирилган йигитчанинг тоғаваччаси Кассий Колхауннинг ҳам, бунчалик қовоқ-тумшуғи осилиб қолганига сабаб шу ўлим эмасмикан?

Уларнинг ҳар бири ғамдан индамас бўлиб қолган, бир-бирлари билан ҳар замонда, оилавий ғам тўғрисида гапиришга тўғри келгандагина сўзлашишарди.

Умумий ғамдан ташқари уларнинг ҳар бирида бировга айтиб бўлмайдиган бирон бир сири борга ўхшарди.

Плантатор энди кўчага чиқмай қўйди. У соатлаб хонадан хонага ўтиб ёки коридорда кезиб юрарди. Ғамнинг оғирлиги унинг мағрурлигини синдирди ва юрагини яралади. Лекин чолни ҳалок бўлган ўғлининг ғамигина қийнамасди. Ўзи ҳам билмаган ҳолда оғзидан баъзи-баъзида чиқиб кетадиган лаънат сўзлари унинг бошқа дарди борлигидан дарак берарди.

Колхаун доим алақаёқларга йўқолиб кетар ва фақат дастурхонга йиғилганларида ёки ухлаш учун тарқалаётганларида пайдо бўлиб қоларди.

Луиза кўпроқ вақтини ўз хонасида ўтказарди. Тўғри, уни баъзан азотейда ёлғиз ўзи, ўйчан бир ҳолда турганини кўриш мумкин эди. У ерда, зангори осмон гумбази остида, қиз ўз ғамини, ҳалок бўлган акасининг ғамини, яхши кўрган кишисидан ажраб қолиш ғамини, эҳтимолки, унинг номи билан боғлиқ бўлган жанжал ғамини ҳам тортиш енгилроқ туюларди.

Луиза Морис Жералднинг қамоқда ётганини биларди. У ҳарбий гауптвахтанинг қалин деворлари билан ўралган ҳолда ётарди.

Лекин қизиқ, деворларнинг қалинлиги қизни хавотирга солмасди, аксинча, қиз деворлар етарли даражада мустаҳкам эмас деб хавотир оларди.

Луизанинг бунга яраша ўз асослари бор. Линч суди тўғрисида гап-сўзлар юрарди. Бу сафар катта судья сифатида Сем Менли иш кўрмасди, суд маслаҳатчилари эса – регуляторлар эмас, балки улардан ҳам тош-юракроқ безорилар эди, бундай безорилар ҳар бир чегара қалъаси атрофида тўлиб ётибди. Бу гап-сўзлар ҳаммани ҳайрон қиларди. Қамоқда ётган маҳбусни қонуний суд қилиш ўрнига нима учун яна оломон ихтиёрига топшириш кераклигига сира тушуниб бўлмасди. Кейинги кунларда аниқланган далиллар аҳволни ўзгартирмади. Ҳар ҳолда унинг айбдор эканини кўрсатадиган ҳеч қандай янги далиллар йўқ эди.

Бўлмаса қамалган йигитга қарши бундай душманлик нима учун яна аланга олди? Бунда бир сир бор.

Бунинг сабабини фақат уч киши тушунар ёки шундай деб шубҳа қилар эди, булар Зеб Стумп, Луиза Пойндекстер ва Кассий Колхаун.

Бўлаётган воқеаларни зийраклик билан кузатиб юрган кекса овчи бу қоронғи ишнинг маъносини тушунди. Кассий Колхаун ёлланган одамлар орқали ҳаракат қилмоқда эди. Унинг ёвуз ниятларини бажараётганлар Мигуэл Диаз ва ўнтача маҳаллий каллакесарлардан ўзларига шерик орттирган унинг ўртоқлари эди.

Зеб Стумп креол қизга ўз шубҳаларини дарҳол етказди. Луиза бу шубҳаларнинг тамомила тўғри эканига ишонди. Қизнинг хавотирини оширган нарса ҳам ана шу.

Қиз янги хабарларга ташналик билан қулоқ соларди. У Каса-дел-Корво билан қалъани бир-бирига қўшадиган йўлга, гўё ўша тарафдан ё ўлим ҳукмини олиб келадиган ёки хавотга умид олиб келадиган чопарни кутаётгандек термулар эди. У қамоқ яқинига боришга юрак қилолмасди. Гауптвахта эшиги, у ерда қоровуллар туришига қарамай, доим ақддан озган йигитнинг алаҳлашига қулоқ солиб турган одамлар оломони билан тўла. Бекорчилар оломони орасидан ўтиш ва уларнинг ўзига тикилиб қараганини сезиш қизга жуда ҳам оғир ботган бўларди.



Агар ихтиёри ўзида бўлса, Луиза бари бир шундай қилган бўларди, лекин шубҳа тушиб қолган отаси уни кузатиб юрарди. Бундан ташқари, уни жамоатчилик фикридан отасидан ҳам кўра қаттиқроқ туриб ҳимоя қиладиган яна бир қариндоши бор эди. Қизнинг бундай қилиши сира ҳам мумкин эмасди. Унинг уйда ўтиришдан бошқа иложи қолмаганди.

Луиза тўртинчи кун Каса-дел-Корвога Зеб Стумп келиб, ҳиндуларга қарши юборилган экспедиция қалъага қайтиб келди, деганда ўзини жуда ҳам бахтиёр ҳис қилди! Энди мустангер душманларининг уни соқчилардан ўғирлаб кетишларидан қўрқмаса ҳам бўларди.

– Энди хавотир олмасангиз ҳам бўлади, – деди Зеб ишонч билан. – Энди бундай хавф қолмади, мисс Луиза, мен керакли чораларни кўриб қўйдим.

– Қандай қилиб, Зеб?

– Муҳими шуки, майор сафардан қайтиб келиши биланоқ у билан учрашдим. Мен унга нималар бўлганини, ўзим билганларимнинг ҳаммасини гапириб бердим. Бахтимиздан бўлиб, у ирландиялик йигитга ҳали ҳам ўзининг яхши муносабатини ўзгартирмаган экан. Кейин мен унга америкаликлардан, мексикаликлардан ва бошқалардан иборат анави ифлослар бандаси тўғрисида сўзлаб бердим. Уларнинг энг хавфлиси бўлган ярамас Диаз тўғрисида гапириб қўйишни ҳам унутмадим. Натижада майор қоровуларни икки ҳисса кўпайтириш тўғрисида буйруқ берди.

– Жуда хурсандман. Сизнингча, бу тарафдан энди хавфланмаса ҳам бўладими?

– Сиз, афтидан, мистер Мигуэл Диаз шайкасини назарда тутяпсиз, шекилли? Энди улардан қўрқмаса ҳам бўлади, гапимга ишонаверинг. Диазнинг ўзи қамоқдан чиқиб кўрсин-чи!

– Нима? Диаз қамоқдами? Қандай қилиб? Қачон? Қаерда?

– Сиз менга жуда кўп саволлар бериб юбордингиз, мисс Луиза. Хайр, нима ҳам дердим! Ўнғайроқ бўлсин учун охиргисидан бошлаймиз. Демак, сиз қаерда деб

сўрадингиз. Бу атрофда фақат битта қамоқ бор, бошқаси йўқ. Мен қалъа гауптвахтасини айтяпман. У ўша ерда.

– У билан биргами...

– Сиз ирландиялик йигитчани айтмоқчи бўлдингиз, тушундим. Ҳа, улар бир бинода, лекин бир камерада эмас. Улар орасида тўсиқ бор. Тўсиқдан ҳамма нарса эшитилиб туради, агар улар хоҳлаб қолгудек бўлсалар, ўзаро гаплашсалар ҳам бўлади. Ўша ерда мексикалик йигит билан қўшни бўлиб, унинг дўстлари ҳам қамоқда ўтиришибди. Улар учаласига келсак, ўзаро гаплашиб ўтирадиган гап топсалар керак дейман.

– Бу яхши янгилик, Зеб. Сиз кеча менга айтган эдингиз, Диаз...

– ... Ўзи ҳам қамалиш учун ҳаракат қилаётган эди. Ниятига етди. Яхшики кутузкага ўзи тушди, бўлмаса бари бир уни бирон бир киши қамаб қўйган бўларди.

– Лекин айтинг-чи, қандай қилиб, қачон? Мен мутлақо хабарсизман-ку бундан.

– Бунча шошилмасангиз! Бирпас нафасимни ростлаб олай. Иккинчи саволингиз, қачон деган савол эди. Бунга жавоб бериш қийин эмас. Бундан тахминан бир соатча бурун уни қамоққа қамаганларини кўрдим. Шундан сўнг бу тарафга жўнадим.

– Лекин сиз ҳали уларни нима учун қамалишганини айтмадингиз.

– Бунга ҳали имконим бўлмади. Бу жуда узоқ гап ва кўп вақтни олади. Уни ҳозир эшитмоқчимисиз ёки кейин...

– Нимадан кейин, мистер Стумп?

– Нима десам экан... мисс Луиза, ўйловдимки... Олдин қари биямни отхонага элтиб қўйсам дегандим. Афтидан, унинг бир оз жўхори ё шунга ўхшаш бирор нарса кавшагиси ва томоғини сув билан ҳўллаб олгиси борга ўхшайди. Биз у билан жуда узоқ йўл босдик.

– Кечиринг мени, қимматли мистер Стумп! Бу тўғрида ўйлаб кўрмабман... Плуто, мистер Стумпнинг отини отхонага олиб бор ва яхшилаб боқ... Флоринда!

Флоринда!.. Сизни нима билан меҳмон қилсам бўларкин, мистер Стумп?

– Мен тўғримда ташвиш тортманг, мисс Луиза, қўп раҳмат. Мен фақат бияни айтган эдим. Мен эса яна икки соат овқат емасдан тура оламан. Лекин уйингизда мононгахел вискисига ўхшаш бирор нарса бўлса, кайфимни чоғ қилиш учун жуда ҳам боп нарса бўлар эди-да.

– Мононгахел вискисидан истаганингизча топилади. Лекин дурустроқ бирон нарса билан меҳмон қилишга рухсат этсангиз.

– Мононгахел вискисидан дурустроқ нарса дейсизми?

– Ҳа. Шерри-бренди, шампан виноси – қайси бири маъкул?

– Йўқ менга бу француз ичкиликлари тўғри келмайди. Питтсбург заводларида тайёрланган тоза жўхори шарбатидан ҳам яхшироқ нарса бўлиши мумкинми!

– Флоринда! Флоринда!

Хизматкор қизга уни нимага чақирганларини айтиб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Зеб Стумпнинг шу ерда экани қиздан нима истаётганларини жуда яхши кўрсатиб турарди.

Буйруқ беришларини кутиб ўтирмай қиз чиқиб кетди ва бир неча дақиқадан кейин ярим графин бир нарса кўтариб келди, қекса овчи «тоза жўхори шарбати» деб атаган нарса шу эди, лекин у арпадан ишланган маҳсулот эди.

Зеб ноз қилиб ўтирмади. Кўп ўтмай графиндаги суюқлик учдан бирига камайди. Қолган учдан икки қисмини у ҳозир бошламоқчи бўлиб турган узундан-узоқ ҳикояси вақтида томоғини хўллаб туриш учун қолдирди.

## ЕТМИШИНЧИ БОБ

### ЗЕБГА ОҚ ЙЎЛ

Кекса овчи ўлда-жўлда иш қилишни ёмон кўрарди. У ҳатто ичкилик ичишга ҳам сира шошилмасди, вискисини секин-секин қултумлаб ичарди.

Креол қиз сабр-тоқати чидамай, овчининг ўзи гап бошлашини кутиб туролмади.

– Гапиринг энди, қимматли Зеб, – деди у хизматкор қизни жўнатиб юборгандан кейин, – нима учун анави мексикаликни қамоққа олишди? Мигуэл Диаз-ни айтяпман... Менимча, у тўғрида баъзи нарсаларни мен ҳам биламан.

– Фақат сиз эмас, мисс Луиза, у ярамаснинг ишларини жуда кўп одамлар билади. Акангиз... Лекин бу тўғрида ҳозирча гаплашмай турайлик. Бу ишга... Мигуэл Диазнинг ҳам бирон бир алоқаси борлигини фақат Зеб Стумп билади ёки бунга шубҳаси катта. Нима тўғрида гапираётганимни тушуняпсизми?

– Давом этинг, мистер Стумп.

– Гап мана бундай. Биз Аламодан қайтиб келганимиздан кейин кўп ўтмай ҳиндуларнинг изидан кетган йигитлар ҳам келишди. Сиз буни эшитгансиз, албатта. Дарахт қавагидан топилган маскарад буюмлари биз жар тепасида кўрган одамларнинг оқ танлилар эканини очиқ-ойдин кўрсатади. Чайлада қарта топганимда ўзим ҳам шу тўғрида ўйлаган эдим.

– Демак, улар кечаси чайлага кириб олган, ўша Фелим айтган одамлар эканда?

– Шубҳасиз. Булар худди ўша мексикаликлар.

– Уларни мексикаликлар деб тахмин қилишга қандай асосларингиз бор?

– Жуда катта асосларим бор. Бунга ўзим ишондим. Ўша шайкадаги одамларнинг ҳар биттаси қаерга яширинганини ўзим бориб топдим.

Креол қиз бошқа савол бериб ўтирмади. У қулоғини динг қилиб ҳикоянинг давомини эшитиш учун жим турарди.

– Гап бундай, мисс Луиза, топилган қарталар, галвейлик хизматкор такрорлаган баъзи сўзлардан чайлага келган кишилар мексикаликлар, деган фикрга келдим. Бунга ишонч ҳосил қилганимдан кейин тахминий равишда уларнинг қаердан келганларини ҳам топиб олишим қийин бўлмади. Баъзи аломатларни

билиб олганимдан кейин ўша тўрт кишининг ҳар бирини ким эканини таниб олиш даражасида маҳаллий мексикаликларни биламан. Бундан ташқари, улардан бирига ўз тамғамни босиб қўйганман.

– Ўз тамғамни дейсизми?

– Ўқ узганим эсингиздами? Мен унга қараб кулба эшиги олдидан ўқ узган эдим.

– Мен тепкини босганингизни кўрган эдим-у, лекин кимга қараб ўқ отганингизни билмаган эдим.

– Ана шундай, мисс Луиза, кекса Стумп битта-яримтанинг қонини тўкмайдиган қилиб камдан-кам тепки босади. Мен ўша ярамасга ўқимнинг текканини биламан. Узоқдан отишга тўғри келди, шунинг учун ўқ бир оз қиялаб кетди, лекин ўқ унга текканига ишонман. Оғриқдан башараси тиришиб кетганини ўзим кўрдим ва «Агар ўша одамнинг терисида тешик очилмаган бўлса, унинг териси билан ўзимнинг теримни алиштириб олишга розиман», деб ўйладим. Шундан кейин йигитларимиз қайтиб келишди ва бизга қизил танлилар тўғрисида эмас, оқ танли одамлар тўғрисида сўзлаб беришди. Мен бу ҳиндуларнинг ким эканини жуда яхши билардим, уларни эса биттадан ушлаб олсам ҳам бўларди, лекин бундай қилмадим.

– Нима учун ахир, мистер Стумп? Ахир, менинг бечора акамни ўлдирган одамлар ҳам худди ўшалар бўлиши эҳтимол-ку!..

– Худди ана шунинг учун ҳам мен уларга ҳозирча тегмадим. Бундан бошқа сабаб ҳам бор эди. Мен қалъадан узоққа кетиб қолишни истамасдим, мен йўғимда бирор фалокат бўлиб қолишидан кўрқдим, тушуняпсизми? Булардан ташқари, ишни охирига етказиш вақти ҳали келгани йўқ деб ўйладим. Мен буни беҳато амалга оширмакчи бўлдим. Шундай қилиб, мен ўқчиларнинг қайтиб келишини кутиб турдим, улар келгандан кейин эса мистер Морисни ишончли соқчилар назорати остида хотиржамлик билан қолдира олардим. Фақат ана шундан кейингина ўзимнинг қари биямни эгарладим, биз бия иккалаамиз шоввозлар ўз маскарад ниқоблари-

ни яшириб қўйган жойга жўнадик. Мен у жойни йигитларимизнинг тасвирига берганига қараб осонгина топдим. Уларнинг лозим бўлган нарсалардан ярмисини ҳам билиб келолмаганлари ажабланарли эмас, ахир уларни оғзидан она сути кетмаган Спенглер бошлаб борган эди-да. Шунинг учун қолган нарсаларни ўзини билиб келишга мажбур бўлдим. Мен ўз ҳисобимда хато қилмадим. Қачон бўлмасин даштга чиққан ҳар қандай аҳмоқ ҳам ўша сохта команчиларнинг орқага қайтган изини топа олган бўларди. Ҳар қандай бефаҳм одам ҳам даштда улар изидан бора олган бўларди. Лекин на мистер Спенглер, на бошқалар бундай қила олмабди. Жўрттага «тажрибали» изқуварларнинг отлари босиб ташлаган изларни текшириб кўрдим.

– Ундан кейинчи?

– Ундан кейин майор билан гаплашдим. Ярим соатдан кейин тўрттала азамат қамоққа қамалди. Бошлигини энг олдин қолга олишди, бўлмаса қочиб қолиши мумкин эди. Мигуэл Диазга ўз тамғамни босганим тўғрисида хато қилмаган эканман.

– Демак, ўша экан-да? – деб юборди Луиза. – Жуда қизиқ... Мен уни анави тепа устидаги чангаллар орасида бир майдончада кўрган эдим. Мексикалик қизчи, Исидора-чи? Аҳ! Бунда қандайдир бир сир бор! Айтинг-чи, қимматли Зеб, – деб сўради Луиза овчига яқинроқ келиб, – ўша мексикалик қиз... Мен анави... Қизни айтяпман... У унинг олдига тез-тез бориб турармиди?

– Кимнинг олдига? Ким тўғрисида сўраяпсиз, мисс Луиза?

– Наҳотки тушунмаётган бўлсангиз, Зеб? Мистер Жералдни айтяпман-да.

– Эҳтимол, тез-тез бориб тургандир, эҳтимол, бундай эмасдир. Ундай эканлиги ҳам, бундай эканлиги ҳам менга номаълум. Ахир ўзим ҳам у тарафга жуда камдан-кам борардим. Мен одатда у тарафларда ов қилмайман. Фақат ҳар замонда бир ҳадеб бир жойга боравермаслик учунгина ўша тарафларга борардим.

Агар менинг фикримни сўраётган бўлсангиз, у қиз у ерга илгари сира ҳам бормаган бўлса керак. Мен бу тўғрида ҳеч нарса эшитмаган эдим. Фелим эса оғзидан илинган бўларди. Мен фақат чайлага меҳмон бўлиб келган биттагина аёл тўғрисидаги гапни эшитганман.

Креол қиз:

– Ким экан у? – деб юборди, лекин бунга дарҳол ўзи пушаймон бўлди. Қиз Зебнинг ўзига маънодор қилиб қараб турганини кўриб қизариб кетди.

– Лекин бу муҳим эмас, – деб давом этди қиз жавоб бўлишини кутмай. – Шундай қилиб, Зеб, ўйлашингизча, ўша одамлар, ўша мексикаликларнинг, акамнинг ўлдирилишида қўли борми?

– Тўғрисини билмоқчи бўлсангиз, нима деб ўйлашни ўзим ҳам билмайман. Даштларда бундай сирли воқеа ҳали сира бўлмаган эди. Баъзи-баъзида бу мексикаликларнинг қилган иши деб ўйлаб қоламан. Кимнинг қилган иши эканини ҳозирча сизга айтиб ўтирмайман.

– Лекин унинг иши эмасдир, Зеб, унинг иши эмасдир, ахир?

– Йўқ, мустангернинг иши эмас. Жуда кўп нарсалар унга қарши гапирса ҳам, унинг айбдор эмаслигига мен бир дақиқа ҳам шубҳа қилмайман.

– Лекин буни қандай қилиб исботлаш мумкин? Айтишларича, барча далил-исботлар унга қарши эмиш. Шунинг учун ҳеч ким уни ҳимоя қилиш йўлида бир оғиз ҳам сўз айтишни истамаяпти.

– Жуда ҳам бунчалик эмас. Бу ишни дурустроқ текшириб кўришга ҳали қўлим теккани йўқ, вақт етмади. Лекин энди бунга имконим бор, бундан эса мен дарҳол фойдаланаман. Дашт жуда катта бир китоб бўлади, мисс Пойндекстер, у жуда катта, қизиқ китоб, лекин уни ўқий билиш керак. Гарчи Зеб Стумп бошқа жиҳатлардан жуда ҳам катта олим бўлмаса-да, дашт китобини ўқиш ҳунарини яхши эгаллаган. Биз, эҳтимол, Мориснинг фойдасига бирор гувоҳлик топсак ҳам ажаб эмас. Менинг кекса ўқитувчим баъзи вақтларда тошлар ҳам гапиради деб таълим берарди.



– Сиз жинойт изларини топа оламан деб ўйлайсизми?

Даштга бир бориш ва ҳаммасини яхшилаб текшириб кўриш керак. Мени айниқса ирландиялик йигитга ягуар ҳамла қилган ер қизиқтиради. У ерга олдинроқ бориш керак эди, лекин бунга имконият тополмадим. Бахтимиздан бўлиб, бу вақт ичида ёмғир ёғмади, шунинг учун бир ҳафталик изларни ҳам қийналмасдан маъносини чақиш мумкин. Турган гапки, малакасиз буни ўқиб бўлмайди... Энди эса йўлга чиқишим керак, мисс Луиза. Мен бу ерга қалъада бўлаётган ишларни сизга сўзлаб бериш учун бир неча дақиқагагина келган эдим. Вақтни қўлдан бериб бўлмайди. Мени бугун эрталаб маҳбус олдига қўйдилар. Аҳволи анча дуруст, эси жойига келиб қолган. Регуляторлар судни тезроқ қилишни талаб қилмоқдалар. Эҳтимол, уч кун ичида суд ҳам бўлиб қолар. Мен суд бошланишидан олдин қайтиб келишим зарур.

– Боринг, Зеб. Олижаноб ишингизда муваффақият қозонишингизни чин қалбимдан истайман. Унинг айбсиз эканини исбот қилувчи далиллар билан қайтинг! Бу эса мен учун ўз ҳаётимдан ҳам қимматлироқ, қилган яхшиликларингизни ҳеч вақт, ҳеч вақт унутмайман.

## ЕТМИШ БИРИНЧИ БОБ

### ТҲРИҚ ОТ

Қизнинг бундай қизгинлик билан унга оқ йўл тиланидан илҳомланган овчи оти боғлиқ турган отхонага шошилди.

Бия жўхори чайнар эди, Плуту сахийлик қилиб уни яхшилаб боққан эди.

Плутонинг ўзи ҳам шу ерда, отнинг ёнида турарди. Отбоқар ҳабаш ўзининг сергап эканига қарамай, бу сафар лом деб оғиз очмади. Афтидан, у алланарсадан хафа эди.

Унинг кайфиятини тушуниш қийин эмасди. Жуда яхши кўрган ёш хўжайинидан ажрагани, ундан ҳам яхшироқ кўрадиган ёш бекасининг ғам ичида қолга-



ни, бунинг устига капитан Кассий Колхауннинг этик билан тепгани – буларнинг ҳаммаси шўрлик ҳабашни хафа қилган эди.

Зеб ўз фикрларига шундай берилиб кетган эдики, қулнинг қовоқ-димоғи осилганини сезмай қолди. Шошганидан ҳатто ўз биясининг ҳам жўхори билан дурустроқ қорин тўйғазиб олишига қўймади. Зеб отининг тумшуғидан ушлаб, тишлари орасига сўлиқни тикди, жиловнинг қайишини бўйнидан оширди, уни тез буриб отхонадан олиб чиқиб кетишга ҳозирланди. Бия хўжайинига истамайгина бўйсунди. Уни мазали овқатдан куч билан ажратиб олишга тўғри келди.

– Вой-вой, мистер Стумп, – деб гапга аралашди Плуто, – нима учун бунча шошиласиз? Бечора бия ҳали оч. Қўйинг, қорнини тўйғазиб олсин.

– Вақтим зикроқ, дўстим, узоқ сафарга кетяпман. Мен юз милча йўл босишим керак, вақтим эса икки соатдан ҳам камроқ қолди.

– Нималар деяпсиз, мистер Стумп! Бундай тез йўл юрган одамни ҳали сира эшитмаганман. Ҳазиллашяпсиз, шекилли?

– Йўқ, жиддий гапиряпман.

– Жуда қизиқ, бу даштларда шунчалик тез юришадими. Мана бу от ҳам бир кечада икки юз мил масофани чопиб ўтган кўринади.

– Қандай от?

– Ҳув анави, эшик олдида турган тўриқ от. У мистер Колхауннинг оти.

– Нима учун уни икки юз мил йўл юрган деб ўйлайсан?

– Чунки у жуда кўпириб кетган эди. Уни дарёга суфоргани олиб борганимда, янги туғилган бузоқдек қоқилиб-қоқилиб кетди. Вой-бўй, унинг қандай қийналиб кетганини бир кўрганингизда эди!

– Бу иш қачон бўлди, Плуто?

– Қачон дейсизми? Ўйлаб олай... Ҳа, албатта, бу мастер Генри йўқолиб қолган ўша тунда эди, эрта билан азонда, қуёш осмонда кўрингандан бир соат кейин.

Мен бунгача тўриқни кўрмадим, чунки ишга фақат тонг отар пайтда чиқдим. Ана ўшанда, отхонага келиб, мана бу жониворни гўё катта дарёдан кечиб ўтгандек ҳўл эканини кўрдим, бундан ташқари, у жуда кўпириб кетганди...

– Ўша кечаси уни ким минган эди?

– Билмадим, мистер Стумп. Лекин уни мистер Колхаундан бошқа ҳеч ким минмайди. Ҳеч ким ҳатто унга яқин келишга ҳам журъат этмайди.

– Демак, унинг ўзи минган экан-да?

– Билмайман, мистер Стумп, ҳеч нарса билмайман. Капитан уни олиб чиқиб кетганини кўрганим йўқ, унинг отхонага қандай қилиб қайтиб келганини ҳам кўрганим йўқ.

– Агар унинг кўпириб кетгани тўғрисидаги гапинг тўғри бўлса, уни кимдир миниб келгани аниқ. Ҳа, ҳа, кимдир минган. Менга қара, Плуту. Гапинг тўғрига ўхшайди, ўша куни кечаси тўриқ отни ким минганини ростдан ҳам билмайдиган кўринасан. Лекин нима деб ўйлайсан, уни ким минган бўлиши мумкин? Мен буни фақат шунинг учун сўраяпманки, мистер Пойндекстер менинг дўстим, буни ўзинг ҳам яхши биласан, табиийки, унинг мол-мулкига ёмон муносабатда бўлганларини кўрсам, хавотир бўламан. Бу капитан Колхауннинг мол-мулкига ҳам тегишли гап. Эҳтимол, плантациядаги ҳабашлардан биронтаси бечора отни секингина олиб кетган ва даштни гир айланиб, уни чоптириб юрган. Сен нима дейсан шунга?

– Йўқ, мистер Стумп, ҳабаш бундай бўлган деб ўйламайди. Плантацияда ишлайдиган қул ҳабашларни бу ерга киритишга рухсат этилмаган. Бу ерга келишга уларнинг ҳадлари сиғмайди. Плантацияда ишлайдиган ҳабаш тўриқни олиб кетиши мумкин эмас.

– Минг лаънат, бўлмаса отни ким олиб кетиши мумкин? Эҳтимол, назоратчидир? Бунга нима дейсан?

– Йўқ, у эмас.

– Агар хўжайиннинг ўзи минмаган бўлса, яна ким бўлиши мумкин? Агар хўжайиннинг ўзи миниб келган

бўлса, унда ҳамма иш жойида. У ўз отида истаган томонга, ҳатто дўзахнинг ўзигача бориб келишга ҳақли. Бу билан менинг ишим йўқ.

– Менинг ҳам ишим эмас, мистер Стумп. Эссизгина, шу гап бугун эрталаб эсимга келмабди-я!

– Нима учун бунга ачиняпсан? Бугун эрталаб нима бўлди ва нима учун ўзинг бундай хафасан?

– О, бугун эрталаб бўлган ишни асти қўясиз! Катта бахтсизлик бўлди! Жуда катта бахтсизлик!

– Қани, нима бўлди?

– Аҳ, мистер Стумп, бугун роса калтаклашди. Бу чошгоҳдан бир соатча кейин бўлди.

– Калтаклашди дейсанми?

– Ҳа, оғриққа чидаёлмай отхонада роса зир югурдим.

– Э, тушундим, от тепиб олди демоқчисан, шекилли. Қайси от сени шунчалик хафа қилди?

– О, йўқ, янглишдингиз. Мени от тепгани йўқ, хўжайин калтаклади. Мени мистер Колхаун тепди. Ҳабаш ҳеч қандай ёмонлик қилгани йўқ. Мен фақат капитандан ўша куни кечаси нима бўлди, нима учун от жуда чарчаб келди деб сўрадим, холос. У менга бу сенинг ишинг эмас, деб жавоб берди ва этиги билан чунонам тепа бошладики, асти қўясиз, кейин эса шпори билан савалади. Кейин менга, агар шу тўғрида яна оғиз очсанг, юз шпор ейсан, деб дағдаға қилди. Роса сўкди. Уҳ, шундай сўкдики, қўяверасиз! Плутто шу вақтгача мистер Колхауннинг бундай жаҳли чиққанини сира кўрмаган эди, умрида кўрмаган эди.

– Ҳозир қаерда у? Уни бугун ҳеч қаерда кўрмадим. Тўриқ от шу ерда турганига қараганда, ўйлашимча, ҳеч қаерга жўнаб кетмаган бўлса керак.

– Йўқ, мистер Стумп, у ҳозир бу ерда эмас. Жўнаб кетган. Кейинги кунларда у доим аллақасқа жўнаб қолади ва узоқ вақт йўқ бўлиб кетади.

– От минибми?

– Ҳа. Энди у кўк отни миниб юрибди. Тўриқ отни бошқа минмаяпти. Мен сизга ҳозиргина айтган ўша кунги сафардан кейин у тўриқни фақат бир марта минди. Эҳтимол, у тўриқнинг дам олишини истар.

– Менга қара, Плуто, – деди Зеб, бир оз фикрга толгандан кейин, – қари биям яна жўхори эб олса, ростдан ҳам дуруст бўладиганга ўхшайди. У ҳали жуда кўп йўл босиши керак, бунга тоб беролмай қолиши мумкин. Шунинг учун овқат еб олсин, майли. От овқат ейиш билан банд бўлган вақтда мен ҳам худди шундай қилишим мумкин. Бир ошхонага бориб, егулик бирор нарса топиб келсанг дейман. Бир бўлак яхна гўшт билан бир оз зоғора нон бўлса, шунинг ўзи кифоя қилади. Беканг менга овқатланиб олишни таклиф қилган эди, лекин мен кеч қоламан деб бунга кўнмагандим. Энди эса гапимдан қайтдим, отимга ачиндим. Кутиб туришга тўғри келади. Овқат еб ўтирсам, ўзим ҳам зерикмайман.

– Ҳозир мистер Стумп, бир зумда бориб келаман.

Шундай деб Плуто ҳовлидан кесиб ўтиб, ошхонага югурди. Зеб Стумп отхонада ёлғиз қолди. Ҳабаш отхонадан кетиши биланоқ Зеб тўриқ от боғлоқдиқ турган жойга борди. Жонивор кўрқиб кетди ва қалт-қалт титраб, деворга суянди.

– Тўхта! Кўрқма, тентак жонивор! – деб тўнғиллади Зеб. – Сенга ҳеч қандай ёмонлик қилмайман. Фельинг ҳам худди хўжайинингникига ўхшаган экан. Жим деяпман сенга! Тақаларингни бир кўрай.

Шундай деб Зеб от оёғига энгашди ва оёғини кўтаришга уринди. Лекин бунга эришолмади. Унга ёмонлик соғинаётганларини сезгандек от бирдан ер тепиниб пишқира бошлади.

– Минг лаънат сенга, ҳайвон! – деб қичқирди жаҳд билан Зеб. – Бирпас ҳам тинч туролмайсан-а! Ким сени хафа қилмоқчи? Қани, бери кел-чи, тентак жонивор. Мен фақат тақаланганмисан ёки йўқми, шуни кўрмоқчиман, холос.

У яна от туёғини кўтариб кўрмоқчи бўлди, лекин жонивор ўжарлик билан қаршилиқ кўрсатди.

– Ол-а, мана бундай қаршилиқ бўлишини сира кутмаган эдим, – деб тўнғиллади Зеб, бу қийинчиликни бир ёқлиқ қилишга ёрдам берадиган бирор нарса қидиргандек атрофга кўз ташлаб.

«Нима қилиш керак? Ҳабашни ёрдамга чақириб бўлмайди. У бу тўғрида ҳеч нарса билмаслиги керак».

Овчи хийла вақт ўйланиб қолди.

– Ааънатлар бўлсин, бу ярамасга! – деб юборди яна у. – Ҳозир турган жойида ўлдириб қўйгим келяпти!.. Ҳа-а, топдим! Топдим! Ишқилиб, ҳабаш келиб қолмаса бўлгани. Флоринда уни ушлаб қолади деб умид қиламиз... Шошмай тур, сеними, сени жим туришга мажбур қиламан ёки бўғиб ўлдираман! Манави кишанни солганимдан кейин қимирлаб бўпсан!

Зеб ўз эгаридан камандини олди, сиртмоқни тўриқ отнинг бўйнига солди ва бир учидан торта бошлади. От хириллаб, отхонада у ёқ бу ёққа ўзини ташлай бошлади. Лекин хириллаши кўп ўтмай унинг бурнидан зўрға чиқаётган алақандай хуштакка ўхшаш товушларга айланди.

Зеб энди унинг олдига қўрқмай борса бўларди. Арқоннинг учини маҳкам боғлаб қўйиб, у отнинг ҳар бир туғини диққат билан кўздан кечира бошлади.

Навбат отнинг кейинги чап оёғига келганда, ундаги тақанинг синиб қолгани маълум бўлди.

Овчи ўзининг каттакон ов пичоғини чиқарди, уни тақа тагига тикиб, синган тақани кўчириб олди ва миҳлари билан бирга камзулининг чуқур чўнтагига солиб қўйди. Кейин Зеб чаққонлик билан арқонни ечиб юборди ва тўриқ отга эркин нафас олиш имконини берди. Бирпасдан кейин Плуто тўйимли овқат кўтариб келди, патнисда мононгахел вискиси солинган графинча кўриниб турарди. Зеб дарҳол овқатланишга тутинди.

Лекин отбоқар отнинг нимадандир безовта бўлганини дарҳол сизди. Тўриқ от қалт-қалт титрар ва атрофга қўрқиб жовдирарди.

– Отга нима бўлди? – деб юборди ҳабаш. – Сиздан кўрқаётганга ўхшайди-я.

– Ҳа-я... – деб қўйди Зеб, бунга тамом бефарқ қараётганини билдиришга тиришиб. – Мендан бир оз кўрқаётган бўлса ҳам ажаб эмас. У менинг биям олдига келган эди, арқон билан бир-икки туширдим.

Бу жавобдан Плуто қаноат ҳосил қилди, шу билан гап тугади.

– Менга қара, Плуто, – деб яна гап бошлади Зеб, – отларингизни ким тақалайди? Ўз тақачиларингиз бўлса керак дейман?

– Ҳа, ҳа. Сарик Жек тақалайди... Нимага сўраяпсиз буни, мистер Стумп?

– Мен ҳам биямни тақалатиб олмоқчи эдим. Жек менга йўқ демаса керак.

– Албатта, албатта, жон деб тақалаб беради.

– Иккита тақа қоқиш учун, сенингча, қанча вақт кетади?

– Бунга кўп вақт кетмайди, мистер Стумп. Жек яхши уста, ҳамма шундай дейди.

– Эҳтимол, унинг тайёр тақалари ҳам бордир? Отларингизни тақалаганига кўп бўлдими?

– Бир ҳафтадан ошди. Энг кейин у мисс Луизанинг отини, хол-хол мустангни тақалади. Унда тайёр тақалар борлигига ишонаман. Биламан буни, нега десангиз у битта тақаси синиб қолган тўриқ отни тақаламоқчи бўлиб юрган эди. Бунга ўн кунча бўлди. Мистер Колхаун синиқ, тақани олиб ташлашни буюрди. Худди шу бугун эрталаб у Жекка шундай деб кетди.

– Биласанми нима, ҳар ҳолда менинг вақтим зиқ деб қўрқаман, – деди Зеб, бирдан ниятини ўзгартириб. – Яхшиси, тақалаш ишини қайтиб келгунимча қўя турайлик. Ўйлашимча, менинг қари биям шундай ҳам бориб кела олади. Дашт йўли юмшоқ, шунинг учун у қийналмасдан чопа олади...

Зеб отхонадан ҳовлига чиқди ва осмонга қаради.

– Ҳа, йўлга тушиш вақти... Хўш, энди, жонивор, кавшашни бас қил. Энди жўхори ўрнига мана бу темирни оғзингга олишга тўғри келади. Ҳа, баракалла!

Зеб отига юган солди ва сакраб эгарга минди-да, йўлга тушди.

## ЕТМИШ ИККИНЧИ БОБ

### ЗЕБ СТУМП ИЗГА ТУШДИ

Кекса овчи Каса-дел-Корво дарвозасидан чиқиб, дарё ёқалаб юқори томонга, қалъа тарафга қараб кетди. Чорак соат ўтмасданок у қалъага етиб келди. Зеб отдан тушиб комендантнинг уйига кирди. Бия майдонда қолди. Кекса овчи Инж қалъасининг бош қўмондони билан сира қийналмай учрашди. Ҳарбий кишилар ўртасида Зеб Стумпнинг ҳурмат-эътибори зўр эди, шунинг учун унга истаган вақтида йўл очиқ эди. Соқчилар уни ўз кишиларидек тўхтатмай киритиб юбордилар. Навбатчи офицер билан хурсанд бўлиб салом-алик қилди, адъютант эса унинг келганини дарҳол майорга хабар берди, афтидан, майор уни кутиб турган кўринарди.

– Сизмисиз, мистер Стумп, сизни кўрганимдан хурсандман! Нима янгиликлар бор? Тез қайтиб келганингиздан бирор янгилик борлигини сезиб турибман. Умид қиламанки, шўрлик мустангернинг аҳволини енгиллаштиришга хизмат қиладиган янгиликдир? Қани, нималарни билиб келдингиз?

– Тўғриси айтишим керак, майор, – деди Зеб тортинмасдан шляпасини ечиб, – ҳозирча қўлимда ҳеч қандай махсус янгиликлар йўқ, лекин шундай бўлса ҳам қайтиб келдим. Сиз билан гаплашиб олишим зарур.

– Қулоғим сизда. Гапираверинг, нима гап?

– Мен сиздан суд қилиш ишини иложи борича орқага суришни сўрамоқчиман. Бу ерда ташқаридан сиқув остига олишларини биламан, шунингдек, бунга қаршилик кўрсата олиш даражасида ҳуқуқингиз борлигини ҳам биламан, бундан ташқари, бу илтимосимни ҳўп деб бажаришингизга жуда ишонаман.

– Тўғри айтдингиз. Бечора йигитга ёрдам беришга қарши эмасман. Лекин ўзингиз яхши биласиз-ку, бизнинг республикамизда ҳарбийлар мамлакатда ҳарбий ҳолат эълон қилинган вақтдан бошқа пайтларда граждандан ҳокимиятига бўйсундилар. Мен қабул қилинган қонунларнинг бузилишига қарши қўлимдан келган

барча чораларни кўра оламан, лекин қонуннинг ўзига қарши боролмайман.

– Қонунга қарши боришингизнинг кераги ҳам йўқ. Мен мутлақо бундай демоқчи эмасман, майор, лекин қонунни ўз қўлларига олмоқчи ва уни ўз фойдасига қарата ўзгартирмоқчи бўлганларга қарши боришингиз керак. Бизнинг септментда шундай одамлар бор, шунинг учун уларга халақит берилмаса, ўшандай қилишлари турган гап. Айниқса, бир одам хавфли...

– Ким?

– Лекин буни сир сақлашингиз керак, майор. Ишонманки, менга шундай деб ваъда берасиз.

– Мистер Стумп, бу ерда бўлган барча гап-сўзлар мутлақо сирлигича қолади. Ўйлаганингизни сира хавотир бўлмай айтаверинг.

– Гап бундай, менинг ўйлашимча, одам ўлдирган киши Морис мустангер эмас.

– Мен ҳам шу фикрдаман. Яна қандай хабар айтмоқчисиз менга?

– Яна баъзи нарсаларни қўшиб қўйсам бўлади. Лекин буларнинг ҳаммаси ҳозирча менинг тахминларим, булар эса нотўғри бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Шунинг учун Нуесес дарёси бўйларидан қайтиб келгунимча индамай қўя қолганим дуруст булар дейман. Ўшандан кейин мен ҳозир ўзим билган маълумотларни, эҳтимолки, даштдан топиб келган янгиликларимни сизга хурсандлик билан сўзлаб берарман. Менга уч кун муҳлат бера оласизми?

– Уч кунга дейсизми?

– Судни уч кун орқага сура оласизми?

– Ваъда бераман, мистер Стумп. Эҳтимолки, тутган мавқеимни хавф остида қолдирарман, лекин шунга ҳам қарамай, сизга Морис мустангер уч кун ичида гаптутвахтадан чиқмайди деб сўз бераман. У айбдорми ёки айбдор эмасми, бундан қатъи назар, у шу уч кун ичида менинг ҳимоям остида бўлади.

– Сиз содиқ дўстсиз, майор! Мен эса бир кун вақти келганда, бунинг қадрига қанчалик етишимни исбот қилиб бераман. Сизга айтадиган бошқа гапим йўқ, фақат буларнинг ҳаммасини сир сақлашингизни илти-



мос қиламан. Бу ерда менинг ниятимни билиб қолгудек бўлсалар, менга қаршилиқ кўрсатиш учун еру осмонни ағдар-тўнтар қилиб юборишга тайёр одамлар бор.

– Улар мендан кўмак ололмайдилар, мистер Стумп. Сиз сўзимга баҳазур ишонаверишингиз мумкин.

– Биладан, майор, биладан буни! Яхши хизматларингиз учун раҳмат!

Овчи майор билан хайрлашиб, ўзининг қари бияси кутиб турган майдончага жўнади.

Зеб Пойндекстер плантацияси чегарасига етиб бормасданоқ тик қияликдан даштга кўтарилди. У ерда овчи акас дарахти сояси остида ўйга чўмиб қолди.

– Лаънатлар бўлсин! – деб тўнғиллади Зеб. – Ўша куни кечаси Колхауннинг оти отхонада бўлмабди ва эрталаб кўпириб кетган ҳолда қайтиб келибди. Бу нимани кўрсатади? Агар бу қабиҳ ишда унинг қўли бўлмаса, минг лаънат менга! Ўзим ҳам шундай деб ўйлаб юрган эдим-а. Лекин Колхауннинг ўз тоғаваччасини ўлдирганини тахмин қилиш жуда ҳам келишмаган гап. Албатта, у ҳар қандай пасткашлиқдан қайтмайди. Лекин бу унга нима учун керак бўлиб қолганига тушунолмаيمان. Агар у кекса Пойндекстер ўлганидан кейин Генри ўрнига ворис бўлиб қолмоқчи бўлганда, бошқа гап эди. Лекин гап бунда эмас. Энди бир акр ер ҳам, битта ҳабаш ҳам кекса Пойндекстерники эмас. Ҳаммасини ўша ярамас ўз қўлига олиб олган. Шундай экан, нима учун тоғасининг ўлидан қутулиши керак бўлиб қолдийкин? Улар ҳеч вақт ёмон муносабатда бўлган эмаслар. Лекин энди ишга мустангер аралашди, сўнг анави жанжал, сохта ҳиндулар, мексикалик қиз, бошсиз чавандоз ва яна нималар, буни шайтоннинг ўзи билади! Иосафат! Буларнинг ҳаммаси энг доно одамнинг ҳам бошини қотириб қўяди... Лекин қимматбаҳо вақтни қўлдан бериб бўлмайди. Қўлимдаги мана бу бир парча темир билан бу қонли воқеанинг бир оз бўлса ҳам тагига етсам ажаб эмас, эҳтимолки, ҳаммасини билиб оларман. Лекин қаёққа бориш керак?

Ўз саволига жавоб ахтаргандек Зеб атрофга қаради.

– Қидириш ишларини қалъа ёки септмент атрофидан бошлашдан маъно йўқ. Бу ерларни от излари

тутиб кетган. Яхшиси, дарҳол даштга чиқиш ва Рио Грандега борадиган йўлни кесиб ўтадиган жойни мўлжаллаб бориш керак. Ҳа, шунда тўғри бўлади.

Зеб Нуесес дарёси тарафга қараб бир милча йўл юргандан кейин ғарб тарафга бурилди. Кекса овчи олдинга энгашиб, диққат билан сўқмоқнинг икки четидаги ўтларни кўздан кечириб борарди. У бир милча йўл босди, лекин шу ерда алланарсадан чўчиб тушди ва отининг жиловини тортишга мажбур бўлди.

Бия тўхтади. Зеб сакраб отдан тушди, икки-уч қадам илгари босди ва чўкка тушиб, чўнтагидан тақани олди ва уни ўт устида аниқ кўришиб турган из устига қўйди.

– Худди ўзи! – деб юборди овчи. – Хоиннинг, эҳтимолки, қотилнинг ҳам излари мана шудир!

### ЕТМИШ УЧИНЧИ БОБ

#### ДАШТДАГИ ОРОЛ

Юзта, баъзан эса уч юзта отдан иборат бўлган ёввойи отлар уйри бепоён даштдан ўтиб кетаётган саёҳатчининг диққатини ўзига тортади, шунда у бундай ғалати манзарадан ҳайрон қолиб тўхтаб қолади. Асли техаслик бўлган одам эса бундай уюр олдидан бепарво ўтиб кетади ва «Мустангерлар уйри» юрибди деб қўя қолади. Бундай одам даштда фақат битта от ўтлаб юрганини кўрса, ҳайрон қолади, бундай ҳол унга ғалати туюлади. Шундан кейин у ўз подасидан қувланган ёввойи айғир эмасмикан ёки саёҳатчилар гуруҳидан ажраб қолган бирор кишининг оти эмасмикан деб ўйлаб қолади.

Даштда яшайдиган кўзи пишган киши бунинг қандай от эканини дарҳол аниқлайди. Агар от югани билан, устида эгар ўтлаб юрса, ҳеч қандай шубҳа қолмайди. Бунда бирдан-бир шубҳа, у ўз эгасидан қандай қилиб кетиб қолди экан, деган шубҳа бўлади, холос.

Лекин чавандоз от устида ўтирган бўлса-ю, от эса ўтлаб юрган бўлса, унда чавандозни ўз отини дурустроқ ўтлаб олиш учун ўз ҳолига қўйиб қўйишга ақли етмаган қовоқ калла ва танбал деб ўйлаш қолади, холос.

Лекин борди-ю чавандоз қовоқ каллани бўлиш ўрнига, мутлақо калласиз одам бўлса, унда минг хил

хаёлларга бориш мумкин, лекин миянгизга келган бу фикрлардан биронтаси ҳам ҳақиқатга сал бўлса ҳам яқин келмайди.

Худди ана шундай от ва худди шундай чавандоз жануби-ғарбий Техас даштларида 185... йилда учратилди. Қайси йилда эканини ҳозир аниқ айтиш қийин, лекин шу ўн йил ичида деб айтилса, хато бўлмайди.

Жойини эса анча аниқ кўрсатиш мумкин. Бу Рио-де-Нуесес дарёсининг шимолий томонида ва Леона дарёси ирмоғининг жанубий тарафида, йигирма мил ён-теварақда учратилди. Ўша жойда уни ҳам очиқ даштда, ҳам ўрмон чангаллари орасида кўрдилар.

Бошсиз чавандозни кўп кишилар кўрдигина эмас, балки уни кўп марта ва ҳар хил ерда учратдилар ҳам. Биринчидан, Генри Пойндекстерни ва уни ўлдиришда шубҳаланган одамни қидириб сафарга чиққан отряд аъзолари кўрдилар. Иккинчидан, Морис мустангернинг хизматкори кўрди. Учинчидан, ярим кечада ўрмон чангалларини текшириб юрган вақтида Кассий Колхаун учратди. Тўртинчидан, худди ўша кун кечаси ҳиндулар ниқобини кийиб олган мексикаликлар дуч келдилар. Бешинчидан, эртасига кечаси Зеб Стумп кўрди.

Бошсиз чавандозни бошқа жойларда ва бошқача вазиятда кўрган бошқа одамлар ҳам бор эди: булар овчилар, чўпонлар, саёҳатчилар. Уларнинг ҳаммасини бу қиёфа даҳшатга соларди, уларнинг ҳаммаси учун бу, ечилмаган жумбоқлигича қолди.

Бу ҳодиса фақат Леонадаги септлментдагина эмас, балки узоқроқ жойларда ҳам ҳаяжонли гап-сузларга сабаб бўлди. Бошсиз чавандоз тўғрисидаги хабарлар тезлик билан Рио-Гранде бўйларигача ва Сабин кўли атрофигача етиб борди.

Бу кўрқинчли нарсани одамлар ҳақиқатан ҳам кўрганларига бошқа ҳеч ким шубҳа қилмай қўйди. Ишонмай ҳам бўлар эдими? Бунга шубҳа қилиш – икки юз жуфт кўз гувоҳлигини писанд қилмаслик бўларди. Уни шарпа деб ҳам бўлмас эди. Ҳамма ҳам бирдан-бир берадиган савол: «Табиат қонунларига қарама-қарши

келадиган бундай ғалати ҳолни нима деб тушуниш керак?» деган савол эди.

Озми-кўпми ҳақиқатга тўғри келадиган ва ҳақиқатга тўғри келмаган ўнлаб ҳар хил тахминлар айтилди. Баъзилар буни ҳиндуларнинг кўзбўямачиликлари деб тахмин қилар, бошқалар эса уни кўғирчоқ деб ўйлар эди. Баъзи одамлар уни ростакам чавандоз деб, лекин калласини серапе остига яшириб олган деб ўйлар эди, серапеда эса йўлни кўриб туриш ва отни бошқариш мумкин бўлсин учун кўзи олдида иккита тешик очиб қўйган деб тахмин қилар эдилар. Бошсиз чавандозни иблиснинг ўзгинаси деб қаттиқ туриб даъво қилувчилар ҳам йўқ эмас.

Бундан бошқа тахминлар ҳам бор эди, лекин бу тахминлар чавандознинг ўзидан ҳам кўра кўпроқ ёш Пойндекстернинг ўлдирилиши билан чавандоз ўртасидаги алоқага оид тахминлар эди.

Кўпчилик бу сирли фактлар ўртасида шубҳасиз бирор боғланиш бор деб ўйлар эдилар. Лекин бу алоқанинг қандай эканини ҳеч ким тушуна олмасди. Бу сирга бир оз бўлса ҳам ойдинлик кирита оладиган одам эса, ҳамон иситмада куйиб ёниб алаҳлаб ётарди.

Ана шундай тахминлар билан икки ҳафта ўтди. Бу вақт ичида бошсиз чавандоз ҳали ҳам даштда тез-тез одамларга кўриниб турди. У гоҳ отини тез чоғтириб ўтар, гоҳ секин-секин ҳайдаб борар эди, гоҳ унинг оти тўхтаб қолар ва атрофга ҳайрон қараб турарди, гоҳ Техаснинг барра ўтларини иштаҳа билан туширарди. Бу ғалати чавандоз ўта кетган хаёлий ва бемаъни ҳикоялар туғилишига сабаб бўлди. Лекин бу ғалати воқеалар ичида муҳим ўрин тутгани учун бир ҳодисани айтиб бериш керак бўлади.

Кенг дашт ўртасида, бир четда тўдаланиб ўсган бир ўрмон ороли бор. Бу дарахтлар тўдаси уч-тўрт акр майдонни эгаллаган.

Бу ўрмончадан сал нарироқда, бор-йўғи икки юз ярд жойда бир от ўтлаб юрибди – бу бошсиз чавандозни олиб юрган ўша отнинг худди ўзгинаси. Ғалати чавандоз ҳамон от устида ўтирибди. Уни биринчи марта кўришган вақтдагидан кийимида ҳам, отда ўтириши-

да ҳам ҳеч қандай ўзгариш йўқдек кўринади. Йўл-йўл серапе гавдасининг юқори қисмини ўраган ҳолда ҳамон елкасига ташлоғлиқ, ягуар терисидан тикилган этиги ҳамон оёғида.

У гўё от ўтлашда қийналмасин дегандек бир оз олдинга эгилиброқ ўтирарди. Жилов ҳам отга халақит бермасди – у шундай узун ва бўш эдики, жонивор унинг борлигини ҳам сезмасди.

Унинг калласини кўрдик деб ишонтирмоқчи бўлган одамлар тўғри айтган эдилар.

Чавандознинг зар жияклик қора сомбреро кийган калласи чап сони олдида турарди, лекин уни фақат чап тарафдан қараган кишигина кўра оларди. Ияги тиззасига тегиб турарди. Баъзан башарасини ҳам кўриб қолиш мумкин бўларди. Башараси чиройли, лекин бетигаги ифода кўрқинчли эди. Кўрқинчли табасум қотиб қолган ярим, очиқ кўкарган лаблари орасидан икки қатор оппоқ тишлари кўриниб турарди.

Шу вақтгача сирли чавандоз ёлғиз ўзи от миниб юрарди, энди эса унинг ҳамроҳлари бор: йигирматача дашт бўрилари унинг атрофида сакраб-сакраб, чавандоз орқасидан эргашиб юрар эдилар.

Шубҳасизки, улар отнинг гашини келтирарди: бўрилардан биронтаси сурбетлик билан оёқлари остида жуда ўралашиб қолгудек бўлса, от пишқирав ва тепинарди.

Чавандоз елкаси устида чарх уриб учиб юрган катта қора қушлар галасига қандай бепарво бўлса, буларга ҳам мутлақо бепарво қарарди.

Гоҳ даштнинг барра ўтларини еб юрган, гоҳ бўрилар ва калхатлар ҳужумини бетоқатлик билан қайтарган от устида ўтирган бошсиз чавандоз ўрмон ороли атрофида хотиржам айланиб юрарди.

### *ЕТМИШ ТЎРТИНЧИ БОБ*

### **НОШУД ОТ ТУТУВЧИ**

Бошсиз чавандозни янги ҳамроҳлар билан ўралган ҳолда, яъни бўрилар ва калхатлар қуршовида юрган ҳолда бирон бир одам кўрдими?

Ҳа, кўрди.

Буни бир одам кўрди, бутун Техасда ҳеч ким тагига етолмаган бу сирни энг олдин ўша тушуна бошлади. Лекин унга ҳали ҳам ҳамма нарса равшан эмасди. У бошсиз чавандознинг қўғирчоқ ҳам, иблис ҳам эмаслигини энди билар эди, лекин ҳамманинг ўтакасини ёрган у даҳшатли махлуқ қаршисидаги кўрқувдан тамом халос бўлмаган эди. У бошсиз чавандозга дарахтлар панасига яшириниб олган ҳолда ўрмон ороли четидан қараб турарди, у ўз пистирмасидан чиқмоқчи эмасди.

Ўзининг ундан жуда кўрқишига ва ўзини сездириб қўймасликка тиришишига қарамай, бу чавандоз бошсиз чавандоз орқасидан доим эргашиб юрарди. Бунинг устига у бошсиз чавандоз ўрмонга яқинлашиб келиш ўрнига ундан доим бир хил масофа нарида айланиб юрганини сезиб қолди.

«Оббо, ярамас махлуқ-е! Унга жуда бўлмаганда йигирма ярд яқинроқ бўлганимда эди, ўқ теккиза олган бўлардим. Ҳозирча унга ўқ узиш, уни қочириб юбориш, эҳтимолки, бутунлай қочириб юбориш бўлади». Пистирмада турган одам ўз ҳисобини яна бир текшириб кўрмоқчи бўлгандек, ўзи билан бошсиз чавандоз орасидаги масофани кўзи билан яна бир марта чамадаб кўра бошлади. Ўзининг калта милтигини у тайёр ҳолда ушлаб турарди.

– Фойдаси йўқ, – деб тўнғиллаб қўйди у. – Ўқ етиб бормайди ҳам, отни кўрқитиб юборади, холос. Сабр қилиб отнинг яқинроқ келишини кутишим керак. Лаънати бўрилар! Улар отнинг кетидан эргашиб юрар эканлар, у ўрмондан узоқда ўтлаб юраверади. Бу барча техас мустангларининг одати. Минг лаънат-е уларга! Қизиқ, уни бир амаллаб алдаб чақириб бўлмасмикан? Агар у менинг отимни кўрса, анави сафардагидек яна бир марта унинг яқинига келар. Тўғри унда ой ёруғида бўлган эди. Бундан ташқари, унинг орқасидан воғуллаганча ит қувиб келарди. Ўзи устида аллақандай нарсани кўтариб юрган от ёввойилашиб қолган бўлса ҳам ажаб эмас. Наҳотки бу...

Шундай деди-ю, ўзи билан ўзи сўзлашаётган одам бирдан жиловни силтаб отини тўхтатди. У яхшироқ кўриш учун олдинга энгашиб ўрмон атрофида секин-аста айланиб юрган ғалати чавандозни кўздан кечира бошлади.

«Бу унинг оти, бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас. Унинг эгари, унинг серапеси, ҳаммаси ўшаники. Қайси шайтон бирининг кийимини иккинчисига кийгазиб қўйди экан? Бу бирон кўзбўямачиликми-йўқми, уни ким қилиб қўйганидан қатъи назар, бу ифлос иш. Анави одам эса ўша қуни кечаси нималар бўлганини ипидан игнасигача билиши керак. Қандай аҳмоқлик қилдим-а! Шундай нарсалар билан мақтаниб бўладими, ахир!.. Дорга осилган одамнинг омади қандай келса, менинг омадим ҳам ана шундай келяпти!.. От эса яқин келишни сира истамаяпти. У ўрмондан кўрқади. Нима қилиш керак? Эҳтимол, от одам овозини эшитса яқин келар? Уни йигирма ярд яқинроққа чақира олсам жуда яхши бўларди. Бир синаб кўриш керак».

Ўрмон четидаги чангалларга яқинроқ келиб, у одам отни чақира бошлади:

– Берироқ кел, жонивор! Бери келсанг-чи, ақлли жонивор!

Чақиргани бекор кетди – тушириб юборди, бошини силкитди ва қаттиқ пишқириб юборди. Афтидан, коётлар билан калхатлар уни ўзи ҳозир эшитган овоздан камроқ кўрқитарди. Яқинида одам борлигини сезиб, от кенг дашт бағрида жуда тезлик билан қочиб қолди. Ҳафсаласи пир бўлган овчи қўлдан чиққан ғаниматни сўка-сўка очик ерга чиқди. Ҳазаб билан узилган ўқ мўлжалга етиб бормади, бошсиз чавандоз жуда узоққа кетиб қолган эди.

### ЕТМИШ БЕШИНЧИ БОБ

#### ИЗДАН

Зеб Стумп тақа изларини топган жойда кўп тўхтаб қолмади. Дарҳол ўрнидан турди ва ўрмонга қараб юрди. У пиёда борарди. Қари бия ундан бир оз кейинроқда индамай эгасига эргашиб келарди.

Зеб из яхши кўриниб турган ерларда гоҳ қадамини тезлатди, из яхши кўринмай қолган жойларда гоҳ секинлаб, бир милдан ортиқ йўл босди. Ўз ишига жуда берилиб кетган овчи, афтидан, атрофдаги нарсалардан бежабар эди. У зангори гилам тўшалган бепоён саваннага мутлақо эътибор бермас, тепасида ёйилиб ётган тагсиз осмонга мутлақо қарамасди. Фақат оёғи остидаги ўтга диққат ва жиддият билан тикилиб қараб борарди.

Кўққисдан эшитилган товушдан Зеб атрофга аланглаб қаради. Бу узоқдан узилган ўқ товуши эди.

Зеб тўхтади, теварак-атрофни кўздан кечирди, лекин қаддини ростламади. Кекса овчи тез назар билан уфқни кўздан кечирди. Ҳалқа-ҳалқа тутун ҳамон шаклини йўқотмай, худди ўрмон ороли тепасидан секин-аста мовий осмонга кўтариларди. Ўрмон қораси, отилган ўқ тутуни, ўқ товуши шундай ноаниқ эдики, буни фақат овчининг ўткир кўзи ва сезгир қулоғигина сезиши мумкин эди. Лекин Зеб тутунни ҳам кўрди, ўқ товушини ҳам эшитди.

– Жуда қизиқ! – деб гудранди у карам кўчат экаётган деҳқондек энгашган ҳолда. – Жуда қизиқ-ку, ҳар хил одамлар бўлади-да. Бундай жойда ов қилиш кимнинг хаёлига келди экан? Ахир у ерда ов қиладиган ҳеч нарса йўқ-ку. Битта узилган ўққа сарф бўлган порох ҳам бекор кетади. У ерда коётлардан бошқа ҳеч нарса бўлмайди... Ҳа-а! – деб давом этди у хийла вақт жим тургандан кейин. – Ўзларининг тили билан айтганда, «экскурсия»га чиққан шумтакалардан биронтаси ўша текинхўрларни отаётган бўлса керак, кейин эса бўри ови қилдим деб мақтаниб ҳам юради. Менга нима, бунинг сира ҳам менга алоқаси йўқ... Тўхта! Бу ёққа кимдир келяпти! Гўё қиздирилган паншаха кўтарган бутун бир шайтонлар тўдаси қувиб келаётгандек орқа-ўнгига қарамай қочиб келяпти! Қасам ичаманки, бу ўша бошсизнинг ўзи! Ҳа ўша!

Кекса овчи тўғри айтди: унга қараб бошсиз чавандоз от чоптириб келмоқда эди.

Бутун Техасда кекса овчидек мард одамни топиб бўлмаса керак. У на ягуар билан, на кугуар билан, на



айиқ билан тўқнаш келишдан қўрқарди. Уни ҳатто ёввойи ҳайвонлар ҳам қўрқитолмасди. У, эҳтимолки, команчиларнинг бутун бир галаси билан тўқнаш келиб қолганда ҳам шошиб қолмасди, лекин бу чавандозни кўрган Зеб ўзини йўқотиб қўйди.

Ёввойи табиат қўйнида ҳаёт кечириб тобланган Зеб Стумп, бу қанчалик қизиқ бўлмасин, баъзи илоҳий кучларга ишонар эди.

У қўрқиб кетдигина эмас – даҳшатдан қалт-қалт титрар ва яшириниш учун жой ахтарарди.

Ўзи турган жойдан бир оз наридаги бута чангаллари ўзларининг кўм-кўк қўйнидан унга жой бердилар. Эгарланган бия уни билдириб қўйиши мумкин. Лекин Зеб бунинг ҳам чорасини топди.

– Ёт! – деб қичқирди у, ўзининг гапига яхши тушунадиган тўрт оёқли дўстига қараб. – Дарров ерга ёт, бўлмаса билиб қўйки, жаҳаннамнинг қаърига кетасан!

От эгасининг ташвиш тўла овозини эшитар экан, дарҳол олдинги икки оёғини букди, сўнг кейинги оёқларини йиғиштириб, дам олишга чўзилгандек ўт устига ётди.

Зеб билан унинг оти яшириниб улгуришлари биланоқ, улар олдидан сирли чавандоз от чоптириб ўтиб кетди.

У отини жуда тез чоптириб борар ва афтидан, тўхташ ниятида эмасди, Зеб бунга жуда хурсанд бўлди.

Зеб чўкка тушиб олиб, ўз пистирмасида чавандоз орқасидан тикилиб қараб турарди.

От Зеб бекиниб олган буталар олдидан ўтаётганда шамол чавандознинг елкасидаги серапе этагини ҳилпиратиб учирди. Овчи серапе тагида ўзига яхши таниш бўлган костюмни кўрди. Бу зангори газламадан тикилган кўкраги бурма блуза эди. Кун жуда ёруғ бўлганидан унда қотиб қолган қон доғлари аниқ кўринди.

Зеб Стумп ўйга ботди. От, эгар, йўл-йўл серапе, тўқ зангори блуза ва шу рангдаги шим, ҳатто бошидаги шляпа, буларнинг ҳаммаси унга яхши таниш нарсалар эди.

Кекса овчи узоқлашиб кетаётган чавандозни тўхтатиш учун на товуш чиқарди ва на бирор имо-ишо-

ра қилди. У бу қўрқинчли чавандознинг ким эканига энди тушунган эди

– Иосафат! Демак бу тўғри экан-да... Шўрлик йигитча! Ўлибди-я!

### ЕТМИШ ОЛТИНЧИ БОБ БЎР ДАШТИДА ЙЎҚОЛДИ

Зеб Стумп узоқлашиб кетаётган чавандозга ўз пистирмасидан узоқ қараб турди. Кекса овчи чавандоз нарироқдаги акас дарахтлари чакалаги орқасига ўтиб кўздан йўқолгандан кейингина ўрнидан турди ва қаддини ростлади.

Бу ғалати ва қутилмаган эпизод унинг фикрларини чалкаштириб юборди. Сениқ тақа изидан бориш керакми ёки уни қўя туриб ҳозиргина ўтиб кетган отни таъқиб этиш керакми?

Овчи тутун кўтарилган томонга қараб шундай бир нарсага кўзи тушдики, у яна кўк буталар орасига яширинишга мажбур бўлди.

Бу сафар Зеб от миниб келаётган, елкасида боши бор чинакам чавандозни кўрди.

Чавандоз бир оз олдинга энгашиб ўтиради ва отини йўллаб келаётган сўқмоққа диққат билан қарар эди.

Унинг ниятини билиш қийин эмасди: нотаниш киши бошсиз чавандознинг изидан борарди.

– Э, ҳали шундайми! – деб шивирлади Зеб. – Бу сирни билмоқчи бўлиб юрган фақат мен эмас эканман. Яна ким билмоқчи экан буни?

Зеб бу тўғрида узоқ бош қотирмади. От йўртиб келар эди, шунинг учун кўп ўтмай чавандоз шундай яқин келиб қолдики, овчи уни яхшилаб кўздан кечира олди.

– Иосафат! – деб хитоб қилди Зеб. – Бунга илгарироқ ақлим етиши керак эди. Агар янглишмасам, шу ерда ўша китобнинг янги бир боби очилди, далил исботларимни тўлатиш учун калаванинг яна бир учини топдим... Жим ёт, жонивор! Қимирлагудек бўлсанг, бўғизлаб ташлайман!

Зеб биясига қараб шундай дўқ қилганидан кейин акас буталари орасига яшириниб олиб жим бўлди. У яқинлашиб келаётган чавандозни диққат билан кўздан кечириб турарди.

Бу Кассий Колхаун эди.

Гарчи капитан қуролланиб олган бўлса ҳам кекса овчи у билан учрашувдан қўрқмасди. Зеб дарахт сояси остида фақат унинг қаршисидаги очиқ даштда бўлаётган ишларни яхшилаб кўриш учунгина яшириниб турарди.

Колхаун бошсиз чавандознинг изларига диққат билан қараганча унинг олдидан ўтиб кетди.

Зеб биринчи чавандоз кўздан ғойиб бўлган чангалзор орқасига ўтиб капитан ҳам кўздан йўқолгунча унинг орқасидан қараб турди.

Зеб Стумп олдин ҳам бошсиз чавандоз изидан бормоқчи бўлиб турган эди. Энди эса шундай қилиши жуда ҳам зарур бўлиб қолди.

Бир оз ўйлаб олгандан кейин бир қарорга келди.

Тайёргарлик ишлари осонликча бўлди: Зеб жиловни қўлига олди ва қари биясининг биқинига туртди, от эса дарҳол ўрnidан турди.

Овчи акас чангаллари орасидан чиқди ва ҳозиргина Кассий Колхаун ўтиб кетган сўқмоқдан йўлга тушди.

\* \* \*

Овчи иккала чавандоз кўздан йўқолган акас дарахтлари чангалини айланиб ўтди, бундан нарида бўр дашти чўзилиб кетганини кўрди, бўр даштидан фақат битта чавандоз, боши йўқ чавандозгина ўтиб кетган эди.

Зеб ўзидан бир оз олдинда капитанни кўрди. Колхаун фақат бир жойда ҳайронлик билан у ёқдан бу ёққа юриб турарди. Капитан изни йўқотиб қўйган ва уни топиш пайида эди.

Овчи акас дарахтлари панасида Колхауннинг ҳаракатларини ўғринча кузатиб турди.

Капитан тўрт тарафга зир югуриб, афтидан, ўз ниятидан воз кечди. Ғазаб билан отига шпор уриб, Леона тарафга жўнаб кетди.

Колхаун кўздан ғойиб бўлиши биланоқ Зеб ўз санъатини синаб кўрмоқчи бўлди. Лекин ўзининг қанчалик тажрибали бўлишига қарамай, у ҳам ноилож қолди.

Қуёш ўзининг жазирама нурларини сочиб турар, қизиб кетган бўр дашти кўзни қамаштирарди. Бундай ёрқин нурлар остида дашт калтакесакларидан бошқа ҳеч кимнинг ҳам кўзи ўтмаса керак.

Нима ҳам қилиб бўларди, кекса овчи орқага қайтишга ва ҳозиргина ўзи ташлаб келган из кетидан бораверишга қарор қилди.

Энди у ўзининг меҳнатлари зое кетмаслигига ва ғалати янгиликлар очишига жуда ишонарди.

Кўп ўтмай Зеб яна аввалги жойга етиб борди.

У вақтни бекор ўтказмасдан тез қадамлар билан из кетидан кетди. Бия илгаригидек унинг кетидан эргашиб келаверди.

Зеб фақат бир марта, ўзи изидан кетаётган от изи бошқа икки от изи билан қўшилган жойдагина тўхтади. Бу ерда учала из аралашиб кетди. Баъзи жойларда улар бир-бирига параллел ҳолда йигирма ярд оралиқда борар эди, кейин яна бир-бирини кесиб ўтарди.

Ҳамма отлар тақаланган эди. Овчи туёқ изларини яхшилаб кўриб олиш учун тўхтади. Учта отдан биттаси америка оти зотидан экани, бошқаси – йирик мустанг экани аниқ маълум бўлди. Мустангнинг туёқлари ҳам худди америка отининг туёқларидек йирик-йирик эди.

Америка оти мустанг кетидан борган. Энг кейин улар орқасидан тақаси синган от юрган.

Учала от ҳам битта йўлдан ўтган, лекин ҳар хил вақтда ва якка-якка ўтганди. Зеб Стумп буни одам термометр бўлимларига қараб осонлик билан маълумот олгандек, жуда енгил ва ишонч билан аниқлади.

– Жуда соз, – деди Зеб ва мамнуният билан йўлида давом этди. Қари бия шошмасдан унинг кетидан эргашиб келарди. – Мана бу ерда уларнинг йўли ажрашган, – деди овчи ўзи турган жойни кўздан кечирар экан. – Мустанг билан америка оти бирга кетишган – бир сўқмоқдан юришган демоқчиман. Синиқ тақали от эса бошқа тарафга бурилган. Қизиқ, бунинг сабаби

нима экан? Умримда ҳеч вақт бундай чалкаш изларни учратмаган эдим. Булардан қайси бирини олдин текширсам экан? Агар манави икки от изидан борсам, бу излар қаерга олиб бориши менга олдиндан маълум. Улар қон ҳалқобига олиб боради. Қани, учинчи из орқасидан бориб кўрамиз, кўрайлик-чи, қаерга олиб бораркин... Ўнгта бурил, кампиршо, менга яқинроқ юр, бўлмаса йўқолиб қоласан ва коётларга ем бўласан.

Овчи ўзининг қари биясига шундай деб учинчи от изидан кетди. Из бир-бирини кесиб ўтган учала из олиб келган ўрмон чангаллари ёқалаб борарди.

Олд тарафда ўқувчига яхши таниш бўлган аллеяга ўхшаган кенг йўлак бошланарди. Синиқ тақа изи бир четга бурилади ва чангаллар ичига олиб кирди. Шу ерда, ўрмон четидан ниҳояти эллик қадамча жойда, Зеб отнинг дарахтга боғлаб қўйилган жойини топди. Зеб от бу ердан нари бормаган деган хулосага келди. От изи гарчи илгариги сўқмоққа қайтмаса ҳам, бошқа тарафдан даштга чиқиб кетар эди.

Синиқ тақали от миниб келган одам бу ердан чангаллар ичига пиёда кетган эди. От боғлаб қўйилган жойга яқин ердан оқиб ўладиган, саёзлашиб қолган бир ариқ атрофидаги юмшоқ тупроққа одам излари яққол тушиб қолган эди.

Овчи бу «отхона»да отини қолдириб, ўзи одам изидан кетди. У одам изи иккита эканини аниқлади. Битта из олға кетар, иккинчиси орқага қайтар эди. Зеб биринчи из кетидан кетди. Бу из қон ҳалқоби топилган аллеяга олиб чиққанда Зеб ҳайрон бўлмади. Энди у ерда қон ҳалқоби йўқ эди. Қонни аллақачон коётлар ялаб кетганди.

Зеб қидириш ишлари олиб борган йўлда ғалати бир янгилик очди. У қалин чангаллар ўсган жойда бир одамнинг, афтидан, анча туриб қолган ерини топди. У ерда ўт ўсмаган эди, юмшоқ ер эса жуда ҳам босиб ташланганди, бу этик ёки ботинка пошналари изидан аниқ кўриниб турарди.

Худди шу из бу ердан қон ҳалқоби бор жойга олиб борарди. Битта из у тарафга борарди, иккинчиси бу

тарафга қайтиб келарди. Бу иккала ғалати жой ўртасидаги дарахт шохида Зеб ва жуда кўп разведкачилар, на изқуварлар бошлиғи Спенглер тополмаган бир нарсани топиб олди. Бу қорайиб кетган ва ярми куйган, афтидан, ўққа пиж сифатида ишлатиладиган бир парча қоғоз эди. У локуст дарахти шохида, ундаги тиканлардан биттасига илашиб қолганди.

Кекса овчи ўша бир парча қоғозни тиканакдан чиқариб олди, уни бу ерга шамол ёпиштириб қўйган эди ва уни ўзининг дағал кафти устига қўйиб ёзди. Ғижимланиб ва куйиб кетган қоғоз юзида бизга яхши таниш бўлган исм, фамилия ва чинини билдирадиган учта ҳарф кўриниб турарди: «К. К. К».

### ЕТМИШ ЕТТИНЧИ БОБ

#### КАЛАВАНИНГ БОШҚА УЧИ

Бу ғалати ҳужжатни ўрганар экан, Зебнинг юзида ҳайронликдан ҳам кўра кўпроқ мамнуният акс этди.

– Бу конвертнинг бир парчаси, – деб қўйди Зеб Стумп. – У жуда кўп нарсани билдиради. Хатнинг ўзидан ҳам бунчалик кўп нарсани билиб олиб бўлмаса керак. У пиж ўрнида ишлатилган. Нима ҳам дердим, бунинг учун ёлланган буғу териси ўрнига ҳар хил нарсаларни ишлатавериш қанақа бўлишини билиб қўйсин. Ҳарфлар аёл кишининг қўли билан ёзилган, – деб давом этди у қоғозни яна бир диққат билан кўздан кечиранар экан. – Бунинг ҳеч аҳамияти йўқ. Хат унга ёзилган, демак уники. Сақлаб қўйиш керак!

Шундай деб кекса овчи ёнидан ўзининг зажигалкасини солиб қўядиган чарм халтачасини чиқарди ва ҳозир топиб олган бир парча қоғозни эҳтиёт билан яшириб қўйди.

– Ҳуш, қария Зебулон Стумп, – деб яна ўзи билан ўзи сўзлаша бошлади Зеб, – бу сирли чалкашликларни яхшигина уқиб оладиганга ўхшайсан. Баъзи нарсалар ҳамон аниқ эмас, баъзи ерда калаванинг учи ҳамон узи-

либ қолмоқда, лекин ҳечқиси йўқ. Ўлдирилган одам ким бўлишидан қатъи назар, қон ҳалқоби топилган жойда бўлган. Ўлдирган одам ким бўлмасин, бари бир локуст дарахти тагида турган. Агар она сути оғзидан кетмаган анавилар изларни босиб-янчиб ташламаганда эди, мен яна ҳам кўпроқ нарсаларни билиб олган бўлардим. Энди эса ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Изларни жуда ҳам босиб ташлашган. Бу издан боришнинг энди маъноси йўқ. Яхшиси, энди орқага қайтган издан бориш ва тақаси синган от ўз чавандозини қаёққа олиб кетганини билиш керак. Шунинг учун, қария Стумп, этик изининг орқага қайтган тарафига боришингиз керак.

Шундан кейин кекса овчи жинойтчининг орқага қайтган изини қидириб кетди. Одам изини фақат бир-икки жойдагина сал-сал кўз илғар эди. Лекин Зеб олдинроқ бу из эгасининг от боғлаб қўйилган жойга қайтиб келганини сезганди.

Зеб пиёда келган одамнинг изини бирпас қўйиб туришга аҳд қилди. У орқага қайтди ва катта майдонга чиқди. У ерда баъзи қўшимча кузатишлар қилмоқчи эди. Кўп ўтмай Зеб Стумп аниқ кўриниб турган изларни топди, лекин бу излар бутунлай бошқача излар эди. Бу жуда кўп одамлар ўтган, майдоннинг бир томонидан бошланиб, иккинчи томонидан чиқиб кетадиган сўқмоқ эди. Бу сўқмоқнинг ҳайвонлар сўқмоғи эканлиги Зебга аниқ эди.

Зеб майдончадан энди қайтиб кетмоқчи бўлиб турганди, лекин яна тўхтади.

– Бу изни ташлаб кетиш жуда ҳам алам қилади-да, лекин вақтим жуда кам. Лаънатлар бўлсин, шу издан бир оз бўлса ҳам бориб кўриш керак. Қайтиб келгунимча қари бия кутиб тура турсин, шундай деб Зеб ёввойи ҳайвонлар сўқмоғидан кетди, бу сўқмоқдан Спенглер бошчилигидаги чавандозлар отряди ҳам ўтган эди.

Бир жойда Зеб Стумп тўхтади. Бу тошлар сочилиб ётган ва мутлақо ўт ўсмаган қумлоқ бир жой эди. Бу ерда шохлари ёнга тарвақайлаб кетган каттакон бир дарахт бор эди. Шохларидан бири сўқмоқ тепасига энгашиб ўсган ва шундай паст эгилиб турардики, бу ердан

от минган одам энгашмасдан ўта олмасди. Зеб Стумп уни кўздан кечира бошлади. Ўша шохнинг пўстлоғи бир ерда эзилиб қолганини аниқлади. Эзилган жой унча катта бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда у аллақандай қаттиқ бир нарса тегиб кетганидан шундай бўлгани кўриниб турарди.

– Бу ерга одамнинг калласи теккан, – деб қўйди овчи, – от миниб ўтган одамнинг боши теккан. Бундай зарбдан кейин у отдан йиқилиши турган гап... Ура! – деб ўзига сизмай қичқириб юборди у. – Ўзим ҳам шундайдир деб ўйлаган эдим. Мана отдан йиқилган чавандознинг изи. Мана бу ердан эса, у судралиб ўтган. Ўша сирли шишнинг қаердан эканини энди биламан. Унинг бўри тирноқларидан бўлмаганини билардим!

Зеб шод-хуррамлик билан дарахт ўсган ердан нари кетди. У енгил одимлар билан ёввойи ҳайвонлар сўқмоғидан эмас, балки шундай қаттиқ зарб еган одам изидан кетди.

Зеб оддий одамнинг кўзига кўринмаслиги эҳтимол бўлган, лекин саёҳатчиларга йўл ёқасига қоқилган столбаларга ёзиб қўйилган ёзувлар қандай очиқ-равшан бўлса, ўзи учун ана шундай аниқ бўлган белгиларга қараб йўл босар эди. Бир тарафга қийшайиб қолган дарахт новдаси, ерга чўзилиб кетган чирмовиқ печакларнинг эзилиб қолган ингичка толалари, ернинг эзилган юзи, буларнинг ҳаммаси шу ердан одам ўтганини билдириб турарди. Зеб Стумп ҳам шўрлик то ариқ бўйига етиб чиққан жойга боргунча шу йўлдан кетаверди.

Чувалган калаванинг яна бир чигали ечилди. Яна салдан кейин сир очилади.

## ЕТМИШ САККИЗИНЧИ БОБ

### ОТ АЛМАШТИРИШ

Кассий Колхаун оғзига келганини қайтармай сўкиниб, бошсиз чавандознинг излари йўқолиб қолган бўр даштидан отининг бошини бурди.

«Бундан нари боришдан маъно йўқ! Унинг қаёққа қараб қочиб кетгани ҳеч кимга маълум эмас. Агар дарё тарафга борсам, уни яна учратсам ажаб эмас.



Лекин мустангернинг айғири сира яқинига йўлатмаяпти, у ярамас ниятимни билгандай-а. Мўлжалга яхшилаб отилган битта ўқ унинг сайр-саёҳатига барҳам берган бўларди. Мустангни қувиб ета оладиган бирор учқур отни қаердан топсам экан-а, у икки юз, ҳатто уч юз доллар турса ҳам майли эди-я!»

Шундай фикрлар билан Колхаун бўр даштидан жунаб кетди. У ўзининг қийналиб кетган отини аёвсиз тез ҳайдаб борарди.

Бир соат ҳам ўтмасдан Колхаун Каса-дел-Корво плантацияларига ёпишиб келган акас дарахтлари чангалзорига кириб келди.

Бирдан от туёқларининг дупури эшитилди. Колхаун чавандоз қизни, Исидора Коварубио де Лос-Ланосни кўриб қолди.

Исидора ўзи ёмон кўрган қизни Колхаун севишини биларди. Колхаун эса ўзи ёмон кўрибгина қолмай, балки ўлдиришга ҳам аҳд қилган бир одамни Исидоранинг севишини билар эди. Иккаласи ҳам ҳозирги учрашувдан чап бериб қочишни истаган бўлишлари ҳам ажаб эмас. Исидора у билан бош ирғитиб саломлашиб, ўтиб кетаверса ҳам бўларди, лекин индамасдан ўтиб кетишнинг иложи йўқ эди. Колхаун ҳам худди шундай қилса ажаб эмасди. Лекин бирдан Колхауннинг миясига лоп этиб бир фикр келди-да, унинг ниятларини ўзгартириб юборди. У отининг жиловини тортди, мексикалик қизнинг йўлини тўсди, бошидан фуражкасини ечди ва мулойимлик билан таъзим қилиб, қиз билан суҳбатга киришди.

Исидоранинг ҳам у билан гаплашишдан бошқа иложи қолмади.

– Афв этасиз, сеньорита, – деди Колхаун. – Сизни бундай йўлдан қўйишим, айниқса, сизга мутлақо нотаниш бўлган менинг тўхтатишим, жуда ҳам одобсизлик эканини биламан.

– Узр сўрашнинг ҳожати йўқ, сеньор. Агар янглишмаётган бўлсам, сиз билан бир марта – Нуесес атрофидаги даштда учрашган эдик.

– Ҳа, ҳа, тўғри айтдингиз, – деди Колхаун дудуқлашиб. – У буни хотирлашни сира истамасди. Мен сиз

билан бу тўғрида эмас, балки сиз жар ёқалаб от чоптириб кетганингиздан сўнг нималар бўлгани ҳақида сўзлашмоқчи эдим. Сизнинг бирдан ғойиб бўлиб қолганингиздан биз ҳайрон қолдик.

– Бунинг нимасига ҳайрон бўлдинглар, кавалеро? Орангиздан кимнингдир узган ўқи мени таъқибдан қутқарди. Уларнинг орқага қараб қочиб қолганларини кўрдим, сўнг эса ўз йўлимда давом этдим.

– Сизнинг тўсатдан ғойиб бўлиб қолганингизга ҳайрон бўлганлардан бири эдим демоқчи эмасман, сеньорита. Мен бизнинг олдимизга тушмасликка сабаб бўлган баъзи мулоҳазаларингиз бўлса керак деб ўйлаган эдим. Ҳаммамизни сизнинг жуда уста чавандоз эканлигингиз ҳайрон қолдирди. Отингизнинг яхшилигини айтмайсизми! Назаримда отингиз чопиб эмас, учиб келар эди. Агар янглишмаётган бўлсам, ҳозир ҳам ўша отни миниб келяпсиз, шекилли? Сиздан шундай арзимаган нарсаларни сўраётганим учун кечирасиз мени.

– Шошманг, ўйлаб олай-чи... Мен кўп от минаман. Ҳа, менимча, ўша куни худди шу отда эдим. Ҳа, ҳа, худди шуни минган эдим. У менга панд берди.

– Панд берди дедингизми? Қандай қилиб?

У икки марта шундай қилди. Биринчи марта сизнинг отряд яқинлашиб келаётганда, иккинчи марта чангаллар орасидан менинг олдимга ҳиндулар, ё раббий, кейин эшитишимга қараганда, улар мутлақо ҳиндулар эмас экан, пусиб келаётганда панд берди.

– Қандай қилиб панд берди?

– Кишнаб юборди. Яхши ўргатилган от ҳеч вақт бундай қилмайди. Хайр, майли, Рио-Грандега қайтиб боришим биланоқ ундан воз кечаман. Ўтлоққа чиқиб кетсин.

– Нималар деяпсиз, сеньорита! Эҳтимол, мен бундай гапларни сизга айтмаслигим керак эди, менимча, бундай қилсангиз жуда адолатсизлик қилган бўласиз.

– Бунинг нимаси адолатсизлик?

– Арзимаган нарса деб шундай яхши отдан воз кечиш қанақа бўларкин. Шундай отнинг хўжайини бўлиш учун мен ҳеч нарсани аямаган бўлар эдим.

– Ҳазиллашяпсиз дейман, кавалеро! Унинг мутлақо яхши фазилати йўқ. Эҳтимол, оддий отлардан бир оз чиройлироқ ва учқурроқдир. Отамнинг бунга ўхшаган беш мингтача оти бор, улардан жуда кўпи эса бундан чиройлироқ ва учқурроқ. Тўғри, бу от узоқ йўл юришга яхши ва чидамли, шунинг учун мен ҳозир уни миниб юрибман. Мен Рио-Грандега кетяпман. Агар шундай бўлмаганда, уни сизга ёки менинг отимни миниш истагини шунчалик қизгинлик билан истаган ҳар бир одамга жон деб берган бўлардим.

– Афв этасиз мени, сеньорита, – деди Колхаун олди-сотти қиладиган одам тусига кириб, лекин ўзи бир оз тараддудга тушиб сўзлар эди. – Мабодо сиз ўзингизнинг кўк мустанг отингизни шундай баҳолар экансиз, ўзининг отимни унга жон деб алмаштираман. Менинг отим сизникичалик чиройли эмас, лекин сизга сира қўрқмай ваъда бера оламанки, у сизни эсон-омон уйингизга етказиб боради ва ундан кейин ҳам яхши хизмат қилади.

– Нималар деяпсиз, сеньор! – деб юборди Исидора, ўзининг ҳайрон қолганини яширолмай. – Ўзингизнинг ажойиб Америка зотидан бўлган отингизни мексика мустангига алмаштирамоқчи бўляпсизми? Бу жуда олий ҳиммат билан қилинган таклиф ва ҳазилга ўхшайди. Рио-Грандеда шу битта отингизга учта, ҳаттоки олтита мустанг беришларини наҳотки билмасангиз?

Колхаун буни жуда яхши биларди. Лекин айнаи вақтда унга ҳозир ўзининг бесўнақай оти сингари ўнта отдан ҳам кўра битта учқур мустанг зарурроқ эканига ҳам шубҳа қилмасди. Капитан бундай учқур дашт оти учун ўзининг зотли отинигина эмас, бунинг устига истаганча пул ҳам тўлашга тайёр эди.

– Агар гапингиз чин бўлса, сеньор, – деди Исидора, – ҳамон шубҳа билан, – марҳамат, мен бундай от алмаштиришга қарши эмасман.

– Мен мутлақо жиддий гапиряпман, сеньорита.

– Бўлмаса олинг уни, – деди қиз, отдан сакраб тушиб ва қоринбоғни эча бошлаб. – Эгаримни алмаштиролмайман. Сизнинг эгарингиз менга жуда баландлик қилади.

Колхаун шундай бахтиёр эдики, миннатдорчилик билдиришга ҳатто сўз тополмай қолди. У қизга эгарини бўшатиб олишга ёрдамга шошилди. Шундан кейин у ўз эгарини олди. Беш дақиқа ҳам ўтар-ўтмас отларни алмаштириб бўлдилар. Эгар билан жиловлар эски хўжайинларнинг ўзида қолди.

Буларнинг ҳаммаси Исидорага ҳамон жуда қизиқ туюларди. Қиз кулиб юборишдан ўзини зўрға тийиб турарди.

Колхаун эса бу ишга бутунлай бошқача қаради. Унинг олдида жуда жиддий мақсад бор эди. Ортиқ сўзлашиб ўтирмай, фақат одатдаги «хайр» деган сўзни айтибгина хайрлашдилар. Исидора америка зотидан бўлган отни миниб кетди, капитан эса кўк мустангга минган ҳолда Каса-дел-Корвога қараб жўнади.

## ЕТМИШ ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

### ТОЛМАС ИЗҚУВАР

Зеб оти боғлоғлиқ жойга қайтиб келди. Бу атрофдаги ўрмонларни у беш қўлдек яхши биларди, шунинг учун овчи энг қисқа йўлни танлади.

Зеб Стумп синиқ тақа изи Каса-дел-Корвога олиб боришига аниқ ишонган ҳолда ўша из кетидан кетди.

Даштнинг баъзи жойларида ер шундай қаттиқ эдики, бундай жойларга из мутлақо тушмаганди. Оддий бир саёҳатчи бу ерлардан ўзим энг олдин ўтиб кетяпман деб ўйлаган бўларди. Зеб Стумп эса даштнинг намроқ ва юмшоқроқ ерига келганда изларнинг яна кўриниб қолишини биларди.

Овчи Пойндекстер плантацияларига яқин келиб қолди. Акас дарахтлари тепасидан азотейнинг арра тишига ўхшаш ишланган панжаралари кўриниб қолди. Бирдан Зеб йўлда алланарсани кўриб қолди-ю тўхтади. Сакраб отдан тушди, жиловни қари биянинг бўйнига ташлади ва пиёда йўлга тушди.

Тажрибасиз кўз Зебнинг бундай тўсатдан отдан тушишига сабаб нима эканини билмаган бўлар эди.

– Бу уйга қайтгандаги изи, – деб қўйди Зеб секингина.

Шундан сўнг шошиб турган овчи секин-аста из орқасидан кетди. Зеб Колхауннинг кетидан пойлаб кетмоқчи эмасди. Бунга ҳожат йўқ эди. Овчи хотир-жамлик билан қадам ташлар ва энди то Каса-дел-Корво чегарасигача тўхтамаса ҳам бўлади, деб ўйларди. Лекин кекса овчи бу сафар янглишди. Ахир у ўз йўлида Кассий Колхаун ва Исидора Коварубио де Лос-Ланос билан учрашувдек тўсқинликка дуч келишни ўйлаган эдими? Зеб буни мутлақо кутмаганди.

Зеб Стумп секин-аста орқасига бурилди, биясининг қулоғига алланарса деб шивирлади ва акас дарахтлари чангали томон юрди. Бия секин ва итоаткорона унинг орқасидан юрди. Кўп ўтмай Зеб тўхтади.

Қалин ўсган кўкатлар девори уни қизғинлик билан суҳбат қилаётган йигит билан қиздан тўсиб турарди.

Зеб Колхаун билан Исидоранинг ҳамма гапини эшитди. Уларнинг иккаласи ҳам хайрлашиб, ўз йўлига қараб кетгандан кейингина Зеб пистирмасидан чиқди. У ҳозиргина от алмаштирилган жойда тўхтади-да:

– Иосафат! Иккита иблис ўртасида иттифоқ тузилди! – деб юборди.

### САКСОНИНЧИ БОБ

#### ЯХШИ КУЗАТИЛГАН ДАРВОЗА

От алмаштириш Колхаунга нима учун зарур бўлиб қолди?

Мексикалик қиз тўғри айтганини Зеб биларди. Ҳақиқатан ҳам Америка зотидан бўлган от бозорда мустангдан анча қиммат турарди. Шунингдек, у Кассий Колхауннинг бундай ишларда ўзини аҳмоқ қилиб кетишларига йўл қўядиган одам эмаслигини ҳам биларди. Бўлмаса нима учун у шунга рози бўлди?

Кекса овчи бошидан барра телпагини ечди, хурпайиб кетган сочларини қўли билан икки марта силаб қўйди, кейин соқолини силади.

– Бунинг изоҳи фақат битта, – деди у ниҳоят. – Кўк мустанг Америка отидан кўра учқурроқ, бунга шубҳа

бўлиши мумкин эмас. Мистер Каш эса унда бошсизни қувиб етмоқчи. Менинг исмим Зебулон Стумп эканлиги қандай тўғри бўлса, бу ҳам худди шундай тўғри гап... Қани, жонивор, юр, – деб давом этди у ўзининг биясига ўтирилиб қараб. – Сен бу ерда яна бир-икки соат, эҳтимолки, туни билан ўтлаб юрсанг керак. Ҳечқиси йўқ, майли, кампиршо. Бу ернинг ўти ёмон эмас, бу ўтдан яхшилаб чимдиш учун эса вақтинг етиб ортади. Бундан ташқари, қорнинг ҳам ҳали анча тўла.

Зеб отнинг оғзидан сўлиғини олди, уни чангаллар орасига бир дарахтга боғлаб қўйди, ўзи эса Колхаун изидан кетди.

Овчи чангаллар орасидан очик майдонга чиқди. Майдоннинг қарши тарафида Каса-дел-Корво гасиендаси кўриниб турарди.

Оққа бўялган иморатнинг яқинида бир чавандознинг қораси кўзга ташланарди. Мана у дарвоза ичкарисига кириб кетди.

– Бу ердан унинг чиқиб келганини кўра оламан, – деб қўйди ўзича Зеб. – Уни эрталабгача кутишга тўғри келса ҳам кутиб ўтираман. Энди сабр қилиш керак.

Зеб Стумп локуст дарахтига суяниб ерга ўтириб олди. Чуқур чўнтагидан бир халтача олди, халтачада бир оз зоғора нон, яхлит яхна гўшт ва мононгахел вискисига тўлатилган фляга бор эди.

Овчи зоғора нон билан гўштнинг ярмини еб, қолганини халтачага солди ва уни дарахтга илиб қўйди. Кейин флягадаги винодан мириқиб ичиб олди, трубкасини тутатди, яна локуст дарахтига суянди ва қўлларини кўкраги устига қовуштириб, Каса-дел-Корво дарвозасига тикилиб олди-да, ундан бошқа кўз узмади. Шу тахлитда у икки соат ўтирди.

Унинг назаридан ҳеч нарса қочмади. Гасиенда дарвозасидан одамлар – эркаклар ва аёллар чиқиб турарди. Лекин узоқдан ҳам Зеб уларнинг қўллар эканини кўриб турарди. Уларнинг ҳаммаси пиёда эдилар. Зеб кутиб ўтирган одам эса отда чиқиши керак.

Мана кўёш ҳам уфқ орқасига яширина бошлади. Ерга оқшомнинг бинафша ранг соялари чўкди. Зеб шо-

шилмасдан ўрнидан турди ва дарахтга суяниб олди, гўё шундай турганда бемалол ўйлаш мумкиндай эди.

«У тулкининг кечаси чиқиб кетиши ҳам ажаб эмас, – деб ўйларди у ўзича, – ёки тонг отар пайтда жунаб қолади. Мен эса унинг қайси тарафга кетишини билишим керак. Бияни эргаштириб юришимнинг ҳожати йўқ. У менга фақат халақит беради. Бундан ташқари, ҳозир кечаси ойдин бўлади, шунинг учун уни кўриб қолишлари ҳам мумкин».

Кекса овчи оти олдига келди. Устидан эгарини олди, жониворни узун арқон билан дарахтга боғлаб қўйди, кейин эгардан ўзининг эски байка одеялини олди ва уни қўлига ташлаб, Каса-дел-Корво тарафга юрди.

Дарвозани кузатиб туриш учун яқинроқ жой танлаш керак эди. Зеб жуда эҳтиётлик билан юриб борарди. Атроф сайхон ер эди. Овчи пусиб гоҳ тез, гоҳ жуда ҳам секин, баъзан энгашиб борарди.

Зеб мўжаллаган жойига етиб борганда, қуёш аллақачон ботганди. У гасиендадан икки юз ярдча берида тўхтади. Бу ерда кичикроқ бир бута ўсиб ётганди. Зеб ўша бута тагига ётиб олиб, Каса-дел-Корво дарвозасини кузата бошлади.

Узун тун бўйи кекса овчи иккала кўзини бараварига бир марта ҳам юммади. Унинг бир кўзи доим очиқ турди. Чолнинг ниҳоятда жиддий қиёфасига бир қарашнинг ўзиёқ, бунга уни жуда муҳим сабаблар мажбур этаётганини тушуниб олиш қийин эмас.

У уйғоқ ўтирган дастлабки соатларда вақтнинг бир хил ўтишини кўрган ичидан эшитилаётган қуллаarning овози бузиб турди. Ярим кечага яқин одамлар овози тинди, шундан кейин атрофга чўккан жимликни фақат коётларнинг чўзиб-чўзиб увуллашига жавобан ҳар замонда бир вовуллаб қўяётган дайди итнинг ҳуришигина бузарди.

Зеб куни билан юриб жуда чарчаган, шунинг учун ҳозир ухлаб қолишдан ўзини зўрға тиярди. Бир марта жуда уйқу босганда ирғиб ўрнидан турди. Бир-икки марта у ёқдан бу ёққа юрди. Кейин яна жойига ётиб олди-да, бошини бута остига яшириб, чека бошлади.

Туни билан у гасиенданинг катта дарвозасидан кўз узмади.

Куёш ботганда кузатув ўрнини ўзгартиришга мажбур бўлган овчи куёш чиққанда ўз кузатув жойини яна ўзгартиришга мажбур бўлди.

Уфқда тонгнинг майин оқ пардаси кўриниши биланоқ Зеб секингина ўрнидан турди, одеялини ёпиниб олди ва Каса-дел-Корвога орқасини ўтириб, секин-аста ундан узоқлашди. У кеча кечқурун бу тарафга келган ўша сўқмоқдан қайтиб кетди. Қайтишда Зеб кечқурун овқатланиб олгани локуст дарахти тагига етиб келгунча ҳеч қаерда тўхтамади. Бу ерда худди кечагидек ўтириб олиб, нонушта қила бошлади.

Зоғора ноннинг қолган ярми ва гўштнинг қолгани тез тамом бўлди. Улардан кейин виски флягаси ҳам бўшади.

Зеб трубкасига тамаки тўлатди-да, тутатмоқчи бўлиб оғзига олди-ю, лекин уни дарров халтачасига солди

Каса-дел-Корво дарвозаси очилди. Ундан кичикроқ бир кўк отга минган чавандоз чиқиб келди. Чавандоз чиқиши биланоқ дарвоза дарҳол ёпилди.

Зеб Стумп вақтни қўлдан бермай ўзининг қари бияси олдига борди, тезгина эгарлади ва уни ҳеч кимнинг кўзига кўринмай ташқарини кузатса бўладиган чангалзорга олиб борди. Кекса овчи яшириниб олиб чавандознинг яқинлашиб келишини кута бошлади. У бу чавандознинг капитан Кассий Колхаун эканига шубҳа қилмасди. У то капитан ўрмон чангаллари ўсиб ётган жойдан ўтиб, эрталабки тонгнинг туман ранги билан қопланган дашт ичига кириб кўздан ғойиб бўлгунча, қимирламай кутиб турди.

Фақат шундан кейингина Зеб Стумп отига минди ва уни йўлга солди.

У Кассий Колхаун кетидан кетди.

Шабнам тушган ўт кекса изқувар учун тоза бир варақ қоғоздек, кўк мустанг изи эса китоб бетларига босилган аниқ ҳарфлардек равшан бир нарса эди.



## САКСОН БИРИНЧИ БОБ

### ЖОН ҲОЛАТДА ҚОЧИБ ҚОЛИШ

Кассий Колхаун ўзига кўк мустангни эгарлаб берган Плутодан бошқа бирон бир киши кўрганидан сира шубҳа қилмагани ҳолда даштга кирди. У ўз пистирмасида яшириниб ётган Зеб Стумп олдидан ўтиб кетди, лекин ҳеч нарсани пайқамади. Колхаун чангаллар орасидан чиқди-да, отини тез йўрттириб Нуесес дарёси бўйига қараб йўл олди.

Отининг техас буғусидан ҳам тезроқ чопиб бораётганига қарамай, Колхаун ишининг муваффақиятли чиқишига унча ишонмасди. Бошсиз чавандоз бугун унинг кўзига кўринмаслиги ҳам мумкин. У бошсиз чавандозни бир жойда икки марта учратган эди. Эҳтимол, учинчи марта ҳам омади келиб қолар.

Бу ер одам ўлдирилган деб тахмин қилинаётган жойдан унча узоқ бўлмаган бир очиқ майдон эди. Кенг йўлак ҳам худди ана шу ердан ўтарди.

«Унинг доим ўша ерга қайтиб келиши жуда қизиқ, – деб ўзича ўйларди Колхаун. – Худди жўрттага ўша ерни танлаб келадиганга ўхшайди-я. Шуниси ҳам борки, у ерларнинг ўти жуда мазали бўлгани учун от ўша жойни танлайди. Нима ҳам дердик, уни ўша ерда бугун ҳам учратамиз деб умид қиламиз. Агар учратмасам чангаллар орасига кириб, ўзимни осидан бошқа илож қолмайди... Мустангер эсон-омон қамоқда ўтирган экан, нимадан кўрқишим керак? Қандай далил-исбот бор? Фақат зигирдек кўрғошин парчаси. Лекин отимни ўлар даражада қийнаб юборсам ҳам, уни чиқариб олишим керак».

– Ё раббий! Бу нима бўлди экан?

Колхаун кейинги сўзларни товуш чиқариб айтди ва даҳшат ичида жиловини шундай тортдики, мустангининг олдинги оёқлари кўтарилиб кетай деди.

Қуёш дашт уфқига кўтарилган эди, у чавандознинг орқасидан нур сочиб турарди. Унинг қаршисида то осмонга туташиб кетган жойгача оч бинафша ранг ту-

ман пардаси ёйилиб кетганди. Бу яқин атрофда жойлашган ўрмон чангалларидан кўтарилаётган буғлар эди. Дарахтлар кўринмасди, улар гўё ҳаво пардаси орасига яшириниб олган-у, ўрмон тепасига баланд кўтарилган ва осмон кўки билан бирлашиб кетган оч бинафша ранг ҳарир парда ортига яширинган эди.

Ана шу парда фонида ёки унинг орқасида бир қора пайдо бўлди, бу қора шундай ғалати эдики, уни илгари сира кўрмаган одамга мутлақо ғайришуурий бир нарсага ўхшаб кўринарди. Бу бошсиз чавандоз эди.

Лекин уни бу ҳолда ҳеч ким, ҳатто Колхауннинг ўзи ҳам кўрмаган эди. Йўқ! Ҳозир бошсиз чавандоз бутунлай бошқача бўлиб кўринарди. Унинг қораси ҳозир ҳам илгаригидан шакл жиҳатдан фарқ қилмас эди-ю, лекин ўзи ўн марта каттароқ бўлиб кетганди.

Бу энди одам эмас, дев эди. Тагидаги от эмас, от қиёфасидаги бир махлуқ эди-ю, лекин ўзи минорадек келарди. Лекин бу ҳаммаси эмас. Унинг кўринишида ундан ҳам каттароқ ўзгариш бўлганди. Агар бу ўзгаришга тушунишнинг умуман имкони бўлса, бундай ҳолни изоҳлаб беришнинг яна ҳам иложи йўқ. У энди ерда эмас осмонда от миниб юрарди. Бунинг устига отнинг ҳам, чавандознинг ҳам оёқлари осмонга бўлиб қолганди. Отнинг туёғи кўкдаги парданинг энг четида аниқ кўришиб турарди, чавандознинг елкаси эса калласи деб юборишимга сал қолибди, ер юзига тегай-тегай деб турарди.

Чавандознинг елкасига ташлаб қўйилган серапе, ернинг тортиш қонунига қарама-қарши ўлароқ, пастга осилиб қолмаган эди, отнинг жилови билан узун думи ҳам худди ана шундай тушуниб бўлмас бир ҳолда осмонга қараб турарди. Бу даҳшатли шарпа секин-секин, шошмасдан қадам ташлаб келарди. Колхаун унга кўрқувдан эси оғиб қараб турарди.

Мана дашт ўтига урилган отнинг енгил туёқ товуши эшитилди.

Колхаун қаршисидаги нарса, агар уни ростдан ҳам чавандоз деб бўлса, чинакам чавандоз эканини тушунди, бояги даҳшатли қора ўшанинг сояси эди.

– Сароб экан! – деб юборди капитан. – Шундай кўзбўямачилиқдан қўрққан мен аҳмоқни қара-я! Мана у мени қўрқитиб юборган нарса! Мен эса худди ўшани қидириб юрибман. Яқинлигини айтмайсанми! Қани, энди қувиш керак! Уни то Техаснинг нариги томонигача қувиб боришга тўғри келса ҳам бари бир унга етиб оламан.

Кенг дашт бағрида икки чавандоз отларини жуда чоптириб кетишмоқда. Иккаласининг тагида ҳам учқур мустанг. Биттасининг оти – тўриқ, иккинчисиники – қўк. Чавандозларнинг бири иккинчисини қувиб бормоқда.

Олдиндагиси бошсиз чавандоз қувиб бораётгани эса бошла чавандоз. Ана ўша бошда ёмон бир фикр тузилган.

Пойга узоқ давом этмади. Колхаун ғалаба қозонганига алақачон ишона бошлади. Қўк мустанг тўриқ мустангни қувиб етаётгани аниқ. Колхаун қўлига милтигини ҳам олди – у тўриқ мустангни отмоқчи ва шу билан ишни тугатмоқчи.

Агар у теккизолмай қолишига шубҳа қилмаса, алақачон ўқ узган бўларди. Лекин у тараддудга тушиб турган бир вақтда тўриқ от бошсиз чавандоз билан шартта чангаллар орасига бурилиб кетди.

Капитан буни кутмаган эди. Уни яна қувиб боришга мажбур бўлди. Колхаун қўрқинчли чавандозни яна бир марта қувиб етди, қувиб етганда ҳам шундай яқин бориб қолдики, қўк мустангнинг керилиб кетган бурун тешиклари тўриқ мустангнинг думига тегай-тегай деб турарди. Милтиқни капитан чап қўлида отишга тайёр ҳолда ушлаб турар, ўнг қўлининг бармоғи эса тепки устида эди. У фақат қаерини мўлжалга олсам яхшироқ бўлади, деб ўйларди, холос.

Яна бир дақиқадан сўнг ўқ олдинда учиб бораётган отга теккан бўларди, лекин тўриқ хавфни сезгандек тўсатдан бир тарафга ўзини ташлади-да, қувиб келаётган мустангнинг тумшугига шартта бир тепди ва қочиб кетди.

Қўк мустанг тўхтаб қолди, биқинига қаттиқ келиб ботган шпор уни яна бўйсунушга ва яна тез чопишга мажбур қилди.

Колхауннинг тоқати тоқ бўла бошлади. У тўриқнинг чангалзорнинг энг қуюқ жойларига кириб кетаётганини сезиб қолди. Овининг яна ўнгидан келмай қолиши мумкин эди. Жон ҳолатда Колхаун яна милтиққа ёпишди.

Бошсиз чавандоз қуюқ чангаллар орасига кириб бораётган эди. Капитан қочиб кетаётган тўриқ отни мўлжалга олди. Милтиқ оғзидан қуюқ тутун бурқсиб чиқди. Ўқ товуши эшитилди, шундан кейин алақандай бир қора нарса тўп этиб ерга тушди, сакраб кетди ва тўппа-тўғри Колхаун отининг оёғи тагига думалаб келди.

Кўк мустанг пишқирди ва орқага тисланди. Чавандоз қўрққанидан қичқириб юборди: пастда, ўт устида одамнинг калласи ётарди. Каллада айланма соябон шляпа ҳамон қаттиқ ўрнашиб турарди.

Опшоқ, қонга беланган, тиришиб қолган юзи тўппа-тўғри Колхаунга қараб турарди. Кўзлари очиқ, лекин улар иккита шиша соққадек, совуқ, ҳаётсиз, қўрқинчли кўзлар бақрайиб қарарди. Кўкариб кетган лаблари орасидан икки қатор оқ тишлари кўриниб турарди.

Кассий Колхаун унга даҳшат ичида қарарди.

Бу юзма-юз учрашув узоқ давом этмади. Шляпа соябонлари орасида турган калла барра ўт устида тебранишдан тўхтамасданоқ Колхаун отини бурди, унинг биқинига шпорларни қаттиқ ботириб, жон ҳолатда ура қочиб қолди.

У ҳамон чангаллар орасидан ўзига йўл очиб бораётган бошсиз чавандозни ортиқ қувмади. Колхаун орқага, Каса-дел-Корвого от қўйиб борарди.

## САКСОН ИККИНЧИ БОБ

### ҚЎРҚИНЧЛИ ТУТУН

Кекса овчи чангаллар орасидан чиқиб, шошмасдан капитан изидан бораверди. Унинг башарасига қараб сабрсизлик ва хавотирлик аломатларини сезиш мумкин.

Шошмасдан ва эҳтиёт билан йўл юрган Зеб ниҳоят капитан бошсиз чавандоз билан учрашган жойга етиб келди.

– Демак, бу ярамас уни қидириб топибди, – деди Зеб изларни кўздан кечирар экан. – Лекин бу ҳали капитан бошсиз чавандозни тутиб олишга муяссар бўлибди деган гап эмас... Лекин бу ерда мен нима учун аҳмоқларга ўхшаб турибман? Ҳозир вақтни қўлдан бериб бўладими, ахир! Агар Колхаун бошсиз чавандозни қувиб етган ва ўзига зарур бўлган нарсани чиқариб олган бўлса, унда додингни худога айтавер, унда мен ҳеч нарса қилолмайман. Шошилиш керак! Кетдик, кампиршо! Бу ердан ярим соат бурун ўтган ўша кўк отни қувиб етишга ҳаракат қил. Энди улардан секинроқ чопмаслигини бир кўрсатиб қўй. Қани, бўл!

Кекса овчи ўзининг биттагина шпори билан биянинг биқинига туртди, шундан кейин от елиб кетди. Ҳозирча унинг бундан ҳам тезроқ чопишига ҳожати йўқ эди. Зеб илгаригидек эҳтиёт билан йўл босар ва ҳушёрлик билан олға қарарди.

Изининг боришига қараганда, деб фикр юритарди кекса овчи, унинг қаёққа боришини анча аниқ айта оламан. Барча йўллар ўша ерда бирлашади. Орқасига қайтиш насиб бўлмаган шўрлик ҳам худди шу йўлдан кетган эди. Нима ҳам қилардинг! Ҳаётини қайтариб беришнинг иложи йўқ экан, уни ҳаётидан жудо қилган аблаҳнинг жазосини бериб қўйиш керак... Тўхта! Ана ўзи ҳам кўриниб қолди! Ана, бошсиз чавандоз ҳам шу ерда экан. Иосафат! Жони борича от чоптириб кетяпти! Қасам ичаманки, кўк мустанг тўриқни қувиб ета олади. Улар бу тарафга келишаётгани йўқ, сен билан мен яширинмасак ҳам бўлади. Жим тур! Ҳозир чопиб бўлмайди, бўлмаса кўриб қолишлари мумкин. Кўрқма! У ҳозир ўзи билан ўзи жуда ҳам овора бўлиб қолган, олдидаги нарсдан бошқа ҳеч нарсани кўрнайди ҳам... Хўп. Ўзим ҳам шундай бўлар, деб ўйлаган эдим, тўппа-тўғри йўлакка кириб кетди. Қани, бияжон, кетдик!

Зеб Стумп йўлакдан кўз узмай, чангаллар орасига кириб келди.

Ўқ товуши Зебни ҳайрон қолдирмади. Аксинча, у буни капитан бошсиз чавандозни қувиб бораётганини кўрган пайтдан бошлаб кутарди.

Кекса овчи кейинроқ, Колхаун эсини йўқотган ҳолда орқага от чоптириб келаётганини кўрганда ҳайрон бўлди.

– Минг лаънат! – деб қўйди Зеб. – Хўп қизиқ гапми! Улар орасида алақандай бир иш бўлганга ўхшайди. Ҳа-ҳа-ҳа! Жин-ажиналар қувиб келаётгандек тирақайлаб қочишини қара-я! Ёки энди уларнинг роли ўзгардимикан, энди бошсиз чавандоз капитанни қувиб келяптимикиан? Шунақага ўхшайди. Шундай бир манзарани томоша қилиш учун битта кумуш долларни садақа қилган бўлар эдим. Ҳа-ҳа-ҳа!

Овчи отдан тушди ва қочиб келаётган чавандоз уларни кўриб қолмаслиги учун бияси билан чангаллар орасига яширинди.

Лекин Колхаун шунақанги тез ва паришонхотир қочиб кетаётган эдики, агар Зеб унинг қаршисида очиқ жойда турган бўлса ҳам, уни кўрмаган бўлар эди.

«Иосафат! – деб ўйлади овчи, капитаннинг кўркүв акс этиб турган башарасини кўрар экан. – Мабодо кетидан жин-ажиналар қувиб келмаётган бўлса, улар унинг ичида бўлса керак. Умримда бундай кўрқинчли башарани кўрмаган эдим. Унинг қўлига тушадиган хотинга ҳалитдан юрагим ачийди. Бечора мисс Пойндекстер! Умид қиламанки, у бунга чап берар ва бундай безорининг хотини бўлмас... Лекин нима гап ўзи? Нима учундир ҳеч ким кўринмайди, у эса ҳамон тирақайлаб қочиб кетяпти. Энди қаёққа кетяпти экан? Буни билиб қўйиш керак».

– Ҳа-а! Уйига экан! – деб юборди Зеб чангаллар орасидан ўрмон четига чиқиб ва Колхауннинг Каса-дел-Корво тарафга қараб ҳамон от чоптириб кетаётганини кўриб. – Уйга кетаётгани аниқ! Энди кампиршо, – деб давом этди Зеб кўк от кўздан ғойиб бўлгандан кейин, – биз бориб, нимага ўқ узганини билишимиз керак.

Ўн дақиқадан кейин Зеб биядан тушди ва ердан энг тошбағир одам ҳам чўчимасдан қўл теккиза олмайди-ган нарсани олди. Лекин кекса овчининг қалбида бундай ҳис йўқ эди. У мурданинг калласини эҳтиёт билан

кўтариб олди. Башара ўлимдан сўнг ўзгариб кетган бўлишига, қонга беланганига, тиришиб қолганига қарамай, у бунинг ўзи учун қимматли бўлган йигитчанинг калласи эканини таниди.

Зеб калладан шляпани ажратиб олмоқчи бўлди, лекин қанчалик уринмасин уни чиқариб ололмади. Калла шундай шишиб кетган эдики, шляпа четига ўралган лента узилиб кетай деб турарди.

– Ё, раббий! Ё, раббий! – деб юборди ниҳоят овчи. – Отаси учун бу қандай совға бўлди! Уни бу ердан олиб кетмаслик керак. Шу ерга кўмиш ва ҳеч кимга ҳеч нарса демаслик керак... Йўқ, бундай қилиш ярамайди, бу судда гувоҳлик учун керак бўлади.

Зеб шундай деб ўзининг эски байка одеялини ёзди ва унга каллани ўради, кейин бу қўрқинчли тутунни эгарининг қошига илиб қўйди-да, биясига миниб сетламентга қайтиб кетди.

## САКСОН УЧИНЧИ БОБ

### ҚОНУН НОЗИРЛАРИ

Морис Жералд ҳарбий қамоққа қамалганига уч кун бўлганда иситмаси пасайди ва алаҳламай қўйди. Тўртинчи кун у деярли соғайиб қолди. Бешинчи кунига суд иши кўрилиши тайинланди.

Одамни йигирма тўрт соат ичида суд қилиш ва осиб юбориш ҳеч гап бўлмаган Техасда бундай шошилинч иш кўрилишига жуда ҳам ажабланмаса бўларди. Қамалган йигитнинг беҳисоб душманлари ўзларининг алақандай фикрларига биноан воқеаларни ҳар хил баҳоналар билан тезлатиш пайида эдилар, жуда кам бўлган дўстлари эса бунга қаршилиқ кўрсатиш учун етарли даражада кучли эмас эдилар.

Аҳолининг кўпчилик қисми биринчи гуруҳ тарафида эди ва дарҳол суд қилишни ҳамда жиноятчини жазолашни талаб қиларди.

Тўсатдан шу кайфиятдаги одамларга четдан мадад келиб қолди. Шундай бўлдики, округ суди шу кун-

ларда сафарга чиққан ва Инж қалъасида бўлиш учун белгиланган кунлари худди шу муддатга тўғри келиб қолган эди.

Шундай қилиб, Морис Жералднинг ишини бошқа жиноий ишлар қаторида худди ана шу кунларда кўрилиши муқаррардек бўлиб қолди, бундан ташқари, судни орқага суришни ҳеч ким сўрамади ҳам. Суд шу ойнинг ўн бешинчи кунига тайинланган эди.

Айбланувчига ҳимоячининг ёрдами керак бўлиб қолса ҳам ажаб эмасди, лекин сеттлментда бу касб-корни қиладиган биронта одам йўқ эди. Ҳимоячилар одатда суд ҳакамлари билан бирга юрадилар, улар эса ҳозир Инж қалъасидан узоқда эдилар. Шунга қарамай, сеттлментда бир юрист пайдо бўлиб қолди, у мустангерни ҳимоя қилиш мақсадида бу ерга Сан-Антониодан келган номи чиққан бир одам эди. Унга қандайдир бир аёл каттагина пул тўлагани учун юрист шундай узоқ сафарга чиқишга мажбур бўлибди деган гап-сўзлар юрарди. Яна бир бошқа адвокат ҳам пайдо бўлиб қолди.

У Инж қалъасига Морис Жералдни кўриш учун атайин узоқ Ирландиядан келган эди. У ўзи келиб тушган Обердофер меҳмонхонасида Морис Жералднинг қамоқда ётганидан хабардор бўлганида жуда ҳайрон қолди.

Ирландиялик адвокат уни маҳбус олдига киритишларини талаб қилди. Техас маъмурлари унинг талабини рад қила олмадилар, унга рухсат бердилар. Ирландиялик адвокатнинг келиши қалъа ва сеттлментда ҳар хил гап-сўзларнинг туғилишига сабаб бўлди. Морис Жералд унга аллақандай даҳшатли бир воқеани сўзлаб бергани тўғрисида миш-мишлар юрарди. Лекин улар қандай суҳбатлиги қоронғилигича қолди, шунинг учун сеттлмент аҳолиси буни тезроқ билишга қизиқиб ўлаёзган эдилар.

Бундан фақат бир киши, Зеб Стумп хабардор бўлиши мумкин эди, лекин кекса овчи кўринмасди. Уни фақат бир марта ирландиялик юрист билан сўзлашиб



юрганини кўрдилар. Шундан кейин кекса овчи ғойиб бўлиб қолди. Ҳамма Зеб Стумп, одатдагидек, буғу, айиқ ёки ёввойи курка овига жўнаб кетди, деб ўйлар эди.

Лекин ҳеч қайсисининг гапи тўғри эмасди. Зеб бу сафар ўрмонга ов қилиш учун эмас, бошсиз чавандозни тутиб келиш учун жўнаб кетган эди.

## САКСОН ТЎРТИНЧИ БОБ

### МЕҲРИБОН ЖИЯН

«Уни эртага суд қилишади, худога шукур! Унгача анави ярамас махлуқни бирон бир киши тутиб келиши амри маҳол! Бундай бўлиши мутлақо мумкин эмас деб умид қиламиз. Бошқа нарсдан эса кўрқмасам ҳам бўлади. Қани ўшасиз исбот қилиб кўрсинлар-чи!

Ажабо. Анави ирландиялик лўттибоз нима учун бу ерга келди экан? Анави бошқа юрист-чи? Қизиқ, уни бу ерга ким ва нима учун юборди экан? Унга яхшигина пул тўлашган бўлса керак...

Минг лаънат ҳаммасига! Бари бир кўрқмайман. Бу жинойтни Жералд қилган деган қарорга келишдан бошқа нимани ҳам ўйлаб топишарди? Ҳамма далиллар ўшанга қарши.

Фақат Зеб Стумп мени хавотир қиляпти. Маккор! Уни ҳеч қаердан топишолмаяпти. Қизиқ, қаерларга йўқолиб кетди экан? Овга кетган дейишади. Лекин овга кетганга ўхшамайди. Уни тутиб келгани кетган бўлса-я? Бирдан тутиб келса-я...

Ўзим ҳам яна бир марта уриниб кўрсам бў ларди-ю, лекин вақт ўтди-да. Эртага кечқурун ҳамма иш тугайди. Борди-ю, ундан кейин сир очилиб қолса-чи? Бўлганича бўлар, бу тўғрида ўйламайлик. Ишқилиб ҳозир ҳамма ишлар жойида бўлса бас. Битта одамни осиб юборганларидан кейин бошқасини айблаш ҳеч кимнинг эсига келмаса керак дейман.

Менимча, регуляторлар билан муносабатим яхши, ҳатто Сем Менли ҳам етарли даражада ишонтирилган. Ўша куни кечаси эшитиб олган гапларимни сўзлаб берганимда, унинг шубҳалари тарқалиб кетди.

Минг лаънат-е!.. Лекин ўтган ишга саловат. У мустангер билан учрашувга чиқди, энди бунга кўникмай илож йўқ. Лекин энди уни ҳеч вақт учратмайди, бу аниқ гап, нариги дунёда учрашса, эҳтимол.

Нима ҳам дердим, бу унинг ўзига боғлиқ... Уларнинг орасида бирор жиддий иш бўлмагандир, деб ўйлайман. Кўпинча ножўя қилиқ қилишига қарамай у ўшандай қизлардан эмас. Бу иши миннатдорчиликдан бўлса ҳам ажаб эмас.

Йўқ, йўқ! Оддий миннатдорчилик деб кўришиш учун боғнинг хилват жойига ярим кечада ўрнидан туриб борармиди. У ўшани севади, ўшани севади!

Севса севар. У йигит ҳеч вақт бу қизга эришолмайди. У яна қайсарлик қилиб сўзида туриб олса, ҳеч вақт йигитни кўрмайди. Қизнинг бир оғиз сўзи уни дор тагига олиб боришга кифоя қилади. Яна бир марта рад қилса, уларга ўз ҳукмимни кўрсатиб қўяман. Ирландиялик йигит билан бўлган авантюра тутабгина қолмайди, унинг ҳалок бўлишига қизнинг ўзи сабаб бўлади. Қиз ундан ажралади, шунингдек, плантация, уй-жой, ҳабашлар – ҳаммасидан айрилиб қолади...»

Ўз хонасига қамалиб олган Колхаун ана шундай мулоҳаза қилиб ўтирарди.

– Келинг, Вудли тоға! Мен сизни кўрмоқчи эдим.

Плантатор авзойи бузуқ, индамай Каса-дел-Корво йўлакларига кезиб юрарди. У жиянининг хонасига тасодифан, муайян бир мақсадсиз кириб қолди.

– Мени кўрмоқчи эдингми, Кассий?

Ғамдан адо бўлган чолнинг овозидан алақандай хўрланган кишининг тобелиги сезилиб турарди. Икки юз қулни зириллатган мағрур Пойндекстер энди ўз ҳукмдори қаршисида турарди. Тўғри, унинг ҳукмдори ўзининг жияни, опасининг ўғли эди, лекин бундан унинг аҳволи енгиллашмасди.

– Сиз билан Лу тўғрисида сўзлашиб олмақчи эдим, – деб жавоб берди Колхаун.

Бу мавзу Вудли Пойндекстер ҳар хил баҳоналар билан қочиб юрган мавзунинг ўзгинаси эди. У бу тўғрида гаплашиш у ёқда турсин, ҳатто ўйлашдан қўрқарди.

Колхауннинг гап бошлаши оҳангига қараганда бундан ҳеч қандай яхшилик кутиб бўлмаслиги кўриниб турарди. Унинг гапиришидан илтимосдан ҳам кўра кўпроқ талаб қилаётгани сезилиб турарди.

– Лу тўғрисида дейсанми? Нима демоқчисан бу ҳақда? – деб сўради Пойндекстер, ўзини хотиржам кўрсатишга тиришиб.

– Гап бундай... – деди Колхаун гап бошлашга юраги бетламаётгандек бир оз тарадудланиб. – Мен... истардимки...

– Бу тўғрида ҳозирча гаплашмоқчи эмасдим, – деди плантатор.

У буни ялингандек айтди.

– Нима учун ахир, тоға? – деб сўради Колхаун энди узил-кесил қилиб ва тоғасининг эътирозидан норози бўлиб.

– Ўзинг биласан нима учунлигини!

– Вақтнинг оғир эканини тушунаман. Бечора Генри йўқолиб кетди. Тахмин қилишларича, у... ҳали қайтиб келиб қолиши ҳам ажаб эмас, унда ҳамма ишлар яхши бўлиб кетади.

– Ҳеч вақт! Биз энди уни на тирик, на ўлик кўроламиз. Энди менинг ўғлим йўқ!

– Лекин қизингиз бор, у эса...

– У мени шарманда қилди!

– Мен бунга ишонмайман, йўқ...

– Бўлмаса ўзим кўрган ва эшитганларимни қандай изоҳлаш керак? Уни йигирма мил узоқдаги жойга, оддий от савдогари чайласига боришга нима мажбур этди? Ё, раббий! Нима учун ахир у мустангерни, ўғлимнинг қотилини, акасининг қотилини ҳимоя қилди? Ўйлаб кўришнинг ўзи қўрқинчли!

– Ҳар қандай қиз ҳам шундай қилган бўларди.

– О, қани энди айтганларингга ишона олсам! Шурлик қизим! Энди мен ўғлимдан ажралган бир пайтда мен учун у яна ҳам қимматлироқ бўлиб қолди.

– Сизнинг ўғиллик бўлишингиз фақат унга боғлиқ бўлиб қолди... у ўғил сизга аллақачондан бери яқин бўлиб қолган, ҳар нима қилса ҳам қўлидан келганича ҳа-

лок бўлган ўғлингиз ўрнини босишга ҳаракат қилади. Мен имо-ишоралар билан гапиришни истамайман, Вудди тоға. Нима тўғрисида ўйлаётганимни ўзингиз ҳам биласиз. Лу меники бўлишини истаيمان.

Плантатор буларни эшитиб заррача ҳам ҳайрон қолмади. У буни кутган эди. Шундай бўлса ҳам унинг қовоқ-димоғи баттар осилиб кетди.

Бу ғалати туюлиши мумкин. Охирги вақтгача Пойндекстер шундай никоҳ тарафдори бўлиб келганди ва бир неча марта эҳтиёткорлик билан қизини бунга кўчдиришга уриниб кўрган эди.

Техасга кўчиб келгунларича Пойндекстер жияниги яхши билмасди. Колхаун балоғатга етган ва Миссисипи штатининг граждани бўлиб қолгандан бери у вақтининг кўп қисмини беҳад шод-хуррамлик шаҳри бўлган Янги Орлеанда ўтказарди. Вудди Пойндекстер жиянини фақат Кассий Луизанадаги плантацияларни тасодифан кўргани келиб қолган вақтлардагина учратарди. Лекин кейин Луиза улғайиб, гўзал қиз бўлиб етишгандан кейин Колхаун тез-тез келиб турадиган зауларникида узоқ меҳмон бўладиган бўлиб қолди.

Кейин Кассий Мексика юришида иштирок этди, сафарда ўн ойча юрди ва капитанлик лавозимига кўтарилди. Ҳарбий мардликлар кўрсатиб бўлгандан кейин жияни ватанига креол қизнинг қалбига хўжайин бўлиш тўғрисидаги қатъий фикр билан қайтиб келди.

Ўшандан кейин Колхаун тоғасининг уйини деярли тарк этмади. У қизнинг кўнглига жуда ҳам ёқиб қолмаган бўлса-да, ҳар ҳолда отасининг азиз меҳмони бўларди.

Бир вақтлар бадавлат одам бўлган плантатор кейинги йилларда тез камбағаллашиб борди. Фарра-шарра харажат қилиб яшаши уни хонавайрон қилди. Жиянининг пулларини ишлатиб, Вудди Пойндекстер ишларини яна ўнглаб олди. Пойндекстер ўз ватанида ҳамон кўни-кўшниларининг ҳурматига сазовор эди. Жиянидан қарздор экани у ерда жуда кам одамларга маълум эди. Фақат Техасга кўчиб келгандан кейингина плантаторни қарздорликнинг тоши боса бошлади. Унинг жияни билан бўлган муносабати капитаннинг дахлсиз

Луиза қалбини эгаллаш учун бир неча бор уриниши муваффақиятсиз чиққач яна ҳам кескинлашиб кетди.

Энди плантатор жиянининг феълени яхшироқ билиб олиш имкониятига эга бўлганди. Каса-дел-Корвога кўчиб келганларидан бери кун сайин жиянидан ҳафсала-си пир бўла борди. Колхауннинг мустангер билан бўлган жанжали ва унинг оқибати, гарчи қариндоши сифатида жиянига ён босиши лозим бўлса ҳам, кекса Пойндекстернинг унга нисбатан ҳурматини мутлақо оширмади.

– Агар гапингни тўғри тушунган бўлсам, Кассий, сен тўй тўғрисида гапиряпсан. Уйда аза бўлган бир вақтда тўй тўғрисида ўйлаб бўладими. Ахир сетглментда бундан хабардор бўлиб қолсалар, шов-шув кўтарилади-ку.

– Янглишяпсиз, тоға. Мен тўй тўғрисида ўйлаётганим йўқ. Яқин орада бўладиган тўй тўғрисида гапиряпман... Мен бунга бир оз бўлса ҳам ишонч ҳосил қилмоқчи эдим, шундан кейин эса қулай пайт келишини кутиб юришга розиман.

– Гапингга тушунолмадим, Каш.

– Ҳозир тушунтириб бераман. Гапимга қулоқ солинг.

– Гапир.

Мен бундай демоқчи эдим. Мен уйланмоқчиман. Яқинда ўттиз ёшга киришимни биласиз. Шунча ёшга кирганда жаҳонгашталик одамнинг жонига тегади. Мен бундан жуда зерикдим, бундан кейин сўққабош бўлиб қолмоқчи эмасман. Луизани менинг хотиним бўлишини истайман. Бунга шошилишнинг кераги йўқ. Мен фақат унинг ваъдасини олиб қолмоқчиман. Унинг ваъдаси ҳеч қандай шубҳага ўрин қолмаслиги учун қоғозга ёзилиб, имзоланиши ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак. Жудо бўлган акасининг гами эскиганидан кейин тўй ва яна баъзи нарсалар тўғрисида гаплашишга вақт топилаверади.

Корчалончасига олиб борилган суҳбат орасида «ака» деган сўзнинг тилга олинishi кекса отага жуда қаттиқ таъсир қилади. Вудли Пойндекстернинг ғурури яна қалқиб чиқди. Унинг ғазаби қайнаб тошди.

Лекин бу ҳис дарҳол сўнди. Унинг кўзига бир тарафдан плантациялар, қуллар, мол-дунё, жамиятда

тутган ўрни, иккинчи тарафдан ҳалокатдек туюлган камбағаллик кўриниб кетди. Лекин шунга ҳам қарамай, у бўш келмади.

Плантатор тараддудланиб жавоб берди:

– Нима ҳам дердим, Кассий, сенга бир нарса деб бўлмайди, мақсадингни анча очиқ қилиб айтдинг. Лекин мен қизимнинг сени ёқтиришини сезганимча йўқ. Сен уни ўзингга хотин қилмоқчисан. Хўш, унинг ўз ниятлари-чи? Менимча, буни назар-эътиборга олиш керак.

– Ўйлашимча, тоға бу кўпроқ сизга боғлиқ нарса. Сиз отасиз, уни кўндириш сизнинг ишингиз.

– Мен бунга ишонмайман. У нима деса хўп дейдиган қизлардан эмас. Ўзинг ҳам, Кассий, буни мендан кўра камроқ билмайсан.

– Нима қилибди, мен фақат бир нарсани биламан. Мен унга уйланишга ва Луни Каса-дел-Корвонинг бекаси қилишга қатъий қарор қилганман.

Бу беодоблик билан айтилган дағал гаплар Вудли Пойндекстерга қаттиқ ботди. Сиз энди Каса-дел-Корвонинг хўжайини эмассиз деб биринчи марта юзига солишлари эди.

Яна бутун аҳвол унинг кўз олдида кўриниб кетди. Бир тарафдан, бойлик, плантациялар, қуллар, жамиятда тутган ўрни ва иккинчи тарафдан, бутун қийинчиликлар билан камбағаллик...

Шундан кейин Вудли Пойндекстер қизининг бахтини қаро қилишга рози бўлди. У Колхаунга Луизани бундай никоҳга кўндиришга ёрдамлашишни ваъда қилди.

– Лу!

– Лаббай, ота!

– Сенга илтимосим бор.

– Нима экан, ота?

– Аммангнинг ўғли Кассий сени севишини ва сенга уйланмоқчи эканини биларсан?

– Мен унга тегишни хоҳамайман. Йўқ, ота! Ўлганим яхшироқ! Ўзбошимча аблаҳ! Билиб турибман. У сени менинг олдимга шундай таклиф қилгани юборган. Унга бориб айт, мен унинг хотини бўлгандан кўра, даштга

қочиб кетишни ва ёввойи от овлаб, бир бурда нон топиб ейишни афзал кўраман! Унга ана шундай деб айт.

– Менга қара, қизим, сен, афтидан, баъзи нарсалардан бежабар бўлсанг керак...

– Аммамнинг ўғли сенга қарз берганиданми? Буларнинг ҳаммасини биламан, отажон. Лекин шунингдек, сен Вудли Пойндекстер эканингни, мен эса сенинг қизинг эканимни ҳам биламан.

Плантаторнинг қалбида ўзининг қадрига етиш ва мағрурлик ҳислари тантана қилди, у қизига шундай деб жавоб берди:

– Жоним қизим, Луиза! Худди онангнинг ўзисан! Мен эса сендан шубҳа қилиб юрибман. Кечир мени, жоним қизим. Ўтган гапларни унутайлик. Ўз билганингни қил. Энди сенга бу ҳақда бир офиз ҳам гапирмайман.

## САКСОН БЕШИНЧИ БОБ

### МУЛОЙИМ АММАВАЧЧА

Луиза Пойндекстер отаси ўз ихтиёрига қўйиб кетгандан кейин, бундан жуда яхши фойдаланди. Орадан бир соат ҳам ўтмай у Колхауннинг таклифини узил-кесил рад қилди.

У қизга шу билан учинчи марта шундай таклиф қилиши эди. Тўғри, бунгача икки марта бу тўғрида имо-ишоралар билан гапирган ва очиқ айтишга юраги бетламаган эди.

Учинчи марта эса у оддий, лекин тамомила равшан рад жавобини олди. Қиз оддийгина қилиб «йўқ» деди ва «ҳеч вақт» деб қўшиб қўйди.

Колхаун қизнинг жавобини мутлақо ҳайрон бўлмай эшитгандек эди. Чехрасида тундлик ифодалари кўринмади. У шундай жавоб олишини кутган бўлса керак.

– Буни шунчаки айтаётган бўлсанг керак, Лу?

– Йўқ, жиддий айтяпман, сэр. Шундай нарсалар билан ҳазил қилиб бўларканми?

– Бу тўғрида сира ўйламай-нетмай жавоб бергандай бўлдинг.

– Нима тўғрида ўйлаб кўрмабман?

– Кўп нарсалар тўғрисида

– Аниқроғи-чи?

– Даставвал, мен сени қанчалик севишим тўғрисида ўйлаб кўрмадинг.

Луиза индамади.

– Мен сени севаман, – деб давом этди Колхаун, – сени шундай севаманки, Лу, ҳеч ким ҳеч вақт бундай севмаган! Бу ҳис олдида ўзим ҳам ожизман. У фақат мен билан ўлиши мумкин. У сенинг ўлиминг билан ҳам ўчмайди.

Ҳеч қандай жавоб бўлмади.

– Муҳаббатимнинг тарихини сўзлаб ўтиришдан не фойда. Бу ҳис сени биринчи марта кўрган кунимоқ, ҳатто ўша соатдаёқ алангаланган. Бундан олти йил олдин «сизларникига келганимда, отдан тушишим биланоқ, дастурхон ёзгуларича мен билан боғни бир айлашиб келинг, деб таклиф қилдинг. Ўша вақтда сен ҳали ёш бола эдинг, бўйга етмагандинг, лекин ўшанда ҳам ҳозиргидек гўзал эдинг! Менинг қўлимдан олдинг ва турган гапки, қўлчанг менга тегиб кетганидан қанчалик ҳаяжонга тушганимни хаёлингга ҳам келтирмай, шағал ётқизилган йўлкадан бошлаб кетдинг. Ўша ҳис бир умр ёдимда сақланиб қолди. Уни на вақт, на масофа, на шалоқ ҳаёт кечирганим юрагимдан ўчиरोлди...

– Мени севганингдан фойда йўқ, Кассий, – деб унинг сўзини бўлди Луиза. – Буни сенга очиқ-ойдин айтиб қўйишим керак. Мен сени севмайман... Севолмайман.

– Демак, менга тегмайсан?

– Мана бу жуда ортиқча савол бўлди. Сени севмайман деб айтдим-ку. Менимча, шунинг ўзи кифоя қилса керак.

– Мен эса сени севаман, дедим. Бу эса сенга уйланишимга бўлган сабаблардан бири, холос. Лекин бошқа сабаблар ҳам бор. Ҳаммасини эшитишни хоҳлайсанми?

– Бошқа сабаблар ҳам бор дедингми? Айтавер уларни, гапингни охиригача эшитишдан қўрқмайман.

– Шундайми ҳали! – деб кулиб қўйди у. – Қўрқмайсанми?



– Йўқ, кўрқмайман. Нега энди кўрқар эканман?

– Тўғри, сен эмас, отанг кўрқиши керак.

– Отамга тааллуқли гапга мен бефарқ қарай олмайман. Мен унинг қизиман. Энди, афсуски, унинг ёлғиз фарзандиман... Давом этавер, Кассий. Унинг бошига қандай фалокат тушибди?

– Фалокатгина эмас, Лу, бу жуда жиддий фалокат! Қайсики, унга чап бериб кетиш унинг кўлидан келмайди. Сен мени ўзинг мутлақо билишинг лозим бўлмаган нарсалар тўғрисида гапиришга мажбур этяпсан.

– Наҳотки? Хато қиляпсан, Кассий. Ҳаммасидан аллақачон хабардорман. Отамнинг қарздор эканини унга пулни сен берганингни биламан. Мен буни сезмай қола олармидим? Бизнинг уйимизда кеккайиб юришинг, доим хизматкорлар олдида ҳам такаббурилик қилишинг, ҳатто хизматкорларга ҳам бизнинг уйимизда ҳамма ишлар жойида эмаслигини сезиб олиш учун кифоя эди. Сен Каса-дел-Корвонинг хўжайинисан. Мен буни биламан. Лекин менга хўжайин эмассан.

Колхаун ўз услубининг муваффақиятсиз чиққанини кўрди, шундан кейин бошқа тарафдан гап айлантириб кўрди.

– Ҳа, бу тўғри! – деб жавоб берди у истехзо билан. – Нима ҳам дердим. Қалбинга хўжайин бўлмасам ҳам ростдир, лекин сенинг бахтинг менинг кўлимда. Мен сени рад қилишга мажбур этган ўша ночор разилни танийман...

– Кимни айтяпсан?

– Ўзинг билмаяпсанми?

– Йўқ. Эҳтимол, ўзингни ночор разил деётгандирсан? Унда сўзингга тамомила кўшиламан.

– Шундай ҳам бўла қолсин, – деб жавоб берди капитан ғазабдан қизариб, лекин ҳамон ўзини кўлда ушлаб. – Ҳамон мени ана шундай ночор разил одам деб ҳисоблар экансан, сени нима қилмоқчи эканимни айтиб берганим билан менга қарашинг ўзгариб қолмас, деб ўйлайман.

– Сени нима қилмоқчи эканимни дейсанми? Жуда ҳам ўзингга ишониб кетибсан, Кассий. Мен билан гўё

Ўз қулингдек гаплашаётибсан. Бахтимдан бўлиб, сенинг қулинг эмасман.

Колхаун қизнинг газаб билан қарашига дош беролмай жимиб қолди.

– Қизиқ, билсам бўладими, – деб давом этди қиз, – мени нима қилмоқчи эканингни эшитсам бўладими?

– Айтаман.

– Мени тўрт томонинг қибла деб даштга ҳайдаб юбормоқчимисан ёки монастирга тиқиб қўймоқчимисан? Эҳтимол, қамаб қўймоқчидирсан.

– Кейинги айтганингдек қилсам, эҳтимол, сенга жуда ҳам ёқиб тушган бўларди, турган гапки, агар сени анави... билан бирга қамаб қўйишса, албатта.

– Қани, гапир, менинг тақдирим қандай бўлади ахир? Қачон биларканман деб ўлиб кетяпман, – деди Луиза мазах қилиб.

– Шошилма. Биринчи кўринишини эртага кўрасан.

– Бунча тез? Қаерда кўраман, билсам бўладими?

– Судда.

– Қандай қилиб?

– Жуда осон. Сен судья билан йигирмата суд маслаҳатчилари қаршисида турасан.

– Ўз ҳазилингиздан мамнун бўлсангиз керак, капитан Колхаун? Лекин сенга айтиб қўяй, ҳазилларинг менга ёқмайди.

– Қандай ҳазил? Эртага суд бўлади. Мистер Морис Жералд ёки Мак-Сивини ёки О’Тогерни, унинг исми қандай бўлишидан қатъи назар, акангни ўлдирганликда айбланиб суд қаршисида жавоб беради.

– Ёлғон бу! Морис Жералд бундай қилиши мумкин эмас...

– Бундай жиноят қилиши мумкин эмасми? Буни ҳали текшириб кўриш керак. Унинг айбдор экани исбот қилинади, бунга заррача ҳам шубҳа қилмайман. Энг катта далилларни эса сенинг оғзингдан эшитамиз.

Креол қиз суҳбатдошига худди ҳуркиб кетган оҳу-дек ҳайронлик ва хавотирлик акс этган кўзларини катта очиб қараб турар эди.

Луизанинг тили калимага келгунча бир неча сония ўтди. У бирдан қўйилиб келган гумон, шубҳа, қўрқувдан жим туриб қолган эди.

– Нима демоқчи эканингни тушунолмадим, – дея олди ниҳоят қиз. – Мени судга чақиринишади дединг. Нима учун? Мен ўлдирилган йигитнинг сингласи бўлсам ҳам, лекин одамлар гапириб юрган нарсаларга ҳеч нарса қўшолмайман ва ҳеч нарса билмайман.

– Шундаймикин? Ахир сен бошқалардан анча кўпроқ нарсаларни айтиб беришинг мумкин-ку. Масалан, худди ўша кечаси Жералд билан боғда учрашганингни ҳеч ким билмайди. Ўша яширин учрашув вақтида нималар бўлганини сендан яхшироқ ким билди. «Генри бу ишга қандай аралашганини, фақат сингласининг эмас, балки бутун оиласининг шарманда бўлишини ўйлаб, ғазабдан қанчалик ўзини йўқотганини, ниҳоят у ўша одамни ўлдиришга ташланганда, бунга уятсизларча алданган сингласининг аралашуви натижасида эришолмаганини, буларнинг биронтасини ҳам ҳеч ким билмайди. Бундан кейин Генрининг аҳмоқлардек ўша аблаҳ кетидан қандай ниятлар билан кетганини ҳам ҳеч ким билмайди. Ўша икки кишидан бошқа, уларнинг ажралишганига гувоҳ бўлган фақат яна икки киши бор эди, холос.

– Икки киши? Ким экан?

– Биттаси Кассий Колхаун, иккинчиси Луиза Пойндекстер.

Қиз сесканмади ва афтидан, ҳайрон ҳам қолмади. Фақат бир бўғинли сўз билан савол сўради:

– Ҳўш?

– Ҳўш, – деб унинг оғзидан чиққан сўзни илиб олди Колхаун, ўз сўзларининг қизга мутлақо таъсир қилмаганидан хафа бўлиб. – Менимча, энди тушунган бўлсанг керак...

– Илгаригидан ортиқ ҳеч нарсага тушунганим йўқ.

– Нарёғини айтишимни хоҳлайсанми?

– Ўзинг биласан.

– Бўлмаса тушунтириб берай. Айтмоқчиманки, Луиза, отангни тўла хонавайрон бўлишдан, сени эса шар-

мандалиқдан сақлаб қоладиган фақат битта йўл бор. Нима демоқчи эканимни тушунгандирсан?

– Тушунганга ўхшайман.

– Энди гапимни қайтармассан?

– Энди тезроқ рад этаман.

– Майли, шундай бўла қолсин. Демак, эртага судда гувоҳлик берар экансан-да?

– Пасткаш жосус! Йўқол кўзимдан! Ҳозир йўқол, бўлмаса отамни чақираман!

– Ўзингни қийнама. Сенга шунчалик ёқмас эканман, энди сира ҳам яқинингга йўламайман. Ҳаммасини яхшилаб ўйлаб кўр. Эҳтимол, суд бошлангунча қарорингни ўзгартирарсан. Шундай бўла қолса, судга чақиртиришнинг олдини олиш учун менга вақтида хабар берарсан деб умид қиламан. Яхши қол, Лу. Мен сени ўйлаб, ётиб ухлайман.

Колхаун лабларида аччиқ табассум билан ўз хонасига кетди. Кўриниши жуда ҳам ғолибона эмасди.

Луиза унинг оёқ товушлари йўлакда эшитилмай қолгунча қулоқ солиб турди. У ҳар вақтдагидан ҳам кўпроқ кўрқув остида қолиб, қўллари кўксига босди-да, креслога ўзини ташлади.

## САКСОН ОЛТИНЧИ БОБ

### ТЕХАС СУДИ

Мана, бу куннинг тонги ҳам отди.

Техас саваннаси тепасига оқариб келган тонг Инж қальасини ҳам ёритди.

Тонг отиши билан ҳар тарафдан ҳарбий шаҳарчага келаётган чавандозлар ҳам кўриниб қолдилар. Улар иккита-иккитадан, учта-учтадан, баъзан эса беш-олти кишидан иборат тўп-тўп бўлиб келар эдилар. Манзилга етиб келгач, улар отдан тушишар ва отларини четан деворга боғлашарди, даштга келиб тушганлар эса қозиқларга боғлаб қўйишарди. Кейин майдончада тўда-тўда бўлиб йиғилишарди. Баъзилари эса қишлоққа боришар ва майхонага киришарди.

Бу ерда ҳар хил миллатдан бўлган ва ҳар хил табиатли одамлар тўпланишганди. Улардан кўпчилиги кенг яғринли, баланд бўйли одамлар бўлиб, улар ҳиндулар билан жанг қилган ва уларни қонга ботирилган ўз қадрдон ёрларидан суриб чиқариб, бир вақтлар вигвамлар турган жойларга ўзларининг ёғоч уйларини қуриб олган дастлабки кўчиб келган одамларнинг авлодлари эди. Улар бу ерда, Миссисипи бўйларида, ўрмон кесиб кун ўтказар эдилар. Очилган ерларга улардан баъзилари жўхори, бошқалари пахта экиш билан шуғулланардилар. Миссисипи штатининг жанубий четларидан Техасга кўчиб келган аҳолининг кўпчилиги бу ерларга қанд лавлаги ёки тамаки экиш билан шуғулланиш мақсадида келган эдилар.

Бу ерда чорвадорларни ҳам, овчиларни ҳам, мол жаллобларни ҳам, ҳатто қул савдоси билан шуғулланадиган ҳар хил коммерсантларни ҳам учратсангиз-да, уларнинг кўпчилиги – ҳунари ва истеъдоди билан плантаторлар эди.

Бу ерда юристлар ҳам, танобчилар ҳам, ер олиб сотувчилар ҳам ва мол тамғалаш, команчиларга қарши сафарга чиқиш ёки Рио-Гранденинг нариги тарафида босқинчилик қилишга, ҳар хил авантюраларга бош қўшишга тайёр, бирор касби кори бўлмаган бошқа корчалонлар ҳам бор.

Уларнинг кийим-бошлари ҳам биз буни бир тасвир қилган эдик, касблари каби турли-туман, булар бундан бир неча кун олдин Каса-дел-Корво ҳовлисида тўпланган одамларнинг ўзи. Ҳозирги фарқ фақат бугун уларнинг кўпчилик эканида.

Тўғрироғи, бугунги тўпланган одамлар олдинги йиғиндагилардан яна бир жиҳатдан ҳам фарқ қилади. Бугун эркаклар билан бирга аёллар – уларнинг хотинлари, опа-сингиллари, қизлари бирга келишди. Улардан баъзилари от минган.

Юмшоқ, соябони пастга қайрилган шляпалар уларнинг кўзини қуёшнинг ёрқин нурларидан сақлайди. Баъзилари эса фургонларнинг оқ соябони тагига яши-

риниб олган ёки кареталарнинг юпқа тўр пардалари орқасида жон асрар эдилар.

Бугунги кунга суд белгиланган. Ҳамма унинг бошланишини сабрсизлик билан кутарди.

Сеттламентда Морис мустангер деган ном билан танилган Морис Жералдни суд қилишларини айтиб ўтириш ортиқча бўлса керак.

Шунингдек, уни Генри Пойндекстерни ўлдиришда айблашмоқда, деб қўшиб қўйиш ҳам ортиқчалик қилади.

Ҳамма бу иш билан боғлиқ бўлган сирли вазиятларни тезроқ билишга қизиқиб қолган. Кейинги вақтларда сеттламентда фақат шу тўғрида гап-сўз юрди, ҳамма бугунги судда ҳали ҳеч ким тагига етмаган сирнинг очилишига умид қилади.

Турган гапки, йиғилган оломон орасида бу ерга шунчаки қизиққандан эмас, балки айбланувчининг тақдирини маънавий билишдан жуда манфаатдор одамлар ҳам бор. Бу ерда яна ҳам чуқур ҳаяжон ва ғамга ботган бошқа одамлар ҳам бор, булар бедарак йўқолган йигитнинг дўстлари ва қариндошлари. Уни ҳақиқатан ҳам ўлдирилганлигини исбот қилувчи етарли даражада далиллар ҳали йўқ эканини унутмаслик керак.

Лекин бунга шубҳа жуда оз қолди. Бир қанча бир-бирига алоқадор бўлмаган вазиятлар жиноят ҳақиқатан ҳам юз берган деб тахмин қилишга асос берарди. Одамлар ҳам бу фикрга шундай кўникиб қолган эдиларки, улар гўё бу ғамгин воқеанинг ўз кўзлари билан кўриб гувоҳи бўлгандек сўзлар эдилар.

Улар фақат тафсилотларни эшитмоқчилар. Улар фақат бунинг қандай, қачон ва нима сабабдан бўлганини билмоқчилар, холос.

Соат ўн. Суд мажлиси бошланди.

Ҳарбийлар эрталабки парадни тугатиб, энди бўш вақтларини граждандар орасида ўтказмоқчи бўлдилар. Бу ерга плантаторлар, овчилар, савдогарлар ва авантюристлар билан бирга драгунлар, ўқчилар, пиеда аскарлар, артиллериячилар келганлар.

Суд бошланди.

Күз олдингизга, эхтимол, расмий суд бўладиган одатдаги жиддий вазият келса керак.

Лекин Техаснинг чегарадош районида суд мажлиси дунёнинг бошқа жойларида анъана тусига кириб қолган расмиятлардан бошқачароқ олиб борилади.

Бу ерда одатда ҳар хил мажлислар ўтказадиган хона бўлса ҳам, махсус суд биноси йўқ. Суд мажлислари ҳам худди ўша бинода бўлаверади.

Кун жуда иссиқ бўладиган кўринарди, шунинг учун суд мажлисини бинода эмас, балки қари азим эман дарахти тагида очишга қарор қилдилар. Бу ерга катта бир стол, очилиб ёпиладиган, чарм тортилган ўнтача стул келтирдилар. Стол устига қоғоз, ғоз пати, суд қонунлари мажмуаси йиғилган катта бир китоб қўйдилар. Сиёҳдон, бир шиша коньяк ва бир неча рюмка, бир қути гаван сигараси ва бир қути гугурт келтириб қўйдилар.

Стол ёнида судья пайдо бўлди. Унинг эгнида Англияда расм бўлган оқсувсар терисидан мантия ва пиджак бор эди. Кун иссиқ бўлганидан у қўйлакчанг иш кўрмоқчи бўлди. Унинг бошида чеккасига қўндирилган панама, оғзида сигара.

Бошқа стулларни адвокатлар, қалъа командири, капеллан, доктор, офицерлар ва қиладиган иши номаълум бўлган бир неча киши эгаллади.

Бир четга ўн иккита маслаҳатчи жойлашиб олди. Уларнинг баъзилари дағал ишланган скамейкада, баъзилари қуруқ ўт устида ўтирардилар.

Судья билан маслаҳатчилар атрофини оломон зич ўраб олди.

Нарироқда, фургонлар ва араваларда, ясаниб-тусаниб олган аёллар жойлашиб олдилар.

Дастлаб фақат Морис Жералдни эмас, Мигуэл Диаз билан унинг ўртоқларини ва Фелим О'Нилни ҳам суд қилмоқчи эдилар. Лекин дастлабки тергов вақтида мексикалик мустангер ўзини, шунингдек, ўртоқларини ҳам оқлаб олишга муяссар бўлди.

Улар ҳиндулар кийимини кийиб олганларига иқроп бўлдилар. Бу илгари ҳам исбот қилинган, шунинг учун



улар бунни буйниларига олмай иложлари қолмаганди. Улар ўз қилиқларини ҳазил деб кўрсатдилар. Генри Пойндекстер йўқолиб қолган кечаси уларнинг ҳаммаси уйда эканлиги, Мигуэл Диаз эса бундан ташқари ўлгудек маст эканлиги аниқлангандан кейин уларни ортиқ тергаб ўтирмадилар.

Фелимга келсак, уни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш афзалроқ деб ўйлаб, судланувчи ёнига ўтқазилгани лозим кўрмадилар. Шундай қилиб, судланувчи фақат Морис мустангернинг ўзи бўлиб қолди.

## САКСОН ЕТТИНЧИ БОБ

### СОХТА ГУВОҲ

Йиғилган одамларнинг жуда озчилиги айбланувчини танир эди. Улар Морис мустангерни ажойиб йигит, чиройли, мард, отни яхши танийдиган ва аёлларни мафтун қиладиган йигит деб ҳисоблардилар. У ўзини доим офир-вазмин тутишини, сира ақдасизлик даражасига етказиб жасорат кўрсатмаслигини, суҳбатда эса камгаплигини ва маҳмаданалик қилмаслигини, кўпол сўзлар ишлатмаслигини билар эдилар. Унинг қаердан кетганини, нима учун Техасга кўчиб келганини ва авантюристлар сингари от овлашдек ғалати иш билан шуғулланиб юрганини ҳеч ким билмас эди.

Шундай қилиб, Морис Жералд қотилликда айбланиб, жуда кўп одам қаршисида шармандаю шармисор турар эди.

Баъзилар судланувчига шунчаки қизиқиб, баъзилар савол назари билан, лекин кўпчилик ғазаб ва адоват билан қараб турарди.

Мана унга назар солиб турган яна бир жуфт кўз, бу кўзларда сиз ҳам хавотирлик, ҳам меҳрибонлик, ҳам оғишмайдиган қатъият сезасиз.

Суд ҳар хил расмиятчиликсиз бошланди. Судья бошидан панамасини ечди ва ўчиб қолган сигарасини тутатди. Уни кетма-кет олти марта тортгач, оғзидан олди, стол четига қўйди ва шундай сўз бошлади:



– Жентльмен ва маслаҳатчилар! Биз бу ерда тафсилотлари ўзингизга яхши маълум деб айтса бўладиган жиноятни кўриш учун тўпландик. Энг ҳурматли кишиларимиздан бирининг ўғли ўлдирилди. Қаршингизда турган маҳбус йигит бу жиноятни қилишда айбланади. Гувоҳларнинг ва айбланувчининг сўзларини эшитганингиздан кейин у тўғри айбланияптими-йўқми эканини ҳал қилишингиз керак.

Кейин айбланувчига расм тусига кириб қолган савол берилди:

– Ўзингизни айбдор деб ҳисоблайсизми?

– Йўқ, – деган секин, лекин қатъий жавоб эшитилди.

Кассий Колхаун билан унинг ёнида турган бир неча маҳаллий кишилар ишонқирамай жилмайиб қўйдилар.

Судья гап сўраш учун гувоҳларни чақира бошлади.

Энг олдин Франс Обердоферни чақирдилар.

Обердофер илгари айтган гапларини такрорлади. У Морис Жералднинг ёш Пойндекстер бедарак йўқолган ўша кечада унинг меҳмонхонасидан жўнаб кетганини, бутун қарзларини тўлаганини ва пулга муҳтожлик сезмаганини сўзлаб берди.

Ўзининг сўзида майхона хўжайини Морис Жералд ҳам, Генри Пойндекстер ҳам ҳушёр эканликларини, лекин уларнинг иккаласи ҳам ҳаяжонлангандек туюлганини таъкидлаб ўтди. Морис Жералднинг ҳаракатларидан жаҳди чиққани очиқ кўриниб турарди. Гувоҳни мустангернинг меҳмонхонасидан жўнаб кетишга бундай шошилиб қолгани жуда ҳайрон қолдирган эди. У илгари мўлжал қилганидек эрталаб эмас, ярим кечада йўлга чиққан эди.

Шу билан Обердофердан гап сўраш тамом бўлди.

Унинг берган гувоҳлиги айбланувчининг фойдасига бўлмади.

Жералднинг ўз жўнаб кетиш вақтини ўзгартиргани, айниқса, шубҳали туюларди.

Лекин нима учун Генри Пойндекстер ҳам ҳаяжонда эди? Нима учун у Жералдни қувиб етишга бунчалик шошилар ва хушфеъл бўлишига, вақтнинг жуда кеч бўлишига қарамай, унинг кетидан жўнаб кетган экан?

Бир неча гувоҳлардан гап сўралди. Лекин уларнинг берган жавоблари ишни яна ҳам чалкаштириб юборди. Улар судланувчи билан Генри Пойндекстер ўртасидаги муносабатлар дўстона эди деб таъкидладилар.

Ниҳоят, капитан Кассий Колхаун ўртага чиқди.

Унинг ҳикояси манзарани бутунлай ўзгартириб юборди. У одам ўлдирилганининг сабабларини айтиб бериш билангина чекланмади, балки жиноятни жуда қўрқинчли бўёқларда тасвирлаб берди.

Колхаун ҳамма нарса тўғрисида, мустангернинг Луиза билан учрашуви ва Генри Пойндекстернинг мустангер билан жанжаллашиб қолгани тўғрисида сўзлаб берди. Унинг сўзларига қараганда, мустангер дўқ қилиб жўнаб кетганди. Колхаун Генри мустангернинг орқасидан етиш учун қувиб кетганини ҳам эслатиб ўтди. Йигитча уни нима учун қувиб етмоқчи бўлгани тўғрисида капитан индамади. Бу ҳодисалардаги ўзининг ролини ҳам у яшириб қолди.

Айбларни бундай очиб ташлаш ҳаммани ҳайрон қолдирди. Ҳамма – судья, маслаҳатчилар, томошабинларнинг ҳаммаси донг қолди. Одамлар орасида говур-ғувур бошланди. Мустангерга қарши ғазаб билан айтилган сўзлар эшитилди. Жиноятнинг офирлиги икки ҳисса ошиб кетди: у Пойндекстернинг ўғлини ўлдирдигина эмас, унинг қизини ҳам шарманда қилган экан.

Колхаун сўзлаётганда тингловчилар орасидан оҳ товуши эшитилди. Бу шўрлик кекса плантаторнинг қалбидан чиққан оҳ-у зор ифодаси эди.

Лекин томошабинларнинг назари Пойндекстерда узоқ тўхтаб қолмади. Уларнинг назари нарига, гўзаллиги билан ҳаммани ҳайрон қолдирган қиз ўтирган каретага қаратилди.

Гувоҳларни ўртага чақираётган жарчининг:

– Луиза Пойндекстер! – деган товуши эшитилди.

Колхаун сўзида турган эди.

## САКСОН САККИЗИНЧИ БОБ

## ЗУРАКИ ГУВОҲ

Уни бир оҳангда уч марта номини айтиб чақиргунларича, Луиза Пойндекстер карета зинасига оёқ қўйди. Қиз дадил, сира қўрқмай судья қаршисида тўхтади.

– Мисс Пойндекстер, акангиз ғойиб бўлган тунда қаерда эдингиз? – деб сўради қиздан қораловчи.

– Уйда, отамнинг гасиендасида эдим.

– Бокқа ҳам чиққан эдингизми?

– Ҳа, чиққан эдим.

– Ўшанда соат неча эканини айтсангиз.

– Ярим кеча эди, бу жуда яхши эсимда.

– Ёлғиз эдингизми?

– Йўқ, ҳамма вақт эмас.

– Демак, маълум вақтингизни бирон бир киши билан ўтказдингиз?

– Ҳа.

– Ким эди у?

– Ёнимда акам бор эди.

– Лекин акангиз келишидан олдин ҳам боғда ёнингизда биров бор эдими?

– Ҳа.

– Биз унинг исмини эшитмоқчимиз. Унинг номини яширмассиз, деб ўйлайман?

– У мистер Морис Жералд эди.

Бу жавоб одамлар орасида ҳайронликкина эмас, балки нафрат ва ҳатто ғазаб уйғотди.

Айбланувчининг кўзларида эса тантана шодлиги акс этди.

– Яна бир нарсани сўрашга рухсат этсангиз. Бу учрашув тасодифий бўлдики ёки илгаридан келишилган эдими?

– Келишилган эди.

– Сизга бир оз ноқулай савол беришга тўғри келади. Афв этасиз, мисс Пойндекстер, буни иш талаб қилади. Учрашувингиз характери ёки учрашувингиздан мақсад нима эди?

Луиза тараддудланиб қолди, лекин бу бир лаҳзагина давом этди. У қаддини ростлади ва атрофдагиларга лоқайд қаради-да, жавоб берди:

– Харақтери ёки мақсади, бу сўзларингизнинг суриштириб қараганда, маъноси битта. Мен ҳеч нарса ни яширмоқчи эмасман. Мен боққа ўзим севган кишим билан учрашгани чиққандим, у ҳозир қаршингизда жиноятчи сифатида турган бўлишига қарамай, уни ҳали ҳам севаман... Энди, сэр, қаноатлангандирсиз деб ўйлайман?

– Йўқ, бу ҳали ҳаммаси эмас, – деб сўроқни давом эттирди қораловчи, одамлар орасида шов-шув кўтарилаганига эътибор бермай. – Мен сизга яна битта савол беришим керак, мисс Пойндекстер. Бу ерда сиздан олдин гувоҳлик берган одамнинг сўзларини эшитгандирсиз? Акангиз айбланувчи билан уришиб қолиб ажралишгани ростми?

– Тўппа-тўғри.

Оломон ғазаб билан шов-шув қиларди. Қизнинг жавоби Колхауннинг сўзларини тасдиқлади. Одам ўлдиришнинг сабаби энди равшан бўлди. «Осилсин! Осилсин у!» деган овозлар эшитилди.

– Ҳаммани тартибга чақираман! – деб қичқирди судья.

– Акам Жералд олдида айбдор эканини тушунди, – деб жаҳд билан давом этди Луиза Пойндекстер, савол беришларини қутиб ўтирмай, – шунинг учун ундан узр сўраш мақсадида орқасидан жўнаб кетганди.

– Мен яна бир нарсани кўшмоқчиман, – деб суд тартибини бузиб гапга аралашди Колхаун. – Улар йўлда уришиб қолишганди. Мен азотеяда эдим, ҳаммасини эшитганман.

– Мистер Колхаун, – деб уни тўхтатди судья, – суд сизга сўз берганда гапирасиз, ҳозир эса халақит бермаслигингизни сўрайман.

Яна бир неча кўшимча саволлар берилгандан кейин Луиза Пойндекстер гувоҳликдан озод қилинди.

У ўзининг жойига қайтди. Юрагини ҳам эзарди. Тўғриси яна гапириб ёрдам қилмоқчи бўлган одамга

зиён келтирганини қиз тушуниб қолди. У одамлар орасидан ўтиб борар экан, одамларнинг ўзига нафрат билан қараб турганини сизди.

Колхаунни яна бир марта чақирдилар. Яна бир марта у гувоҳ тариқасида ўртага чиқди. Унинг ҳар бир сўзи – ёлғон, лекин оломон орасида айбланувчига қарши кўтарилган ғазаб аланга олиб борарди.

Яна ғазаб билан қичқирилган товушлар эшитилди. Яна: «Осилсин!» деган товушлар баттарроқ ғазаб билан айтилди.

Судья Робертснинг тутган мавқеи бўшашиб қола бошлади. Линч бошбошдоқлиги яна ўз кучини кўрсатиш хавфи туғилди.

Унда нима бўлади? Унда судда иш кўриш тутаган бўлади, ҳукм эса аниқ бўлганидан уни амалга ошириш қолади, холос.

Тажрибали жаллод қўлида бу иш бирпасда бажарилади. Бир неча дақиқадаёқ Морис мустангерни ҳозир тепасида ёйилиб турган эман дарахтининг шоҳига осиб юборадилар.

Тўпланганларнинг ҳаммаси бошбошдоқликка сигнал берилишини кутиб турган ҳолда ана шундай деб ўйлар эдилар.

Лекин айбланувчининг бахтидан бўлиб, одамлар орасида бошқача кайфиятда бўлган кишилар ҳам бор эди.

Бир тўда ҳарбийлар қизгин маслаҳат қила бошладилар. Булар қалъа командири бошчилигидаги офицерлар. Бир неча секунддан кейин булар бир фикрга келдилар. Майорнинг буйруғи билан бурғу чалинди.

Ўша заҳотиёқ қирқ драгун ва худди шунча ўқчи солдатлардан иборат бир отряд четан девор орқасидан чиқиб келди. Улар қатор тизилиб, суд ҳайъатини уч тарафдан ўраб олдилар.

Одамлар орасидаги шов-шув босилди ва кўп ўтмай гала-говур тамом тинчиб қолди.

Линч суди тўғрисида энди сўз бўлиши ҳам мумкин эмас. Давлат қонунлари яна ўз кучига кирди. Судья Робертс яна ўз вазифасини адо қила бошлади.

– Гражданлар! – деб қичқирди у одамларга қараб. – Қонун талабларига бўйсуниб керак! Ўзини оқлаш учун бир оғиз ҳам сўз айтишга имкон бермай, бир одамни осиб юбориш мумкин эмас, ахир! Бу қатл деган сўз.

– Лекин қотиллик қилинмадими? – деб қичқирди Колхаун яқинида турган каллакесарлардан бири. – Унинг ўзини ҳам шундай қилиш керак!

– Бу ҳали исбот қилингани йўқ. Биз ҳали ҳамма гувоҳларнинг сўзини эшитиб бўлганимиз йўқ. Бошқа тарафнинг гувоҳлари нима дейишига ҳам қулоқ солишингиз керак.

Судья фармойиш берди, шундан сўнг жарчи Фелим О’Нилни чақирди. Мустангер хизматкорининг бир-бирига қовушмаган, баъзан бутунлай ишониб бўлмайдиган ҳикояси хўжайини фойдасига бўлмади. Иккинчи гувоҳни ҳам чақирдилар. Одамлар орасида бир чолнинг каттакон гавдаси кўринди. Уни ҳамма сетламентнинг энг яхши овчиси сифатида танир эди.

Одамлар нафасларини ичига ютиб қулоқ солишга ҳозирландилар. Бу сирнинг калити Зеб Стумпнинг қўлида деган умумий бир фикр бор эди.

– Нима ҳам дердим, жаноб судья, – деб гап бошлади кекса овчи тўғри судьянинг юзига қараб, – бу ишларга таалуқли бўлган ҳамма билганларимни гапириб беришга тайёрман. Лекин сиз ва маслаҳатчилар эътироз билдирмасангиз, мен олдин йигитнинг ўзи бунга изоҳ беришини қулайроқ деб ҳисоблар эдим. Уидан кейин мен ўз билганларимни сўзлаб бераман, менинг сўзларим эса у айтган гапларни, унинг ҳикоясини тасдиқлаб берса ҳам ажаб эмас.

– Қандай йигит тўғрисида гапиряпсиз? – деб сўради судья.

– Мустангерни айтяпман-да, албатта. Ёш Пойндекстерни ўлдиришда айблаётганингиз йигитнинг ўзгинасини айтяпман.

– Бу қабул қилинган тартибни бир оз бузади, – деб жавоб берди судья, – лекин бизнинг асосий мақсадимиз – ҳақиқатни билиш. Мен эса ишнинг расмий

томонларига унча катта аҳамият бермайман, шунинг учун маслаҳатчилар эътироз билдирмасалар, айтганингизча бўла қолсин.

Ўн иккита маслаҳатчи бунга рози эканликларини билдирдилар.

## САКСОН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

### АЙБЛАНУВЧИНИНГ СЎЗИ

Айбланувчи ўртага чиқди, ундан икки қадам орқанда соқчилар келишарди. Ўртага сув қуйгандек жимжитлик чўкди. Ҳамма мустангерга тикилиб қолди. Ҳамма тавба-тазаррудан иборат бўлиши лозим бўлган гапнинг биронта ҳам сўзини эшитмай қолишдан қўрқиб, нафасини ичига ютди, кулоғини динг қилди.

– Жаноб судья ва маслаҳатчилар! – деди Жералд Техасда қабул қилинган мана шу формада гап бошлаб. – Менга сўзлаш учун имконият берганингиздан жуда ҳам миннатдорман. Дастлаб шуни айтишим керакки, бу ерда тилга олинган сирли вазиятларга қарамай, менинг ҳикоям жуда оддий бўлади ва сирнинг бир қисмини очиб беради. Бу ерда эшитган гувоҳликларнинг ҳаммаси ҳам тўғри эмас. Берилган гувоҳликларнинг бир қисми ўша гувоҳликни берган одамнинг ўзига ўхшаш сохта.

Айбланувчи Кассий Колхаунга тикилиб қаради. Кассий эса унинг қарашидан гўё кўкрагига тўппонча тиралгандек жунжикиб кетди.

– Мисс Пойндекстер билан учрашганим жуда тўғри. У олижаноб қиз бу ерда бор гапни очиқ қилиб айтди ва менга бу ерда ҳамма гапни очиқ айтишга имконият туғдирди, бўлмаса мен ҳақиқатнинг ҳаммасини айтиб беролмаган бўлардим. Бундан кейин ҳам айтадиган гапларимнинг ҳаммасига ишонишингизни сўрайман. Шунингдек, учрашувимизнинг яширин бўлгани ва уни Генри Пойндекстер бузгани ҳам тўғри. Биз у билан фикрлашиб қолганимиз ёки у мени сўккани ҳам тўғри. Лекин бизнинг жанжалимиз бошқатдан бошлангани

ёлгон. Бу тўғрида қасам ичган одам, агар мен уни ду-  
элга чақириш имкониятим бўлганда, бундай дейишга  
юраги бетламаган бўларди.

Айбланувчининг назари яна Колхаунга қаратилди. У  
эса кўрқоқлик билан одамлар орасига яшириниб олди.

– Аксинча, – деб давом этди Жералд, – Генри Пойн-  
декстер бўлиб ўтган ишга афсус қилганини билдирди.  
Мен эса у билан ярашиб олганимдан бахтиёр эдим.

– Демак, ҳар ҳолда ярашиб олган экансизлар-да, –  
деб сўради судья орага тушган жимликдан фойдала-  
ниб. – Қаерда ярашдинглар?

– Одам ўлдирилган жойдан тахминан тўрт юз ярд  
жойда.

Судья ўрнидан турди. Томошабинлар орасида ҳай-  
рон қолганликни акс эттирувчи товушлар эшитилди.  
Айбланувчи жиноят юз берган жойни биринчи марта  
тилга олмоқда эди.

– Сиз қон тўкилган жойни назарда тутяпсизми? –  
деб қатъиятсизлик билан сўради судья.

– Мен Генри Пойндекстер ўлдирилган жойни назар-  
да тутяпман.

Одамларнинг ҳаммаси яна ҳайрон қолганларини  
билдириб ғала-ғовур кўтардилар. Шивир-шивир ва  
бўғиқ хитоб товушлари эшитилди. Айни вақтда ўғли-  
нинг ўлдирилганидан энди сира ҳам гумони қолмаган  
кекса Пойндекстернинг оҳ тортгани эшитилди. Шу  
пайтгача отанинг кўнглида, эҳтимол, Генри тирикдир  
деган умид бор эди. Шу дамгача ўғлининг ўлдирил-  
ганлиги тўғрисида аниқ далиллар йўқ эди, бу тўғрида  
фақат айрим тахминлар ва жуда ҳам ишониб бўлма-  
диган гумонлар бор эди. Энди эса бу умидга ортиқча  
ишониб бўлмасди, айбланувчининг ўзи одам ўлдирил-  
ганини тасдиқламоқда эди.

– Демак, сиз Генри Пойндекстернинг ўлганига ишо-  
нар экансиз-да? – деб сўради қораловчи маҳбус мус-  
тангердан.

– Жуда ҳам ишонаман, – деб жавоб берди айбланув-  
чи. – Агар мен кўрган нарсани сиз кўрган бўлганин-



гизда, берган саволингиз қанчалик ортиқча эканини тушунган бўлардингиз.

– Демак, сиз мурдани кўрибсиз-да? – деб яна сўради қораловчи.

– Бундай сўроқ қилиш услубига эътироз билдираман, деб гапга аралашди ҳимоячи. – Бу тўғридан-тўғри уставни бузишдир.

– Бизнинг мамлакат суди бундай қилишга йўл қўймаган бўларди, – деб қўшиб қўйди ирландиялик адвокат. – Бизда қораловчи умумий саволлар бериш пайти келмагунча гапиришга ҳақи йўқ.

– Бизнинг мамлакат қонунлари ҳам худди шундай, – деди судья, суд қондасини бузган киши тарафга ўқрайиб қараб қўяр экан. – Айбланувчи, гапингизни давом эттиришингиз мумкин. Ҳимоячингиз сизга истаган саволини бериши мумкин, сўзингизни тутатгунингизча ундан бошқа ҳеч ким сиздан гап сўролмайдди. Давом этинг. Биз айтиб беришингиз мумкин бўлган ҳамма гапларни эшитишни истаймиз.

– Мен ярашганимиз тўғрисида гапираётган эдим, – деб давом этди айбланувчи, – буни қаерда бўлганини ҳам айтдим, мен энди бошқа нарсаларни изоҳлаб беришим керак. Бизнинг қаерда ажралишганимизни биласизлар – мен мисс Пойндекстер, унинг акаси ва ўзимни айтяпман. Уларни қолдириб, мен дарёдан сузиб ўтдим. Чунки мен боққа қандай қилиб ўтганимни Генрининг билмаслигини истардим. Бунинг учун менда ўз асосларим бор эди. Дарёни сузиб ўтиб, сеттментга жўнадим. Тун жуда иссиқ эди, бу кўпларингизнинг эсингизда бўлса керак, шунинг учун меҳмонхонага етиб келгунимча кийимларим деярли қуриб қолди. Майхона ҳали очиқ, хўжайини эса ўз пештахтаси олдида турарди. Шуни айтишим керакки, мен учун унча меҳмондўстлик кўрсатмаган бу бошпанада қолишни ортиқ истамадим. Аламога қайтмоқчи бўлдим, сеттментда қиладиган умуман ҳеч қандай ишим йўқ эди. Хизматкоримни олдинроқ жўнатиб юборгандим, ўзим эса эртасига эрталаб жўнаб кетмоқчи эдим. Ле-

кин Каса-дел-Корвода бўлиб ўтган воқеа тезроқ жўнашимга мажбур қилди. Обердоферга қарзларимни тўлаб, жўнаб кетдим.

– Унга тўлаган пулларингиз-чи? – деб сўради қораловчи. Сиз уларни қаердан...

– Эътироз билдираман! – деб унинг сўзини бўлди ҳимоячи.

– Хўп тартиб эканми! – деб юборди ирландиялик адвокат қораловчига жаҳл билан қараб қўяр экан. – Агар бу ишлар Ирландияда бўлганда, сиз билан бошқача гаплашган бўлардилар, албатта.

– Тинчланинглар, жентльменлар! – деди судья амирона. – Айбланувчи сўзини давом эттирсин.

– Мен секин-аста борардим, шошилишимнинг ҳожати йўқ эди. Ўша куни бари бир ҳам кўзимга уйқу келмаган бўларди, шунинг учун тунни қаерда ўтказишимни, даштда ўтказаманми ёки ўз чайламга бориб ётаманми, бунинг аҳамияти йўқ эди. Мен эрталаб тонг отар пайтда Аламога етиб боришимни билардим, менга эса шунинг ўзи кифоя эди.

Ўз фикрларимга берилиб, орқамга қарамасдим. Туғрисини айтсам, орқамдан битта-яримта келяпти деб заррача ҳам шубҳа қилмасдим. Ўрмон чангаллари орасидан ярим милча йўл юрганимдан кейин Рео-Грандега борадиган йўл ўтадиган жойга етганимдагина орқамдан эшитилаётган туёқ дупури қулоғимга урилди.

Мен энди четга бурилган эдим – у ерда йўл кескин бурилиб кетади, шунинг учун чавандозни кўролмадим. Лекин мен у отини йўрттириб келаётганини эшитиб турардим. Беихтиёр даштдаги ҳаётда одат бўлиб қолганидан, чангаллар ичига бурилдим ва чавандоз яқинроқ келмагунча ўша ерда турдим.

Бундан бир оз олдин аччиқлашиб ажралишганим одамни кўрганимда ҳайрон қолганимни бир кўз олдингизга келтирсангиз эди!

Аччиқлашиб қолганимиз деганимда мен ўзимни айтаётганим йўқ – фақат унинг аччиғи чиққан эди, холос. Мен ҳозир унинг қандай кайфиятда эканини

билмасдим. Эҳтимол, у синглимни шарманда қилди деб ўйлаб, мени дуэлга чақирар? Генрини кўрганимда миямга ана шундай фикр келганини суддан яшириб ўтирмакчи эмасман.

Ўзимни айбдор деб ҳис қилмаганим учун яшириниб ўтирмадим. Тўғри, биз унинг синглиси билан яширинча учрашиб турардик, лекин бунга на мен ва на у гуноҳкор эдик, бунга бошқалар айбдор. Мен уни бутун қалбимдан, жуда соф ва жуда қайноқ муҳаббат билан севар эдим. Ҳозир ҳам қалбимда ана ўшандай муҳаббат ўти ёниб турибди...

Луиза Пойндекстер пардаси туширилган карета ичида ўтирган бўлса ҳам, айбланувчининг ҳар бир сўзини эшитиб турарди. Унинг қонсиз юзларига бирдан қизилик югурди, лекин бу уялганидан эмасди, унинг юзи тантанали шодликдан ёнарди.

### ТЎҚСОНИНЧИ БОБ

#### МАЖЛИСНИНГ ТЎСАТДАН УЗИЛИШИ

Айбланувчининг Луиза Пойндекстер қалбини шодлик билан тўлдирган охирги сўзлари бошқаларга бутунлай аксинча таъсир кўрсатди.

Одамлар орасида яна шов-шув бошланди. Колхауннинг фикрдошлари яна шовқин кўтардилар. Яна майор ўз отрядига маънодор қилиб қараб қўйди. Судья амирона қилиб:

– Тинчланинглар! – деб қичқирди.

Ҳаяжон босилди. Айбланувчи яна сўзлаш имкониятига эга бўлди.

У ҳикоясини давом эттирди:

– Генри Пойндекстерни таниб, чангаллар орасидан чиқдим ва отимни тўхтатдим. Тун анча ойдин эди, шунинг учун у мени дарҳол таниди. У менга дўстона бир вазиятда қўлини узатди ва дарҳол ўзининг қизиққонлигига узр сўради. Ажойиб йигитчанинг менга узатилаган қўлини қизғинлик билан қисганимни айтиб ўтиришимнинг фойдаси ҳам бўлмаса керак...

Жаноб маслаҳатчилар! Мен билан йигитча ўртасида бўлиб ўтган гап-сўзларни бу ерда келтириб, вақтингизни олмайман, бу суҳбатнинг бу ерда кўрилаётган ишга мутлақо алоқаси йўқ.

Шундай қилиб, ярашиб олганимиздан кейин бир қанча масофани ёнма-ён юриб босдик, кейин бир дарахт тагида тўхтадик. Бу ерда бир-биримизга сигара тутдик ва чекишдик. Сўнг эса дўстлик муносабатларимизни мустақкамлаш мақсадида шяпа ва плашчларимизни алмаштирдик. Мен бундай одатни команчилар орасида кўрган эдим. Мен Генри Пойндекстерга ўзимнинг мексиканча шяпам – сомбрерони ва навахо ҳиндуларининг иши бўлган йўл-йўл серапейимни бердим, ўрнига унинг плашчи билан шяпасини олдим.

Шундан кейин биз ажралишдик, у жўнаб кетди, мен эса қолдим.

Нима учун ўша ерда қолганимни, Аламога қараб кетавермаганимни ўзим ҳам дурустроқ билмайман, мен худди ўша ерда, ярашиб олганимиз дарахт тагида тунагим келиб қолди.

Отдан тушдим, уни боғлаб қўйдим, ўзим эса плашчга ўралиб олдим-да, шяпамни ҳам ечмасдан ўт устига чўзилдим.

Бир дақиқадан кейин ухлаб қолдим. Мен доим ҳам ундай тез ухлаб қолмасдим. Буни бошимдан қанчадан-қанча ҳаяжон кечирганимдан, кейин тўсатдан хотиржам бўлиб қолганимга йўйдим.

Уйқум узоқ чўзилмади. Бир неча дақиқа ҳам ўтинасданоқ аллақандай бир қарсиллаган товуш мени уйғотиб юборди, бу ўқ товуши эди.

Отим қулоғини динг қилиб кишнаб юборди. Мен сакраб ўрнимдан туриб кетдим ва қулоқ сола бошладим. Бошқа ҳеч нарса бўлмади, қулоғимга ҳеч қандай товуш эшитилмади. Мустанг тинчланди, шундан кейин мен иккаламиз ҳам янглишган бўлсак керак, деб ўйладим. Мен от ўрмон ичида яқин бир жойда изғиб юрган бирор ҳайвонни сизди, шекилли, деб ўйладим, ўзим ҳам ўқ товушини эмас, оёқ остида қирсиллаган бирор шох-шаббанинг синганини эшитгандирман деб қўя қолдим.

Яна ўт устига ётдим-у, ухлаб қолдим. Бу сафар то эрталабгача ухладим ва суяк-суякларимгача ўтиб кетган эрталабки салқиндан уйғондим.

Дарахт остида яна қолишни истамадим. Йўлга ҳозирлана бошладим. Лекин ўқ товуши ҳамон қулоғим остидан кетмасди. Назаримда у Генри Пойндекстер жўнаб кетган тарафдан эшитилгандай эди. Мени аллақандай хавотирлик босди, шунинг учун ўша тарафга бориб, нима гап эканини билиш истагини босомадим.

Узоқ юришга тўғри келмади. Ё, раббий! Нимани кўрдим денг... Мен...

– Бошсиз чавандоз! – деб қичқириб юборди одамлар орасидан аллаким, ҳамма ўтирилиб қаради.

– Бошсиз чавандоз! – деб акс садодек такрорлади элликлаб одам.

– Ана кетяпти! Кетяпти! Кетяпти!

– Йўқ, у бу ёққа келяпти! Қаранглар! У тўппа-тўғри қалъага қараб келяпти!

Ҳақиқатан ҳам бошсиз чавандоз шу тарафга от қўйиб келарди. Лекин у бирдан дашт ўртасида дарахт атрофига тўпланган оломон қаршисида тўхтади.

Афтидан, ўзи кўрган манзара отга ёқмади. У қаттиқ пишқирди ва кейин ундан ҳам қаттиқ қилиб кишнади. Мана у даштда орқасига қараб от қўйиб кетди.

Айбланувчининг ҳикоясига бўлган жиддий қизиқиш бирдан сусайиб қолди.

Кўпчилик отлари олдига отилди. Ҳатто маслаҳатчилар ҳам бундан мустасно эмасди, ўн иккита маслаҳатчидан кам деганда олтитаси сирли чавандоз кетидан қувиш учун одамларга қўшилди.

## ТЎҚСОН БИРИНЧИ БОБ

### ЎРМОН ЧАНГАЛЛАРИ ОРАСИДА ҚУВИШ

Бошсиз чавандозни қувишга чиққанлар дашт орқали ўтиб, ўн милча нарида бошланган ўрмон чангаллари томон кетдилар. Лекин йўлда чавандозлар сийраклаша бошлади. Кўпларининг отлари узоқ ва тўхтовсиз

давом этган пойгага дош беролмади. Ўрмонга кам одам етиб бора олди. Тез от чоптириб кетаётган бошсиз чавандоз кетидан фақат икки киши унга етай-етай деб ўрмон чангаллари орасига кириб борди.

Кўк мустанг минган одам бошсиз чавандозга етай деб қолди. Қувишга жуда қизиқиб кетган чавандоз ўзининг учқур отини сира аямасди, у отини хипчин, шпор билан ва чуқ-чуқлаб тўхтовсиз ҳайдаб борарди.

Унинг кетидан, анча орқароқда кенг соябонли шляпа кийган новча одам от чоптириб борарди. У қари бир от миниб олганди. Бундай отнинг шунчалик тез чопишига тушуниб бўлмасди, устида ўтирган чавандоз уни на хипчин, на шпор билан, на чуқ-чуқлаб қистарди. У бундан ҳам ёмонроқ усул билан отини қистарди, ҳар замонда бир елкасининг олдидаги яғринига ўзининг ўтқир пичоғини тиқиб-тиқиб оларди.

Бошсиз чавандозни қувиб бораётганлар олдида бўлган бу икки чавандоз Кассий Колхаун билан Зеб Стумп эди.

Олдинда ўрмон чангаллари орасида учта чавандоз от қўйиб бормоқда.

– Минг лаънат, ўша ярамас махлуққа! – деб юборди Колхаун умидсизликка тушиб. – У яна қўлимдан қочиб кетади! Қани энди, мендан бошқа бу ерда ҳеч ким бўлмаса. Бу сафар мен ёлғиз эмасман. Анави кекса шайтон ҳам шу тарафга келяпти. Чангаллар орасига кириб келаётганимда унга кўзим тушган эди. Орамиздаги масофа уч юз ярддан ортмаса керак. Худо ҳаққи, уни ҳозир бир ёқдиқ қилса бўлади!

Капитан шундай деб отининг жиловини тортди ва сал бурилиб, ўзи ҳозиргина ўтиб келган сўқмоқни диққат билан кўздан кечирди. Айни вақтда Колхаун милтиғини қўлига олди. Лекин у ҳали тараддудда эди.

– Йўқ, бундай қилиш ярамайди, – деб тўнғилаб қўйди у. – Орқамдан жуда кўп одам келяпти, улардан жуда кўпи эса из ўқишни билади. Улар мурдани топадилар, бундан ташқари, ўқ товушини ҳам эшитиб қоладилар. Йўқ, йўқ! Бундай қилиш ярамайди.

Капитан жойида яна хийла вақт туриб, қулоқ солди.

«Ҳа у яқинлашиб келаётганга ўхшайди. Қари аҳмоқ аралашиб, ишни расво қилди-да. Агар имирсилаб бу ерда тураверсам, қари қирчанғи менга етиб олади, унда ҳамма иш тамом. Падарига лаънат, бунга йўл қўйиб бўлмайди!»

Колхаун отига яна шпор уриб, чангаллар орасидан илон из сўқмоққа отилди.

Бир неча секунддан сўнг у мамнун, лекин бир оз ҳайрон ҳолда тўхтади. Бошсиз чавандоз жуда яқинда турарди. Отнинг боши пастга эгилган, жонивор акас дарахти қўзоқларини чимдимокда эди. Колхаун тезлик билан милтигини кўтарди, лекин дарҳол туширди. У мўжалга олган от энди жим турмас ва акас қўзоқларини чимдимасди, унинг боши чангаллар орасига яширинганди.

Колхаун жиловнинг шохларга илиниб қолганини, от эса ундан бўшаб чиқишга уринаётганини кўрди.

«Ниҳоят, қўлга тушди-я! Худога шукур, худога шукур!»

Колхаун шодлик қичқиривини зўрға босиб, олға ташланди. Бир сониядан кейин у бошсиз чавандоз олдида эди, бу капитан шунча овора бўлиб эришмоқчи бўлган бир он эди.

## ТУҶСОН ИККИНЧИ БОБ

### МАЖБУРАН ҚАЙТИШ

Колхаун отнинг жиловидан ушлаб олди. Бу сафар у қўлга тушганди ва бир неча сониядан кейин маҳкам боғлаб қўйилди. Фолибнинг оғзидан шодлик хитоблари чиқиб кетди. Атрофга аланглаб ва бир сониягина қулоқ солиб Колхаун ишга тушди. У пичоғини қўлига олди-да, серапе учини кўтарди ва чавандознинг кўкрагига пичоқ урмоқчи бўлгандек унинг устига эгилди. Лекин бирдан Кассий Колхаун қўлини тортиб олди.

Чангаллар орасидан тўсатдан чиқиб қолган Зеб Стумпнинг қичқиргани эшитилди.

– Бас қилинг бу ўйинни! – деб қичқирди Зеб, от олдига тез яқинлашиб келар экан. – Бас қилинг деяпман сизга!

– Қандай ўйинни? – деб сўради капитан доводирав, пичоғини яширар экан. – Нималар деб қичқиряпсиз

ўзи? Бу жонивор буталарга ўралишиб қолибди. У яна қочиб кетади деб қўрқдим, шунинг учун бунга барҳам берай деб уни сўйиб ташламоқчи эдим.

– Ҳа, шундай денг! Мен эса уни сўйиб ташлашнинг мутлақо ҳожати йўқ деб ўйлайман. Лекин сиз кимни сўйиб юбормоқчи эдингиз? Отними? Гапингизни тўғри тушунибманми?

– Албатта, отни-да.

– Хўп, яхши, хўп, одам тўғрисида нима дейсиз? Одамни ким сўйиб юборди экан? Бу тўғрида нима деб ўйлайсиз, мистер Каш Колхаун.

– Ким билади дейсиз! Ҳеч нарсани тушунолмайд турибман. Уни яхшироқ кўздан кечириш учун вақтим ҳам бўлгани йўқ. Мен унинг олдига энди етиб келган эдим... ё, раббий! – деб давом этди у ўзини ҳайрон бўлган кўрсатиб. – Ўйлашимча, бу одамнинг танаси... ўлган одамнинг мурдаси.

– Кейинги гапингиз анча тўғри гап. Калласи йўқ одамнинг тирик бўлиши ақлга сиғмайдиган нарса. Анави латта тагида ҳеч нарса яшириб қўйилмаган бўлса керак, шундай эмасми?

– Йўқ. Менимча, у ерда ҳеч нарса йўқ.

– Уни бир оз кўтариб, қараб кўринг-чи.

– Мен унга қўл теккизишни истамайман. У жуда қўрқинчли экан!

– Қизиқ! Бир дақиқа олдин ундан қўрқмаган эдингиз. Нима бўлди сизга, бундай тез ўзгариб қолдингиз?

– Аҳ! – деб юборди Колхаун дудуқланиб. – Қувлаб келаётиб жуда ҳам ҳаяжонланиб кетган эдим. Жуда аччиғим келиб, унинг найрангларига барҳам бермоқчи бўлиб тургандим.

– Хўп, майли, – деди Зеб, унда бу иш билан ўзим шуғулланаман... Хўп, хўп, – деб давом этди овчи, яқинроқ келиб ва ғалати чавандозни кўздан кечириб. – Ҳа, бу ҳақиқатан ҳам одам жасади. Мурда бутунлай қотиб қолган... Тўхтанг! – деб юборди Зеб серапенинг учини кўтариб. – Бу, ахир, биров томонидан ўлдирилган деб, суд жараёни олиб борилаётган одамнинг мурдаси-ку! Бу тоғангизнинг ўғли Генри Пойндекстер. Бу ўша, ё, фалак!



– Менимча, гапингиз тўғри....

– Ё, раббий, ҳақиқатан ҳам худди ўзи! Иосафат! – деб давом этди Зеб. – Бу ерда бекорчи сафсаталар билан вақт ўтказишимизнинг ҳожати йўқ. Мурдани шундайлигича. Эгарда ўтирганича у ёққа олиб борсак, яхши бўлар дейман. У анча маҳкам ўтирибди. Бу отни танийман. Ўйлайманки, у тихирлик қилмасдан менинг биям орқасидан борар... Қани, жонивор, оғайнинг билан саломлаш. Бунинг эски ўртоғинг эканини танимаяпсанми? Тўғри, кейинги кунларда кўп озор кўрди, шунинг учун анча ёввойилашиб қолибди.

Овчи сўзлаб турган пайтда тўриқ от билан қари бия тумшуқларини бир-бирига яқин келтириб, саломлашгандек пишқириб юбордилар.

– Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим! – деди Зеб акас шохларига илиниб қолган жиловни ажратиб олар экан. – Менинг биям кетидан тўриқ от индамай борди. Ҳар ҳолда уни сўйиб ташлашнинг зарурати йўқ. Энди эса, мистер Колхаун, – деб овчи капитанга мурожаат қилди, унга синчков назар ташлар экан, – йўлга тушаверсак ҳам бўлар, бунга нима дейсиз? Суд, ҳойнаҳой давом этаётган бўлса керак. Бинобарин, унда бизнинг ҳам иштирок этишимиз маъқулроқ бўлади, албатта. Менимча, ўша ишга бир оз аниқлик киргиза оладиган гувоҳимиз бор, мустангерни эса ё осиб юборишади, ё оқлашади. Хўш, қайтишга тайёرمىсиз?

– О, албатта! Тўғри айтдингиз, бу ерда қолишимиздан маъно йўқ.

Зеб қўлга тушган отнинг жиловидан ушлаб, биринчи бўлиб йўлга тушди. Колхаун унинг орқасидан секин-а-ста, истамайгина эргашди. Сўқмоқнинг бурилиш жойида у отнинг жиловини тортди ва орқага қайтсаммикин ёки бораверсаммикин деб иккиланиб қолди. Авзойидан қаттиқ ҳаяжонда экани сезилиб турарди.

Зеб Стумп орқасидан туёқ товуши эшитилмай қолганини сезиб, у ҳам ўз навбатида отининг жиловини тортди, бияни орқага бурди ва капитанга савол назари билан қаради. У капитаннинг авзойидан жуда ҳам ҳаяжонда эканини сизди ва гапнинг нимада эканини дарҳол ту-

шунди. Кекса овчи бир оғиз ҳам сўз айтмай милтигини қўлига олиб, уни капитанга ўқталди. Капитан эса ҳеч нарсани кўрмаган бўлиб, яна йўлида давом этди. Лекин энди Зеб Стумп унинг орқасидан борарди. Улар секин-аста ўрмон чангаллари орасидан ўтиб бордилар. Очиқ даштга чиқдилар. Бу ерда Колхаун яна бир марта тўхтаб қолди. Қўрқувдан унинг ўтакаси ёрилаётган эди.

«Нима қилиш керак? Дашт ичига қочиб, одамлар кўзидан ғойиб бўлсаммикан ёки қўрқинчли бўронга қарши боришга таваккал қилсаммикан?»

У ўн дақиқагина Зеб Стумпдан холи қолиш учун бошсиз чавандоз билан бир ўзи ёлғиз қолиш учун ҳозир ўзида бўлган, ҳатто бундан кейин ҳам ўзиники бўладиган барча нарсалардан, ҳатто Луиза Пойндекстердан ҳам воз кечишга жон деб рози бўлган бўларди.

Лекин бари бир, Зеб Стумп нима ҳам дея оларди ёки нима ҳам қила оларди? Эҳтимол, ҳаммаси яхшилик билан ўтиб кетар? Тўғри, Зеб ундан очикдан-очик шубҳа қиляпти, лекин бундан қўрқиб ўтириш арзирмикин? Ахир, Кассий Колхауннинг дўстлари тўлиб ётибди-ку. Мабодо ўша кичкинагина бир нарса юзага чиқмай қолса, ҳамма ишлар жойида бўлади. Эҳтимолки, узилган ўқ мурданинг танасида қолмагандир, эҳтимолки, чангаллар орасига тушгандир.

Шундай умид билан ўзини овутган Колхаун яна олға юрди. Унинг кетидан Генри Пойндекстернинг мурдаси ўтирган тўриқ отни етаклаб, Зеб Стумп ўзининг қари биясини миниб борарди.

## ТЎҚСОН УЧИНЧИ БОБ

### БОШСИЗ МУРДА

Судья мажлисни бўлиб, танаффус эълон қилишдан бошқа чора тополмади. Бир соат ўтди. Бу вақт ичида судья иккита сигара чекди ва бир неча рюмка коньяк ичиб юборди. Йиғилган одамлар сирли ҳодисанинг тагига етиш учун бош қотиришар ва бошсиз чавандозни қувиб кетганларнинг қайтишини сабрсизлик билан кутишар эди. Улар бошсиз чавандоз қўлга туширила-

ди деб умид қилишар, шу муносабат билан бу сирли ҳодисани ечишга калит топилибгина қолмай, одам ўлдиришнинг ўзи ҳам қандай юз бергани аниқланади деб ишонишар эди.

Ҳамма диққат билан дашт тарафга тикилиб қаради. Ҳамма ўша чавандозни қувиб кетган одамлардан ҳали қайтиб келмаган иккитаси қачон кўзга кўринади деб кутарди. Улар бошсиз чавандозни олиб келишадди деб кутиб туришарди. Орадан бир соат ўтди, лекин ҳеч ким кўринмади.

Суд мажлисини яна қолдиришнинг зарурати бормикин?

Қораловчи дарҳол ишни яна кўра бошлашни талаб қилди.

Ҳимоячи ундан ҳам қизғинлик билан аксини талаб қилди. У суд ишининг давомини эртага қолдириш зарур деб ҳисоблар, бунга у ҳали гувоҳлик бермаган муҳим гувоҳ Зеб Стумпнинг йўқлигини сабаб қилиб кўрсатар эди.

Суд мажлисини давом эттиришни талаб этган овозлар эшитилди. Пора бериб, қўлга олинган одамлар агитацияси билан бунга талаб қилган оломон қаттиқ туриб олгандан кейин, суд мажлисини давом эттиришга қарор қилинди. Ҳозирча судни ўша гувоҳсиз ҳам давом эттириб турса бўларди. Эҳтимол, у вақтида етиб келиб ҳам қолар. Мабодо етиб келолмай қолса, унда суд жараёнини эртага қолдирса ҳам бўлаверади.

Судья шундай деб таклиф киритди. Маслаҳатчилар бунга рози бўлдилар. Йиғилган одамлар бунга эътироз билдирмадилар. Яна айбланувчини ўртага чақирдилар. У тўсатдан узилиб қолган ҳикоясини давом эттирди.

– Нималарни кўрганингизни ҳикоя қилиб бермоқчи бўлиб турган эдингиз, – деди ҳимоячи Морис Жералдга қараб. – Давом этинг, қулоғимиз сизда.

– Мен ўт устида чўзилиб ётган одамни кўрдим.

– Ухлаб ётган эканми?

– Ҳа, мангу уйқуга кетган экан.

– Ўлган эканми?

– Агар ўлди дейишдан ҳам қаттиқроқ бирор сўз бўлса, ундан ҳам баттар экан. Устига энгашиб, унинг калласи узиб ташланганини кўрдим.

– Калласи узилган, дедингизми?

– Худди шундай. Мен унинг устига пастроқ энгашмагунмча буни сезмадим. У муккасидан тушиб ётарди, калласи эса худди жойида тургандек туюларди. Ҳатто шляпаси ҳам ҳамон бошида эди. Мен бунинг бирон бир сири борлигини сезиб турсам ҳам, уни ухлаб ётибди деб фараз қилгим келди. Қўл ва оёқлари жонсиз чўзилиб ётарди. Бундан ташқари, ерда алақандай бир нарса қорайиб кўринарди. Гира-шира отиб келаётган тонг ёруғида мен унинг нима эканини дарҳол ажратиб ололмадим. Унинг устига пастроқ энгашиб, қон ҳиди келаётганини билдим. Ана шундан кейин қаршимда ётган нарса мурда эканига асло шубҳа қолмади. Мен унинг қон қотиб қолган бўйнида жуда чуқур жароҳат борлигини кўрдим. Яхшилаб қарасам, калласи бутунлай узиб ташланган экан.

Йиғилган одамлар даҳшат ичида қолди.

– Ўша одамни танидингизми?

– Афсуски, танидим.

– Ҳатто башарасига қарамай ҳам танидингизми?

– Қараб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди: эгнидаги кийим-боши унинг ким эканини етарли даражада аниқ кўрсатиб турарди.

– Қандай кийим-бош?

– Елкасидаги йўл-йўл серапе ва бошидаги сомбре-ро. Улар меники эди. Агар уларни яқинда алмаштириб кийган бўлмасак, бу ерда ўзим ётибман деб ўйлаган бўлардим. У Генри Пойндекстер эди.

Яна ҳаяжонга тушган одамларнинг шов-шуви орасида юракни эзиб юборадиган қаттиқ бир оҳ товуши эшитилди.

– Давом этинг, сэр, – деди ҳимоячи. – Гапиринг, яна нималарни кўрдингиз?

– Мурдага қўлимни теккизганимда унинг муздек ва тамомила қотиб қолганини сездим. Бечора бундан бир неча соат бурун ўлганини тушундим. Қон қотиб қолган

ва эрталабки гира-ширада қорадек туюларди. Узиб ташланган каллага қараб унинг нима сабабдан ўлганини бутунлай бошқача тушуниш мумкин эди. Лекин ҳамон ўқ товуши кулоқларим остида эшитилиб турарди, шунинг учун мен унинг танасида бирон бир жойда ўқ келиб теккан жой бўлиши керак деб ўйладим. Янглишмаган эканман. Мурдани чалқанчасига ағдариб ётқизганимда серапедаги кичкина бир тешикчага кўзим тушди. Тешикча атрофидаги газмол қонга бўялган эди. Серапенинг этагини кўтариб ва мархумнинг кўйлаги тугмаларини ечиб, унинг кўкрагида кўкиш, қип-қизил доғ бор эканини кўрдим. Ўқ шу ерга текканини тушуниш қийин эмас эди. Лекин орқасидан чиқиб кетгани билинмасди. Кўринишидан, ўқ унинг танасида қолганди.

– Ўйлашингизча, унинг ўлиши учун ўша узилган ўқнинг ўзи кифоя қилганмиди ёки унинг калласи узиб ташлангандан кейин ўлганмиди?

– Ўқ егандан кейин ўлар ҳолатда ярадор бўлганига шубҳа қилмайман. Мабодо у дарҳол ўлиб қолмаган бўлса ҳам, бир неча дақиқадан кейин, ҳатто бир неча сониядан кейиноқ жон берган.

– Калласи узиб ташланган эди, дедингиз. Хўш, у танасидан бутунлай узиб ташланган эдимиди?

– Танасига ёндошиб турган бўлса ҳам, бутунлай узиб ташланган эди. Боши узиб олингандан кейин на баданида, на бошида биронта ҳам мускули қимирламагандек бир таассурот қолдирарди кишида.

– Ўйлашингизча, бу қандай қурол ёрдамида қилинган?

– Менимча, бу ё болта билан ёки овчилар пичоғи билан қилинган бўлиши керак.

– Бирон нарсадан шубҳа қилмадингизми?

– Шундай ҳайрон қолдимки, миямга ҳеч қандай фикр келмади. Бунинг ростдан ҳам шундай эканига зўрға ишондим. Бир оз ўзимни босиб олганимдан кейин бу команчиларнинг иши бўлса керак, деб ўйладим. Лекин бошидан скалп олинмаган, ҳатто шляпаси ҳам бошида турарди.

– Демак, буни ҳиндулар қилган эмас деб ўйлайсизми?

– Ҳа.

– Бирон бир кишидан шубҳа қилдингизми?

– Ўша пайтда ҳеч кимдан гумон қилганим йўқ. Генри Пойндекстернинг душманлари бор деб ҳеч вақт эшитмаган эдим. Лекин кейин баъзи шубҳалар туғилди. У шубҳаларим ҳозир ҳам бор.

– Шубҳаларингизни айтасизми?

– Бундай сўроқ қилиш услубига эътироз билдираман, – деб гапга аралашди қораловчи. – Айбланувчининг шубҳалари бизни мутлақо қизиқтирмайди. Менимча, унинг «ростгўй» ҳикоясини эшитсак ҳам кифоя қилади.

– Ҳикоясини давом эттирсин, – деб буюрди судья янги сигара тутатар экан.

– Ўзингиз нималар қилганингизни айтиб беринг, – деб илтимос қилди ҳимоячи. – Бундай янгиликдан хабардор бўлганингиздан кейин нималар қилдингиз?

– Кўрганларимдан эсим оғиб, дастлаб ўзим ҳам нима қиларимни билмай қолдим.

– Йигитчанинг худди мен овозини эшитган ўқ билан ўлдирилганига имоним комил эди. Лекин ўқни ким отган? Ҳиндулар эмас, албатта, бунга шубҳа қилмасдим.

– Мен буни бандитлар қилдимикан деб ўйладим, лекин бу мутлақо ҳақиқатга тўғри келмайдиган гап эди. Навахо ҳиндулари тўқиган серапе юз доллардан кам турмайди. Улар бўлганда уни олган булар эдилар, албатта. Бундан ташқари, умуман унинг биронга ҳам нарса-сига қўл теккизилмаганди, ҳатто олтин соати ҳам чўнтагида турарди. Бунинг ўч олиш экани очиқ равшан эди.

Ёш Пойндекстернинг битта-яримта билан уришиб қолгани тўғрисида бирор гап эшитган эдимми деб хотирлай бошладим. Лекин миямга ҳеч қандай фикр келмади. Бундан ташқари, калласини узиб ташлашнинг нима ҳожати бор эди? Мени ҳаммадан ҳам мана шу нарса ҳайрон қолдирди ва даҳшатга солди.

Бу қўрқинчли, сирли жиноят сабабига тушунолмаганимдан кейин мурдани нима қилсам экан, деб ўйлай бошладим. Унинг олдида қолишнинг маъноси йўқ эди. Ўша ерга кўмиш ўнғайсиз туюлди. Шундан кейин мен

қалъага қайтиб келиш ва битта-яримтасидан марҳумни Каса-дел-Корвого олиб кетишга ёрдам беришни сўрамоқчи бўлдим. Лекин мен уни ўрмонга ташлаб кетсам, коётлар билан калхатлар мурдани топишлари ажаб эмасди, ундан кейин эса қайтиб келгунимча уни хомта-лаш қилиб юборар эдилар. Йигитчанинг иккига бўлиб ташланган танасини бундан ҳам багтарроқ бўлишига йўл қўёлмас эдим. Мен бу ғамнинг унинг яқин одамлари учун жуда оғир бўлиб тушиши тўғрисида ўйладим...

### ТЎҚСОН ТЎРТИНЧИ БОБ

#### СИР ОЧИЛА БОШЛАДИ

Айбланувчи жим қолди. Ҳеч ким уни шоширмади, савол ҳам бермади. Ҳамма сирнинг очиладиган пайти келганини сезиб турарди.

Судья, маслаҳатчилар, тўпланган барча одамлар – ҳамма нафасини ичига ютиб, айбланувчидан кўз узмай қулоқ солиб турарди.

Жимжитлик орасида яна Морис Жералднинг овози эшитила бошлади.

– Кейин миямга бошқа фикр келиб қолди. Мурдани ҳамон унинг елкасида бўлган серапега ўраб қўймоқчи, устидан эса ўзимнинг плашчимни ёпиб кетмоқчи бўлдим. Шундай қилсам, то қайтиб келгунимча мурдани йиртқишлар чангалидан ҳимоя қиларман, деб ўйладим.

Устимдан плашчимни ечдим ҳам, лекин шу пайт миямда янги бир режа туғилди, бу менга анча яхшироқдек туюлди: бир ўзим қалъага қайтиш ўрнига, ўзим билан бирга марҳум йигитчанинг мурдасини ҳам олиб кетишга аҳд қилдим.

Шу ният билан ўзимнинг отимни етаклаб келдим ва унинг устига мурдани ўтказмоқчи бўлиб турган эдимки, бирдан яқин жойда юрган Генри Пойндекстернинг отига кўзим тушиб қолди. Жонивор ҳеч гап бўлмагандек хотиржамлик билан ўтлаб юрар эди. Жилови ерда судралиб борарди, шунинг учун уни тутиб олиш қийин бўлмади. Отни жим туришга, айниқса, унинг

олдига хўжайинининг мурдасини олиб келиб, тек туришга мажбур этиш қийинроқ бўлди.

Мен йигитчанинг танасини от устига олиб қўя олдим, лекин уни оғиб кетмайдиган қилиб қўйиш қўлимдан келмади, мурда таёқдек қотиб қолган ва доим оғиб кетарди. Бир қанча уриниб кўрганимдан кейин бунинг фойдаси йўқ эканини кўрдим.

Шунда миямга яна бир фикр келди. Бир вақтлар Жанубий Америка даштларида ҳиндулар ўз ўртоқларининг мурдаларини от устига ўтқазиб ва уни арқон билан эгарга боғлаб, олиб юришларини ўқиган эдим. Нима учун мен ҳам Генри Пойндекстернинг мурдасини худди ана шундай қилиб олиб кетолмас эканман деб ўйладим.

Дастлаб мен марҳумни унинг ўз отига миндиришга уриниб кўрдим, лекин эгари етарли даражада паст эмас экан. Шунинг учун уринишларим яна беҳуда бўлди. Яна бир имконият қолган эди. Отларимизни алмаштиришимиз керак бўларди. Менинг отим қаршилиқ қилмаслигини билардим. Бундан ташқари, паст бўлган мексиканча эгар бу мақсадга эришишга жуда мос тушарди.

Кўп ўтмай марҳумни эгарга миндиришга ва унинг оёқларини узангига тикиб қўйишга эришдим. Шундан кейин каманддан бир неча қулочини кесиб олдим ва у билан мурдани эгарга боғлаб қўйдим. Энди у сира ҳам отдан йиқилиб кетмас эди.

Энди калласини нима қилиш тўғрисида ўйласам ҳам бўларди. Мен уни ердан кўтариб олдим ва шляпасини ечишга уриниб кўрдим. Ечиб олишнинг сира иложи бўлмади. Калла жуда шишиб кетганди, шунинг учун сомбреро унга маҳкам ўрнашиб қолганди. Шляпа ажраб чиқмаслигига ишонч ҳосил қилганимдан кейин, унинг соябонидан тешик очиб, ундан арқон ўтказдим ва ана шу усул билан каллани эгарнинг қошига осиб қўйдим. Шу билан тайёргарлик ишларим тугади.

Вақтни қўлдан бермай, Генри Пойндекстернинг отига сакраб миниб олдим. Туриқ от эса бўйсуниб орқадан эргашиб келаверди. Шу тарзда биз септментга жўнадик. Беш дақиқа ҳам ўтмай ўзим эгардан учиб



тушдим ва дарҳол ҳушимдан кетдим. Агар шундай бўлмаганда, ҳозир қаршингизда айбланувчи сифатида турмаган бўлардим.

– Эгардан учиб кетдим дедингизми? – деб сўради судья. – Бу қандай бўлди.

– Бу оддий бир тасодиф эди ёки ўзимнинг эҳтиётсизлигим натижасида бўлди. Мен бировнинг отига миниб олибман-у, жировини қўлга олмабман. Мен ўз отимни фақат овозим ёки оёғим билан бошқариб ўрганганман. Йўлга чиқмасимизданоқ от калласини ўтириб қаради ва бирдан ўтакаси ёрилиб, ўзини бир четга урди, шаталоқ отиб қочиб қолди, у орқасидан келаётган ғалати чавандозни кўриб қолган эди. Мен жировни қўлимга олмоқчи бўлдим, лекин бу жуда ҳам осон иш эмасди. От тирақайлаб қочиб борар, жиров эса пастга сирғаниб тушиб кетган эди, шунинг учун мен уни қўлимга олишим қийин бўлди.

Мен йўл қўйган хатоликни тўғриламақчи бўлиб, жировнинг чармини тутиб олмоқчи бўлдим ва йўлга қарамадим. Юзимга қаттиқ урилган шох ва новдаларни сезганимдан кейингина ҳозир очик йўлдан эмас, балки ўрмон чангаллари орасидан кетаётганимни тушуниб қолдим. Шундан кейин бутун диққатимни йўлда учраган акас дарахтининг тиканакли шохларини четлатишга қаратдим, улар мени отдан осонгина учуриб юборишлари мумкин эди. Қўлларим тиканаклардан жуда ҳам тимдаланиб кетган бўлишига қарамай, бу тўсиқларни анча ўнғайлик билан бартараф қилдим.

Лекин йўлимдан йўғон, азим бир дарахтнинг ер устига эгилиб ўсган каттакон шохи чиқиб қолди. У шундай паст ўсган эдики, менинг фақат кўкрагимдан келарди. Тагимдаги қўрқиб кетган от тўғри ўша тарафга чопиб борарди. Ундан кейин отнинг қаёққа қараб кетганини билмайман. Буни мендан кўра сизлар яхшироқ билсангиз керак. Сизларга фақат шуни айтишим мумкинки, мен ўша дарахт тагида бошим ғурра бўлган ва тиззам жуда шишиб кетган бир ҳолда ерда чўзилиб қолдим.

Лекин мен буни фақат икки соат ўтгач, ҳушим ўзимга келгандан кейингина билдим. Ўзимга келга-

нимда қуёш анча баланд кўтарилиб қолганини, тепамда эса калхатлар айланиб юрганини кўрдим. Жуда чанқаб қолибман, шунинг учун сув қидиришга жўнамоқчи бўлдим, лекин ўрнимдан турганимда бир қадам ҳам босолмаслигимни тушундим. Бу ҳам оз, оёқларимда зўрға турардим. Бу ерда қолгудек бўлсам, ўлишим турган гап эди, буни яхши тушунардим.

Ана шундан сўнг бир амаллаб бутун кучимни тўпладим ва йўлга тушдим. Назаримда, шу яқин орада бир ариқ оқиб ўтиши керак эди. Гоҳ эмаклаб, гоҳ йўл-йўлакай ўзим ясаб олган қўлтиқтаёққа таяниб, ҳар бир ҳаракатимдан жоним чиқай деб ниҳоят ариқ бўйига етиб бордим, чанқоқни босдим-у, ухлаб қолдим...

Уйғониб қарасам, чор атрофимдан коётлар ўраб олибди. Улар мени ўз қурбонлари сифатида танлаганлари аниқ эди. Ҳақиқатан ҳам улар менга яқинлашиб келавердилар ва кўп ўтмай устимга ташландилар. Бахтимдан бўлиб, ёнимда овчилик пичоғим бор эди, шунинг учун ўзимни ҳимоя қила олардим. Ўртада ҳаёт-мамот кураши бошланди.

Турган гапки, бахтли бир тасодиф мени қутқариб қолмаганда, бу ифлос йиртқичларнинг қурбони бўлардим. Мени қутқариш учун ўзимнинг итим Тара, содиқ дўстим етиб келди. Афтидан, у мени қидириб ўрмонда жуда кўп изғиб юрган эди. Нима бўлганда ҳам, у мени муқаррар бўлган ўлим чангалидан қутқариб қолиш учун жуда вақтида етиб келди. У хиёл ўтмай бир неча коётнинг додини берди, шундан кейин кўп ўтмай улар қочиб қолишди.

Тинка-мадорим қуриб дарҳол ухлаб қолдим, тўғрироғи, ҳушимдан кетдим. Ўзимга келганимда, аҳволимни ўйлар даражада эдим. Мен уйга хабар юбормоқчи бўлдим, итдан почталон сифатида фойдаланиш ниятим бор эди, шу ниятда ўзимнинг визит карточкамга бир неча сўз ёздим.

Хизматкоримнинг саводсиз бўлишига қарамай, хабарнинг кимдан эканини билишига шубҳа қилмасдим, бунга шунинг учун ишонардимки, бу карточка меники эди. Шундан кейин у буни изоҳлаб беришни

илтимос қилиб бирон бир кишига мурожаат қиларди, бунга яна сабаб шу эдики, мен хатни қон билан ёзган эдим. Хатни шляпам астаридан кесиб олган чармга ўрадим, уни итнинг бўйинбоғига ўрнатдим. Энди энг қийин иш – Тарани мени ташлаб кетишга кўндириш қолган эди. Бир амаллаб уни уйга жўнатишга муяссар бўлдим. Юборган хатим эгасига бориб тегибди. Тўғри, бундан фақат кечагина хабардор бўлдим.

Ит кетгандан кейин менинг олдимга бу атрофда бўладиган энг ваҳший ҳайвон, ягуар пусиб келиб қолди. Бу кўнгилсиз учрашув нима билан тутаганини айтолмайман. Мен алаҳлаб қолдим ва эсимни йўқотдим. Бу олишув тўғрисида менинг мард қутқарувчим, Зеб Стумп сўзлаб берсин. Умид қиламанки, гувоҳлик бериш учун у ҳали замон етиб келиб қолар.

Бу воқеа мен учун ечилмаган жумбоқдигича қолди.

Ўша пайтдан бошлаб мен алаҳлаб қўрқинчли нарсалар, бахтли тушлар кўриб ётганимнигина эслай оламан. Фақат кеча эсим жойига келди. Мен қотиликда айбланган бир жинойатчи сифатида қамоқда ётган эканман.

Қўшимча қиладиган бошқа гапим йўқ.

Айбланувчининг иқрор бўлиб қилган оддий ва юракдан чиққан гаплари йиғилган одамларга кучли таъсир қилди. Унинг айбсиз эканига кўпчилик ортиқ шубҳа қилмай қўйди. Лекин ҳар ҳолда уларнинг ҳаммаси фақат қуруқ сўз эди, холос. Айбни олиб ташлаш учун буларнинг тўғрилигини тасдиқ қилувчи гувоҳларнинг сўзини эшитиш керак эди. Сўзига жуда кўп нарса боғлиқ бўлган гувоҳ қаерда қолди? Зеб Стумп қаерда?

Ҳамма савол назари билан зумрад осмон кўм-кўк саваннанинг этагига улашиб кетган жойга қарарди.

## ТЎҚСОН БЕШИНЧИ БОБ

### ОХИРГИ ГУВОҲ

Ўртага тушган тантанали жимликда кутиб туриш ўн дақиқага чўзилди.

Бу вақт ичида тинчлик уч марта ҳар хил қичқириклар билан бузилди. Гоҳ бир одамга, гоҳ бошқасига

уфқда қандайдир бир нуқта кўрингандек туюлар эди. Лекин одамларнинг кўзига шундай кўринар эди, холос. Олдингилардан қаттиқроқ ва ишонч акс этган тўртинчи қичқириқ тўсатдан эшитилганда, одамларнинг кутавериб сабр-тоқати тугай деб қолган эди. Бу сафар одамларнинг умиди пучга чиқмади. Уфқда ҳақиқатан ҳам учта чавандоз кўринди. Эман дарахти остида тўпланган одамлар орасида тантанали «Ура» садолари янгради.

Улардан иккитасини таниш қийин эмасди, улар Зеб Стумп билан Кассий Колхаун эдилар. Учтинчисини танишда ким ҳам янглишарди дейсиз? У бошсиз чавандознинг ўзгинаси эди!

Ҳаяжон билан айтилган сўзлар кўп ўтмай босилди. Ўртага яна жимлик чўқди. Чавандозлар яқинлашиб келганда эса, фақат юраксизлик билан шивирлаб айтилган сўзларгина эшитилди.

Уч чавандоз дарҳол атрофини тўрт томондан ўраб олган оломон олдида тўхтади. Ҳозир келган чавандозлардан иккитаси отдан тушдилар. Учтинчиси от устида қолди.

Колхаун отини бир четга чиқариб боғлади-да, одамлар орасига кириб ғойиб бўлди, энди ҳеч ким унинг бор-йўқлигига қизиқмай қўйди.

Зеб Стумп ўзининг қари биясини қўйиб, бошсиз чавандознинг оти жиловидан тутди ва уни устида ўтирган жонсиз чавандози билан суд мажлиси кетаётган эман дарахти остига етаклаб келди.

– Мана, жаноб судья ва маслаҳатчилар, – деди кекса овчи, – бу қийин ишни англашингизга ёрдам берадиган гувоҳ мана шу бўлади.

– Ё, раббий, худди ўзи! – деб жон ҳолатда айтилган қичқириқ эшитилди, шундан кейин новча бир чол ўртага чиқди ва бошсиз чавандознинг олдига келиб тўхтади.

Бу ота эди. Узоқдан аёл кишининг қичқириғи ва бўғиқ оҳ тортгани кулоққа чалинди. Бу сингилнинг фиғони эди. Бирпасдан кейин Вудли Пойндекстерни бир четга олиб чиқдилар. У қаршилиқ кўрсатмади, ҳатто атрофда нималар бўлаётганини ҳам сезмасди. Уни карета олдига олиб келдилар ва қизи ёнига ўтқазиб қўйдилар.

Лекин карета жойидан қимирламади. Луиза Пойндекстер то суднинг охиригача бу ердан ҳеч қаерга кетмайди.

Зеб Стумпга гувоҳлик бериш учун ўртага чиқишни таклиф қилдилар. У ҳар вақтдагидек бемалол ва эркин сўзлаб кетди.

– Бу хунук ишдан Генри Пойндекстернинг ғойиб бўлиб қолганига икки кун ўтганда хабардор бўлдим. Бу вақтгача мен овда эдим. Менга мустангерни қотилликда айбламоқдалар дейишди. Мен Морис Жералд бундай иш қилмаслигини билардим, шунинг учун у билан кўришгани кетдим. У уйда йўқ экан. Мен у ерда фақат мустангернинг хизматкори Фелимни топдим. Йигит ҳар хил воқеалардан шундай юрак олдириб қўйган эдики, менга айтиб берган гапларидан ҳеч нарса тушунолмадим. Ана шундай қилиб, у муҳокама юритиб турган вақтда, бўйнига алланарса боғланган ит югурганча келиб қолди. Бундай қарасам, у визит карточкаси экан. Унда қизил сиёҳ билан, тўғрироғи, қон билан алланарсалар ёзилган экан. Бу хабар йигитни қаердан топиш кераклигидан дарак берарди. Мен Фелим билан итни олиб ўша ёққа жўнадим. Биз мустангерни ягуар чангалидан кутқариб қолиш учун жуда вақтида етиб келдик. Ўша хол-хол мушукка қараб ўқ уздим. Ажали шу ерда экан... Ана шундай қилиб, ўшандан кейин биз мустангерни ўз кулбасига олиб кетдик. Биз уни замбилга ўхшаган бир нарсага солиб, уйига олиб бордик. Ўзи эса бир қадам ҳам босолмасди. Бунинг устига унинг мияси ҳам жойида эмасди. Йигитнинг ақли баҳор фаслидаги курканикидан ҳам баттар бир ҳолатда эди. Ана шундай қилиб, биз беморни чайласига олиб бордик. Регуляторлар отряди келиб, уни чайласидан топмагунча у ўша ерда ётди.

Гувоҳ мустангер чайласида бўлиб ўтган барча воқеалар тўғрисида ҳам гапирсаммикан ёки гапиришга арзимасмикан деб ўйлаб, бир нафас жим қолди. Булар тўғрисида индамай қўя қолса дуруст бўлмасмикан?

Қораловчи саволлар бериб, Морис Жералд қамоққа тушиб қолгунча нима ишлар бўлганини гапириб беришига уни мажбур қилди.

– Энди эса, – деб давом этди Зеб Стумп, – мен яна баъзи нарсаларни қўшимча қилмоқчиман.

– Гапиринг, мистер Стумп, – деди Сан-Антониодан келган ҳимоячи.

– Гап мана бундай. Ҳозир мен айтадиган гаплар судланувчидан ҳам кўра кўпроқ унинг ўрнини олиши керак бўлган бошқа бир кишига тааллуқли. Мен ҳозир у одамнинг исмини тилга олмоқчи эмасман, ҳозир фақат нималарни билиб олишга муяссар бўлганимни сўзлаб бераман. Сиз бўлсангиз, маслаҳатчилар, қолган гапларнинг ҳаммасини ўзинглар топиб оласизлар.

Кекса овчи бир дақиқагина тўхтади ва узундан узоқ сўзлашга тайёрлангандек нафасини ростлаб олди. Одамлар қулоғини динг қилиб кутиб турардилар.

– Энди қулоқ солинглар, жаноблар, – деб давом этди Зеб, – эшитган гапларимдан ва энг муҳими, кўрганларимдан ёш Генрининг ҳалок бўлганини тушундим. Худди шунингдек, бу ифлос ишни қилган мустангер, Морис Жералд эмаслигига ҳам имоним комил эди. Унда ким қилган? Ҳаммангиз сингари мени ҳам ташвишга солган нарса худди мана шу бўлди... Ирландиялик йигитнинг айбсиз эканига шубҳа қилмаганимдан ҳақиқатни аниқлашга аҳд қилдим. Кўп нарсалар унга қарши далил эди. Шундай бўлса ҳам булар мени ишонтиролмади. Мен даштдаги изларни ўзим текшириб кўрмоқчи бўлдим. Мени, айниқса, бир отнинг изи қизиқтириб қолди. Бу тақаланган америка зотидан бўлган бир отнинг изи эди. Оёғидаги тўртта тақадан биттаси синган тақа. Мана у.

Гувоҳ қўлини камзулининг чуқур чўнтагига солди-да, ундан синиқ тақани чиқарди.

– Мен қотиллик юз берган тунда бу отнинг даштдан ўтганини аниқладим. Бу от ўлдирилган йигитнинг оти кетидан, шунингдек, бу ерда қотилликда айбланаётган одамнинг оти кетидан борган эди. Лекин жиноят юз берган жойдан унча узоқ бўлмаган бир ерда из узилиб қолди. Лекин от миниб борган одам бундан нарига пиёда кетган эди. У қон ҳалқоби топилган жойгача бо-

рибди. Тўкилган қон ўша одамнинг иши. Бир тақаси синган от қотилни у ерга олиб борган...

– Давом этинг, мистер Стумп, – деди судья. – Бу билан нима демоқчи бўлганингизни тушунтириб беринг.

– Мен бундай демоқчиман, мен айтган одам ўрмон чангаллари орасига яшириниб олган ва ёш Пойндекстерни ҳалок этган ўқни ўша ердан туриб отган.

– Қандай одам? Ким у? Исмини айтинг! Унинг исми нима! – деб бараварига айтилган бир неча кишининг товуши эшитилди.

– Менимча, сиз унинг исмини мана бу ердан топасиз.

– Қаердан?

– Бу ерда ўтирган бошсиз одамнинг танасидан. Мана бу ерга қаранг, – деб давом этди гувоҳ қимир этмай турган мурданинг танасини кўрсатиб. – Бу ерда серапеда қон доғини кўрасиз, доғнинг ўртасида эса ўқ тешиб ўтган жой бор. Лекин орқасида бошқа тешик йўқ бўлгани учун, ўқ унинг ичида қолган деб тахмин қиламан. Келинлар, уни ечинтирайлик ва кўриб боқайлик.

Ҳеч ким эътироз билдирмади. Тўпланганлардан икки-уч киши ўртага чиқди, улар орасида Сем Менли ҳам бор. Улар авайлаб мурдадан серапени ечиб олдилар.

Атроф сув қуйгандек жимжит, ҳатто шивирлашган товушлар ҳам эшитилмайди. Ҳамма кўз узмай қараб турибди. Мурданинг икки жойидан ўқ теккан эди – юрагидан ва бир оз ундан пастроқдан. Қон пастки жароҳат атрофида қотиб қолганди. Тепасидагисини эса жароҳат деб ҳам бўлмайди. У ўқ тешган бир тешик эди, холос, атрофида зигирдек ҳам қон кўринмайди.

– Бунинг, – деди Зеб Стумп юқориги тешикни кўрсатиб, – ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Кўриб турганингиздек, бу ерда қон кўринмайди, бу эса ўқнинг мурдага текканини кўрсатади. Бу ўқни мустангер чайласи олдида мен узганман. Мана бу – иккинчиси, бу бутунлай бошқа гап. Уни ўлимга олиб келган жароҳат ҳам ана шу бўлган. Шунинг учун ўқ унинг ичида эканига ишончим зўр. Шу ерни очиб кўриш керак.

Мурдани ечдилар ва эгардан олдилар. Марҳум йигитчанинг танасини жуда авайлаб ўт устига қўйдилар. Сем

Менли бош хирурглик вазифасини бажарди. Ниҳоят, ўқни чиқариб олдилар. Уни маслаҳатчиларга бердилар. Унда «К. К. К.» деган уч ҳарф аниқ кўриниб турарди.

Ягуар овида иштирок этганларнинг ҳаммаси бу ўқ кимники эканини дарҳол фаҳмладилар.

– Бунга сиз нима дейсиз, мистер Стумп? – деб сўради ҳимоячи.

– Бу жуда оддий гап, она сути оғзидан кетмаган ёш бола ҳам буни тушунса керак. Йигитчани мана шу ўқ ўлдирган.

– Ўқни ким отган, сиз нима деб ўйлайсиз?

– Нима ҳам дердим, бу ундан ҳам тушунарли нарса. Ўзи ёзган хат тагига имзо қўйганда, у одамнинг ким эканини ҳеч янглишмай билиб олса бўлади. Мана бу ҳам худди ўшандай гап. Тўғри, унда фақат учта ҳарф бор, холос, менимча, бу ҳарфларнинг маъносини билиб олиш қийин эмас.

– Ўққа белги қилиб қўйилганлиги тўғри, – деб шошиб гапга аралашди қораловчи. – Эҳтимолки, у ўқ сеттментда таниқли бўлган жентльменники бўлса ажаб эмас. Шундай деб фараз қилайлик. Шундай бўлса ҳам бу ҳали ҳеч нарсани исбот қилмайди. Ўғирлаб олинган қурол билан қотиллик қилиш, кўп учрайдиган нарса. Бундан ташқари, марҳамат қилиб менга шуни айтсангиз, бундай қотилликнинг сабаби нима бўлиши мумкин, шундай шубҳа билдириш билан шарманда қилаётганингиз ўша одамни бу ишни қилишда қандай тажмин қилиш мумкин? Исмини тилга олмасак ҳам, бу ҳарфлар кимнинг исмини билдиришини ҳаммамиз биламиз. Ишонаманки, бу унинг исмини билдиришини ўша жентльменнинг ўзи ҳам инкор қилмайди. Лекин бу ҳали ҳеч нарсани билдирмайди. Унинг исмини бу жинойт билан боғлайдиган бошқа ҳеч қандай далил йўқ.

– Шундай деб ўйлайсизми? – деди Зеб Стумп. – Мана бунинг исмини нима деса бўлади?

Шундай деб Зеб халтачасидан чети куйган ва порохдан қорайиб кетган бир парча қоғоз чиқарди.

– Мен буни қотиллик юз берган жойга яқин бир ердан, чангаллар орасидан топдим, – деди кекса овчи



қоғозни маслаҳатчиларга узатар экан. – У акас дарахтининг тиканига илиниб қолган экан, тиканга эса ўқ узилган милтиқнинг оғзидан учиб чиқиб ёпишган. Менинг фикримча, бу бир парча қоғоз пиж ўрнида ишлатилган конвертнинг бир парчаси. Ўқиб кўринглар-а, жаноб маслаҳатчилар.

Маслаҳатчилардан бири қоғозни қўлига олди ва тахини ёзиб ўқиди:

«Капитан Кассий Колхаун!»

## ТЎҚСОН ОЛТИНЧИ БОБ

### ҚОЧДИ!

Бу исм суд ҳайъатига жуда кучли таъсир кўрсатди.

Айни вақтда одамлар орасидан қичқариқлар эшитилди. Бу қичқариқлар ҳайрон қолганликнинг нишониси эмасди! Йўқ! Бу қичқариқлар айбланувчини оқлар ва энг ўтакетган қораловчилардан бирини айбларди.

Зеб Стумпнинг сўзлари Морис Жералд Генри Пойндекстернинг ўлдирилишига мутлақо алоқадор эмаслигини очиқ-ойдин исбот қилди. Энди бунга ҳеч ким шубҳа қилмасди. Айни вақтда Колхаун қотил эканига ҳам ўшандай ишонч туғилди. Чети куйган бир парча қоғоз эса кетма-кет уланиб келган далил-исботларнинг сўнгиси бўлди.

Зебга яна сўз бердилар. У Колхаунга қарши кўнглида шубҳа қандай туғилганини, у жинойт изларини даштда қандай излаганини, капитан бошсиз чавандозни қувлаб юрганини икки марта қандай кўрганини сўзлаб берди. Барча тафсилотлар тўғрисида сўзлаб берар экан, у ҳатто от алмаштириш тўғрисида ҳам сўзлади. Лекин одамлар унинг гапларига энди қизиқмай қўйдилар.

– Ирландиялик йигитни озод қилинглар!.. Бизга бошқа далилларнинг кераги йўқ! Ҳаммаси равшан. Қўйиб юборинглар уни! – деган товушлар эшитилди.

Ундан бошқа яна ҳам талабчанлик билан айтилган қичқариқлар ҳам эшитиларди.

– Кассий Колхаунни ушланглар! Уни судга беринглар! Жинойтни ўша қилган экан! Шунинг учун ҳам

мустангерни ёмонотлиққа чиқаришга уринган экан. Агар у айбдор бўлмаса, буни исбот қилиб беради. Уни судга беринглар! Судга!.. Судья, амрингизни кутамиз: Колхаунни судланувчилар курсисига ўтказишни буюринг. Бегуноҳ одам бу курсида анча узоқ ўтирди!

Судья жуда кўпчилик бўлган бу одамларнинг иродасига қаршилиқ кўрсатолмади, шундан кейин капитан Кассий Колхаунни судга чақирдилар.

Жарчи унинг номини айтиб уч марта чақирди! Жавоб бўлмади. Ҳамма капитанни қидириб қолди. Бирдан Зеб Стумп ҳозиргина ўзи гувоҳлик берган жойдан нари кетди, у тезлик билан ўзининг қари бияси олдига қараб борарди.

Кекса овчи ҳаммани ҳайрон қолдирарлик даражада эпчилик билан отига миниб олди ва эман тагидан жўнаб кетди. Аини вақтда нариги тарафга боғлаб қўйган отлар орасидан аллакимнинг бораётганини кўриб қолдилар. У одам жуда эҳтиёт билан қадам босаётган бўлса ҳам ҳаракатлари тез эди.

Одамлар ҳар тарафдан:

– Бу ўша!.. Колхауннинг ўзи!.. Қочиб қолмоқчи! – деб қичқирдилар.

Судьянинг:

– Ушланглар уни! Ушланглар ва бу ерга олиб келинглари! – деган овози эшитилди.

Буйруқни такрорлашга ҳожат қолмади. Ўнлаб одамлар бараварига отлари олдига ташландилар. Колхаун ўз мустанги олдига энг олдин етиб келди ва сакраб унга миниб олди. Орқасига бир қараб қўйиб, дашт тарафга жуда тез от қўйиб кетди. Эликта чавандоз майорнинг: «Уни хоҳ ўлик, хоҳ тирик тутиб келинглари!» деган буйруғини олган ҳолда унинг кетидан от қўйдилар.

Капитан умрида ҳали ҳеч вақт бундай хавф остида қолмаган эди. Колхаун Рио-Гранде тарафга қараб от чоптириб борарди, лекин у Мексика чегарасидан ўтиб, нариги тарафда жон сақламоқчи эмасди, у команчилар вигвамида жон асрамоқчи эди. Ҳеч қандай фалокат ҳам унинг бошига ҳозир тушган мусибатга тенг бўлолмасди. Эҳтимол, у кейинчалик ўйлаган иши-

га пушаймон бўлар. У давлатидан, дўстларидан, маданий жамиятдаги тутган ўрнидан маҳрум бўлади. Бу ҳам оз – у севимли қиздан жудо бўлиш хавфи остида. Лекин ҳозир бу тўғрида ўйлаб кўришга вақт йўқ. Кассий Колхаун учун ҳаёт муҳаббатдан ҳам қимматлироқ. Кук мустанг араб отидек учқурлик билан қотилни олиб кетмоқда. Бундай тез чопишга у чидаш берармикан?

«Мексикалик қиз билан от алмаштириб қандай яхши иш қилган эканман-а! Агар унинг мустанги бўлмаганда, мен аллақачон судья ва оломон қаршисида турган бўлардим», – деб ўйларди Кассий Колхаун.

Кассий Колхаун бундай кўрқинчли тақдирдан энди ортиқ кўрқмайди, у хавф орқада қолди деган фикр билан ўзига далда берарди. У орқасига қаради ва чавандозларнинг жуда орқада қолиб кетганини кўрди.

Капитан олдинга қаради, олдинда саваннанинг ям-яшил ўтлоқлари орасида ўрмоннинг қораси кўришиб қолганди. Жиноятчи ўрмонга етиб олса жонини асраб қолишига шубҳа қилмасди.

## ТЎҚСОН ЕТТИНЧИ БОБ

### ҚОТИЛ КЕТИДАН ҚУВИШ

– Наҳотки қотилга етолмасалар? – деб сўрардилар беихтиёр дарахт тагида қолганлар.

Даштда ҳарбийлар ва гражданлардан иборат бўлган эликта чавандоз от қўйиб борарди, улар орасида Зеб Стумп ҳам бор. Етолмай қолишлари мумкин эмас!

Мана қотилни қувиб кетаётганларга яна бир киши қўшилди, бу ўзининг учқур отига миниб олган Морис Жералд. Ҳамма диққат билан уни кузатиб турибди. Жиноятчига етиб олишларига, уни тутишларига ва судга олиб келишларига энди ҳеч ким шубҳа қилмай қўйди.

Колхаун ўзининг қутулиб кетганига ишониб улгурмасданоқ орқасига бир қаради-ю, тўриқ отни кўриб қолди. Лекин унинг устидаги одам энди илгариги калласиз мурда эмас, Морис Жералд эди. Унинг қўлидан қочиб қутулиб бўпсан! Қочқиннинг баданидан муздек

тер чиқди. Лекин ўзи яқинлашиб қолган чангалларни кўрганда юрагида яна умид учқунлари чақнади.

У ўзининг қийналиб кетган кўк мустанг отига яна шпор урди. Мана йўлак. Колхаун унинг ичига кириб кетди. Кескин бурилиб кетадиган жойга ҳам етиб келди. Қуюқ чангаллар орасига кириб яширинса бўлади. Лекин қайда дейсиз! Орқасидан тўриқ мустангнинг туёқ товушлари эшитилиб қолди. Мустангер эса капитаннинг тўхташини талаб қилиб қичқиради эди.

Кассий Колхаун умидсизликдан қичқириб юборди-да, отининг жловини тортди ва шу вақт тўшпончасини қўлига олди. Ўқ товуши эшитилди. Ўқ ҳуштак чалиб ҳавони кесиб ўтди. Худди шу пайт вишиллаган товуш эшитилди. Назарида капитаннинг боши устида илон билан глаётгандек туюлди. Тўшпончанинг тепкисини яна бир марта босишга фурсат йўқ. Камандга чап беришга ҳам фурсат қолмади, каманд сиртмоғи унинг елкасига келиб тушди. «Таслим бўл, қотил!» деган қичқирдиқ эшитилди. Кассий Колхаун тўриқ отнинг бурилаётганини кўрди, бир дақиқадан кейин у эгардан учиб тушди. Шундан кейин Колхаун ҳеч нарсани эшитмади, кўрмади ва сезмади. У гуп этиб ерга йиқилиб ҳушидан кетди.

## ТЎҚСОН САККИЗИНЧИ БОБ

### ҲАЛИ ТИРИК

Қотил ерда чўзилиб ётарди. Унинг қўллари арқон билан боғланган. Ўлиб қолганга ўхшарди. Лекин уни асирга олган одам бошқача фикрда эди. У капитан ё ҳушидан кетиб ётибди ёки муғомбирлик қиляпти деб ўйларди. Муғомбирлик қилаётган бўлмасин деб Морис эгардан тушмади, камандни таранг тортиб турди. Эгасининг ҳар бир амрига сўзсиз бўйсунадиган от истаган пайтда ё орқага ёки олдинга ташланиш учун тайёр ҳолда қимир этмай турарди.

– Унинг қандай жиноят қилганини ўйлаб кўрсанг, юрагинг орқага тортиб кетади! – деб ўзича ғудраниб қўйди мустангер. – Тоғасининг ўғлини ўлдириб, калла-

сини узиб ташлабди-я! Униси ҳам, буниси ҳам шунинг иши эканига шубҳа йўқ. Лекин бундай қилишга уни нима мажбур қилди экан? Буни фақат унинг ўзи айтиб бера олади.

– Янглишасиз, йигит, – деган товуш эшитилди бир четдан. – Бу барча саволларингизга жавоб бера оладиган одам бор. Кекса Зеб Стумп амрингизга мунтазир. Лекин ҳозир бу тўғрида гаплашиб ўтирадиган вақт эмас. Биз уни эман дарахти остига олиб боришимиз керак. У ерда эса жиноятчи қилмишига яраша жазосини тортади.

– Лекин биз уни қандай қилиб олиб кетамиз? Унинг оти қочиб кетди.

– Жуда осон, мистер Жералд, у шунчаки ҳушидан кетиб ётибди, эҳтимолки, ўзини ўлганга солиб ётгандир. Борди-ю, у пиёда боролмайдиган бўлса, от миниб бора қолсин, уни менинг биям олиб боради. От миниб жуда ҳам жонимга тегди. Афтидан, мен ҳам қари биямнинг жонига жуда теккан бўлсам керак. Агар у майнабозчиликни ташлаб эгарда айтганимиздек жим ўтирмаса, унда биз уни болаб буғу танасини ортгандек эгарга ўнгарамиз... Тўхта! Ўзига келаётганга ўхшайди... Туринг ўрнингиздан, шоввоз! – деб давом этди, Зеб Колхауннинг ёқасидан ушлаб ва қаттиқ-қаттиқ силтаб. – Туринг деяпман сизга, кетамиз бу ердан. Бизни кутиб туришибди. Баъзи одамлар сиз билан бир гаплашиб қўймоқчи.

– Ким? Қаерда? – деб сўради асир атрофга аланглаб. – Ким мен билан сўзлашмоқчи?

– Даставвал мен.

– Ҳа-а! Сизмисиз, Зеб Стумп?

– Бу эса мистер Морис Жералд, мустангер. У билан сиз олдин ҳам учрашган эдингиз, шекилли. У ҳам сиз билан бир гаплашиб қўймоқчи. Бундан ташқари, қалъа олдида ҳар хил бошқа одамлар ҳам кўп, уларнинг ҳаммаси сизни кутиб турибди. Шунинг учун яхшиси тезроқ ўрнингиздан туринг-у, биз билан юринг.

Колхаун секин-аста ўрнидан турди. Унинг қўлларини каманд сиртмоғи маҳкам қисиб турарди.

– Менинг отим қани? – деб қичқирди у атрофга аланглаб қараб. – Қани менинг отим?

– Қаёққа қараб қочиб қолганини ким билади дейсиз. Эҳтимол, ўз уйига, Рио-Грандега қайтиб кетгандир. Сиз уни шундай уринтириб юбордингизки, бечора жонивор қўлингизга тушганига роса пушаймон бўлса ҳам ажаб эмас, бир оз дам олиш учун ўзи ўсган ўтлоқларга кетган бўлса ҳам эҳтимол.

Колхаун кекса овчига ҳайрон бўлиб қараб турарди. От алмаштириш деди-я? Ҳатто шуни ҳам билар экан-да?

– Қани, – деб давом этди Зеб сабрсизлик билан, – судни куттириб қўйиш яхши эмас. Тайёрмисиз?

– Нимага?

– Биринчидан, мен ва мистер Жералд билан бирга қайтишга. Иккинчидан, суд олдида жавоб беришга, бу энг муҳими.

– Суд дейсизми? Мен судда жавоб беришим керакми?

– Ҳа, сиз мистер Колхаун.

– Қандай айб билан?

– Сиз Генри Пойндекстерни, тоғангизнинг ўғлини ўлдиришда айбланасиз.

– Ёлғон! Буни ким айтган бўлса ҳам ғирт ёлғон!

– Жим! – деб қичқирди амирона бир оҳангда Зеб. – Ҳар хил гап-сўзлар билан ўзингизни уринтирманг. Агар Зеб Стумп янглишмаётган бўлса, ҳали кўп гапиришингиз керак бўлади. Энди эса кетдик. Судья, маслаҳатчилар, шунингдек, олтмишта регуляторлар кутиб турибдилар.

– Мен бормайман! – деб жавоб берди Колхаун, тақаббурилик билан. – Менга буйруқ беришга сизга ким ҳуқуқ берди? Сизни бунга ҳеч ким вакил қилгани йўқ...

– Наҳотки? – деб унинг гапини бўлди Зеб. – Менга бу ҳуқуқни адолатнинг ўзи берди, – деб давом этди овчи, милтиғини қўлига олиб. – Мана буни кўряпсизми? Ўз ҳуқуқимдан фойдаланишдан бош тортмайман ҳам. Шунинг учун яхшиси гап қайтаришни бас қилинг. Мен сўзларингизни эшитиб, индамай тураверадиганлардан эмасман. Яхшиси менинг биямга мининг-да, тинчгина йўлга тушинг. Бўлмаса сизни оддий бир юкдек от устига боғлаб қўйишга тўғри келиб қолади. Қайтишингиз керак, вассалом.

Колхаун жавоб бермади. У умидсизлик билан гоҳ Стумпга, гоҳ Жералдга, гоҳ атрофига қаради, кейин чўнтагида кўришиб турган ўз тўппончасига ўғринча бир назар ташлаб олди – тўппончани олишга уришиб кўрди. Унга каманд, каманддан ташқари, милтиғини унга ўхталиб турган кекса Зеб Стумп халақит қиларди.

– Тезроқ! – деб қичқирди овчи. – Отга мининг, мистер Колхаун! Сизни қари бия кутиб турибди. Отга мининг деяпман сизга.

Капитан овчининг буйруғига кўр-кўрона бўйсунди ва отга минди. У муқаррар турган ўлим хавфи остида шундай қилди.

Зеб Стумп биянинг жиловидан ушлаб олди-да, етаклаб кетди.

Мустангер хаёлга чўмиб, улар орқасидан эргашди. У ўзини чин қалбдан севган ва унинг қалбини ҳам бутунлай эгаллаган қиз тўғрисида ўйлар эди.

## ТЎҚСОН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

### КЕТМА-КЕТ УЗИЛГАН ИККИ ЎҚ

Биринчи танаффусдан камроқ чўзилган, тўсатдан бўлиб қолган иккинчи танаффусдан кейин суд катта эман дарахти тагида яна ўз ишини давом эттирди. Кеч кирди. Қуёшнинг қия тушаётган нурлари ғуж ўсган дарахтлар ўраб турган жойни ёритиб турарди. Бу нурлар кундузгидагидек олтин нурлар эмас, балки аллақандай қип-қизил, улар момақалди роқ бўлишидан дарак берарди.

Судланувчилар қора курсисида энди Морис Жералд эмас, балки Кассий Колхаун ўтирарди.

Суд мажлисидаги бирдан бир ўзгариш шу эди, холос.

Судья ҳам ўша, маслаҳатчилар ҳам ўша, одамлар ҳам ўша. Фарқ фақат айбланувчига бўлган муносабатда.

Унинг айбдорлигига энди ҳеч ким шубҳа қилмасди. Айбдор экани аниқ. Бутун далиллар бор.

Агар таъбир жоиз бўлса, фақат калаванинг бир учигина ечилмай қолган эди. Қотилликка нима сабаб

бўлгани номаълум эди. Нима учун Кассий Колхаун ўз тоғасининг ўғлини ўлдирди экан? Нима учун унинг калласини узиб ташлади экан? Бу саволга қотилнинг ўзидан бошқа ҳеч ким жавоб беролмасди.

Суд мажлиси тез тугади. «Айбдор» деган ҳукм чиқарилди. Шундан сўнг судья бошидан панамасини ечиб, ҳукмни эшиттириш учун ўлим белгиси бўлган ёқимсиз қора шапкачасини кийишга ҳозирлик кўра бошлади.

Расмиятчиликка риоя қилиб, айбланувчига охирги сўз берилди.

У чўчиб тушди. Бу таклиф унинг қулоғида дафн маросимида эшитиладиган товушдек мудҳиш жаранглади. У атрофга жовдираб қаради, унинг назарида умидсизлик акс этарди, ҳеч кимда ҳам заррача бўлса-да ачиниш аломатларини кўрмади. Шунингдек, у ҳеч кимнинг назарида раҳм-шафқат ҳам кўрмади – ҳамманинг юзи қаҳрли эди.

Унинг шериклари, охирги пайтгача уни қўллаб-қувватлаган ёлланган бандитлар эса алақаёққа ғойиб бўлиб қолишганди.

Ўзининг жамиятда тутган ўрнига, пир-у бадавлатлигига қарамай, у ёлғиз қолган эди. Жиноятчиларнинг тақдири ана шундай бўлади. Унинг ўзини тутиши ҳам бутунлай ўзгариб қолди: одатдаги такаббурлик ва кериклик ўрнига у қўрқоқлик ва юраксизлик қилмоқда эди.

Аҳволи танг эканини, гўр оғзига келиб қолганини яхши билар эди...

Лекин тўсатдан сўниб қолган кўзларига жон кирди. Миясига гўё алақандай бир фикр келиб қолгандек эди. Эҳтимол, қилган жиноятларига тавба-тазарру қилар?

Одамлар унинг ниятига тушуниб, нафасларини ичларига ютиб турардилар. Ҳатто чиридоқ саратонлар ҳам жим бўлиб қолгандек туюларди. Жимликни судьянинг овози бузди:

– Ўлим жазосини ўзгартириш учун ўзингизни оқлайдиган бирор нарса айта оласизми?

– Йўқ, – дебжавоб берди у, – айтадиган гапим йўқ. Ҳукм адолатли. Мен ўлим жазосига лойиқман.



Одамларни ҳаяжонга соладиган ҳодисаларга тўла бўлган бугунги кунда йиғилганлар ҳозирча сира ҳам ҳайронликка тушмаган эдилар. Жимжитлик ичида яна судланувчининг овози эшитилди:

– Тўппа-тўғри, деб давом этди Колхаун, – Генри Пойндекстерни мен ўлдирдим, уни ўрмон чангаллари орасида отиб ташладим...

Бу эътирофни эшитган одамлар орасидан даҳшатдан ўзини тутиб туrolмай қичқариб юборган кишилар товуши эшитилди. Айни вақтда қаттиқ оҳ товуши ҳам эшитилдики, бунинг ўлдирилган йигитчанинг отаси товуши эканини ҳамма биларди.

– Ўлишим муқаррарлигини биламан, – деб давом этди Колхаун зоҳирий бир хотиржамлик билан. Чиқарган ҳукмингиз шундай; башараларингизга қараб, ҳукмни ўзгартириш ниятида эмаслигингизни кўриб турибман. Айбимни бўйнимга олганимдан кейин гуноҳимни кечишларингизга умид қилишим жуда қизиқ бўлар эди. Ҳақиқатан ҳам қаттиқ жазога лойиқман. Лекин ҳар ҳолда мен дунёдан ўтакетган қотил деган шармандали ном олиб кетмоқчи эмасман. Мендан нима учун ўлдирдинг, бу жиноятни қилишга қандай асосларинг бор эди, деб сўраяпсизлар. Уни ўлдиришга ҳеч қандай асосларим йўқ эди.

Одамлар яна ҳаяжонга тушиб қолдилар. Бу ҳаяжон ҳайронлик, қизиқиш ва ишончсизликни акс эттирарди. Лекин ҳамма жим, судланувчининг сўзлашига ҳеч ким халақит қилмасди.

– Бунга ҳайрон бўляпсизларми? Лекин изоҳи оддий: мен уни янглишиб ўлдириб қўйдим.

Одамлар орасидан ҳайрон қолиб айтилган хитоблар эшитилди. Айбланувчи давом этди:

– Ҳа, янглишиб ўлдириб қўйдим. Буни билиб қолганимда қандай қийналганимни айтиб бериш жуда қийин. Мен буларнинг ҳаммасини хийла вақт ўтгандан кейин билиб қолдим...

Ҳукм қилинган йигит гўё ўзига раҳм-шафқат уйғотишга муяссар бўлгандек тик боқди. Лекин одамларнинг қаҳрли юзида у ҳеч қандай раҳм-шафқат кўрмади.

– Мен ўзим ўлдирмоқчи бўлган бир одам борлигини инкор қилаётганим йўқ, – деб давом этди Колхаун, – инкор қилолмайман ҳам. Мана у, ўша аблаҳ, менинг қаршимда ўтирибди!

Колхаун Морис Жералдга ғазаб билан қараб қўйди. У эса бунга хотиржамлик билан парво қилмай қараб турарди.

– Ҳа, мен шуни ўлдирмоқчи эдим. Бунга менинг ўз асосларим бор эди, улар тўғрисида гапириб ўтирмайман. Ҳозир фойдаси йўқ. Мен уни ўлдирдим деб ўйлаган эдим, лекин машғум хато юз бериб тоғамнинг ўғлини ўлдириб қўйибман. Бу ирланд ити Генри Пойндекстер билан плашч ва шляпасини алмаштириб олганини қаёқдан ҳам билай?.. Қолганлари ўзингизга маълум. Мен душманимни мўлжалга олдим-у, дўстимга ўқ уздим. Узган ўқим, афтидан, кор қиладиган даражада ярадор қилганди, чавандоз отдан йиқилди. Лекин шубҳам қолмаслиги учун ёнимдан пичоғимни чиқардим. Лаънати серапе ҳали ҳам мени алдарди ва калласини узиб ташладим.

Ўч олишни талаб этган қичқирдиқлар эшитилди.

– Энди эса, – деб қичқирди Колхаун одамлар орасидаги ҳаяжон бир оз босилгандан кейин, – бўлган ишларнинг ҳаммасидан хабардор бўлдинглар, лекин булар нима билан тутагини билмайсизлар! Кўриб турганингиздек, мен гўр ёқасида турибман, лекин унга мана бу аблаҳни ҳам тикмагунимча асло тушмайман! Худо ҳаққи, бошқа иложим йўқ!

Колхаун сўзини тутатмасиданоқ қўлида тўшпонча ярақлади.

Дарҳол кетма-кет узилган икки ўқ товуши эшитилди.

Икки киши ерпарчин бўлиб йиқилди. Улар қимир этмай бошлари бир-бирига теккан ҳолда ётар эдилар.

Улардан бири мустангер Морис Жералд, иккинчиси Кассий Колхаун, отлиқ аскарлар капитани.

Одамлар уларни чор атрофдан ўраб олдилар. Кўринишдан иккаласи ҳам ўлган эди.

Ўлик жимлик ичида аёл кишининг юракни эзиб юборадиган фарёди эшитилди.

## ЮЗИНЧИ БОБ

### ШОДЛИК

Шодлик!

Ҳа, Луиза катта эман дарахти соясида капитан фақат ўзини-ўзи ўлдирганини, рақибини эса ўлдиролмаганини билганда худди ана шундай ҳисни сизди.

Фожиали воқеалар туфайли ғам-аламдан сиқилган юраги бахтли ҳаяжонларни сезмай қолмади.

Ёш қизни бунинг учун ким ҳам айблар эди?

Фақат мен эмас. Агар самимий бўлсангиз сиз ҳам айбламайсиз.

Кассий Колхауннинг Морис Жералд қалбига қараб отган ўқи Луиза муҳаббатим нишонаси деб берган совғаси – туморга тегиб сачраб кетганди. Кўкрагида асраб юрган кичкинагина тумор унинг ҳаётини сақлаб қолди. Лекин ҳар ҳолда ўқ беэиён бўлмади. Эсанкиратиб қўядиган даражада тез берилган зарба ўзи ҳам жуда ишдан чиқиб қолган ирландиялик йигитнинг асабларини баттар ишдан чиқарди, у яна ҳушдан кетди.

Лекин бемор энди қонхўр коётлар ва қора калхатлар ўровида қолган ҳолда ўрмон чангаллари ичида эмас, чайлада эмас, мутлақо парвариш қилинмади дейиш мумкин бўлган қамоқда эмасди.

Эси ўзига келганда, у тўшаги тепасида ўтирган севимли қиз, Луиза Пойндекстерни кўрди. Энди қизга беморга қараб туриш учун ҳеч ким халақит бермасди. Ҳеч ким, ҳатто отаси ҳам. Бошига тушган ғам-аламлар кекса плантаторнинг мағрурлигини синдирди. Энди у қизи билан Морис Жералднинг никоҳига ортиқ эътироз билдирмасди, тўғриси айтганда, эътироз билдиришнинг ўрни ҳам йўқ эди. Ирландиялик йигит Техаснинг бепоён даштларида ёввойи от ов қилиб вақт ўтказишни истаган оддий одам эмасди, у яхши оиладан чиққан маълумотли киши эди.

Яна бир сабаб ҳам бор эдики, бу Вудли Пойндекстернинг кўнглига ёқмади деб сира ҳам айтиб бўлмас керак. Ирландиядан келган юрист Морис Жералдни

боласиз ўтиб, яқинда вафот этган бир бадавлат қариндошининг меросхўри эканини билдирди.

Кассий Колхауннинг мол-мулклари Янги Орлеанда турадиган ўғлига ўтиб кетди.

Тўйдан кейин Луиза билан Морис Жералд Европани саёҳат қилишга жўнадилар. Улар Мориснинг ватанига ҳам бордилар. Ирландиялик йигитни соғиниб ўтирган мовий кўзли гўзал қиз Фелимнинг хом хаёллари бўлиб чиқди. Ирландияга борганларида Морис Жералднинг ёш хотини бир марта ҳам рашк қийноғига учрамади. Фақат Каса-дел-Корвога қайтиб келганларидан кейин яна бир марта рашк қийноғини бошидан кечирди. Бир куни эри қўлида чиройли бир қизни кўтарган ҳолда уйга қайтди. Қизнинг кўкрагидан қип-қизил қон оқиб турарди. Қиз ҳали тирик, лекин бир неча дақиқалик умри қолган эди.

Қиз «Ким қилди буни?» деган саволга «Диаз, Диаз!» деб жавоб бера олди. Бу Исидора Коварубио де Лос-Ланоснинг охириги сўзлари эди. Исидора ўлими билан Луизанинг рашки ҳам бирга ўлди. Рашк уни ортиқ ҳеч вақт ҳаяжонга солмади. Рашк бечора сеньоритага нисбатан ачиниш ҳислари билан алмашинди. Морис қотилни қувиб етмоқчи ва ўч олмоқчи бўлганда, ёш креол аёлнинг ўзи тўриқ мустангни эгарлашда эрига ёрдам берди.

Луиза Диазни мустангернинг каманди сиртмоғида кўриб мамнун бўлди. У бир тўда регуляторлар масалани дарҳол ҳал қилганда ва ўша заҳотиёқ Диазни дарахт шохига осганларида ҳам мексикалик мустангерни ҳимоя қилиб ўтирмади.

Орадан ўн йил ўтди. Бу вақтда Техасда, айниқса, Лео-она ва Нуесес дарёлари атрофидаги септлментда анча ўзгаришлар бўлди. Илгари ўтиб бўлмас ўрмон чангаллари ўсиб ётган ерларда плантациялар пайдо бўлди. Бир вақтлар мустанг уюрлари ўтлаб юрадиган ёввойи даштда катта-катта шаҳарлар қурилди. Сиз энди одамларнинг янги исмини, янги жойлар ва янги қишлоқлар номини эшитасиз. Лекин эски Каса-дел-Корво гасиендаси ўзининг илгариги номини сақлаб қолди. У ерда сиз ўзингизга таниш бўлган одамларни ҳам топасиз.

Гасиенда хўжайини – бутун Техасдаги энг чиройли йигитлардан бири, унинг хотини эса бу ўлкадаги энг гўзал хотинлардан. Булар Морис Жералд билан Луиза.

Сиз у ерда кекса Вудли Пойндекстерни ҳам учратасиз. У сизни ўзининг мол-қўраларига олиб боради, молларини кўрсатади ва плантация ўтлоқларида боқилаётган от уюрлари тўғрисида ғурур билан сўзлаб беради.

Гасиенда ҳовлисида олтига ёш боланинг қўнғироқдек товушларини эшитасиз. Булар Пойндекстернинг набиралари, қарилигининг қувончи.

Агар отхонага назар ташласангиз, у ерда ўзингизнинг эски танишингиз, Фелим О'Нилни кўрасиз. У Каса-дел-Корвода отбоқар вазифасини бажаради. Шу ерда сиз қора танли Плутони ҳам учратасиз, энди у фақат кучерлик вазифасини адо этади. У отларни ҳар замонда бир карета козласига чиқишидан ва жиловни қўлга олишидан илгари бир кўздан кечириб кўяди.

Плутонинг хотини бор, у ўқувчиларга таниш бўлган Флоринда. Дастурхон устида Каса-дел-Корвода сиз яна бир таниш исмни – кекса овчи Зеб Стумпнинг исминини эшитасиз. Дастурхонда қовурилган курка ёки буғу гўшти пайдо бўлиши биланоқ, дарҳол Зеб Стумп тўғрисида суҳбат бошланади. Унинг номини айниқса дастурхонга вино қўйилганда кўп тилга оладилар.

Тўғри, Зебнинг ўзини у ерда кам учратасиз. У гасиендадагилар ўринда ётганда чиқиб кетади, одамлар уйқуда бўлганда қайтиб келади. Лекин унинг ов ўлжалари кекса Стумпнинг бу уйнинг оила аъзоларидан бири эканини аниқ-равшан кўрсатиб туради.

Каса-дел-Корвога борганингизда деярли афсонага айланиб қолган сирли воқеалардан парчалар эшитиб қолсангиз ҳам ажаб эмас.

Хизматкорлар у воқеаларни тўлиқ – бошидан охиригача сўзлаб беришдан ҳам бош тортмайдилар, лекин буни шивирлаб сўзлаб берадилар. Бу уйда тақиқланган мавзу, у гасиенда хўжайинларининг эсига ғамгин хотираларни келтиради.

Бу – бошсиз чавандоз тўғрисидаги қисса.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима .....	3
Биринчи боб. Ёндирилган дашт .....	5
Иккинчи боб. Каманд изи .....	12
Учинчи боб. Дашт маёғи .....	21
Тўртинчи боб. Қора норд .....	26
Бешинчи боб. Мустанг овчисининг турар жойи .....	33
Олтинчи боб. Хол-хол мустанг .....	39
Еттинчи боб. Нотинч ўтган кеча .....	46
Саккизинчи боб. Мингоёқ .....	52
Тўққизинчи боб. Чегарадаги қалъа .....	57
Ўнинчи боб. Каса-дел-Корво .....	63
Ўн биринчи боб. Овчининг тўсатдан қайтиши .....	69
Ўн иккинчи боб. Ёввойи отни бўйсундириш .....	74
Ўн учинчи боб. Дашт сайри .....	83
Ўн тўртинчи боб. Манада .....	88
Ўн бешинчи боб. Қочқоқ қизга етиб олдилар .....	92
Ўн олтинчи боб. Ёввойи мустанглар .....	98
Ўн еттинчи боб. Мустангларга тузоқ .....	103
Ўн саккизинчи боб. Рашк издан олиб борди .....	110
Ўн тўққизинчи боб. Сув қўшилган виски .....	117
Йигирманчи боб. Хавфли вазият .....	122
Йигирма биринчи боб. Майхонада дуэл .....	129
Йигирма иккинчи боб. Сирли соя .....	131
Йигирма учинчи боб. Ўч олиш онти .....	137
Йигирма тўртинчи боб. Азотеяда .....	140
Йигирма бешинчи боб. Берилмай қолган совға .....	142
Йигирма олтинчи боб. Яна азотеяда .....	147
Йигирма еттинчи боб. Эътироф .....	149
Йигирма саккизинчи боб. Тақиқланган шодлик .....	153
Йигирма тўққизинчи боб. Эл-Коёт ўз уйида .....	157
Ўттизинчи боб. Ҳаво почтаси .....	161
Ўттиз биринчи боб. Муваффақиятли ўтиб олиш .....	163
Ўттиз иккинчи боб. Нур ва соя .....	165
Ўттиз учинчи боб. Аламли ҳақиқат .....	168
Ўттиз тўртинчи боб. «Рицарлик» рағбати .....	170
Ўттиз бешинчи боб. Илтифотсиз хўжайин .....	173
Ўттиз олтинчи боб. Уч киши бир йўлда .....	176

Ўттиз еттинчи боб. Одам йўқолди .....	181
Ўттиз саккизинчи боб. Қидиришга .....	185
Ўттиз тўққизинчи боб. Қон ҳалқоби.....	188
Қирқинчи боб. Белгили ўқ.....	194
Қирқ биринчи боб. Тўрт чавандоз.....	198
Қирқ иккинчи боб. Калхатлар йиғилди .....	202
Қирқ учинчи боб. Мустангер чайласида .....	209
Қирқ тўртинчи боб. Тўрт команчи.....	214
Қирқ бешинчи боб. Таваккалига қидириш .....	221
Қирқ олтинчи боб. Яширинча эътироф .....	228
Қирқ еттинчи боб. Ушлаб қолинган хат .....	235
Қирқ саккизинчи боб. Исидора .....	240
Қирқ тўққизинчи боб. Каманд ечилади .....	248
Эллигинчи боб. Коётлар билан олишув .....	254
Эллик биринчи боб. Маст-аласт.....	258
Эллик иккинчи боб. Уйғониш .....	263
Эллик учинчи боб. Айни вақтда .....	269
Эллик тўртинчи боб. Дашт тахтиравони.....	274
Эллик бешинчи боб. Янгиликлар куни .....	278
Эллик олтинчи боб. Иблисга узилган ўқ .....	285
Эллик еттинчи боб. Шартлашилган сигнал .....	292
Эллик саккизинчи боб. Заҳар бўлган бўса .....	297
Эллик тўққизинчи боб. Чайладаги учрашув .....	303
Олтмишинчи боб. Чақув .....	306
Олтмиш биринчи боб. Бемор тўшаги ёнида .....	311
Олтмиш иккинчи боб. Юрак ҳовучлаб кутиш .....	316
Олтмиш учинчи боб. Регуляторлар суди.....	321
Олтмиш тўртинчи боб. Бир қатор интермедиялар ...	326
Олтмиш бешинчи боб. Яна битта интермедия .....	331
Олтмиш олтинчи боб. Команчилар қувган қиз.....	337
Олтмиш еттинчи боб. Ҳиндулар .....	340
Олтмиш саккизинчи боб. Муваффақиятсиз сафар....	344
Олтмиш тўққизинчи боб. Сир ва мотам .....	349
Етмишинчи боб. Зебга оқ йўл.....	354
Етмиш биринчи боб. Тўриқ от .....	359
Етмиш иккинчи боб. Зеб Стумп изга тушди.....	366
Етмиш учинчи боб. Даштдаги орол .....	369
Етмиш тўртинчи боб. Ношуд от тутувчи.....	372
Етмиш бешинчи боб. Издан.....	374

<i>Етмиш олтинчи боб. Бўр даштида йўқолди .....</i>	377
<i>Етмиш еттинчи боб. Калаванинг бошқа учи .....</i>	381
<i>Етмиш саккизинчи боб. От алмаштириш .....</i>	383
<i>Етмиш тўққизинчи боб. Толмас изқувар .....</i>	387
<i>Саксонинчи боб. Яхши кузатилган дарвоза.....</i>	388
<i>Саксон биринчи боб. Жон ҳолатда қочиб қолиш .....</i>	392
<i>Саксон иккинчи боб. Қўрқинчли тугун .....</i>	395
<i>Саксон учинчи боб. Қонун нозирлари.....</i>	398
<i>Саксон тўртинчи боб. Меҳрибон жиян .....</i>	400
<i>Саксон бешинчи боб. Мулойим аммавачча.....</i>	406
<i>Саксон олтинчи боб. Техас суди .....</i>	411
<i>Саксон еттинчи боб. Сохта гувоҳ.....</i>	415
<i>Саксон саккизинчи боб. Зўраки гувоҳ .....</i>	418
<i>Саксон тўққизинчи боб. Айбланувчининг сўзи.....</i>	422
<i>Тўқсонинчи боб. Мажлиснинг тўсатдан узилиши ....</i>	426
<i>Тўқсон биринчи боб. Ўрмон чангаллари орасида</i> <i>қувиш .....</i>	428
<i>Тўқсон иккинчи боб. Мажбуран қайтиш.....</i>	430
<i>Тўқсон учинчи боб. Бошсиз мурда.....</i>	433
<i>Тўқсон тўртинчи боб. Сир очила бошлади .....</i>	438
<i>Тўқсон бешинчи боб. Охирги гувоҳ.....</i>	442
<i>Тўқсон олтинчи боб. Қочди! .....</i>	448
<i>Тўқсон еттинчи боб. Қотил кетидан қувиш .....</i>	450
<i>Тўқсон саккизинчи боб. Ҳали тирик.....</i>	451
<i>Тўқсон тўққизинчи боб. Кетма-кет узилган</i> <i>икки ўқ.....</i>	454
<i>Юзинчи боб. Шодлик.....</i>	458



*Адабий-бадиий нашр*

ТОМАС МАЙН РИД

**БОШСИЗ ЧАВАНДОЗ**

*РОМАН*

Муҳаррир  
Муҳайё РИХСИБЕКОВА

Бадиий муҳаррир  
Суннат МУСАМЕДОВ

Мусаҳҳиҳ  
Мадина МАҲМУДОВА

Компьютерда саҳифаловчи  
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник муҳаррир  
Умид ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АИ № 252, 2014 йил 2 октябрда берилган.

Босишга 03.03.2017 й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 14,5. Шартли босма тобоғи 24,36.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 67.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриётида тайёрланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

***Мурожаат учун телефонлар:***

Нашр бўлими – 147-00-14; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс – 273-00-14; e-mail:

yangiasravlodi@mail.ru



## Томас Майн Рид (1818-1883)

1818 йил 4 апрелда Ирландияда туғилган. Бошланғич ва ўрта таълимни олгач, 1840 йилда Америкага йўл олади. Мексика урушида (1846 – 1848 й.й.) журналист сифатида иштирок этади. Унинг илк романи «Отилган ёйлар» мазкур уруш ҳақида ёзилган.

Томас Майн Риднинг «Чўлдаги уй», «Оқ бизон ортидан», «Гудзонов кўрфази», «Ўрмонга қувилганлар», «Овчилар байрами», «Оқ танли оқсоқол», «Жонли табиат», «Ёш овчилар ёки Жанубий Африкадаги саргузаштлар ҳақида қисса» каби саргузашт асарлари ҳозир ҳам севиб ўқилади.

Адиб «Бошсиз чавандоз» романи билан шуҳрат қозонди, у ижодкорнинг шоҳ асари сифатида эътироф этилди. Унда оташин муҳаббат, ҳақиқатнинг ноҳақлик устидан тантанаси тасвирланади, инсон ирқидан, миллатидан қатъи назар, ақл ва онг эгаси сифатида қадрланиши зарурлиги таъкидланади.

Томас Майн Рид 1883 йилда Лондонда 65 ёшида вафот этади.



ISBN 978-9943-27-784-7



9 789943 277847